

*Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожда алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.*

*Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.*

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**


ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

---

# ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

---

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



ТОШКЕНТ - 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

# ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН ИККИНЧИ ЖИЛД

\*\*\* \*\*

*Қосимжон СОДИҚОВ*

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ  
ТИЛИНИНГ ФОНЕТИКАСИ

\*\*\* \*\*

*Ваҳоб РАҲМОНОВ*

МУМТОЗ СЎЗ БАДИИЯТИ

*Иномжон АЗИМОВ*

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ  
АСАРЛАРИДА КЕСИМ МАРКАЗЛИ БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ  
ШАКЛИЙ ВА МАЗМУНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг  
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров,  
Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шухрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева,  
Муҳаммадjon Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов,  
Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,  
Султонмурод Олим, Шухрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов,  
Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

**ИЖОДИЙ ГУРУҲ**

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,  
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

**ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИ  
ТИЛИНИНГ ФОНЕТИКАСИ**



## КИРИШ

Ўзбек адабий тили тарихида, унинг юксалиши, ёзув меъёрлари, ёзма тил фонетик, лексик-семантик, грамматик ва услубий ўлчовларининг қатъийлашувида Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ижоди, ёзма мероси, саъй-ҳаракати улуғдир.

Ўзбек адабий тили тарихининг энг гуллаган, такомил чўққисига эришган классик даври соҳибқирон Темурбек ва темурийлар қудратли салтанат қуриб, юртни бошқарган замонларга тўғри келади. Темурийлар даврида давлат ва жамият бошқарувида, халқаро-дипломатик алоқаларда, бадий адабиётда туркий тилнинг обрў-эътибори ниҳоятда кучли эди.

Бу даврда ўзбек адабий тили тараққиётига Мавлоно Лутфий, Атойи, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ шоирлар ўзларининг муносиб улуғлигини қўшди.

Бу жараёнларда, айниқса, буюк мутафаккир, шоир ҳам ижодкор, ўз замонининг машҳур билим кишиси, таниқли давлат арбоби Мир Алишер Навоийнинг хизматлари бениҳоя улуғ. Навоий ўзининг бадий, тарихий-фалсафий, илмий асарлари билан туркий тилнинг бойлиги, поэтик ва услубий имкониятлари чексиз-чегарасиз эканлигини амалий ва назарий жиҳатдан асослаб берди.

Навоий ўз даври ёзма адабий тилини юксалтириш билан бир қаторда ўзбек адабий тилининг кейинги ривожини ҳам белгилаб берган ижодкордир. Ўша чоғлардан то ўтган юзйилликнинг бошларига қадар ўзбек адабий тилида яратилган бадий, тарихий, илмий, диний-фалсафий асарларда бевосита темурийлар даври адабий тили, хусусан, Навоий бошлаб берган тил анъаналарини кузатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида темурийлар даври, аниқроғи, XIV юзйилликнинг 70- йилларидан бошлаб XVI юзйилликлар оралиғидаги ёзма адабий тил «эски ўзбек классик ёзма адабий тили» (ёки «чиғатой туркчаси», «чиғатой туркийси») деб юритилади.

Тил тарихининг бу босқичини ҳам ўз ичида бир неча даврларга ажратса бўлади:

(а) XIV юзйилликнинг 70- йилларидан – XV юзйилнинг биринчи ярми оралиғи (Навоий-гача бўлган давр);

(б) XV юзйилнинг иккинчи ярми (Алишер Навоий даври);

(с) XVI юзйил (Заҳириддин Бобур ва Муҳаммад Шайбоний даври).

Бу тил қорахонийлар даври ёзма адабий тили, эски хоразм туркчаси ҳамда эски қипчоқ тили негизида шаклланди. Ўрта асрларнинг ёзма манбаларида «чиғатой туркчаси» деб аталган адабий тил эски ўзбек тилининг классик босқичи бўлиб, у Темурийлар салтанатининг расмий ёзма адабий тили эди. Ўтмишда бошқа туркий ёзма адабий тиллардан (жумладан, қипчоқ тили, эски анатўли туркчаси сингари) бу ўлкадаги ёзма адабий тилни фарқлаш учун уни «чиғатой туркийси», «чиғатой туркчаси» деб атаганлар (қаранг: Содиқов 2020,13–17).

Навоийнинг она тилиси туркий тил эди. Бундан ташқари у форс ва араб тилларини ҳам ўта кучли билар, билганда ҳам уларда тенги йўқ асарлар ярата олган улуғ ижодкор эди. У ўзининг ана шу қобилияти тўғрисида «Муҳокамат ул-луғатайн»да шундай ёзган: *Bu sözlärдин хашм мундақ билмäsün va мudda'и bu nav' gumān қilmasun-ki, meniң таb'im түrk alfäziya muläyim түškän үчүн та'rifida мubäläya izhär қilur-men. Va färsi 'ibäratqa munäsabatim азraq*

*üçün inkâr va nafyîya işrâr körgüzür-men-kim, fârsî alfâz istefâsîn va ul 'ibârat istiqdâsîn kişi mendin köprâk qılmaydur erkin va şalâh-u fasâdin mendin yaxşîraq bilmäydür erkin* (МЛ,44).

Навоий учта тилда ижод қилди: туркий, форсий ва арабчада. Ёзма меросининг катта бир бўлаги туркийда. Унинг «Девон-и Фоний»си форс тилида битилган, «Сабъат абхур» луғати эса араб тилидадир.

Тилшуносликда Навоий яратган туркий асарлар тилининг фонетик хусусияти кўпдан буён билим кишилари эътиборини ўзига тортиб келаётир. Навоий асарлари тили темурийлар даври ёзма адабий тили, қолаверса, ўзбек классик адабий тилининг чўққиси дегани. Навоий тилининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ҳозирги ўзбек ёзма адабий тили, айниқса, ўзбек шеваларига муносабати, улар орасидаги боғлиқликлар тилшуносларни ҳар доим қизиқтириб келган. Бу масалаларда ўзбек ва чет эл навоийшунослари тарафидан йирик илмий асарлар ҳам яратилган (*китоб охиридаги асарлар кўрсаткичига қаранг*).

Навоий асарлари тили, айниқса, унинг фонетикасини ўрганишнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Навоий мероси матнини ўрганиш, кўп жиҳатдан, унинг фонетик хусусиятини ўрганиш, товушлар тизимини тўғри белгилаб олиш билан боғлиқ. Навоий матнлари, асарларнинг қўлёзмалари билан ишловчи мутахассислар буни жуда яхши сезади.

Навоий асарлари тилининг фонетикаси бир қанча манбалар ёрдамида ўрганилади. Булар қуйидагилардир:

(1) Навоий асарлари тили фонетикасининг энг ишончли манбалари, биринчи галда, асарларнинг илк қўлёзма нусхалари саналади. Дунёнинг йирик қўлёзма хазиналарида Навоийнинг ўз замонидан то XX юзйилнинг бошларига қадар кўчирилган қўлёзмалари, куллиётлари сақланмоқда. Навоий асарлари тилининг фонетик тизими ана шу қўлёзмаларда акс этган.

(2) Ўша давр туркийсининг фонетик тизими ҳақидаги яна бир ишончли хабарни Навоийнинг ўзи келтирган. Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилнинг, хусусан, «чиғатой туркийси»нинг фонетик хусусиятлари, товушлар тизими ҳақида кенг маълумот берган. Туркий тилнинг товушлар тизими ҳақидаги маълумотлар «Мезону-л-авзон» асарида ҳам бор. Лекин ушбу асардаги туркий шеър тизими билан боғлиқ бўлган фонетикага доир маълумотлар ўзбек тилшунослигида ҳали ўрганилганича йўқ.

(3) XV юзйилдан то XX юзйилнинг бошларига қадар «чиғатой туркийси», хусусан, Навоий асарлари бўйича луғатлар ва илмий грамматикалар яратилган. Толе Имоний Ҳиравийнинг «Бадойиу-л-луғат», Ражаб ибн Маҳмуд Али Шомлунинг «Луғат-и Навоий», шунингдек, «Абушқа», Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» ва «Мабониу-л-луғат» асарлари, Фазлуллахоннинг «Луғат-и туркий», Фатҳали Қожарнинг «Китоб-и луғат-и атрокийя» асарлари буларга мисол бўла олади (*қаранг*: Содиқов 2020,110–118). Уларда Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ сўз усталарининг шеърляти, илмий-тарихий асарларида ишлатилган луғат бойлиги жамланиб, уларнинг маънолари баён қилинган. Сўзлар маъносини очиклаш баҳонасида уларнинг ўқилиши, товуш хусусиятлари ҳам таърифланади. Яна грамматикага оид бобларда «чиғатой тили»нинг фонетикаси ҳақида ҳам баҳс этилади. Ана шу тарихий луғатлар ва грамматик асарлар ҳам эски ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари фонетикасини ўрганишда муҳим манбалар бўла олади.

(4) Навоий асарларининг тили туркий тил тарихида юзйилликлар оша шаклланиб, ривожланиб келган ёзма адабий тилнинг давомида туради. Навоий асарларининг фонетик

хусусиятлари унгача яратилган ёзма ёдгорликлар, туркий ёзма адабий тилга қиёсан ўрганилгани мақсадга мувофиқдир. Биз қадимги ва эски туркий тил даври ёдгорликларининг фонетик хусусиятларини ўрганиш йўли билангина Навоий асарлари фонетикасига кўчармиз.

(5) Ҳозирги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили ва унинг шевалари Навоий асарлари тилининг фонетик хусусиятини ўрганишда жонли далил сифатида хизмат қила олади. Навоий асарларидаги товушлар тизими, уларнинг хусусияти, сўзларнинг талаффузи, маънолари ҳозирги тилларга таянган ҳолда ҳам тикланади. Чунки Навоий тилини бевосита давом эттириб келаётган тил ҳозирги ўзбек тили ва унинг шеваларидир. Классик матнларда ишлатилган луғат таркибининг муайян қисми ҳозирги ўзбек тилида ёки унинг шеваларида сақланган.

Биз ҳам ушбу тадқиқотни яратишда ана шу юқорида санаб ўтилган тамойилларга асосландик.

Ушбу асар Навоий асарлари тилининг фонетик ўзгачаликларига бағишланган бўлиб, унда товушлар тизими, ҳарф ва товуш муносабатлари, асарлар тилида кечган фонетик ўзгаришлар, талаффуз масалалари, Навоий асарлари фонетикасининг бошқа асарлардан фарқли жиҳатлари хусусида фикр юритилади. Уни яратишда асарларнинг қўлёзмалари, илмий нашрлари манба сифатида белгиланди.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ. АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ ВА ЎЗМА АДАБИЙ ТИЛ МАСАЛАЛАРИ

### НАВОИЙ ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ АТАЛИШИ

Навоий тили, у ўз асарларида қўллаган ёзма адабий тил ўтмиш манбаларида, хусусан, унинг ўз асарларида бир қанча номлар билан қайд этилган.

Навоий асарлари тилига нисбатан кенг ишлатилган отлардан бири *türk tili* атамаси бўлиб, Навоийнинг ўзи «Муҳокамат ул-луғатайн»да уни *türkcä, türkcä til, türk tili, türk lafzi, türk alfäzi, türk 'ibärati; türki, türki alfäz* деб атаган (қаранг: МЛ,86).

Навоий «Мезону-л-авзон» асарида ўзининг тўрт девони *türkcä til* билан битилганлигини таъкидлаб, шундай ёзади: *Va bu bandanîñ dayî tört devānîya-kim, türkcä til bilä nazm tapîpdur va abyātî 'adadî yigirmi beş miñgä yaqînlaşıpdur-kim, ul hađratnîñ humāyun alqabîya raqam tapîpdur va muzayyan boluptur, ham uşbu mađkür bolyan dastur bilä tartîp berîpdürlär* (МА.270а,3-5).

Навоий ўз асарларида туркий тилни *ترکی türki*, форс тилини эса *فارسى färsî* деб ҳам атаган. «Мажолису-н-нафоис»да Мавлоно Лутфий ҳақида сўз юритар экан: *Öz zamānîñ maliku-l-kalāmî erdi. Färsî-vu türkiđä nazîri yoq erdi, ammā türkiđä şuhratî köpräk erdi*, деб ёзган эди (MN.311b,6)

Ёки, «Лисону-т-тайр»да ўз она тилисини *türk alfäzi* деган. Мана унинг битганлари:

*Bu nişāne birlä taptî imtiyāz,  
Ne varaq-kim, nazm qildî ahl-i rāz*

*Kim, bu Sa'dî ya Nizāmîñ durur,  
Ya bu Xisravñîñ, bu Jāmîñ durur.*

*Men-ki türk alfäziya äyläp şurū'  
Nazm taptî ṭab'u kilkindin vuqū'* (LT.192b,4-5).

Темурийлар даври ўзбек ёзма адабий тилини *çiyatay türkîsi, çiyatay türkcäsi* ҳам дейилган.

Ҳозирги замон ориенталистикасида XV юзйилнинг иккинчи ярми – XVI юзйил бошларидаги туркий адабиётнинг классик босқичини «чиғатой адабиёти», тилини эса «туркий», «эски ўзбек тили» номлари билан ёнма-ён «чиғатой тили», «чиғатой туркийси» деб аталмоқда. Ушбу атаманинг келиб чиқиши Чингизхоннинг ўғли Чиғатойхон отига боғланади. Маълумки, Чингизхон ўзи босиб олган ерларни ўғилларига улашганда, Ўрта Осиё ерлари Чиғатойга теккан эди. Шунга кўра, бу ерлар «Чиғатой эли», ерли халқлар эса «Чиғатой улуси», халқнинг тили эса «Чиғатой тили» деб аталган. Бу от ўзининг семантик тараққиёти давомида киши отидан маъмурий, ижтимоий-сиёсий ва маданий атамага айланган. Таъкидлаш керакки, «Чиғатой улуси», «Чиғатой тили» атамаларининг мўғулларга ёки уларнинг тилига ҳеч бир боғлиқлиги йўқ. Чунки, бу ўлкада мўғуллар эмас, туркий улус яшаган. «Чиғатой тили» атамаси ҳам туркий тилнинг (эски ўзбек тилининг) нисбий атамасидир.

Їйатау сўзи атама сифатида XIII юзйилликдан бошлаб қўлланган. Манбаларга қараганда, бу атама бошлаб (XIII–XIV юзйилликларда) Чиғатойхон сулоласи (турк-мўғуллар), давлат ҳокимиятининг олий табақа вакиллари, шунингдек, черикка нисбатан қўлланган. Кейинчалик (XV юзйилликда) бутун Мовароуннаҳр ва Хуросондаги турк улусига нисбатан, XVI юзйилликдан бошлаб Мовароуннаҳрдаги ҳам туркий, ҳам форсий тилли улусга нисбатан ишлатилган (Благова 1982,155–156).

XV–XVI юзйилликларда бу атаманинг ижтимоий-сиёсий вазифаси кенгайган бир шароитда бутун Мовароуннаҳр элини, унинг халқини, халқининг тилини ҳам ифодалай бошлади: юртини, элини *Їйатау*, *Їйатау eli*, халқини *Їйатау ulusī*, унинг тилини эса *Їйатау түркiси* дейилди. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида:

*Їйатау el meni özbek demäsün,  
Behuda fikr qilip yam yemäsün* (ШН,111).

«Абушқа» луғатида «юрт» маъносида *Їйатау*, *Їйатау diyārī* атамалари қўлланган (DDT.96,276).

*Їйатау тили* атамаси *türkčä*, *türkī* атамалари билан ёнма-ён қўлланиб, китобий адабий тилни фарқлаш учун ҳам хизмат қила бошлади. Абулғозийнинг «Шажараи тарокима»да келтирган қуйидаги маълумотлари бунга далилдир. Тарихчи ёзади:

*Hamma uluylar ham äddi kišilar tüşünsün dep, men bu tarixni türkī til bilän aytdim. Türkini ham andaқ aytup-men-kim, beš yaşar oylan tüşünür. Tüşünüš äsän bolsun dep men Їйатау түркiсидin, färsiĉa va 'arabĉadin bir dāna ham söz qošmadim.*

Бу ўринда *Їйатау түркiси* дейилганда XV–XVI юзйилликлардаги китобий ёзма тил кўзда тутилган. Ушбу атама ҳам қорахонийлар даври манбаларида қўлланган «буғраҳон тили», «хоқония тили», «кошғар тили» атамалари сингари адабий тилни англатади. Темурийлар замонида Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий, маданий муҳитида шаклланган адабий тил («чиғатой туркийси») шу ўлкадагина эмас, балки бутун турк-мусулмон муҳитининг китобий адабий тили даражасига кўтарилган эди.

XVI юзйилда юз берган темурийлар салтанатининг инқироzi ва Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳокимиятининг барпо этилуви, ўзбек-қипчоқларнинг бу ўлкага кириб келуви оқибатида ушбу атама ҳам истеъмолдан чиқа бошлади.

Ўтмишда ўзбек халқи ва унинг тилини англатган атамалардан яна бири *sart* (<скр. *sartha*) отидир.

Маҳмуд Қошғарийга кўра: *sart* – «савдогар». Бунга у қуйидаги мақолни ҳам мисол келтирган: *Sartniñ azuqī arīy bolsa, yol üzä yer*. Маъноси: «Савдогарнинг моли тоза, бешубҳа бўлса, йўл устида ёйиб кўрсатади» (сўзма-сўз: «Савдогарнинг озиғи тоза бўлса, йўл устида ейди»). Яна у ўша ерда ушбу мақол сўзининг уддасидан чиқа олмаган, қуруқ мақтанчоқларга қарата айтилишини ҳам эслатиб кўяди (ДЛТ,40).

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам *sart* сўзини «савдогар» маъносида ишлатган: *Nekü ter ešitkil bu sartlar baši*. – «Бу савдогарлар боши нима дейди, эшитгин» (QBN.102b,14).

Ушбу сўз этноним сифатида кейинги даврлардан бошлаб ишлатилган. У бошлаб форсийғўйлар, кейинчалик туркий ўтроқ (шаҳар) улусга нисбатан ҳам қўлланган.

«Муҳокамат ул-луғатайн»да Алишер Навоий форсий тилда сўзловчиларни *sart* (*sart, sart ulusī, sart eli*) ҳамда *färsiğoy* отлари билан тилга олади. Уларнинг тилини эса *sart tili, sart lafzi*,

*fārsî (fārsî, fārsî til, fārsî alfāz)* деб атайдди. *Sart tilidä çaqin va ildirim-deg muta'ayyin mo'tabar ikki nimägä at qoymay dururlar* (МЛ,36).

«Абушқа» луғатида қайд этилувида, ўша чоғларда «ажамнинг шаҳрини *sart* деганлар» (*sart – 'ajamīñ šahrīsina derlär*) (DDT,273). Сўзнинг ушбу маъноси Навоий ишлатган маънога яқин туради.

Бу сўзнинг «Бобурнома»даги маъноси эътиборга молик. Заҳириддин Бобур Марғилон (*Maryīnān*)ни таърифлар экан, унинг эли сартлар эканини таъкидлайди. У ёзади: *Eli sarttur va muštzan-u puršaru šor eldür. Jañaraliq rasmī Māvarāu-n-nahrda šāye'dur. Samarqand-u Buxārāda nāmdār jañaralar aksar maryīnānidur* (БН,7).

Бобур Марғилон элини «сартлар» деб атаган. Бу устачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи (ўтроқ ҳаёт кечирувчи) тоифа кўзда тутилмоқда. Англашиладики, *sart* атамаси ўша чоғлар ҳам форсий, ҳам туркий тилли ўтроқ, шаҳар аҳолисига нисбатан ишлатилган.

Муҳаммад Солиҳ ҳам «Шайбонийнома»сида Самарқанд қамалини таърифлаб, унинг халқини *sart* деб тилга олади: *Sartlar asru zabun boldilar* (ШН,125). Бу ўринда ҳам *sart* атамаси ўтроқ халқ, шаҳар элига нисбатан қўлланган.

XVII юзйилликда яшаб ижод этган тарихчи ва адиб Абулғозий асарларида ҳам *sart* атамаси бор. Шунингдек, XIX юзйилликда яшаб ўтган Қўқон тарихчиларининг асарларида-да бу от тез-тез учраб туради. Бу кезлар XIII юзйилликда Ўрта Осиёга келиб ўрнашган ўзбек қавмидан бошқа туб аҳоли (туркий улус ва тожиклар) *sart* дейилган, чамаси. Шу сабаб бўлиб, XIX юзйилликнинг иккинчи ярмида рус тилшунослари ўз грамматикаларида ўзбек тилини «сарт тили» («сартовский язык») деб атаганлар.

Алишер Навоий *rūmî til, türkmānî til* деган атамаларни ҳам ишлатган. У ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида Саййид Насимий ҳақида сўз юритиб:

*'Irāq-u Rūm tarafidayī mulkdin erkändür. Rūmî-vu türkmānî til bilä nazm aytipdur. Va nazmida haqāyiq-u ma'ārif bayāyat köp mundarijdur. Maḍkūr bolıyan mulk ahliya anīñ še'ri muqābalasida še'r hamānā-ki yoq turur,* – деб ёзади (NMb.148b,21–22).

Ушбу маълумотдаги *ترکمانی تیل و رومی rūmî-vu türkmānî til* атамаси ўғуз лаҳжаси, усмонли туркчасини англатади. Бу ўринда Саййид Насимий ўз шеърларини ана шу тилда битганлиги таъкидланмоқда.

Навоий ўз асарларида *özbek* отини ҳам тилга олган. Масалан, «Насойиму-л-муҳаббат»да *اوزبک خالایقی türk-u özbek xalāyiqi* деган атамани қўллаган. У Ҳубби Хожа алайҳирраҳма тўғрисида сўз юритар экан, ёзади:

*Mavludī Xvārazm vilāyatidīn va navāhīsīdīndur. Anīñ avšāfi türk-u özbek xalāyiqi arasida andīn köprāk va mašhurraqdur-ki, šarḥqa ehtiyājī bolıyay. Yigitlikdä ötüptür. Yigitlär sarvari Ḥubbi Xvāja derlär* (NMb.134b,19–21).

Бу жумладаги *türk-u özbek xalāyiqi* – «турк ва ўзбек халқлари» деганидир. Бу ерда Навоий *türk* деганда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий улусни, *özbek* деганда қипчоқ ўзбекларини кўзда тутган. У чоғларда ҳали *özbek* атамаси кенг маънода ишлатилмас эди. Бутун теурийлар, шу қаторда Лутфий, Навоий, Бобур ҳам ўзларини *türk* атаганлар.

Яна бир жиҳати, Навоий ишлатган *اوزبک* сўзини ўша замонга нисбатан [k] билан эмас, жангли [g] билан *özbek* деб ўқилса, тўғри бўлади. Чунки бу сўзнинг иккинчи компоненти *beg* сўзига боғланади. Ўзбек тили тарихида бу сўз *beg* деб ишлатилган.

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЁЗМА МЕРОСИ

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўрта асрлар шарқ классик адабий жанрларининг айтарли барча турида асарлар битган. Навоий асарлари сирасининг ўзиёқ улуғ ижодкор ёзма меросининг кўлами нечоғлиқ кенг ва турли-туман эканини тасаввур қилишга имкон беради. Навоий асарларининг турли жанрларда эканлиги мумтоз ўзбек адабиётининг имкониятлари, шунинг билан бир қаторда, ўзбек адабий тилининг услубий, грамматик, лексик-семантик имкониятлари чексиз-чегарасиз эканлигини англатиб туради.

Навоийнинг кунимизгача сақланган ёзма меросини қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

I. Девонлари: (1) «Хазойину-л-маоний» («Маънолар хазинаси»). Бу тўрт девонни ўзига бирлаштиради: «Ғаройибу-с-сиғар» («Болалик қизиқлиқлари»); «Наводиру-ш-шабоб» («Йигитлик нодиралари»); «Бадойиу-л-васат» («Ўрта ёш бадиалари»); «Фавойиду-л-кибар» («Қарилик фойдалари»).

Булардан ташқари, дунёнинг йирик кўлёзма фондларида ушбу тўрт девондан олинган шеърларнинг алифбо тартибига солинган нусхалари ва ўзга кимсалар тарафидан тузилган «Ғазалиёт девони» ва «Терма девон» кўлёмалари бор.

(2) Форсча девони («Девон-и Фоний»).

(3) Булардан ташқари Навоий шеърларини жамлаган яна иккита девон бор. Уларни Навоийнинг ўзи тузмаган эса-да, шоирнинг муҳлислари тарафидан тузилган. Улар улуғ шоирнинг шеърларини тўплаб, ўзлари девон тартиб берганлар. Бири адабиётшуносликда «Илк девон» деб, иккинчиси ўғузлар даврасида тузилган бўлиб, «Оққўюнлилар девони» деб юритилади.

II. Маснавийлари. Буларнинг бештаси «Хамса» таркибида: (1) «Ҳайрату-л-аброр» («Яхшиларнинг ҳайрати»); (2) «Фарҳод-у Ширин»; (3) «Лайло-ву Мажнун» (= «Мажнун-у Лайло»); (4) «Сабъа-и сайёра»; (5) «Садд-и Искандарий» («Искандар девори»). Яна бир маснавийси «Лисону-т-тайр» («Қуш тили»)дир.

III. Тазкиралари: (1) «Мажолису-н-нафоис»; (2) «Насойиму-л-муҳабба мин шамойими-л-футувва». Буларнинг иккиси тазкиралар бўлса ҳам, улар икки хил: «Мажолису-н-нафоис» – адабиётшунослик асари; «Насойиму-л-муҳабба мин шамойими-л-футувва» эса «Тазкирату-л-авлиё» типига асардир.

IV. Филологик асарлари: (1) «Рисола-и муаммо»; (2) «Меъзону-л-авзон» («Вазнлар ўлчови»); (3) «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси»); (4) «Сабъат абхур» луғати.

V. Тарихга оид асарлари: (1) «Тарих-и анбиё-ву ҳукамо»; (2) «Тарих-и мулук-и Ажам». Яна манбаларда Навоийнинг «Зубдату-т-таворих» («Тарихлар хулосаси») асари ҳам тилга олинади. Лекин бу асарга олимлар ўртасида икки хил қараш бор: айримлар уни юқорида тилга олинган икки тарих китобининг умумий оти деса; бошқа бир олимлар эса уни мустақил асар дейди.

VI. Диний-ахлоқий асарлари: (1) «Муножот»; (2) «Арбаин» («Қирқ ҳадис»); (3) «Назму-л-жавоҳир» («Жавҳарлар тизмаси»); (4) «Сирожу-л-муслимин» («Мусулмонлар чироғи»); (5) «Маҳбубу-л-қулуб».

Шулардан «Назму-л-жавоҳир» асари рубоийлар тўплами бўлиб, Ҳазрат Алий ҳикматларининг туркий талқинидир.

VII. Маноқиблар (автобиографик асарлар): (1) «Ҳолат-и Саййид Ҳасан Ардшер»; (2) «Хамсату-л-мутахаййирин»; (3) «Ҳолат-и Паҳлавон Муҳаммад».

VIII. Хужжатлар: «Вақфиййа»; (2) «Муншаот».

Юқоридаги таснифни Навоий ёзма меросининг кўлами кенглигини кўрсатиш учун келтирдик, холос. Лекин Навоий меросини таснифлаганда, имкон қадар, классик анъаналарга эргашилгани маъқул. Бунинг ёрқин намунасини Навоий асарлари жамланган куллийётларда кузатамиз.

Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллийётининг 2а- бетига безакли шамс ишланган. Унинг орасига ичма-ич икки доира ишланиб, ичига куллийётга киритилган асарларнинг отлари ёзиб чиқилган.

Четки доирада 16 асарнинг оти битилган. Булар чап қанот бўйича ўқиб тушилганда қуйидагилардир (асар отларини транскрипцияда келтирамиз):

- (1) «Munājāt»;
- (2) «Arbaʼin ḥadīṣ»;
- (3) «Sirāju-l-muslimīn»;
- (4) «Nazmu-l-javāhir»;
- (5) «Nasāyimu-l-muḥabbat»;
- (6) «Lisānu-ṭ-ṭayr»;
- (7) «Ḥayratu-l-abrār»;
- (8) «Farḥād-u Šīrīn»;
- (9) «Majnūn-u Laylā»;
- (10) «Sabʼa-i sayyāra»;
- (11) «Sadd-i Skandarī»;
- (12) «Xuṭba-i davāvīn»;
- (13) «ḡarāyibu-ṣ-ṣiyar»;
- (14) «Navādiru-š-šabāb»;
- (15) «Badāyeʼu-l-vasaṭ»;
- (16) «Favāyidu-l-kibar».

Ички доирага битилган асарларнинг отлари:

- (17) «Mezānu-l-avzān»;
- (18) «Muḥākamatu-l-luyatayn»;
- (19) «Majālisu-n-nafāis»;
- (20) «Ḥamsatu-l-mutaḥayyirīn»;
- (21) «Tarīx-i anbiyā»;
- (22) «Tarīx-i mulūk-i ʼAjam»;
- (23) «Ḥālāt-i Sayid Ḥasan va Pahlavān Muḥammad»;
- (24) «Vaḡfiyya»;
- (25) охириги асарнинг оти шамснинг қоқ ўртасига ёзилган. У «Munšaāt»дир.

Келтирилган сирадан кўринадики, куллийёт тузишнинг ҳам ўз қоидалари бўлган ва ундаги асарлар муайян кетма-кетликда келтирилган: куллийёт «Munājāt»дан бошланган, кейин диний-фалсафий асарлар жойлаштирилган; сўнгра маснавийлар, девонлар; кейин илмий ва тарихий асарлар берилиб, охирида хужжат ва мактублар билан якунланган.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ИШЛАТГАН ЁЗУВЛАР

Темурийлар даври ёзув маданиятида ўтмиш анъаналарига, ота-боболардан қолган ёзувларга эътибор катта эди. Темурийлар давлатида тарихнавислик, бадиий адабиёт, таълим ва фан соҳаси, давлат девонхоналари ва хўжалик ишларида, расмий-дипломатик муносабатларда икки хил ёзув – эски уйғур ва араб алифболари ишлатилган. Уйғур ёзуви Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди. Туркий-ислом дунёсида оталардан қолган ушбу ёзувни сўнг бор ишлатган ҳам темурийлар бўлади. Шунинг учун ҳам ўзбек классик адабиётининг ўша чоғлардан қолган ёдгорликлари икки хил – уйғур ва араб ёзувларидадир.

### УЙҒУР ХАТИ

Туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида XIV–XV юзйилликлар қадимги туркий ёзувдан араб хатига ўтиш даври саналади. Шунга қарамай, бадиий адабиёт, тарихнависликда, шу қаторда давлат ҳужжатчилик ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда уйғур хатининг мавқеи юқори эди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлардир. Темурбек ўз салтанатининг расмий ишларида, ички ҳамда ташқи дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида ота-боболардан мерос қолган уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма адабий тилининг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзувига айланди. Уйғур хати, араб хати билан баробар Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди.

Олтин ўрда ҳамда Темурийлар давлатида уйғур хатининг кенг амал қилганлиги тарих китобларида ҳам қайд этиб ўтилган. Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажойбу-л-мақдур фи навоиби Таймур» деб аталган китобида уйғур хатининг тарихи тўғрисида яхши маълумот берган. Тарихчи ёзади: «Улар [чиғатойликлар – Қ.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу [ёзув] уларда ризқ очқичидир» (Рустамов 1976,39–42).

Ибн Арабшоҳ ушбу маълумотида «Улар ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, битим ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар» деганда давлат ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда, тарихнависликда уйғур хатининг мавқеи юқори эканини кўзда тутган.

Уйғур хати Темурийлар давлатининг расмий ёзуви ҳам эди. Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий ҳужжатларини, ҳатто чет элларга юбориладиган хатларини ҳам уйғур ёзувида битганлар. Уйғур хати девон ишларида, расмий-дипломатик ёзишмаларда кенг ишлатилган. Темурбек ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг ҳукмдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айни ёзувда. Темурбекнинг ўлимидан кейин Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид мирзо ва унинг ўғли

Умаршайх мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

XV юзйилликнинг бошларида ҳали эски туркий ёзувнинг мавқеи юқори бўлиб, ўша кезлардаги ижод аҳли, хусусан, Мавлоно Лутфий, Саккокий сингари катта авлод кишилари-нинг хат саводи уйғур ёзувида чиққан, улар ўз асарларини кўпроқ уйғур хатида ёзганлар. Юзйилликнинг иккинчи ярмига келиб эса, араб ёзувининг мавқеи орта бошлади. Шунинг таъсирида ёш ижодкорлар ўз асарларини араб ёзувида бита бошлаганлар. Алишер Навоий кейинги авлодга мансуб ижодкор.

Навоийнинг боболари, отаси ҳам, эл қатори, уйғур хатини ишлатган. Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарининг тўқсон иккинчи фаслида Мир Алишер Навоий тўғрисида маълумот бера туриб, «Уларнинг оталарини «андаккина бахши» дейдилар» деб ёзган эди (ТР,284). Тарихчининг бу ёзганлари Навоийнинг отаси бахши ўтганидан дарак беради; уни Ғиёсиддин бахши атаганлари ҳам бежиз эмас. Темурийлар замонида уйғур хатида ёзувчи котибни *бахши* деганлар. Яна ҳужжат ишлари билан шуғулланувчи амалдорни ҳам билдирган бу атама.

Навоий ҳам ёшлик йиллари уйғур хатини яхшигина ўзлаштирган, илк шеърлари ичида ўша ёзувда битилганлари ҳам бўлиши керак, кейинчалик замон ўзгаришига қараб, араб ёзувига эътибори ортган кўринади. Жумладан, у султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида (бу хати «Муншаот»га кирган) хатларнинг ўқиш учун қулай ёқийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, уйғур хатини ҳам эслайди; уни *türkčä xaṭ* дея тилга олади. Навоий ёзади: *Yana ul-kim, har türlüg 'arḍadāšt-kim, yuqari bitilsä, nasxta'liq xaṭti bilä andaḡ xvānā bitilsä-kim, oqurda oqur kišigä tašviš tegmäsä, türkčä xaṭ (ترکجه حط) bilä xūd ašlā bitilmäsä-ki, bu bābda dayi qavle bar* (Mun.398a,23–25).

Навоийнинг ёқлашича, ҳар турли ҳужжат ва мактублар, ўқиш қийин бўлган туркча хатда эмас, жамоага ўнғай насхтаълиқда ёзилгани маъқулдир. Бунинг билан шоир расмий ҳужжатларда ҳарфларни фарқловчи нуқталар ва турли ишоратлар кўпда ишлатилмаганини кўзда тутган кўринади. Яна ушбу мактубини шоир ёши улғайган, уйғур хати анча истеъмолдан чиқиб қолган чоғда битганини ҳам унутмаслик керак.

### Навоийнинг уйғур хатида битилган ғазали

Истанбулнинг Тўпқопи саройи архивидаги II Боязидга тегишли ҳужжатлар орасида 11980-D кўрсаткичли матн сақланмоқда. Узунасига ёпиштириб уланган ушбу икки вараққа ҳар бири беш байтли учта туркий ғазал, адоғида эса олти қаторли форсча тилак битилган. Шеърлардан биринчиси Алишер Навоийнинг ғазали, кейинчилари эса усмонли шоирларидан бўлмиш Бахтийнинг унга ёзган назираларидир (Sertkaya 1973, 6–9. Levha I–III).

Ғазалларнинг учаласи араб хатида. Бироқ, уларнинг сарлавҳалари икки хил ёзувли: бошлаб уйғур хатида битилиб, тагида унинг ўқилиши араб ҳарфларида берилган. Уйғур ёзувидагиси қорада, учи тўмтоқ қалам билан, тагидаги араб ҳарфларида берилган ўқилиши эса, қизилда, учи ингичка қаламда битилган. Бошланишда Навоий шеърига қўйилган сарлавҳа текис, ундан кейинги шеърлар, ҳар мисраси бир қатордан қилиб, сарлавҳалари билан бирга қиялатиб ёзилган. Матн бошдан охир икки ёқдан бир чизиқли энсиз жадвалга олинган.

Матннинг ўқилиши шундай (*фотонусхасига қаранг*: Sertkaya 1973, Levha I–III): бошланишига уйғур хатида *Нии* деб ёзилиб, тагма-таг араб ҳарфларида *Нӯ* деб изоҳлаб қўйилибди. Матнчилик русумига кўра, ўрта асрларнинг матнлари ана шундай унвон билан очилган; маъноси «Ўзи» дегани, тангрининг ҳар нарсага қодирлиги ва буюклигига ишора қилинади бу унвон билан. Ўрталиқда каттагина жой қолдирилиб, сўнг сатрлар орасида жой ташлаб, тўрт қаторга *Amlaḥu-š-šu'arā / mavlānā / Navāyī / aytur* деб ёзилган. Бу сарлавҳа ҳам икки хил ёзувда.

Аҳамиятлиси, шоирнинг тахаллуси уйғур хатида туркий тил талаффузига мослаб *Navāyī* шаклида ёзилган. Тагидаги араб ёзувли шакли ҳам шундай: *nūn, vāv, alif* дан кейин иккита *uā* ёзилган; *hamza* си йўқ. Дарвоқе, Навоийнинг бошқа девонларида ҳам шунинг ўзи. Демак, шоирнинг тахаллуси ана шундай талаффуз этилгани тўғри.

Навоий ғазалидан кейинги биринчи назирага дона-дона қилиб, *Javāb / aytur*, кейингисига эса *Daxī bir / javāb / aytur* деб сарлавҳа берилган; бу сарлавҳалар ҳам уйғур ва араб ёзувларида.

Ўтмишдан қолган уйғур ёзувли битиглар бир неча хил хат турига эга. Ушбу матнда қўлланган ёзув «иккинчи гуруҳ ёдгорликларининг хат тури»га тушади. Бу хат шакли, одатда, уйғур хатида битилиб, тагма-таг араб хатида изоҳлаб чиқилган матнларда қўлланган. У, бошқа хат турларидан фарқли ўлароқ, қиррали кўринишга эга (В. Радлов таснифидаги «хужжатлар ёзуви» – *Documentenschrift* га тўғри келади) (Содиқов 1992, 64–72). Олтин Ўрда хони Темур Қутлуғ, теурий султон Абу Саиднинг уйғур ёзувида битилган ёрлиқлари ана шу хат турида, шунингдек, Истанбулда ижод этган Абдурраззоқ бахши ҳам қўлёзма асарларни шу хат услубида битган.

Иккинчи ва учинчи сарлавҳалардан кейин унинг бир чеккасига араб хати билан қизилда *Bahtī-i muhlis* деб ёзиб қўйилибди.

Матн охирлагандаги форсча тилакда ёзилишича, шоир Бахтий ушбу шеърларини султонга тортиқ қилган кўринади. Мана бунинг исботи: *Agar 'ināyat-i dillu ilāhī bāšad in manšib be-Bahtī-i muhlis himmat kunand davlat-i du jihānī mustadām bād* («Агар подшоҳим инояти насиб бўлиб, бу мансиб Бахтийга лутф айланса, икки дунёси боқий ва саодатли бўлсин»).

Навоийнинг қоғозга битигли ғазали шундай ўқилади:

*Seni körgäč der edim, bir mehrubānīm bar emiš,  
Allāh-allāh, ne balā, bāṭil gumānīm bar emiš.*

*Āriziñ māhiyyatī ayzin sözün šarḥ äyläsäm,  
Vah ne tab'-i pāk-u zehn-i xurda-dānīm bar emiš.*

*Čäk qil köksümni ey bad-mehr, tāki bilgä-sen,  
Tiy-i hajriñdin ne nav' āzurda-jānīm bar emiš.*

*Ne ḥayāt erdi ölar ḥälatta-kim, körgäč anī  
Nāz ilā dedi hanuz ul nātuvānīm bar emiš.*

*Der-ki, yalqiptur Navāyī ünidin vah yaxšidur  
Kim, tirigligtin nišān-teg bir fiyānīm bar emiš.*

«Ғаройибу-с-сиғар»нинг Навоий куллиётларига кирган нусхаларида ушбу ғазал етти байтдан иборат; тўртинчи байтдан кейин унга яна икки байт қўшилган.

Бахтийнинг Навоий шеърига ёзган биринчи назираси шундай бошланади (матласи):

*Pādšāhim davrīda bir xuš zamānim bar emiš,  
Barča xavf-u ham xaṭardīn kōp āmānim bar emiš.*

Сўнгги байти (мақтаси):

*E'tiqādlīq qullarīniḡ yūzi Baxtī-deg külār,  
E'tiqādsiz yōrügān ornī jahannam nār emiš.*

Иккинчи назиранинг бошланиши (матласи):

*Ul parī-rux-kim, anīḡ ayzi 'ajāyib tār emiš,  
Kōrsā miḡ zāhid küyüp, la'l-i labīya zār emiš.*

Сўнгги байти (мақтаси):

*Baxtī gustāhliq qīlīp aydi Navāyīya javāb,  
Ul yazalya bir javāb ayū bu Rūmda bar emiš.*

Муҳими шундаки, шоир Бахтийнинг шеърлари усмонличада эмас, эски ўзбек тилида битилган. Иккинчи назирада *Ul yazalya bir javāb ayū bu Rūmda bar emiš* дея урғулашига қараганда, усмонли шеърлятида ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий меросига катта эътибор қаратилган; усмонли шоирлар Навоийга эргашиб ғазаллар битган.

Матнни кўчирган киши номаълум, ёзилган санаси ҳам йўқ. Қизиғи шундаки, Тўпқопи саройи архивидаги II Боязидга тегишли хужжатлар орасида 11980-В ҳамда 11980-С кўрсаткичли матнлар ҳам бор. Булардан биринчиси муаллифи номаълум бўлган ўн етти байтли қасида, кейингиси эса Мавлоно Лутфийнинг беш байтли ғазалидир (Sertkaya 1973, 10–15, Levha IV–X). Уларнинг иккови ҳам уйғур хатида ёзилиб, тагма-таг араб ҳарфларида ўқиши келтирилган. Хат услуби юқорида сўз бораётган Навоий ва Бахтий шеърларининг сарлавҳаларида ишлатилган хат тури билан бир хил. Ушбу қўлёзмаларнинг тарихи қизиқ. И.Х. Эртайлан бу қўлёзмаларнинг бари Анатўлига Хуросон ва Ҳиротдан келтирилган деган фикрни билдирган эди. Лекин У.Ф. Серткая бу қарашни инкор этади. Унинг хулосасига кўра, бу қўлёзмалар келтирилган эмас, улар XV юзйилликнинг 80- йилларида Истанбулда кўчирилган (Sertkaya 1973, 14).

Истанбулда яшаб ижод этган бахшилардан бири Шайхзода Абдурраззоқдир. Унинг келиб чиқиши самарқандлик. Кейинчалик турк султонининг чорлови билан Истанбулга кўчиб бориб, ўша ерда уйғур ёзувли қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланган эди. Муҳими шундаки, Абдурраззоқ бахшининг илтимоси билан Самарқанд, Ҳирот шаҳарларидан у ерга уйғур ёзувли қўлёзмалар юбориб турилган. Жумладан, «Қутадғу билиг»нинг 1439 йили кўчирилган машҳур уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмаси, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг 1444 йили Самарқандда Зайнул-Обидин бахши кўчирган таянч қўлёзмаси ҳам Истанбулга унинг сўрови билан жўнатилгани маълум. Абдурраззоқ бахши «Қутадғу билиг»дан янги нусха кўчирганми-йўқми, буни билмаймиз. Лекин у 1480 йили «Ҳибату-л-ҳақойиқ» қўлёзмасини кўчирди.

Абдурраззоқ бахши яна уйғур хатида Мавлоно Лутфий, Саккокий шеърларини ҳам кўчирган. У Истанбулда ўз мактабини яратган таниқли бахшилардан эди.

Лекин Навоий ва Бахтийнинг ғазаллари битилган ушбу қўлёмани Абдурраззоқ бахши кўчирган дея олмаймиз. Шеърлардан кейин битилган форсча матннинг мазмунига қараганда, ушбу шеърларни шоир Бахтийнинг ўзи кўчирган бўлиши керак.

Яна қўлёмна хатининг кўриниши ҳам ажралиб туради. Умумий хат услуби бир бўлгани билан, улар ўртасида бахшининг қалам тортиш усули билан боғлиқ фарқлар бор. Масалан, Абдурраззоқ бахши Лутфий шеърларини уйғур хатида кўчирганда *daxi* сўзини <t> ҳафи билан берган, бу қўлёмнада эса <d> билан ёзилган. Яна Абдурраззоқ бахши <d> ҳарфини ёзганда, унинг тугаш чизиғини тепага чўзиб қўяди, бу қўлёмнада эса, тепага тортиб, учи бир оз синдириб ҳам қўйилган ва б.

Афтидан, Бахтий Абдурраззоқ бахшининг қўлида уйғур хатидан сабоқ олган. Бизгача сақланган қўлёмна эса унинг ўз қўлидан чиққан.

Янада муҳими, Навоийнинг ушбу ғазали араб ёзувли эмас, уйғур ёзувли қўлёмнадан кўчирилган. Асос қўлёмна анча эски, шоирнинг ёшлик йилларидан қолган кўринади.

Бошқа бир жиҳати, бу ғазал бошда беш байтли эди. Кейинчалик Навоий уни қайта ишлаб, яна икки байт қўшган ва девонига шеърнинг кейинги вариантини киритган. Шоир Бахтий эса ушбу ғазални унинг ўша уйғур ёзувли қўлёмнасида олган дейиш мумкин.

### Ёзувнинг имло принциплари

Уйғур ёзувининг ўзига яраша белгиларидан бири, унда унлилар араб хати сингари ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар билан изчил ифода этилади. Маҳмуд Қошғарий *kelin* сўзининг маъноси ва ёзилишига тўхтала туриб, ёзувнинг бу хусусияти тўғрисида шундай ёзган эди:

کَلِين *kelin* – «келин». Ўрта ҳарфи *fatha* ли бу хил сўзлар аслида *alif* билан кўшиб ёзилиши керак эди. «Туя товони» маъносида келган تَابَانُ *tapān* каби сўзларда ҳам икки *alif* (яъни, [a]) ёзилиши керак эди. Бу ҳолда сўз ўзагида арабча ёзувда бўлмаган икки *alif* (яъни, [a]) орттирилган бўлади: صَووم تَابَانُ; шунингдек, تۈرۈن *türün* каби ўртаси *zamma* ли сўзларда икки *vān* (яъни, [u]) шакли орттириб ёзилиши қоидадир: صَووم تۈرۈن *türün* каби. Шунингдек, كَلِين *kelin* сўзида бир *u* [i] орттириб ёзилади: كَالِين *kalīn* каби. Биз кўрсатмаган бошқа сўзларда ҳам аҳвол шу. Бу сўзларда орттириб, қисқартириб қўллаш мумкин. ... Чўзиб ва қисқартиб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди. Лекин орттириб ёзиш мумкин бўлганидай, қисқартиш ҳам янглиш эмасдир. Балки қисқартиш мувофиқ (ДЛТ,162).

Уйғур ёзувли матннинг қулайлиги шундаки, сўзнинг биринчи бўғинида (сўз боши ва сўз ичида) ингичка [ō]–[ü] унлилари йўғон [o]–[u] унлиларидан ёзувда фарқланади: сўз бошида *alif* ли *va* дан кейин *ya* ҳарфи уланади (ص); сўз ичида эса *va* га *ya* уланади (ص).

Сўз бошидагисининг мисоли: ۆز *öz* – «ўз; ўзлик олмоши» (QВН.7b,14); ۆزلә *özlä* – «ўзига ол-, ўзлаштир-» (QВН.3a,5); ۆكۈش *öküş* – «кўп, талай» (QВН.4b,1).

Сўз ичидагисининг мисоли: سۆز *söz* – «сўз» (QВН.9a,13); تۆرت *tört eš* – «тўрт саҳоба» (QВН.7a,13); كۈنتۈدى *Küntüdi* – «Кунтуғди» (QВН.11b,9).

Уйғур алифбосидаги ҳарфларнинг айтарли бари полифоник хусусиятга эга. Бунинг сабаби алифбонинг ихчам бир шаклда тузилганлигида. Туркий халқлар ўтмишда фойдаланган алифболарнинг энг ихчами ҳам уйғур алифбоси эди. Унинг имло принциплари жуда ўйлаб

ишлаб чиқилган. Ўтмиш ёзув амалиётининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ёзувнинг қулай ё ўнғайсизлиги, тилнинг фонетик-фонологик тизимига қай даража жавоб берганлиги алифбодаги ҳарфларнинг оз-кўплигида эмас, балки имло қоидаларининг қандай тузилганлигига боғлиқ экан.

Ушдошларни ифодалашда уйғур хатининг ўзига яраша қийинчилиги бор эди.

Ёзувда [k] билан [g], [b] билан [p], [s]–[z], [t]–[d], [q]–[ɣ]–[x], [č]–[j] –[ž] ундошлари бир хил ҳарфлар билан ифодаланган.

Ёзувда <š> ҳарфини <s> дан фарқлаш мақсадида ҳарф остига изчил равишда икки нуқта қўйиб борилган; <n> ҳарфининг устига эса бир нуқта қўйилган ва б. Алишер Навоий бировга йўлланадиган хатни *türkčä haq bilä xūd aqlā bitilmäsä-ki, bu bābda daḡi qavle bar* деганда (Мун.398а,23–25) ёзувнинг ана шу мураккаблигини кўзда тутган эди.

Қийин бўлишига қарамай, уйғур хати юзйилликлар оша туркий тилнинг талаб ва имкониятини қондириб, турклар яратган маънавий меросни, битигларга битилган оталар тарихини, уларнинг табаррук ўғитларини келгуси авлодларга етказиб келди

### Араб алифбоси негизидаги туркий ёзув

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар VII-IX юзйилликларга тегишли. Улар араб ва форс тилларида. Бунга терига битилган Катта Лангар Қуръонини мисол келтирса бўлади. Туркий тил учун эса араб ёзуви X юзйилликдан қўллана бошлаган. Ундан эскиси топилганича йўқ.

Туркий халқлар қорахонийлар давридан эътиборан уйғур хати билан ёнма-ён араб ёзувидан ҳам фойдалана бошлади. Қорахоний ҳукмдорлар зарб эттирган тангалардаги ёзувлар, хонларнинг айрим ёзмалари араб хатида. XI юзйилликдан эътиборан араб хатида йирик асарлар ҳам кўчирила бошлади. Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Қутадғу билиг» асарининг Наманган ва Қоҳира қўлёзма нусхалари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги туркий матнлар, Адиб Аҳмад Югнакий «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг араб ёзувли қўлёзма нусхалари, шунингдек, «Туркий Тафсир» араб хатидаги илк йирик туркий ёдгорликлардандир.

Ўрта асрларда турк-мусулмон ўлкаларида, шу қаторда Темурийлар давлатида ҳам икки ёзувлилик – уйғур ва араб ёзувларидан фойдаланиш анъанаси XV юзйилликнинг охирига қадар давом этди. Кейинги юзйилликдан эса фақат араб ёзуви ишлатилган.

XV юзйилликнинг иккинчи ярмида араб хатининг қўлланиши ниҳоятда авж олди. Табиийки, бундай шароитда Алишер Навоий ҳам ўз асарларини, асосан, араб хатида ёзди.

Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб қабул қилган. Шунинг учун ҳам асл араб алифбоси билан туркий тилга мосланган алифбо орасида, ҳарфларнинг фонетик вазифалари орасида бир оз фарқ бор.

Араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта ҳарф – *alif* (ا), *vāv* (و), *ya* (ي) ҳамда ҳаракатлар, турли ҳарфий ишоратлардан фойдаланилган.

*alif* ҳарфи орқа қатор, йўғон, кенг, лабланмаган [a], олд қатор, ингичка, кенг, лабланмаган [ä] ҳамда олд қатор, ингичка, кенг [e] унлиларини ифода этади. Айрим ўринларда лабланган унлиларни ҳам билдиради.

*vāv* ҳарфи орқа қатор, йўғон, кенг, лабланган [o] ҳамда олд қатор, ингичка, кенг, лабланган [ō], шунингдек, орқа қатор, йўғон, тор, лабланган [u] ҳамда олд қатор, ингичка, тор, лабланган [ū] унлиларини ифода этади.

*yā* ҳарфи [y] ундошини билдиради, шунингдек, унлилар учун ҳам ишлатилади. Бундай ҳолларда у орқа қатор, йўғон, тор, лабланмаган [i] ҳамда олд қатор, ингичка, тор, лабланмаган [ī], ўрни билан, олд қатор, ингичка [e] унлиларини ифода этади.

Маълумки, уйғур хатида унлилар ёзувда изчил тарзда ифода этилар эди. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида қадимги туркий ёзувнинг ана шу принципини сақлаб қолдилар. Оқибатда, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар учун *alif, vāv, yā* ҳарфлари, кўпинча, тўлиқ ишлатиладиган бўлди.

«Аттуҳфату-з-закийату фил-луғати-т-туркиййа» асарининг муаллифи араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло хусусиятлари тўғрисида шундай ёзади: «Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўқлиги учун бир қанча аниқсизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар. Яъни *fatha* ўрнида *alif*, касра ўрнида *yā*, *ḍamma* ўрнида *vāv* қўллаш бошладилар» (АЗФТ,10). Бунда муаллиф «турк тилида шакл йўқ» деганда туркий ёзувда товушлар тизимидаги «чўзиқлик» ва «қисқалик»ни бериш муҳим эмаслиги, диакритик белгиларнинг турғун вазифаси йўқлигини кўзда тутган; «ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар» деганда эса арабий ё форсий матнлардан фарқли ўлароқ, туркий сўзларни ёзишда матнда унлиларни ҳарфларда тўлиқ бериш қоидаси жорий этилганини кўзда туттади.

Шу ўринда Навоий асарлари қўлёзмалари мисолида туркий сўзларда унлиларнинг ёзувда ифодаланиш усулларини кўриб чиқамиз.

*alif* ҳарфи сўз ичида [a], [ā] товушларини ифодалаганда тўлиқ ёзилади:

قاپتان *qaptan* – жанг кийими (NMb.37a,5); باياق *yayaq* – яёв (NMb.32b,9); قايدا *qayda* (LT.159a,7); قاشيدا *qašida* – «ҳузурида» (NMb.33b,18) сўзларидаги сингари.

*yā* ҳарфи сўз ичида [i], [ī] ёки [e] унлиларини ифодалаганда тўлиқ ёзилади:

قىزىغان تيمور *qizīḡan temür* (NMb.33b,19); ايليگى *eligigä* – «қўлига» (NMb.44a,23); بىلىك *bilig* – «билим» (SĪ.469a,1); تيمورچى *temürčī* (NMb.33b,18) сўзларидаги сингари.

*vāv* ҳарфи сўз ичида [o], [ō] ёки [u], [ū] унлиларини ифодалаганда тўлиқ ёзилади:

تويۇغ *tuyuḡ* (MA.276a,1); قوشۇق *qošuq* (MA.276a,3);

اولۇك *ölük* – «ўлик» (LT.189a,4); كۆنۈل *könül* (SĪ.394a,5) сўзларидаги сингари.

Шуниси борки, туркий сўзларда унлилар ҳаракатлар билан ҳам берилади. Қўлёзмаларнинг ҳаммасида ҳам товушларни англатувчи ҳаракатлар қўйилавермайди. Улар белгисиз ёзилади, лекин ўқилади: قچان *qačan* (SĪ.392b,3) сўзларидаги сингари.

Арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлар ўша тилларнинг қоидалари бўйича ёзилади; уларда унлининг узун / қисқалиги инобатга олинади. Лекин бундай сўзларга қўшиладиган қўшимчалар туркийдир. Навоий асарларида кўпинча уларга туркий қўшимчаларнинг йўғон вариантлари қўшилади: درياغه *daryāḡa* (LT.155b,5); بيدل ليق *bedilliq* (LT.189a,24) сўзларидаги сингари.

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ЮКСАЛИШИДАГИ УЛУҒ ХИЗМАТЛАРИ

Туркий адабий тилнинг ривожига улкан ҳисса қўшганлар орасида улуг мутафаккир Алишер Навоийга тенглашадигани чиқмади.

Алишер Навоий асарлари тилининг ҳозирги ўзбек шеваларига муносабати хусусида ўзбек тилшунослари орасида ҳар турли қарашлар юради. Шулардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий асарларининг тили ҳақида айтган сўзлари асосида юзага келди. Чунончи, у «Бобурнома»да Фарғона вилоятитинг пойтахти Андижон таърифидида ёзади: *Eli türkdür. Şahri-vu bâzârîsîda türkî bilmäs kişi yoqtur. Eliniñ lafzî qalam bilä rāsttur. Ne üçün-kim, Mir 'Alişer Navāyîniñ musannafātî bâvujud-kim, Hirida naşu namā tapiptur, bu til bilädür* (B.critical.5).

Заҳириддин Бобурнинг ушбу сўзларини рўқач қилиб, баъзи олимлар Навоий асарлари тилининг асосини Андижон шеvasи ташкил этган дея қарайдилар (Дониёров 1968). Бошқа бир олимлар Навоийнинг Андижонда бўлмаганлигини важъ қилиб, бу фикрни инкор этадилар (Абдуллаев 1968).

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда Бобур ҳақ. Тарихда Навоий меросига, қолаверса, унинг ижодий маҳоратига холис баҳо берганлардан бири ҳам Бобур бўлади. Бироқ, «Бобурнома»даги маълумотларни, тўғрироғи, матнни хато тушуниш, нотўғри талқин этиш оқиба-тида олимларимиз ичида турли баҳслар келиб чиқмоқда.

Англашилмовчилик матндаги *Eliniñ lafzî qalam bilä rāsttur* жумласининг хато талқин этилаётганида. Буни улар «Андижон элининг тили (яъни, шеvasи) адабий тил билан мос келади» дея изоҳлаганлар. Шундай бўлган тақдирда бунинг давомидидаги Навоий асарлари хусусида айтилган мулоҳазалар ҳам ўз-ўзидан шунга боғланади-қолади. Ўша қарашни қувватлайдиган бўлсак, матнни «Ҳиротда юксакликларга эришган Навоий асарларининг тили ҳам айни шевададир» дея талқин этишдан бошқа йўл қолмайди.

Фикримизнинг исботи учун Бобур айтган ўша жумлаларнинг маънисини бир бошдан чақиб кўрайлик. Эътибор берилса, муаллиф, матнда Фарғона вилояти тўғрисида маълумот бера туриб, бу юртнинг халқи турклар, тилининг эса туркий тил эканлигини таъкидламоқда. Матндаги *Eliniñ lafzî qalam bilä rāsttur* жумласи икки хулосага олиб келади:

(1) мазкур жумлада Фарғона (Андижон) элининг лафзи (яъни, туркий тил) ёзма шаклда (бадий адабиёт орқали) машҳур эканлиги таъкидланмоқда;

(2) бу жумла мантиқан халқ тили адабий тилга яқин эканлигини ҳам англатади. Адабий тил тарихида бундай ҳодиса учраб туради. Масалан, қорахонийлар даври адабий тилида кошғар шеvasи етакчилик қилган. Шундан келиб чиқиб, ўша давр адабий тили айрим манбаларда *kāşyar tili~kāşyarî til* деб ҳам аталган. Бобурнинг ёзмаларидан ҳам ўша даврда фарғона шеvasи адабий тилга жуда яқин эканлиги маълум бўлади.

Матн таҳлилида давом этамиз. Бобур Ҳирот адабий мактабининг намояндаси бўлган Алишер Навоий ҳақида сўзлаб, унинг ҳам асарлари ушбу туркий адабий тилда эканлигини таъкидлайди. Бунинг билан Бобур Навоий асарларининг тилига андижон шеvasи асос бўлганлигини эмас, балки Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитларида ягона адабий тил амал қилганини таъкидламоқда. Бобурнинг ушбу маълумоти темурийлар давлатининг барча ўлкаларида ягона туркий адабий тил (эски ўзбек адабий тили // «чиғатой туркчаси») амал қилганига гувоҳ.

Мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бобурнинг Фарғона элининг тили тўғрисида ёзган сўзларини шундай талқин қилинса, тўғри бўлади: «Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан [ёзма адабиёт тили, ёзма адабий тил билан] мосдир. Не учун-ким [ажабланарлиси], Мир Алишер Навоийнинг таснифлари [асарлари], (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб-улғайганлигига қарамай, ушбу тилда [Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда]дир».

Навоий асарларининг тили ҳақида сўз кетганда уни ўша кезлардаги мавжуд шеваларнинг бирортасига боғлаб қўйиш мумкин эмас. У Хуросондагина эмас, бутун Темурийлар салтанатида, Олтин Ўрда, қолаверса, мусулмон турк элларида амал қилган адабий тилда ижод қилди. У ўз ижоди билан темурийлар замонида амал қилган бутун бир адабий оқимнинг бошида турди, туркий адабий тилга етакчилик қилди. Буни «Лисону-т-тайр» асарида унинг ўзи ҳам таъкидлаган эди:

*Türk nazmida çu men tartip 'alam  
Äylädim ul mamlakatni yakqalam (LT.192a,3).*

Навоий *mamlakatni yakqalam äylädim* деганда ўз асарларининг ҳамма учун тушунарли бўлган адабий тилда эканлигини қайд этмоқда.

Алишер Навоий асарларининг тили Навоийдан бурун ўтган ёки унга замондош шоирларнинг асарлари тилидан ўзлашган сўзлар сонининг ортиқлиги билан ажралиб туради. Мавлоно Лутфий, Саккокий, Атоий, ҳатто Ҳусайн Бойқаро асарлари ҳам тилининг соддалиги билан ажралиб туради. Буни ўша кезлар Ҳирот аҳолиси асосан форсийзабонлар эди, бу жараён Навоий асарларининг тилида ўз аксини топган, дея баҳоламаслик керак.

Бу, аввало, адабий муҳитнинг таъсири, қолаверса, Навоий асарлари услубининг ўзига хослиги, кўтаринкилиги, ўта мураккаблиги билан боғлиқ. Адабий таъсир, адабий анъаналар билан тил вазияти бошқа-бошқа нарса, уларни қориштирмаслик керак. Ўша давр Ҳирот адабий муҳитида туркийгўй шоирлар орасида форс тилида ижод этиш кенг тус олган эди. Буни «Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлайди.

Айтиш ўринлики, темурийлар замонида Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқанд, Андижон, Тошкент ёки бошқа ўлкаларда икки тиллилик Ҳиротчалик кенг ёйилган эмасди.

Навоий ўз асарларини ўта бадий кўтаринки услубда яратди, арабий, форсий сўзлардан кенг ва унумли фойдаланди. Лекин, шунинг билан бир қаторда, Навоий туркий тилнинг миллий сўз бойлиги, ички имкониятларини ҳам унутгани йўқ. Ўзбек адабиёти, адабий тили тарихида соф туркий сўзлардан усталик билан фойдалана олган кучли ижодкорлардан бири ҳам Алишер Навоий бўлади. Бу хизматлари билан у эски ўзбек адабий тили тарихида ўзига хос бир услубга асос солди.

### «Муҳокамат ул-луғатайн» асари

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ҳижрий 905 (=мелодий 1499) йилда ёзди. Рисола муаллифнинг йигитлик чоғидаги жўшқин туйғулари таъсирида яратилган эмас. Навоий ушбу асарини тириклигининг сўнгги кезлари – узоқ ҳаётий тажриба йиққан, илмий қарашлари маромига етган, фикри айни пешланган, тугаллик даражасига эришган бир чоғда ёзди.

Асар икки тил – туркий ва форсийнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Муҳими, «Муҳокамат ул-луғатайн» икки тилни шунчаки чоғиштириш учунгина ёзилган эмас. Унда икки тоифа тилининг бир-бирида қайтарилмайдиган қирралари ўзаро чоғиштирилиб, хос хусусиятлари илмий асосда ёритиб берилган. Навоийнинг ушбу асарни ёзишдан кўзлаган бош мақсади, туркийнинг бадиий адабиётда имкониятлари ниҳоятда чексиз экани, луғат бойлигини ёритиб бериш ва шу асосда ёш ижодкорлар эътиборини унга қаратиш эди. Навоийнинг айтмоқчи бўлгани, айрим туркий тилли шоирларнинг она тилида эмас, кўпрак форсийда ижод қилишни маъқул кўрганлигининг сабаби, туркийнинг бой ва чексиз имкониятларини билмагани, ундан фойдалана олмасликларидир.

«Муҳокамат ул-луғатайн» Навоийнинг туркий тилшунослик тарихидаги улуғ кашфиётидир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилни ўрганишнинг янги йўл ва усулларини очиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан шарқ тилшунослигидагина эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Тўғри, бундан бурун яратилган айрим луғатлар, грамматик асарларда тилдаги бирор ҳодисани очиб бериш учун, ўрни билан, муайян тилга чоғиштириб кетилган жойлари ҳам бор. Лекин улар турли тилларни чоғиштирма ўрганишга бағишланмаган эди. Навоий ўз асарида тилшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдирди. У турли оилага кирувчи икки тил – туркий ва форсийни ўзаро чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик аспектарини ишлаб чиқди. Асар бошдан-охир типологияга, тилларни чоғиштириш йўриғига, метод ва усулларига таянади.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштирар экан, тил бирликларининг стилистик жиҳатларига, унинг матндаги ўрни, тингловчига таъсири, матн лингво-поэтикаси масалаларига кенг тўхталади. Шу йўл билан у икки тилнинг лексик-стилистик, фоно-стилистик, морфо-стилистик жиҳатларини, қолаверса, ушбу тилларнинг лингво-культурологик белгиларини ёритиб берди.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштиришда уларнинг таянч нуқталарини топа олган. Улар тасодифий эмас, тилнинг бадиий имкониятлари кенглиги ҳамда бойлигини илмий асосда очиб берувчи белгиларидир. Жумладан, фонетикада туркийнинг бошқа тилларда, хусусан, форсчада учрамайдиган ўзига яраша товушлари, семантикада нозик маъноли ҳаракат-ҳолатларни билдирувчи феъллар ва уларнинг мазмунга таъсири, синонимларнинг поэтикадаги ўрни, стилистик хусусиятлари, сўзларнинг кўпмаънолилиги, шунингдек, туркий аталар тизимининг ўта бойлиги сингари муҳим лингвистик белгиларига эътибор қаратади. Навоийнинг тилшунослик тарихидаги хизматлари ниҳоятда улуғ.

Навоий ўз асарини *risāla* деб атайди. Фан тарихида илмий асарлар шу ном билан юритилган. «Муҳокамат ул-луғатайн» – тилшунослик асари. У кенг омма тушуниши учун ўнғай бир кўринишда ёзилган эмас. Матн услуби ниҳоятда мураккаб ва оғир, илм аҳлининг

тил бобидаги теран билимига таянган ҳолда, замонасининг етук ўқимишли кишилари, шоиру адиблар учун мўлжаллаб ёзилган рисоладир. Шунга қарамай, асарда муаллиф ўз илмий қарашларини аниқ ва лўнда тил билан баён этади, матн услуби ўта кўтаринки. Илмий услубда ёзилаётган ҳозирги рисолаларимиздан фарқ қилади. Бу жиҳатдан ўтмишда яратилган тарих китобларининг услубига ўхшаб кетади. Жумлалар бадий услубда, муаллиф матн тузишда турли бадий воситалардан кенг фойдаланган. Шу белгиларини кўзда тутиб, «Муҳокамат ул-луғатайн»ни фақат илмий эмас, бадий асар сифатида ҳам ўрганса бўлади.

**«Муҳокамат ул-луғатайн»нинг қўлёзмалари ва нашрлари.** Фанда асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси маълум:

**А.** Нусхалардан биринчиси Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи Реван кутубхонасида 808- кўрсаткичи остида сақланувчи Навоий куллиётининг 774а–781b- бетларидан ўрин олган. Ушбу қўлёзма, тахминларга қараганда, мавжуд нусхаларнинг орасида энг эскисидир.

**В.** Асарнинг яна бир нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида сақланаётган 4056- кўрсаткичли Навоий куллиётига кирган (қўлёзманинг 773b–781a- бетларда).

Асар безакли унвон (варақнинг тўртдан бир бўлагига ишланган нақш) билан бошланиб, ичига «Kitāb-i Muḥākamatu-l-luḡatayn» деб ёзилган (773b). Куллиётга кирган бошқа асарлар ҳам безакли унвон билан бошланиб, сарлавҳалари ана шундай тартибда берилган: «Kitāb-i Munājatnāma», «Kitāb-i Šehil xadiš», «Kitāb-i Nazmu-l-javāhir» сингари.

Хати текис, лекин майда. Ниҳоятда чиройли қўлёзма.

**С.** Париж нусхаси. Ушбу нусха Миллий кутубхонада сақланаётган Навоий куллиёти таркибида (Suppl. Turc. 317/1513- кўрсаткичли қўлёзма). «Муҳокамат ул-луғатайн» қўлёзмининг 277b–285b- бетларидадир.

Қўлёзма 1526–1527 йилларда кўчирилган, ўта тартибли. Ҳар бетига 25 қатордан матн битилган бўлиб, орадаги оятлар, арабча жумлалар, шунингдек, *bayt, rubāʿī* сингари бошламалар қизил, зарҳал рангларда.

Яна бир жиҳати, Тўпқопи қўлёзмасида шеърий мисоллар: байтлар, тўртликлардан аввал *bayt, rubāʿī, qitʿa* сингари сарлавҳалар қўйилмаган, лекин бўш жой ташлаб кетилган (котиб уларни ёзиб чиқишга улгурмаган чоғи). Париж қўлёзмасида эса ана шу сарлавҳалар ҳам бор.

«Муҳокамат ул-луғатайн»нинг Тўпқопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин.

**Д.** Асарнинг яна бир қўлёзмаси Будапештда сақланмоқда.

«Муҳокамат ул-луғатайн» биринчи марта 1841 йили Парижда М. Катремер томонидан нашр этилди.

1882 йили Боғчасаройда И. Ғаспирали, 1895 йили Истанбулда Аҳмад Жавдат чоп эттирди.

Асар 1917 йили Қўқонда тошбосма усулида ҳам чоп этилган.

Тошкентда Порсо Шамсиев асарни уч қайта бостирди: 1940 йили О. Усмон билан бирга лотин алифбосида кириш сўзи, матн ва ҳозирги ўзбекча талқинини берди. Ушбу нашрга асарнинг париш нусхаси асос қилиб олинган эди. Яна 1948 ва 1967 йилларда ёлғиз ўзи кирилл хатида чоп эттирди.

Асар Анқара, Ашгабад, Урумчида ҳам чоп этилган.

1996 йили асар Анқарада Турк тили қуруми томонидан янгидан чоп эттирилди. Мазкур нашр асарнинг мавжуд қўлёзмалари асосида йиғма-чоғиштира матн кўринишида тайёрланган.

Асарнинг Тошкент нашрларининг бурунчилари (1948 ва 1967) айрим қисқартишлар билан босилган: уларда асарнинг айрим ўринлари, арабча диний мазмунли иборалар тушириб қолдирилган. Жумладан, китоб муқаддимасидаги тангрига бағишланган ҳамд берилмаган. Муҳими шундаки, бу қисмда Аллоҳнинг марҳамату кудратини мадҳ этувчи учта ажойиб рубойи ҳам бор. Яна бурунги нашрларда Навоийнинг араб тилини таърифлаб ёзган айрим жумлалари ҳам туширилган.

Анқара нашрида қайд этилганларнинг бари тўлиқ.

Асарнинг 2000 йилдаги Тошкент нашрида ҳам аввалги нашрларда туширилган бўлаклар тикланибди.

Асарни мен ҳам икки қайта чоп эттирдим (Содиқов Қ. «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент, 2011; Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017).

**Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги тўғрисида.** Навоий туркий тилнинг феълларга бойлиги, услубий қулайликларининг кенглигини кўрсатиш мақсадида форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтирган. Ушбу нозик маъноли феъллар қуйидаги кетма-кетликдадир: *qiwarmaq-u quruqshamaq va üşärmäk-ü jüyçaymaq va öñdäymäk-ü çikräymäk va domsaymaq-u umunmaq va osanmaq-u igirmäk va egärmäk-ü oxranmaq va tariqmaq-u aldamaq va arçadamaq-u işänmäk va iglänmäk-ü aylanmaq va erikmäk-ü igränmäk va awunmaq-u qistamaq va qiyunamaq-u qozyalmaq va sawrulmaq-u çayqalmaq va dewdäšimäk-ü qimsanmaq va qizçanmaq-u nikämäk...* ва бошқалар.

Булар юзта сўз (*yüz lafz*) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам икки-уч ўринда таъкидлайди. Қизиғи шундаки, асарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўқсон тўққизта. Бунинг боиси, асарнинг бизга етиб келган қўлёзмаларида уларнинг сони турлича: Тўпқопи ва Париж нусхаларида тўқсон тўққиз, Фотиҳ ва Будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *çimdilamaq* феъли бўлиб, кетма-кетликда *qičiylamaq* сўзидан сўнг келади. Бундан кўринадики, ҳалиги нусхани кўчираётган котиб бу сўзни тасодифан тушириб қолдирган. Тошкент нашрида ушбу феълнинг учрамаслигининг сабаби ҳам шунда. Йиғма матн тайёрлаш жараёнида Анқара нашрида матнга ана шу феъл ҳам киритилган.

Шундан сўнг синонимларга, уларнинг услубий ўзгачаликларига эътибор тортилади. Навоийнинг ёзишича, шоирлар майнинг таърифида кўп муболаға қилдилар, май ичмак қоидасида кўп сўз суриб, ниҳоясиз зариф таърифлар зоҳир қилурлар. Бири *sipqarmaq* лафзидирким, муболаға бундан ўтмас. Байт:

*Sāqiyā, tut bāda-kim, bir laḥza özümdin baray,  
Şarḥ bu-kim, har neçä tutsaḥ, lab-ā-lab sipqaray.*

Навоийнинг эътирофича, *sipqaray* сўзининг мазмунига етганда, форсий шеърда бу таърифни беришнинг иложи йўқ.

Яна *tamšitmaq* лафзики, маъноси «ғоят завқдан тез ичмасу, лаззат топа-топа, оз-оз ичар». Ушбу ғаройиб маъно адосида туркчада шундай матла бор. Байт:

*Sāqî çu içip meñä tutar qoş,  
Tamşı-tamşı anı qılay noş.*

Ёки *boxsataq* лафзи адосида турк ушбу матлани айтибди:

*Hijr anduhida boxsap-men, bilä alman, netäy?  
May 'ilājimdur, qorup dayr-i fanāya 'azm etäy.*

Форсийгўй турк беклару мирзодалар *boxsataq* ни форсий тил билан адо этмакни тиласалар, нима қиладилар?

Шеърнинг бино ва мадори ишққа эврилади. Ошиқликда *yūlataq* дан куллийрак ва доимийроқ амр йўқдир ва унда навланиш (бўлиниш) бор: *yūlamsintaq* мазмунидаки, турк бундай дебди:

*Zāhid 'išqin desä qilyay fāş,  
Yūlamsinur-u közigä kelmäs yaş.*

Бу ўринда Зоҳиднинг Тангри-таолога бўлган ишқи, илоҳий ишқ тўғрисида сўз бормоқда. Яна *inrämäk* ва *sinrämäk* лафзлариким, «дард билан яширин, оҳиста-оҳиста йиғламоқ»-дир, ораларида тафовут оз топилур. Байт:

*İstāsām davr ahlidīn 'išqinī pinhān äylämäk,  
Keçälär gāh inrämäkdür 'ādatim, gāh sinrämäk.*

Форсийда бу мазмунки бўлмағай, шоирнинг чораси қанча?  
Яна *siqtataq* лафзиким, *yūlataq* да муболағадир. Байт:

*Ul ay-ki, külä-külä qiraylattı meni,  
Yūlattı meni demäy-ki, siqtattı meni.*

Яна *ökürmäk* ки, «кучли ун билан, тенгсиз фиғон билан йиғлағайлар» (*biyik ün biläki, e'tidälsiz äşüb bilä yūlayaylar*). Байт:

*İşim tay üzrā har yan aşk sel-ābinī sürmäkdür,  
Firāq äşübidin har dam bulut yañliy ökürmäkdür.*

*Ökürmäk* муқобаласида форсий тилда лафз йўқдир, форсийгўй шоир бунингдек ғаройиб мазмун адосидан маҳрумдир.

Яна *yūlataq* нинг *ökürmäki* муқобаласида *inčkirmäk* лафзи ҳам бор ва у «инчка ун билан йиғламоқ»дир. Байт:

*Çarx zulmida-ki bozumni qirip yūylar-men,  
İgirür çarx kibi inčkirip yūylar-men.*

«Абушқа» луғатида *inčkirmäk* сўзига: *kāflar kāf-i 'arabīdur, inčkä ün bilä yïlamaqdur*, – дея таъриф берилган (DDT,83).

*Yïlamaq* лафзига *hay-hay* ни ҳам қўшиб айтадилар ва бу ҳам туркий услубдир. Байт:

*Navāyî, ul gul ücün hay-hay yïlama kör-*  
*Ki, «hay» degünčä ne gulbun, ne yunča, ne gul bar.*

Яна турк алфозида *qïmsanmaq* ва *qïzъanmaq* – икки ғариб лафзидирки, унинг адоси бу байтда бор. Байт:

*'Uđārîñni ačarya qïmsanur-men,*  
*Vale el körmäkigä qïzъanur-men.*

Форсийгўй шоирлар бундай хўб мазмун адосидан бебаҳрадилар.

Ошиқнинг оёғига тикан кирмакка улар (яъни форсийгўйлар) *xār* лафзи билан арз қилибдурлар. Аммо *čökür* унга қараганда оғритувчидир, уларда бу лафз йўқдир. Туркчада бу шундай адо топибди:

*Čökürlär-kim, seniñ yolunđa tewrälmiş ayayimya,*  
*Čekip ul köy gardin sürmä tartar-men qarayimya.*

«Абушқа» луғатида *čökür* сўзининг талаффузи ва маъноси тўғрисида яхши маълумот берилган: *čökür – kāf kāf-i 'arabīdur, dikän ma'nāsīnadur* (DDT,249).

Яна ишқ йўлида маҳбубнинг назари муяссар бўлса, ошиқнинг ниёз юзидан телмурмаги сўнг муносиб ишдир. Бу лафз уларда йўқдир ва бунингдек лафзлари ҳам йўқдир. Туркчада бу бундай дейилибди. Байт:

*Tökädür qanimni har dam közläriñ baqip turup –*  
*Kim, nečä yüzümgä baqqay-sen yïraqdin telmürüp.*

Яна турк лафзининг суюклиги *yasanmaq* муқобаласида сарт лафзида *ārasta* ва *ārāyış* лафзи бор. Аммо *bezänmäk* муқобаласида бирор сўз демайдилар ва у *yasanmaq* нинг муқобаласидир. Байт:

*Erür bas ču husn-u malāhat señä,*  
*Yasanmaq, bezänmäk ne ħājat señä.*

Яхшиларнинг кўз ва қошлари орасини *qabaу* дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқдир. Маснавийда бир жамоат гўзаллар таърифида бундай дейилган, байт:

*Meñizlari – gul-gul, mižalari – xār,*  
*Qabaylari – keñ-keñ, ağızlari – tar.*

Яна ишқ изҳорида *aşk* ва *yïlamaq* муқобаласида *āh* ва *issiy dam* фурсатидир. Турклар «дам»ни *čaқin* га ва «оҳ»ни *ildirim* га нисбат бериб дебдурлар, байт:

*Firāqīñ iĉrā ulus örtämäkkä, ey māhim,  
Ĉaqīn durur damīm-u ildirīm durur āhim.*

Сарт тилида *ĉaqīn* ва *ildirīm* дек тайинланган ва мўътабар икки нарсага от қўймаганлар. Араб тилидаги *barq* ва *šā'īqa* лафзлари билан адо қилибдурлар.

«Абушқа» луғатида *ĉaqīn* сўзининг маъноси «чақмоқнинг шуъласи» (*ĉaqmaqdan ĉiqqan šu'laya derlār*) дея изоҳланган (DDT,233).

Хусн таърифиде «улуғроқ хол»га турклар *тең* от қўйибдурлар, улар эса от қўймайдилар. Турк бу таърифни бу нав адо қилибдур, байт:

*Aniñ-kim, al eñindä meñ yarattı,  
Boyi birlä saĉini teñ yarattı.*

Агар бир-бирини лафзлар ваъзиде улар қисқа қилибдурлар, арз қилингудек бўлса, сўз узайиб кетади.

Навоийнинг таъкидлашича, омоним сўзлар ҳам бадий санъатга йўл очади. Шеърда *tajnis-u iyhām* [мисралар охирида жинсдош, шаклдош сўзлар ишлатиб, турли маънолар чиқариб, сўз ўйини қилиш] қоидаси бор. Чиройли ибора ва гўзал белгиларда форсийдан кўра туркчада кўпроқ тажнисни билдирувчи сўз ва ийҳомни англатувчи нукталар борки, бу назмни безантиради ва санъатли қилади. Масалан: *at* сўзини олайлик: бир маъниси «от, исм»дир, яна бир маъноси «минадиган от» ва яна бир маъноси «амр»дирки, *tašni ya oqni at* деб буюрғайлар. Мисол:

*Ĉun pari-vu ĥurdur atiñ, begim,  
Sur'at iĉrā dev erür atiñ, begim.*

*Har xadañi-kim, ulus andin qaĉar,  
Nātavān jānim sarī atiñ, begim.*

Ушбу туюқда кечган биринчи *at* – «от, исм»; иккинчиси – «от, ҳайвон»; учинчи *at*- эса феъл, буйруқ маъносидадир.

Бу икки байт *tajnis-i tām* [тўлиқ тажнис]дир ҳамда турк шоирларига хос бўлиб, сартда йўқдир. Буни *тууу* дерлар.

Яна *it* лафзи, унда ҳам уч маъни бор. Мисол:

*Ey raqib, özni aña tutsañ ham it,  
Bizgä raħm äyläp aniñ köyidin it.*

*Garĉi bar dozaħĉa 'išqīñ šu'lası,  
Bizni öz ilgiñ bilä ul sarī it.*

Ушбу туюқнинг биринчи сартидаги *it* – «ит, кўппак», иккинчиси – «йўқот», сўнгги сатридагиси эса «элт» маъносидадир.

Яна *توش* *tüš* сўзида ҳам юқоридагидек уч маъно бор. Яна *уап*- сўзида ва *уақ*- сўзида ҳам шундайдир. Бу хилдаги уч маъноли сўзлар туркийда кўп топилади.

Ва шундай сўзлар топилурки, тўрт маъноси бўлади. Масалан, *бар* *bar* сўзи: бир маъноси – «мавжудлиғ» (таъкид), бир маъноси – «борувга амр», бир маъноси – «юк»дир, бир маъноси – «самар» (мева)дир.

Шундай сўз ҳам топилурки, ундан беш маъно англашилади. Масалан, *sayin* сўзи: бир маъноси – «ёд қилмоққа буйруқ», бири – «сурли қўйнинг оти»дир, «ишқ мастлиги»ю «мажнунлиги» ва «хасталиги» муқобилида *sayin* деса бўлади ва ҳар бирининг ўрнида ишлатса бўлади.

Яна андоқки, *тўз* *tüz* сўзики, ундан бир неча маънони англаш мумкин. Бири *tüz* – «ўқ ёки найзага ўхшаш нарса»га айтилади, яна *tüz* – «текис дашт»ни дерлар, яна *tüz* – «тўғри киши»ни айтадилар, яна *tüz* – «чолғуни созламоққа буруқ»дир, яна *tüz* – «икки киши орасида мувофақат солмоқ (келиштириш, яраштириш)». Яна *tüz* – «бирор мажлис (ўтириш) анжомлари»ни айтиш ҳам мумкин.

Яна *кўк* *kök* сўзини ҳам бир неча маънода ишлатадилар. Бири *kök* – «осмон»ни дейдилар, яна *kök* – «оҳанг»дир, яна *kök* – «тикарда кўкламак, кўклуб тикиш», яна *kök* – «қадағ (бўёк)»ни ҳам дерлар, яна *kök* – «сабза ва ўланг»ни ҳам дерлар.

Бу хилдаги уч, тўрт ва ундан ортиқроқ маъно англашиладиган сўзлар кўп, форсий сўзларда бундай нарсалар йўқдир.

Яна ейиладиган озиқ-овқатни *yegülük* дейдилар. Сарт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам, ичмакни ҳам *xordan* сўзи билан айтадилар.

Улуғ қардош ва кичик қардошнинг ҳар иккисини *barādar* дейдилар, турклар улуғни – *ауа*, кичикни – *ini* дейдилар. Улар улуғ ва кичик қиз қардошни ҳам *xāhar* дейдилар. Булар улуғни – *egāci* ва кичикни – *siñil* дейдилар. Булар отанинг оға-инисини – *арауа*, онанинг оға-инисини – *тауауи* дейдилар. Улар ҳеч бирига от белгиламайдилар, араб тили билан *em* ва *xāl* дейдилар. *Kökältaš* ни туркча айтадилар, *ätäkä* ва *enägä* ни ҳам бу тил билан айтадилар.

Бир аниқ нимаким, *aq üy* дир, унга *xirgāh* деб от қўйганлар. Аммо унинг бўлакларининг кўпини туркча айтадилар, андоқки, *tüñlük-ü üzük va torluγ-u basruγ va čiy-u qanat va közānäk-ü uwiγ va bayiš-u bosaya va erkinä* ва шунинг сингари.

Овда асосийси кийикдир, турк унинг эркагини – *huna*, тишисини (урғочисини) *qilčaqčī* дейди. Яна суйқуннинг эркагини – *buγu*, тишисини – *maral* дейди, сарт эса *āhū* ва *gavazn* дейди, холос.

Тўнғизнинг эркагини – *qaban*, тишисини – *megājin*, ушоғини – *čorpa* дерлар. Сарт эса барчасини *xūk* ва *gurāz* дейди.

Қушларга келганда, булар ичида аниқ ва машҳури *ilbäsän ördäk* бўлиб, бу овланадиган ўрдак, дегани. Ҳозирги ўзбекчада *илвасин*, *илвасингина* сўзлари ҳам ишлатилади.

Навоий сўзида давом этади: сарт эл *ilbäsün* нинг ўзини билмайди. Турк ўрдакнинг эркагини – *sona*, тишисини *borčīn* дейди. Сарт буларга ҳам от қўймасдан, нар ва мода иккаласини *turyābi* деб атайди. Ўрдакнинг хилларини яхши биладиган қушчилар қошида, масалан, *čörkä*, *erkä*, *suqsur*, *almabaš*, *čaqirqanat*, *temürqanat*, *alalaya*, *alapökä*, *bayčal* ва бу йўсинлиғ от билан айтайдиларки, улар етмиш хилга боради, сарт эса барчасини фақат *turyābi* дейди. Агар бир-биридан ажратмоқчи бўлса, туркча атайди.

Яна дашт қушларидан *toydaq*, *toydari*, *čayruq*, *qilquyruγ*, *qulapurya*, *yapalay*, *quladu*, *lägläk*, *čaylaq*, *qaraquš*, *telbäquš*, *čiqčiy* дек қушларнинг отлари йўқдир, кўпини туркча айтурлар.

Тоғ ва тузда *čilya, soqmaу, döš, arıadal, qirešmä, burtay-u segritmä, sirt, uçma, ešmä, ilat, qiralaң, toqay, köl, köyläk, saң, sayaң, čaqil, say, šortaң* дек нималарнинг кўпига от тайин қилмайдилар.

Жониворларнинг довушидан бир отнинг кишнамаги [*kišnamäk*]га *šiha* деб от кўйибдилар. Туянинг бўзламоғига [*bozlamaq*]ю сигирнинг мунграмаги [*münrämäk*]га ва эшакнинг инграмоғига [*iңgramaq*]ю итнинг мингашмоғи [*miңašmaq*]га ва улимоғи [*ulumaq*]га форсчада сўз йўқдир.

Яна отнинг *tabučaq, arıumaq, yäkä, yabu, tatu* йўсинлиқ хилларининг барини фақат туркча айтурлар. Отнинг ёшини ҳам кўпрагини туркча айтадилар. Ёлғиз қулунни *kurra* дерлар, бошқаларини: *tay, yonан, donан, tulan, čiryа, lanуа* сингариларни сўзга чечанлари туркча айтадилар, кўпчилиги буни ҳам билмаслар.

От эгарини гарчи *zīn* десалар ҳам, кўп жабдуқларини, мисли *jibilgir, hana, toqum, jazliу, olaң, qom, olarčay, yaңjuуа, jilbur, qušqun, qantar, түfäk, toqa* йўсинлиқ туркча айтурлар. Қамчини *täzyāna* десалар ҳам, аммо *büldürgä* сини ва *čurčuryа* сини туркча айтадилар.

Яна *jibä, jäwšän, köhä, qanyalduruq, qarbiči, kečim, aha* сингари уруш асбобини ҳам туркча айтадилар.

Маълум кийимлардан, мисли *dastār, qalpaq, navrozī, toppi, širday, däkälä, yeläk, yayliг, terlik, qur* сингари нарсаларнинг барини туркча айтадилар.

Егуликлардан гарчи кўй аъзоларидан баъзисига от кўйган бўлсалар ҳам, аммо *arqa, ašuylyу ilik* ни ва *yan sөңäk, qaburyа, ilik, orta ilik* ва *boуuzlayu* ни туркча айтадилар. Яна баъзи емаклардан *qaymaу, qatlama, bulamaу, qurut, ulaba, mantu, quumaу, үrkämäč* ни ҳам туркча айтадилар. *Qimiz, suzma, baxsum, boza* ни ҳам туркча айтадилар. Яна *tutmač, umač, күmäč, talyan* ни ҳам туркча айтадилар. Бу хил майда нарсалар жуда кўп топилади.

**Туркий тилнинг морфологик ўзгачаликлари тўғрисида.** Навоий асарда туркий тилнинг хос имкониятларини кўрсатувчи айрим морфологик хусусиятлари, хусусан, сўз ясаши, феълнинг нисбат шакллари, сифатларда белгининг ортиқлигини кўрсатувчи, маънода ихчамлик ва нозикликлар чиқарувчи шакллар тўғрисида сўз юритади.

Мисолларда кўриб чиқамиз. Араб сарфида бир боб борки, уни «муфоала боби» деб атайдилар. Бунда бир сўз айтилса ҳам, икки кишининг иш-ҳаракатини ўз ичига олади, ўзи бир хилда келади, масалан, معارضه («арз қилишмоқ»), مقابله («қаршилашмоқ»), مشاعره («шеър айтишмоқ»), مکالمه («сўз айтишмоқ»). Форсча ёзувчилар шунча усталик ва моҳирлик даъвоси билан бу фойдадан маҳрумдирлар. Аммо туркнинг сўз усталари бу фойдага қўл узатиб, масдарга бир *šin* (ش) ҳарфи кўшиш билан ўша мақсадни топганлар. Бу ўринда феълнинг *-š (-iš, -iš / -uš, -üş)* кўшимчаси билан ҳосил қилинувчи биргалик нисбат кўриниши кўзда тутилмоқда. Масалан: *čarışmaq, tapışmaq, qučušmaq, öpüşmäk*.

Бундай сўзларни ясаган улуғларга, шундай яхши иш қилганлари учун раҳмат айтиш керак. Бу усталик билан сартнинг сўз усталаридан тамом устун чиқибдилар.

Яна араб сарфи атамасида икки мафъулли (икки ишловчили) феъллар борки, бундай сўзлар тилда кенг ишлатилади. Бундан ҳам сартлар четда қолганлар. Турклар эса бунга ҳам жуда яхши йўл топганлар. Масалан, арабча: اعطيت زيدا درهما («Зайдга ақчани бердим») гапининг таркибида уч сўз бор, улар (турклар) сўзга бир ҳарф орттирганларидек, араблар бир замир(ҳарф)ни орттирганлар, бунинг билан жуда ихчам ва фойдали бўлиб чиққан. Бунинг билан туркий тилда *-t* аффикси ёрдамида феълнинг орттирма нисбат шакли юзага келишига ишора этилмоқда. Туркий мисоли: *yügürt, qildurt, yašurt, čiqart*.

Туркийда яна бир хил қўлланиш бор: бировдан бир ишни гумон қилиш орқали ўша ишни ўша кишига нисбат бергандек бўладилар. Бу аниқлик юзасидан эмас, балки гумон юзасидан бўлади, аммо бунда нозиклик кўп. Масалан: *baryu-deg, yaryu-deg, kelgü-deg, bilgü-deg, aytqu-deg, qaytqu-deg, uryu-deg, sorγu-deg*. Бундай шакл форсийда бўлмас.

Баъзи сўзларнинг охирига бир *čim* (چ) ҳарфи қўшиб (яъни, -č қўшимчасини қўшиб), унинг орқали феълда суръатни кўзлайдилар, масалан: *yetkäč, etkäč, barγač, yaryač, tapqač, satqač*.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида бу маъно феълнинг бош шаклига -*gach* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади, деб қаралмоқда: *em-gach, kel-gach, top-gach* сингари. Навоийда бундай эмас. У ушбу маънони феълнинг *yetkäy, etkäy, barγay, tapqay, satqay* сингари келаси зомон шаклларида чикаради. Бу ўринда Навоий ҳақ. Чунки у кўзда тутаётган «суръат» маъноси феълнинг *yet-, et-, bar-, tap-* сингари буйруқ шаклидан эмас, ҳаракат тугаллигини ифода этувчи келаси замон шаклидан, уни ўзгартириш йўли билан юзага келади: *tapqay – tapqač*.

Яна: бир *kāf* (ك) ва *re* (ر) ҳарфини (-*kör* қўмакчи феълни) баъзи сўзнинг охирига қўшиб, ундан муболаға ва қисташни кўзлайдилар, масалан: *bilä-kör, qila-kör, ketä-kör, yetä-kör*.

Яна баъзи сўзларга бир *lām* (ل) қўшадилар (яъни, -*l* қўшимчаси билан), бу ҳолда ўша нарсанинг ўша сифатда маҳкам туришини билдирадилар. Масалан: *qahal, yasal, qabal, tunqal, tarqal, tosqal, soyuryal*.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ. НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ТИЗИМИ

Навоий яшаб ижод этган давр билан замонамиз ўртасида катта оралиқ бор. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари тилининг фонетик хусусиятлари ҳозирги туркий тиллардан, шу жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тилидан ҳам анча фарқ қилади.

*Фонетика* – товушлар билими тўғрисидаги фан бўлиб, у нутқ товушларини ўрганади. Нутқ товушларини ўзбек тилида *ун* дейилади; *ун* – «товуш, сас, овоз» деганидир. Муҳими шундаки, *ун* сўзини фақат кишининг нутқ товушларига нисбатан қўллаймиз, ҳайвон товуши, қушларнинг сайраши ёки бошқа физик ҳодисалар натижасида юзага келувчи шовқинларни эса *товуш* ёки *овоз* деймиз. Тилшуносликдаги *унли*, *ундош* атамалари ҳам шундан олинган: *унли* – «овозли; овозга, яъни товушга эга бўлган» маъносини беради.

Фонетика ўрганиш объекти, даврига қараб иккига ажратилади: ҳозирги тиллар фонетикаси; тарихий фонетика. Ўзбек ёзма адабий тили тарихи ўрганилганда кўпроқ тарихий фонетикага мурожаат қилинади. *Тарихий фонетикада* товушлар тизимининг тарихи, тараққиёти, ёзма ёдгорликларда уларнинг қайҳолда акс этгани, ҳарф ва товуш муносабатлари, тил тарихида кечган фонетик ҳодисалар ўрганилади.

Навоий асарлари тилининг товушлар тизими, биринчи галда, эски туркий ёзувлар – уйғур ва араб ёзувлари, шунингдек, ўша даврлардан қолган тилшуносликка оид асарларда келтирилган илмий маълумотлар, ҳозирги туркий тиллар ва уларнинг шеваларига таянган ҳолда тадқиқ қилинади. Кўпинча ҳозирги туркий тилларда, шунинг каби ўзбек шеваларида Навоий асарларидаги луғавий қатлам ва уларнинг талаффузи яхши сақланган бўлади. Навоий асарларидаги луғат қатламини ҳозирги жонли тиллар ва ўзбек шеваларига қиёслаш орқали уларнинг талаффузини тиклаш, тарихий фонетика соҳасида ишончли хулосаларга келиш мумкин.

### УНЛИЛАР ТИЗИМИ

Навоий асарларининг фонетик тизими, ёзув хусусияти, товуш ва ҳарф муносабатларини ўрганиш унинг асарлари тилида тўққизта унли фонема ишлатилганидан далолат қилади. Булар: [a], [ā], [e], [i], [ī], [u], [ū], [o], [ō].

Навоий асарлари тилидаги унлилар тизими араб алифбоси негизидаги туркий ёзувда *alif, vāv, yā* ҳарфлари ва ҳаракатлар билан ифода этилган.

*Alif* ҳарфи йўғон [a], ингичка [ā] ва [e] унлиларини англатади.

Навоий асарлари тилида [a] билан [ā] ўзаро мустақил фонемалардир: улар талаффузда ҳам, маънода ва вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Яна бир жиҳати, сўз таркибидаги унлилар тизимида ҳам уйғунлик бузилмайди: [a] фонемаси қатнашган сўздаги бошқа унлилар фақат йўғон унлилар, [ā] фонемаси қатнашган сўздаги бошқа унлилар фақат ингичка унлилардан иборат бўлади.

[a] фонемаси йўғон талаффуз қилинади: *ای ay* – «ой» (LT.155b,3); *اقشام aqšam* (NMb.132a,19); *ات at* – «от, ҳайвон» (SM.21b,2); *قاتیغ qatīy* – «қаттиқ» (NMb.44a,8); *باغ bay* – «боғ, бўстон» (LT.155b,8); *يارماق yarmaq* – «танга» (NMb.26a,18); *تمغا tamğa* (LT.192b,3).

[ä] фонемаси эса ингичка талаффуз қилинади: *yemäk-ičmäk* (NMb.36a,3); *کتاب* *kitāb bitimäk keräk* (NMb.26a,12); *چيچاک* *čečäk* (LT.155b,8).

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида кечган сўз бошидаги ва сўзнинг биринчи бўғинидаги «ёпиқ» [ä] фонемаси Навоий асарлари тилида [e] га ўзгаради.

[e] фонемаси сўз бошида *alif, alif madda* ёки *alif yā* ҳарфлари билан ифодаланади: *ایل* *el* – «халқ» (SM.19b,8); *ایلیک* *elig* – «қўл бармоқлари» (SM.21a,17); *ایمکاک* *emgäk* – «заҳмат» (Sİ.394a,3); *ایشاک* *ešäk* (NMb.30b,11).

Сўз ичида эса *yā* ёки *alif* ҳарфлари ёки ҳаракатлар билан берилади: *تیمور* *temür* (NMb.33b,18); *کیل* *kel-* (LT.160b,3); *یتمیش* *yetmiş* – «70» (NMb.35b,22).

Навоий асарларида *yeti, sekiz* сонлари [e] билан талаффуз қилинган. Матнда улар *yā* ҳарфи билан *بیگیز, بیکیز* шаклларида ёзилгани (LT.159b,3) бунга далил бўла олади.

*Yā* ҳарфи йўғон [i], ингичка [i] ва [e] унлиларини англатади.

Навоий асарлари тилида [i] билан [i] ҳам ўзаро мустақил фонемалардир: улар талаффузда ҳам, маънода ва вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Яна бир жиҳати, сўз таркибидаги унлилар тизимида ҳам уйғунлик базилмайди: [i] фонемаси қатнашган сўздаги бошқа унлилар фақат йўғон унлилар, [i] фонемаси қатнашган сўздаги бошқа унлилар эса фақат ингичка унлилардан иборат бўлади.

[i] фонемаси йўғон талаффуз қилинади: *ایت* *it* – «ит» (NMb.37b,11); *تیرناغ* *tirnağ* (LT.155b,3); *ییلان* *yilan* (NMb.37b,15).

[i] фонемаси эса ингичка талаффуз қилинади: *ایگرم* *igrim* – «сув ўрамаси» (LT.155b,11); *ایشکا* *iškä* (NMb.26a,24); *بیییک* *biyik* – «буюк» (MA.270a.10); *چیریچی* *čerigči* – «аскар» (NMb.30b,11).

*Vān* ҳарфи йўғон [o], ингичка [ö], йўғон [u] ва ингичка [ü] унлиларини англатади.

Навоий асарлари тилида [o] билан [ö] ўзаро мустақил фонемалардир: улар талаффузда ҳам, маънода ва вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

[o] фонемаси йўғон талаффуз қилинади: *اوت* *ot* – «ўт, олов» (NMb.135b,22); *اوتون* *otun* – «ўтин» (NMb.134a,23);

[ö] фонемаси эса ингичка талаффуз қилинади: *اول* *öl* – «хўл» (NMb.132a,3); *كوك* *kök* – «кўк, осмон» (LT.155b,3).

Навоий асарлари тилида [u] билан [ü] ҳам ўзаро мустақил фонемалардир: улар талаффузда ҳам, маънода ва вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

[u] фонемаси йўғон талаффуз қилинади: *اویو* *uyu-* «ухла-» (NMb.44b,1); *قوروق* *quruq* (NMb.134a,25);

[ü] фонемаси эса ингичка талаффуз қилинади: *اون* *ün* – «ун, овоз» (NMb.44b,1); *كون* *kün* (NMb.26a,18); *توز* *tüz* – «тенг» (LT.188b,4).

Матннинг қайсидир ерида айни сўзнинг қўшимча қўшилган шакли ишлатилган бўлади. Биз ўша қўшимчали шаклига қараб сўзнинг фонетик жиҳатдан қандай талаффуз қилинганини билишимиз мумкин.

Масалан, *اوی* сўзидаги *vān* ҳарфининг йўғон / ингичкалигини сўзга қўшиладиган қўшимчага қараб билса бўлади: агар сўз «уй, тураржой» маъносида келса, унга қўшимчанинг ингичка варианты қўшилади: *اویکا* *uygä* (NMb.44a,12). Агар «сигир; қорамол» маъносида келганида унга қўшимчанинг йўғон варианты (غه) қўшилган бўларди. Шунга қараб биз транскрипцияда уларнинг бирини *ū*, иккинчисини эса *u* деб оламиз.

Ёки *بول* сўзини оладиган бўлсак, ундаги *vān* ҳарфи йўғон талаффуз қилинади. Буни унга қўшилаётган қўшимчадан ҳам билса бўлади: *بول* *yolğa* (NMb.33b,23). *Чоғиштиринг*: «Қу-

тадғу билиг»да ингичка талаффуз қилинувчи يولاک *yöläk* сўзи ҳам бор. Бу сўз «таянч; мадад» англамида келади (ҚБС,146).

Шунингдек, اوت сўзи «ўт, олов» англамида келганда *vāv* ҳарфи йўғон талаффуз қилинади ва қўшимчанинг ҳам йўғон вариантыни олади: اوت *otqa* - «ўтга, оловга» (NMb.135b,22).

«Кийим, тўн» маъносидаги تون сўзида *vāv* ҳарфи йўғон талаффуз қилинади: تون *ton* (SM.21b,2). Буни Навоий асарларида бу сўзга қўшимчанинг йўғон варианты қўшилишидан ҳам билса бўлади: تونى غه *tonīya* - «тўнига» (NMb.134a,24).

Унлилар тизими товушлар қатори, тор-кенглиги, лабланган-лабланмаганлигига кўра ўзаро қарама-қарши жуфтликларни юзага келтиради: орқа қатор йўғон [a], [i], [o], [u] унлилари олд қатор ингичка [ä], [e], [i], [ö], [ü] унлиларига; кенг [a], [ä], [e], [o], [ö] унлилари тор [i], [i], [u], [ü] унлиларига; лабланмаган [a], [ä], [e], [i], [i] унлилари лабланган [o], [ö], [u], [ü] унлиларига қарама-қаршидир. Улар талаффузига кўра ҳам, фонетик хусусиятига кўра ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

Навоий асарлари тилининг унлилар тизими фонетик-фонологик жиҳатдан йўғон / ингичкалик, лабланганлик / лабланмаганлик, чўзиқлик / қисқалик хусусиятига эга.

### Унлиларда йўғон / ингичкалик

Унлилар, ўз навбатида, йўғон ва ингичка унлиларга бўлинади. Булардан: [a], [i], [u], [o] - йўғон, [ä], [e], [i], [ü], [ö] эса ингичка унлилардир. Йўғон унлилар тилнинг тагидан, ингичка унлилар эса тилнинг учидан чиқади.

Тилшуносликда буларнинг ўрнида «қаттиқ» («твердый») ва «юмшоқ» («мягкий») сифатлари ҳам ишлатилаётир. Лекин товушга нисбатан бундай сифатларни қўллаш тўғри эмас.

Алишер Навоий товушга нисбатан «ингичка» (*inčkä ün*), «кучли» (*biyik ün*) сифатларини ишлатган. Жумладан, у *inčkirmäk* сўзининг талаффузи ва маъносига тўхталиб, «ингичка ун билан йиғламоқдир» (*inčkä ün bilä yïlamaqdur*), дея таъкидлайди. *Ökürmäk* сўзининг маъноси тўғрисида эса «кучли ун билан, тенгсиз фиғон билан йиғлағайлар» (*biyik ün bilä-ki, e'tidälsiz äšüb bilä yïlayaylar*) дея таъриф беради (МЛ,34).

Ёки «Китоб-и таржумон-и туркий»да луғат муаллифи қарама-қарши маъноли сифатларни келтирар экан, *uoγun* ва *yinčä* («йўғон» - «ингичка») сўзларини ўзаро зид маъноли сўзлар сифатида берган (КТТ.38).

Яна бир мисол. Ҳозирги ўзбекчада *йўғон довушли киши*; *йўғон довушда сўзлади* ёки *ингичка довушда сўзлади* деймиз. Ана шулардан келиб чиқиб, товушларга нисбатан *йўғон* ёки *ингичка* сифатларини қўллаганимиз маъқул.

Маҳмуд Қошғарий туркий тилдаги орқа қатор, йўғон [a] ни ифодалаш учун араб тилшунослигидаги *išbā'* (яъни «йўғон»), олд қатор [ä~e] учун эса - *išmām* (яъни, «ингичка») атамасини ишлатган эди. Жумладан, *ات* сўзидаги *alif* ҳарфини икки хил талаффуз қилиш мумкин: агар уни йўғон унли сифатида талаффуз қилинса, «от (ҳайвон)» тушунилади, агар уни ингичка ўқилса, «эт, гўшт» бўлади. Ушбу фонетик ҳолат луғатда шундай берилган: *ات* *at* - «от»; йўғон ўқиладиган *alif* билан (*bi'išbā'i-l-alifi*) (МК.15a); *ات* *et* - ингичка ўқиладиган *alif* билан (*bi'išmāmi-l-alifi*); «эт, гўшт» (МК.15a). Яна мисол: *اف* *ew* - «уй»; ингичка *alif* (яъни [e]) билан (*bi'išmāmi-l-alifi*) (МК.27a).

Унлининг йўғонлигини билдирадиган *išbā'* атамаси билан изоҳланган сўзларга яна мисол: *أُح* *Uč* – йўғон *alif* билан (*bi-ʾišbāʾi-l-alifi*); машҳур бир шаҳарнинг оти (МК.15b); *تو* *to* – йўғон унли (яъни [o]) билан (*bi-l-ʾišbāʾi*), ундан тайёрланадиган овқатнинг оти (МК.268a).

Ёки *vāv* ҳарфи туркий матнларда тўрт хил унлини англатади [o]–[ö] ёки [u]–[ü]. У ингичка унлиларни англатганда, муаллиф уларга нисбатан *išmām* атамасини қўллаган. Луғатда берилишига мисол: *أوت* *öt* – «девор ва тахтадаги ёриқ»; *vāv* ингичка талаффуз қилинади (*bišammati-l-vāvi*) (МК.17b); *أود* *öd* – «вақт, замон»; *vāv* ҳарфи ингичка ўқилади (*bišammati-l-vāvi*) (МК.17b).

Алишер Навоий унлини *ḥarakat* дейди, олд қатор унлиларга нисбатан *ariq*, *daqiq* сифатларини қўллаган. Навоий ишлатган *ariq* сўзининг маъноси «тоза, ингичка» деганидир. «Абушқа» луғатида бу сўзга: *ariḡ va ariq* – *aru va pāk maʾnāsina kelür*, – дея изоҳ берилган (DDT,12).

Навоий туркий матнларда келган *vāv* ҳарфининг фонетик вазифасини яхши очиб берган. У «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида *vāv* ҳарфининг туркий матнлардаги вазифаси хусусида тўхталиб, унинг тўрт хил талаффуз этила олиши, бунинг натижасида улар турли маъноларни англатиши мумкинлигини таъкидлайди (*türki alfāzda bu maʾrūf va majhul ḥarakat tört navʾ tapilur*). Буни қуйидаги мисолларда очиб беради:

*أوت* *ot-ki*, «*šäyʾi muḥriq*»*dur va öt*- «*murür*» *maʾnāsī bilä va ut* -«*muqammirya burd jihatidin amr*» *va üt-ki, baridin ariq ḥarakatdur*, «*kallani otqa tutup tükin aritur*» *maʾnādadur* (МЛ,37).

Бунга кўра, *أوت* даги *vāv* ни йўғон [o] тарзида *ot* деб ўқилса, «ўт, ёндирувчи нарса»; ингичка [ö] тарзида *öt*- деб ўқилса, «ўтиш» маъноси; [u] тарзида *ut*- ўқилса, «ют-, қиморвозга ютиш жиҳатидан буйруқ»; ҳаммасидан ингичка товуш (*baridin ariq ḥarakat*), яъни [ü] билан *üt*- деб ўқилса, «каллани ўтга тутиб, тукини аритиш» маъноси англашилади.

Чоғиштиринг, ДЛТ,82 да:

*оқ кейиктән өтти* – «ўқ кийик ва бошқа ҳайвонга тегиб, уни тешиб ўтди». Ҳар бир нарса бошқа биридан тешиб ўтишига ҳам шу сўз қўлланади;

*ол ани ўтти* – «у уни ўйин ва бошқа нарсаларда ютди»;

*ол башиг ўтти* – «у бошининг сочларини ва шунга ўхшаш нарсаларни куйдирди».

Яна Навоийга қайтамыз. «Муҳокамат ул-луғатайн»дан бошқа бир мисол: *تور* *tor-ki*, «*dām*»*dur. Yana tur-ki, andin daqiqraqdur-ki*, «*quš olturur yūyač*»*dur va tör-ki, andin daqiqraqdur*, «*üyniñ töri*»*dür va tür-ki, barčadin ariqdur*, «*torluyni ya ešikni türmāk üy*»*dür* (МЛ,37).

Бунга кўра, *تور* ни *tor* деб йўғон ўқилса, «овчилар тўри»; яна ундан чўзиқроқ (*daqiqraq*) қилиб *tur* дейилса, «қуш ўтирадиган ёғоч»; ундан нозикроқ (*andin daqiqraq*) қилиб *tör* дейилса, «уйнинг тўри» ва юқоридагиларнинг барчасидан нозик (*barčadin ariq*) қилиб *tür* ўқилса, «тўрлуғни ва эшикни турмак уй» англашилади.

Бунинг билан Навоий туркий матнларда *vāv* ҳарфи [u], [ü], [o], [ö] унлиларини ифода этганига ишора қилмоқда.

### Унлиларда лабланганлик / лабланмаганлик

Лабларнинг иштирокига кўра Навоий асарлари тилидаги унлилар тизими иккига – лабланмаган ([a], [ä], [e], [i], [i]) ва лабланган ([o], [ö], [u], [ü]) унлиларга ажратилади. Аслида

ҳозирги тилшуносликда унлиларга нисбатан «лабланмаган» / «лабланган» атамаларининг ишлатилиши нисбийдир. Чунки нутқда бирор бир товуш, ҳатто лабланмаган унлилар ҳам лабларнинг қатнашувисиз талаффуз қилинмайди. Фарқи шундаки: лабланмаган унлиларни талаффуз қилганда лаблар анча четда туриб, товуш талаффузига кенг йўл очиб беради; лабланган унлилар талаффузида эса, аксинча, лаблар чўччайиб, жадал ишга тушиб кетади. «Лабланмаган ва лабланган унлилар» дейилганда товушларнинг ана шу ҳолати кўзда тутилади, холос.

### Унлиларда чўзиқлик / қисқалик

Туркий тилларда унлилар чўзиқлиги икки хил кўринишда амал қилади: «бирламчи» ва «иккиламчи» чўзиқлик (қаранг: Маҳмудов 1990,65–71).

«Иккиламчи» чўзиқлик кейинги ҳодиса бўлиб, товуш ўзгариши, кўпроқ, сўздаги ундошнинг тушиши натижасида юзага келади. Бу ҳодиса Навоий асарлари тилида ҳам бор: *киز* *ki:z börk* – «кигиз бўрк» (NMb.148a,17); *биз* *bi:z* – «бигиз» (МЛ,37) сингари. Бундай ҳолларда чўзиқлик сўздаги тушган ундошнинг ўрнини тўлдиришга ишлайди.

«Иккиламчи» чўзиқлик ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам учраб туради: масалан, халқ оғизларида *oʻul* ни *uul* деб айтиш.

«Бирламчи» чўзиқлик товуш тушиши ёки ўзгариши натижасида юзага келган эмас, туркий тилларда бурундан бор.

Ҳозирда айрим туркий тилларда унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги амал қилади. Масалан, қардош туркман тилида, шунингдек, ўзбек хоразм шеваларининг ўғуз гуруҳларида «бирламчи» чўзиқлик ҳозир ҳам бор. Шунга қарамай, ёзма ёдгорликлар тилида «бирламчи» чўзиқлик масаласи тугал ечимини топганича йўқ.

Муҳими шундаки, ёзма ёдгорликлар тилида «бирламчи» чўзиқлик ҳодисаси ора-чора учраб туради. Буни матнларда чўзиқ унлиларнинг махсус ифода этилганида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, уйғур хатида чўзиқликни ифодалаш учун баъзан ҳарфларни қўшалок ёзиш ҳоллари кузатилади. СЦ да: *yuil* – «ел, шамол» (VI.9,15), *küü* – «довруғ, овоза» (V.7,11), *süü* – «кўшин, чериг» (V.3,18), *süülä* – «кўшин торт-» (V.71,12), *yüüz* – «100» (V.51,24), *yuul* – «булоқ, чашма» (VI.26,26), *oot* – «ўт, олов» (V.56,25), *yooŋ* – «юқори, чўққи» (V.13,18).

Қизиғи, бир сўз бир матннинг ўзида оддий шаклда ҳам, қўшалок белги билан ҳам ёзилиши мумкин. СЦ да: *yuil* (VI.9,15) // *yil* (V.45,10), *yüüz* (V.51,24) // *yüz* (V.15,19).

«Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмасида: *ular quuš* – «уларқуш»; нар каклик (QВН.7b,9).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли Самарқанд қўлёзмасида: *uul* – «асос» (YugA.81,3), *yool* – «йўл» (YugA.94,4).

Араб ёзувли туркий матнларда [a] нинг чўзиқлигини ифодалаш учун қўшалок *alif* ҳарфидан фойдаланилган. Масалан, Маҳмуд Қошғарий «Девону луғати-т-турк»да бир қатор сўзларни қўшалок *alif* билан келтирган. Афтидан, бу ўринда у ушбу сўзларнинг чўзиқ унли билан талаффуз этилганини кўзда тутган чоғи. Масалан, ДЛТ,44 да:

الت *a:t* – «от, исм».

الت *a:t* – «лақаб, унвон»: *beg aṅar a:t berdi* – «бек унга унвон берди». «Қабиланинг улуғи ёки бошлиғи»ни ҳам *atliṽ* дейиш шундан.

الچ *a:č* – «оч». Мақолда (шундай келган): *A:č ne yemäs, toq ne temäs*. Маъноси: «Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди».

ДЛТ,83 да:

الجدى *a:čdī* – «очикди»: *er a:čdī* – «киши ва бошқалар очикди»;

الردى *a:rdī* – «чарчади; алдади»: *er a:rdī* – «киши ва бошқалар чарчади»; *ol a:rdī* – «у (уни) алдади»;

الزدى *a:zdī* – «адашди»: *ol yol a:zdī* – «у йўлидан адашди»;

السدى *a:sdī* – «осди»: *ol et a:sdī* – «у гўшт ва бошқа нарсаларни осди»;

الشدى *a:šdī* – «ошди, ошиб ўтди»: *ol taṽ a:šdī* – «у тоғ ва бошқа нарсаларни ошди»;

الغدى *a:γdī* – «чикди, кўтарилди»: *ol taṽqa a:γdī* – «у тоққа ва бошқа тепаликларга кўтарилди»;

الغدى *a:γdī* – «тошди, пайдо бўлди; ўзгарди»: *bulit a:γdī* – «булут тошди, пайдо бўлди»; *aniṽ yuzī a:γdī* – «унинг ранги ўзгарди»;

الغدى *a:wđī* – «тўпланди»: *aṅar kiši a:wđī* – «унинг теварагида киши тўпланди» сингари.

Матнларда лаб унлиларининг чўзиқлигини ифодалашда қўшалок *vāv* дан фойдаланилган: *اول* *ööl* – «хўл».

Араб ёзувли туркий матнларда унлилар *alif, vāv, yā* ҳарфлари ёки ҳаракатлар билан ифода этилган. Эски туркий матнларда унлилар *alif, vāv, yā* ҳарфлари билан ёзилишини баъзи олимлар чўзиқликнинг ифодаси деб биладилар. Бу қарашга қўшилиш қийин. Ушбу имло хусусияти фақат чўзиқлик билан боғлиқ эмас. Бунга туркий ёзув анъанасининг давоми сифатида ёндашилгани маъқул. Сабаби шундаки, уйғур хатида унлилар, чўзиқ-қисқалигидан қатъи назар, ёзувда изчил тарзда ифода этилаверган. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида ана шу имло принципини сақлаб қолдилар. Шунга биноан, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар, чўзиқ-қисқалигидан қатъи назар, *alif, vāv, yā* ҳарфлари билан ифодаланадиган бўлди.

Маҳмуд Қошғарий туркий сўзларнинг талаффузига тўхталар экан, ора-орада унлиларнинг қисқа ва чўзиқ ўқилишини ҳам таъкидлаб ўтади:

أُن *ün* – «ун, товуш»; бу сўзни *أون* *ün* тарзида чўзиброқ талаффуз қилиш ҳам мумкин (ДЛТ,30).

بِر *bir* – «бир»; сон; *bir yarmaq* – «бир танга». Бу сўзни *بير* тарзида чўзиқроқ талаффуз қилиш ҳам мумкин. Лекин бу хилда талаффуз қилинадиган сўзлар кўпдир. Туркий тилда айтилишида чўзиқлик, ёзилишида қисқалик яхшидир (ДЛТ,133).

Ёки феълларнинг талаффузда тўлиқ, чўзиқ ўқилиши тўғрисида сўз юритар экан, шундай ёзади: *بَرْدِي* дейиш мумкин бўлганидек, *بَارْدِي* дейиш ҳам мумкин. Шунингдек, *بَرْدِي* ҳам, *بَرْدِي* ҳам мумкиндир. Бу ҳол фақат ўтган замон феълларидагина воқе бўлиши мумкиндир. Келаси замон феъли ва масдарларда мумкин эмас. Бу ҳол исмларда ўзакнинг аслида бўлмаган чўзиқ унлиларни орттириш, қисқартириш мумкин бўлган ҳолатга ўхшайди. Чунончи, *بِعَاغ* дейиш ҳам мумкин, *بِعَاغ* дейиш ҳам мумкин, *تَتَوَق* дейиш ҳам мумкин; *تَتَوَق* дейиш ҳам мумкин. Лекин исмларда ҳам, феълларда ҳам шаклда қисқалик, айтилишда қаттиқлик яхши ва тўғридир (ДЛТ,219).

Таъкидлаш керакки, ёзма ёдгорликлар тилида, хусусан Навоий асарлари тилида «бирламчи» чўзиқ унлилар фонема даражасида амал қилгани даргумон. Ҳарқалай, улар оддий унлиларнинг фонетик варианты сифатида қўлланган кўринади.

### Ўзлашган сўзлар унлисида чўзиқлик / қисқалик

Араб ва форс тилларининг унлилар тизимида чўзиқлик / қисқалик хос. Бу нарса луғат таркибида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар кўп бўлган эски ўзбек тилининг фонетик тизимида ҳам таъсир этган.

Классик ўзбек тилида, хусусан, Навоий асарлари тилида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги унли товушларда чўзиқлик / қисқалик амал қилади. Лекин бундай чўзиқлик / қисқалик фақат арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлар доирасида ишлайди холос. Бунинг сабаби, арабча, форсча сўзлар эски ўзбек тилига тайёр ҳолида, яъни улар ўша тилларда қандай талаффуз қилинган бўлса, шундайлигича ўзлаштирилган. Шунинг учун ўзлашган сўзларда чўзиқлик / қисқалик маъно фарқлаш хусусиятига ҳам эга.

Ёзувда чўзиқ унлилар *alif*, *vāv* ва *uā* ҳарфлари билан, қисқа унлилар эса ҳаракатлар билан ифодаланади. Мисолларга эътибор беринг:

(1) чўзиқ [ā] унлиси:

واحب *vājib* (SM.21a,9);

نماز *namāz* (SM.21a,9);

قواعد *qavā'id* – «қоидалар» (SM.21b,1);

قيامت *qiyāmat* (NMb.26a.7);

عوام *'avām* (NMb.44a,23);

كاغذ *kāγaδ* – «қоғоз» (NMb.32b,5)

(2) чўзиқ [ī] унлиси:

صوفيه طريقي *šōfiyya ṭarīqi* (NMb.148b,17);

شیرین *šīrīn* – «ширин; ёқимли» (LT.160b,1).

Арабча ва форсча сўзлардаги чўзиқ [ī] унлиси, Навоий асарлари тилида баъзан [e] га ўзгаради: *هیچ* *hič* > *heč*; *ديوان* *dīvān* > *devān*; *میزبان* *mezbān* (NMb.44a,9); *درویش* *darveš* (NMb.37a,15); *سیمرغ* *setiryγ* – афсонавий қушнинг оти (LT.158b,21) сўзларидаги сингари.

(3) чўзиқ [ū] унлиси:

روم *Rūm* – юрт оти (NMb,148b,21);

طاووس *ṭāvūs* – қуш оти (LT.160b,5);

موجود بولدى *mavjūd boldi* (SM.20a,4);

مقصود *maqšūd* (SM.20a,4);

مطلوب *maṭlūb* (NMb.31b,6);

مشهور *mašhūr* (MN.307b,23);

مشغول بولدى *mašγūl boldi* (NMb.26a,24).

(4) чўзиқ [ō] унлиси:

طوطى *tōtī* – куш оти (LT.160b,1);  
فقرجوى *faqrjōy* (ТМА.370а,7);  
درويشخوى *darvešxōy* (ТМА.370а,7).

Ўзлашган сўзлардаги қисқа унлилар туркий матнларда ҳарфлар билан эмас, ўша тиллардаги сингари ҳаракатлар билан берилган ёки ёзувда ифода этилмаган: خلق *xalq* (NMb.26a,7); نطق *nuṭq* (LT.160b,1); گهر *guhār* – «гавҳар» (LT.155b,6) сўзларидаги сингари.

Англашиладики, Навоий асарлари тилида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларнинг унлилар тизимида чўзиқлик / қисқалик амал қилиб, матнларда улар чўзиқ ё қисқа ўқилади:

Чўзиқ унлилар: [ā], [ī], [ū], [ō];

Қисқа унлилар: [a], [i], [u], [o].

Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлилар туркий йўғон [a], [i], [u], [o] унлиларига вариант сифатида [a~ā], [i~ī], [u~ū], [o~ō] қўлланган деса бўлади.

Навоийнинг қуйидаги жумлалари ҳам бунга далил бўла олади:

Va neçä ħurufqa 'ibārat vus'atī ücün, balki qāfiya suhūlatī ücün bir-birigä širket beripdürlär. Ul jumladin, biri «alif» bilä «hā» arasida munāsabat va mušarakat beripdürlär-ki, bir lafzni ham āxiri «alif» lafz bilä qāfiya qilsa bolur. Andaq-ki, ara lafzin sarā va darā bilä qāfiya qilsa bolur, sara va dara bilä ham qāfiya qilsa bolur. Yana bir mişāl, andaq-ki, yada lafzin şadā bilä qāfiya qilsa bolur, bāda bilä ham qilsa bolur (МЛ,37–38).

Бунинг сўзма-сўз маъноси шундай:

«(Туркчада) жумлани кенгайтириш ва қофияни осонлаштириш учун бир неча ҳарфни бир-бирига шерик қилибдирлар. Шу жумладан, «alif» билан «hā» («alif» – [ā]; «hā» – сўз охирида келадиган [a] демак) орасида шериклик ва муносабат пайдо қилибдирларки, бир сўзни охири «alif» (яъни [ā])ли сўз билан қофия қилса бўлади. Андоқки, *ara* сўзини *sarā* ва *darā* билан қофия қилса бўлади, *sara* ва *dara* билан ҳам қофия қилса бўлади. Яна бир мисол, андоқки, *yada* сўзини *şadā* билан қофия қилса бўлади, *bāda* билан ҳам қофия қилса бўлади».

Бу ерда «*ara* сўзини *sarā* ва *darā* билан қофия қилса бўлади; *sara* ва *dara* билан ҳам қофия қилса бўлади; *yada* сўзини *şadā* билан қофия қилса бўлади, *bāda* билан ҳам қофия қилса бўлади» дейилганда туркий *ara* сўзининг охиридаги [a] билан ўзлашган *sarā* ва *darā*; *sara* ва *dara* сўзларининг охиридаги [ā~a] лар орасида, шунингдек, *yada* сўзидаги [a] билан ўзлашган *şadā* ва *bāda* сўзлари охиридаги [ā~a] лар орасида фарқ сезилмаслиги, яъни улар ўзаро вариант сифатида ишлатилгани, шу сабаб бу сўзлар шеъриятда ўзаро қофиядош эканлиги таъкидланган.

Масалан, «Садди Искандарий»дан олинган байтга қаранг:

*Yarurda quyaş partavidin sarā,*  
*Qaçan farq olur fahm darrāt ara (Sİ.394a,13).*

## Унлилар тизимининг фонетик тараққиёти

Туркий тилларнинг унлилар тизими юз йилликлар оша ўта мураккаб ва такомиллашган фонетик жараённи бошдан ўтказган.

Туркий халқлар ишлатган қадимги ёзувларда [e] фонемаси учун алоҳида ҳарф йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу товушнинг келиб чиқиши, унинг тарихий такомили тўғрисида бир тўхтамга келинган эмас. Нима бўлганда ҳам, [e] товуши ингичка [ä] га вариант сифатида [ä~e] юзага келгани аниқ.

Ҳозирги ўзбек тилида [e] билан талаффуз қилинаётган сўзлар кўк турк битигларида 1 <ä> (бу ҳарф кўп ҳолларда сўз боши ва сўз ичида ёзилмайди, лекин ўқилади) ёки 1 <i> ҳарфлари билан ёзилган: »а1 äš(i)m (E.41.1), Ү (ä)l (E.32.9), 1119 yiti (Ха.10), Ү19 yir (Ка.9).

Битигларда бир сўзнинг ўзи 1 билан ҳам, 1 билан ҳам ёзилаверади. Масалан: Ү (ä)l (E.32.9) // Ү1 il (E.32.8); 119 y(ä)ti (Тон.4) // 1119 (Ха.10); Ү9 y(ä)r (Ка.4) // Ү19 yir (Ка.9). Ушбу график хусусиятлар [ä] билан [i] оралиғидаги [e] товуши ифода этилганидан далолат беради. Махсус ҳарф бўлмагани сабаб, шундай йўл тутилган. Шунга кўра, юқоридаги мисолларни *el*, *yeti*, *yer* шаклида ўқиш мумкин; маъноси «юрт», «етти», «ер» дегани.

Енисей битигларида, ўрхун битигларидан фарқли ўлароқ, 1 ҳамда 1 ҳарфлари ҳам ишлатилган. Бу икки ҳарфнинг шакли бир-бирига ўхшаш эса-да (бири иккинчисидан ҳосил қилинганлиги кўриниб турибди), уларнинг вазифасида фарқ бор.

Ўз вақтида В. Томсен енисей битигларида қўлланган 1 ҳарфи тўғрисида мушоҳада юритиб, у [e] товушини ифода этган, деган фикрни кўтариб чиққан эди (Gabain 1950,11,44). Унинг бу фикри кўпчиликка маъқул тушган бўлса-да, кейинчалик эътирозга учрай бошладди.

Масалан, қуйидаги сўзларда ушбу ҳарф [e] унлисини ифода этганлиги шубҳа туғдирмайди: Ү1 *el* – «эл» (E.1.2), 1»11 *ešimä* – «эшимга, ўртоғимга» (E.51.3), 111 *beš* – «беш» (E.45.2). Бироқ, А. Аманжоловнинг фикрича, бу ҳарфнинг вазифаси кенгроқ. Ушбу ҳарф [e] билан бир қаторда тил олди [i] ва тил орқа [i] унлиларини ҳам ифода этган (Аманжолов 2003,50–51). Бунга енисей битигларида бир сўзнинг икки хил ёзилганлиги ёрқин мисол бўла олади. Масалан, *yita* (афсус) сўзида [i] унлиси 1 ёки 1 ҳарфлари билан ёзилиши мумкин: 1111 (E.59.8) // 1111 (E.10.1); шунингдек, *kinim* (туғишганим) сўзида [i] унлиси ҳам икки хил ёзилган: »111 (E.59.8) // »111 (E.3.1).

*il* (*el*) сўзи : Ү1 (E.26.1) // Ү1 (E.1.2);

*biš* (*beš*) сўзи: Ү11 (K.44) // 111 (E.25.4).

Келтирилган мисоллардан енисей битигларидаги 1 ҳарфи 1 ҳарфи билан вазифадош эканлиги англашилади. У ҳам [ä~e] ва [i], [i] фонемаларини ифода этган.

Енисей битигларида қўлланган 1 ҳарфига келсак, унинг вазифаси бошқа. Ушбу ҳарф 1 ҳарфи билан вазифадош. Битигларда бу ҳарф [a]–[ä] фонемаларини ифода этган (Аманжолов 2003,61). Масалан: 19 *aza* – «озиб, адашиб» (E.50.3), 111 *ögä* – «доно» (E.49.2), 111 *elimä* – «элимга» (E.46.2).

Англашиладики, енисей битигларида қўлланган олти ҳарфдан икки жуфти (1 билан 1; 1 билан 1) ўзаро вазифадошдир.

Уйғур хатида унлиларни ифодалаш учун алифбо тизимидаги бор-йўғи учта ҳарфдан фойдаланилган: *alif* ҳарфи [a], [ä] ва [e] ни, *uā* ҳарфи [i] ва [i] фонемаларини, ўрни билан, [e] ни ҳам англлатган; *vāv* ҳарфи эса лаб унлилари учун ишлатилган.

Туркий халқлар ишлатган араб хатида ҳам [e] унлиси учун махсус ҳарф йўқ; у сўз бошида *alif*, *alif madda*, *alifyā*, сўз ичида эса *yā* ёки ҳаракатлар билан берилган ва б.

Бунга бир мисол: «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган қўлёзмасида «худо, эга» маъносидаги *edi~edi* сўзи икки хил - *alif* билан ҳам, *alifyā* билан ҳам ёзилган: اذى (QBN.8b,6) // ايذى (QBN.11b,11). Яна бир жиҳати, бу сўз асарнинг Наманган нусхасида <δ> билан ёзилган бўлса, Қоҳира нусхасида <d> билан ёзилган: ايدى (QBQ.2a,10; 8b,8).

Ана шуларга таяниб, бу сўзни [i] билан эмас, [e] билан *edi* ёки *edi* деб ўқилгани маъкул. QBQ.128a,13 да шундай байт бор:

ايسيز ايش توتونما ييراق تور تزا  
ايسيز ايش ازيتور سيني يول اوزا

Келтирилган байтдаги *alifyā* билан ёзилган *аисиз* сўзини *esiz* деб ўқиймиз; маъноси «ёмон» дегани; ундан кейинги *alifyā* билан ёзилган *аиш* ни эса *iš* эмас, *eš* деб ўқилади; маъноси «эш, ўртоқ» деганидир. Шунда байтнинг транскрипцияси қуйидагича бўлади:

*Esiz eš tutunma, yiraq tur tez-ä,*  
*Esiz eš azitur seni yol üzä.*

Мазмуни:

«Ёмон (билан) эш [яъни, ўртоқ] тутунма, тезда йироқлаш,  
Ёмон эш сени йўлдан оздиради [йўлдан уради]».

Ёки QBN.13a,11 да:

تيلين امكاميش ار نيكو تير اشيت  
بو سوز ايشكا توتغيل اوزونكل ايش ايت

Бу байтнинг иккинчи қаторидаги биринчи *аиш* ни *iš* («иш»), иккинчисини эса *eš* («эш, йўлдош») деб ўқиймиз:

*Tilin emgāmiš er nekü ter ešit,*  
*Bu söz işkâ tutyil, özünjä eš et.*

Мазмуни:

«Тили туфайли озор топган киши нима дейди, эшит,  
Бу сўзни ишга солгин, ўзингга йўлдош қилиб ол».

Келтирилган ўрнаклар «Қутадғу билиг» тилида [e] мустақил фонема сифатида ишлатилганини далиллайди.

Навоий асарлари тилида ҳам [e] мустақил фонемадир.

«Ғаройибу-с-сиғар»да Навоийнинг машхур байти бор. Қўлёзмада ёзилиши шундай (ЃS.31a,23):

عالم اهلى بيلينكىز كيم ايش ايماس دشمن ليق  
يار اولونك بير بيرينكىز كاكيم ايورور يارليغ ايش

Уни, одатда, шундай ўқишади:

*Ālam ahli biliniz-kim, iš emäs duşmanliq,  
Yār oluñ bir-biriñizgä-kim, erür yarliñ iš.*

Ушбу байтдаги *iş* сўзи матнда *alif uā* ва *šīn* билан ёзилган (ايش). Бироқ, юқоридагидек *iş* деб ўқилганда, мазмунда ғализлик келиб чиқади. Яъни, «душманлиқ иш эмас» (*iş emäs duşmanliq*) деган мазмун англашилади. Аслида ушбу жумладаги ايش сўзини *iş* («иш», яъни «дело») эмас, [e] товуши билан eš («ўрток; дўст» маъносида) деб ўқилгани тўғри. Ана шунда «душманлиқ сенга эш бўлмайди» деган маъно келиб чиқади.

Иккинчи сатрдагиси ўзидай қолгани маъқул, чунки у ерда «иш» маъносидадир. Бундан ташқари, *erür yarliñ iš* дейилганда «Тангрининг ёрлиғи», яъни «буйруғи» кўзда тутилмоқда. Юқоридаги фикрларга таянганда, байтни қуйидагича ўқиш мумкин:

*Ālam ahli biliniz-kim, eš emäs duşmanliq,  
Yār oluñ bir-biriñizgä-kim, erür yarliñ iš.*

Мазмуни эса тубандагича бўлади:

«Олам аҳли билингизки, душманлиқ (сира) эш бўлмайди.  
Бир-бирингизга дўст бўлинг, Тангрининг ёрлиғи [яъни буйруғи] шудир».

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да туркий тилнинг унлилар тизими, арабий ҳарфларнинг вазифалари тўғрисида сўз юритар экан, [e] товуши хусусида ҳам тўхталган эди. Чунончи, туркий матнлардаги уā ҳарфининг вазифасини таърифлаб, унинг уч хил талаффуз этилиши мумкинлигини айтади (*üç harakatdın artuñ tapılmas*). Бунини муаллиф қуйидаги мисолларда кўрсатиб берган:

بیز *bez-ki, sart* «qudūd» *der va biz-ki*, «mā» ва «naḥnu» *ma'nāsī bilādūr va bi:z-ki, andin* (daqıqdur), «darafš» *derlār* (МЛ,37).

Бунга кўра, بیز ни *bez* деб ўқилса, «без», *biz* ўқилса, «биз» (кишилик олмоши), *bi:z* деб чўзиқ ўқилса, «бигиз» бўлади.

Ёки бошқа бир мисол: تیر *ter-ki*, «termäk» *ma'nāsī bilādūr va tir-ki, andin daqıqdur. Uldur-ki sartlar anı* «'araq» ва «хоу» *derlār va ti:r-ki, baridin ariqdur*, «оқ» *ma'nāsī bilādūr* (МЛ,37).

Бунга кўра تیر ни *ter* деб ўқилса, «тер-» (фезъл), *tir* ўқилса, «тер», *ti:r* деб чўзиқ ўқилса, «ўқ» бўлади.

Бу ўрнақлар остида Навоий турк имлосида уā ҳарфи ифода этадиган учта унлини назарда тутмоқда: [e], [i], [i:]. Бу мисоллари билан Навоий бир-бирига қарама-қарши маъноли фонемаларни эмас, балки уā ифода этадиган турли товушларни кўзда тутган. Чунончи, [e]

товуши [ā] фонемасининг торайиши туфайли унга вариант сифатида ҳосил бўлган, кейинчалик мустақил ҳолда такомил топган.

Навоий ўрнакларидаги [i] товуши йўғон ўзакли сўзлар таркибида орқа қатор [i] сифатида талаффуз этилган. Навоий назарда тутган [i:] эса «иккиламчи» чўзиқликдир. «Иккиламчи» чўзиқ унлилар, одатда, ўзи билан ёндош келган бирор ундошнинг тушиши натижасида ҳосил бўлади.

Толе Имоний унлилар учун والاشباع (*val-išba'*) (яъни, «*išba'* билан») ҳамда بالاشباع (*bil-išba'*) («*išba'* сиз») атамаларини қўллаган. А.К. Боровков *val-išba'* атамасини «с насыщением», *bil-išba'* атамасини эса «без насыщения» дея талқин қилади. Унингча, Толе Имоний *val-išba'* атамаси остида тор *i, i, ü, u* унлиларини, *bil-išba'* атамаси остида эса ўртатор *e, ö, o* унлиларини кўзда тутган. Масалан, ايش даги *alif išba'* ли *kasra* билан («с насыщением») талаффуз қилинса – «иш» («дело»); агар *alif išba'* сиз *kasra* билан («без насыщения») ўқилса – «эшмак» («вить», «прясть») сўзи англашилади (Боровков 1961,12).

Луғатда муаллиф сўзларни кўпроқ ёзилишига кўра туркумлаштиради: биринчи ёзилишини бериб, сўнг уларнинг талаффузи ва маъносини изоҳлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги изланувчи бундай сўзларнинг талаффузини аниқлашда ўта хушёр бўлмоғи керак. Масалан, ايل (35b) сўзи *äylä* (яъни, «шундай») маъносини англатади, агар ундаги *alif kasra* билан ўқилса – *ilä* (яъни, «билан») сўзи келиб чиқади. بيل (42a) ҳам икки хил ўқилади ва икки сўз англашилади: *bel* ва *bil* - . Ёки:71 ) قين b) ни *išba'* билан ўқилса – *qiyin* (яъни, «қийин»), агар *išba'* сиз ўқилса – *qin* (яъни, «қин, пичоқнинг қини») англашилади; اون ни *išba'* ли *damma* билан ўқилса – «нидо» («сас, овоз, ун»); агар бу сўз *išba'* сиз ўқилса – «ўн» рақами англашилади (22b).

Сўзнинг биринчи ҳарфини ундан кейинги унли билан бирга тўғри ўқиш учун *bi-fath* (*a-ä* билан), *bi-damm* (*u-ü-o-ö* билан), *bi-kasr* (*i-i* билан) сингари фонетик ишоратлар ҳам келтирилади. Аслида бундай фонетик қайдлар келтирилмаса ҳам бўларди. Чунки луғатда қабул қилинган принцип бўйича, сўзларнинг ҳарфини ҳам уларнинг қайси бобга кирганлигига қараб тўғри ўқиш мумкин. Лекин боб ичида сўзлар кўп, айниқса, биринчи ҳарфдан кейин унли ёзилмаган бўлса, уни хато ўқиш мумкин. Шунинг олдини олиш учун ҳам шундай қайдлар берилди. Масалан: قراقچي сўзининг биринчи ҳарфидан кейинги унли ёзилмаган, бироқ изоҳда *bi-fath* ишораси борлиги учун ўқувчи уни *qaraqčī* (яъни, «қароқчи») деб ўқийди. Акс ҳолда уни *qīraqčī* ёки *quraqčī* деб ҳам ўқиши мумкин эди (Ҳасанов 1989,8).

Тилшуносликда ҳозирги ўзбек адабий тилидаги очик, кенг [ó] товушининг (адабий-орфографик <o>) юзага келиш тарихи ҳам мунозарали. Маълумки, бу товуш бошқа туркий тилларда учрамайди. Шундай экан, у ўзбек тилида қандай ва қачон пайдо бўлганлиги тилшунослар ўртасида жумбоқли экани, турли тортишувларга олиб келаётгани табиий.

Қ. Маҳмудовнинг фикрича, ҳозирги ўзбек тилидаги [ó] фонемаси ўзлашган сўзлардаги чўзиқ [ā], туркий тиллардаги этимологик тил орқа [\*a] ҳамда этимологик чўзиқ [\*a:] товушларининг кенгайиши натижасида ҳосил бўлган (Маҳмудов 2004,51).

Унинг қачондан бери ўзбек тилида пайдо бўлганлиги анча баҳсли, лекин, ҳар қандай ҳолда ҳам у ўрта асрларда, хусусан, «чиғатой туркийси»да ишлатилган дея олмаймиз. Эски ўзбек тилида, хусусан, «чиғатой тукийси»да араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларда [ā] товуши амал қилган. Масалан, *vafā, jafā, sadā, sanā* сўзларидаги сингари.

Навоийнинг таъкидлашича, жумлани кенгайтириш ва қофияни осонлаштириш учун бир неча ҳарфни (яъни, товушларни) бир-бирига шерик қилибдирлар. Жумладан, *alif* би-

лан *hā* (*alif* – [ā]; *hā* – сўз охирида келадиган [a] демак) орасида шериклик ва муносабат пайдо қилибдирларки, бир сўзни охири *alif* (яъни, [ā])ли сўз билан қофия қилса бўлади. Масалан, *ara* сўзини *sarā* ва *darā* билан қофия қилса бўлади, *sara* ва *dara* билан ҳам қофия қилса бўлади. Яна бир мисол, *yada* сўзини *ṣadā* билан қофия қилса бўлади, *bāda* билан ҳам қофия қилса бўлади (МЛ,66).

Кўринадикки, Навоий тилида, қолаверса, эски ўзбек тилида ўзлашган сўзлардаги [ā] товуши туркийга хос бўлган орқа қатор, йўғон [a] фонемасига вариант сифатида ишлатилган. Шунинг учун ўзлашган сўзлардаги [ā] ни мустақил фонема эмас, балки орқа қатор, йўғон [a] товушининг варианты ([a~ā]) деб қараган маъқул.

Лекин, соф туркий сўзларга бунини татбиқ этиб бўлмайди, чунки у даврда туркий сўзлардаги [a] унлиси, ҳозирдагидек, [ó] га айланмаган эди. Соф туркий сўзларни ҳозиргидек *қора*, *хон*, *хоқон*, *ўғлон* деб эмас, *qara*, *xan*, *xaqan*, *oʻylan* шаклида ўқиймиз.

Ўзбек тили тарихида яратилган ёзма манбалар тилини тадқиқ қилиш, уларни ҳозирги ўзбек ёзувига ўгириш жараёнида очиқ [ó] масаласи янада жиддийлашади.

Ёзма ёдгорликлар, хусусан, араб ёзувли манбаларни ўрганган мутахассислар матнларда сўз бошида келган *alif madda*, сўз орасида келган *alif* ҳарфи [ó] товушини ифода этган, деб санайдилар. Оқибатда классик матнларни ҳозирги ёзувга ўгирганда ҳам уларни <a> ҳарфи билан эмас, <ó> (адабий-орфографик <o>) билан беряпдилар. Ваҳоланки, араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида сўз бошида келган *alif madda*, сўз ичидаги *alif* ҳарфлари кенгроқ вазифани бажарган. Эски матнларни ҳозирги ёзувга ағдарганда туркий тилларнинг товуш хусусиятини, фонологик табиатини инобатга олган маъқул. Сўз бошида *alif madda* билан ёзилган сўзларни *ал*, *ач*, *ачун*, *асиғ* шаклида, сўз ичида *alif* ҳарфи билан ёзилган йўғон ўзак-негизли сўзларни ҳозирги ўзбек ёзувида *барған*, *турған*, *тапқан*, *қачқан*, ингичка негизли сўзларни эса *билган*, *кўрган*, *эшиткан* шаклларида ўқилса ва ёзилса тўғри бўлади.

Масалан, Навоий асарларининг кўлёмаларида сифатдош кўшимчалари *بولغان* *bolyan* (NMb.30b,19); *اوقوغان* *oquyan* (MN.312a,11); *الغان* *alyan* (LT.155b,3) шаклларида ишлатилган.

Ёки сўз охирида *alif* билан ёзилган *سنا*, *سنا* сўзларини ҳозирги замон табдилларида *манго*, *санго* тарзида бериш ҳолати ҳам учраб туради. Ваҳоланки, бу ўзбек тили фонетик қоидаларига мутлақо зиддир. Масалан қуйидаги байтнинг араб хатида берилиши шундай:

فيض بيتكاج اول معانيد ين منكا  
تاپتى بيلكو نظم فائيد ين منكا

Ушбу байтни қуйидаги шаклда ўқилса ва транскрипцияга ўгирилса тўғри бўлади:

*Fayd yetkăč ul ma'ānîdîn meñä,*  
*Tapti belgü nazm-i Fānîdîn meñä* (LT.192b,7).

Маълумки, тарихий тараққиёт жараёнида унлилар тизимида ўзгариш юз берди. Эски ўзбек тили («чиғатой туркчаси»)да унлилар сони сифат ва миқдор жиҳатдан қадимги ва эски туркий тил даврларидан фарқ қилади.

Эски ўзбек ёзма адабий тили («чиғатой туркчаси»)да, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилидаги унли фонемалар тизими туркий тил фонетик-фонологик тизимининг такомиллашган босқичини акс эттиради.

Туркий тилларнинг фонетик тизими бадий адабиёт, айниқса, шеър рифмикасининг такомилга катта таъсир кўрсатди. Ўзбек мумтоз шеъриятида мисраларнинг равонлиги, оҳангдорлиги, ўта жозибали ва таъсирчан ўқилиши ва қулоққа ёқимли эшитилишининг боиси ҳам ана шу азалий қонуниятнинг амал қилганлигида эди.

Туркий тилнинг узоқ асрли тараққиёти натижасида шаклланган унлиларнинг мазкур тизими эски ўзбек адабий тилининг характерли хусусияти ўлароқ XX юзйилликнинг бошларига қадар сақланиб келди.

### Навоий асарлари тилида сингармонизм

Сингармонизм сўзнинг биринчи бўғинидаги унли билан кейинги бўғин унлиларининг ўзаро уйғунлашувидир. Ўзбек тили тарихида сингармонизм юзйилликлар оша «темир қонун» сифатида амал қилиб келди (қаранг: Щербак 1962,73–78; Eckmann 1988,11–18; Маҳмудов 1990,202–208; Содиков 2020,222–225).

Мумтоз туркий шеъриятда ғазаллар жозибаси, оҳангдорлиги, қулоққа ёқимлилигини таъминлашда ҳам сингармонизмнинг таъсири кучли. Бу нарса, айниқса, бадий адабиётда кескин ажралиб туради. Жумладан, араб, форс мумтоз арузида сўз жозибаси унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги билан белгиланган бўлса, туркий арузда унлиларнинг йўғон-ингичкалиги етакчи саналган.

Навоий асарлари тили сингармонизмли тилдир. Бунга кўра олд қатор унлилари ингичка, орқа қатор унлилари эса йўғон талаффуз қилинган. Сўзнинг фонетик-фонологик табиати ана шу унлиларга мослашади. Сўзнинг биринчи бўғинида олд қатор унлилари келса, кейинги бўғинларда ҳам олд қатор унлилари қатнашади. Ёки, бунинг тескариси, биринчи бўғинда орқа қатор унлиси қатнашса, кейинги бўғинлар унлиси ҳам орқа қатор унлилари бўлади. Шундан келиб чиқиб, сўзлар йўғон ёки ингичка талаффуз этилувчиларга бўлинади.

Ингичка талаффуз этилувчи сўзлар мисоли:

تۈرلۈك *türlüg* (SM.21b.1); ايليک *elig* – «қўл бармоқлари» (SM.21a,17); تيمورچى ليک *temürçilik* (NMb.33b,18); يەگۈلۈك *yegülük* – «егулик» (NMb.31b,6); بىرليک *birlik* (LT.159a,22).

Йўғон талаффузли сўзлар мисоли:

اوقۇغان *oquyan* (SM.19b,8); بارغاي سېن *baryay-sen* (NMb.44a,12); يۈز يىل ليک *yüz yillik* (NMb.44a,13).

Яна бир жиҳати, ўрта асрлардаги туркий тил агглютинатив табиатлидир. Унда ўзак-морфема сўзнинг туб маъносини белгилайди, унга бирикувчи аффикслар эса ўзакдан англашилган тушунчани аниқлаштиришга, чуқурлаштиришга хизмат қилади. Сўзнинг ўзаги ўзига қўшилаётган қўшимчаларни маъно жиҳатидангина эмас, товуш жиҳатидан ҳам бўйсундириб олади (қаранг: Стеблева 2012,9). Бунга кўра, сўз йўғон ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам йўғон талаффузли вариантлари қўшилади, сўз ингичка ўзакли бўлса,

унга қўшимчаларнинг ҳам ингичка талаффуз қилинадиган вариантлари қўшилади. Навоий асарлари тилида ҳам шундай.

Ингичка талаффуз қилинувчи сўзларга қўшимчанинг ҳам ингичка варианты қўшилади: *كونكلیكا kōnligä* (NMb.148a,22); *ایلكا elgä* – «мамлакатга» (ТМА.356a,17); *تیزگا tizgä* – «тиззага» (SM.21a,17); *تویه tewägä* – «туяга» (NMb.35b,19); *اویگا üygä* (NMb.44a,12); *ایش işkä* (NMb.37b,11) сингари.

Йўғон талаффуз қилинувчи сўзга қўшимчанинг ҳам йўғон варианты қўшилади: *بوغزییه boğziya* (NMb.44a,18); *یول یولغا yolğa* (NMb.33b,23); *سوغه suğa* – «сувга» (NMb.35b,24) сингари.

Масалан, феълнинг масдар шакли:

*سوز ایتماق söz aytmaq* (NMb.44a,8); *ارام توتماق ārām tutmaq* (NMb.33b,7); *خلق دین قاجماق xalqđin qaçmaq* (NMb.33b,7); *بویورماق buyurmaq* (NMb.33b,10).

*بیلماک bilmäk* (SM.20a,3); *یول یوروماک yol yürümäk* – «йўл юрмоқ» (LT.189a,22); *اولماک ölmäk* (Sİ.394a,3).

Навоий асарларида ҳатто сифатнинг қиёсий даражасини ҳосил қилувчи *-raq* қўшимчаси ингичка сўзларга *-räk* шаклида қўшилади: *كوپراک köpräk* (NMb.36a,4); *ياخشیراق yaxšīraq* (NMb.35b,25).

Ёки яна: *قاتیغ لیغ qatıylıy* (NMb.132a,4); *سوسیز لیغدین susızlıyđin* – «сувсизликдан» (NMb.132a,3).

Сўзнинг йўғон-ингичкалигига қараб қўшимчаларда кечаётган ўзгаришларга эътибор қилинг:

*غپیل قیلدوق و پسو کوتاردوک و یولغه توشتوک yusl qılduq va su kötärdük va yolğa tüštük* (NMb.132a,4); *مینک ییل لیق miñ yillıq* (LT.159b,2); *مینک ییل لیق miñ yilçiliq* (LT.159b,2).

Навоий асарлари тилида *лаб уйғунлиги* қоидаси ҳам кучли ишлаган. Масалан, *söz* сўзига эгалик қўшимчаси қўшилганда ўзакнинг фонетик табиатидан келиб чиқиб, қўшимча таркибида ҳам қисқа лабланган унли орттирилади ва у *سۆзүм sözüm* шаклида ишлатилади (NMb.132b,22), ҳеч маҳал *sözüm* дейилмайди.

Ёки: *سوردوم sordum* – «сўрадим» (NMb.30b,19); *کوردوم kördüm* (NMb.30b,19); *اوزومنی özümni* (LT.156a,22); *میل کورگüz mayl körgüz* (LT.160b,11).

Яна: *تونونگوزنی tonuñuzni* – «тўнингизни» (NMb.148a,11); *بوغوز اولوتور ایردیлар boğuz ölütür erdilär* – «бўғуз хўллар эдилар» (NMb.132a,3).

Охирги бўғини лабланмаган унли сўзларда эса бунинг тескариси: *بی ادب لیغ beadablıy* (NMb.30b,13); *بیٹیگ لیغ bitıglıy* (NMb.32b,5) сингари. Бу қоида, айтарли, бузилмайди.

Бу тизимни, айниқса, кўк турк ёзувининг имло принципи ўзида яхши акс эттирган. Масалан, *bodun* сўзи ёзилмоқчи бўлса, биринчи бўғиндаги <o> унлиси ёзилади, иккинчи бўғинга ўтганда эса, тушириб қолдирилади: ڤڤڤ. Битигларни ўқиш йўриғига кўра, биринчи бўғинда лабланган унли бўлгандан кейин, табиий равишда, кейингисига ҳам лабланган унли қўшиб кетилаверади. Бошқалари ҳам шундай.

Навоий асарлари тилида ундошлар тизимидаги жаранглилик / жарангсизлик ҳодисаси (*ассимиляция*) ҳам ишлайди. Бунга кўра, жарангсиз ундош билан тугаган сўзга қўшимчанинг ҳам жарангсиз ундош билан бошланувчи варианты қўшилади: *توشتی tüşti* (LT.188a,24); *عالمدین اوتی 'ālamdīn ötti* (NMb.148a,12); *تاپتی tapti* (LT.192b,4); *چیتتی çıqtı* (LT.188b,1); *یول توتی yol tutti* (LT.188b,2).

Жарангли ундош, унли товуш ёки сонор билан тугаган сўз эса қўшимчанинг жарангли ундош билан бошланувчи вариантини қабул қилади:

Унлилардаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик / жарангсизлик уйғунлиги таъсирида Навоий асарлари тилида қўшимчаларнинг ҳам фонетик вариантлари амал қилган: туркий қўшимчаларнинг икки, тўрт, кўпи билан саккиз вариантлари бор. Масалан:

(1) Икки вариантли қўшимчалар:

от ясовчи қўшимча: *-čī, -čī;*

сифат ясовчилар: *-čil, -čil; -ri, -ri;*

сифатдош қўшимчалари: *-asī, -āsī; -mā, -mā;*

масдар қўшимчаси: *-maq, -māk.*

(2) Тўрт вариантли қўшимчалар:

жўналиш келишиги қўшимчаси: *-qa, -kā / -ya, -gä;*

қаратқич келишиги қўшимчаси: *-niñ, -niñ / -nuñ, -nüñ;*

от ясовчи қўшимча: *-yun, -qun, -gün, -kün;*

ўтган замон сифатдоши қўшимчаси: *-yan, -qan, -gän, -kän;*

ҳозирги замон сифатдоши қўшимчаси: *-yučī, -qučī, -güčī, -küčī;*

тугал равишдош қўшимчаси: *-yač, -qač, -gäč, -käč;*

ўтган замон қўшимчаси: *-dī, -di / -tī, -ti;*

келаси замон қўшимчаси: *-yaу, -qay, -gäу, -käу.*

(3) Саккиз вариантли қўшимчалар:

от ясовчи қўшимча: *-liq, -lik, -liy, -lig / -luq, -lük, -luу, -lüg* фонетик вариантларга эга ва б.

Сўзнинг ингичка-йўғонлиги, охирги бўғин унлисининг лабланган-лабланмаганлиги, сўзнинг жарангсиз ундош, шунингдек, унли товуш, жарангли ёки сонор билан тугашига қараб, қўшимчаларнинг ҳам уларга уйғун тушадиган варианты танланган.

Масалан, Навоий асарларида келаси замон *-yaу, -qay, -gäу, -käу* аффикси билан ясалади. Бу тўртала шакл бир аффикс бўлиб, шаклларнинг ҳар қайсиси эса аффикснинг фонетик вариантлари дейилади. Муҳими шундаки, аффикс вариантларидан ҳар бирининг ўз ўрни, фонетик вазифаси бор: бири бошқасининг ўрнида ишлатилмайди. Феълнинг фонетик табиатига қараб, уларнинг бири танланади. Қоидаси шундай:

Агар сўз унли товуш, сонор ёки жарангли ундош билан тугаган, шунинг билан бирга, йўғон ўзакли бўлса, *-yaу* қўшимчасини олади: *بولماغاي bolmayay* (LT.156a,22); *ساتقون الغاي satqun alayay* – «сотиб олгай» (NMb.35b,24).

Агар сўз жарангсиз ундош билан тугаган, шунинг билан бирга, йўғон ўзакли бўлса, *-qay* қўшимчасини олади: *توتقاي tutqay* (LT.161a,7); *تاپقاي tapqay* (LT.189a,1); *يوتقاي yutqay* – «(оламини) ютиб юборади» (LT.188a,23).

Агар сўз унли товуш, сонор ёки жарангли ундош билан тугаган, шунинг билан бирга, ингичка ўзакли бўлса, *-gäу* қўшимчасини олади: *ييتماگاي yetmägäy* (LT.158b,18); *ايلاگاي äylägäy* (LT.158b,10).

Агар сўз жарангсиз ундош билан тугаган, шунинг билан бирга, ингичка ўзакли бўлса *-käу* қўшимчасини олади: *توشکاي tüškäy* (LT.188b,25).

Навоий асарларида келаси замон қўшимчаси *-ya, -gä* шаклида ҳам ишлатилган:

*Lāyiq avval sen-ki beqayd olya-sen,  
Sa'y etip bir šāhya sayd olya-sen (LT.161a,3).*

Келтирилган байтда келаси замон اولغاسين *olya-sen* шаклида ишлатилган.

Ёки яна: بيلگا پين *bilgä-sen* – «билгайсан» (LT.188b,5).

Тугалланганлик маъносни англатувчи *-yač, -qač, -gäč, -käč* аффиксли равишдош ҳам шу тартибда ҳосил қилинади: جلره قيلعاج *jilva qilyač* (LT.160b,11); بيتكاج *yetkäč* (LT.156a,16) сингари.

Кўп вариантли аффиксларнинг бари сўзларга ана шу тартибда қўшилади.

Товушлар уйғунлиги сўзнинг бутун бир фонетик қуршовида амал қилади: бошлаб ўзакнинг фонетик қуруми шаклланади, сўнгра негиз ва кейинги морфемаларга ёйилади. Шу шаклда сўзнинг бутун бир морфонологик тизимини шакллантиради.

Туркий тиллар тарихида, эски ўзбек тилида сингармонизм «темир қонун» сифатида амал қилган.

*Сингармонизм* сўзини атама сифатида ғарб тилшунослари қўллади, кейин эса ўзбек тилшунослигига ҳам ўзлашди. Тарихан ушбу атама учрамагани билан, туркий тилларда бу ҳодиса бурундан бор. Ўтмишда яратилган тилшунослик асарларида ушбу ҳодисага ишора этувчи қайдлар ҳам тез-тез учраб туради. Ўша замон тилшунослари муайян ҳарф, сўз ёки қўшимчаларнинг талаффузини шарҳлаганда, уларнинг фонетик-фонологик хусусиятини таъкидлаб ўтадилар. Бунга Навоий ҳам айрича эътибор қаратган эди. «Муҳокамат ул-луғатайн»да бунини у жуда яхши ёритиб берган.

Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси яққол кўзга ташланади. Масалан, муаллиф битган сатрларда йўғон ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг *-maq* варианты қўшилади: *quruqšamaq, aldamaq, qīstamaq, yalīnmaq* сингари; ингичка талаффузли сўзларга эса *-mäk* варианты қўшилади: *igirmäk, indämäk, sürkänmäk, örtänmäk* сингари. Навоийнинг таъкидлари ва унинг асарларидаги мисоллар ҳозирги тилшунослигимизда биз атаётганимиз «сингармонизм»нинг ўзидир. Ўтмиш тилшунослигида қандай аталгани, қай тартибда таърифланганидан қатъий назар, туркий тиллар тарихида бу қонун бор, бор бўлганда ҳам ўта аҳамиятли эди.

Мирзо Меҳдихон туркий тилдаги сингармонизм ҳодисасини ниҳоятда тўғри ва асосли ёритиб берган эди. Чунончи, у туркий феъл шакллари тўғрисида сўз юрита туриб, шундай ёзади: «Феъл шакллари ишлатилишига кўра икки турдан иборат: [γ], [q] ли шакллар ва [k] ли шакллар. Бу ҳар икки тур грамматик қоида ва ихтиёрийлик юзасидан бўлмай, эшитилиш ва эътибор юзасидандир. Фароғий ўз асарида [q] ва [k] нинг ишлатилиши ихтиёрий деб ёзган. Толе Ҳиравий ҳам *alyučī* маъносини тушунтирганда, ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига [γ] ёки [g] орттирилади, деб ёзади: *qilyučī, bilgüči* каби. Лекин ҳар иккисининг сўзи ҳақиқатдан холи ҳамда нуқсон ва камчиликка эга. Чунки *qil-* сўзи буйруқ феъли бўлиб, қаттиқ [яъни, ингичка] ўзаклидир ва шунинг учун унинг барча феъл шакллари [q] ва [γ] билан ясалади: *qilmaq, qilyau, qilyüči* каби ва ҳоказо. *Bil-* юмшоқ [яъни, ингичка] ўзакли бўлиб, унинг феъл шакллари [k] ёки [g] билан келади: *bilmäk, bilgäy, bilgüci* каби ва ҳоказо» (МБЛ,11–12).

Қизиги шундаки, Толе Имоний «Бадоиу-л-луғат»да «ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига [γ] ёки [g] орттирилади» деб ёзгани билан, ўз луғатида туркий сўзларнинг ўқилишини ва ёзилишини тўғри беради.

Муҳими, эски ўзбек тилининг фонетик қуруми, морфологик тизими ана шу қонунга бўйсунар эди. Навоий асарларининг тили сингармонизмли тилдир. Бугина эмас, бутун ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг тили айни қонунга асосланади. Ҳозир ҳам бошқа туркий тилларда бу ҳодиса давом этмоқда. Ўша тилларда сўзнинг фонетик-фонологик табиати шу қонунга мослашади.

### Ўзлашган сўзларда сингармонизмнинг таъсири

Эски туркий, хусусан эски ўзбек тилининг унлилар тизимида ингичка / йўғонлик хусусияти бор. Араб ва форс тилларининг унлилар тизимида чўзиқлик / қисқалик хос. Классик ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари тилидаги ўзлашган сўзларнинг фонетик тизимида араб ва форс тилларидаги чўзиқлик / қисқаликнинг таъсири бор.

Навоий асарлари тилида арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларга туркий қўшимчаларнинг, асосан, йўғон вариантлари қўшилган. Қуйидаги ўрнакларга эътибор беринг:

غە *naẓm*ya (SM.21b,22); عالمغه *'ālam*ya (ТМА.356a,15); غە اولتوردى *özi saltanat taxtiya olturdi* (ТМА.356a,24); تركچه شعرغه *türkčä še'rya* (NMb.148b,15); عيب غينه سى *'aybyinasī* (MN.311b,22).

Ёки ўзлашган жой отлари кишининг қаерлик эканини билдириб келса, унга ҳам қўшимчанинг йўғон варианты қўшилади: خوارزم ليق *xvārazmliq* (MN.312a,10); شيرازليق *šerāzliq* (MN.314a,24); مشهد ليق *mašhadliq* (MN.316b,19) сингари.

Ҳатто таркибида *kāf* ҳарфи келган ўзлашган сўзларга ҳам туркий қўшимчаларнинг йўғон вариантлари қўшилади: کشورغه *kišvar*ya (ТМА.356a,17); كتاب غه *kitāb*ya (МА.270a,9); كردونغه *gardūn*ya (LT.155b,4); شکرگزاريغ *šukrguzārliq* (NMb,148a,9) сингари.

Баъзи ўринларда *kāf* ҳарфи келган ўзлашган сўзларда сингармонизмнинг таъсирини ҳам кузатамиз. Масалан: تركستان ملكى *Türkistān mulki* (NMb.134a,6); كاتب ليک کا *kātiblikkā* (MN.307b,23); كمانگريک کا *kamāngirlikkā* (MN.315b,6); نازک لوكيدين *nāzuklügidin* (MN.311b,21) сингари. Қўшимчаларга қараб фикр юритадиган бўлсак, *mulk*, *kātib*, *kamāngir*, *nāzuk* сингари *kāf* ли ўзлашган сўзлар Навоий асарлари тилида баъзан ингичка талаффуз этилгани маълум бўлади.

Яна бир жиҳати, Навоий асарларини транскрипцияга ўгирганда, сўзлар соф туркий бўладими, бошқа тиллардан ўзлашган бўладими, бундан қатъи назар, эски ўзбек тили, яъни «чиғатой туркчаси»нинг фонетик хусусиятлари инобатга олинмоғи керак.

Масалан, араб тилидан ўзлашган *ادب* сўзини транскрипцияда *ādāb* деб бериш у қадар тўғри бўлмайди, чунки бу сўз ингичка эмас, қисқа унлилар билан талаффуз қилинади; шунинг учун уни *adab* деб беравериш керак: *ادب* *adab* (SM.21b,21). Бундай берилишининг сабаби шундаки, Навоий асарларида бу сўзга қўшимчанинг ҳам йўғон варианты қўшилади: *بى* *beadabliq* (NMb.30b,13).

Навоий асарлари тилида ингичка талаффузли туркий сўзларга ўзлашган қўшимчалар ҳам қўшилиши мумкин. Масалан:

تۈركى كۆي *türkîgöy* (MN.311b,20); تركانه *türkāna* (MN.311b,22) сўзларидаги *-göy*, *-āna* форсчадан ўзлашган.

*türkāna* сўзидаги *türk* – «содда, самимий» дегани, *-āna* қўшилиб, «содда тарзда» деган маънони беради. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Атойи тўғрисида сўз юритар экан, унга *Mavlānā köp türkāna aytur erdi* дея таъриф берган (MN.311b,22). Бунинг билан у Атойи шеърларининг содда, самимий эканига ишора қилаётир.

## УНДОШЛАР ТИЗИМИ

Навоий асарлари тилида қуйидаги ундошлар тизимини тиклаш мумкин: [b], [p], [f], [w~v], [t], [d], [k], [g], [q], [γ], [x], [s], [š], [č], [j], [z] [ž], [y], [l], [m], [n], [ŋ], [r], [h], [ʔ] (қаранг: Щербак 1962,79–91; Насилов 1974,18–20; Eckmann 1988,21–30; Абдурахмонов, Рустамов 1982,16–25; Маҳмудов 1990,72–114).

**Жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошлари.** Иккови ҳам лаб-лаб, портловчи товушлардир. Фарқи бири жарангли, иккинчиси жарангсиз эканида.

Уйғур алифбосида жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошлари бир ҳарф билан ифодаланган.

Бу борада кўк турк ёзувидаги матнни ўқиш анча қулай: ушбу алифбода уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: b ва B ҳарфлари жарангли [b~b] ни, p эса жарангсиз [p] ни англатади.

Араб ёзуви туркий матнларда, хусусан Навоий асарлари қўлёзмаларида, жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошлари ёзувда ҳар қачон ҳам фарқланмаган: ب *bā* ҳарфи ҳар икковининг ўрнида ишлатилган. Айрим ҳоллардагина жарангсиз [p] ни ифодалашда پ ҳарфидан ҳам фойдаланилган. Масалан: كۆپ *köp* (SM.21b,22); كۆرۈپ مەن *körüp-men* (NMb.33b,13) сингари.

Араб ёзуви матнларда [b] ва [p] нинг *bā* ҳарфи билан берилгани, айрим сўзлар ва қўшимчаларнинг тарихий талаффузини тиклашда ҳатто мутахассисларни ҳам чалғитиб қўймоқда. Масалан, Алишер Навоий асарларининг ҳозирги нашрларида феълларнинг равишдош шакллари [b] билан берилаётир. Аслида илк ва ўрта асрларнинг туркий ёдгорликлари тилида равишдошларда жарангсизлашиш кучли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *-b* (*-ib*, *-ib*) аффиксли равишдошлар ўтмишда *-p* (*-ip*, *-ip* / *-up*, *-üp*) фонетик вариантыда талаффуз қилинган. Буни кўк турк ёзуви битиглар тилида ҳам ёрқин кузатиш мумкин. Шунга кўра, уйғур ва араб ёзуви туркий ёдгорликларни транскрипцияга ўгирганда равишдошларни *bilip*, *kelip*, *aytip*, *başlap* шаклида жарангсиз [p] билан берилса, тўғри бўлади.

Бу фикрга Навоий асарларида كۆرۈپ مەن *körüp-men* (NMb.33b,13), كۆرگۈزۈپ *körgüzüp* (SM.21b,1), تۈشۈپ *tüşüp* (SM.19b,9), يۈپ *yup* – «ювиб» (NMb.44a,23), دېپ *dep* (LT.155b,5) сўзларининг پ ҳарфи билан ёзилгани ҳам далил бўла олади.

Ёки яна: اقشام بولۇپ *aqšam bolup* (NMb.132a,19); قبول قىلىپ *qabul qilip* (NMb.132a,16); باشين قويۇپ *başin qoyup körüşürlär* (NMb.148a,24–25).

Навоий асарларида [p] ундоши сўз бошида ўзлашган сўзлардагина келади: بېغمبر *pauyatbar* (LT.159a,9); پر *par* – қуш пати (LT.159a,1) сингари. Туркий сўзларда эса сўз ичи ва охиридагина келади.

[b] ундоши эса туркий сўзларда ҳам, ўзлашган сўзларда ҳам учала ўринда ишлатилаверади.

**[ʃ] ундоши.** Бу лаб-лаб, сирғалувчи жарангсиз ундош бўлиб, араб ва форс тилларининг таъсирида эски ўзбек тилида пайдо бўлган. Асосан араб ва форс тилидан ўзлашган сўзларда ишлатилади: *فراق firāq* (LT.158b,25); *فزون fuzūn* (LT.159b,5); *فرزند farzand* (Sġ.469a,2); *طرف taraf* (LT.158b,17).

[ʃ] ундоши талаффуз усулига кўра [p] ундошига яқин туради. Шунинг учун ҳам бу ундошлар орасида товуш алмашинуви ҳодисаси ҳам юз беради. Эски туркий тилда [p] ундоши билан келган айрим туркча сўзлар Навоий асарлари тилида [f] га ўзгаради: *تو فراغ tufrac* – «тупроқ» (LT.155b,5); *يا فراغ yafrac* – «япроқ» (LT.160b,11) сингари.

**[w~v] ундоши.** Ёзма ёдгорликлар тилида [v] фонемасининг икки хил – лаб-лаб (v) ва лаб-тиш (w) вариантлари ишлатилган.

Маҳмуд Қошғарий [w] ни «*bā* билан *fā* махражлари орасидаги» товуш деб таъкидлаган (ДЛТ,26).

XI–XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий матнларида [v] билан [w] бошқа-бошқа ҳарфлар билан берилган: фонеманинг [v] варианты *vāv*, [w] товуши эса *ف* ёки *ڤ* ҳарфлари билан ифода этилган. Масалан, [w] товуши «Девону луғати-т-турк»даги туркий матнларда, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли қўлёзмаларида *ف* // *ڤ*, туркий «Тафсир»да *ف*, «Муқаддамату-л-адаб»нинг XIII–XIV юзйилларга мансуб дея чамаланаётган нусхасида *ڤ* // *ف* ҳарфлари билан ифода этилган. Мисоллар: *سڤ sew* – «сев-» (QBQ.13a,16), *ڤاڤ čaw* – «хабар, доврўғ» (QBQ.13a,7); *سافجى sawčī* «пайғамбар» (QBN.8b,1), *يالافچ yalawač* «пайғамбар» (QBN.9a,11).

«Ҳиббату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли *Н* қўлёзмасида [w] товушини ифодалаш учун *ڤ* ҳарфи ишлатилган: *سڤونچ sewünč* – «севинч» (YugH.18b,7). Муҳими шундаки, ушбу қўлёзмада [w] товушини ифодалаш учун *fā* ва *vāv* ҳарфларидан ҳам фойдаланилган. Ҳатто бир сўзнинг ўзи *fā* билан ҳам, *wā* билан ҳам, *vāv* билан ҳам ёзилган ўринлар бор: *تڤار* (YugH.17a,7) // *تڤار* (YugH.20b,4) // *توار* (YugH.15b,5). Буларнинг ҳар учаласи *tawar* деб ўқилади, маъноси «тавар, буюм» дегани.

Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишига қараганда, [v] ёки [w] билан сўзлаш диалектал хусусият бўлган. Масалан, «унинг суви билан тутмочга ранг бериладиган бир хил тиканли ўсимлик»ни баъзи шеваларда жарангсиз [v] билан *uava* десалар, бошқалар жарангли [w] билан *uawa* деганлар (ДЛТ,331).

Шунингдек, у, айрим ҳолларда, [v] билан [w] нинг параллел қўлланиши мумкинлигини ҳам таъкидлайди: *yalawač* – «пайғамбар». Бу сўзнинг *yalawač* шакли ҳам бор (ДЛТ,340).

Келтирилган далиллар [w] ҳамда [v] диалектал хусусиятларни фарқлаш билан бирга, ҳар иккаласи ўзаро вариант сифатида (w~v) қўлланганидан ҳам далолат беради.

Кейинги давр матнларида [w] ва [v] товушларининг иккови ҳам *vāv* ҳарфи билан ифодаланадиган бўлди.

Кўк турк ёзувида [w] учун махсус ҳарф йўқ. Араб ёзувли битигларда *ڤ* // *ڤ* билан келган сўзлар кўк турк битигларида <b>, яъни *ڤ* ва *ڤ* ҳарфлари билан берилган: *ڤ sab* – «сўз; хабар» (Топ.9); *ڤ sub* – «сув; дарё» (Топ.27); *ڤ āb* – «уй» (Топ.30) сингари.

Лекин туркий [w] товушининг генезисини, ёзувдаги белгисига қараб, фақат араб ёзувли матнлар билан боғлаб қўйиш тўғри эмас. Қизиғи шундаки, кўк турк битиглари билан деяр-

ли олдинма-кетин яратилган уйғур ёзувли классик будда, моний битигларида [w] товуши учун махсус ҳарф бор. Масалан, битигларда 𐰪, saw, 𐰪 äw, 𐰪 sāwinč сингари сўзлар ана шу ҳарф билан ёзилган. Бироқ, XIV–XV юзйилларда яратилган уйғур ёзувли матнларда бу ҳарф ишлатилмайди, ўрнида vāv дан фойдаланилган.

Яна бир далил. Маҳмуд Қошғарий келтирган уйғур алифбосида <wa> ҳарфи берилиб, остига арабча ف қўйиб кетилган (ДЛТ,16). Алифбодаги ушбу таъкид ҳам туркий товуш тизимида [w] нинг муҳим ўрин тутганидан далолат қилади.

Шуларга таяниб, кўк турк алифбосидаги <b> ҳарфининг вазифасини ҳам кенгроқ тасаввур қилиш мумкин: ҳарқалай, <b> ҳарфи [b] билан бирга [w] товушини ҳам ифодалаган бўлуви керак. А. Габен буни анча илгари пайқаган чоғи, кўк турк алифбосини келтирар экан, алифбодаги 𐰪 ҳарфи [b] билан бирга [w] товушини ҳам, 𐰪 ҳарфи эса [b] билан бирга [w] ни ҳам анлатган бўлуви керак, деган маънода, кейингисидан сўнг қавсда сўроқ белгисини қўйиб кетган (Gabain 1950,12).

Туркий [w] товуши билан келувчи туркий сўзлар тил тарихининг қадимий даврларида [y] билан ҳам келган. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида:

*Anuñ başı soyuqtan ap-aq turur, anuñ üçün anuñ atı Muztay turur.* – «Унинг чўққиси совуқдан оппоқ (қор билан қопланган) эди, шунинг учун оти Музтоғ эди» (ЎД.26,6–8); *Tutulunč-urušunč anday yaman boldi-kim, İtil mürännüñ suyi qip-qizil, sip-sinir-deg boldi.* – «Тўқнашувуруш шундай даҳшатли бўлди-ким, Итил дарёсининг суви қип-қизил қонга бўялиб кетти» (ЎД.19,2–5).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *sowuq* эмас, *soyuq*, иккинчисида эса *suwi* эмас, *suwi* шаклида келган.

Бошқа бир мисол. Эски туркий тилда *qulavuz* деган сўз бор, маъноси «етакчи, йўлбошчи» дегани. Бу сўз «Роҳату-л-қулуб» асарида ҳам келади. Унда «Таврот» китобидан олинган *’İlmdin yaxši qulawuz yoq*, яъни «Илмдан яхши етакчи йўқ» деган ҳикмат келтирилган (РҚ.146).

Муҳими шундаки, «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли нусхасида бу сўз *qulayuz* шаклида ёзилиб, тагида «маъноси шундай бўлади» деган мазмунда араб ҳарфлари билан [qula]vuz деб таъкидлаб қўйилган (QBN.15.8a,31). Ҳарқалай, бу шакли асар кўчирилган даврда унутилган бўлиши керак, шунинг учун ҳам котиб сўзнинг маъносини изоҳлаб қўйибди. Асарнинг араб ёзувли Наманган нусхасида бу сўз *qulavuz* шаклидадир (QBN.12a,2).

Келтирилган далиллар туркий [w] товушининг генезисини [b] ва [y] га боғлаш мумкинлигини англатади.

Навой асарлари тилида [w] - туркий сўзларда, [v] эса унга вариант сифатида ўзлашган сўзларда ишлатилади. [w] ни ифодалаш учун махсус ҳарф йўқ; уларнинг иккови vāv ҳарфи билан берилади. Шундай эса-да, талаффузда уларнинг фарқи сезилади. Чоғиштиринг:

арабчадан ўзлашган: وصل *vaşl* (LT.158b,25); كواكب *kavākib* – «юлдузлар» (Sİ.393b,23); كوكب *kavkab* – «юлдуз» (Sİ.393b,23).

туркий: ايويگا *ewigā* – «уйига» (NMb.36a,6).

Шунинг учун транскрипцияда ҳам бу товушлар бир-биридан фарқлангани маъқул.

«Муҳокамат ул-луғатайн»дан мисол: Yana bir «vāv» (و) va «lām» (ل) ba’ḍi lafẓya ilhāq qīlir, bir mu’abbir va bir maẓṣus şifatqa ta’yīn qīlurlar-ki, salāṭinnīñ xāh razm asbābī üçün va xāh bazm

jihāti üçün mo'tabardur, andaq-ki, hirawul-u qarawul va çin dawul-u yañawul va sözawül-ü tapawul va kitpawül-ü yasawul va bäkawül-ü şiyawul va daqawul-kim, alar mundin 'ulvīdurlar (МЛ,41).

**[t] ундоши.** Тил олди, портловчи, жарангсиз фонема бўлиб, сўз боши, сўз ичи ва сўз охирида кела олади. Палатал ва веляр вариантлари бор.

Мисоллар: تاغ *taγ* (с.159b,6); تيغ *tiγ* (ЛТ.159b,6); اوتوز *otuz* (NMb.44a,12).

**[d] ундоши.** Тил олди, портловчи, жарангли фонема; ёзувда *dāl* ҳарфи билан ифодаланади.

Эски туркий ёдгорликларда [d] ундошининг тишора [δ] варианты ҳам ишлатилган.

XI–XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий битигларида тишора [δ] ундоши ʔ ҳарфи билан ифода этилган. Лекин кўк турк ёзувида [δ] ундоши учун махсус ҳарф йўқ. Араб ёзувли туркий матнларда ʔ билан келган сўзлар кўк турк битигларида ʔ билан келган.

Тишора [δ] ундоши учун уйғур хатида ҳам махсус ҳарф йўқ; араб ёзувли матнларда кечган ʔ ли сўзлар уйғур ёзувли битигларда ҳам <d> билан келган. Қизиғи шундаки, Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида уйғур алифбосини келтира туриб, ҳар бир ҳарфнинг ўқилишини арабча ҳарфлар билан бериб кетган. Ўша ерда <d> ҳарфининг тагига «шундай ўқилади» деган мазмунда ʔ ҳарфини қўйган (ДЛТ,16). Қошғарийнинг ана шу изоҳига таянган ҳолда, уйғур алифбосидаги <d> ҳарфининг вазифасини кенгроқ тасаввур қилиш мумкин: бундан алифбодаги <d> ҳарфи [d] билан бирга, тишора [δ] ундошини ҳам ифодалагани аён бўлади.

Эҳтимол, кўк турк алифбосидаги ʔ ҳарфининг вазифаси ҳам шундай бўлгандир: у ҳам [d] билан бирга, тишора [δ] ундошини ҳам ифодалаган бўлуви керак. Шунга мувофиқ равишда, х ҳарфи [d'] билан бирга, тишора [δ'] ни ҳам ифодалаган чоғи.

Муҳими шундаки, XI–XIII юзйилликларнинг ёзма манбаларида бир асарнинг ўзида қадимий *d*-лашишдан [δ] га, ундан эса [y] га ўтиш ҳодисасини (*d>δ>y/g*; ёки: *d//δ//y/g*) кузатишимиз мумкин.

Масалан, «Ўғузхоқон» достонида *d*-лашиш ҳодисаси ҳам, *y*-лашиш ҳам амал қилади:

*Adaγī ud adaγī-deg, bellāri bōri bellāri-deg, yaγri kiš yaγri-deg, köküzü aduγ köküzü-deg erdi.* – «Оёқлари буқа оёғидек, беллари бўри белларидек, яғри сувсар яғридек, кўкраги айиқ кўкрагидек эди» (ЎД.2,3–5).

Келтирилган жумлада *adaγ, ud, aduγ* сўзлари [d] билан келган, булар [δ] бўлиши ҳам мумкин.

Айни матнда [y] билан келган сўзлар ҳам бор. *Чоғиштиринг:*

*Toquz kündän soñ Oγuz qaγanγa auγir atni keltürdi.* – «Тўққиз кундан сўнг Ўғуз хоқонга (ўша) айғир отни (тутиб келтирди)» (ЎД.27,6–7); *Kenä yolda bedüg bir üy kördi.* – «Кейин йўлда катта бир уй кўрди» (ЎД.28,5).

Келтирилган мисолларда *aduγir* эмас, *auγir*, ёки *ew* эмас, *ü*у деб берилган.

Ёки яна чоғиштиринг, Кул тигин битигида: *öd* – «умр; киши умри»: *Öd täñri yasar. Kisi oyli qor ölügli tirimis.* – «Умрни Тангри белгилайди. Одам боласининг бари ўлгучидир» (Кб.10).

«Ирқ битиги»да бу сўз *öz* шаклида келган: *Özüñ uzun bolzun.* – «Умринг узун бўлсин» (ИБ,47).

Араб ёзувли эски туркий манбаларда ишлатилган тишора [δ] товушининг ўрнида уйғур хатидаги матнларда кўпинча <d>, баъзан эса <t> ва <z> ҳарфлари ҳам ишлатилган.

Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли *A* нусхасида *kedgülüg* сўзи ёзилиб, <d>нинг остига «ана шундай ўқилсин» деган маънода араб алифбосидаги ʔ ҳарфи қўйиб ке-

тилган (سۈيۈش.44,4). Шунга биноан, бу сўзни <δ> билан *kedgülug* деб ўқиш лозим, маъноси «кийгулик» дегани. Ёки *qudī* ёзилиб, <d> нинг остига ʒ ҳарфи қўйилган (سۈيۈش.21,2). Ана шу ишоратга таяниб, бу сўзни *qudī* деб ўқилади, бу «қуйи» дегани.

Қизиғи, асарнинг араб ёзувли *C* нусхасида эса бундай сўзлар ʒ билан эмас, ʒ билан келган, سۈيۈش: *edgü* – «эзгу» (24,1), *ködäzgil* – «сақлагин» (15,6) сингари. Бундан англашиладики, асар тилида *d*-лашиш ҳам, *δ*-лашиш ҳам бор. Қолаверса, [d] ва [δ] товушлари бир асарда аралаш ишлатилгани, уларнинг ўзаро вариант сифатида ([d]~[δ]) амал қилганидан далолат беради.

Асарнинг уйғур ёзувли *A* нусхасида тишора [δ] товуши <z> ҳарфи билан ҳам ифода этилган.

Масалан, уйғур ёзувли матнда *yüzür* ёзилиб, <z> нинг астига ҳам арабча ʒ ҳарфи қўйиб кетилган (سۈيۈش.84,1). Бахшининг ишорасига кўра, бу сўзни ҳам <δ> билан *yüdüp* деб ўқилади, маъноси «ютиб» дегани.

Ёки *qazyu* сўзидаги <z> нинг тагига ҳам ʒ ҳарфи қўйилган (سۈيۈش.103,2). Бу ишораси уни *qadü* деб ўқишимизга имкон беради; бу «қайғу» дегани.

Яна бир жиҳати, асарнинг *C* ва *B* нусхаларида <d> билан келган сўзлар *A* қўлёзмасида баъзан <y> билан ҳам ишлатилади: *eugü* (سۈيۈش.89,6), бу «эзгу» дегани. Ҳатто асарнинг *B* нусхасида <t> билан келган *ket* сўзи *A* нусхада *key* шаклидадир (سۈيۈش.78,6), бу «жуда, ўта» дегани.

Англашиладики, асар тилида [d] дан [y] га ўтиш ҳодисаси (*d>δ>y*) акс этган. Шунинг учун ҳам матнларда уларнинг аралаш ишлатилгани (*d//δ//y*) табиий ҳол.

Хўжандийнинг «Латофатнома» асарида *d~y* ҳодисаси аралаш ишлатилган. Бу ҳодиса, ҳарқалай, асарнинг қўлёзма нусхалари билан боғлиқ кўринади. Сабаби, асарнинг эскироқ қўлёзмаларида (жумладан, уйғур ёзувли нусхасида) *d*-лашиш устун; кейинги юзйилликларда кўчирилган нусхаларда эса бундай сўзлар *u*-лаша бошлаган. Мисолларни кузатинг: *edgü* (ЛК.54) ~ *eugü* – «эзгу» (ЛИ.53); *adaγ* (ЛК.70) ~ *ayaq* – «оёқ» (ЛЛ.145а,1); *quduq* (ЛК.74) ~ *quyuq* – «кудуқ» (ЛИ.70); *adīn* (ЛК.169) ~ *ayīn* – «ўзга, бошқа» (ЛИ.61).

Қадимги туркий тилни *d*-лашган тил дедик, лекин бу нисбийдир. Унда айрим сўзлар [y] билан айтилган. Масалан, *adaq* – «оёқ»; *ayaq* эса «коса, пиёла» дегани; *ayaq tutti* – классик адабиётда «май тутди» маъносида ишлатилган. Навоий асарларида: *اياغ ayaq* – «коса» (NMb.37b,12).

Кейинчалик, *adaq* сўзидаги [d] ҳам [y] га ўзгариб, иккаласи бир хил талаффузли сўзга айланиб қолган. Аслида «оёқ» англамидаги *adaq* билан «коса, пиёла» англамидаги *ayaq* бошқа-бошқа сўзлардир.

Сўзнинг *adaq* шакли баъзан XV юзйилликда яратилган бадий асарларда ҳам учраб туради. Масалан, Хўжандий «Латофатнома»сида:

*Quyaş yüzün körüp yergä yiqildi,  
Adaγiñ tuprayini sürmä qildi* (ЛК.70).

Лекин XV юзйилликда уларнинг ҳар иккиси кўпинча *ayaq* деб ишлатилган. Шундай эсада, контекстга қараб, сўз маънолари ажратиб олинади.

Масалан, Саккокий шеърларида: *ayaq astinda* (SD.572); бу маънода баъзан *adaq* шаклида ҳам ишлатилган (SD.440).

Ёки: *ayaq* – «қадах» (SD.798); бундан *ayaqčī* – «соқий, май қуйувчи» (SD.243) сўзи ҳам ясалган.

Кўк турк битигларидаги [d] ли сўзлар ҳозирги ўзбек тилида кўпинча [y], баъзан [z] билан ишлатилади. Шунга қарамай, айрим сўзларда *d*-лашиш ҳодисаси ҳозир ҳам учраб туради: *қудуқ*, *идиш* сингари. Аслида булар, айтилган қоидага кўра, *қуйуқ*, *ийиш* га ўзгарган бўлиши керак эди, лекин ундай бўлмади.

Бу ўринда *қудуқ* сўзи *қуйи* дан ясалган (унинг қадимги шакли *qudi*). Қизиғи шундаки, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида унинг ҳар учала шакли бор: *quduy*, *qudiy*, *quyu*.

Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича: *quyu* – «қудуқ». Бу сўзнинг *qudiy* шакли ҳам бор (ДЛТ,380).

Бошқа бир жойда *qudiy* вариантыга мисол ҳам берган: *qudiy* – «қудуқ». Мақолда (шундай келган): *Qudiyda suw bar, it burni tegmäs*. Маъноси: «Қудуқда сув бор, аммо унга итнинг бурни етмайди». Қошғарийнинг ёзишича, бу мақол бир ишни истаб, унга эриша олмайдиган ёки биров қўлида бўлган таомни кўриб суқланувчи, лекин етиша олмайдиганларга қўлланади (ДЛТ,151).

Ёки бошқа бир ўринда унинг *quduy* шаклига ҳам мисол келтирилган: *Qowī er quduyqa kirsä, yel alir*. – «Бахтсиз киши қудуққа тушса ҳам, қийнаш учун шамол уни қудуқдан чиқариб олади» (ДЛТ,402).

**Жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошлари.** Иккови ҳам тил орқа, ингичка талаффуз қилинувчи, портловчи ундошлардир. Фарқи бири жарангсиз, иккинчиси жарангли эканида.

Уйғур алифбосида жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошлари ҳам фарқланмайди, уларнинг иккови *kä* ҳарфи билан берилади. Араб хатида ҳам шундай: туркий матнларда *kāf* ҳарфи ҳар иккала ундош учун ишлатилган. Бироқ, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари қўлёзмасида, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхаси, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли *C, H* қўлёзмаларида айрим ўринларда «бу ҳарф жарангли [g] ни билдиради» деган маънода *kāf* нинг устига уч нуқта қўйиб кетилган. Масалан, «Девону луғати-т-турк» қўлёзмасида: *أگا ögä*, яъни «доно» сўзида (МК.5а). Ёки асарда *yunna* ли *ŋ* товуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: *انك aŋ* – «яноқ»; *قزل انك qizil aŋ* – «қизилмағиз» (МК.16b); *انك aŋ* – қуш номи (МК.16b); *ؤنك öŋ* – «ўнг, олд» (МК.16b); *ؤنك öŋ* – «ранг» (МК.16b); *انك ايش aŋ iŝ* – «ўнг иш» (МК.16b); *ؤنك aŋ* – «ўнг» («сўл» нинг тескариси) (МК.16b).

Кўк турк ёзувида уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: *€* ҳарфи жарангли [g] ни, *ŋ* эса жарангсиз [k] ни англатади. Ёзувнинг қулайлигидан илк ўрта асрларнинг ёдгорликлари тилида *beg*, *bitig*, *bilig* сўзлари [g] билан талаффуз қилинганлигини билиш мумкин. Масалан, Тўнъюқ битигида: *€ beg* (Топ.36), *€ŋ bilig* (Топ.6); Кул тигин битигида: *€ŋ bitig* (К.II) ва б.

Уйғур ёзувли матнлардаги *kä* ҳарфи, шунингдек, арабий ёзувлардаги *kāf* нинг [k] ёки [g] эканлигини аниқлашда грамматик асарларда келтирилган изоҳлар ҳам муҳим. Масалан, Маҳмуд Қошғарий туркий сўзлардаги жарангли [g] товушини *kāfun rakikatun* атамаси билан изоҳлаган. Арабча *rakīka* аслида «ингичка» дегани, лекин у *kāf* га нисбатан қўлланганда «жарангли» маъносини билдиради. Луғатда берилишига мисол: *كؤك küg* – жарангли *kāf* (яъни, [g] билан) (*bikāfin rakikatin*), «шеър ўлчови, вазни»; масалан: *bu yir ne küg üzä-ol* – «бу шеър қандай вазнда?» (МК.250b).

Жарангсиз [k] га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун, *kāfun şulbatun* атамаси билан берилган; *şuluba* асли «йўғон» дегани, лекин бу ўринда «жарангсиз»-ни билдиради. Масалан: كۆك *kök* – жарангсиз *kāf* (яъни [k]) билан (*bi-l-kāfi-ş-şulbatî*), «кўк, осмон». Бу сўз қуйидаги мақолда ҳам келган: *Kökkä südsä, yüzkä tüšür.* – «Кўкка тупурса, юзга тушади» (МК.251а).

Туркий матнларда кечган *kāf* ҳарфининг вазифаси, ўқилишини чиғатой туркчаси, хусусан, Алишер Навоий асарларига бағишлаб тузилган эски луғатлар яхши беради. Масалан, «Абушқа» луғатида сўзлар маъносини изоҳлашнинг ўзига яраша принциплари амал қилади. Муаллиф танлаган йўлни, унинг принципларини ўрганиб, турк лексикографиясининг тарихий методлари, қолаверса, чиғатой тилидаги матнлар мазмунини тўғри талқин этиш имконига эга бўламиз. Луғат муаллифи чиғатой тили луғатидаги сўзларнинг маъноларини очиқлашда уларнинг икки жиҳатига эътибор қаратади. Биринчиси – сўзларнинг фонетик хусусиятлари. Маънони ечиб беришда сўзларнинг товуш белгилари муҳим омил эканлигини кўзда тутган ҳолда, чиғатой матнларида ишлатилган сўзларнинг талаффузи, ёзилиши, фонетик вариантлари кенг қамровда ёритилади. Бу нарса ўша замонларда ҳам қипчоқларга ёки ўғуз туркларига, айниқса, усмонли туркчасида сўзловчиларга чиғатойча матнларни ўқиш ва уларнинг маъносини талқин этишда қўл келган.

Луғат муаллифи *kāf* ҳарфининг сўздаги талаффузини акс эттириш мақсадида турли атамалардан фойдаланган: жарангли [g] учун *kāf-e 'ajamî*, жарангсиз [k] учун эса *kāf-e 'arabî* атамасини қўллаган. Масалан, *ögürmək* сўзини изоҳлар экан, ундаги *kāf* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, «*kāf-e avval 'ajamî va kāfe sâni 'arabîdur*» деб ёзади (DDT,111).

Ёки *emgäk* сўзининг изоҳида «*kāf-e avval 'ajamî, kāf-e sâni 'arabîdur*» дея урғулайди (DDT,20).

Яна мисоллар: *öksük – kāf-kāf-e 'arabîdur* (DDT,111); *özgä – kāf-kāf-e 'ajamîdur* (DDT,105).

Демак, уйғур ёзувли битигларда *kā* ҳарфининг [k] ёки [g] эканлигини туркий тилларнинг фонетик-фонологик хусусиятлари, шунингдек, кўк турк ёзувли манбаларда ушбу сўзнинг қандай келгани, араб ёзувли манбалардаги айрим ишоратлар ҳамда илмий асарлардаги изоҳларга таяниб тиклангани маъқул.

**[q] ундоши.** Йўғон талаффуз қилинувчи чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз ундош товуш; ёзувда *qāf* ҳарфи билан ифода этилади. Туркий сўзларда ҳам, ўзлашган сўзларда ҳам кенг ишлатилади. Сўз боши, сўз ичи ва охирида кела олади.

Мисоллар: قاتئق *qatīq* – «қийин, оғир» (LT.159a,17); قايدا *qayda* (LT.159a,7); قویى و يوقارى *quyī-vu yuqarī* – «қуйи ва юқори» (LT.188b,3); قوشوق *qoşuq* (MA.276a,3).

**[γ] ундоши.** Йўғон талаффуз қилинувчи чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош товуш; ёзувда *γaυn* ҳарфи билан ифодаланади. Туркий сўзларда фақат сўз ичи ва охирида ишлатилади. Арабчадан ўзлашган сўзларда эса учала ўринда кела олади.

туркий сўзларда: يانلىغ *yanlıγ* (Sİ.393b,16); تاموغ *tamuy* – «дўзах» (Sİ.393b,22).

ўзлашган сўзларда: غريب *γarīb* – «ғаройиб» (LT.159a,1); غوغا *γavγā* (LT.158b,17); غافل *γāfil* (LT.158b,24); غفلت *γaflat* (LT.158b,24).

**[x] ундоши.** Йўғон талаффуз қилинувчи чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, туркий сўзларда ҳам, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда ҳам кенг ишлатилади.

**[s] ундоши.** Тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош бўлиб, туркий сўзларда ҳам, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларда ҳам учала ўринда кенг ишлатилади. Палатал ва веляр вариантларга эга.

Мисоллар: سان *san* – «сон, ҳисоб» (LT.189a,2); سليمان *Sulaymān* (LT.159a,7); اولوس *ulus* (SĪ.393b,16).

[š] ундоши. Тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош бўлиб, ёзувда *šīn* ҳарфи билан ифодаланади. Туркий сўзларда фақат сўз ичи ва охирида, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларда эса учала ўринда кела олади. Палатал ва веляр вариантларга эга.

туркий сўзларда: اوچوش *učuš* – «учиш» (LT.159b,11); قوياش *quyaš* (LT.189a,3).

ўзлашган сўзларда: شام *šām* – «оқшом» (SĪ.393b,24); مشايخ *mašāyix* (NMb.33b,4); آتشكده *ātaškada* (SĪ.393b,22).

Жарангсиз [č] ва жарангли [j] ундошлари. [č] – тил олди, аффрикат, жарангсиз ундош; [j] эса тил олди, аффрикат, жарангли ундошдир. Муҳими шундаки, Навоий асарлари қўлёзмаларида уларнинг ҳар иккиси *jīm* ҳарфи билан ифода этилади. Лекин, ўрнига қараб, у ёки бу шаклда ўқилаверади.

Масалан, *jīm* ҳарфи [j] товушини англатади: حج اسلام *haj-i islām* – «ислом ҳажи» (SM.21b,14)

Шунингдек, жарангсиз [č] ни билдиради: كچه كوندوز *kečä-kündüz* (SM.21a,20) сингари.

Айрим ўринларда туркий [č] ни англатиш учун уч нуқтали *č* дан ҳам фойдаланилган.

Масалан: چاقين *čaqin* – «чақмоқ» (LT.159b,8); ايکينچی *ikinči* (NMb.44b,7); اچونچی *üčünči* (ТМА.360b,13); بيشинچی *bešinči* (SM.21b,14); ترکچه *türkčä* (NMb.148b,15); بارچا *barča* (NMb.26a,7); آنچه *anča* – «шу қадар» (NMb.31b,6); تیمورچی لیک *temürčilik* (NMb.33b,18); توکانچی *tügänči* – «хотима; асар бўлимнинг якуни» (MN.328b,5); اياغچی *ayačči* – «соқий» (SĪ.469a,1); بورونچاک *bürünčäk* – ипак рўмол (NMb.36a,6) сўзларидаги сингари.

Лекин бир сўз икки хил шаклда аралаш ҳам ёзилаверади: اوچون *üčün* (NMb.26a,25) // اوچون *üčün* (MN.324a,2) сингари.

Чиғатой туркчаси, хусусан, Навоий асарларига бағишланган эски луғатларда бу ҳарфнинг ўқилиши ва вазифасига ҳам урғу берилган. Масалан, «Абушқа» луғатида муаллиф уларни айириб кўрсатиш мақсадида: [j] учун *jīm-e 'arabī*, жарангсиз [č] учун эса *jīm-e ajamī* атамасини ишлатади. Масалан, *ajīy* ёки *ajīq* сўзини изоҳлар экан, ундаги *jīm* ҳарфининг талаффузига ва сўзнинг маъносига тўхталиб, «*jīm-e 'arabī-lä*, «*ajī*» *demäkdür*» дея урғулайди (DDT,10).

Ёки *kečti* сўзининг изоҳида *kāf* ва *jīm* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, «*kāf kāf-e 'arabīdur* va *jīm jīm-e ajamīdur*» дея таъкидлаган (DDT,256).

[z] товуши. Бу тил олди, сирғалувчи, жарангли товуш бўлиб, туркий сўзларда фақат сўз ичи ва охирида, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларда эса учала ўринда кела олади.

Мисоллар: زير و زبر *zer-u zabar* (LT.158b,24); اوزون *uzun* – «узоқ, олис» (LT.159b,5).

**«Икки махраж орасидаги» [ž] товуши.** Навоий асарлари тилида сирғалувчи, мураккаб артикуляцияли [ž] товуши ҳам бор.

Сирғалувчи [ž] фонемаси қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам ишлатилган. Маҳмуд Қошғарий бу товушни мураккаб артикуляцияга эга бўлган («икки махраж орасида талаффуз қилинадиган») товуш деб таърифлайди (ДЛТ,160).

Уйғур ёзувли қадимги турфон матнларида сирғалувчи [ž] товуши <z> ҳарфининг остига

икки нуқта қўйиб ифода этилган (ذ). Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида: *اژون* *ažun* – «дунё» (СЦ.V.71,4), *اژىك* *üžik* – «ҳарф, ёзув» (СЦ.V.17,23).

«Девону луғати-т-турк»да, «Қутадғу билиг» ва «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб хатидаги қўлёзмаларида сирғалувчи [ž] товуши *ژ* ҳарфи билан ифода этилган. Масалан, «Қутадғу билиг»да: *اژون* *ažun* – «дунё» (QBN.9b,10); *اراز* *erāž* – «роҳат, фароғат» (QBN.30b,8).

Маҳмуд Қошғарий қуйидаги сўзларни сирғалувчи [ž] билан келтирган (ДЛТ бўйича): *اژون* *ažun* – «дунё» (43), *اغز* *aγuž* – «оғиз, оғиз сути» (36), *ارژو* *aržu* – «шоқол, чиябўри дейилган йиртқич бир ҳайвон» (64), *اوزما* *užma* – «тут дарахти» (65), *تازک* *tāžik* – «тожик; форс» (156); *بژن* *bižin* – бир хил ўт, ўсимлик (160).

Қизиқ бир мисол: «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли *A* нусхасида «дунё, олам» англамидаги *اچون* *ačun* сўзи <č> ҳарфи билан ёзилган (YugA.107,2). Асарнинг араб ёзувли *C* нусхасида эса бу сўз *اژون* билан *اژون* деб ёзилган (YugC.21,4).

Асарнинг уйғур хатида битилиб, тагма-таг араб хатида транслитерация қилиб чиқилган *B* қўлёзмасида уйғур алифбосидаги <č> ҳарфининг вазифасини аниқроқ кузатиш мумкин.

Матнда ишлатилиши шундай: уйғур хатида *اچون* *ačun* ёзилиб, тагидаги арабий матнда унинг ўқилиши *اژون* деб ёзилган (ويجه.20,5). Шунга кўра, уйғур ёзувли сўзни *ažun* деб ўқиш керак.

Яна бир жиҳати, икки хил ёзувли *B* нусхада уйғур ёзувидаги *ačun* сўзи араб хатидаги изоҳида бир ўринда *اژون* ёзилса, бошқа бир ўринда *اجون* деб изоҳланган.

Асарнинг араб ёзувида битилган *C* нусхасида ҳам шундай: бу сўз <ž> билан ҳам, <č> билан ҳам ёзилган: (41,9) // *اجون* (42,5). *اژون*

Англашиладики, асарнинг уйғур ёзувли нусхаларида ишлатилган <č> ҳарфининг фонетик вазифаси анча кенг: бу ҳарф [č] билан бирга, «икки махраж орасидаги» [ž] товушини ҳам ифода этган дея оламиз.

Бу сўзнинг араб ёзувида икки хил – *ažun* // *ačun* шаклларида берилгани ўша даврда ҳар иккиси аралаш ишлатилганидан далолат қилади.

Хўжандий «Латофатнома»сининг араб ёзувли қўлёзмаларида бу сўз *ح* ҳарфи билан ёзилган. Буни икки хил ўқиш мумкин: *اجون* *ačun~ajun* – «дунё, олам» (ЛЛ.144a,6).

Сирғалувчи [ž] товуши Навоий асарлари тилида фақат ўзлашган сўзлар таркибида ишлатилади. Қўлёзмаларда *ژ* ҳарфи билан ифодаланган: *مژده* *mužda* (NMb.132a,6).

**[y] товуши.** Бу тил ўрта, сирғалувчи, жарангли ундош бўлиб, учала ўринда кенг ишлатилади. Палатал ва веляр вариантларга эга.

Мисоллар: *ياقین* *yaqin* (LT.158b,25); *ياياق* *yayaq* – «яёв» (NMb.32b,9); *قويى* *quyī* (Sī.469a,6).

Ёки яна: *يازى يابان* *yazi yaban* (LT.159a,10). Бу қўшма сўздир: *yazi* – «текислик, дашт»; *yaban* ҳам «дашт, тақир ер» маъносидадир. Ҳозирги ўзбекча жой отини билдирувчи *Ёзёвон* ҳам ана шу сўзнинг ўзидир.

**[l] товуши.** Бу тил олди, сирғалувчи, ён, сонор бўлиб, туркий сўзларда фақат сўз ичи ва охирида ишлатилади, ўзлашган сўзларда эса учала ўринда кела олади. Палатал ва веляр вариантларга эга.

Мисоллар: *ليک* *lek* (LT.159a,17); *لطف ايله* *lutf ilä* (Sī.469a,7).

**[m] товуши.** Бу лаб-лаб, бурун, портловчи сонор бўлиб, ёзувда *mim* ҳарфи билан ифодаланади. Туркий сўзларда ҳам, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларда ҳам учала ўринда кела олади.

туркий сўзларда ишлатилишига мисоллар: مونكا *muŋa* – «бунга» (Sĭ.393b,14); يامغور *yamγur* (LT.159b,8);

ўзлашган сўзларда ишлатилишига мисоллар: مى پرست *mayparast* (Sĭ.394a,6); مست *mast* (Sĭ.394a,6); مرید *murīd* (Sĭ.469a,3); ماتم *mātam* (Sĭ.393b,24); مهر اوتى *mehr otī* (LT.155b,5).

**[ŋ] товуши.** Бу тил олди, портловчи сонор бўлиб, ёзувда *nūn* ҳарфи билан ифодаланади. Туркий сўзларда ҳам, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларда ҳам учала ўринда кела олади. Палатал ва веляр вариантларга эга.

Ишлатилишига мисоллар: قچن *qačan* (Sĭ.392b,3); تون *tūn* (Sĭ.392b,4); چمن *čaman* (LT.155b,8).

**[ŋ] товуши.** Бу фонема тил орқа, бурун товушидир. Маҳмуд Қошғарий бу товушни «*kāfu-l-γunna* билан *γaun* оралиғида ҳамда *qāf* билан *nūn* оралиғида талаффуз этиладиган *نک* ҳарфи» деб таърифлаган (ДЛТ,16).

Қадимги туркий ёзувлар орасида фақат кўк турк алифбосидагина [ŋ] товуши учун алоҳида ҳарф бўлган. Уйғур ёзувида ҳам, араб ёзувида ҳам бу товуш иккита ҳарф – *nūn* ва *kāf* билан ифода этилган. Сўз ичи ва сўнгида ишлатилади.

Бу фонеманинг саёз тил орқа ва чуқур тил орқа вариантлари бор (Абдурахмонов, Рустамов 1984,21–22). Қошғарий «*kāfu-l-γunna* билан *γaun* оралиғида ҳамда *qāf* билан *nūn* оралиғида талаффуз этиладиган *نک* ҳарфи» деганда фонеманинг ана шу хусусиятини кўзда тутган эди.

Ушбу фонема олд қатор ингичка унлилар билан ёндош келганда саёз тил орқа ундоши сифатида талаффуз қилинади: تتكرى *teŋri* (ТМА.370а,7) сингари.

Орқа қатор унлилар билан ёндош келганда чуқур тил орқа ундоши сифатида талаффуз қилинади: يانگىغ *yaŋliγ* (Sĭ.393b,16); پسونگرا *soŋra* (NMb.37а,14); تانگ *taŋ* – «тонг» (LT.155b,8) сингари.

Навоий асарларида ан- олмоши жўналиш қўшимчасини олганда [n] билан қўшимча таркибидаги [γ] қоришиб [ŋ] шаклида талаффуз қилинади: *an-γa* > انكا *aŋa* (ТМА.370а,20).

*sen, ten* олмошлари жўналиш келишигида турланганда ҳам шундай ҳодиса юз беради: *sen-gä* > پىنگا *seŋä* (ТМА.360b,12); *men-gä* > مىنگا *meŋä* (ТМА.360b,12) сингари.

Қаратқич келишигидаги сўзларга жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилганда ҳар иккиси қоришиб [ŋ] шаклида талаффуз қилинади: *qašīŋ-γa* > قاشىنگا *qašīŋa* (ТМА.370а,12); *bašīŋ-γa* > باشىنگا *bašīŋa* (ТМА.370а,12); *atiŋ-γa* > اتىنگا *atiŋa* (ТМА.370а,13) сингари.

Байтларга эътибор беринг:

*Ki, anī kewürgän zamān qašīŋa.*

*Barisīn nišār äylädim bašīŋa* (ТМА.370а,12).

*Ču «Nazmu-l-javāhir» bitip atiŋa,*

*Öküš vašf-darj äylädim zātiŋa* (ТМА.370а,13).

Навоий бу ўринда «Назму-л-жавоҳир»ни Ҳусайн Бойқарога бағишлаганини таъкидлаётир.

**[r] товуши.** Бу тил олди, титроқ, сонор товуш бўлиб, туркий сўзларда фақат сўз ичи ва охирида, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда эса учала ўринда ишлатилади. Палатал ва веляр вариантларга эга.

Мисоллар: رقم *raqam* (LT.155b,2); راهبرلىق *rāhbarliq* (LT.158b,22); روزگار *rōzgār* (Sİ.393b,21).  
**[h] товуши.** Ўзлашган сўзларда ишлатилувчи ه < h > билан ح < h > ҳарфлари Навоий асарлари тилида [h] сифатида талаффуз қилинади. Бу товуш бўғиз, сирғалувчи, жарангсиз ундошдир.

Мисоллар: هم *ham* (Sİ.468b,24); همرازلىق *hamrāzliq* (LT.159a,8); هيج نيمه *heç nimä* (NMb.36a,3); گناه *gunāh* (Sİ.393b,15) сингари.

**['] товуши.** Бу бўғиз, портловчи ундош бўлиб, ёзувда 'аун ёки *hamza* билан ифодаланади. Арабчадан ўзлашган сўзлардагина ишлатилади. Бундай сўзлар талаффузида ['] ни ажратишга эҳтиёж бор: بعضى *ba'di* (ТМА.356a,8); تعيين *ta'yin* (LT.158b,14).

Сўз бошидаги ['] туркий манбаларда [a] [u] ёки [i] сифатида талаффуз қилинади: عوام *'avām* (NMb.44a,23); ўқилиши: *avām*; عمر *'umr* (LT.159b,5); ўқилиши: *umr*; عشق *'išq* (LT.160b,10); ўқилиши: *išq* сингари.

Матнда ишлатилишига мисол: *naẓm 'ilmīniñ rutbasī bayāyat biyik rutbadur* (МА.270a,10).

### Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги айрим товушларнинг ифодаланиши

Муҳими шундаки, туркий матнларда араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилган. Яъни, араб тилидан ўзлашган сўзлардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни англатувчи ҳарфлар туркий матнларда ҳам ўзгаришсиз ёзилган. Бундай сўзлар арабча матнларда қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам ўшандайлигича қолади. Лекин улардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни туркий тил талабларига бўйсунган ҳолда талаффуз этилган дейиш мумкин. Масалан, арабчадан ўзлашган сўзлардаги ص ва ث ҳарфлари туркий матнлар тилида [s]; ذ, ض ва ظ ҳарфлари [z], ط ҳарфи - [t], арабча ه ва ح ҳарфлари туркий матнларда [h] сифатида талаффуз қилинган. Навоий асарлари тилида ҳам шундай.

Мисоллар:

ذ <δ> ҳарфи:

ذکر *δikr* (LT.189a,1);

مذكور بول *maδkūr bol-* (МА.270a,5);

كاغذ *kāγaδ* – «қоғоз» (NMb.44a,23).

ه <h> ҳарфи:

هر *har* (NMb.26a,18);

ح <h> ҳарфи:

حسن جمال *ħusn-u jamāl* (ТМА.356a,9);

احكام *aħkām* (SM.21b,2);

محتاج بولغايلار *muħtāj bolγaylar* (NMb.27a,2).

ث <γ> ҳарфи:

مثنوي *mašnavī* (ТМА.370a,2);

نثار ايلا *nišār äylä-* (ТМА.370a,12);

باعث اولدى *bā'is oldi* – «боис бўлди» (SM.21b,20).

ع <'> ҳарфи:

عمل *'amal* (SM.20a,4);  
عوام *'avām* (NMb.44a,23);  
عروض *'arūd* (MA.270a,7);  
عيال *'ayāl* (NMb.36a,6);  
عشق *'išq* (LT.160b,10);  
عصيان *'išyān* (Sİ.393b,22);  
نظم علمی *nazm 'ilmī* (MA.270a,10);  
عبادت *'ibādat* (NMb.44a,13).

ص <ṣ> ҳарфи:

صاحب نصاب *ṣāhib-niṣāb* (SM.21a,24);  
صاحب قران *ṣāhibqirān* (SM.19b,7);  
اور غوشتاک اصولی *urūštāk uṣulī* (MA.276a,3).

ض <ḍ> ҳарфи:

ضلالت *ḍalālat* (Sİ.394a,4);  
غرض بول *ḡaraḍ bol-* (TMA.370a,7);  
بعضی *ba'ḍi* (TMA.356a,8);  
فضل و کمال *faḍl-u kamāl* (TMA.356a,9);  
حضرت *ḥaḍrat* (NMb.148a,9);  
فرض *fard* – «фарз» (SM.21a,20);  
قرض *qard* – «қарз» (SM.21a,20).

ط <ṭ> ҳарфи:

طالب علم کیشی *tālib-i 'ilm kiši* (MN.324a,1);  
طبقه *ṭabaqa* (TMA.360b,13);  
افلاطون *Aflātūn* (TMA.360b,2);  
مطلوب بولدی *maṭlūb boldī* (SM.20a,4).

ظ <ẓ> ҳарфи:

ظاهر *ẓāhir* (SM.21b,22);  
ظلم *ẓulm* (NMb.134a,16);  
عظیم *'aẓīm* (TMA.356a,14);  
نظم ایلا *nazm āylā-* (TMA.370a,11);  
بنظیر *benāẓīr* (TMA.356a,9).

Араб тилидан ўзлашган сўзлар таркибидаги араб тилигагина тегишли бўлган айрим товушлар матнда уйғур ҳарфлари билан берилган. Масалан, араб хатидаги матнларда келувчи *о ва ҳ* ҳарфлари ўрнида уйғур ёзувида <х> ҳарфи; *ط* ҳарфи ўрнида <t> ҳарфи; *ذ* ҳарфи ўрнида <d> ёки <z> ҳарфлари; *ث* ва *ص* ҳарфлари ўрнида <s> ҳарфи; *ض* ва *ظ* ҳарфлари ўрнида эса уйғур ёзувида <z> ҳарфи ёзилади. Бу эса арабча товушларнинг туркий матнда ана шундай талаффуз қилинганлигини англатади.

Яна бир жиҳати, уйғур ёзуви матнда арабчадан ўзлашган сўзлар таркибидаги ана шу товушларни ифодалаш учун диакритик белгилар сифатида араб алифбосидаги ҳарфлар-

дан ҳам фойдаланилган, яъни уйғур алифбосидаги ҳарфлар остига ёки устига «бу ҳарф ана шу товушни англатади» деган мазмунда арабча ҳарфлар ҳам қўйиб кетилган.

Масалан, «Меърожнома»нинг уйғур ёзувли қўлёзмасида: *Muhammad, tasbiḥ* сўзларида уйғур хатидаги белги остига ح, 'ālam, 'ilm, la'l, va'z, ya'nī, ruku' сингари сўзларда арабча ع, ṣahar, halāk сўзларида ۞ ҳарфи қўйиб кетилган.

Лекин ушбу белгилар арабчага хос товушлар туркий матнда ҳам ўшандай талаффуз қилинади, дегани эмас. Уйғур ёзувли матнда ёзув принципи амал қилган ва улар арабий сўзларни фарқлаш учунгина ишлатилган. Аслида эса улар туркий товушлар сифатида талаффуз қилинаверган.

Ушбу ёзув принциpidан баъзан туркий сўзлардаги товушларни фарқлаб кўрсатишда ҳам фойдаланилган. Масалан, *tariḥ* сўзи ёзилиб, унинг сўнгги ҳарфи <q> эмас, <γ> эканлигини таъкидлаш маъносида тагига арабча غ ҳарфи қўйиб кетилган.

### Ундошларнинг йўғон / ингичкалиги масаласи

Туркий унлилар тизимида бўлгани сингари ундошларда ҳам йўғон / ингичкалик бор.

Бу нарса кўк турк ёзувида жуда яхши акс этган. Унинг алифбо тизимида ундошларнинг фонетик жуфтини билдирувчи ҳарфлар бор: товушнинг йўғон варианты учун бир белги, ингичка варианты учун бошқа бир белги қўлланган. Масалан: ёзувда [b] фонемасининг икки хил ифодаси бор: ڭ ҳарфи [b] нинг йўғон вариантыни, ڭ эса унинг ингичка варианты (яъни [b']) ни билдиради. Ёки ڭ ҳарфи [d] ни, ڭ эса [d'] ни англатади ва б. Ёзувнинг бу хусусияти сўзнинг фонетик-фонологик табиатини ҳам билдириб туради.

Кўк турк алифбосида ундошларнинг фонетик жуфтини билдирувчи бутун бошли ҳарфлар тизими мавжуд: [b] ~ [b'], [d] ~ [d'], [y] ~ [y'], [l] ~ [l'], [n] ~ [n'], [r] ~ [r'], [s] ~ [s'], [t] ~ [t'] сингари.

Кўк турк ёзувидан кейинги алифболарда, хусусан, уйғур ва араб ёзувларида бундай эмас. Лекин араб ёзувли туркий матнларда ҳам ундошларнинг йўғон / ингичка вариантларини фарқлашга уринишлар бўлган. Бунинг учун айрим қўлёзмаларда соф туркий сўзларда ҳам, ўрни билан, арабчага хос бўлган ҳарфлар ишлатилган.

Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли *H* қўлёзмасида соф туркий сўзлар баъзи ўринларда <t> ҳарфи билан ҳам ёзилган: كديم تون *keḍim ṭon* – «кийим-тўн» (YugH.16a,6); بولوت *buluṭ* – «булут» (YugH.12b,2); اوتا *oṭa* – «давола» (YugH.20a,5).

Ёки шу матннинг ўзида бир сўзнинг ўзи *sin* билан ҳам, *ṣād* ҳарфи билан ҳам ёзилган туркий сўзлар бор: اوسان *usan*- (YugH.23a,8) // اوسان *uṣan*- (YugH.23a,9) – «хушёр бўл» сингари.

Лекин бундай сўзларда улар махсус фонемаларни ифодалаган эмас, балки туркий ундошларнинг йўғон вариантларини англатиш учун ишлатилган, холос.

Навоий асарларининг қўлёзмаларида бундай ёзув хусусияти учрамайди.

Ёзувда махсус белгиси бор-йўқлигидан қатъи назар, ундошларнинг йўғон-ингичкалиги фарқланиб туради. Масалан, туркий тилларга хос бўлган чуқур тил орқа [q], [γ] ва [x] товушлари йўғон талаффуз қилинади, улар ўзи қатнашган сўзнинг фонетик тизимида ҳам таъсир қилади. Бу товушлар йўғон ўзак-негизли сўзлардагина келади. Араб ёзувли туркий матнларда бу товушлар *qāf*, *ḡayp*, *ḡa* ҳарфлари билан ёзилган.

Жарангсиз [k] ва жарангли [g] эса ингичка товушлар бўлиб, ингичка ўзак-негизли сўзлардагина келади. Араб ёзувли туркий матнларда буларнинг иккови ҳам *kāf* ҳарфи билан ёзилган. Маҳмуд Қошғарий, қолаверса, ўтмишда яшаган тилшунослар йўғон талаффуз қилинувчи сўзларни «таркибида *qāf*, *yaun* қатнашган сўзлар», ингичка талаффузли сўзларни эса «таркибида *kāf* қатнашган сўзлар» деб ажратиб кетган.

Яна бир жиҳати, Навоий асарлари тилида унлилар тизимидаги ингичка-йўғонлик ундошлар талаффузига ҳам таъсир қилади. Масалан, *qol* сўзида [o] унлиси тил орқа товуш, унга ёндош бўлган [q] ундоши ҳам йўғон. Уларга уйғун ҳолда [l] нинг ҳам йўғон варианты қўлланади. Ёки *köl* сўзида [ö] олд қатор унлиси, [k] эса ингичка товуш. Шуларга мос ҳолда [l'] нинг ҳам ингичка варианты қўлланади. Шунингдек, «тузоқ» маъносидаги *tor* сўзида [o] орқа қатор унлиси. Шунга мувофиқ, [t] ва [r] ундошларининг йўғон варианты ишлатилади. «Юқори ўрин, уйнинг тўри» маъносидаги *tör* сўзида эса бунинг тескариси: [ö] олд қатор ингичка унли бўлгани боис, [t'] ва [r'] ундошлари ҳам ингичка талаффуз этилади. Буларга қўшиладиган қўшимчалардаги товушлар ҳам ўзакка уйғунлаша боради: биринчисига қўшимчанинг йўғон варианты, кейингисига эса, ингичка варианты қўшилади. Бошқа сўзларда ҳам шундай.

Шу ўринда [t] ундошининг келаётган ўрни (позицияси) билан боғлиқ ҳолдаги талаффуз шаклини кўриб чиқамиз.

[t] ундоши ингичка, олд қатор унлилар билан ёндош келганда ингичка талаффуз қилинади: *تتكرى تعالى Tenri ta'älā* (NMb.26a,7); *ترکچه türkcä* (MN.311b,7); *تینک ten* (LT.189a,16); *تورلوك түрлүг* (SM.21b.1); *سوت sūt* (NMb.37b,12) сўзларидаги сингари.

[t] ундоши йўғон, тил орқа унлилар билан ёндош келганда йўғон талаффуз қилинади: *تاشقاری taşqarī* (LT.188b,3); *تیرناغ tırnağ* (LT.155b,3); *تویۇغ tuyuğ* (MA.276a,1); *اوتوز otuz* (NMb.44a,12); *آت at* – «от, ҳайвон» (NMb.37b,11) сўзларидаги сингари.

Бошқа ундошларда ҳам шундай.

Юқорида Навоий асарлари тилидаги ундош фонемалар тавсифланганда «уларнинг палатал ва веляр вариантлари бор» деганимизда ана шу хусусиятини кўзда тутган эдик.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда Навоий асарлари тилида ундошларнинг қуйидаги вариантларини тиклаш мумкин: [b] ~ [b'], [p] ~ [p'], [w] ~ [w'], [t] ~ [t'], [d] ~ [d'], [s] ~ [s'], [č] ~ [č'], [j] ~ [j'], [š] ~ [š'], [z] ~ [z'], [y] ~ [y'], [l] ~ [l'], [m] ~ [m'], [n] ~ [n'], [ŋ] ~ [ŋ'], [r] ~ [r'].

Ундошлар тизимидаги ушбу жуфтликларнинг ҳар бири ўзаро вариант сифатида амал қилган.

### Сонларда ундошларнинг иккиланиши

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида, хусусан, кўк турк битигларида *iki*, *yäti*, *säkiz*, *toquz*, *otuz*, *älig* сингари сонлар биттадан ундош билан талаффуз қилинган: уларда ҳали иккиланиш йўқ эди; иккиланиш кейинчалик юз берган.

Навоий асарлари тилида бу сонлар икки хил талаффуз қилинган. Афтидан, товушларнинг иккиланиши матн турига боғлиқ эди.

Масалан, шеърий матнларда:

*Čün alarğa şidq-u ixlāş erdi yār,  
Bu iki işniñ ƚalabda daxli bar (LT.189a,25).*

Бу байтдаги *iki* сони қўлэзмада *ايكى* шаклида ташдидсиз ёзилган. Уни битта [k] билан ўқилса, вазнга ҳам тушади.

*Čün ul otuz quşqa bu erdi xayāl,  
Munča körgändin öküş ranj-u malāl (LT.189b,7)*

Бу байтдаги *otuz* сони қўлэзмада *اووز* шаклида ташдидсиз ёзилган. Уни битта [t] билан ўқилса, вазнга ҳам тушади.

Ёки яна:

*Firqatida-kim, ölümdindür xaƚar,  
Sekiz uçmaq, yeti dōzaħdīn batar (LT.159b,3).*

Навоий «Насойиму-л-муҳаббат»да Закариё ибн Яҳё ал-Ҳиравийнинг ўлган йили ҳақида шундай ёзади: *iki yüz ellik beşdā Hirāt šahrīda dunyādīn ötti* (NMb.37b,3).

Асар қўлэзмасида ушбу жумлада кечган *ايلىك* сўзидаги *lām* га ташдид белгиси қўйилган. Шунга кўра уни *ellik* деб ўқилади.

Ёки: *ikki batman ötmäk* – «икки ботмон нон» (NMb.37a,15). Бу бирикмада *يکى* *ikki* сўзидаги *kāf* га ташдид белгиси қўйилган.

Булардан англашиладики, Навоий асарларида сонлардаги ундошларнинг иккиланиши, кўпроқ, матн турига боғлиқ бўлган. Шеърый матнларда, вазн талабига кўра кўпинча бир ундош билан (*iki, yeti, sekiz, toquz* сингари) талаффуз қилинган. Насрий асарларда қўлланган сонларда ундошларнинг иккиланиши ҳам бор: *ikki, ellik* сингари.

### Товуш ўзгариш ҳодисалари

**[ā] // [ü] ҳодисаси:** *söñäk* (YugC.9,9) // *söñük* (YugH.13b,3) – «суяк»; *böläk* (SD.385) // *bölük* (SD.427) – «бўлим, бўлак».

**[e] // [ö] ҳодисаси:** *esrük* (SD.463) // *ösrük* (SD.459) – «сархуш»; *etmäk* – «нон» (ДЛТ,54) // Навоий асарларида: *اوتماک* *ötmäk* – «нон» (NMb.37a,15).

**Сўз бошида [b-] нинг [m-] га ўзгариши.** Навоий асарлари тилида *bu* кўрсатиш олмоши турланганда [b] ундоши [m] га айланади: *منى* *munī* (NMb.33b,10); *مونونک* *munuñ* (NMb.33b,18) сингари. Ёки яна чоғиштиринг: *مونداق* *mundaq* (NMb.27a,2).

**[d~δ] > [y] // [z] ҳодисаси.** Навоий асарлари тили [y]- лашган тил. Қорахонийлар даври асарларидаги [d~δ] билан келувчи сўзлар Навоий асарларида [y] га ўзгаради:

*ويو* *uyu-* «ухла-» (NMb.44b,1). Ёки яна чоғиштиринг: *ويغو* *uyqu* (NMb.30b,18); *ايياسى* *eyäsi* – «эгаси» (NMb.153b,17).

Навоий асарларида: *ويو* – «сигир, қорамол». Буни «Абушқа»да ҳам берган: *ويو* (وى) – *imāla ilä*; «şiyir» *ma'nāsina gelür* (DDT.122).

Чоғиштиринг, султон Умаршайхнинг уйғур ёзувида битилган ёрлиғида: *уу уйл* – «сигир йили» (УШ.12).

Ёки ҳозирги қирғиз тилида *уу* – «қорамол, сигир» дегани; *уу ети* – «қорамол гўшти» бўлади. Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида *Уйчи* тумани бор. Ушбу топонимнинг маъноси «чорвадор, чорвачи» деганидир.

**[л] > [у] ҳодисаси.** Масалан, кўк турк битигларида: *қоӧ* – «қўй», *сӧуаӧ* – «қашшоқ, камбағал», *аӧӧу* – «ёвуз, ваҳший». Кейинчалик булар *қоу*, *сӧуау*, *ауӧу* га ўзгарган. Чоғиштиринг: Кул тигин битигида: *Ol amtī aӧӧуоқ*. – «У энди ёвуз эмас» (Ка.3).

Буддавий мазмунли «Оға-ини тигинлар» қиссасида: *Ol ödün ayӧу ögli tigin inisi inčä tep saqinti*. – «Ўша кезде ёвуз ниятли шаҳзода иниси шундай деб ўйлади» (АТ,284).

Кўк турк битигларида [ӧ] товуши учун махсус ҳарф бор, бу Э ҳарфидир. Бу ҳарф *Тоӧиқиқ* отида ҳам келади. Қизиғи шундаки, битигларда унинг оти икки хил – <ӧ> билан ҳам, қўша-лоқ <ӧу> ҳарфлари билан ҳам ёзилган: *ТОӧуҚуҚ* ҳамда *ТОНуҚуҚ*. Бу нарса кўк турк битигларидаги Э ҳарфининг талаффузини очишга имкон беради. Шунга қараганда, биринчи <ӧ> ҳарфи билан ёзилгани ҳам [ӧу] деб талаффуз этилган бўлиши керак.

«Девону луғати-т-турк»да Маҳмуд Қошғарий [н] дан [у] га ўтиш ҳодисасини диалектал хусусият деб айтган; унингча, сўздаги [у] ни [н] га айлантириш арғуларга хос (ДЛТ,25–26). У кўк турк битигларида <ӧ> ҳарфи билан ёзилган *қоӧ*, *сӧуаӧ* сўзларини араб алифбосида *nün* ҳарфи билан берган. Бу нарса, ўз навбатида, ўша кезлар уларнинг ҳар иккиси ўзаро вариант сифатида ишлатилганини англатади: [н~ӧ].

А.М. Шчербак [\*ӧ] ни [у] нинг прототипларидан бири деб қараган. Бунда у ўрхун битигларидаги [ӧ] ҳамда илк ўрта асрларда араб ёзувида битилган ёдгорликларда кечган [d] ва [δ] билан келган сўзларнинг кейинчалик [у] га ўзгарганлигини кўзда тутган эди (Щербак 1961,55–59).

Қадимги туркий тилда «қўймоқ» маъносидаги феълни *қод-*, «қўй, ҳайвон»ни эса *қоӧ* дейилган. Кейинчалик ҳар иккисида товуш ўзгариши юз бериб, *қоу* га айланган. Аслида эса уларнинг бир-бирига боғлиқлиги йўқ.

Шунингдек, «айиқ»ни *адӧу*, «ёвуз»ни эса *ауӧу* дейилган. Кейинчалик *адӧу* сўзи ҳам товуш ўзгаришига учраб, *ауӧу* га айланган: *адӧу > адӧу > ауӧу*. Аслида буларнинг ҳам бир-бирига боғлиқлиги йўқ.

**[q] > [x] ҳодисаси.** XI–XII юзйилликларда яратилган ёдгорликларда [x] билан талаффуз қилинадиган сўзлар кўк турк битиглари ҳамда буддизм даври ёдгорликларида [q] билан айтилган: *қауан* – «хоқон», *қан* – «хон», *қатун* – «малика», *қалиқ* – «кўк, осмон», *бурқан* – «будда». Кейинчалик бу сўзлар товуш ўзгаришига учраб, *хақан*, *хан*, *хатун*, *халиқ*, *бурхан* деб айтиладиган бўлди.

Қадимги ва эски туркий, эски ўзбек тилларида *қатун~хатун* – «малика» дегани, кейинчалик бу сўзнинг маъноси кенгайиб, «хотин (жена); аёл киши» маъноларида ҳам ишлатила бошлади. Навоийда: *خاتون كيشى xatun kiši* – «хотин киши» (NM.153b,17).

Айтилиши бир-бирига яқинлигига таяниб, араб тилидан ўзлашган *халиқ* билан «кўк, осмон» англамидаги қадимги туркий *халиқ* ни, араб тилидан ўзлашган *burhān* билан қадимги туркий *burхан* ни қориштирамаслик керак. Улар буткул бошқа-бошқа сўзлардир.

**[у] > [w~v] ҳодисаси:** *қоуиртач* – «қўғирмоч, қовурилган буғдой». Ингичка *fā* (яъни [w]) билан *қавуиртач* ҳам дейилади (ДЛТ,195); *қауун* (ДЛТ,164) > *қавун* (КТТ.9) – «қовун».

**[q] // [x] ҳодисаси:** *қали* (YugH.13b,3) // *хали* (YugC.9,11) – «агар».

**[-q] // [-γ] ҳодисаси.** Навоийда *ayay*; у «коса; идиш» маъноларида ишлатилган: *بير اياغ اش bir ayay aš* – «бир коса ош» (NMb.32a,2). Ёки яна: *اياغ ييغاج اياغ uīyač ayay* – «ёғоч коса» (NMb.37b,11).

Чоғиштиринг: *اياغچى ayayčī* – «соқий» (Sİ.469a,1) сўзи ҳам шу сўздан ясалган.

**[-q] // [-γ] ҳодисаси.** Навоий асарларида: *اولوق uluq* (NMb.135b,20) // *اولوغ uluγ* (LT.159a,17); *توفراق tufraq* (Sİ.468b,23) // *توفراغ tufraγ* – «тупроқ» (NMb.37b,17).

Уларнинг қўшимча олган шакллари: *توفراققا tufraqqa* (Sİ.469a,6).

Ёки: *توفراغدين tufraγdīn* (Sİ.468b,24).

**[w] // [y] ҳодисаси:** Навоий асарларида: *ايو ew* (NMb.36a,6) // *اوى ūy* (NMb.36a,8).

**Сўз ичида [-p-] нинг [-f-] га айланиш ҳодисаси.** Саккокий шеърларида: *tupraq* (SD.128) // *tufraq* (SD.87) – «тупроқ».

Навоий асарларида: *توفراغ tufraγ* – «тупроқ» (LT.155b,5). Ёки яна: *توفراغ ليغ tufraγlīy* (LT.156a,6). Баъзан бу сўзнинг охирги товуши [q] билан *توفراق tufraq* шаклида ҳам ишлатилган (LT.156a,22). Ёки яна чоғиштиринг: *يافراغ yafraγ* – «япроқ» (LT.160b,11).

**Сўз бошида [o-] нинг [a-] га ўзгариши.** Навоий асарлари тилида *ol~ul* – «ўзга кимса»ни билдирувчи олмошдир. У «ўзга кимсалар»ни билдирганда *alar* шаклида қўлланади. Масалан: *الار alar* – «улар» (Sİ.394a,12); *الارغا alarğa* – «уларга» (NMb.134a,25) сингари.

*ol~ul* кишилик олмоши жўналиш, тушум, макон, чиқиш келишикларида турланганда *anī, aṅa, anda, andīn* шаклларида ишлатилади. Масалан: *انى anī* – «уни» (NMb.37a,14); *انىنك anīṅ* – «унинг» (LT.155b,4); *اندین andīn* – «ундан» (LT.155b,1) сингари.

Бироқ бунинг сингари сўзларда *ol~ul* олмошининг ўзгарган шакли, яъни ўзаги *an-* эмас, *a-* дир. Акс ҳолда бу олмошнинг кўплик шакли *alarğa* ёки тушум ва қаратқич келишикли шакллари *anī, anīṅ* деб қўлланмаган бўларди.

Ҳозирги ўзбек тилида у кишилик олмоши жўналиш, макон, чиқиш келишиклари билан турланганда орада *-n-* ундоши ҳосил бўлади: *унга, унда, ундан*. Булар эски ўзбек тилида *aṅa, andīn* шаклида қўлланган. Бироқ ўзак ва қўшимча орасидаги *-n-* «орттирма» эмас. У кишилик олмошининг эски туркий тилдаги *-nīṅ* қўшимчаси билан қўлланган кўринишининг қолдиғидир: *у-н-да (<a-nīṅ-da), у-н-дан (<a-nīṅ-dīn // a-nīṅ-dan)*.

**Сўз бошида [y-] нинг тушиши.** Маҳмуд Қошғарийда: *oylan iyladī* – «бола йиғлади»; муаллифнинг урғулашича, бу сўзнинг *yīyladī* талаффузи ҳам бор (ДЛТ,119).

Навоий асарларида: *يىلان yīlan* (NMb.37b,15); ҳозирги ўзб.: *илон*.

Ёки: *يىراق yīraq* (LT.159a,4). Баъзан *ايراق īraq* (LT.158b,25) шаклида ҳам ишлатилган.

**Сўз ичидаги [-γ-], [-g-] нинг тушиши.** Бу ҳодиса икки хил кечади:

биринчиси, ўзак таркибидаги [-γ-, -g-] нинг тушиши: *ulan* – «бола, ўғлон»; луғатда урғулашича, бу сўз *oylan* ҳам дейилади (КТТ.34);

иккинчиси, қўшимча таркибидаги [-γ-, -g-] нинг тушиши: *orγaq* (ДЛТ,19) > *oraq* (КТТ.10) – «ўроқ»; *qazγan* – «мис қозон»; луғатда ёзилишича, буни *qazan* ҳам дейилади (КТТ.27). Ёки: *qulγaq > qulaq* (QVN.134b,1) – «қулоқ».

**bol- // ol- параллелиги.** Туркий тилларда *bol-* феъли икки хил: қарлуқ-чигил ва қипчоқ тилларида *bol-*, ўғуз тилларида эса *ol-* шаклида ишлатилади. Ўтмишда ҳам шундай эди: уларнинг ишлатилишига қараб ёзма ёдгорлик кўпроқ қайси гуруҳ таъсирида яратилганини аниқлаш мумкин. Муҳими шундаки, чиғатой туркчасида, хусусан, Навоий асарлари тилида феълнинг *bol-* шакли етакчи эса-да, ўрни билан, *ol-* шакли ҳам аралаш қўлланади. Феълнинг бу шакли матнда поэтик нутқни кучайтиришга хизмат қилади. Қуйидаги байтларга эътибор қилинг:

*Agar Yazdijürd olsun, ar Šahriyār  
Va gar Bahman olsun, gar İsfandiyār (ТМА.370а,2).*

*Ki, šāyad aḡa naf'e ḡāšil olyaу,  
Köp elgä ham bu ma'ni vāšil olyaу (SM.21b,22).*

Ёки яна:

*Bolup salṡanat taxtīda faqrjōу  
Šah olsa, vale bolsa darvešxōу (ТМА.370а,7).*

**Сўз охирида [-w] нинг тушиши:** *suw* сўзи Навоий асарларида *su* шаклида талаффуз қилинган: سو *su* – «сув» (NMb.35b,25).

Келишик қўшимчалари билан турланганда سوغه *suḡa* – «сувга» (LT.155b,5); سودا *suda* – «сувда» (LT.155b,11) шаклида, келишик қўшимчасини олганда эса سويى *suyī* – «суви» (LT.155b,4) шаклида қўлланади. Масалан: اشكىم سويى *aškim suyī* (Sİ.469a,6).

Навоий «Мажолису-н-нафоис»да Мавлоно Отайи тўғрисида сўз юритар экан, унинг қуйидаги машхур байтини мисол келтиради. Унда ҳам *suw* сўзи *su* шаклида ишлатилган:

*Ul šanam-kim, su qīrayīnda parī-deg olturur.  
yāyat-i nāzuklūgidin su bilä yutsa bolur (MN.311b,21).*

Ёки: *uw*- феъли Навоий асарларида *u*- шаклида ишлатилади: *ul dunyādīn ötär çayda ul kāyaḡlarnī uр erdi* (NMb.44a,23). Бу ерда *uw*- феълидаги [-w] туширилиб, сўз равишдош шаклида келаётир: *uр* – «ювиб» дегани.

Яна бир байт:

*Yer yüzin yatḡur suyī birlä yudī,  
Gard-u čirki ul yumaqdīn öksüdi (LT.155b.4).*

**Сўз бошида [x-] ёки [h-] нинг орттирилиши:** Навоий асарларида: اوج *awuġ* (LT.156a,5) – ҳозирги ўзб.: ховуч; Навоийда: اول *öl* (NMb.132a,3) – ҳозирги ўзб.: хўл.

Навоий асарларидаги *awuġ* йўғон талаффузли сўз бўлгани учун унинг олдида йўғон [x-], *öl* ингичка талаффузли бўлгани учун олдида ингичка [h-] орттирилади.

**Товушларнинг ўрин алмашилиши (метатеза) ҳодисаси.** «Китоби таржимони туркий» асарида: *yatḡur* – «ёмғир»; луғатда ёзилишича, бу сўз туркманчада *yaḡtur* ҳам дейилади (КТТ.4). Навоий асарлари тилида: بامغور *yatḡur* (NMb.132a,5).

## УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЁЗУВ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МАТННИНГ ЎҚИЛИШИ МАСАЛАСИ

### Сўз, кўшимча ва бирикмаларнинг ўқилиши

**-teg~deg** аффикси. Навоий асарларида қўлланадиган *teg~deg* келиб чиқишига кўра, кўшимча эмас, ўхшатиш кўмакчидир. Кейинчалик кўшимчага айланиб кетган. У тарихан *teg-* феълидан ҳосил бўлган. Шунинг учун у сўзларга бирикканда фонетик жиҳатдан ўзак-негиз билан уйғунлашмайди, ўз кўринишини сақлаб қолади.

Бу сўз айна маънода ҳозирги ўзбекчада ҳам ишлатилади: *оғзи ошга тегди* дейилади, бу ибора «оғзи ошга етишди» деганидир.

Навоий асарларининг қўлёмаларида бу кўшимча *kāf* ҳарфи билан ёзилади ва [g], яъни *-deg* деб ўқилади: *اشيتكان ديك ešitkän-deg* (NMb.132a,15); *پرى ديك pari-deg* (MN.311b,21); *ايت ديك it-deg* (LT.156a,3).

*Ne šāh aniñ zātī kibi yād bilür,  
Ne ṭab' aniñ ṭab'i-deg istāp tapilur* (ML,51).

Шунга қарамай, бу кўшимча баъзи ҳолларда ўзи боғланаётган сўзнинг табиатига (йўфонлигига) мослашуви ҳам мумкин: *انداق andaq* (NMb.134a,16), *مونداق mundaq* (NMb.135a,18) сингари. Бу сўзларда қуйидаги жараён юз берган: *aniñ-teg > aniñ-deg > aniñ-dek > andaq; bunuñ-deg > munuñ-deg > munuñ-dek > mundaq*.

### Туркийга ўзлашган изофа бирикмалар ва уларнинг ўқилиши

XII–XIII юзйилликлардан турк ислом дунёсида мадраса ўқув тизимининг таъсири, уларда арабча ва форсча манбаларнинг кенг ўргатилуви оқибатида эски ўзбек тилида арабча, кейинчалик эса форсча изофалар ҳам ишлатила бошлади. Бундай ўзлашма изофалар классик туркий тилнинг гап қурилишига тезда мослашиб ҳам кетди.

**Арабча изофалар.** Туркий қўлёмаларда арабча ўзлашма изофа бирикмаларга нисбатан ёзув принципи сақланган. Яъни улар арабча матнларда қандай бўлса, туркий матнларида ҳам ўшандай ёзилган.

Арабча изофа кўраткичи لـ шаклида бўлиб, ўқилиши ундошларнинг турларига мослашади. Бундай бирикмаларни транскрипцияга ёки ҳозирги ёзувга ўгирганда < l > ҳарфини икки ёқдан чизиқча билан ажратиб ёзилгани маъқул: «Muḥākamatu-l-luṣayatuyn» сингари.

Навоий асарларида арабча изофалар бир қанча ҳолатда ишлатилган.

Шоир ва мутафаккир ўз даври адабий анъанасига кўра асарларининг кўпиини арабча атаган.

Масалан, Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётининг 2а- бетидаги сарлавҳалардан:

Девонларининг отлари: غرايب الصغر «ṡarāyibu-ṡ-ṡiṡar» – «Болалик қизиқлиқлари»; نواذر الشباب «Navādiru-ṡ-ṡabāb» – «Йигитлик нодиралари»; بدايع الوسط «Badāye'u-l-vasaṡ» – «Ўрта ёш бадиалари»; فوايد الكبير «Favāyidu-l-kibar» – «Қарилик фойдалари».

Маснавийларининг отлари: حيرت البرار «Ḥayratu-l-abrār» – «Яхшиларнинг ҳайрати»; لسان الطير «Lisānu-ṭ-ṭayr» – «Қуш тили».

Тазкираларининг отлари: نسائم المحبه «Nasāyimu-l-muḥabbat» – «Муҳаббат шабадалари»; مجالس النفايس «Majālisu-n-nafāis».

Диний-фалсафий мазмундаги асарларининг отлари: سراج المسلمين «Sirāju-l-muslimīn»; نظم الجواهر «Naẓmu-l-javāhir» – «Жавҳарлар тизмаси».

Илмий асарларининг отлари: محاكمة اللغتين «Muḥākamatu-l-luḡatayn» – «Икки тил муҳокама-си»; ميزان الاوزان «Mezānu-l-avzān» – «Вазнлар ўлчови».

Арабча изофалар кишиларнинг отлари таркибида ҳам бор. Бундай отлар арабча матнларда қандай ёзилса, Навоий асарларида ҳам шундай ёзилади. Ўқилиши эса қоидага мослашади: مولانا عبدالرزاق *Mavlānā 'Abdu-r-razzāq* (MN.324a,1); مولانا غياث الدين *Mavlānā ḡiyāsu-d-dīn* (MN.316b,19) сингари.

Навоийнинг бадиий асарларида арабча изофалар кўп ишлатилади ва матнларнинг ўзига хос услубини белгилайди.

Муҳими шундаки, арабча изофалардаги *al-* кўрсаткичи уйғур ёзувли туркий матнларда талаффузга мос ҳолда *ul-* шаклида берилган. Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг *A* қўлёзмаси «'Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi» деган сарлавҳа билан бошланган (*қаранг:* YugA.1,1–2). Сарлавҳадаги *'ataba* – «остона», *'atabat* эса унинг кўплигидир; *ḥaqāyiq* «ҳақиқатлар» дегани; *kitāb* сўзи бу ўринда «бадиий асар» англамидадир. Шунга кўра, «'Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi» – «Ҳақиқатларнинг остоналари китоби», поэтик маънода эса «Ҳақиқатларнинг остоналари, бошланиши», яъни «Ҳақиқатлар муқаддимаси», «Ҳақиқатлар қопқасини очғучи асар» тусунчасини беради.

Асарнинг бошқа бир оти – «Hībatu-l-ḥaqāyiq»дир. *B* ва *C* қўлёзма нусхаларда асар ана шундай аталган, маъноси «Ҳақиқатлар тортиғи», «Ҳақиқатлар туҳфаси» дегани.

Асарнинг оти қўлёзма китобга илова қилинган Амир Арслон Хўжа тархоннинг шеърида ҳам келтирилади. Бироқ у ерда у туркий талаффузга мослаштирилиб *هَيْبَتُ اَوْلِ حَقَائِقُ* деб ёзилган (YugC.48,2–3). Бундай ҳол матнчилик амалиётида учраб туради.

Муҳими шундаки, биз сўз юритаётган матнлар, аслида, уйғур ёзувли қўлёзмалардан кўчирилган. Уйғур хатининг имлосига кўра, ўзлашган сўзлар ва изофали бирикмалар туркий талаффузга мослаб ёзилар эди. Бу матнларда ҳам, ҳарқалай, уйғур ёзувининг таъсири сезилмоқда. Матнларни араб ёзувига ўгириш чоғида котиблар арабча изофаларни ҳам туркий талаффузга мослаштириб юборган, чоғи.

Амир Арслон Хожа тархоннинг шеъри асарнинг *A* ҳамда *B* нусхаларида ҳам бор. Қизиғи шундаки, уларда асарнинг оти ҳам икки хил келтирилади: *A* нусхада сарлавҳадаги сингари «'Atabatu-l-ḥaqāyiq» (سجد.119,4–5), уйғур ёзувида ёзилиб, ўқилиши тагма-таг араб хатида берилган *B* нусхада эса «Hībatu-l-ḥaqāyiq» (سجد.52,7–8). Яна бир жиҳати, *B* нусхада уйғур ёзувидагиси билан араб хатидагисининг имлоси икки хил: уйғур хатидагиси туркий талаффузга мослаштирилиб «Hībatu-l-ḥaqāyiq», тагидагиси *هيبه الحقايق* шаклида берилган.

Кўринадики, бу ўринда уйғур ёзувли матннинг таъсири бор. Ушбу нусха уйғур хатидан араб ёзувига ўгириляётганда котиб беихтиёр уйғур ёзувли матндаги шаклига амал қилган.

Истанбулнинг Тўпқопи саройи архивида сақланаётган 11980-D кўрсаткичли матнда Алишер Навоийнинг ғазали берилган. Ғазалга уйғур хатида *Amlaḡu-š-šu'arā / mavlānā / Navāyī / aytur* деб сарлавҳа қўйилиб, тагида араб хатида унинг ўқилиши келтирилган (Sertkaya 1973, 6–9. Levha I–III).

Ушбу сарлавҳадаги арабча изофа уйғур хатида талаффузга мослаб *amlahuššu'arā*, тагидаги араб ёзувли изоҳида эса ا ا изофа кўрсаткичи билан املح الشعرا, яъни *amlahu-š-šu'arā* деб ёзилган (қаранг: Sertkaya 1973, Levha I).

**Форсча изофа.** XIV юзйилдан эски ўзбек тилида форсча изофалар ҳам кенг ишлатила бошлади.

Форсча матнларда бўлгани сингари, туркий қўлёмаларда ҳам форсча изофа ёзувда махсус ифода этилмайди, лекин бирикма орасида қисқа [i] талаффуз қилинади. Бундай изофани транскрипцияга ёки ҳозирги ёзувга ўгирганда қисқа [i] ни, туркий тилдаги эгалик қўшимчаси билан қориштирмаслик учун, чизиқча билан ажратиб берилгани маъқул: اهل بيليک *ahl-i bilig* (S1.468b,2) сингари.

Навоий асарларида форсча изофа ҳам бир қанча ҳолатда ишлатилган. Масалан, муаллиф ўша давр адабиёти анъанасига кўра туркий асарларининг баъзиларини форсча атаган. Масалан, Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётининг 2а- бетидаги сарлавҳалардан:

سبعه سياره «Sab'a-i sayyāra» – «Етти сайёра»; سد سکندری «Sadd-i Skandarī» – «Искандар девори»; خطبه دواوين «Xuṭba-i davāvīn» – Навоий девонларига ёзилган дебоча, бошлама.

Келтирилган сарлавҳалардаги сўзлар арабча бўлгани билан, улар форсча изофа йўли билан боғланган.

Навоийнинг бадий асарларида ҳам форсий изофалар кўп ишлатилади ва матнларнинг ўзига хос услубини белгилайди:

*Sabza-i xaṭṭiḡ savādi la'l-i xandān üstinä,  
Xidr göyā sāya salmiš āb-i hayvān üstinä (MA.276a,9-10).*

*Ki, har lafziḡi 'aql-i javharšunās  
Körüp javhar-i fard äylär qiyās (TMA.370a,13).*

Ёки:

اچونچى طبقه اشکانى لار و ملوک طوايف ايرديلار

*Üçüncü ṭabaqa Aškānīlar va mulūk-i ṭavāyif erdilär (TMA.360b,13);*

«Муҳокамат ул-луғатайн» асарида:

*Ḥaḍrat-i Maxdūmi nūrannīḡ «Bahāristān» atliḡ kitābīn-kim, anī «bahāristān-i ḡayāt va nigāristān-i najāt» desā bolur (MЛ,45); Ammā sulṭān-i šāhibqirān Temür Kürāḡān zamānidin farzand-i xāliq Šāhrux sulṭānnīḡ zamānīnīḡ āxiriḡača türk tili bilä šu'arā paydā boldīlar (MЛ,50).*

### Боғловчиларнинг ёзилиши ва ўқилиши

**-и ҳамда ва боғловчилари:** уларнинг ёзилиши ва маънолари. XI юзйилликдан туркий тилларга *-и* ҳамда *ва* боғловчилари ҳам ўзлаша бошлади. *-и* – форсча, *ва* эса араб тилидан ўзлашган.

Араб ёзувли матнларда *-и* ҳамда *ва* боғловчилари фарқланмайди, иккалови ҳам *vān* билан берилади. Лекин уйғур хатида улар бир-биридан фарқли ҳолда ёзилган. Бироқ ушбу

боғловчиларнинг қўлланилишида қатъий қоида бор. Матнда *-и* боғловчиси жуфт сўзларни, уюшиқ бўлақларни бир-бирига боғлайди, киши ё нарса отлари саналганда ишлатилади. *ва* боғловчиси эса гап тугагандан сўнг, иккинчи гап бошланганда ишлатилади, кўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлайди, *-и* боғловчиси қўлланган жуфт сўзларни ҳамда синоним сўзларнинг бир гуруҳини иккинчисига боғлаш учун ишлатилади (Абдурахмонов, Рустамов 1984,143–144).

*-и* боғловчиси ундош билан тугаган сўзларга *-и*, унли билан тугаган сўзларга эса *-ви* шаклида қўшилади: *زاهد و عابد* *zāhid-u 'ābid* (NMb.44a,10) сингари.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида Навоий асарларини «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» деб атаяпмиз. Аслида эса уларни «Фарҳод-у Ширин», «Лайло-ву Мажнун» деб айтганимиз тўғри бўлади.

Шунингдек, матнда таъкид юкламаси *-и* ни ҳам фарқлай олиш керак. Чунки араб ёзувли матнларда у ҳам *vāv* билан ёзилади. Ундош билан тугаган сўзларга *-и*, унли билан тугаган сўзларга эса *-уи* шаклида қўшилади.

Бунни Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат»да Адиб Аҳмад ҳақида ёзган қуйидаги сатрларида яққол кузатса бўлади: «... *Derlār-ki, közlāri bütāw ermiš-u ašlā zāhir ermäs ermiš. Bašīr bolup özgā bašīrlar-deg andağ emäs ermiš-ki, köz bolıyay-u, körmäs bolıyay, ammā bağāyat zīrak-u zakī va zāhid-u muttaqī kiši ermiš. Hağ subhānahu va ta'ālā agarči zāhir közin yaruq yaratqandur, ammā köñli közin bağāyat yaruq qilyandur. ... anıñ tili türk alfāzī bilā mavā'iz-u naşāyihqa göyā ermiš. Xeli elniğ muqtadāsī ermiš, balki aksar Türk ulusīda hikmat-u nuktaları şāye'dur va nazm țarīqī bilā aytur ermiš ...*» (NMb.135b,24–136a,8).

Ушбу матнда *köz bolıyay-u, körmäs bolıyay* жумласидаги *-и* боғловчи эмас, юкламидир. Қолганлари боғловчи бўлиб келган.

Бошқа бир мисол: *Va ĥusn-u jamālda dilpazir va fađl-u kamālda benazīr erdi* (ТМА.356a,9); *Va ul zāhid-u 'ābid erdi* (NMb.44a,10).

Яна бир мисол. Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилда нозик маънолари билан ажралиб турувчи юзта феълни кетма-кет келтирган. Қўлзмада бу феъллар бир-бирига *vāv* ҳарфлари билан улаб кетилган. Асарни нашрга тайёрлаган мутахассислар, одатда, феълларнинг ўртасидаги *vāv* ни доимий ҳолда *ва* сифатида келтирадилар: *quwarmağ va quruğşamağ va üşärmäk va jüjajumağ ...* сингари. Аслида икки сўз орасидаги *vāv* ни *-и*, жуфтликлар орасидагиларни эса *ва* деб берилгани тўғридир: *quwarmağ-u quruğşamağ va üşärmäk-u jüjajumağ ...* сингари. Шундай қилинганда грамматик жиҳатдан тўғри йўл тутилган бўлади, ритм (оҳанг) ҳам таъминланади.

***-ki, -kim* боғловчиси.** Ҳозирги ўзбек тилида *-ki* боғловчиси эргаш гапни бош гапга боғлашга хизмат қилади. Ўзбек тилшунослигида *-ki* боғловчиси форс тилидан ўзлашган, содда гаплари *-ki* боғловчиси билан бириккан кўшма гапларни форсий қолипда юзага келган, деб қаровчилар ҳам бор. Таъкидлаш керакки, туркий тиллардаги *-ki* боғловчиси тарихан *-kim* нинг қисқарган шаклидир (*-kim>-ki*).

Навоий асарлари тилида *-kim* бир неча хил вазифада келади:

(1) кишилиқ олмоши бўлиб келади:

*Kim tā falak āfāq üzä davr qilur,  
Anjum guli har tün bu čamandın açilur* (МЛ,51).

Ёки яна:

*Kim körüptür anî-vu hâlatini,  
Fe'l-u asmâ-vu şifât-u zâtini? (LT.159b,17).*

(2) таъкидни билдиради:

*Tâ-kim falak ewrülür, davâm olsun aña,  
İqbâl bisâtida maqâm olsun aña (МЛ,51).*

Birisi, tuyuydur-kim, iki baytqa muqarrardur va sa'y qilurlar-kim, tajnîs aytilayay (МА.276а,1).

(3) боғловчи бўлиб келади, қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади: *Va fârsî madkûr bolyan şu'arâ muqâbalasîda kişi paydâ bolmadî, bir Mavlânâ Lutfidîn özgâ-kim, bir neçâ maṭla'larî bar-kim, ṭab' ahli qaşîda oqusa bolur (МЛ,50).*

Навоий асарларининг ҳозирги нашрларида *-kim, -ki* боғловчилари байтнинг иккинчи қаторида кечган ўринларда кўпинча тиниш белгисини хато қўядилар: уларда вергул биринчи қатор охирига қўйиб кетилади. Бунда қўшма гапнинг кейинги гапи гўё *-kim* ёки *-ki* билан бошлангандек бўлиб қолади. Ваҳоланки, янги гап ҳеч қачон *-kim, -ki* эргаштирувчи боғловчиси билан бошланмайди. Ушбу байтдаги *-kim* ёки *-ki* аввалги сўзга тегишлидир. Шунинг учун вергулни биринчи сатрнинг охирига эмас, кейинги қатордаги *-kim, -ki* дан кейин қўйган маъқул. Ана шунда матн ҳам тўғри англанади.

Масалан:

*Bolup salṭanat taxtîda faqrjōy  
Şah olsa, vale bolsa darveşxōy.*

*Munî şāhliṭ desâ ermäs, yîraq  
Ki, yaflatdîn āgāhliṭ yaxşîraq.*

*Vale qilmadî şāhlardîn kişi  
Ki, bu iş erür Şāh yāzî işi (ТМА.370а,7-8).*

Ёки бошқа бир мисол:

*Çu masnaddîn etti anîṭ raxtîni  
Kim, aldî jihāndārliṭ taxtîni (ТМА.370а,20).*

Навоий шеърларида таъкидни англатувчи *-ki* баъзан вазн талабига кўра ўзидан кейинги сўз билан қўшиб айтилиши ҳам мумкин. Масалан:

*Dedi: k-ey yāfil, guruh-i bexabar,  
Ḥālîñiz yaflat ara zer-u zabar (LT.158b,24).*

*Dedi: k-ey yāfil* (دیدی کای غافل) даги *kāf* таъкид маъносидаги *-ki* нинг қисқарган шаклидир: у ўзидан кейинги *ey* ундов сўзи билан бирикиб, *k-ey* (ёзилиши: کای) деб талаффуз қилинади (асли: < *dedi-ki: ey yāfil* дир).

Ёки яна:

*Barī qušlar dedilār: k-ey rāhbar,*  
*Bizgā ber iṣ ibtidāsīdīn xabar (LT.159b,16).*

Ушбу байтдаги *dedilār:*

*k-ey rāhbar* нинг асли: < *dedilār-ki: ey rāhbar* дир.

Уйғур хатининг яна бир ютуғи, матндаги сўзлар унинг талаффузига мослаб ёзилган. Масалан, Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида Хоразм ўлкаси *خوارزم ولایتی Hvārazm vilāyatī* деб берилган (қаранг: NMb.134b,19-20). Бу ўринда «Хоразм» сўзи *vāv-у alif* билан ёзилган. Бу топонимнинг имлоси араб ёзувли бошқа манбаларда ҳам ана шундай.

Шунингдек, «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида шоир Хоразмий эсга олиниб, у ҳам *vāv-у alif* билан *خوارزمی Hvārazmī* шаклида келтирилган (МЛ,50). Бу тахаллус Хўжандий «Латофатнома»сининг араб ёзувли қўлёзмасида ҳам шундай (қаранг: ЛЛ.157b,2).

Лекин бу сўзни ана шундай шаклда талаффуз этилган дея олмаймиз. Ҳарқалай, мазкур сўзнинг имлосида график принцип сақланган кўринади.

Ушбу сўзнинг туркий талаффузини уйғур ёзувли матнлардан тўғри ўқий оламиз. Чунончи, уйғур ёзувли матнларда, яъни «Муҳаббатнома» ва «Латофатнома»нинг уйғур ёзувли қўлёзмаларида бу тахаллус *Xorazmī* шаклида ёзилган. Уйғур хатидаги матн сўзнинг талаффузини тўғри акс эттирганини кўзда тутсак, шоирнинг тахаллуси ҳозир биз қўллаётганимиздек *Хоразмий* эмас, балки *Xorazmī* шаклида талаффуз этилгани аён бўлади. Демак, жой оти ҳам қадимда *Xorazm* дейилган. Англашиладики, араб ёзувли матнларда айрим ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилган бўлса, уйғур ёзувли матнларда ушбу сўзлар талаффузга мослаб битилган.

Ёки бунга чоғиштиринг: *خجندی Hojandī* – «Латофатнома» асарининг муаллифи (ЛЛ.157b,2).

Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида *خواجه hvāja* сўзи ҳам *vāv-у alif* билан ёзилган (NMb.134a,22). Уйғур ёзувли қўлёзмаларда, хусусан, «Муҳаббатнома»нинг уйғур ёзувли қўлёзмасида бу сўз *хоја* шаклида ёзилган: *Muḥammad hoja beg*.

Яна бир муҳим хусусият. Форс тилидан ўтиб келган ёйи нисба кўрсаткичи ҳозирги ўзбек адабий тилида *-ий* шаклида қабул қилинган. *Навоий, Лутфий* тахаллуслари ҳозирги ўзбек адабий-орфографик қоидасига кўра *-ий* билан ёзилади ва талаффузи ҳам шунга олиб борилади.

Уйғур ёзувли матнларда ёйи нисбанинг ҳам талаффузи аниқ берилган. Ёйи нисба ёзма ёдгорликлар тилида шундай талаффуз этилган: агар сўз ундош билан тугаган бўлса, ёйи нисба ёзувда *ya* ҳарфи билан ифода этилиб, [i] сифатида ўқилган: *Yügnäkî, Javharî, Lutfî, Sak(k)ākî* сингари.

Истанбулнинг Тўпқопи саройи архивида сақланаётган 11980-D кўрсаткичли матнда Алишер Навоийнинг ғазали берилган. Ғазалга уйғур хатида *Amlaḥu-š-šu'arā / mavlānā / Navāyī / aytur* деб сарлавҳа қўйилиб, тагида араб хатида унинг ўқилиши келтирилган (Sertkaya 1973, 6–9. Levha I–III).

Шоир тахаллусидаги ёйи нисба белгиси уйғур ёзувли ушбу сарлавҳада иккита *yā* билан *Navāyī*, тагидаги араб ёзувли изоҳида эса *نوايى* деб ёзилган (қаранг: Sertkaya 1973, Levha I).

Уйғур ёзувида ёзилишининг ўзига яраша қоидаси бор: агар сўз унли билан тугаса, у ҳолда ёйи нисба кетма-кет иккита *yā* ҳарфи билан ёзилган. Энди буни, қоидага кўра, *-yī* деб ўқиймиз: *Navāyī*.

Араб ёзувли матнларда ушбу тахаллус *نوايى* шаклида ёзилган ва бу ҳам *Navāyī* деб ўқилади. Кўринадики, ҳозир биз *Лутфий*, *Навоий*, *Атоий* шаклида қўллаётган тахаллуслар эски ўзбек, хусусан, Навоий асарлари тилида ҳозирги адабий тилимиздагидек эмас, балки жонли оғзаки тилдаги сингари *مولانا لطفى Mavlānā Lutfī* (MN.311b,6); *نوايى Navāyī* (LT.192b,5); *مولانا اتايى Mavlānā Atayī* (MN.311b,20); *مولانا مقيمى Mavlānā Muqīmī* (NMb.148b,14) шаклларида ёзилган ва ана шундай талаффуз этилганидан далолат беради.

Ёки яна бир мисол. Классик матнларда ишлатилган *جهان* сўзи ҳозирги нашрларда *jahān* деб берилаётир. Уйғур ёзувли матнларда <č> ҳарфидан кейин <a> эмас, *yā*, яъни <i> ҳарфи ёзилган. Шунга кўра, бу сўз классик туркий матнларда *jihān* деб талаффуз қилинганини билса бўлади. Уйғур ёзувли битиглар кўзда тутилса, араб ёзувли матнлардаги *جهان* ни ҳам *jahān* эмас, *jihān* деб ўқилгани тўғри. Навоий асарларида ҳам шундай ўқилиши керак: *جهان jihān* (ТМА.370а,20).

Бундан ясалган бошқа сўзлар ҳам шундай. Масалан: *جهانداریغ jihāndārliḡ* (ТМА.370а,20).

### «Абушқа» луғатида кечган изоҳлар ҳамда Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг ўқилиши ва англами

«Абушқа» туркий лексикография тарихидаги илк чиғатойча-туркча изоҳли луғатдир. Луғатнинг муаллифи тўғрисида бир тўхтамга келинганича йўқ. Баъзилар унинг муаллифини Мустафо бин Содиқ деган. Б. Ҳасанов кейинги даврда тузилган «Санглох» луғатининг муаллифи Мирзо Маҳдихоннинг ана шу ва бизгача етиб келмаган қандайдир бир луғат тузувчиларини *tuallifʼaun rūmīʼaun* («румлик икки муаллиф») дея тилга олишига кўра «Абушқа» муаллифини *Румий* нисбаси билан атайди (Ҳасанов 1989,17).

«Абушқа»нинг яратилган йили, ҳатто луғатнинг ўз оти ҳам маълум эмас. Луғат «қария, кекса» маъносидаги *abušqa* (ابوشقه) сўз мақоласи билан бошлангани учун, луғатга ҳам ана шу от бериб кетилган.

Классик ўзбек тили («чиғатой туркийси»), хусусан, Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар ичида қўлёзмалари энг кўп тарқалгани «Абушқа»дир. Қўлёзмалари Британия музейида, Вена кутубхонасида, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин, университет кутубхоналарида, Россия ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Вена қўлёзмасининг 1552 йилда, Британия музейидаги нусхасининг 1554 йилда кўчирилганига кўра, луғат Навоийнинг ўлимидан бир оз кейин – XVI юзйил ўрталарида яратилган дея тахмин қиладилар (Щербак 1962,53–55).

Асарнинг учта қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда (Ҳасанов 1989,18).

Луғат ўғузлар даврасида яратилгани аниқ. Бу нарса классик сўзларнинг очиқламасидаги ўғузча луғат қатлами, сўзлар ва қўшимчаларнинг ёзилишида ҳам яққол кўзга ташланиб

туради: *köprü* («кўприк»), *ördäkiñ dišisi* («ўрдакнинг модаси»), *ayağa giyilän edük* («оёққа кийиладиган этик»), *yedinji* («еттинчи»), *qačduyi* («қочгани») сингари.

Асар классик матнларда ишлатилган сўзларнинг маъноларини очиқлашга бағишланган бўлиб, мисоллар Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ адибларнинг асарларидан сайлаб олинган. Булар маъноси ҳар кимсага, айниқса, туркийнинг бошқа лаҳжаларида сўзловчи кишиларига, хусусан, ўғузларга тушунарли бўлавермаган, ўзига хос маъноли ёки «чиғатой туркчаси» да муайян англамда ишлатилиб, кейинчалик унутилган сўзлардир. Луғатга 2054 та сўз ва сўз шакллари кирган.

Яна бир қирраси, классик ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари учун тузилган ўтмишдаги луғатларнинг айтарли бари, шулар қатори «Абушқа» ҳам арабча ё форсчадан ўзлашган сўзлар асосида эмас, балки соф туркий сўзлар бўйича тузилган бўлиб, уларда маъносини англаб олиш қийин сўзлар, уларнинг ўқилиши, маънолари яхши очиб берилган. Шу тариқа классик асарларнинг луғат таркиби ўта бай, бадий мазмунга эга эканлиги, семантик имкониятларининг кенглиги кўрсатиб берилган. Классик асарлар бўйича луғат тузишни ўшалардан ўрганмак керак.

### Луғатдаги фонетик ва семантик изоҳлар – Навоий асарларидаги сўзларни тўғри ўқиш ва маъносини англаш очқичидир

Сўзлар бош ҳарфларининг сирасига кўра «Абушқа» 21 бобга ажратилган. Боблар ўз таркибидаги сўзларнинг бош ҳарфлари оти билан (масалан, «*ḥarf-u-l-alif*», «*ḥarf-u-l-bā*» сингари) юритилади.

Бобларнинг ҳар қайсиси ўз ичида уч қисмга бўлинган. Аввалги қисмда биринчи ҳарфи фатҳали, сўнг касрали ва бобнинг охирида биринчи ҳарфи даммали сўзлар келади.

Луғатнинг биринчи «алиф боби» фатҳали қисмида сўзлар биринчи ва иккинчи ҳарфларига кўра алифбо кетма-кетлигида жойлаштирилган (*abušqa*, *abaya*, *ataldī*, *atqadi*, *atap*, *atayil*, *atīr* сингари). Қолган бобларнинг ҳаммасида сўзларни алифбо тартибига солишда уларнинг уч ҳарфи эътиборга олинади, қолган ҳарфлари эса ҳисобга олинмайди.

Ёзилиши бир хил, талаффузи турлича бўлган сўзлар, яъни омографларнинг ҳар бири мустақил сўз мақола сифатида берилади.

Масалан:

*ot* (وت) – «*ātaš*» *ma'nāsīnadur* (DDT.76);

*ot* (وت) – «*yerdā bitān ot*» *ma'nāsīnadur* (DDT.76);

*öt-* (وت) – *imāla ilä*; «*amr edüp geč-*» *demäkdür* (DDT.78).

Ёки:

*ötmäk* (وتماک) – *kāf'arabīdur*; «*getmäk*» va «*gečmäk*» va *daxī* «*etmäk*» *demäkdür*, «*nān*» *ma'nāsīna* (DDT.90).

Демак, *ötmäk* сўзи *öt-* нинг масдари бўлиб, «кетмак», «кечмак» маъноларини англатади. Шунингдек, эски туркий битиглардаги «нон» маъносини англаган *etmäk* сўзи Навоий асарларида *ötmäk* шаклида ишлатилган экан. «Қутадғу билиг» да бу сўз *etmäk* шаклидадир: *tuz-etmäk* – *жуфм*. «туз-нон» (ҚБС,276). Навоийдаги *ötmäk* сўзи *öt-* феълидан ясалган эмас, у қа-

димги *etmäk* нинг фонетик жиҳатдан ўзгарган (*e>ö*) вариантыдир: *etmäk>ötmäk*. Кўриниши ва айтилиши бир хил бўлгани учун «Абушқа»нинг муаллифи уни шу ерда эслаб ўтган, холос. Бундай фонетик ҳодиса бошқа сўзларда ҳам бор: «Қутадғу билиг»да – *ew* (ҚБС,100); ҳозирги ўзбек адабий тилида – *ü* (адаб.орф.: *уй*); уйғурчада ва Тошкент шеvasида – *ö*.

Чоғиштиринг, XVIII юзйилликда яшаб ижод этган ёзувчи, тарихчи ва олим Мирзо Маҳдихон Асртабодийнинг (унинг Мўнший, Мозандароний, Кавкаб лақаблари ҳам бор) Навоий асарлари бўйича тузган туркча-фосча «Санглох» луғатида: *ötmäk* (اوتماک) ҳамда *etmäk* (اىماک) – «нон» (Sang.120a.11); *ötmäkči* (اوتماکچى) – «нонвой» (Sang.120a.13).

Ёки яна «Абушқа»да:

*ötük* (اتوک) – *kāf-e 'arabîla*; «gečmiš» *demäkdür* va «ayaya giyilän edük» *ma'nāsīnadur-ki*, «Ҳайрату-л-абрār»да *yedinji maqālada gelür*, bayt:

*Altun isirya-ki, qulay ayritur,  
Zarčil ötükdür-ki, ayay ayritur (DDT.90).*

Бундан англашиладики, *ötük* сўзи жарангсиз [k] билан айтилган; бу сўз «кечмиш» дегани, шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги «этик» ҳам Навоий асарларида *ötük* деб талаффуз қилинган.

Болалигимдан яхши эслайман, илгари ўзбек оғизларида ҳам бу сўз *ötük* дейиларди.

Луғатда сўзлар маъносини изоҳлашнинг ўзига яраша принциплари амал қилади. Муаллиф танлаган йўлни, унинг принципларини ўрганиб, турк лексикографиясининг тарихий методлари, қолаверса, «чиғатой тили» матнларидаги сўзларни тўғри ўқиб, мазмунини тўғри талқин этиш имконига эга бўламиз.

Луғат муаллифи «чиғатой тили» луғатидаги сўзларнинг маъноларини очиқлашда уларнинг икки жиҳатига эътибор қаратади. Биринчиси – сўзларнинг фонетик хусусиятлари. Маънони ечиб беришда сўзларнинг товуш белгилари муҳим омил эканлигини кўзда тутган ҳолда, «чиғатойча» матнларда ишлатилган сўзларнинг талаффузи, ёзилиши, фонетик вариантлари кенг қамровда ёритилади. Бу нарса ўша замонларда ҳам қипчоқларга ёки ўғуз туркларига, айниқса, усмонли туркчасида сўзловчиларга «чиғатойча» матнларни ўқиш ва уларнинг маъносини талқин этишда қўл келган.

Луғат муаллифининг эътиборидаги иккинчи жиҳат сўзларнинг маъноларини изоҳлашдир. Сўзлар маъносини изоҳлар экан, айна маънода кимнинг асарида, қайси байт, ҳатто қандай вазиятда қўлланганини аниқ кўрсатади ҳамда ўша байт ёки жумлани мисол келтиради.

Масалан, *köklä*- сўзининг таърифида ёзади:

*köklä*- (كوكلا) – *kāflar kāf-e 'arabîdur*, «*amr edüp sâz çal*» *ma'nāsīnadur-ki*, «Маҳзан» Мīр Ҳайдарда *maqāla-i avvalda gelür-ki*, bayt:

*Türk surūdini tüzük birlä tüz,  
Yaxši ayalyu bilä köklä qobuz.*

Va yana «Ғарāyibu-ş-şiyar»да *gelür-ki*, bayt:

*Dedim tarāna-e jān yaxši muṭribā sen xūd,  
Firāq sāzi tüzüp öltürür kökin çaldīñ.*

Kök öldürmāk vaznında va āhañıda ĉaldük demäkdür (DDT.369).

*köktä-* (كوكته) – bu daxī «amr edüp (sāz) ĉal-» demäkdür-ki, «Ĝarāyibu-ş-şiyar»da gelür (DDT,369).

Яна мисол:

*qoşuq* (قوشوق) – uryuştak uşulında irlanan tarkība derlär-ki, «Mezānu-l-avzān»da bir türkîda gelür-ki, yana *qoşuq* dur-kim, uryuştak uşulida šāyedur va uryuştak tafşilī “Alif-e mađmūma»da geĉmişdir va yana «Ĥayratu-l-abrār»da söz ta’rifında gelür-ki, bayt:

*Añlamayin sözdä tuyuq baħrini,  
Qaysi tuyuq, balki qoşuq baħrini (DDT.342).*

Муסיқа илмига тегишли бўлган *uryustak* сўзининг маъносини қуйидагича очиқлайди: *uryustak* (اورغوشتك) – kāf kāf-e ‘arabîdur, ‘ilm-i müsîqîda bir uşuldur-ki, «Mezānu-l-avzān»da-ki – ‘arūđ risālasîdur, *qoşuq* luyatîn taşjîh etdüki maħalda bir türkîda gelür-ki, yana *qoşuq* dur-ki, uryuştak uşulida šāye’dur va ba’đi advār kişidä ul uşul ðikr bolupdur va ul surūd ‘a’rābnîñ tewä sürär ĥudîlar vaznî bilä ramal-i murabba’-i maħdūfda vāqe’ bolur va aniñ aşli bu nav’dur-kim, bayt:

*Vah-ki ul ay ĥasratî dard-u dāy-i furqatî,  
Ham erür jānimya ört, ham ĥayātîm āfatî (DDT.106).*

Ёки:

*üy~öy (اوى) – «ev» demäkdür, «xāna» ma’nāsina-ki,*

«Majnun-u Laylā»da Majnunnî atasî biyābāndan evä getürdüki maħalda gelür-ki, bayt:

*Saldîlar anî üy icrä bexūd,  
Zanjîr ilä äyläbān muqayyad (DDT.122).*

Туркий халқлар ўтмишда қўллаган ёзувлар ичида фақат кўк турк алифбосидагина жарангсиз [k] ва жарангли [g] учун айри-айри ҳарфлар бор эди. Қолган ёзувларда (уйғур, араб ёзувларида) эса [g] ва [k] товушлари ёзувда фарқ қилмайди, иккови ҳам *kāf* ҳарфи билан берилган. Шунга қарамай, котиблар, луғат тузувчилар тарафидан уларни фарқлашга уринишлар бўлган. Жумладан, айрим ўринларда жарангсиз [g] ни фарқлаш учун *kāf* нинг устига уч нуқта ҳам қўйиб кетилган.

«Девону луғати-т-турк» қўлёмасида: *أڭا ögä*, яъни «доно» сўзида (МК.5а). Ёки асарда *yupna* ли *ŋ* товуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: *أڭك öŋ* – «ўнг, олд» (МК.16b); *أڭك öŋ* – «ранг» МК.16b); *أڭك ايش öŋ iş* – «ўнг иш» (МК.16b); *أڭك öŋ* – «ўнг» («сўл» нинг тескариси) (МК.16b).

Бундан ташқари, Маҳмуд Қошғарий [g] ва [k] ларнинг талаффузини акс эттириш мақсадида турли грамматик атамалар(терминлар)дан ҳам фойдаланган.

У туркий сўзлардаги жарангли [g] товушини *kāfun rakikatun* атамаси билан изоҳлаган. Арабча *rakika* аслида «ингичка» дегани, лекин у *kāf* га нисбатан қўлланганда «жарангли» маъносини билдиради. Луғатда берилишига мисол: *كوك küg* – жарангли *kāf* (яъни, [g] би-

лан) (*bikāfin rakīkatin*), «шеър ўлчови, вазни»; масалан: *bu yir ne küg üzä-ol* – «бу шеър қандай вазнда?» (МК.250b).

Жарангсиз [k] га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун, *kāfun şulbatun* атамаси билан берилган; *şuluba* асли «йўғон» дегани, лекин бу ўринда «жарангсиз»-ни билдиради. Масалан: *كۆك kök* – жарангсиз *kāf* (яъни [k]) билан (*bi-l-kāfi-ş-şulbatı*), «кўк, осмон».

«Абушқа» луғатининг муаллифи эса [g] ва [k] лар учун бошқа атамалардан фойдаланган: жарангли [g] учун *kāf-e 'ajamî* («ажамча *kāf*»), жарангсиз [k] учун эса *kāf-e 'arabî* («арабча *kāf*») атамасини қўллади.

Мисолларга эътибор беринг:

*itik* (ایتیک) – *kāf kāf-e 'arabîdur*; *bu daxî* «keskin» ва «tez» *ma'nāsīnadur* (DDT.42).

*öksük* (اوکسوک) – *kāf kāf-e 'arabîdur*; «eksik» *demäkdür* (DDT.111);

*kökümtül* (کوکومتول) – *kāflar kāfe 'arabîdur*; «köm-kök» *demäkdür* (DDT,370).

*berk* (بیرک) – *kāf-e 'arabî ilä*; «berk-u maḥkam» *ma'nāsīnadur* (DDT.137).

*bičäk* (بیجک) – *kāf 'arabîdur*; «ignä» *demäkdür*, «sozan» *manāsīna-ki*, «Ġarāyibu-ş-şiyar»da *gelür* (DDT.136).

*üsrük* (اوسروک) – *kāf-e 'arabîyla*; «mast» *ma'nāsīna gelür* (DDT.108).

*ölük* (اولوک) – *kāf kāf-e 'arabîdur*; «murda» *ma'nāsīnadur* (DDT.116).

*čüčük* (چوچوک) – *kāf-e 'arabîla*; «tatlu» *demäkdür* (DDT.248).

*öksük* (اوکسوک) – *kāf kāf-e 'arabîdur*; «öksük» *demäkdür-ki*, «Badäye'u-l-vasaṭ»da *gelür*, *bayt*:

*Meni-ki muybača der ičrä äylädi üsrük,*

*Ne tañ közümgä quyaş bolsa ḍarradīn öksük* (DDT.111).

Энди «ажамча *kāf*» нинг мисоли:

*berürgä* (بیرورگا) – *kāf kāf-e 'ajamîdur*; «vermək ičün» *demäkdür* (DDT.137).

*bergäli* (بیرگالی) – *yana kāf kāf-e 'ajamîdur*; «veräli» ва «vermək ičün» *demäkdür* (DDT.137).

*tegrä* (تیکرا) – *kāf-e 'ajamîdur*; «däira» ва «aṭrāf» *ma'nāsīnadur* (DDT.191).

*özgä* (اوزگا) – *kāf kāf-e 'ajamîdur*; «kendüyä» *demäkdür* (DDT.105).

Чоғиштиринг, Мирзо Маҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатида:

*egä* (ایگا) – *befatḥe, kāf-e 'ajamî*; *bama'nî* «mälek» ва «şāhib». – «фатҳа билан, ажамча *kāf* билан; «малик» ва «соҳиб» маъносида» (Sang.172b.3).

Бир сўзда иккита *kāf* келиб, бири [k], иккинчиси [g] деб ўқилиши ҳам мумкин ёки аксинча. Бундай ўринларда ҳар иккисига таъриф берилади. Масалан:

*keṇäş* (کینکاش) – *kāf avval 'arabî va kāf sänî 'ajamîdur*; «maşvarat» *manāsīnadur* (DDT.361).

*kölägä* (کولاکا) – *kāf avval 'arabî va kāf sänî 'ajamîdur*; «köläga» *demäkdür* (DDT,371). Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб. қўланка; мақолда шундай келган: Ўзи – хон, қўланкаси – майдон.

*čüčürgänmäk* (چوچورگانмак) – *kāf-e avval 'ajamî va kāf-e sänî 'arabîdur* (DDT.248).

Шунингдек, туркий матнларда *jīm* (ج) ҳарфининг вазифаси ҳам икки хил, у [j] ва [č] товушларини билдиради. Айрим ўринларда жарангсиз [č] ни фарқлаш учун *čīm* (چ) ҳарфидан ҳам фойдаланилган: *tariqčī* (تاریقچی) – «xidmatkār» *ma'nāsīnadur* (DDT.160) сингари.

«Абушқа» муаллифи эса уларнинг иккаласини бир-биридан айириб кўрсатиш учун грамматик атамалардан фойдаланган: [j] учун *jīm-e 'arabî* («арабча *jīm*»), жарангсиз [č] учун эса *jīm-e ajamî* («ажамча *jīm*») атамасини ишлатади.

Масалан, *ajjū* ва *ajjīq* (اجيج و اجيق) сўзини изоҳлар экан, ундаги *jīm* ҳарфининг талаффузига ва сўзнинг маъносига тўхталиб, «*jīm*-e 'arabî-la; «*ajjī*» demäkdür, «*talx*» ma'nāsina gelür» дея урғулайди (DDT.10).

*borč'in* (بورچين) – *jīm*-e 'ajamî ilä; «ördäkiñ dišisi»nä derlär (DDT.151).

Ёки яна:

*ajun* (اجون) – *jīm*-e 'arabîla; «*dunyā*» ma'nāsīnadur (DDT.6).

Чоғиштиринг, Мирзо Маҳдихоннинг «Санглоҳ»ида:

*čerik* (چيريك) – *bā čīm*-e 'ajamî va *kasra* va *sukūn kāf*. – «ажамча *čīm* ва *kasra* ва *sukūn* ли *kāf*» (Sang.291b.8).

*čerikči* (چيريكچي) – *bā čīm*-e 'ajamî s̄anî; «*laškar bāšad*». – «иккинчиси ажамча *čīm*; лашкарбоши» (Sang.291b.9).

Энди «Абушқа»да берилган қуйидаги сўзга эътибор қилинг:

*bozj'in* (بورجين) – *jīm*-e 'arabîla; «*qarača āhunīñ dišisi*»nä derlär-ki, Navāyī «*Muḥākamatu-l-luyatayn*»da bu luyatī šuyla tašḥīḥ edürlär-ki: «*türk kiyikniñ erkägin «hūna» va tišisin «bozj'in» derlär*» (DDT.151).

Қизиғи шундаки, «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг турли қўлёмаларида бу ўринда икки хил сўз: *qilčaqčī* ёки *bozj'in* келади. Масалан: Va awda 'umda-ki, kiyikdür. Türk anīñ erkägin – *hūna* va tišisin *qilčaqčī* der (МЛ.38).

«Муҳокамат ул-луғатайн»нинг туркча илмий нашрида таянч нусхадаги матнга кўра *qilčaqčī* деб берилган (МЛ.176); бу – тўғри. Бироқ матн бошқа нусхалар билан қиёсланганда у ерда (F25, B8 да) *borč'in* эканлиги таъкидланган (МЛ.195). Аслида бу сўзни *borč'in* деб эмас, «Абушқа» луғатидаги изоҳларга таяниб, *za* ва «арабча *jīm*» (*jīm*-e 'arabî) билан *bozj'in* ўқилгани маъқул (қаранг: DDT.151). Чунки, *borč'in* ўқилса, «ўрдакнинг модаси» (*ördäkiñ dišisi*) бўлиб қолади (қаранг: МЛ.38: *türk ördäkiñ erkägin sona* va tišisin *borč'in* der). Кийикка нисбатан тўғриси – *bozj'in* дир, у «кийикнинг эркаги»дир.

Шунингдек, бир сўзда *kāf*, *jīm* ҳарфлари аралаш ишлатилуви мумкин. Бундай ўринларда ҳам ҳар бири алоҳида изоҳланади.

Масалан, *kečti* (كچتي) сўзининг изоҳида *kāf* ва *jīm* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, «*kāf kāf*-e 'arabîdur va *jīm jīm*-e ajamîdur; «*gečdi*» demäkdür» дея таъкидлайди луғатчи (DDT.356).

Яна бир далилга эътибор қилинг.

Кўк турк алифбосида [k] ва [g] учун айри-айри ҳарф ишлатилгани учун қадимги туркий битиглар тилида *beg*, *bitig*, *bilig* сўзлари [g] билан талаффуз қилинганини билиш мумкин. Масалан, Тўнюқуқ битигида: *beg* – «бек», *bilig* – «билим»; Кул тигин битигида: *bitig* – «ёзув; китоб» ва б. (қаранг: Содиқов 2018, 186–187).

Муҳими шундаки, кўк турк ёдгорликларидаги *bitig* сўзи «Абушқа»да жарангсиз [k], яъни «арабча *kāf*» билан (*kāf*-e 'arabîla) *bitik* деб ўқилиши таъкидланган. Мана ўша мисоли:

*bitik* (بيتيك) – *kāf* 'arabîla; «*maktüb*»a derlär (DDT.125).

Қизиғи шундаки, Мирзо Маҳдихон ҳам бу сўзни [k] билан келтирган. Мана унинг ёзгани: *bitik* (بيتيك) – *bekasre*, *tā* va *sukūn kāf*; *maktüb*. – «*kasra*, *tā* ва *sukūn* билан; мактуб» (Sang.221b,6).

Ёки яна «Абушқа» луғатида:

*bitiklik* (بيتيك ليك) – *kāflarī kāf* 'arabîdur; «*yazilmış*» demäkdür (DDT.126).

Ваҳоланки, луғатчи *bilig* сўзининг маъносини очиклар экан, жарангли [g], яъни «ажамча *kāf*» билан ўқилишини таъкидлаган. Мана ўша ёзгани:

*bilig* (بيليك) – *kāf kāf-e 'ajamîdur*; «*bilmäk*» va «*idräk*» *ma'nāsīnadur-ki*, «*Sab'ai sayyāra*»da ikinji hikāyatda Zayd šahhāb čāhīdan qačduyī maḥalda gelür, bayt:

*Anča makr-u firīb va nav' bilig,  
Tišlätip laḥza laḥza saḥqa ilig.*

Va yana «*Farhād-u Širīn*» xātīmasīnda šahzāda našihatida gelür-ki, bayt:

*Bilig šāh äyläsä hayvänniñ atīn  
Ne tañ-ki, kimsä tapsa šāh δātīn (DDT.142).*

Ёки *beg* сўзининг маъносини очиклар экан, унинг ҳам [g] товуши, яъни «ажамча *kāf*» билан талаффуз қилинганини таъкидлайди:

*beg* (بيک) – *kāf kāf-e 'ajamîdur*; «*beg*» *demäkdür*, «*mīr*» *ma'nāsīna* (DDT.140).

Ҳарқалай, Навоий асарлари тилида *beg*, *bilig* сингари жарангли [g] билан *bitig* деб айтилган. Луғатлардаги изоҳларга келсак, кейинги даврларда бу сўздаги *kāf* нинг талаффузида жарангсизлашиш юз берган. «Абушқа» луғатининг тузувчиси ҳам, Мирзо Маҳдихон ҳам ана шу талаффузига таянган ҳолда уни *bitik* деб келтирганлар чоғи.

Луғат ўғузлар даврасида тузилганлигининг таъсири бор: унда «чиғатой туркийси»даги, хусусан, Навоий асарларида ишлатилган айрим сўзлар ҳам ўғузчалаштириб юборилган.

Жумладан, луғатчи *ögürmäk* сўзини изоҳлар экан, ундаги *kāf* ҳарфларининг талаффузи ва сўз маъносига тўхталиб, шундай ёзади:

*ögürmäk* (اوگورماک) – *kāf-e avval 'ajamî va kāf-e sänî 'arabîdur*. «*Muḥākamatu-l-luyatayn*»da Navāyī ḥaḍratlarī bu luyatī šuyla taşjīḥ etmišlar-ki, «yana biyik ün bilä-kim, e'tidälsiz āşub bilä yūlayaylar», anī «*ökürmäk*» derlär (DDT.111).

Аслида луғатнинг бу сўз мақоласи *ökürmäk* (اوگورماک) – *kāflar kāf-e 'arabîdur* деб бошланганида тўғри бўларди. Сабаби, «Муҳокамат ул-луғатайн»даги *اوگورماک* сўзи жарангсиз [k], яъни «арабча *kāf*» билан айтилган. Чоғиштиринг, ҳозирги ўзбек тилида ҳам *ўқирмак* – «ўқириб йиғламоқ»дир; *ögürmäk* эса бошқа бир сўз.

Ёки яна бир мисол:

*güjlük* (كوجلوك) – *kāf-e avval kāf-e 'ajamî va kāf-e sänî kāf-e 'arabîdur va jīm-e 'arabīla*, «*quvvatlu*» *ma'nāsīnadur* (DDT.363).

Аслида бу сўз мақола: *küčlüg* (كوجلوك) – *kāf-e avval kāf-e 'arabî va kāf-e sänî kāf-e 'ajamîdur va jīm-e 'ajamīla*, «*quvvatlu*» *ma'nāsīnadur* шаклида берилмаги керак эди. Чунки, «чиғатой туркийси»да *كوجلوك* сўзидаги биринчи *kāf* ҳарфи жарангсиз [k], иккинчи *kāf* эса жарангли [g]; *jīm* ҳарфи эса [j] эмас, балки [č] деб ўқилган; *küčlüg* – бу сифатдир.

Луғатчи бунинг сингари мисолларни Навоийнинг ўғузлар даврасида кўчирилган асаридан олган бўлиши ҳам мумкин; улардаги график ишоратларга таяниб, мисолларни ҳам ана шундай изоҳлаб кетган кўринади. Бундай деётганимнинг сабаби, ўғуз котиблари «чиғатойча» матнларни кўчирганда улардаги айрим сўзларни ўғузчалаштириб юборган ўринлар ҳам бор. Масалан, оққўюнлилар тарафидан тузилган Навоий девонида ҳам шундай.

Туркий матнларда *bā* ҳарфининг фонетик вазифаси ҳам икки хил: у [*b*] ва [*p*] товушларини англатган. Айрим ўринлардагина, [*p*] ни фарқлаш учун *bā* нинг остига уч нуқта қўйиб кетилган. Бу нарса «Абушқа»да ҳам бор: унда кўп ўринда *ḅ* дан фойдаланилган: *tapmaq* (تاپماق) – «bulmaq» demäkdür (DDT.161) сингари.

Шунга қарамай, луғатчи [*b*] ва [*p*] лар учун махсус атамалардан ҳам фойдаланган: жарангли [*b*] учун *bā-ye 'arabî* («арабча *bā*»), жарангсиз [*p*] учун эса *bā-ye 'ajamî* («ажамча *bā*») атамасини қўллайди. Масалан:

*köprük* (كوپروك) – *kāflar kāf-e 'arabîdur va bā-ye 'ajamîla*; «*köprü*»yā derlār - (DDT.362).

«Абушқа» муаллифи унлиларга нисбатан *imāla* атамасини ҳам ишлатган. Масалан:

*uy* (وى) – *imāla ilā*; «*ṣīyir*» ma'nāsina gelür (DDT.122).

*öl* (ول) – *imāla ilā*; *muṭlaq yašdur* «nam» ma'nāsina va «*daryā*» ma'nāsina daxi gelür (DDT.113).

Луғатчи икки хил фонетик вариантда ишлатиладиган сўзларни ҳам келтирган. Демак, «чиғатой туркийси»да, хусусан, Навоий асарларида бу сўзлар икки хил шаклда ишлатилаверган. Масалан:

*uluḡ va uluq* (اولوغ و اولوق) – «*ulu va bozurg*» ma'nāsina dur (DDT.116).

*otluq va otluḡ* (اوتلوغ و اوتلوق) – «*ātašin*» demäkdür (DDT.91).

*bayliḡ va bayliq* (باغليغ و باغليق) – «*baylu va bayčalu*» demäkdür va bir daxi «*bandla baylu*» demäkdür (DDT.130).

*bitküči va bitiküči* (بيتكوجى و بيتيكوجى) – *kāflar kāf-e 'arabîdur*; «*yaziji*» ma'nāsina dur (DDT.135).

*tamuḡ va tamuq* (تاموغ و تاموق) – «*ṭamu*» demäkdür, «*jahannam*» manāsina (DDT.185).

Турли фонетик вариантларга эга сўзларнинг айримлари кўпмаънолидир; муаллиф уларнинг ҳар иккисини беради. Масалан:

*ayaḡ va ayaq* (اياغ و اياق) – «*qadaḡ*» va «*pāy*» ma'nāsina dur (DDT.29).

Эски ўзбек тилида «қадаҳ; пиёла» маъносидаги *ayaq* сўзидан «соқий» сўзи ҳам ясалган. «Абушқа»да бу сўз ҳам бор:

*ayaqčî* (اياقچى) – «*sāqî*» ma'nāsina dur (DDT.39).

Ўтмишда классик ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари учун тузилган луғатларнинг айтарли бари арабча ё форсчадан ўзлашган сўзлар асосида эмас, балки соф туркий сўзлар бўйича тузилган бўлиб, уларда маъносини англаб олиш қийин сўзлар, уларнинг фонетик хусусиятлари, ўқилиши, маънолари яхши очиб берилган. «Абушқа» ҳам ўшалардан бири бўлиб, Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар орасида кенг тарқалгани саналади.

Луғат ўрта асрларда кенг ёйилганлигининг сабаби, унинг кенгқамровлиги, илмийлиги, фонетик изоҳларга бойлиги, классик матнларда қўлланган сўзлар семантикасини яхши очиб берганидир. У ўрта асрларда яратилган луғатлар орасида юқори ўринда туради.

Араб ёзуви туркий матнларда [*k*]-[*g*], [č]-[*j*], [*b*]-[*p*] товушлари ёзувда бир хил ҳарфлар билан ифодаланган. Лекин матнда буларни фарқлашга эҳтиёж бўлган. Котиблар, луғат тuzувчилар доимо бунинг ечимини излашга уринган; улар ўз луғатларида бу товушларни фарқлашда турли грамматик атамалардан фойдаланганлар. Классик асарлар бўйича тузилган луғатларда, жумладан, «Абушқа»да жарангли [*g*] учун «ажамча *kāf*» (*kāf-e 'ajamî*), жарангсиз [*k*] учун эса «арабча *kāf*» (*kāf-e 'arabî*); [*j*] учун «арабча *jīm*» (*jīm-e 'arabî*), жарангсиз [č] учун эса «ажамча *jīm*» (*jīm-e ajamî*); жарангли [*b*] учун «арабча *bā*» (*bā-ye 'arabî*), жарангсиз [*p*] учун эса «ажамча *bā*» (*bā-ye 'ajamî*) атамалари ишлатилган ва б.

«Чиғатой туркчаси» бўйича тузилган луғатлар, шулар қатори «Абушқа» ҳам, чиғатой тилида, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилида қўлланган сўзларнинг маъносини аниқлашда,

классик матнларни тушуниш ва уларни талқин қилиш, шулар билан бир қаторда уларни тўғри талаффуз қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

### АРАБ ЁЗУВИДАГИ МАТНЛАРНИ ТРАНСКРИПЦИЯ ВА ТРАНСЛИТЕРАЦИЯГА ЎГИРИШ

Классик матнларни нашрга тайёрлашда, уларни ҳозирги ёзувга ўгиришда транскрипция ёки транслитерациядан фойдаланилади. *Транслитерация* матнни ҳарфма-ҳарф ҳозирги ёзувга ўгириб чиқишдир. Бунда матндаги сўз нечта ҳарф билан берилган бўлса, унинг транслитерацияси ҳам айна ҳолатда ҳозирги ёзувга ўгирилади.

*Транскрипция* эса матннинг талаффуз шаклини ҳозирги ёзувда ифодалашдир. Бунда матндаги сўз нечта ёки қандай ҳарф билан ифодаланишидан қатъи назар, сўзнинг талаффуз шакли, қандай товушлар билан айтилаётгани инобатга олинади ва шу нарса ёзувда акс эттирилади.

*Табдил* эса ўтмишда яратилган асар матнининг ҳозирги ўзбек тилидаги баёнидир. Табдил билан таржима бир-биридан фарқ қилади. Таржима асарни бошқа бир тилдан ўгириш. Табдил эса бир тил доирасида амал қилади. Масалан, қадимги туркий ёдгорликларни ҳозирги китобхон тўғридан-тўғри тушунавермайди. Сабаби уларнинг тили анча қийин: таркибида қанчадан-қанча унутилган сўз ва иборалар, грамматик кўрсаткичлар бор. Шунинг учун ҳам қадимги туркий битиглар, айрим ҳолларда Навоий асарлари ҳам, ҳозирги китобхонга табдил қилиб берилди.

Транслитерациянинг ҳам ўзига яраша афзаллиги бор. Илмий транслитерацияни ҳар кимса тушунавермайди. У соҳа эгалари учун қулай. Сабаби, транслитерацияда матндаги сўзнинг қандай белгилар билан берилётгани акс этган бўлади. Масалан, суғдшуносликда матнларни ҳозирги ёзувга ўгиришда кўпроқ транслитерациядан фойдаланиди. Туркологияда ҳам кўк турк, уйғур ёзуви матнларнинг илмий нашрлари баъзан транслитерацияда берилмоқда.

Туркологияда илмий нашрлар кўпинча транскрипцияда берилди. Транскрипциянинг пухта ва мукамаллиги мутахассиснинг билим даражаси, классик матн тилини қанчалик даражада билишига боғлиқ.

Чет эллардаги йирик туркологик марказларда туркий ёзма ёдгорликлар, хусусан, энг кўхна битиглардан тортиб эски ўзбек тили ёдгорликларига қадар, бари илмий транскрипцияда берилди. Ҳатто Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг илмий нашрлари ё асл ёзувида ёки транскрипцияда. Негадир биздаги илмий нашрларда транскрипцияга эътибор қаратилмаяпти. Ҳатто докторлик диссертацияларида ҳам классик ижодкорлар асарларидан келтирилган ўрнаклар ҳозир ишлатаётган ёзувимизда. Охир оқибат ўзбек олимлари тайёрлаган нашрлар чет элларда тан олинмаётир. Биздаги илмий нашрларнинг дунё шарқшунослиги, чет эл туркологиясига тенглаша олмаётганлигининг бош сабаби ҳам ана шунда.

Нашрлар икки хил бўлади: бири кенг жамоатчиликка аталган, яъни оммабоп нашрлар, бошқа бирови – илмий нашрлардир. Кўпга аталган нашрларнинг жорий ёзувда берилуви табиий. Чунки мактаб ўқувчисидан тортиб ўқимишли кишилару китобсеварлар классик шоирларнинг асарларини ўқиб ўрганмаги, фикри озукланмоғи керак. Лекин филолог-му-

тахассислар учун мўлжалланган илмий китоблар транскрипцияда берилгани маъқул. Бу – жиддий масала.

Жўнгина бир мисол, Навоий асарларида кечган *اوت* сўзидаги унли товуш икки хил талаффуз қилинади: агар *ot* шаклида йўғон талаффуз қилинса, «ўт, олов» маъносини, *öt* шаклида «ингичка» талаффуз қилинса, «ўтмак (бўйрук)» ёки «ўт қопчаси»ни билдиради. Улар маъносига кўра бошқа-бошқа сўзлардир. Шунга яраша, ушбу сўзларга қўшимчалар ҳам икки хил қўшилади: биринчисига қўшимчанинг йўғон эши (варианти) қўшилиб, *otqa*, кейингисига эса қўшимчанинг ингичка эши қўшилиб, *ötmäk* бўлади. Бу сўзлардаги унлиларнинг йўғон ёки ингичка эканини уларга қўшилаётган қўшимчаларга қараб ҳам ажратиш мумкин. Ёки: *توز* даги *vāv* ҳарфи йўғон унли сифатида *tuz* деб талаффуз қилинса, «ош тузи, намак», *tüz* деб ингичка айтилса, «тўғри (киши); текис (ер)» ёки «созни созлашга бўйрук» англамларида келади. Яна, *التور* даги унлилар *oltur-* шаклида йўғон айтилса, «(курсига) ўтирмақ»; *öltür-* шаклида ингичка талаффуз қилинса, «(кишини) ўлдирмақ» маъноси англашилади. Шунинг учун ҳам, биринчисига қўшимча қўшилганда, *olturyusī*, кейингиси эса *öltürgüsi* бўлади. Бирининг ўрнида бошқасини қўллаб бўлмайдиган, сўзнинг маъноси буткул ўзгариб кетади. Ҳозирги нашрларда эса буларнинг иккаласи ҳам бир хил ёзилмоқда. Ушбу нашр асосида Навоий асарлари сўзлигини яратмоқчи бўлган изланувчи ҳам ўз-ўзидан саноқда янглишади, уларни қориштириб юборади. Бунинг сингари мисоллар талай. Илмий транскрипция эса бундай чигалликларнинг олдини олади.

Яна бир жиҳати, классик асарларимиз тилида ўзига яраша уйғунлик бор: айтилиши йўғон ўзакли сўзларга, қўшимчаларнинг ҳам йўғон эшлари, ингичка ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам ингичка эшлари қўшилган: *äylämäk, bilmäk, ketmäk, tüzüm; qaramaq, oqımaq* сингари. Ҳатто сўздаги унлининг лабланган-лабланмаганлигига қараб, қўшимчаларнинг қўшилишида ҳам уйғунлик бўлади: *közüm, sözüm* ёки *elim, tilägim* сингари. Туркий унлилар тизимидаги бундай уйғунлик, ўз ўрнида, матн жозибасини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Қисқаси, матншунос мутахассисларимиз олдида Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий сингари классикларимиз асарларининг дунё олимлари тан оларли илмий-транскрипцион нашрларини яратиш иши турибди.

### Илмий транскрипция

Туркологияда икки хил транскрипция қабул қилинган. Бири, кирилл алифбоси негизидаги, иккинчиси эса латин алифбоси негизидаги транскрипция. Сўнгги чоғларда бутун дунёда, ҳатто рус туркологиясида ҳам, латин ёзуви асосидагиси кенг ишлатилмоқда.

Матнни транскрипцияга ўгиришда, аввало, асарнинг фонетик хусусиятларини, асарнинг товушлар тизимини яхши билмак керак.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги [a] унлиси ўрнида ёзма ёдгорликлар тилида икки фонема қўлланган: йўғон талаффузли сўзларда орқа қатор [a], ингичка талаффузли сўзларда эса олд қатор [ä] ишлатилган. Буларнинг ҳар иккови маъно фарқлаш хусусиятига эга.

Кадимги туркий битигларда сўз боши ва биринчи бўғинда келадиган олд қатор, ингичка, кенг, лабланмаган [ä] унлиси кейинчалик [e] га ўзгара бошлади. Шунинг учун ҳам ўрта

асрларда яратилган ёдгорликларни транскрипцияга ўғирганда бундай сўзларни [e] билан берган маъқул: *el, erdi, kergäk* сингари.

Матнда кечган [i] билан [e] унлиларини фарқлай олиш керак.

Ҳозирги [i] унлиси ўрнида ҳам ўтмишда икки фонема қўлланган: йўғон талаффузли сўзларда орқа қатор [i], ингичка талаффузли сўзларда эса олд қатор [i] амал қилган. Буларнинг ҳам иккови маъно фарқлаш хусусиятига эга.

Ҳозирги [u] унлиси ҳам Навоий асарлари тилида икки фонемадир: [u] ва [ü]. Шунинг сингари [o] унлиси ҳам икки фонема: [o] ва [ö]. Илмий матнда буларни фарқламасликнинг иложи йўқ.

Масалан, туркий матнларда кечган *اوچ* ни тўрт хил ўқиш мумкин. Агар бу сўзни йўғон [u] билан *иҷ* деб ўқилса, «учмоқ» («летать»), ингичка [ü] билан *йҷ* деб ўқилса, *З (сон)* англашилади. Шунингдек, ундаги *alif vāv* ни [o] ёки [ö] сифатида ҳам ўқиса бўлади. Агар йўғон [o] билан *оҷ* деб ўқилса, «ўчмоқ», ингичка [ö] билан *оҷ* деб ўқилса, «ўч, қасос» бўлади.

Ёки *تور* даги *vāv* ҳарфини йўғон [o] сифатида *тор* деб ўқилса, «тузоқ», ингичка [ö] сифатида *төр* деб ўқилса, «уйнинг тўри; юқори ўрин» англашилади.

Яна: *بول* даги *vāv* ни йўғон [o] билан *бол*- деб ўқилса, «бўлмоқ» («быть»), ингичка [ö] билан *böl*- деб ўқилса, «бўлмақ» («делить») англашилади. Бундан ташқари, бу сўзни *бул*- деб ҳам ўқиса бўлади. Унда «топмоқ» англашилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Навоий асарлари тилида амал қилган унлилар тизими учун қуйидаги транскрипция белгиларини қўллаган маъқул: *a, ä, e, i, i, u, ü, o, ö*.

Шунингдек, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизикча тортиб кетилади: *ā, ī, ū* сингари. Масалан, *vafā, zakī* ва б.

Ундошлар учун туркологияда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, γ, g, x, z, ž, s, č, š, y, l, m, n, η, r* ҳарфлари қўлланилади. Бу сирадаги *γ* – ҳозирги ўзбек имлосидаги [ʁ], *č* – [ʧ], *š* – [ʃ], *η* эса сонор [nɟ] товушини билдиради. Шунингдек, [v] фонемасининг икки хил варианты транскрипцияда айри-айри ҳарфларда келтирилгани маъқул: туркий сўзлардаги варианты учун – *w*; ўзлашган сўзларда қўлланиладиган варианты учун эса *v* ҳарфи олинади. Масалан, соф туркий *suw, sewinč* сўзлари <*w*> ҳарфи билан, арабчадан ўзлашган *vatan, vafā* сўзлари эса <*v*> ҳарфи билан ёзилади.

Шунингдек, араб ёзувли матнларда *ʒ* билан келган сўзлар *ž* билан берилади. Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган *ʒ* ҳарфи транскрипцияда *δ* билан ифодаланади.

Араб ёзувли матнларда арабчадан ўзлашган сўзларни транскрипцияда беришда айрим товушлар учун қуйидаги белгилардан фойдаланилади: *ʒ* ҳарфи учун – *δ*; *ʔ* учун – *h*; *ح* учун – *h*; *ث* учун – *ʒ*; *ع* учун – *ʔ*; *ظ* учун – *z*; *ط* учун – *t*; *ض* учун – *d*; *ص* учун – *ʒ*.

Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ёдгорликларнинг кўпи уйғур хатида. Уйғур ёзувидаги матнни ўқишнинг эса ўзига яраша қийинчилиги бор. Сабаби, алифбодаги ҳарфларнинг катта бир гуруҳи полифоник функцияга эга бўлиб, [k]–[g], [b]–[p], [t]–[d], кўпинча [q]–[ɣ]–[x], [s]–[z], [ʃ]–[ʒ] товушлари ёзувда фарқланмайди, бир хил белги билан ёзилаверади. Бу эса матнни ўқиш, сўзлар талаффузини аниқлашда мутахассисни чалғитади. Бундай ҳолатларда, бизнингча, уларнинг кўк турк, араб ёзувларидаги манбаларда қандай келишига таянилгани маъқул.

Масалан, кўк турк ёзувида [k] билан [g] товушлари алоҳида ҳарфлар билан ифодаланган: биринчиси *k*, кейингиси эса *g* шаклидадир.

Ёки [b] билан [p] ҳам ёзувда фарқланган: биринчиси b ва B, кейингиси эса p ҳарфи билан берилган. Шуларни кўзда тутган ҳолда уйғур ёзувли матнда Σr ҳарфи билан келган ΣridiP, ΣrEP сўзлари жарангли [g] билан *bitig, beg* шаклида; охири ΣÆ ҳарфи билан ёзилган ΣÆiliP, ΣÆurŪΠ сўзлари жарангсиз [p] билан *bilip, körüp* шаклида ўқилади.

Ёки араб ёзувли матнлардаги ёзилишини кўзда тутган ҳолда уйғур ҳарфли матнда s ҳарфи билан ёзилган ΣalsEP, isiΠ сўзлари *başla, kiši* деб ўқилади ва ҳоказо.

Яна бир жиҳати, XI–XV юзйилликларда яратилган манбаларнинг айримлари (Темир Қутлуғ, султон Абу Саид ёрликлари, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг Абдураззоқ бахши кўчирган қўлёмаси) икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, тагида қаторма-қатор араб хатида унинг ўқилиши (транслитерацияси) берилган. Араб ёзувли матнига таяниб, уйғур хатидаги матнни тўғри ўқиш мумкин. Бу нарса уйғур алифбосидаги айрим ҳарфларнинг қандай вазифада келаётганини аниқлаб олишга, матнни транскрипцияга тўғри ўгиришга имкон туғдиради. Кўпроқ ана шунга таянган маъқул.

Араб ёзувли матнларда -и ҳамда va боғловчилари ёзувда фарқланмайди, иккови ҳам vāv ҳарфи билан ёзилади.

-и боғловчиси ундош билан тугаган сўзларга -и, унли билан тугаган сўзларга эса -ви шаклида қўшилади.

Шунингдек, матнда таъкид юкламаси -и ни ҳам фарқлай олиш керак. Чунки араб ёзувли матнларда у ҳам vāv билан ёзилади. Ундош билан тугаган сўзларга -и, унли билан тугаган сўзларга эса -уи шаклида қўшилади.

### Илмий нашрларда ишлатиладиган техник белгилар

Матнни илмий транскрипцияга ўгириш жараёнида техник белгиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Булар қуйидагилардир:

Илмий матнда бурчакли қавс, яъни [ ] белгиси «товуш; фонема» деган маънони билдиради. Масалан: [a] – «a унлиси», [t] – «t ундоши» ва б.

< > белгиси «ҳарф» деган маънони билдиради. Масалан: <a> – «a ҳарфи», <a-> – «сўз бошидаги a ҳарфи», <-a-> эса «сўз ўртасидаги a ҳарфи» деган маънони билдиради ва б.

Бундан ташқари, < > белгиси матн орасига қўйилганда, тушиб қолган сўз ёки жумланинг ўрнини билдиради: <... ...> сингари.

Илмий матнда < белгиси сўзнинг генезисига ҳам ишора қилади. Масалан, (<араб. ... ) белгиси «айни сўз арабчадан ўзлашган» деган маънони англатади.

Товуш ёки сўзнинг фонетик вариантыни кўрсатиш учун ~ белгисидан фойдаланилади: *qodur~qouir* сингари.

Илмий матнда ёй қавс, яъни ( ) белгиси бир қанча ўринда ишлатилади:

Бирор манба ёки илмий асардан мисол келтирилиб, ўша манбанинг саҳифасига ишора қилинганда ёй қавсга олинади: (NMb.44a,12) сингари.

Бадий матннинг мазмуни очиқланганда, асл матнда учрамаган, лекин мазмун нуқтаи назаридан ишлатиш керак бўлган сўз ёки бирикмалар ёй қавсда берилади.

Илмий транскрипцияда жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади: *yer-sulari* сингари.

Эски матнларни ўқишда гап чегараларини аниқлаб олиш ҳам қийин. Чунки қўлёзмада тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд нашрларда бирхил-

лик йўқ. Ана шу жиҳатларни кўзда тутган ҳолда, матнда гап чегараларини белгилаб, ҳозирги имлодаги сингари тиниш белгиларини қўллаган маъқул.

Ўрнак учун келтирилган гап, унинг таркибидаги атоқли отлар – киши отлари, жой номлари бош ҳарф билан берилади.

Илмий транскрипцияда матн қуйидаги тартибда берилади:

Асар илмий нашрга тайёрланганда матннинг бошланишида қўлёманинг саҳифаси кўрсатиб қўйилади: (39a) ёки (39b) сингари.

Матн давомида ҳам қавсда қўлёмма саҳифалари изчил равишда кўрсатиб борилади.

Шеърый асарлар, юридик ҳужжатлар ёки ўрама қоғоздаги асарлар нашрга тайёрланганда матн қатори ҳам кўрсатиб борилади: 1) ... , 2) ... , 3) ... , 4) ... сингари.

### Навоий асарлари матнини илмий транскрипцияга ўгириш намунаси

Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асаридан олинган Саййид Насимий ҳақидаги матнни кўриб чиқамиз. Матннинг асли қуйидагича (қаранг: N Mb.148b,21-25):

سید نسیمی قدس الله تعالی روحه

عراق و روم طرفی داغی ملک دین ایرکان دور رومی و ترکمانی تیل بیلہ نظم آیتیب دور و نظمی دا حقایق و معارف بغایت کوپ مندرج دور مذکور بولغان ملک اهلی غا آنینک شعرى مقابله سی دا شعر همانه که یوقتورور همانا تقلید اهلی آنی مذهبی دا قصور تهمنی غه متهم قیلیب شهید قیلدیلار مشهور مونداق تور کیم تیریسین سویار حکم بولوبتور اول حالت دا بو شعرنی دیب دورکه

قبله دور یوزونک نکارا قاشلارینک محراب لار  
صورتینک مصحف ولی خال و خطینک اعراب لار

و بو شعرنیدک تخلّصی اوشبو مداغا دال دور کیم بیت

ای نسیمی جون میسر بولدی اقبال وصال  
قوی تیرینکنی سویسه سویسون بو پلید قصاب لار

Энди келтирилган матнни худди шу туришида кирилл ёзувига ўгириб чиқамиз. Одатда, матннинг бундай шакли оммавий нашрларда берилади. Унинг кирилл ёзувига ўгирмаси (яъни, ўқилиши) қуйидагича бўлади:

*Саййид Насимий, қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу*

Ироқ-у Рум тарафидаги мулкдин эркандур. Румий ва туркманий тил била назм айттип-дур. Ва назмида ҳақойиқ-у маориф бағойат кўп мундариждур. Мазкур бўлган мулк аҳлиға анинг шеъри муқобаласида шеър ҳамонаки йўқ турур. Ҳамона тақлид аҳли ани мазҳабида қусур тухматиға муттаҳам қилип, шаҳид қилдилар. Машҳур мундақтур-ким, терисин сўйар ҳукм бўлуптур. Ул ҳолатда бу шеърни депдурки:

*Қибладур йузунг нигоро, қашларинг меҳроблар,  
Суратинг мусҳаф ва ле хол-у хаттинг эъроблар.*

Va bu шеърнинг тахаллуси ушбу муддаоға долдур-ким, байт:

*Эй Насимий, чун муйассар бўлди иқбол висол,  
Қўй, терингни сўйса сўйсун бу палид қассоблар.*

Энди эса матнни турган ҳолатида лотин алифбоси асосидаги илмий транскрипцияга ўгириб чиқамиз. Унинг илмий транскрипцияси қуйидагича бўлади:

*Sayyid Nasīmī, qaddasallahu ta’ālā rūḥahu*

‘Irāq-u Rūm ʔarafidayī mulkdin erkāndūr. Rūmī va türkmānī til bilā nazm aytīpdur. Va nazmīda ḥaqāyīq-u ma’ārif bayāyat kōp mundarijdur. Maḍkūr bolʔan mulk ahlīya anīḡ še’rī muqābalasīda še’r hamānā-ki yoq turur. Hamāna taqlīd ahlī anī maḍhabīda quṣūr tuhmatīya muttahaḡ qīlīp, ṣahīd qīldīlar. Maṣḥūr mundaqtur-kim, terisin soyar ḥukm boluptur. Ul ḥālatda bu še’rnī deptūr-ki:

*Qibladur yūzūḡ nigārā, qaṣlariḡ meḥrāblar,  
Ṣūratīḡ muṣḥaf va le xāl-u xatṡīḡ e’rāblar.*

Va bu še’rnīḡ taxalluṣī uṣbu muddaāya dāldur-kim, bayt:

*Ey Nasīmī, čūn muyassar boldī iqbāl viṣāl,  
Qoy, teriḡni soysa soysun bu palid qaṣṣāblar.*

Энди Навоий «Муншаот»идаги (Mun.404a,8-12) мактубларнинг бирдан олинган қуйидаги жумлаларни ўқинг:

حكما قولی بيله باده تربیتی دا مونداق دور کیم کیشی نیلا په کیم می اولچه ممکن دور تلخ کیلکای انی قویاردا کیراک کیم اوزومی اولچه ممکن دور چوچومیش بولغای کیم وصال شربتی چوچوکلوکیدین سونکرا سپهر دوری ساغریدین انداق کی فراق خونابی آجیغ کیلور اوزوم داغی هر نیچه چوچوکرک بولسه باده سی احیق راق کیلور بو مذکور بولغان اوزومنی یانچاندین سونکرا یانکی کوپکاکیم نیچه قاتلا یاغلاغاندین سونکرا قالین موم لامیش بولغایلار قویولغان بیر بیلیدین سونکرا سوزکابیلار داغی اوج آی تعریف قیلغان یوسونلوق کوپ دا باشین بیرکیتیب قویغایلار اندین سونکرا صاف شیشه لارکا سالیب قیرق کون بیبیک طاق دا قویغایلار

Юқоридаги матннинг транскрипцияси қуйидагича бўлади:

Навоий асарларида آجیغ сўзи битта *jīm* билан ишлатилган, унга ташдид қўйиб (қаранг: Турсунов 2016,101) ундошни иккилантириш шарт эмас; اچیق راق сўзида ҳам ташдид ишлатилмайди, чунки у қўлэзмада ҳам йўқ.

Ḥukamā qavli bilā bāda tarbiyatīda mundaqdur-kim, kiṣi tilāsā-kim, may ulča mumkindur talx kelgāy. Anī quyarda kerāk-kim, üzūmi ulča mumkindur čüčümüṣ bolʔay-kim, viṣāl ṣarbatī čüčüglügidin soḡra sipehr davri sayarīdin andaq-ki, firāq xūnābī ačīy kelūr. Üzüm dayī har nečā čüčügrāk bolsa, bādasī ačīqraq kelūr. Bu maḍkūr bolʔan üzümni yančqandīn soḡra yaḡī küpkā-

kim, neĉä qatla yaılayandın soıra qalın mümlamiş bolıyalar, qoyulıan bir yildın soıra süzgäylär. Dayı üç ay ta'rif qılyan yosunluq küpdä başın berkitip qoyıyalar. Andın soıra şäf şışalärgä salıp qırq kün biyik täqda qoyıyalar.

Юқоридаги матн ҳозирги ёзувимизга қуйидагича ўгирилади:

Қўлөзмада بولغان сўзи *alif* ҳарфи билан ёзилса-да, уни *бўлғон* (қаранг: Турсунов 2016,127) деб эмас, *бўлған*; يانچقاندين ни *ёнчқондин* эмас, *янчқондин*; قاتلا ни *қотла* эмас, *қатла*; قيلغان ни *қилғон* эмас, *қилған* деб ўқилса, тил жиҳатидан тўғри йўл тутилган бўлади.

Ҳукамо қавли била бода тарбийатида мундақдур-ким, киши тиласа-ким, май улча мумкинدير талх келгай. Ани қуйарда керак-ким, узуми улча мумкинدير чучумиш бўлғай-ким, висол шарбати чучуглугидин сўнгра сипехр даври сағаридин андақ-ки, фироқ хуноби ачиг келур. Узум дағи ҳар неча чучуграк бўлса, бодаси ачиқрақ келур. Бу мазкур бўлған узумни йанчқондин сўнгра йанги купка-ким, неча қатла йағлағондин сўнгра қалин мумламиш бўлғайлар, қўйулған бир йилдин сўнгра сузгайлар. Дағи уч ай таъриф қилған йўсунлуқ купда башин беркитип қўйғайлар. Андин сўнгра соф шишаларга салип қирқ кун бийик тоқда қўйғайлар.

## ЯЛПИ ХУЛОСАЛАР

Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ўзгачалиklarини текшириш натижалари қуйидаги илмий хулосаларни айтишга имкон беради:

(1) Туркий халқлар ёзув маданияти тарихида XIV–XV юзйиллар қадимги туркий-уйғур ёзувдан араб хатига ўтиш даври саналади. Шунга қарамай, бадий адабиёт, тарихнависликда, шу қаторда давлат ҳужжатчилик ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда уйғур хатининг мавқеи юқори эди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлардир. Темурбек ўз салтанатининг расмий ишларида, ички ҳамда ташқи дипломатик муносабатларда, бадий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида ота-боболардан мерос қолган уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди.

Темурбек ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг ҳукмдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айна ёзувда. Темурбекнинг ўлимидан кейин Шохруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид мирзо ва унинг ўғли Умаршайх мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум.

(2) XV юзйил бошларида ҳали эски туркий ёзувнинг мавқеи юқори бўлиб, ўша кезлардаги ижод аҳли, хусусан, Мир Ҳайдар, Мавлоно Лутфий, Саккокий сингари улуғ ёшдаги кишиларнинг хат-саводи уйғур ёзувида чиққан, улар ўз асарларини кўпроқ уйғур хатида ёзганлар. Юзйилнинг иккинчи ярмига келиб эса, араб ёзувининг мавқеи орта борди. Шунинг таъсирида ёш ижодкорлар ўз асарларини араб ёзувида бита бошлаганлар.

Навоийнинг боболари, отаси ҳам, эл қатори, уйғур хатини ишлатган. Тарих китобларида Навоийнинг отаси бахши ўтгани ҳақида хабарлар бор; давлат бошқарувида расмий ишларни юритгани учун уни Ғиёсиддин бахши деб ҳам атаганлар.

Бу ёзувни Алишер Навоий ҳам яхши билган. У ўз битигларидан бирида уйғур хатини *türkčä taḡ* дея тилга олади.

Навоий ёшлик йиллари уйғур хатини яхшигина ўзлаштирган, илк шеърлари ичида ўша ёзувда битилганлари ҳам бўлиши керак. Алишер Навоий кейинги авлодга мансуб ижодкор. Шунинг учун ҳам у араб хатига катта эътибор қаратди ва ўз асарларини, асосан, ана шу ёзувда битди.

(3) Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб қабул қилганлар. Шунинг учун ҳам асл араб алифбоси билан туркий тилга мосланган алифбо орасида, имло принциплари, ҳарфларнинг фонетик вазифалари орасида бир оз фарқ бор.

Уйғур хатида унлилар ёзувда изчил тарзда ифода этилар эди. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида қадимги туркий ёзувнинг ана шу принципини сақлаб қолдилар. Оқибатда, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар, кўпинча, тўлиқ ёзиладиган бўлди.

Араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта ҳарф – *alif*, *vāv*, *uā* ҳамда ҳаракатлар, турли ҳарфий ишоратлардан фойдаланилган.

Шуниси борки, туркий сўзларда унлилар ҳаракатлар билан ҳам берилади. Бироқ қўлёзмаларнинг ҳаммасида ҳам товушларни англатувчи ҳаракатлар қўйилавермайди. Улар белгисиз ёзилади, лекин ўқилади.

Арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлар имлоси эса туркий сўзлардан фарқ қилади: улар ўша тилларнинг қоидалари бўйича ёзилади; уларда унлининг узун / қисқалиги инобатга олинади. Лекин бундай сўзларга қўшиладиган қўшимчалар туркийдир. Навоий асарларида кўпинча уларга туркий қўшимчаларнинг йўғон вариантлари қўшилади.

(4) Навоий асарларининг фонетик тизимида тўққизта унли фонема ишлатилган дейиш мумкин. Булар: [a], [ā], [e], [ī], [i], [u], [ū], [o], [ō].

Навоий асарлари тилида буларнинг ҳар бири мустақил фонемалар бўлиб, улар талаффузда ҳам, маънода ва вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Унлилар тизими товушлар қатори, тор-кенглиги, лабланган-лабланмаганлигига кўра ўзаро қарама-қарши жуфтликларни юзага келтиради: орқа қатор йўғон [a], [ī], [o], [u] унлилари олд қатор ингичка [ā], [e], [i], [ō], [ū] унлиларига; кенг [a], [ā], [e], [o], [ō] унлилари тор [ī], [i], [u], [ū] унлиларига; лабланмаган [a], [ā], [e], [i], [i] унлилари лабланган [o], [ō], [u], [ū] унлиларига қарама-қаршидир. Улар талаффузига кўра ҳам, фонетик хусусиятига кўра ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

Навоий асарлари тилининг унлилар тизими фонетик-фонологик жиҳатдан йўғон / ингичкалик, лабланганлик / лабланмаганлик, чўзиқлик / қисқалик хусусиятларига эга.

Араб ёзуви туркий матнларда унлилар *alif, vāv, yā* ҳарфлари ёки ҳаракатлар билан ифода этилган. Эски туркий матнларда унлилар *alif, vāv, yā* ҳарфлари билан ёзилиши чўзиқликнинг ифодасигина эмас. Бунга туркий ёзув аъъанасининг давоми сифатида ёндашилгани маъқул. Сабаби шундаки, уйғур хатида унлилар, чўзиқ-қисқалигидан қатъи назар, ёзувда изчил тарзда ифода этилаверган. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида ана шу имло принципини сақлаб қолдилар. Шунга биноан, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар, чўзиқ-қисқалигидан қатъи назар, *alif, vāv, yā* ҳарфлари билан ифодаланадиган бўлди.

(5) Классик ўзбек тилида, хусусан, Навоий асарлари тилида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги унлиларда, ўрни билан, чўзиқлик / қисқалик ҳам амал қилади. Лекин бундай чўзиқлик / қисқалик фақат ўзлашган сўзлар доирасида ишлайди холос. Бунинг сабаби, арабча, форсча сўзлар эски ўзбек тилига тайёр ҳолида, яъни улар ўша тилларда қандай талаффуз қилинган, маъно фарқлаш даражаси қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштирилган. Шунинг учун ўзлашган сўзларда чўзиқлик / қисқалик баъзан маъно фарқлаш хусусиятига ҳам эга.

Навоий асарларида ўзлашган сўзлардаги унлилар чўзиқ ё қисқа ўқилади. Ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлилар туркий йўғон [a], [ī], [u], [o] унлиларига вариант сифатида [a~ā], [ī~ī], [u~ū], [o~ō] қўлланган деса бўлади.

(6) Навоий асарлари тили сингармонизм тилдир. Бунга кўра олд қатор унлилари ингичка, орқа қатор унлилари эса йўғон талаффуз қилинган. Сўзнинг фонетик-фонологик табиати ана шу унлиларга мослашади. Сўзнинг биринчи бўғинида олд қатор унлилари келса, кейинги бўғинларда ҳам олд қатор унлилари қатнашади. Ёки, бунинг тескариси, биринчи бўғинда орқа қатор унлиси қатнашса, кейинги бўғинлар унлиси ҳам орқа қатор унлилари бўлади. Шундан келиб чиқиб, сўзлар йўғон ёки ингичка талаффуз этилувчиларга бўлинади.

Яна бир жиҳати, ўрта асрлардаги туркий тил агглютинатив табиатлидир. Унда ўзак-морфема сўзнинг туб маъносини белгилайди, унга бирикувчи аффикслар эса ўзакдан англашилган тушунчани аниқлаштиришга, чуқурлаштиришга хизмат қилади. Сўзнинг ўзгаги ўзига қўшилаётган қўшимчаларни маъно жиҳатидангина эмас, товуш жиҳатидан ҳам

бўйсундириб олади. Бунга кўра, сўз йўғон ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам йўғон талаффузли вариантлари қўшилади, сўз ингичка ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам ингичка талаффуз қилинадиган вариантлари қўшилади. Навоий асарлари тилида ҳам шундай.

(7) Мумтоз туркий шеърятда ғазаллар жозибаси, оҳангдорлиги, қулоққа ёқимлилигини таъминлашда ҳам сингармонизмнинг таъсири кучли. Бу нарса, айниқса, бадий адабиётда кескин ажралиб туради. Жумладан, араб, форс мумтоз арузида сўз жозибаси унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги билан белгиланган бўлса, туркий арузда унлиларнинг йўғон-ингичкалиги етакчи саналган.

Навоий асарлари тилида арабча ва форсчадан ўзлашган сўзларга туркий қўшимчаларнинг, асосан, йўғон вариантлари қўшилган. Ҳатто таркибида *kāf* ҳарфи келган ўзлашган сўзларга ҳам туркий қўшимчаларнинг йўғон вариантлари қўшилади.

Навоий асарлари тилида лаб уйғунлиги қоидаси ҳам кучли ишлаган.

Навоий асарлари тилида ундошлар тизимидаги жаранглилик / жарангсизлик ҳодисаси ҳам ишлайди.

(8) Унлилардаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги таъсирида Навоий асарлари тилида қўшимчаларнинг ҳам фонетик вариантлари амал қилган: туркий қўшимчаларнинг икки, тўрт, кўпи билан саккиз вариантлари бор.

Товушлар уйғунлиги сўзнинг бутун бир фонетик қуршовида амал қилади: бошлаб ўзакнинг фонетик қуруми шаклланади, сўнгра негиз ва кейинги морфемаларга ёйилади. Шу шаклда сўзнинг бутун бир морфонологик тизимини шакллантиради.

Туркий тиллар тарихида, эски ўзбек тилида, хусусан, Навоий асарлари тилида сингармонизм «темир қонун» сифатида амал қилган.

(9) Туркий матнларда араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилган. Араб тилидан ўзлашган сўзлардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни англатувчи ҳарфлар Навоий асарлари кўлёмаларида ҳам ўзгаришсиз ёзилган. Лекин улардаги араб тилигагина хос бўлган ҳарфлар туркий товушлар сингари талаффуз этилган. Арабчадан ўзлашган сўзлардаги *ص* ва *ث* ҳарфлари Навоий асарлари тилида [s]; *ذ*, *ض* ва *ظ* ҳарфлари [z], *ط* ҳарфи - [t], арабча *ه* ва *ح* ҳарфлари Навоий асарларида [h] сифатида талаффуз қилинган.

Араб хатидаги матнларда келувчи *ه* ва *ح* ҳарфлари ўрнида уйғур ёзувида <x> ҳарфи; *ط* ҳарфи ўрнида <t> ҳарфи; *ذ* ҳарфи ўрнида <d> ёки <z> ҳарфлари; *ث* ва *ص* ҳарфлари ўрнида <s> ҳарфи; *ض* ва *ظ* ҳарфлари ўрнида эса уйғур ёзувида <z> ҳарфи ёзилади. Бу эса арабча товушларнинг туркий матнда ана шундай талаффуз қилинганини англатади.

Яна бир жиҳати, уйғур ёзувли матнда арабчадан ўзлашган сўзлар таркибидаги ана шу товушларни ифодалаш учун диакритик белгилар сифатида араб алифбосидаги ҳарфлардан ҳам фойдаланилган, яъни уйғур алифбосидаги ҳарфлар остига ёки устига «бу ҳарф ана шу товушни англатади» деган мазмунда арабча ҳарфлар ҳам қўйиб кетилган.

Лекин ушбу белгилар арабчага хос товушлар туркий матнда ҳам ўшандай талаффуз қилинади, дегани эмас. Уйғур ёзувли матнда ёзув принципи амал қилган ва улар арабий сўзларни фарқлаш учунгина ишлатилган. Аслида эса улар туркий товушлар сифатида талаффуз қилинаверган.

(10) Ўтмишда классик ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари учун тузилган луғатларнинг айтарли бари классик ижодкорлар ўз асарларида қўллаган арабча ё форсчадан ўзлашган сўзлар эмас, балки соф туркий сўзлар бўйича тузилган. Уларда маъносини англаб олиш қийин сўзлар, уларнинг фонетик хусусиятлари, ўқилиши, маънолари яхши очиб берилган.

Луғатлар ўзининг кенгқамровлиги, илмийлиги, фонетик изоҳларга бойлиги, классик матнларда қўлланган сўзлар семантикасини яхши очиб берган ва улар ўрта асрларда яратилган луғатлар орасида юқори ўринда туради.

Араб ёзувли туркий матнларда [k]–[g], [č]–[j], [b]–[p] товушлари ёзувда бир хил ҳарфлар билан ифодаланган. Лекин матнда буларни фарқлашга эҳтиёж бўлган. Котиблар, луғат тузувчилар доимо бунинг ечимини излашга уринган; улар ўз луғатларида бу товушларни фарқлашда турли грамматик атамалардан фойдаланганлар. Классик асарлар бўйича тузилган луғатларда, жарангли [g] учун «ажамча *kāf*» (*kāf-e 'ajamī*), жарангсиз [k] учун эса «арабча *kāf*» (*kāf-e 'arabī*); [j] учун «арабча *jīm*» (*jīm-e 'arabī*), жарангсиз [č] учун эса «ажамча *jīm*» (*jīm-e ajamī*); жарангли [b] учун «арабча *bā*» (*bā-ye 'arabī*), жарангсиз [p] учун эса «ажамча *bā*» (*bā-ye 'ajamī*) атамалари ишлатилган ва б.

«Чиғатой туркчаси» бўйича тузилган луғатлар Алишер Навоий асарлари тилида қўлланган сўзларнинг маъносини аниқлашда, классик матнларни тушуниш ва уларни талқин қилиш, шулар билан бир қаторда уларни тўғри талаффуз қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

(11) Ўзбекистонда Навоий асарларининг нодир қўлёзмалари асосида илмий транскрипцион нашрларини, йиғма матнлари ва факсимиль нашрларини яратишнинг вақти келди. Илмий транскрипцион нашрлар яратилгандан кейингина Навоий асарларидаги сўзларнинг аниқ сонини белгилаш, уларнинг семантик хусусиятлари, асарларнинг грамматик ва фонетик ўзгачаликлари ҳақида кенгроқ изланишлар олиб боришга кенг йўл очилади.

## КИТОБ ЁЗИШ ЖАРАЁНИДА ИШЛАТИЛГАН ЁЗМА МАНБАЛАР ВА ИЛМИЙ АСАРЛАР

### Навоий асарларининг қўлёзмалари:

*ЛТ* – «Лисону-т-тайр»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (155b-193a).

*МА* – «Мезону-л-авзон»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (269b-277b).

*Мун.* - «Муншаот»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (387b-406a).

*ML* – ‘*Ali Şir Nevayî. Muhakemetü'l-luğateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder.* – Ankara, 1996.

*МЛ* – *Алишер Навоий.* Муҳокамат ул-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.

*NMb* – «Насойиму-л-муҳаббат»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (22b-154a).

*MN* – «Мажолису-н-нафоис»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (302b-329b).

*TMA* – «Тарихи мулуки ажам»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (355b-370b).

*Sang.* – Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» асари қўлёзмаси: Франция Миллий кутубхонаси: Suppl.Turc.1000.

*Şİ* – «Садди Искандарий»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (392b-469a).

*SM* – «Сирожу-л-муслимин»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (19b-21b).

*ŞS* – «Ғаройибу-с-сиғар»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (7b-74a).

### Бошқа ёзма манбалар:

*AЗФТ* – Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент, 1968.

*АТ* – Оға-ини тигинлар қиссаси: Gabain 1950,283-285.

*V.critical.* – *Zahir Al-din Muhammad Babur. Babur-nama (Vaḡayî')*. Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto Syokado, 1995.

*БН* – *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. – Тошкент, 1989.

*DDT* – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. – SPb., 1869.

*ДЛТ* – *Маҳмуд Қошғарий.* Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

*Е* – Енисей битиглари: Малов 1952; Аманжолов 2003,107-150.

*МБЛ* – *Мирзо Меҳдихон.* Мабони ул-луғат. Форсийдан З. Умаров таржимаси. Нашрга тайёрловчи Х. Алимова. – Тошкент, 2008.

- МК – Kaşgarlı Mahmud. Dīvānū Lūgati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.*
- К – Кул тигин битиги: Ка – кичиг битиг, К, Кб – улуғ битиг, К.I–III, Кс – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув. Нашрлари: Малов 1951,19–55; Содиқов 2004,96–112.*
- КТТ – Kitab-ı Mecmü-ı Tercüman-ı Türki ve Acemî ve Muğalî. Reser Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. – Ankara, 2000.*
- Л(К,Л,И) – Хўжандийнинг «Латофатнома» асари: ЛК – асарнинг уйғур ёзувли Кобул нусхаси: Фазылов 2009,231–282; ЛЛ – асарнинг араб ёзувли Лондон нусхаси: Фазылов 2009,283–315; ЛИ – асарнинг араб ёзувли Истанбул нусхаси: Фазылов 2009,333–360.*
- ИБ – «Ирқ битиги»: Малов 1951, 80–92.*
- ТР – Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О. Жалилов. – Тошкент, 2011.*
- Топ. – Тўньюққ битиги: Аманжолов 2003,175–188; Содиқов 2018,233–248.*
- РҚ – Содиқов Қ. «Роҳату-л-қулуб» китоби. // Islom tafakkuri. Maxsus son. – Toshkent, 2019. 97–108- б.*
- СЦ – «Сюань-цзан кечмиши» асари: Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – М., 1991.*
- SD – Mevlâna Sekkâkî divanı. Hazırlayan K. Eraslan. – Ankara, 1999.*
- УШ – султон Умаршайхнинг суюрғал битиги: Содиқов 2016,148–151.*
- ЎД – «Ўғузхоқон» достони: Щербак 1959,13–110; Маҳмудов, Содиқов 1994,96–117.*
- Yug – Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари: Edib Ahmed b. Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Nakâyık. R.R. Arat. – Ankara, 1992. А – асарнинг 1444 йили Самарқандда кўчирилган уйғур ёзувли нусхаси: S. I–LXII; В – асарнинг 1480 йили Истанбулда уйғур ёзувида ёзилиб, тагма-таг араб хатида изоҳлаб чиқилган нусхаси: S. LXIII–CXVII; С – асарнинг XVI юзйилликда араб хатида кўчирилган нусхаси: S. CXVIII–CLXVI; Н – асарнинг Голландияда сақланаётган араб ёзувли нусхаси: Edib Ahmed Yükneki. Atebetü'l-Nakâyık. İnceleme - Tenkitli Metin - Tıpkıbasım. Hazırlayan: S. Çakmak. – İstanbul, 2019. S. 420–468.*
- ШН – Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи Э. Шодиев. – Тошкент, 1989.*
- QB – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари: Н – Вена (Ҳирот) нусхаси: Wien, ÖNB, Cod. A.F.13: Радлов В.В. Кутадғу-Билик. Факсимиле уйғурской рукописи. – СПб., 1890; Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015; N – Наманган (Фарғона) нусхаси: ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, 1809 кўрсаткичли қўлёзма. Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015; Q – Қоҳира нусхаси: Миср Миллий кутубхонаси, 168- кўрсаткичли қўлёзма: Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015.*
- ҚБС – «Кутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2020.*
- Ха – Билга хоқон битигининг ёнбошидаги ёзув: Содиқов 2004,112–120.*

### **Илмий асарлар:**

- Абдуллаев 1968 – Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи. – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 238–257- б.*
- Абдурахмонов, Рустамов 1984 – Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984.*

Аманжолов 2003 – Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. – Алматы, 2003.

Боровков 1961 – Боровков А.К. «Бадә’и’ ал-лугат». Словарь Тәли’ Имәни Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961.

Благова 1982 – Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. – М., 1982.

Дониёров 1968 – Дониёров Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир (унлилар системаси ҳақида). – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 279–301- б.

Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.–Л., 1951.

Малов 1952 – Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. – М.–Л., 1952.

Маҳмудов 1990 – Маҳмудов Қ. XIII–XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. – Тошкент, 1990.

Маҳмудов 2004 – Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент, 2004.

Маҳмудов, Содиқов 1994 – [Маҳмудов Қ., Содиқов Қ.] XI–XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. – Тошкент, 1994.

Насилов 1974 – Насилов В.М. Язык тюркских памятников уйгурского письма XI–XV вв. – М., 1974.

Рустамов 1976 – Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида. // «Адабий мерос» (5). 1976. 39–42- б.

Содиқов 1992 – Содиқов Қ. XI–XV аср уйғур ёзуви туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Докторлик диссертацияси. – Тошкент, 1992.

Содиқов 2004 – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.

Содиқов 2016 – Содиқов Қ. Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. – Тошкент, 2016.

Содиқов 2018 – Содиқов Қ. Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент, 2018.

Содиқов 2020 – Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020.

Стеблева 2012 – Стеблева И.В. Тюркская поэтика. Этапы развития VIII–XX вв. – М., 2012.

Турсунов 2016 – Турсунов Ю. «Муншаот» асарининг матний тадқиқи. – Тошкент, 2016.

Щербак 1959 – Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. – Памятники древнеуйгурской и староузбекской письменности. – М., 1959.

Щербак 1961 – Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X–XIII вв. из Восточного Туркестана. – М.–Л., 1961.

Щербак 1962 – Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.–Л., 1962.

Ҳасанов 1989 – Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари (Алишер Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатлар). – Тошкент, 1989.

Фазылов 2009 – Фазылов Э.И. Латафат-наме («Книга о красоте») Ходжанди. Введение, транскрипция кабульского текста, перевод, глоссарий, грамматический указатель, дополнение, факсимиле 5 рукописей, сводный научно-критический текст. Второе дополненное и уточненное издание. – Ташкент, 2009.

- Eckmann 1988 – Janos Eckmann. Çağatayca el kitabı. Günay Karaağaç. – İstanbul, 1988.*  
*Gabain 1950 – Gabain, von A. Alttürkische Grammatik. – Leipzig, 1950.*  
*Sertkaya 1973 – Sertkaya O.F. Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. I. – İstanbul, 1973.*

**ВАҲОБ РАҲМОНОВ**

**МУМТОЗ СЎЗ БАДИИЯТИ**

## НАВОИЙ КИТОБИ УЗРА МУК ТУШИБ...

### НАВОИЙ ДАҲОСИ

Ҳар бир миллатнинг бир ёки бир неча улуғ фарзандлари бўлади, улар Аллоҳ ато этган буюк ғайрат, мислсиз ирода, теран ақл-идрок ва эзгу ахлоқ-одоблари билан шу халқ байроқлари каби муқаддас тимсолларга айланадилар. Улар андозаларга сиғмайдиган улуғ хизматлари туфайли эл томонидан бошга кўтарилади, эъзозланади, асрлар, ҳатто минг йилликлар давомида қадрланади.

Агар сиёсат ва давлатчилик соҳасидаги бундай буюклар турли даврлар ҳар хил халқларда гоҳ салбий, гоҳ ижобий баҳолансалар, адабиёт ҳамда санъат вакиллари, барча миллатлар, бутун башарият томонидан фақат севилади ва қадрланади.

Жаҳон адабиёти титанларини энг қисқа рўйхатда кўз ўнгимизда тизадиган бўлсак, булар – Ҳомер, Эврипид, Ли Бо, Рўдакий, Фирдавсий, Данте Алигъери, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Вильям Шекспир, Йоханн Вольфганг Гёте, Александр Пушкин, Лев Толстой, Оноре де Бальзак, Александр Достоевский, Жек Лондонларнинг ҳамиша порлоқ сиймолари ўз ижод оламлари билан гавдаланадилар. Чунки уларнинг ҳар бири ўз халқлари ва башарият учун адабий даҳолардир.

Адабий даҳоларнинг бошқа сафдош, даврадош бўлган мумтоз шоир ҳамда адиблардан фарқлари йирик бўлади. Чунончи, биз учун Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳофиз Хоразмий, Сайфи Сароий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Нодира, Гулханий, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбекларнинг ҳар бири мумтоз сўз санъаткори сифатида улуғ ва миллатимиз фаҳри, ҳар бир китобхон учун азиздирлар.

Ўзбек мумтоз адабиётимиз шоҳсупасида уч иқтидор: Навоий, Бобур ва Огаҳий сиймолари гавдаланади. Биринчи ўрин истисносиз Алишер Навоийгагина хосдир. Чунки Навоийга ҳам, ундан кейин ҳам унинг истеъдоди даражасидаги инсон ҳали ёруғ оламга келмади. Бу ҳақиқатни XV асрдаёқ замондошлари Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандарий”, Бобур “Бобурнома”, Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” ва Муҳаммад Ҳайдар мирзо “Тарихи Рашидий” асарларида аниқ-равшан ёзганлар, таъкидлаганлар.

Хўш, Навоий даҳосининг қайси қирралари уни жаҳон сўз санъаткорлари сафига олиб чиқди?

Биринчидан, унинг миллатимиз адабиётига хизматини қайд этайлик. Унгача ижод қилган мумтоз шоирларимиз сафлари сийрак ва адабий маҳсуллари озроқ, улар шуғулланган адабий жанрлар мундарижаси қисқа эди. Алишер Навойдан кейин ҳам бу манзара унчалик ўзгариб кетмади.

Агар илмда муболаға қилиш мумкин бўлса, Навоий ўзбек мумтоз адабиётида ижобий маънода инқилоб ясади. Унинг бир ўзи юзга яқин истеъдодлар юқини елкасига олди. Унинг биргина даҳоси XV асрда туркий адабиётни дунёнинг жуда бой адабиёти бўлган форс адабиёти билан бўйлатиб қўйди.

Унинг бу соҳадаги хизматлари:

- туркий шеъриятга тўрт девон – “Хазойин ул-маоний” билан кириб келди.
- туркий адабиётга мислсиз “Хамса”ни олиб кирди.
- тасаввуфнинг рамзий-адабий талқини – “Лисон ут-тайр”ни ёзди.
- ажам халқлари тарихи ва маънавиятига доир “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”ни яратди.
- туркий адабиётга маноқиб жанрини олиб кирди (“Насойим ул-муҳаббат”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”).
- туркий шеърият назарияси асосларини аруз ва муаммога доир асарлари билан бунёд этди.

Хуллас, ўз даври подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний хулосасига кўра, Алишер Навоий сўз мулкининг соҳибқирони эди...

Иккинчидан, агар унинг ўзбек тилига қўшган ҳиссасини қайд этмоқчи бўлсак, бунда уч нуқта инобатга олинади:

а) ўзбек тилига давлат мақомини бериш хусусида жонбозлик кўрсатди.

б) ўзбек адабий тили бой ва мислсиз имкониятларини назарий жиҳатдан асослади (“Муҳокамат ул-луғатайн”) ва амалий жиҳатдан ўз ижоди билан исботлади.

в) Алишер Навоийгача беш юз йил давомида яшаган туркий адабиёт намояндalари ўз асарларида қўллаган сўзларни бирма-бир ҳисоблаб қўшиб чиққанимизда ҳам биргина Навоий асарларида ишлатилган сўзлар миқдори бир неча баробар кўплик қилади.

Энг нозик яна бир масала истеъдод даражаси бўлиб, Навоийгача ва ҳозиргача ҳам Алишер Навоий сиймосига насиб этган бу фазилат поғонасига ҳеч ким юксала олмади. Унинг адабий маҳорати сирлари ҳали ҳозирча энди очила бошлаган қўриқ бўлиб турибди.

Навоий даҳосининг энг муҳим нуқтасини унинг ўзи қайд этган, яъни шоир асарларида “дард ва сўз (қуйиш)” тантанасига кенг ўрин берган ва бу билан уларнинг воқеликка жуда яқинлигини таъминлаган. Унинг романтик қаҳрамонлари – Фарҳоди, Мажнуни, Ширину Лайлиси ҳам китобхон учун афсонавий эртак қаҳрамони эмас, бугунги Отабегу Кумуш сингари бўлиб, уларнинг фожиалари, қисмат ҳиссиётлари туғёни қалбимизга шундоққина таъсир қилиб туради.

Навоий ижоди абадиятнинг бош сирини – унинг асарларида куйланган умумбашарий ўлмас ва қаримас ғоялар: инсонпарварлик, ахлоқлилик, ақлий ва ҳиссий комилликдир.

Инсонпарварлик – инсонни ирқи, миллати, жинси ва ёшидан қатъи назар ҳурмат қилиш: унинг бахт-саодатини таъминлашга қўлдан келганча ҳаракат қилиш, ўзгаларни бахтиёр қилишда ўз бахтини кўришдир.

Ахлоқлилик деганда-чи: Навоий фикрича, шахс учун ахлоқ масаласи ҳаёт-мамонт масаласидир: бахт ва бадбахтлик, солиҳлик ва фосиқлик, олийжаноблик ва ёвузлик, вафо ва жафо, ҳақ ва ботил, ҳамма-ҳамма нарса ахлоққа тегишли. Жаҳон ёки бирор мамлакатда ахлоқлилик тантана қилса шу жойнинг ўзи жаннатнинг бир гўшасига айланади.

Комиллик – касбда моҳирлик, табобатда ҳозиклик, ахлоқда камтарлик ва поклик, ақлда – ўқиш ва уқиш риёзати билан мислсиз юксалишга эришишдир. Бу даражадаги инсон бўлиш, яъни ўқиб маърифатли бўлишдан юксак бахт йўқлигига амин бўлади.

Унинг шахсидаги мислсизликка келсак: Навоий ўзбек халқидан чиққан ва ўз саховатли фаолияти билан араб Ҳотами Тойи саргузаштларини чўпчакка айлантирган қуёшсифат сиймо эди. Унинг шиори қуйидаги мисраларда аниқ акс этган:

*Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,  
 Ҳар кишида бу сифат йўқтур – анға бўлғай шараф!  
 Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким:  
 Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен – бир тараф.*

Навоий ўз шахсидаги тамаъ деган ахлоқий саратон касаллигидан қутулган ягона инсон бўлиб туюлади. Навоий ана шу фазилати билан жаҳон халқлари эҳтиромига абадий лойиқдир.

Навоий ўз даромадларининг 98 фоизини элга эҳсон этар, икки фоизини ўз шахсий эҳтиёжларига сарфларди.

Навоий замондошларининг энг улуғлари ва синчковлари шоир сиймосидаги фазилатлар қуёшидан нуқсонлар излайверишган ва топишган: бу нозикмижозлик, биров жаззакилик бўлган. Ўша заррабинлар буни ҳам таҳлил этиб, ноилож бу камчиликни ҳам унинг фазилатлари қаторига қўшишган. Негаки, Навоий ихтироси эришилган бойликни элга сочиш бахти эди.

*Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийга иқтидо –  
 Айлангки, бу тариқа анга келди мухтараъ.*

(Эй амалдорлар, давлатмандлар! Фақирликда сиз Навоийга эргашинг. Чунки бу йўсин унинг ихтиросидир.)

Бу ихтиро (мухтараъ) қуйидаги ғазалнинг икки байтида айтилган:

*Иззат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ,  
 Ул хорлиққа мужиб эрур: “Азза ман қанаъ”.  
 Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш унинг бари,  
 Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.*

Мазмуни:

*Иззат истаган одам тамаъдан воз кечмоғи керак.*

*Тамаъ – хорлик боисидир. Азизлик – қаноатдадир.*

*Тамаъ уруғининг ҳосили хорликдир.*

*Сен хорлик уруғини экиб гул унади деб хомхаёл қилаяпсанми?*

Алишер Навоий ўз ҳаётида умрбод амалиётда синаган ихтиросидан нега давлатмандлар фойдаланмаяптилар, деб куюнарди, ачинарди, виждони уларга нисбатан қийналарди... шу боис унда жаззакилик сезиларли эди...

Нега Навоий йиғилаётган бойликни муттасил хайрия учун сарфлаган? Навоий сўфий бўлгани учун унинг эътиқодича оламда Халлоқ – яратувчи Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Табиат – борликни Аллоҳ яратган. Табиат гултожи инсон эса, Аллоҳнинг жилваси, нури зарраларидир. Навоий шеъриятида рамзан қуёш тимсолида Аллоҳ талқин этилади. Зарра тимсолида ўзи ва одамлар тушунилади. Унинг Аллоҳни ёд этиб йиғлаб тўккан кўз ёшларининг ҳар томчисида Аллоҳ қуёш сифатида акс этади.

*Ҳар Навоий тўкти ул ой фурқатида баҳри ашк,  
 Ҳар қачон боқсанг қуёш акси анинг ёшиндадур.*

Навоийнинг бойликни халққа сочгани, эҳсони – Аллоҳ йўлида чин дилдан қилган ҳа-  
дясидир. Ана шуни била олсак, тамаъсиз ва элга эҳсон сочувчи киши Худони танийдиган;  
хасис, ўзи ва оиласи учунгина бойлик йиғаетганлар маълум маънода худобехабар эканли-  
гининг кескин фарқига борамиз.

Ва беихтиёр: “Мен кимман? Мен Навоий ворисиманми, ё Худодан беҳабар кимсаманми?”  
деган саволни ўзимизга бера оламиз.

Демак, Навоий биз учун адабий даҳо, ахлоқий намуна, комиллик тимсоли, эзгулик рам-  
зигина эмас, бизни фаолиятимизнинг барча жабҳаларида кўз-қулоқ бўлиб туришга чорла-  
ган виждоннинг огоҳлантирувчи кўнғироғидир.

Ўзбек миллатининг бахти борки, унинг Алишер Навоийси бор. Академик Конрад ана шу  
маънода, яъни Навоий келиб чиққан миллатнинг бахтиёрлигини алоҳида қайд этган эди...

Ўз шахсида адабий даҳони етиштириш санъатини биз Алишер сиймосида кўрамиз. 3-4  
ёшлигидан сўз санъатига, шеъриятга нисбатан уйғонган меҳр, мактабга қадам кўйгач  
(Ҳирот анъанасига кўра бола 4 йилу тўққиз ой тўққиз кунликда мактабдорга олиб борил-  
ган) алангаланди. Тўққиз ёшдаёқ юзлаб ғазалларгина эмас, “Мантиқ ут-тайр” достонини  
ёд олди. Ўн олти ёшидаёқ у аллақачон 50000 байтни ёд биларди, бу 10 та шеърий тўплам  
демакдир. Ўқиш ва ёдлаши умрбод давом этган. Ажойиби: “Мажолис ун-нафоис” даги байт-  
ларнинг асосий қисмини Навоий ўз хотирасига асосланиб келтирган.

У ўқиб, ёдлаб кўяқолмаган, ўзи қайд этганидек ўша шеъру дostonларнинг ютуқ ва кам-  
чиликларини шахсий мулоҳазаси чиғириғидан ўтказган:

Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фу-  
сунпардоз шуаронинг ширин ва рангин абётидан эллик мингдан ортиқ ёд тутубмен ва  
алар завқу хушҳоллиғидин ўзимни овутубмен ва салоху фасодларига фикр айтибмен ва  
махфий дақойиқиға тааммул ва тафаккурлар била етибмен”...

(“Муҳокамат ул-луғатайн”).

Алишер Навоий ўз давридаёқ адабий мактаб яратишга эришган даҳо бўлиб, буни унинг  
ўзи ҳам биларди:

*Эй Навоий, қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,  
Назминг ўлди барчасиға қофия, балким радиф.*

Бу мактаб ҳозирги кунгача туркийлар дунёси адабиётларида ўз фаолиятини давом эт-  
тирмақда: Навоий ғазалларига пайрав татаббуълар яратиш; тазмин ғазаллар ёзиш, му-  
хаммас ва мусаддаслар боғлаш Муҳаммад Шоҳибекхон Шайбоний, Заҳириддин Муҳаммад  
Бобур, Нишотий, Машраб, Ҳувайдо, Мунис, Огаҳий, Комил, Нодири, Увайсий, Аҳмаджон та-  
бибий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Аваз Ўтар, Муқимий, Фурқат, Ҳабибий, Чархий, Эркин  
Воҳидов, Омон Матжон, Жамол Камол ижодларида яққол сезилади. Шу ўринда адабиётшу-  
нослар эътиборидан четда қолган бир тазмин ҳодисасини эслатиш мақбул топилди. Жаҳон  
Отин Увайсий Навоийнинг:

*Чиқиб ишқ ўти кўксим чокидин бошимдан ошибдур,  
Қуруқ шохеки гўё ўз ичидин ўт тутошибдур –*

байтини матлаъ (бош байт) қилиб олиб, дилкашгина тазмин яратган.

Унинг “Хамса”си таъсирида Подшоҳхўжа ибн Абдулваҳҳобхўжа “Мақсад ул-атвор” достонини ёзди. Муҳаммадниёз Нишотий ҳам “Хусн ва Дил” достонини ёзиб, хамсачилар сафида эканлигини даъво қилди. “Маҳбул ул-қулуб” таъсирида Хожанинг “Гулзор” ва “Мифтоҳ ул-адл” ҳикоятлар китоблари ёзилди.

Хоразмлик Ризоий Пайвандий “Лисон ут-тайр”га татаббуъ қилиб: “Мантиқ ут-тайр” достонини яратди.

Ҳатто Навоийнинг луғз ҳамда чистонлари ҳам бу мактаб “дастури”дан ўрин олди. Уларнинг таъсирида Огаҳий ва Увайсийлар жозибали луғз ва чистонлар ёздилар. Айниқса, Навоий ва Огаҳийнинг «танга» ҳақидаги луғзлари, Навоий ва Увайсийнинг анор ҳақидаги чистон ва луғзлари бир-бирига жуда яқинлиги билан китобхон эътиборини тортади. Айниқса, Алишер Навоийнинг таъсири Туркияда кучли бўлди: подшоҳларидан бошлаб ўнлаб шоирлари Навоий ғазалларига пайравлар ёздилар, ўнлаб “Хамса”лар татаббуъ тарзида битилди.

Навоий таъсири уйғур адабиётида ғазалиёт ва достончиликда жуда сезиларли бўлди. Абдураҳим Низорий Навоий “Хамса”сидаги достонлар мазмунидан фойдаланиб достонлар ёзди.

Хуллас, Хитой (Уйғуристон)дан Туркиягача бўлган ҳудудларда Алишер Навоий даҳоси таъсирида асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Ўзбекистон, Афғонистон, Туркменистонда Алишер Навоий ҳақида халқ томонидан юздан ортиқ ҳикоят ва ривоятлар тўқилгани ҳам бу улуғ инсоннинг халқ қалбидан нақадар чуқур жой олганини кўрсатади. Туркман халқ ривоятларида Навоий исми Мирали ва Султон Ҳусайн Султон Суюн тарзида талқин этилган.

Алишер Навоий умрбод эл-халқ билан бирга бўлди. Ҳусайн Бойқаро салтанати сиёсатини белгиловчи кучи, шоҳнинг дўсти ва тахти устуни бўлиб халққа хизмат қилди. Барча тоифалар аҳволи, минг бир хил феъл-атворли кишиларга дуч келди. Уларнинг ҳаммаси унинг лирик ва эпик асарларида акс-садо берди. Биргина “Ҳазойин ул-маоний”да эллиқдан ортиқ касб-кор ва феъл-атворнинг тилга олингани (ғазалда-я!) бир жиҳатдан даҳо шеърининг воқеийлиги ва ҳаётийлигини, иккинчи томондан қомусийлигини таъминлади.

Ўттиз йиллик сиёсат ва ҳаёт қозонида жонбозлик кўрсатиб қайнаган Алишер Навоий ўз халқигагина эмас, балки жаҳон халқига бош ўгитини баралла айтди:

*Олам аҳли! Билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизғаким, эрур ёрлиғ – иш!*

Илк севгисига умрбод садоқати туфайли Навоий оиладорлик бахтисиз яшади. Унинг шеърларида танҳоликнинг энг фожиали азоб-уқубат эканлиги таъкидлангани бежиз эмас. У замон дарди билан ҳам, замондошлар дарди билан ҳам ўртанарди:

*Менга ишқ дарди эмас, муҳлику бас  
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур!*

“Муҳлик” сўзи ҳалокатли эканлигини билсак, бу байтдан шоир ҳаёти фожиалар ичида кечганини идрок эта оламиз.. Бу пўлат одам, бу халқимизнинг моддий ва маънавий қуёши шахсий ҳаётдаги бахтсизлигидан тамоман кўз юмиб, эл бахти учун умрини фидо қилиш намунасини кўрсата олган башариятнинг балки ягона фарзанди эди.

*Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий баридин.*

Халқда қанақа орзу-тилаклар бўлса, Навоий эл учун уларнинг ҳаммасидан воз кечди.

Унинг умр бўйи бунёд этган бинои хайрлари ҳақида замондоши Бобур мирзо ёзади: “Мунча бинои хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай”.

Муҳими шундаки, Алишер Навоий ўзининг кимлигини яхши биларди. Унинг ҳар куни, ҳар лаҳзаси, ҳар томчи қони онгли ҳолатда ЭЛ учун сарфланди.

Навоий тушунчасидаги комил инсон (айниқса, амалдор киши)да уч фазилат: тавозеъ (камтарлик), ато (миннатсиз эҳсон-ҳадя) ва авф (ўзганинг гуноҳини) кечириш бўлади. Унингча энг улуғ фахр, энг юксак камолот Аллоҳ бандалиги даражасига етиш эди:

*Ҳар киши комил эрур бас анга Ҳақ бандалиғи,  
Мундин ўзга тамағи касби камол айламанғиз.*

У бу мартабага етди. Шунинг учун очиқ изҳор этишга ботинди: Менинг ҳар томчи қоним жаннат гулларига – элик-зийнат бўлади:

*Итлари қут этсун ўлтургач Навоий қонини,  
Барча гар ҳар қатра бир жаннат гулига ғозадур.*

Навоий комил инсон эди. Унинг комиллик белгилари:

Мутафаккир сифатида умрбод ўқиб-ўрганиш, ёд олиш билан шуғулланди.

Мураббийлик сифати: адабиёт, илм, мусиқа, рассомчилик, хаттотчиликда мутахассисларни тарбиялашда жонкуярлик ва моддий-маънавий ҳомийлик қилди.

Умрини давлат ишларига бағишлашни Навоий халқ хизмати деб тушунган.

Шахсий хусусиятлари:

а) улуғ мартабасига қарамай ҳаёли, камтар ва камсуқум эди;

б) инсон фаолияти ўзагини бошқаларни бахтиёр этишда кўрди;

в) қариндош ва дўстларига нисбатан ўта жонкуярлик ва самимийлик намуналарини кўрсатди;

г) ёлғонга нисбатан қатъий мурасасизлик қилди:

*Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,  
Рост наво, нағмага таҳсин дегил.*

### **“ИЛК ДЕВОН”ДАН “ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ГАЧА**

*Ғаразким, чу назм ўлди тўхмат манга,  
Ёйилди жаҳон ичра шўҳрат манга.*

*Ғазал тавриға аввал айлаб ситез,  
Жаҳон ичра солдим улуғ рустахез.*

Алишер Навоий ижодий истиқболининг муаррих Муҳаммад Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида келтирилганидек ёш шоирнинг маликул калом Мавлоно Лутфийга:

*Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон ўлғоч куёш.*

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,  
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.*

байтлари билан бошланадиган ғазални ўқиб бергани ва улуғ устоздан олқиш эшитгани воқеасиданоқ бизга маълум эди. Бу ҳодиса пайтида Алишер 14-15 ёшдаги мадраса талабаси эди. Адабиёт аҳлини нега амирзода Алишер пойтахт Ҳиротда эмас-у, Машҳад мадрасаларида таҳсил олди? – деган масала ҳайратга солади, албатта. Бунга икки сабаб бор эди:

- биринчиси, ҳукмдор Абулқосим Бобурнинг пойтахтни Машҳадга кўчиргани;
- иккинчиси, Машҳадга борган киши бунга амин бўладики, Машҳаддан 40-50 чақиримда

Нишопур шаҳри (Навойи ёшлигида ёдлаган дoston муаллифи Фаридиддин Атторнинг она шаҳри ва Умар Ҳайём ватани) ва 30 чақиримлар нари-берисида Абулқосим Фирдавсий – “Шоҳнома” муаллифи яшаган Тус шаҳри жойлашган.

Нима бўлганда ҳам Алишер Навоийнинг 8-9 йиллик умри – талабалик даври Машҳадда кечди. Агар Машҳад шаҳрида туркий адабий муҳит бўлмаганида, бизнингча, Навоийнинг “Илк девони” ўзбек тилида яратилмаган бўларди...

Мадрасани хатм этиб, Ҳиротга қайтган Алишер Навоий янги ҳукмдор Абусаид мирзо қабулида бўлди. Бирор соатлик суҳбатдан Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори ўз мамлакатада Алишер Навоийчалик забардаст қалам эгаси йўқлигига ва бунингчалик донишманд киши озлигига амин бўлади. Биз бу хулосага унинг иккита иши юзасидан келмоқдамиз:

– сарой мусаввирлари ва хаттотларига Навоий девонини шоҳона қилиб тайёрлаш ҳақида буйруқ берилди;

- Алишер Навоийни ўғли Абубакр мирзога ўқитувчи қилиб тайинлади.

Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр...” асаридаги маълумотларга қараганда шоирнинг отаси Ғиёсиддин ҳам Абусаид мирзо эъзозидан бўлган.

Илмда “Илк девон” номида танилган девон Абусаид мирзо топшириғи натижаси эди. Ана шундай қилиб Алишер Навоийнинг талабалик йилларида ёзган шеърлари сарой расомлари томонидан ҳар бир саҳифаси безатилиб, зарҳаллана бошлагач, Султон Али Машҳадийнинг хатида кўчириб ниҳоясига етказилди. Бу ҳодиса 1465 йил содир бўлган эди... Йиллар ўтди. Аввал Султон Ҳусайн салтанати муҳрдори, сўнг вазири аъзам сифатида фаолияти бошланди. 1465-80 йилларда Алишер Навоий бирин-кетин “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ул-ниҳоя” девонларини тузди...

Саксонинчи йиллар ижодининг гултожи “Хамса” бўлса-да, шу билан баб-баравар шеърлар ижод қилиш давом этган ва “Хазойин ул-маоний” номли тўрт девонга етарли шеърый маҳсул яратилаётган эди.

Агар улуғлик меъёри девонлар саноғи билан ҳисобланса, форс шеърыйати булбули Ҳофиз Шерозийда биргина, Саъдий Шерозийда учта, Абдураҳмон Жомийда учта девон бўлган. Бу соҳада энг йирик саноқ – беш девон Амир Хусрав Дехлавийга тегишли бўлса-да Навоий даврига келиб унинг ғазалларидан намуналаргина қолган эди, холос.

Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” гача учта девон соҳиби эди...

Ҳиротда Алишер Навоийнинг туркий ва форсий тилдаги ижоди шу даражада гуркираб шуҳрат қозондики, замон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро Навоий шахси ва шеърыйати

хусусида алоҳида рисола ёзди ва улуғ шоирни “Шеърят мулкининг соҳибқирони” деб ша-  
рафлади.

“Хазойин ул-маоний” деб очасида ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро бир куни Навоий-  
ни ўз ҳузурига чорлаб:

- Илгари икки девон тузган эдингиз. Ҳозир янги шеърларингиз яна ўшанча миқдорга  
етиб қолди. Энди жамини йиғиб тўртта девон тузинг, - деган таклифни қўяди.

Шоир ўз саломатлиги ночорлигини эслатгач, шоҳ муҳаррирлик хизматига мойиллиги-  
ни билдиради. Хуллас, Навоий барча шеърларини келтириб, ҳукмдор дўсти олдига қўяди.  
Навоий эътирофича, шоирнинг шўҳ қизларга ўхшатишган шеърларини ҳукмдор бирма-бир  
таҳрир назаридан ўтказди. Навоий энди таҳрир этилган шеърларини гўзаллик тимсоли –  
келинчакларга ўхшатади. Муаллиф таъкидлашича, таҳрир давомида бу девондаги ҳар бир  
шеърга шоҳнинг гавҳардан қиммат маъноли фикрлари дахл этган...

Бундай қарганда девонга “Маънолар хазинаси” (“Хазойин ул-маоний”) деб ном қўйиши  
ножоиздай. Чунки Навоийдай камтар инсон бунчалик мақтанчоқлик қилолмаслигини ҳам-  
ма билди. Бунинг боиси муаллиф томонидан шундай изоҳланган:

“Чун бу маъно гавҳари барча ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг – В.Р.) таъби баҳри-  
дину зеҳни конидан ҳосил бўлди ва алфозу иборат хазойини ҳамул маънолар гавҳаридин  
тўлди, бу маънодин анинг отин “Хазойин ул-маоний” қўюлди”.

Рубоий:

*Бу баҳрки ганжи маоний, дедилар,  
Ҳар қатрасин оби зиндагоний, дедилар.  
Шоҳ маҳзани мабъидин нишони, дедилар  
Ким, ани “Хазойин ул-маоний” дедилар.*

Алишер Навоий ижодий йўлида девон тузиш силсиласини кузатиш ҳам мароқлидир:  
унинг илк девони ҳукмдор Абусаид мирзо фармони билан сарой рассомлари ва хаттотлари  
томонидан тайёрланди. Сўнгра, ўзи “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” девонларини  
тузди. “Хазойин ул-маоний” ҳам олдинги икки девон каби Султон Ҳусайн Бойқаро тавсияси  
билан тузилди. Тўрт девондан иборат лирик қомус таркибига аввалги учта девон шеърла-  
ри таҳрир қилиниб киритилгандир. Ва ниҳоят Навоий форсий адабиётдаги устозларга эр-  
гашиб, форсий тилда “Девони Фоний”ни яратди. Унинг бир қисми Ҳофиз, Саъдий, Жомий,  
Амир Хусрав...ларга тараббуъ, бир қисми ўз услуби ихтироларидир.

Биз Навоийнинг шеърини ижоди, “Хазойин ул-маоний” ва “Девони Фоний”да жамлан-  
ган деб айтаемиз. Агар Навоийнинг 1463 йилдан 1495 йилгача тузилган девонларини бир-  
ма-бир тизсак кўз олдимизда шоирнинг саккиз китоби саф тортади:

“Илк девон”

“Бадоеъ ул-бидоя”

“Наводир ун-ниҳоя”

“Хазойин ул-маоний”

“Ғаройиб ус-сиғар”

“Наводир уш-шабоб”

“Бадоеъ ул-васат”

“Фавойид ул-кибар”

“Девони Фоний”

Бундай кўп девонга соҳиблик, шеърӣ сермаҳсуллик Шарқ адабиётида ҳеч бир бошқа шоирга насиб этмаган бўлса керак.

“Ҳазойин ул-маоний”ни олимларимиз: “XV асрнинг лирик қомуси” дейишган. Бу рост гап. Бироқ буни чинакам исботлаш, бизнингча истиқлол даври олимлари зиммасига тушади. “Ҳазойин ул-маоний” шеърларининг ҳақиқий намунали таҳлили энди бошланса керак.

Негаки, ҳозиргача бу девон – 3000 ғазал ва бошқа жанрлардаги асарлар тадқиқига Ўзбекистонда 5-6 та салмоқли китоб ёзилди, холос. Ҳолбуки, Ҳофизнинг ҳар бир ғазали ҳақида биттадан китоб ёзилаётган экан, нега бу анъана Навоӣ ижоди тадқиқига ҳам кўринмайди? деб хавотирга тушамиз. Шўролар даври Навоӣшунослиги мумтоз адабиётга нисбатан нописандлик натижасида улуғ даҳонинг адабий хизматларини – маҳоратини тегишлича кашф қилиб беролмагани илм аҳлига маълум...

Шуниси қизиқки, шоирлар Одам Атоси Абу Абдулло Рўдакийдан бошлаб ғазал форс адабиётида Амир Хусрав Деҳлавӣ, Жалолиддин Румӣ, Саъдий, Ҳофиз, Ҳожу Кирмонӣ, Камол Хўжандӣ, Мирзо Абдулқодир Бедил, Соиб ижодларида асрма-аср ўсиб, гуллаб-яшнаб тобора юксалади.

Ўзбек адабиётида эса Навоӣгача ва ундан кейин ҳам ҳеч кимнинг ғазали услуб бақувватлиги ва янгилиги жиҳатидан ундан ўзолмади.

Гап шундаки, рубобӣ ва жанр ибтидоси ғазалсимон тағаззулар Рўдакийдан бошланиб, асрма-аср, даврма-давр шаклланиб, ўсиб, янги услублар ихтироси (сабки Ҳофиз, сабки Хуросони, сабки Ҳинди...) билан узвий тараққий этган бўлса, бизнинг адабиётимизда бу соҳада ярқ этган янгилик бўлмади ёки адабиётшуносларимиз ҳали ҳозирча буни пайқай олганларича йўқ.

Шарқ адабиётшунослигида ўнлаб сабк (услуб)ларни кашф этган олимлар ғазал тараққиётида уч йирик ҳолатни инобатга оладилар:

– биринчиси: ғазалнинг шаклланиш тадрижи. Бу Саъдий ижодида шаклланиб, ниҳоясига етди. Шунинг учун Алишер Навоӣ Саъдий Шерозийни “ғазал мухтари” (ғазал ихтирочиси) деган эди;

– иккинчиси: ғазални рубобӣ жанр сифатида энг барқ уриб гуллаган даври (Ҳофиз ижоди). Бу даврда ғазалда дунёвий ва диний-фалсафӣ, рамзий талқинлар ҳадди аълосига етди;

– учинчиси: ғазални интеллектуал – тафаккур мевалари даражасига етказиш бўлиб, бу сабки ҳинди услубидир. Бунинг кашшофи, тўғрироғи, Саъдийдек шакллантирувчиси Мирзо Абдулқодир Бедил эди.

Бу услубнинг моҳияти шундаки, шоир ғазалнинг ҳар бир байтида: биринчи мисрада бир фикрни айтади-да, иккинчи мисрада шу фикрга муштарак, муқобил қийматли мисол келтиради. Бу усул унсурлари Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандӣ, Абдурахмон Жомӣларда ҳам бор эди:

Камол Хўжандӣ:

*То рух напўши кай шавад аз дида ашки мо равон?  
Пинҳон нагашта офтоб ахтар намеояд бурун.*

(Сен юзингни ёпмасанг кўзларимиздан ёш оқармиди? Кўёш ботмаса осмонга юлдузлар чиқмайди-ку?)

Алишер Навоий:

*Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.*

Ёки:

*Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.*

Мумтоз адабиётимиз бадий санъатлари тараққийсида ташбиҳнинг нарсани нарсага ўхшатишдан, воқеани воқеага ўхшатишга юксалиши муҳим ҳодиса эди. Сабки ҳиндийда шу жараён янада тараққий этди: энди ўхшатиш айтилмади-да, худди иккинчи мисолимиздагидек ўхшаш муштарак, муқобил воқеа-ҳодисалар бир байтда остинма-устун мисраларда тизилаверади. Чунончи, кишилар қадди букик мўйсафидни кўрганда беихтиёр: “Унинг умридан саноқли кунлар қолган” деб ўйлашар. Бедил кексаларнинг букилган қоматлари ўлим даракчиси эмас, деган фикрни – андишани биринчи мисрада айтади-ю, уни иккинчи мисрада: бир камон юзта ўқни тупроққа санчади, деб, бир букри мўйсафид ўлгунча юзта йигит оламдан ўтиши ҳам мумкин, дея огоҳлантиради.

*Қомати ҳамгаштаи пирон нишони марг нест,  
Як камон сад тирро бар хок пинҳон мекунад.  
Бир камон (кекса рамзи) сингунча, юзта ўқ  
(йигит рамзи) тупроққа санчилади.*

Ёки:

*Хобнокон мераманд аз огаҳи,  
Соя аз хуршед худро мекашад.*

Мазмуни:

*Ғафлат бандалари огоҳликдан чўчийдилар.  
Соя қуёшдан ўзини олиб қочаверади.*

Бедил бу байтда инсонга хос бўлган маърифатсизлик – китоб ўқимаслик фожиасини рамзий талқинда ифодалайди.

“Ҳазойин ул-маоний” ни синчиклаб ўқиган тадқиқотчи, форс адабиётидаги ана шу ўсиш босқичларининг асосий белгилари – беш-олти сабкларга хос бўлган хусусиятлар Навоий девонида борлигига амин бўлади.

Навоийнинг бадий ихтиро усуллари шу даражада тадқиқотчини лол қолдирадиги, у уларни изоҳлашда қийналади. Чунки бундай усулларни дунёдаги бирор бир киши қўлламаган. Чунончи қуйидаги икки байтни кўздан кечирайлик-да, айрим сўзларни синов учун қисқартирайлик:

*Тутулса биров ўғридур деб кучун  
Тутубон илик...*

Китобхон тухмат билан ўғри деб тутилган бечорага кўмаклашгиси келади. Навоий жоҳил кимсалар руҳияти тубанлиги, разолатини шундай фош этади:

*Тутулса биров ўғридур деб кучун  
Тутубон илик, лек кесмак учун (!)*

Одамлар у шўрликни қутқариш учун эмас, қўлини кесиш учун югурадилар.

Ўлум келса бир зори бедил сари  
Мадад айлабон...

Бир бечора ошиқ бошига қотил қилич кўтариб келса одамлар нима қиладилар? Ошиқни қутқариб, қотилни жиловлайдиларми? Ҳайхот:

*Ўлум келса бир зори бедил сори  
Мадад айлабон, лек қотил сари.*

Одамлар шўрлик ошиқни қутқармайдилар, аксинча қотилга ёрдам берадилар...

Ҳозирги замон ҳикояларидаги қутилмаган вазиятлар яратишдек санъатсимон усуллар Навоий шеъриятида анъанавий талқинлар билан уйғунликда яшайди. Биз бу усулни бошқа бирор шоир ижодида учратганимизча йўқ.

Бундай бадий ва маънавий кашфиётлар билан Навоийнинг шеърий ва насрий ижоди тўлиб ётибди. Фақат биз олимларнинг уларни ўқиб, уқиб, янгиликни кашф этиб, кўрсата олмоқ каби улкан бурчимиз бор.

Навоий туркий тилда ижод қилувчиларнинг тўла маънодаги Соҳибқирони, уларнинг бошқага алмаштириб бўлмайдиган хони, шаҳаншоҳи, сардори бўлиб қолди. Буни Алишер Навоийнинг ўзи яхши билар ва фахриясимон ушбу байтда бор ҳақиқатни айтиб қўйган эди:

Дедим: назм аҳлининг сархайли ким бўлғай?

Деди хотиф:

- Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.

“Наводир ун-ниҳоя”

Алишер Навоий санъатхонасига 60-йилларда Мақсуд Шайхзода “кириб чиққан”ларидан бери (“Шарқ юлдузи” журналидаги “Устоднинг санъатхонасида” туркум мақолаларини назарда тутамиз), Алибек Рустамов “Навоий бадий маҳорати”, Ёқубжон Исҳоқов “Навоий поэтикаси” номли китобларни ёзишган, қатор навоийшунослар шоир санъаткорлигига юзлаб мақолалар бағишлаган бўлсалар-да, бу соҳада йирик фундаментал тадқиқотлар яратишга эҳтиёж катта.

## “ХАМСА”НИНГ ПАНД-НАСИХАТ ДОСТОНИ

Алишер Навоий қаламига мансуб “Хамса”нинг илк достони “Ҳайрат ул-аброр” (Яхши кишиларнинг ҳайрати) замонамизнинг ижтимоий ҳаёти қомуси сифатида баҳоланадиган асардир. Агар киши “Хамса”да қўйилган умуминсоний муаммолар, ахлоқий-таълимий фикрлар мундарижаси, фалсафий мушоҳадалар дунёсини кузатмоқчи бўлса, биргина “Ҳайрат ул-аброр”ни ўқиш билан қифояланса ҳам бўлади. Бироқ Алишер Навоий ижодининг ҳар бир байти ўзига хос кашфиёт эканлиги, бу кашфиёт гоҳ тасвир усулида, гоҳ характер қиёфасида, гоҳ ахлоқий-фалсафий маъноларда, гоҳ ҳикматпарастликда эканлигини билган одам шоирнинг бутун ижодига берилиб кетса – тўғри қилади.

Гап шундаки, “Хамса”нинг қолган тўрт достонидаги асосий масалалар “Ҳайрат ул-аброр”да дастлабки ифодасини топгандир. Шу маънода “Хамса”нинг илк дафтари қолган барча дафтарлар учун мундарижалик вазифасини бажаради. Достон йигирма ҳайрат – мақолотдан иборат. Ҳар бир ҳайрат – мақолотда муаллиф бир ижтимоий ёки ахлоқий масалани тегишлича ўртага ташлаб, муҳокама қилиб олади ва бунинг исботини бир ҳикоя мисолида келтиради. “Ҳайрат ул-аброр”да мутафаккир Навоий сўз, кўнгил, инсон сурати ва сийрати, султонлар, шайхлар, адаб, қаноат, ҳаё, вафо, ишқ, ростлик, илм, қалам аҳллари, нафли одамлар, ўлим, жаҳолат, баҳор, йигитлик ҳақида батафсил мулоҳазалар юритади. Шу маънода биз “Ҳайрат ул-аброр”ни тафаккурнома ёки одобнома десак, тўғрироқ бўлади. Бироқ бу одобнома болалар учунгина эмас, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳамма касб, амал, фан, санъат кишилари учун ҳаётини дастурдир.

Одатда адабиётшунослар мумтоз адабиёт асарлари воқеалари ва образларини ўтмиш мулкига йўядилар. Йўқ, мумтоз сўз бугунги мулк, бугунги авлод учун маънавий бойликдир. Алишер Навоий ўз халқининг, бенаво улусининг навобахши эди.

Навосиз улуснинг навобахш бўл, деб чорлаган фидойи инсон, аввало, бу гапига ўзи амал қилган эди. Алишер Навоий ижоди: фикрлари, ижтимоий ва ахлоқий-фалсафий кашфиётлари бугунимиз учун сув ва ҳаводай зарурдир.

Достондаги ҳайратга сазовор буюк фикрлардан бири ҳаммамизга маълум бўлган:

*Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.*

байтидир. Бу байтни баъзилар ҳатто “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “достонда бу байт хато ёзилган, у қуйидагича бўлмоғи керак” деб даъво ҳам қилиб чиқдилар:

*Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ халқ ғами-ю дин ғами.*

Афсуски, аслиятга оид бу даъво мутлақо хатодир. Чунки мен кўплаб қўлёзмаларни ўқиб достон нухаси тўғрилигига амин бўлдим. Бунинг яна бир асоси шундаки, бу фикр ифода-сида Алишер Навоий Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг ўлмас “Гулистон” асаридаги ушбу байтдан илҳомлангандир:

*Ту к-аз меҳнати дигарон беғами,  
Нашояд, ки номат ниҳанд одами!*

Демак, дoston бўйлаб ўтадиган бу буюк фикр доирасида олийжаноб инсоний хислатлар тараннум этилиб, очкўзлик, манфаатпарастлик, қаллоблик, ёлғончилик, хунрезлик, беҳаёлик, амалпарастлик, иккиюзламачилик аёвсиз танқид қилинади.

Турғунлик йилларининг амалдаги шиорлари: “Ўзинг учун ўл етим”, “Ўзингни бил, ўзгани кўй” эди. Шунинг учун ҳам у йилларда Навоий тегишлича ташвиқ ва тарғиб этилмасди. Чунки Навоий ҳаёти ва ижодининг асосида бошқалар учун яшаш, ўзга манфаати учун курашиш, ўзгани бахтиёр қилишда ўз бахтини кўриш қоидаси туради. Иқтисодиёт масаласи шахсий манфаатпарастлик ўтида янада ёғ қуядими... деган хавфимиз йўқ эмас. Бироқ халқ ўзлигини, одам ўзини таниса, кишининг одамийлиги маълум бўлса, жамият ахлоқан ва маънан соғаяди.

Чунки ўзбек халқининг Алишер Навоийдай фарзанди бўлган...

Алишер Навоий кишининг сурат (ташқи кўриниши) ва сийратини (ички дунёси) чизар экан, буюк бир мўъжиза тимсоли қаршисида тургандай ҳайратларга чўмади. Энди яна шу мўъжиза фаолиятига келганда:

Инсон шоҳ қиёфасида минглаб кишиларни бахтиёр ҳам қила олади, минглаб кишиларни тигдан ҳам ўтказа олади. Инсон сиймосидаги ҳаёли инсонга фаришта-малакларнинг ҳасди келади; инсон шаклидаги разилдан шайтон ҳайратланади...

Муаллиф кишиларни шам ва найдай тўғри бўлишга чорлайди. Дарҳақиқат, тик шам ёниб тугагунига қадар одамларга ёруғлик сочади. Беихтиёр Алишер Навоий ўзбек халқининг шами эди, дегинг келади!

Хушнаво тўғри най-чи? Ўз куйи билан элни ҳам ингратади, ҳам яйратади. Навоий ҳам халқимиз учун мангулик найи эмасми?

“Ҳайрат ул-аброр”да кейинги икки дostonнинг бош қаҳрамонлари Баҳром ва Искандар ҳақида икки ҳикоя келтирилган. Навоий шоҳларнинг идеал образларини яратишга нима учун уринади? Чунки шоир: шоҳ хислати халқда ифодаланади, деб ишонади. Дарҳақиқат шундай: бизнинг раҳбарларимиз ва халқимиз ҳаёти буни юз марталаб исботлади!

Навоийнинг ёш замондоши Фахриддин Али Сафий Искандар ҳақида шундай латифа келтиради:

Бир киши Искандарга қараб:

– Сиз ер юзининг деярли ярмидан кўпини эгаллаб, шунча бойликларга эга бўлдингиз. Нега яна тинимсиз фотиҳлик билан машғулсиз?

Искандар жавоб берибди:

– Мавжуд нарсага қаноат қилиб ётиш тўрт оёқли ҳайвонларнинг ишидир.

“Ҳайрат ул-аброр”да инсон умрининг муваққатлиги, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақида фикр юритилар экан, қуйидаги ҳикоя келтирилади: Ҳам шоҳ, ҳам вали бўлган Искандар бутун ер юзини ўзига қаратиб олди. Етти қават осмон ҳукмронлиги унга муяссар, етти иқлим унга бўйсунган эди. У ўлим лаҳзаси муқаррарлигини сезиб, ўз яқинларига охирги васиятини изҳор этди:

– Мени кўмгани тобутга солиб кетаётганларингда тобутнинг бир томонини тешиб кўлимни чиқариб қўйинглар. Токи тобутим йўлда борар экан, кўлим бўш ҳолда ҳавода тебрансин. Кишилар тобутга назар солганда бўш кўлимни кўриб ибрат олсинлар. Билсин-

ларким, етти ўлка подшоси, энди жисмида жон йўқ, бу макондан бўш қўл билан кетмоқда. Кимки жаҳон мамлакати ва бойлигини ҳавас қилар экан, ушбу қўл унга етарли тажрибадир.

Алишер Навоий “Хамса”нинг бешинчи, энг йирик достонини Искандар саргузаштларига бағишлади. Искандар ўз юртидан ташқари юзлаб мамлакатларни озод қилиб, халқ додига етди. Бироқ у янги-янги ўлкаларни забт этгани сари унинг бу ишга ҳирси кучайди. Ўз қудрати ва шон-шавкати унинг кўзини пардалади. Ҳатто Навоий аёвсиз равишда Искандарнинг “димоғига йўл топти бими жунун” – унинг миясини ҳокимлик дағдағаси, телбалиги эгаллади дейди. Асар ниҳоясида “Ҳайрат ул-аброр”да келтирилган воқеа муфассал ҳикоя қилинади.

Илк достондаги бир ҳикоя “Садди Искандарий”да жуда кенг эпик планда ўзининг кўпқиррали талқинини топди.

Шоҳ Баҳром ҳақидаги ҳикоя ҳам худди шунга ўхшайди. “Хамса”нинг биринчи достондаги ҳикоя мазмуни: Яздижурд ўлиб, ўрнига тахтга чиққан Баҳром маишатга берилиб, кунларни маст-аласт ўтказа бошлади. Кишилар кўнглини овлаш ўрнига вақтини ов билан ўтказадиган бўлди. Кунларнинг бирида Баҳром овга бориб, йўлдошларидан айрилиб бир деҳқонникига ноилож меҳмон бўлади. Мезбон унинг олдида битта қотган нон билан бир коса сув қўяди...

Шоҳ уй эгасидан: “Фақирлик, муҳтожлик, ожизлик нимадан?” деб сўраганида, мезбон айтади: “Бурун аҳволимиз яхши эди. Зулм хароб қилди. Шоҳ халқининг аҳволидан беҳабар. Унга май ва куйдан бошқа нарса керак эмас. Унинг одамлари тамаъ оғзини очиб, мамлакатни ер билан тенг қилишди. Мана бу кўриб турган вайронангиз сарой эди ва унинг ёнида катта боғ бор эди. Икки тегирмон кориз сувидан ҳамма ёқ ободон эди. Кориз қуриди...”

Шоҳ бу гапларни эшитиб, гўё мастлигидан ҳушёр тортгандек бўлди. Баҳром кўнглида ҳозирги аҳволига тавба қилиб, энди эл ғамини ейишга бел боғлашни ният қилди.

Шу заҳоти кориздан шариллаб сув келди. Унинг шоҳлигини билмаган мезбон қувониб меҳмонга қараб:

– Шоҳимиз адолатни ният қилди шекилли, коризга сув келди... – деди.

“Сабъаи сайёр” достондаги бош қолипловчи сюжет Баҳром ва Дилором севгилари ҳақидаги қиссадир. Достонда Баҳром саргузаштлари ҳар томонлама баён этилади. Асар охирида шоҳлик ва Дилором васлидан маст Баҳром эл-халқни эсдан чиқаради. Юзлаб навкарлари билан жуда катта бир жойни халқга қилиб ўраб олиб, ов ҳайвонларини қира бошлайдилар. Қон дарё-дарё бўлиб оқади. Бу чўл қуриган ботқоқлик эди. Ёмғир бошланади. Қон ва ёмғир таъсирида ботқоқлик янгилашиб, Баҳром бошлиқ барчани ер ютади...

Мутафаккир шоир адолатсиз, оқибатсиз шоҳни ана шундай жазолайди...

“Ҳайрат ул-аброр”да илм, толиби илм ва олимлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилади. Илм фазилатлари хусусидаги ҳикоятда айтиладики, Имом Фахр Розий Хоразмга борганида шоҳ уни кўришга келмайди. Олим ҳам илмни хўрламайин деб шоҳ даргоҳига қулукқа бормайди. Бир куни имом ҳаммомга борганида Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам ҳаммомга киради. Улар кўришиб, шоҳ ундан қиёмат ҳақида, ундаги одамларнинг мартабаси ҳақида савол сўрайди. Олим жавоб беради:

- Қиёмат пайтида бизу сиз худди ҳаммомдагидек бўламиз. Сизнинг шоҳлигингизу, вазиру вузарою, лашкару аъёнларингиз бўлмайди. Аллоҳ даргоҳига бир банда сифатида борасиз. Мен эсам бошимда илмимни олиб бораман... Сизга унда шоҳликдан фойда йўқ, аммо илмимдан мен учун эзгуликлар бордир

Ҳикоядан сезилиб турибдики, Навоий илм ва олим мартабасини шоҳлик ва шоҳдан юқори қўймоқда...

Мазкур масала “Садди Искандарий” да жуда кенг миқёсда ишланган: Искандарнинг барча ютуқлари унинг атрофидаги олимларнинг илмлари, кашфиётлари туфайлидир.

Юқорида асар бўйлаб ўтадиган бош фикр кишиларга наф етказиш эканлигини қайд этган эдик. Асарнинг ўн учинчи боби булут сингари наф етказувчиларга бағишланган.

*Нафинг агар халққа бешак дурур,  
Балки бу наф ўзунгга қўпрак дурур.*

Мазмуни: Сенинг элга етказадиган фойданг қўп бўлса, билингки, сенга тегадиган наф бундан ҳам кўпроқдир.

Шунинг аксича:

*Улки зарар шевасини тавр этар,  
Элга демаки, ўзига жавр этар.*

Мазмуни: Кимки бошқаларга зарар етказишни одат қилса, бундан элга эмас, аввало ўзига жабр этган бўлади.

Алишер Навоий фикрича, кишилик орасида нодир сиймо – элга фойда етказувчидир:

*Чун сени Ҳақ нодирасон айлади,  
Даҳр элига нафрасон айлади.*

Мазмуни: Худо сени шундай нодир қилиб, дунёдаги одамларга наф келтирувчи қилиб яратди.

“Ҳайрат”нинг адабга бағишланган боби ўз долзарблиги билан диққатимизни тортади. Ота-она бурчи, тарбия тақозоси, ота-она хурмати... одоб кодекси юзасидан талқин этилади. Фарзандга ота-она тарбияси унинг ким бўлиб етилишида ҳал қилувчи омил бўлади.

*Қатрага чун тарбият этти садаф,  
Элга бошиға чиққуча топти шараф.*

Садаф томчини тарбиялагани учун, у гавҳарга айланиб шоҳ бошидаги тождан ўрин олди...

Ота-она тарбияси болага ана шундай зарурдир. Тарбия эса гоҳ юмшоқлик ва меҳр билан, гоҳ талабчанлик ва қатъийлик билан амалга оширилади...

Фарзанд ҳам ўз навбатида ота-она хурматини жойига қўйиши лозим. Эй фарзанд, ота-онага ҳар қанча улуғ хизматлар қилсанг ҳам кам деб ҳисоблагин! – деб уқтирган буюк ахлоқ отаси давом этади:

*Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.*

*Икки жаҳонингга тиларсен физо  
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.*

*Тун-кунунгга айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш...*

“Ҳайрат ул-аброр” достони ана шундай бебаҳо фикрлар, ҳикматлар, фалсаий мушоҳадалар, панд-насиҳатлар мажмуасидир. Чинакам оқил кишилар бу асарни ўқир эканлар, Алишер Навоий закосига, ўғит-насиҳатларига қулоқ солиб ҳайратларга чўмишлари аниқдир.

“Сирдарё ҳақиқати”, 1991 йил, 4 январь

### БУЮК МЕҲНАТНОМА

XX асрда Ўзбекистонда “Фарҳод ва Ширин” достони салкам саксон йил буюк меҳнат достони, бунёдкорлик қаҳрамонномаси сифатида талқин этилди. Фарҳод фавқулодда яратувчи тимсол сифатида ҳақли равишда улуғланади.

*Заруратким, солиб бир ўзгача тарҳ,  
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ –*

деб бу дostonни аламнома, машаққат дostonни сифатида ёза бошлаган Алишер Навоий дилининг балки бир чеккасидан ўша фикр ҳам ўтган бўлса не ажаб? Рост-да, китобхон асарга аввало зоҳиран, мазмунига кўра, ташқи кўринишига қараб баҳо беришга ўрганган, кўниккан.

Мен ушбу дostonни нашрга тайёрлаган, бир неча дастлабки бобларини насрий баён қилган, қайта-қайта нашрларида гоҳ махсус, гоҳ масъул муҳаррир сифатида хизмат қилган, қирқ йил олийгоҳда Навоийдан талабаларга таълим берган бир мутахассис сифатида “Фарҳод ва Ширин” дostonини том маънода одобнома, кенг маънода “Одамнома” деб номлагим келади. Қанийди, элимизнинг ҳар бир ёш вакили Фарҳод ва Ширинга хос бўлган одоб мактабида таълим олсалар эди. Асар бош қаҳрамонларидаги фавқулодда камтарлик, билим ва ҳунар ўрганишга бўлган мислсиз иштиёқ, чин муҳаббат, вафо ва садоқатда устуворлик ҳақиқий инсонийлик мактаби эмасми, ахир?

Одам дунёга келдими – Фарҳоддай тўлақонли инсон, меҳнаткаш, фидойи ошиқ ва умрини эл хизматига бахшида эта оладиган одам бўлсин...

\* \* \*

Асарга боқий дунё саодати талаби билан ёндашганимизда ҳам Фарҳод ўз ҳаётий саргузаштлари давомида тасаввуфнинг етти босқичини босиб ўтганини муаллиф баралла зикр этган. Фарҳод таржимаи ҳоли ва воқеалари гўё солики атворнинг талаб босқичидан бошлаб, маърифат, ҳайрат, ишқ, истиғно, тавҳид ва фикру фано босқичларида кечгандай таассурот қолдиради.

Фарҳод сиймосида ёшлиқдан барқ урган фазилатлар:

- Кучли ҳофиза, хотира:

*Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни  
Яна очмоқ ёўқ эрди ул варақни.*

– Ўта тиришқоқлик:

*Ҳам аввал кунда берди сарви гулҳад,  
Атоға ҳадяйи таълими абжад.*

– Уқувлилик, идроклилик:

*Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,  
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.*

– Раҳм-шафқатлилик:

*Киши кўнглик билиб афзор йиғлаб,  
Не кўзда ашк кўргач, зор йиғлаб.*

– Барча илмларни ўн ёшлигидаёқ эгаллаб бўлади:

*Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.*

Ўн бир ёшдан ҳарбий машқлар (камон отиш, қиличбозлик, гурзи уриш, найза санчиш, от суриш, шашпар уриш, ханжарбозлик)ни бошлайди.

– Камтарлик:

*Ҳамул илми баланд овоза бирла,  
Бу янглиғ зўри беандоза бирла.  
Ўзин абжад ўқур элдин тутуб кам,  
Дема донишки, зўри даст ила ҳам.*

– Тан, тил, дил поклиги:

*Демаким, кўнгли пок-у ҳам кўзи пок,  
Тили пок-у сўзи пок-у ўзи пок.*

- Бироқ камолга ета боргани сари унинг вужудида чуқур ҳазинлик сезила бошлайди:

*Эшитгач ишқ-у ошиқлик сурудин,  
Тия олмай кўзидин икки рудин.*

Хоқон фарзандини хушвақт қилиш учун ҳақимлар тавсиясига кўра тўрт фаслга рангу нақш-нигорлари уйғунлаштирилган тўрт қаср ва тўрт боғ қуришга буйруқ бериб, вазири Мулкоро (мамлакатни безовчи)ни ишбоши қилиб тайинлайди.

Қасрлар қурилиши тепасига келган Фарҳод қаср ва боғ бунёдкорлари касб-корига қизиқиб, астойдил тош кесиш ва тарашлаш сирларини устоз Қорандан, расм ва нақш солишни Монийдан, меъморликни Бонийдан ўрганади.

Кўплаб касб-ҳунарларга иштиёқ билан қизиқиш ва уларни мукамал ўрганиш Фарҳодга хос навбатдаги фазилатдир.

Унинг шунча ёшлик фазилатлари орасида муаллиф алқайдигани: Фарҳоднинг бошқаларга ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, ўзга ғамига шериклигидир.

Билишга қизиқиш ва сирли нарсалар жумбоғини ечишга саъй-ҳаракат унда умрбод сақланиб қолди. Отаси хазинасидаги биллур сандиқ ичидаги нарса сирини билишга иштиёқ ҳам шунинг натижасидир. Чунки унинг порлоқ ақлий мулоҳазасича: инсон қўли билан ясалган ҳар қандай нарсани одам тафаккур билан била олади:

*Деди: Ҳар ишки қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

Илм ва кашфит ҳамда билиш учун инсон минглаб чақирим масофани ҳам босиб ўтади. Бунинг учун у таҳликали хавф-хатарларга ҳам юзма-юз боради. Юнонистон сафари худди шундай йироқ масофа ва хатарлар тўла юриш эди. Суҳайло кўмаги ва Суқрот кўрсатмаларини мукамал бажариб, Фарҳод ва хоқон Чин мамлакатига қайтиб келдилар.

Фарҳод хазинага кириб, сирли сандиқдан ойнайи Искандарий – Искандар кўзгусини олиб, унга назар ташлайди... ва тоғда тош кесаётган йигит – ўзини ва мислсиз гўзал Ширин тимсолини кўриб... ҳушидан кетиб йиқилади.

Ҳақиқий муҳббат энди Фарҳодни ўзи билмаган, аввалгисидан ҳам азоб-укубатли сафар сари чорлайди. Денгиз сафари, довул туфайли юз берган ҳалокат, Фарҳодни бир парча тахта юзида сув бетиде йироқларга кетиб қолгани ва савдогарлар уни нажот кемасига чиқарганлари... Фарҳоднинг қароқ кемаларини ёндириб юборгани, Шопурдай чин дўст топгани ва ниҳоят Арманистонга боргани воқеаларида Фарҳоднинг метин иродали, камтар, халоскорининг халоскори бўлгани ва асл мақсад йўлида устуворлиги кузатилади.

У тоғда ариқ қазийётганлар аҳволини кўриб кўнглида раҳм-шафқат жўш уради:

*Ҳунарни асрабон неткумдур охир?  
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?*

дея Қорандан ўрганган усулда чўкич ясаб, ариқ қазийишга киришиб кетади. Бир кунда юз кишининг уч йиллик ишига тенг ариқ қазийди. Элга фидойилик даражасидаги меҳнатсеварлик Фарҳоднинг энг олийжаноб фазилати бўлиб кўринади. У бу машаққатли ишга бир неча ой сарфлаб ариқни қазиб бўлади, икки ҳовуз ва муҳташам қаср қуради...

Меҳинбону ва Ширин уни бир неча маротаба саройга чорлаб зиёфат берадилар. Саройдаги қирқин қизлар орасидаги ўн мислсиз олима қизларни Фарҳод саволлари довдиратиб кўяди.

Бироқ Фарҳодни доимо ўша камтар, оддий тошйўнар қиёфасида юрганига, китобхон ҳайрон қолади, албатта.

Фарҳод Ширинга бўлган севгисини яширишга қанчалик уринмасин, Ширин сингари бунинг иложини тополмайди: юзига кўзи тушгани заҳоти ҳушидан кетиб йиқилади.

Воқеалар майдонига Хусрав бошлиқ босқинчиларнинг кириб келиши тасвири Фарҳоднинг бошқа фазилатларини намойишга қўйгандай бўлади. Арманистон қўрғони соқчиси сифатида иккита таҳдид тоши билан Фарҳод Хусрав дубулғаси учигаги милини ва байроғи ойчасини уриб учиради.

Энди Фарҳоднинг қаҳрамонлик фазилати кўзга ташланади.

Ёвуз Хусрав ва маккор вазири Бузург Уммид қаллоб ҳийлагарни ёллаб, охири Фарҳодни ҳушсиз ҳолда қўлга туширишга эришадилар. У занжирбанд қилиниб Салосил қалъасига жўнатилади.

Фарҳод ва Хусрав савол-жавобларида ҳам Фарҳод фикрларининг ёруғ ва мантиқийлиги ҳамиша устун келаверади.

Муҳими: Фарҳодда ўлим қўркуви йўқ.

Хусрав ва Фарҳод диалоги камтар, идрокли, қўрқмас, адолатли, ошиқ Фарҳод сиймосини, зўравон, ҳавойи ошиқ, фикри мантиқсиз, айёр, инсофсиз, золим, босқинчи Хусрав қиёфасини жуда бўрттириб кўрсатади.

Фарҳод ва Шириннинг бир-бирларига ёзган мактублари бу икки тўлақонли, баркамол кишилар маънавий ички дунёсини ҳар томонлама очиб беради. Ширин хатидан унинг аёллик назокати, чексиз муҳаббати, сўнгги лаҳзагача севгисига содиқлиги, аммаси Меҳинбону ва халқ олдида ўзини гуноҳкор сезиш туйғуларигача барча-барчаси қизлик латофати ва пок ишқда садоқатининг ифодасидир.

Камтарлик ва ҳаё Ширин сиймосини нурлантириб туради. Малика Ширин Фарҳодни Сулаймон деб ўзини каниз қадрда кўрсатади:

*Агар Билқисдек ёри азизнинг –  
Бўла олман, ҳам ўлғаймен канизинг.  
... Чу билсам гарддин кўнглингда қайғу  
Ер узра ашкдин сепсам эди сув.*

Ишқ изтиробини ҳам изҳор этади:

*Агарчи бўлғоли ишқинг асири,  
Ўтар афлокдин оҳим нафири.*

Ёвуз ўз қилмишидан топади: ўз ўғли Шеруя отаси – Хусравни ўлдириб Ширинга ошиқлик даъвоси билан майдонга чиқади...

Чин мамлакатидан Мулкоронинг ўғли Баҳром лашкар тортиб келиб, Шеруянинг адабини беради, ундан Фарҳод хунини талаб қилади...

“Фарҳод ва Ширин” достони эзгу тимсолларнинг олийжанобликлари туфайли олти асрдирки китобхонлар меҳр-муҳаббатини қозониб келади.

## МАЖНУНЛИК – ИЖТИМОЙ ФОЖИА

Биз, ўзбекларинг “Тоҳир ва Зухра” ишқий достонини эслатувчи “Лайли ва Мажнун” достони араб қабилаларидан бирида ўтган тарихий шахс – шоир Қайс таржимаи ҳоли асосида яратилгандир. Бу сюжетда Шарқда турли тилларда юздан ортиқ достонлар битилган.

Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавийнинг “Лайли ва Мажнун” муҳаббатномаларига татаббуъ тарзида ёзилган Алишер Навоий достони мазмунан жозибали ва дилўртовчи, кўз ёшларини дарё қилувчи ишқий-фожиавий асардир.

Ёш Қайс қўшни қабилада Лайлилар хонадонидаги мактабга қатнаб, Лайлини севиб қолади. Илк севгининг изтиробли тун ва кунлари ҳар иккала ёш қалбларни не куйларга солмайди дейсиз: Лайли қизлик назокати туфайли ичдан ёниб, тутунини ташқарига чиқаролмайди. Айниқса, Қайсдаги улкан ишқ туғёни унинг бутун инон-ихтиёрини эгаллаб олади: туши ва ўнгида оғзидан Лайли исми тушмайди. Ёзгани Лайли номи, такрорлагани Лайли исми бўлиб қоади. Унинг намунали одоби ва икки қабила аҳлларининг Қайсни ҳурмат қилишларига қарамай, Лайлининг отаси эл орасида ихтиёри қўлдан кетаёзган, Мажнун тарзида танилаётган йигитчага раҳм-шафқат қилмай, отасига ўғлини занжирбанд этиш талаби билан дағдаға қилаи... Кишанбанд қилинган Мажнун бир куни занжирни узиб чўл-биёбонларга қочиб кетади.

Ота-она Қайсни ҳалокатдан қутқарувчи охирги умидларини – Каъба зиёратидан кутадилар. Қайс Каъба эшиги занжирини тутиб, Аллоҳга “Муҳаббатимни кучайтир” дея илтижо қилади:

*Лайли ишқин танимда жон қил,  
Лайли шавқин рагимда қон қил.*

*Дардини нажотим эт, Илоҳо!  
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳо!*

Ушбу ошиқ ва маъшуқаларнинг ғамли қисматидан ов пайтида воқиф бўлган Навфал ҳрбий куч ишлатиб бўлса ҳам (аввал таомилга кўра совчилар жўнатиб, ёшлар фожиасини олдини оқилона олиш лозимлигини айтган ва рад этилган эди) Мажнунга Лайлини олиб бермоқчи бўлади... Жанг Мажнун талаби билан тўхтатилгач, Навфал унга ўз қизини бериб, Мажнунни бахтиёр этмоқчи бўлади. Тўй кечаси қиз Мажнунга ўз севгилиси борлигини айтади...

Ибн Салом исмли бадавлат йигит Лайлига совчи қўйиб, тўй бўлади. Йигит тўй кечаси қаттиқ оғриб, ўзини билмай қолади...

Мажнун чўлга чиқиб кетиб, Лайли билан учрашади...

*Икки гуҳар ўрни бўлди бир дурж,  
Икки қуёш авжи бўлди бир бурж.  
Бир соғар аро тушуб ики мул,  
Бир ғунча аро бутуб ики гул...*

Ҳал бўлмас фожей қисмат зарбаларига чидаёлмай бирин-кетин Мажнуннинг ота-онаси, сўнг Лайли вафот этадилар. Мажнун ҳам ҳалок бўлади. Лайли васиятига кўра Мажнун ва Лайли бир тобут ва бир қабрга қўйиладилар...

Мен “Лайли ва Мажнун” достонини қисман насрий баён қилиб, уч-тўрт маротаба достон нашрига таҳрир қаламини уриб, талабаларга бу достонни ҳикоя ва таҳлил қилиб Мажнунлик тушунчасининг икки хил моҳиятини англаб етдим.

Биринчиси зоҳирий мажнунлик – чин муҳаббатда шахснинг ўзлигини, эс-хушини йўқотиш даражасига етиши. Буни тасаввуф талқинида охириги камолот босқичларидан бир – тавҳид деб талқин қиламиз.

Бу сулукнинг шундай даражасини, дарвеш оламини бир олий бутунлик – Аллоҳдангина иборат деган хулосага келади. Оламда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Кўриниб, билиниб, ҳис этилиб турган жонли ва жонсиз барча мавжудотлар Аллоҳнинг зарралари, зухуротидир. Шунинг учун Мажнундан Лайли қани деб сўрасангиз ўзини кўрсатадиган даражага етган:

*Ишқ ўртади ул сифат вужудум,  
Ким бўлди нобуд барча будум.*

Бу ҳолатни зоҳирбинлар – ташқаридан кузатувчи суратбинлар табиий жиннилик деб баҳолайдилар.

Ҳолбуки, бу “табиий жиннилик” камолотини ботинан тасаввур этган сийрат аҳли ғўр. Қайснинг ишқда тажрижан Мажнунлик камолига етишига ҳавас қиладилар. Бу – улуғ ижобий ҳодиса. Инсоннинг ошиқликда ошиқлар шоҳи олий даражасига етишидир.

Иккинчи бир мажнунлик ёки жиннилик ҳам борки, бу жиннилик: мол-дунёпарастлик, сохта обрў-эътиборпарастлик, ўзини бошқалардан ҳар томонлама устун қўйиш учун ўлиб-тирилиш, бидъатда шаклланган зодагонпарастлик, улуғворлик, зўравонликдир. Буларнинг қаршисида ишқдай улуғвор, пок ҳиссиёт, фарзанд меҳри, ўзгалар фарзандлари қисмати – уч пулча қимматга эга эмас.

Бундай кишилар Лайлининг отаси тимсолида ўз бидъат ва жоҳилликлари манбаини сақлаб қолиш пайида қизлари қонига пичоқларини бўяшга ҳам шай турадилар:

*Ким тонгла бу ойни ҳозир айлай,  
Бир дамда ишини охир айлай.  
Ўз игнасида тикай либосин,  
Ханжар суйидин эзай ҳиносин.*

Матндаги ой – Лайли, сўзлаётган киши – унинг отасидир.

Менимча, мана шундай тимсолларни эл нафратига сазовор жинни деса бўлади. Чунки бу гуруҳ вакиллари ижтимоий фожиаларнинг асл сабабчилари, бош гуноҳкорларидирлар.

Бошқача айтсак, Лайли отасининг инсофли, ғамхўр оқиллар маслаҳатига қулоқ солмай қайсарларча бўйин йўғонлик қилиши ўзи ва яна бир қабила бошлиғини бутун оиласи билан фожиалар гирдобига йўллади: Қайснинг ота-онаси фарзандлари қисмати доғида адойи тамом бўлиб, оламдан армон билан ўтдилар. Лайли ва Қайс ҳалок бўлишди...Фожиа устига фожиа тизилаверади. Лайлининг мустабид отаси ҳам бу қисмат қуюнидан омон қолмаяжак, албатта.

Мажнунликни ижтимоий фожиа деганда мен ана шу иккинчи – таомилпарастлик, ёлғондакам – сунъий обрў-эътиборпарастлик, бидъат ва хурофотпарастлик мажнунлигини назарда тутмоқдаман.

Чунки инсоният ибтидоий тузумдан кейинги бир неча тузумлар ва тамаддунга эришибдики, ўз бошидан кечирадиган фожиа, азоб-укубатларга кўпроқ ана шу: одамларни бир-биридан паст-у баланд кўйиб айирадиган бидъатлар боисдир.

Менимча, ўрта улуғ ёшдаги – жамоат иқлимини белгилайдиган кишиларнинг мол-дунёпарастлиги, даража ва амалпарастлиги, оқилона бўлмаган таомил ва урфпарастлиги кўплаб ёшларимизнинг яхши оила эгаси бўлишларига аввал тўғаноқ бўлади, сўнгра тузилган оилани барбод этади.

Минг таассуфки, кўпинча ижтимоий муносабатлар негизи бўлиб кўринадиган ушбу жинниликлардан – мажнунликдан жамият ҳали яна ўнлаб асрлар қутулолмаса керак. Чунки улуғ ёшдаги кишиларга хос бўлган консерватизм (эски тартибларга муккасидан кетиш) бу мажнунликни қўллаб-қувватлаб турадиган руҳий омилдир...

Ушбу мажнунликни даволаш учун маънавият ва маърифат жонбозларининг мунтазам машаққатли маърифий меҳнатлари ва диний арбобларимизнинг қўллаб-қувватлашлари тақозо этилади.

### **ЖОЗИБАЛИ ВА ФОЖИАЛИ САРГУЗАШТЛАР ДОСТОНИ (ЁКИ ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВ)**

“Сабъаи сайёр” илмда саргузашт дoston истилоҳида машҳурдир. Аслида бу асардаги Баҳром ва Дилором ишқий-фожеий саргузаштлари ифодаланган қолипловчи воқеанинг ўзини ҳам, ана шу сюжет чизиғига тизилган етти саргузашт ҳикоянинг ҳар бирини ҳам биттадан дoston дейиш мумкин. Ана шу маънода саккиз ихчам дostonлар жозибали ва таҳликали саргузаштлардир.

Аслида жозоба уларнинг барчасига хос бадиий фазилатдир. Фожиалилик ва таҳликаликка келсак, энди буни чуқурроқ мулоҳаза қилиб, уни барча ярамас қилмишлар натижаси, дейишга тўғри келади. Бунга Баҳром ва Дилором қиссаси, Масъуд саргузаштлари, ростгўй Муқбил ва очкўз Мудбир ҳикоялари чинакам далиллардир.

“Ҳайрат ул-аброр» дostonида Баҳром подшоҳнинг овда юриб, адашиб, қорни очиб, бир боғбон уйида меҳмон бўлгани; уй эгаси меҳмон олдига нон ва сувгина қўя олгани; бу қашшоқлик боиси ммезбондан сўралганда, унинг замон подшоҳи айш-ишратпарастлиги туфайли, эл аҳволдан ғофиллиги учун боғи қуриб, аҳволи харобалашганини эшитади. Баҳром ҳой-ҳаваслар, ишратпарастликлари туфайли эл хонавайрон бўлгани хусусидаги ҳақиқатни англайди ва кўнглида тавба фикрини кечиради... Боғбон қоризига тўсатдан сув келиб қолади.

“Сабаъи сайёр”нинг асосий ҳикояси – Баҳром ва Дилором саргузаштлари, воқеалари силсиласидан иборат. Мадойинни пойтахт қилган Яздигурд вафот этиб, ўғли Баҳром тахтга чиқади. Отаси золимликлари оқибатини ўғли бартараф этишга киришади:

*Ҳар не ул бузди, бу барин тузди,  
Бу барин тузди, ҳар не ул бузди.*

Бироқ кўп ўтмай ёшлик айш-ишратпарастлиги, чин гўзали Дилоромга ошиқу шайдолик Баҳром шахси ва фаолиятини издан чиқаради: У эл ғамини, шоҳлик сиёсати ва адолатини унутиб қўяди. Саройда уззу-кун Дилоромнинг куй ва қўшиқларини тинглаб, айш-ишратга машғул; чўлда, овда Дилором ёнида, қуш ва ҳайвонлар ови, кабобхўрлик ва майхўрлик...

Бадмастлик туфайли Дилоромнинг Баҳром мерганлиги хусусидаги жўяли фикри (бу ютуқлар муттасил машқ натижасидир – дегани, яъни шоҳнинг чавандозлигини мақтамагани) – Баҳромга ёмон таъсир қилади. Бирдан шоҳлик кудрати ва май бадмастлиги касри туфайли Баҳромнинг канизига нисбатан меҳри - қаҳр-ғазабга айланади ва Дилоромни қатлга хукм этади. Қизнинг қўл-оёқларини чамбарчас боғлаб, чўлга ташлаб кетадилар.

Эртаси хушёр тортган Баҳром ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, кучли севги ва иштиёқ таъсирида уйқусизликка мубтало бўлади, телбанамо бўлиб қолади. Ниҳоят, орадан анча муддат ўтиб еттинчи ҳикоя қаҳрамони – Кофур Дилоромнинг саргузаштларини Баҳромга сўзлаб беради. Баҳром яна Дилоромни топиб, аввалги – саройдаги айш-ишрат ва чўлдаги ов такрорланаверади.

“Ҳайрат ул-аброр” даги воқеа Баҳромнинг хушёр тортиши бу дostonда йўқ. Демак, у айш-ишрат ва бадмастликдан ҳеч-ҳеч ўзига келолмади – хушёр тортмади.

“Сабаъи сайёр” ниҳоясидаги воқеа шундай кечади: Баҳром бир куни мингга яқин одамлари билан чарга (ов майдонини халқа қилиб қуршаб олиш) овига чиқади. Бу чўл илгари ботқоқлик бўлган экан. Отилган ҳисобсиз ҳайвонлар қони ва ногаҳоний кучли ёмғирдан ботқоқлик янгиланиб, Баҳром, Дилором ва овчиларнинг барчаси бу ботқоқликка чўкиб кетадилар.

Демак адолатсиз, яъни эл-юрт аҳволидан беҳабар – ого бўлмаган шоҳ ўзини ҳам, халқини ҳам ҳалокат қаърига ташлайди, деган фожеий хулоса ана шу воқеадан келиб чиқади.

Ўз вазифасидан доимий ғофиллик, ҳамиша огоҳ бўлмаслик тузатиб бўлмас ҳалокат гирдобни эканки, бунга мубталоликда шоҳу гадо баравардир.

Ўз феъл-атворидан – ёмон хулқидан огоҳ бўлмаслик якка шахсларни ҳам ана шундай оқибатларга олиб келади. Муқбил ва Мудбир ҳикоясида Мудбир йўлдош сифатида ҳам яроқсиз: айтган гапи шикоятношукурликдан иборат; ёлғончилигидан ўз ғофиллиги туфайли йўлда бир неча маротаба панд ейди – яна сергак тортмайди, охири очкўзлиги тантана қилиб сандал ёғочи тўла эгасиз кемани эгасиман деб даъво қилади, содиқ йўлдошини бошқа мамлакат шоҳига “қулим” дейди... ва ёлғончилиги туфайли қорни тарс ёрилиб, вафот этади.

Ана шу Мудбир қисмати шахсий ярамас феъл-атворидан воқиф бўлмаслик фожиасидирки, бундай ўз тубан хулқидан огоҳ бўлмаслик башариятнинг анча катта қисмига ҳали ҳам хосдир.

Қисман ва тасодифий огоҳсизлик – сергак бўлмаслик, эҳтиёткорликни салгина эздан чиқаришлар ҳам фожиалидир, деган хулосани биз асардаги саккиз ҳикоянинг деярли ҳар бир қаҳрамони қисматида кузатамиз. Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги машҳур ҳикоя персонажларидан бири – Беҳиштсаро шахрининг подшоси – Меҳрнинг отаси Навдар қизини озод этиш учун қуруқликдан лашкар тортади. Ўрмонда тасодифан йўлиққан кийикни қувиб, лашкардан ажралиб, ёлғиз ҳолатда ёвга асир тушади...

Тўртинчи иқлимдан келган мусофир ҳикоясидаги жўмард Масъуд озгина эҳтиётсизлик, одамга ўта ишонувчанлиги учун манфур Жайпур тузоғига тушиб, даҳшатли қийноқларга мубтало бўлади. Ҳар қалай унинг эзгуликдаги шуҳратини эшитган рақибининг қизи Масъуд жонига ора киради...

Алишер Навоий ғофил бандалар – ўз феъл-атворидан огоҳ бўлмаганлар қисматининг фожеийлигини намоийш этар экан, китобхонга сеҳрли кўзгу тутуди: огоҳ бўл бундай қисмат Сенинг бошингга тушмасин! Икки жаҳон саодатини ўйла, калтабин, ёвуз бўлма! – деяётгандек бўлади.

Ҳасад, очкўзлик, роҳатпарастлик, мол-дунёпарастлик, ёлғончилик, зўравонлик, қароқчилик, номардлик, ношукурлик, қаноатни билмаслик, эл ғамини емаслик, шафқатсизлик, бировни қийнаб роҳат қилиш, ўзганинг бахтсизлиги эвазига ўзига бахт тилаш, айш-ишратга бандалик, текинхўрлик сингари барча-барча манфурликлардан мутафаккир шоиримиз китобхонни огоҳликка чорлайди.

Ёмон феъл-атвор бандаларига қарама-қарши турувчи ижобий қаҳрамонлар ҳам “Сабаъи сайёр” ҳикоятларида мавжуддир.

Саховат, қўли очикликда машҳур бўлган Масъуд ва Ахий шулар жумласидандир. Улар эл дуоси ва олқишига сазовор бой-бадавлат одамлар. Улар муҳтожнинг кимлигидан қатъи назар хизмат, мол-дунёларини аямай сарфлаб одамлар кўнгилларини оладилар, қоронғи қисматларини нурафшон қилдилар. Шулар ҳам қалтис фожиаларига гирифтор бўсалар-да, шахсларидаги туғма одамийлик ва саховат туфайли асл бахтиёр кунларга ноил бўладилар.

Муқбил – оддий художўй, яхши йўлдош, сафар азобу роҳатларига бир хил қарайдиган, яхши-ёмондан ўз яхши сўзини аямайдиган, шукроналик билан яшайди одам – сафари сўнгида Ховар диёри подшосининг азиз меҳмони, сўнгра вазири ва куёви бўлди...

Китохон “Сабаъи сайёр” достонининг сюжет жиҳатидан жозибалилик ва тимсоли масаласида мураккабликка румлик Зайд Заҳҳоб қисматида дуч келади. Зайд Заҳҳобни ҳозирги замон жаҳон адабиёти қаҳрамонларига ҳам, ҳаётини кишиларига ҳам яқин ўхшашлиги, муштараклиги бор.

У ўта истеъдодли муҳандис ва ҳозик табиб, айни пайтда ғоят тадбиркор, очкўз ва муттаҳам тимсол. Рум мамлакати подшоҳи ўз суҳбатдоши, ҳунарманд Зайд Заҳҳобга олтиндан тахт ясаш учун икки минг ботмон олтин беради. Истеъдодли муҳандис пиллапоялари ўта ҳаракатланувчи (эскалаторсимон) тахт ясайди. Иккита тўтига табрик сўзларини ўргатиб, тахтнинг икки томонига қўндиради. Тахтни кумушдан ясаб, олтин қоплама билан безайди. Сири очилиб, зиндонга тушгач, ичмасдан сувни тежаб, зиндонда пичоқ билан тупроқдан зинапоялар қилиб, қочиб қутулади. Кемада фаранг мамлакатига тушиб, бутхонага боради: тез орада уларнинг тиллари, динларини ўрганиб содиқ художўй сифатида кўзга ташланади. Барча олтин бутларни эритиб, Рум подшоҳи тахтидек зарҳалли бутларни ясаб, олтинларни соҳилдаги ғорга ташийди... Ва кунларнинг бирида бутхона мутасаддиларининг совға-саломларини олиб, олтинларини кемага солиб ўз юртига қайтиб келади. Зайд Заҳҳоб касали хуруж қилган Рум подшоҳини даволаб, заргар сирини очган муҳолифларини жазолашга эришади.

Унинг фаолиятининг ҳар бир қадамидаги қаллоблик тантанасини китобхон кузата олади...

Бир тимсолда буюк истеъдод, юксак даражадаги ҳунармандлик, муҳандислик, кўп тил ўрганиш қобилияти, табобатдаги моҳирлик ва айни пайтда мислсиз очкўзлик, қаллоблик ва муттаҳамлик хислатларининг намоён бўлиши аслида табиий ва ғоят ҳаётийдир.

Алишер Навоий Зайд Заҳҳобни орзубоп қаҳрамон демоқчими? Йўқ. Китобхонга Аллоҳ яратган хислатлардан икки олам саодати учун кераклисини танлагин, демоқчи бўлади, холос.

Зеро, муҳандислиги ва табиблиги учун Зайд Заҳҳоб – подшоҳнинг азиз суҳбатдоши эди, қаллоблиги ва очкўзлиги учун – зиндонга тушди. Мана танланг. Қандай бўлмоқ керак?

Демак, “Сабъаи сайёр” достонидаги саккиз ҳикоя, улардаги қаҳрамонларнинг қисматлари якуни китобхонни ҳаётга идрокли назар ташлашни талаб қилувчи даъватлар, чорловлар экан...

## ИСКАНДАР ҲИКМАТНОМАСИ

Китобхонлар икки хил бўладилар, деган фикрни “Садди Искандарий” достони ўқувчиларига нисбатан қўллаш мумкин. Негаки ёшлар бу китобдан Искандарнинг ҳарбий юришлари, таҳликали жанглари, Хитойгача бўлган саргузаштлари ва сеҳру жодуни маҳв этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Меҳрнос ва Равшанак билан алоқадор муҳаббату рашк изтироблари, пўртаналарга тўла денгиз саёҳатлари лавҳаларини берилиб ўқийдилар. Ҳа, бу ҳам ўзига хос бир мактаб.

Тажрибали китобхонлар, олимлар эса сюжет ва композиция, воқелик ва бадиий тўқима деб таҳлил этадиган дoston матнидан кўпроқ ҳаётий ҳикмат: умр ва умрий фаолият моҳиятига оид фалсафий, ахлоқий кашфиётларни ҳам бирма-бир идрок этишга ҳаракат қилдилар.

Дарҳақиқат, Низомий Ганжавий ҳам “Искандарнома” достонини бежиз “Иқболнома” ва “Шарафнома” таркибларида яратмаган, Абдураҳмон Жомий ўз достонини сабабсиз “Хирадномаи Искандарий” (Искандар ақлномаси) деб атамаган...

Алишер Навоий ҳам Искандар ҳақидаги достонини ҳажман дастлабки тўрт дostonдан жуда йириклаштиришга бежиз уринмаган. Чунки бу асар қайд этилган икки хил китобхонларни тўла-тўқис қониқтирадиган дostonдир.

Бир қарасангиз воқеа-ҳодисаларнинг композицион бурамалилигига асосланган саргузаштлар жозибаси кўзингизни олади, оқилона мушоҳадалар билан ёнлашсангиз ҳаётий янги-янги ҳикматлар хизинасига кириб мутафаккир даҳо билан юракдан сирлашасиз.

Ана шу кейинги маънода мен “Садди Искандарий” достонини Алишер Навоий Искандар ҳикматномаси – ҳикматлар шодалари тарзида яратган, деган бўлардим.

Македониялик Искандар бу асарнинг бош қаҳрамони учун номигагина прототипдир, холос. Бу Шарқ мутафаккирлари ақл-зақоси билан яратилган орзубон шоҳ тимсоли, халокор, нажоткор одил ҳикматпараст ҳукмдор сиймосидир.

“Хамса”да бирмунча шаҳарларга Искандар асос қўйганини Навоий қайд этади. Бу фикр балки тарихий ҳақиқатга қисмангина мос келар. Муаллиф мақсади будий ҳақиқатга қаратилган ва замон шоҳларига бунёдкор Искандар тимсоли намуна сифатида кўрсатилгандир.

Искандарнинг ёшлиги ҳам намуна, Доро билан муносабатлари ҳам намуна (зўравон шоҳни зако ва адолат билан енгиш), давлат ишларига тўрт юз олимни жалб этгани билан ҳам намуна, жангда хиёнаткорларга суянмаслик, мардона жанг қилиш билан ҳам намуна. Шунчалик улуғворлик ва тафаккур эгаси бўлиб туриб, қабристондан суяк кўтариб келган киши ақлига тан бериши ва уни мамлакатни бошқаришга таклиф қилиши ҳам намуна; Чин хоқони элчи қиёфасида келиб мақсадини изҳор этганида Искандар уни таниб қилмишига

қойил бўлгани ва уни ота, ўзини ўғил дегани ҳам намуна, Яъжужлар қирғин солаётган Қирвон мамлакати халқини ёвуз кучлардан сақлай оладиган тўсиқ – юксак девор қурдиргани намуна; дунёнинг ярмини олган Искандарнинг ҳарами зийнати икки аёл – Доронинг қизи Равшанак ва гўзал Меҳрнос, яъни ўша замон шоҳлари каби ҳарам тутмагани билан ҳам намуна; ер юзини қадам-бақадам ўлчатмоқ, белгили жойларга карвонсаройлар ва сардобалар қурдирмоқ, денгиз остига тушиб уни ўрганмоқ, қуруқлик ва сув юзасини ўлчатмоқ – илм тараққиётига улкан ҳисса қўшмоқ билан намуна, ўлими олдидан мулозимларига тобутдан бир қўлини чиқариб қўйиш васияти билан намуна. Онасига мактуб битиб ўз умрини беҳудага совургани иқрорлари – намуна...

Шунинг учун ҳам биз Искандарлар достонида босқинчи Александрни, қаттол Александрни кўрмаймиз. Йўқ, бу бошқа одам, бу бошқа – буюк тимсол!

“Садди Искандарий” мавзулари ва ғоялари мислсиз-миқёссиз даражада кенг асар. Буни ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий дoston дейиш мумкин; Бунда қўйилмаган масала, айтилмаган ғоя йўқдай. Минг бир ғоя, минг бир мавзу... Асар маснавий бўлса-да, ора-сира, деярли ҳар бир бор ора ҳикоятлар, Искандарнинг олимлар билан савол-жавоблари, ҳикмат ва тамсиллар кўплиги кишини ҳайратга солади. Асарга мутлақо дахли бўлмагандай сув излаган балиқлар ҳикоятида тасаввуфнинг бош масаласи – Олам Аллоҳдан иборат, ақлсиз ва кўрларгина уни ташқаридан излайдилар деган фикр уқтирилган. Кабутар ҳикоясида эрк, шахсий эрк тараннум этилган ва ҳоказо... Ҳатто муҳаббат мавзуси ҳам нафақат Искандар ва Равшанак Меҳрнослар муносабатларида ифодаланиб қўя қолинган. Биргина Мажнун ва Лайли ҳақида дostonда икки ҳикоят келтирилган. Адолат масаласида Султон Маҳмуд ва ўғли Масъуд хусусидаги ҳикоят ҳам жозибали чиққан. Ростгўйлик ва ёлғончилик ҳақида ёлғончи чўпон фожиаси воқеаси берилган (бу масала “Ҳайратул-аброр”да ҳам кенг муҳокама қилинган ва бир бадий лавҳа – шер билан дуррож ҳикояти билан муҳрланган эди...)

Ноқис толиб йигит ва пири комил ҳақидаги ҳикоятда умрини беҳуда кечирган ёш йигит фожиаси ва ўринсиз афсуси ифодалаб берилганидек, дostonда ҳатто меҳмон ва меҳмоннавозлик расм-русумлари устида ҳам сўз боради. Хуросонлик икки йигит ҳикоятида эса, биринчиси уй-жойидан кўнгил узолмай фақирона турмушга кўникади, иккинчиси жасорат билан сафар ихтиёр этади ва юртма-юрт кезиб, Юнонистонгача боради ва моҳир табиб бўлиб етишади. Ҳинд шоҳининг кўр кўзини очиб, қизига уйланади ва кўп ўтмай шоҳ ўлгач, у тахтга чиқади... Демак, бахту давлат оқилона ҳиммат ва жасоратга боғлиқ экан...

Ардашер ва Ардавон мухолафати ҳикояти ҳам ҳарбий тадбиркорлик нуқтаи назаридан қизиқарли ҳикоядир. Ардашер ва Ардавон жангга киришишлари лозим. Ардавон кучли-ва лашкари кўп. Тадбирли Ардашер ўз саройида сотқин борлигини билади-да, муҳим кенгаш чақириб, сир тарзида қуйидаги маълумотларни айтади: “Менга Ардавон лашкаридан ишончли кишилар келиб, эртага жанг майдонида фалончи-фалончи баҳодирлар Ардавон бошини кесиб келтиражакларини айтишди” дейди. Сотқин бу хабарни Ардавонга етказиши билан, у шоша-пиша Ардашер билан сулҳ тузади...

Баҳром Гўр ҳақидаги ҳикоят ҳам меҳмоннавозлик ҳақидаги қизиқарли воқеа-бадиа бўлиб, оч меҳмонни уйда бўлган тайёр таом билан тез таъминлаш одоби қайд этилган...

Машриқдан хазина топган кишининг мағрибдаги хазина жойини ҳам билиб олиб, қаноатсизлик қилиб Мағрибга жўнатгани ва ҳалокатга йўлиққани ҳикоя қилинади. Демак, бахтиёр инсонга қаноат ва кўзитўқлик ҳам керак. Жаҳонгирлик – асосан ижобий турзда

ифодаланган ушбу дostonларда босқинчилик оқибати ва мустабид шоҳлик нуқсонлари ҳақида ҳам сўз боради.

*Шоҳким мулк очарни қилса насақ,  
Юз туман қон тўқар бари ноҳқ –*

деган фикрни “САбъаи сайёр”да Навоий бекорга айтмаган эди. “Шоҳ бошқа юртларни босиб олишни ўзига одат қилиб олса, миллионлаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилади” дейиш ўша даврдаги улуғ фикрий кашфиёт, жангни рад этиш баённомаси эди.

Улуғ фотиҳлик шоҳ феъл-атворини ўзгартириши ҳам мумкин. Искандардай шоҳ ҳам бундай нуқсондан холи эмас. У кўп мамлакатларда забт этгач, бошқа –қадами етажак юртлар шоҳларига ёзган мактубларида “тобутимға келиб оёғимни ўп” деган гапларни айтишдан ийманмайди. Шунинг учун Навоий Искандарнинг бундай ҳолатини тасвирлар экан, “Димоғига юзланди бийми жунун” – унинг кўнглига телбалик васваса сола бошлади” дейишгача боради...

Мазкур маснавийнинг кўп мавзулилиги ва кўп ғоялилиги “Ҳайрат ул-аброр”ни эслтади. Ҳатто айрим воқеалар, ҳикоятларга такроран дуч келгандай бўламиз (чунончи биринчи дostonдаги икки вафодор дўст ҳикояти ва бешинчи дostonдаги айнан Чингизхон уруши давридаги ўлимга гирифтор икки кишининг бир-бирига фидойилиги туфайли жанг қирғинбаротнинг тўхтатилгани). Икки ҳикоятдаги фарқ: биринчиси Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришида рўй бергани, иккинчиси Чингизхон юришида содир бўлгани, холос. Искандар дostonида бу икки буюк жаҳонгир юришлари бежиз эслатилаётгани йўқ. Чунки Навоий қайд этганидек, ҳар қандай узоқ ҳарбий ҳаракатлар юз минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлажак.

Навоий назарида энг буюк ишлар, умумбашарий муаммолар фақат шоҳлар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун барча ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий, маиший, дипломатик, маърифий-маънавий муаммолар ана шу дostonда бутун кенглиги билан қўйилаверган ва ҳал қилинаверган. Агар биз бу дoston мазмунини Искандар юришларидан иборат, деб айтсак, тор фикр юритган ва дoston ёзишдан муаллифларнинг бош мақсади нима эканлигини тегишлича инобатга олмаган бўлар эдик. Хуллас, Искандар ҳақидаги дoston мундарижасида шоҳнинг хизмат тасарруфига бевосита ва билвосита дахлдор барча масалалар ўз инъикосини топгандир.

“Садди Искандарий”ни ҳикматнома деб бежиз уқтирмадик. Агар Навоий ҳикматларини бу дostonдан йиғмоқчи бўлсак, бир тўплам яратиш ҳеч гап эмас. Чунончи:

*Киши ҳанзал экса, аччиғ бар топар,  
Ва гар найшакар эка – шаккар топар.  
Ки ҳар ким ан этса яхши қилиғ,  
Етар яхшилиқдин анга яхшилиғ.  
Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ямон,  
Кўрар ҳам неким зоҳир этти – ҳамон.  
Навоий, висол одами комидур.  
Ҳаёти абад – васл айёмидур.  
Не шуш дебдур ул дардманди фироқ*

*Ки: “Оз бахт – кўп ҳусндин яхшироқ”.  
Қадаҳ ичмади шоҳи ҳикматпараст,  
Ки мазмун эрур бўлмағи шоҳ маст.  
Агар шаҳға иш лутфу гар кин эрур.  
Элига ҳамул шева ойин эрур.  
Керак оғзи поку сўзи доғи пок.  
Яна кўнгли пок-у, кўзи доғи пок.  
Ҳавас тундбоди чу бедод этар,  
Хирад хонумонини барбод этар.  
Ўзунгизни меҳнат кунини овутунг,  
Не ғам келса даврондин – осон тутунг.  
Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.  
Бировким эрур ростлиқдин йироқ  
Анингдек киши бўлмағон яхшироқ..  
Аёли ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар токи имкони бор.*

Алишер Навоий минг хил яхши-ёмонларни кўрган, синаган, билган мутафаккир сифатида барибир Аллоҳ махлуқи (яратгани) одамни ҳар қалай илондан ёмон эмас дейди:

*Нечаким хирад ичра бўлса ками,  
Йилондин ёмонроқ эмас одами.*

Биз бу гапларни кўчираш, ёзар, айтар эканмиз, Навоий Искандарини намунали тимсол сифатида кўрсатар эканмиз, майли Искандарпараст бўлмайлик, бироқ Искандар сингари ҳикматпараст бўлайлик, дегим келади.

### **ФАРИДИДДИН АТТОР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ**

Ҳофиз Шерозийнинг Алишер Навоий ижодига таъсири ҳақида сўз борганда, Шероз булбулининг Ҳирот андалиби наволарига мусиқийлик ва кўп маънолилик бахш этгани; Саъдий Шерозийнинг Навоий ижодидаги изларини унинг машҳур одамийлик ҳақидаги фикридан тортиб ахлоқий ва дидактик тамойилларда кузатамиз; Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий масаласига келсак, тасаввуф фалсафасининг ҳар икки мутафаккир достонларидаги муштарак рамзий ифодалар хусусида сўз юритамиз.

Мана, эллий йилдирки, Воҳид Зоҳидовнинг фалсафа фанлари доктори даражаси учун ёқлаган диссертациясидан бошлаб, биз Алишер Навоий пантеизмини Фаридиддин Аттор тасаввуфига қарама-қарши қўйиб келганмиз. Профессор Натан Маллаевнинг олий мактаблар учун ёзган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида ҳам бу масала В.Зоҳидов нуқтаи назарига мувофиқ талқин этилди.

Рус, Ғарбий Европа ва форс олимлари Фаридиддин Атторни пантеист шоир сифатида ўргандилар. Жумладан, профессор Е.Э.Бертельс ўзининг “Аттор ва Навоий” мақоласида Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоийни пантеистик фалсафий концепция вакиллари сифатида кўрсатади. Фақат Ўзбекистондагина Аттор – мистик, унинг фалсафаси Навоий пан-

теизмга қарама-қарши деб талқин қилинади.

Академик В.Зоҳидов Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарларини қиёслаб, “Лисон ут-тайр” таркидунёчилик ва мистицизмни тарғиб қилувчи “Мантиқ ут-тайр”га ўз фалсафий моҳияти жиҳатидан буткул қарама-қарши руҳда ёзилган асар”, деган фикрни олға суради ва “форс шоири “Мантиқ ут-тайр” тасаввуфининг энг асосий мақсади “беҳуда афсона” деб ёзади.

В.Зоҳидов Атторни мистиква таркидунёчилик тарғиботчиси деб кўрсатар экан, олим мулоҳазасича, Фаридиддин Аттор борлиқни илоҳиётнинг арзимас сояси сифатида билади. Мана, сўзни олимдан эшитайлик: “Ўттиз қуш Худхуддан: улар билан Симурғ ўртасидаги муносабатни тушунтириб беришни сўрайдилар. Аттор Худхуд тилидан қушларга жавоб бериб айтадики,

*Сурати мурғони олам сар-басар,  
Сояси ўст ин бидон, эй беҳабар.*

Бу билан Симурғ энг асосий, олий борлиқдир, ердаги қушлар (одамлар ва ҳ.к) эса – ана ўша Симурғнинг аянч соясидирлар, асосий борлиқ бўла олмайдилар, энг асосий, комил борлиқ (воқелик) қимматига, аҳамиятига эга бўла олмайдилар, зеро, асосий тана (борлиқ) билан унинг сояси орасида қандай муносабат бўлиши мумкин, уларни қандай тенглаштириш мумкин, - демоқчи бўлади Аттор” (В.Зоҳидов, Улуғ шоир ижодининг қалби, 1970, 385-бет).

Атторнинг издоши Алишер Навоий ўша байтни таржима қилади:

*Борча олам қушларининг сурати,  
Билгил, онинг сояи пурҳикмати.*

Илмий талқинга келганда, бу байт В.Зоҳидов фикрича, Аттор фикрига тескари бўлиб чиқади: “Ўз “Лисон ут-тайр”ини “Мантиқ ут-тайр”нинг таржимаси, деган Навоий шу ўринда Атторнинг юқоридаги фикрига моҳият эътибори ила зид фикрни ўртага ташлайди. Навоий айтади-ки:

*Борча олам қушларининг сурати,  
Билгил, онинг сояи пурҳикмати.*

Бу билан, бутун қушлар аҳамиятсиз, маъносиз борлиқ – бўш соя эмаслар, аксинча, уларда худонинг ҳикматлари, комиллиги зухур этгандир, демоқчи бўлади Навоий” (ўша асар 386-бет).

Шундай қилиб, икки томчи сувдек бир-бирига мос бир хил маъноли байтлар бир-бирига мос бир хил маъноли байтлар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Илмда фактдан фикр чиқариш қонунияти бор. В.Зоҳидов кўра-била туриб ўзини ва ўқувчини чалғитган. Қуйидаги байтлар қиёсидан қарама-қарши фикр чиқариш ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди:

*Сурати мурғони олам сар-басар,  
Сояси ўст ин бидон, эй беҳабар.*

*Борча олам қушларининг сурати,  
Билгил, онинг сояи пурҳикмати.*

Ҳар қандай таржимашунос ушбу байтларни таққослаб, таржиманинг айнан ва баркамоллигига кафолат бера олади ва бунда ҳеч қандай фикрий қарама-қаршилик тополмайди.

“Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” фалсафий хулосаларини ҳам В.Зоҳидов икки хил, яъни бир-бирига қарама-қаршидир, деб талқин этади: “Қушлар Худхуднинг йўлбошчилигида юқорида кўрсатилган етти водийдан ўтадилар ва “Мантиқ ут-тайр”ча, ўттиз қушнинг ҳаётида, ўзлигида гўё улуғ ўзгариш бўлади, яъни улар ўз мақсадларига эришадилар, Симуруғга етишадилар, унинг васлига восил бўладилар, шахсий ўзликларини йўқотадилар, фазовий “Мен” билан бирлашадилар, фоний бўладилар – Симуруғ бўладилар.

Навоийда эса тамомила аксинча, Ўттиз қуш (симурғ) Симуруғнинг ҳавасини қилган эдилар, унинг йўлид қимматли ўзликларидан воз кечиб, гўзал табиатга, ундаги ҳаётга нафрат билан қараб, шунча азобу уқубатларни, шунча беҳад алам водийларини ўтадилар ва ниҳоят келиб кўрсалар, ўша ахтарган, ҳавас қилганлари Симуруғ уларнинг ўзлари эканлар. Навоий ўзининг бу ўтакетган даражада чуқур маъноли хулосасини шу сатрларда беради:

*Ким, қилиб Симуруғ ўттиз қуш ҳавас,  
Ўзларин кўрдилар ул Симуруғу бас.*

Бу билан “Мантиқ ут-тайр” тасаввуфининг асосий мақсади беҳуда афсона эканлиги кўрсатилади. Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ни ёзишдан кўзлаган энг асосий мақсади ҳам шу эди” (ўша асар, 383-384-бетлар).

Демак, В.Зоҳидов фикрича, Навоийнинг асосий мақсади: “Мантиқ ут-тайр” тасаввуфининг мақсади беҳуда афсона эканлигини кўрсатиш экан. Ана шу фикр Алишер Навоий маънавий дунёсига нисбатан хатодир. В.Зоҳидов Навоийнинг энг муқаддас деб қараган тасаввуф оламига, даҳоларча маҳлиё бўлган, ўз умрининг мазмун-моҳияти деб билган сўфизмга шоирнинг ўзини қарама-қарши қўймоқда. Навоий идеаллаштираётган фикрини олимимиз: “Навоий қоралаяпти”, деб изоҳламоқда.

В.Зоҳидов “ўтакетган даражада чуқур маъноли хулоса” деб кўрсатган байтнинг асли Атор достонидаги қуйидаги байтлар эди:

*Чун нигоҳ карданд он си мурғ зуд,  
Бешак ин су мурғ он Симуруғ буд.*

*Хешро диданд Симуруғи тамом,  
Буд чун симурғ Симуруғи мудом.*

*Чун сўи Симуруғ кардани нигоҳ  
Буд он Симуруғ ин си мурғи роҳ.*

*В-ар ба сўи хеш крданди назар,  
Ҳар ду як Симуруғ буди даргузар.*

(Мазмуни: Ўттиз қуш боқсалар, ҳеч шубҳасиз бу ўттиз қуш ўша Симурғ экан. Қушлар ўзларини етук Симурғ ҳолида ўрдилар. Чунки ўттиз қуш ҳамишаги Симурғ эдилар. Симурғ томонга ўттиз қуш қарасалар: ўша Симурғ бу йўловчи ўттиз қушнинг ўзи экан. Қушлар ўзларига боққанларида ҳам ҳар иккилари бирдай ҳаракатдаги Симурғ эдилар.)

Изоҳ сифатида қайд этайлик: Аттор ва Навоий Симурғ ва си мурғ (ўттиз қуш) сўзлари билан сўз ўйини қиладилар.

Демак, Аттор: “Қушлар Симурғнинг соясидир” деса, Навоий ҳам ўша гапни айтади. Аттор: “Симурғ унинг ўзи” деса, унинг издоши ҳам шуни такрорлайди. Таржима имкониятлари ва оригинал ижод тақозосига кўра, байтлар таржимасида бир-икки сўз ўзгарган, бироқ бу сўзлар асл ва таржима фикрлар бирлигига халақит бермаган.

Тадқиқотчи сифатида Атторнинг Навоийга таъсирини яхши ўрганмай туриб, хусусан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” даги муҳим маълумотлардан хабардор бўлмай туриб, тасаввуф ҳақида ишончли мулоҳаза юритиш қийин.

Шунинг учун, қуйида биз Фаридиддин Аттор ҳақида Алишер Навоий фикрларидан қисман келтиришни лозим топамиз. Бу нуқталарда Навоийнинг устод Аттор ғояларига муносабати яққол ифодалангандир.

Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида “Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурий” ҳақида талай маълумотлар келтиради. Навоий Аттор Мансур Ҳалложнинг издоши эканлигини махсус қайд этади. Чунки, Мансур Ҳаллож “анал ҳақ” (мен ҳам худоман, яъни худонинг бир заррасиман) дегани учун қатл этилгандир. Борлиқ – худо зухуротидир, деган тушунча Мансур Ҳаллож айтган гап (анал ҳақ)нинг ўзидир.

Навоий ёзади: “Мавлоно Жалолиддин Румий сўзларида мазкурдурки, Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва анинг мураббийси бўлбтур”.

Қани, “Лисон ут-тайр” ижодкори ўз асари ҳақида нима дер экан:

*Ким бу дафтарға бериб тавфиқ ҳақ,  
Таржума расми била ёзсам варақ,*

*Олтмишқа умр қўйғонда қадам,  
Қуш тилин шарҳ эткали йўндум қалам.*

Демак, Навоийнинг ўзи асарни таржима қилгани ҳақида сўз юритмоқда. Муҳими, Навоий бу китобни ўқиган кишиларни икки муаллифни бир-биридан айри кўрмасликка махсус чорлайди:

*Будур умидимки, ҳарким солса кўз,  
Ким ҳарорат солса кўнглига бу сўз –*

*Шайх анфосига они ҳамл этиб,  
Файз топқай комига яъни этиб.*

Тафовут ва икки хиллик орада йўқлигини махсус уқтиради:

*Бизни доғи онда кўргай бир туфайл,  
Қилмағай кўнгли иккилик сори майл.*

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”нинг махсус бобини Атторга бағишлайди. “Қудват ул-аҳрор ва қиблат ул-аброр Шайх Фаридиддин Аттор қадасаллоху руҳаҳуға мадҳу сано оғози ва ўз арзи ниёзи” сарлавҳали бобда Аттор ижодининг асосий маҳсулларини санар экан, навбат “Мантиқ ут-тайр”га келганида ёзади-ки:

*Ҳар бирининг руҳидин юз тийра зот,  
Жон топиб, ичган каби оби ҳаёт.*

*Бир тараф бориға ойину шараф,  
“Мантиқ ут-тайр”иға ойин бир тараф.*

*Ондаким дарж этти қушлардин мақол,  
Ўзга тилдур, ўзга сўздур, ўзга ҳол.*

*Лек ҳақ тавфиқ берса, мен – гадо,  
Шайхнинг руҳиға айлаб иқтидо.*

*Ўйла қушлар нутқини изҳор этай,  
Булбулу тўти киби гуфтор этай;*

*...Ким бу тўти туъмаси бўлғой шакар,  
Ул шакар фикр айласанг бўлғай магар.*

*Тенгрининг лутфу иноят хонидин,  
Яъни ул Атторнинг дўконидин.*

Қизиқ, В.Зоҳидов ҳам, Н.Маллаев ҳам, улар қарашларини айнан такрорлаётган бошқа олимлар ҳам Аттор шаънига айтилган Навоий фикрларига қулоқ солмай, издошни устозга қарама-қарши қўяверадилар.

Филология фанлари номзоди Олимжон Жўраев ўзининг “Мажозий дидактик талқинлар” номли тадқиқотида (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989) В.Зоҳидов ва Н. Маллаевдан бир бетлаб кўчирмалар келтириб, Аттор ва Навоий муносабатларини аввалгидан ҳам кескинлаштиришга уринади.

Қуйида Олимжон Жўраев текширишларидан бир-икки парча келтирамыз: “Навоийнинг объектив борлиқ ва илоҳиёт тўғрисидаги қарашлари Атторнинг сўфиёна қарашларига тамомила зид эканини кўрсатувчи далилларни “Лисон ут-тайр”нинг муқаддима ва хотимасидангина эмас, балки, асарга киритилган барча ҳикоятлардан ҳам топиш мумкин” (374-бет); “Алишер Навоий ўзини умр бўйи қийнаб келган “Мантиқ ут-тайр” достонидаги мистицизмга қарши ўз пантеизмини “Лисон ут-тайр”да тўла ифода этади. Буюк шоир умрининг сўнгги йилларида бу дostonни яратганига боис шуки, у инсонларни хароб қилувчи Аттор ғояларининг ашаддий душмани эди” (405-бет)...

Хўш, шунчалик антиатторчилик қаердан пайдо бўлди? Нега бу қараш ҳалигача яшаб келмоқда ва янада кучаймоқда?

Мулоҳазамча, фалсафий ҳақиқатни кашф этишда иккита жиддий хатоликка йўл қўйилди:

Биринчидан, фалсафий истилоҳлар моҳиятини нотўғри идрок этиш (мистицизм (маърифат) ва пантеизмни бир-бирига қарама-қарши тушунчалар деб билиш) оқибатида Аттор ва Навоий иккига ажратилди. Мистицизмни бизда умидсизлик, таркидунёчилик, деб талқин қилишди. Ҳолбуки, мистика ёки мистицизм юнон тилида ифрон, маърифат деган маънога моликдир;

Иккинчидан, Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий дostonларини бир-бирига қиёслайдиган кишилар бир фалсафий қарашнинг ўзидан икки бир-бирига қарама-қарши йўналишни топишга уриндилар. Мантиқда сув ўтга, ўт сувга қарама-қарши қўйилади. Атторнинг мистицизмни Навоий пантеизмига қарши қўйиш ва буни икки хил фалсафий қарашга йўйиш билан олимларимиз сувни сувга, ўтни ўтга қарама-қарши қўйишга уриндилар.

ХУЛОСА: Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonлари бир фалсафий қарашни – ваҳдати вужудни олға сурган, Мансур Ҳаллож қарашларини рамзий усулда ифодалаган фалсафий асарлардир. Асарлардаги бош қолипловчи ҳикоя (қушларнинг Симурғни излаб йўлга тушишлари ва охирида уни тополмай ўзларининг Симурғ эканликларини билганларигача) ҳар иккала асарда бирдайдир.

Демоқчимизки, Аттор қушларни Аллоҳнинг сояси ва Аллоҳнинг ўзи, дейди. Навоий ҳам айни шуни такрорлайди; Аттор ҳам, Навоий ҳам пантеистдир.

Сўфизм фалсафасининг ишланмагани туфайли ярим аср давомида Аттор қарашлари Навоийга ноҳақ қарама-қарши қўйиб келинди. Энди ҳақиқатни тан олайлик:

Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий ўз дostonларида тасаввуф фалсафасини рамзий усулда ифодалаган буюк Шарқ мутафаккирларидирлар.

*ЎзАС, 1990 йил, 9 февраль, № 6 (3058)*

## БУЮК ИЖОДНИНГ ЖОН ТОМИРЛАРИ

Инсон табиати роса қизиқ: адолатсиз киши адолатдан лоф уради, инсоният кушандаси инсонпарварлик байроғи остида гердаяди... Хуллас, кишида нима бўлмаса, у ўзини ва ўзгаларни алдаб, бор деб даъво қилади. Бундай кишини Алишер Навоий “муддаий” деган. Шеърятдаги бу тимсол, одатда ошиқлик даъвосидаги булҳавасдир... Демак, муддаий – ноҳақ даъвогардир.

Мен “Навоий ва унинг ижоди ҳақида сўз юритишга маънавий ҳаққи бўлган одам орамизда бормикан?” деб кўп ўйладим. Тўғриси, Навоий ижодини таҳлил қилувчилар кўп. Бироқ бунга маънавий ҳаққим бор, дегувчи инсон ҳаёлида, виждонида “рост гапира олсам, ҳақни айта олсам, элга мендан эслагулик бирор эзгулик қолса”, дея олса...

Мен ҳар бир ўзбекда, унинг қонида зиғирча Навоий бўлишини истайман.

Бу демак:

- инсон ўзи учун эмас, ўзгалар учун ҳам яшаши;
- ўз бахтини ўзгаларни бахтиёр этишда кўра олиши;
- моддий ва маънвий бойлигини элга сочишни олий бахт деб билиши;
- ҳузуридаги ҳар бир кишини ўзига нисбатан Аллоҳга яқин ва азиз одам деб ўйлаши, унинг ҳурматини ўрнига қўйиши;
- билишни (илмни) олий бахт деб ишониши керак.

**Эмишки, Баҳоуддин Нақшбанд (бу ривоятнинг бир қисми “Лисон ут-тайр”да бор) борлиқдаги ҳамма нарсани ўзларига нисбатан қиёслаб кўришни ёқтирар эканлар.**

**Бир куни кўкдаги қора булутларга боқиб, кўнгилларидан: “Аллоҳ наздида шу қора булутлар афзалмикин ё менми?” деган хаёлни кечирибдилар. Ўша заҳоти тавба-тазарру қилиб ўзларига таъна тошларини ота бошлабдилар: “Ҳой, Баҳоуддин, сенга нима бўлди? Булутлар бутун олам набототи, ҳайвоноти ва одамзотга жон бағишловчи обиҳаёт манбаи-ку! Сендан ким, нима баҳра топмоқда?”**

Сўфий Алишер Навоийнинг ақл-идрок эгаси ва моддий бойлик сарватдори бўлган кундан эътиборан ҳар кеч ўзига айтадиган гапи шу бўлган шекилли. Негаки, бу бадавлат инсон халқ учун юзга яқин бинои хайр бунёд этдики, буларнинг ҳар бирига миллионлаб пули кетган; юзлаб олим, шоир, оддий одамларга моддий кўмак берди: пул берди, кийинтирди, ҳовли-жой совға қилди... Чунки устозларидан “халойиқ севганни Холиқ севар” деб эшитган, ақлан-фикран бунга амин бўлган эди...

*Кимса юз йил комронлик қилса, билким, арзимас,  
Бир замон, бир лаҳза бўлмоқлик биров коми била...*

Подшоҳнинг тахтида юз йил айш-ишрат сургани унинг бировни бир лаҳза бахтиёр этганига арзимади. Яъни, шоир мулоҳазасича, ўзгани бир лаҳза бахтиёр этиш савоби юз йиллик шоҳона айш-ишратдан афзалдир. Мана буни инсонпарварлик, инсонпарастлик тушунчаси дейдилар!

*Ваҳки, умрим барча зоеъ бўлди эл коми била,  
Бодаи ноб ўрниға хуноба ошоми била.*

Мана, Навоий нима билан фахрланмоқда: мен бутун умримни ўзгаларни бахтиёр этиш учун сарфладим. Қизил май ичиш ўрнига қон ютдим.

Ажрсиз, эвазсиз нарса бўлмайди: шунинг учун, бугун Алишер Навоий инсониятнинг энг азиз кишиси сиймосида яшамоқда...

Ҳусайн Бойқародай замон подшоҳи Навоий ҳақида: ҳақ гапни айтишга далер (ботир), дейди. Менимча, ҳақ гапни айтмайдиган одам, олим, Аллоҳни писанд этмайдиган кимсадир..

*Кимки шиор айлади ёлғон демак,  
Бўлмас ани эру мусулмон демак.*

Навоийнинг бу ахлоқий талабига қай биримиз дош бера оламиз? Ҳолбуки, ҳар биримиз эрлик ва мусулмонлик даъвосидамиз. Инсонмиз, табиатимиз шунақа...

**Баҳоуддин Нақшбанд уйда ўтириб, кўзлари кўчадаги итга тушибди. Ва одатларича фикран қиёс бошлабдилар: “Аллоҳ қошида шу ит афзалмикин ёки мен?” Ва шу заҳоти тавба-тазарруга ўтибдилар: “Ие, Баҳоуддин, сенга нима бўлди? Сен ўзингни ит билан қиёсладинг-ми? Ит эгасига вафодорлик билан донг чиқарган. Сен Эгангга итчалик вафодормисан?.. Йўқ!”**

Сўфий шоир Навоий назарида энг гўзал фазилят вафодир...

*Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?  
Кўргузуб юз меҳр минг дарду балосин кўрмадим?*

Кимга мен бир вафо қилган бўлсам ундан юз жафо кўрмадим-ми?! Юз меҳр-муҳаббат изҳор қилган кишимдан минг дарду бало кўрмадимми?..

Навоий шундай даҳшатли хулосага келдики:

*Эй, Навоий, олам аҳлида мутлақ йўқ вафо!*

Бундай хулосаларга қайта-қайта келса ҳам Навоий – Навоийлигича, ўша ўзи истаган орзубоплик тимсолида қола олди... Ажр, эваз бор, бор, бор...

**Ҳазрати Баҳоуддин кўчага чиқиб, ит изларига кўзи тушибди ва одатдаги қиёсни бошабдилар: “Аллоҳ наздида шу из қадрлими ёки мен?” Дарҳол тавба-тазарру қилибдилар ва дебдилар: “Эй Баҳоуддин, сен ўзингни итнинг изи билан қиёслгани уялмадинг! Уят сенга! Бу – вафодорнинг изи-я!”**

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ  
Пок хотунлар аёғининг изи.*

деган экан. Алишер Навоий поклик байроқдори сифатида. Орзубоп тимсоли – Фарҳод тимсолида ҳам махсус таъкидлайдики:

*Демонким, кўнгли пок-у ҳам кўзи пок,  
Тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок.*

Бу поклик – ахлоқий поклик, виждоний поклик демакдир.

Алишер Навоий ҳозирги замон ўзбек кишисининг юзига боқиб айтгандай:

*Навосиз улуснинг навобаҳши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!*

Биринчи мисранинг мазмун талқинлари: Бахтсиз элга бахт бағишловчи бўл. Бечоранинг додига ет...

Одамлараро ва халқлараро муносабатлар ё тотувлик – одамийлик асосига, ё зиддият – келишмовчилик ва душманлик асосига қурилган бўладик, биринчиси кишилар умрини узайтиради, кайфиятини яхшилайдди, ҳаётни жаннатга айлантиради; иккинчиси кайфиятни бузади, умрни қисқартиради, ҳаётни дўзахга айлантирди. Бу муаммо ҳар лаҳзалик, ҳар кунлик ва мангуликдир. Алишер Навоий бу масалада бани башарга мурожаат этишни лозим кўради:

*Олам аҳли! Билингизким, иш эмас душманлиғ!  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ – иш!*

Кишилик икки гуруҳга бўлинади: камтар, камсуқумлар ва мағруру кибру ҳаволилар! Юмшоқтабиат, камтар, ширинсўз одамлар – жаннатийлар. Улар Алишер Навоийнинг “Мен демоклик не беҳаёликдур!” деб огоҳлантирганини бирор лаҳза эсдан чиқармайдилар, бандада – Аллоҳ бандасида “мен”лик йўқлигини биладилар. Уларнинг бундай табиати туфайли жаҳон ўзгаларга кенгдир, дориламондир.

Мағрур ва кибру ҳаволилар эса ўзларича манмансираб, ўзларини одамларнинг аълоси ҳисоблайдилар. Аслида, бу сифат ва хусусият кишини шайтонга яқинлаштиради, холос.

*Кўси шавкат етти дўзахқа эшик қоқмоқдурур,*

дейдилар ҳазрати Алишер Навоий. Бу мисранинг таржимаси: “Манманлик ноғорасини чалиш етти дўзахнинг ҳаммаси фақат меники” демоқликдир! Киборлар кишиликка жаҳонни торайтирадилар, уни зимистонга айлантирадилар...

Бундан узоқ йиллар муқаддам мен қадимий шаҳар Самарқандда Қаҳрамон шоиримиз Алишер Ориповдан: “Абдуллажон, шоирлик вазифаси нима?” деб сўрагандим. У киши жавоб берди: “Ҳар бир шоир бу саволга ҳар хил жавоб бериши муқаррар. Мен китоб ўқиётган ўқувчимнинг ёқасидан тутиб, кучим етганча силтай бошлайман ва: “Одамсан! Одамсан! Хой, одамсан!” дея юзига бақираман. Менинг вазифам - шу”. Бу жавобдан мен жуда қониқдим. Алишер Навоий ижоди билан танишган киши ана шундай аҳволни бошидан кечиради. Балки шунинг учун ҳам Алишер Навоий асарларини аслиятда ўқувчи кишилар хийла оздир? Ўқиганлари ҳам мактаб дарслигидаги беш-олтита шеърдустонларидан парчалардан бошқа бирор нарсани айта олмайдилар...

*“Хуррият” газетаси, 2003 йил, 5 февраль, №5 (311)*

### **“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ” ДЕВОНИ ҲАҚИДА**

Алишер Навоий тўртта девон тузган: “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя”, “Ҳазойин ул-маоний”, “Девони Фоний”. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг икки йирик илмий даргоҳи: Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари даҳо шоиримизнинг йигирма жилдлик “Мукамал асарлар тўплами” нашрини амалга ошира бошладилар.. Нашр – ёймоқ демақдир, Нашр этилдими – ёйилди деб тушуниш керак. Тўпламнинг биринчи жилди “Бадоеъ ул-бидоя” девони нашридир.

Мазкур девон қўлёзмасини филология фанлари номзоди, марҳум истеъдодли олим Шарафиддин Шарипов нашрга тайёрлаб улгурган эди. Китобдаги яна қуйидаги маълумотлар диққатимизни тортади: “Текстни бевосита нашрга тайёрлаш ишини Қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Марям Раҳматуллаева бажарди. Текстни қўлёзмалар билан қайта қиёслаб текширувчи Марям Раҳматуллаева ва Қўлёзмалар институтининг илмий ходими Мухлиса Зиёвиддинова амалга оширдилар”.

Хуллас, уч илм заҳматкаши меҳнатлари туфайли “Бадоеъ ул-бидоя” нашр этилди. Биз бу жилд нашрининг матн савияси ҳақида нисбатан ижобий фикрдамиз: яъни ҳозиргача босилган беш жилд орасида бу китоб матн қусурлари нисбатан сийрақроқ бўлган жилддир. Таассуфки, сифат ва савияни фақатгина қиёс белгиламас экан...

Алишер Навоий тузган дастлабки икки девон учинчи девонга асос бўлган. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг илмий-маърифий қиммати бор: олимлар шоир назмининг таржимаи ҳоли ва таҳрир тажрибаларини кейинги девонга солиштириб ўрганишга муяссар бўладилар.

Дастлабки кузатишлар шуни кўрсатдики, Алишер Навоий, биринчидан, теран маъноли фикрлар ифодаланган ғазалларни яхлит, пухта яратган; кейинги девонга ўтган шеърларда

тахрир оз; иккинчидан айрим сўзларни ўчириш ва бошқа сўз қўйиш билан фикрни ёрқинлаштирган, кучайтирган; учинчидан, муаллиф шу даражада қаттиққўлки, илк девонлардаги айрим ғазаллардан “Ҳазойин ул-маоний”ни тузишда тамоман воз кечган, девонга киритмаган.

Навоий ғазалларининг биринчи даражали фазилатлари; тасвирдаги воқеликнинг дилкаш ва таъсирчанлиги; нуктапардозлик – фикрий кашфиётларга бойлик; бадий ва ифодали воситалар билан ранг-баранг товланишлар; маъно ва мазмун юксаклиги, ҳикматпарастлик, қисқаси, ҳисда ҳам, фикрда ҳам тадқиқ, тадқиқ ва тадқиқ йўлинигина тутиш сингарилардир. Менимча, даҳо шоиримизни, аввало маънолар хазинабони сифатида шарфлашга бурчлимиз.

Алишер Навоийнинг йигитлик йилларида ёзилган ғазалларидан бири билан танишайлик. Ғазалнинг биринчи байтидаги тасвир фожеий, айна пайтда воқеий тимсол чизгиларидир:

*Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок  
Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.\**

Инсон кўксининг абгорлиги ва кўзининг жиққа ёшлиги, шу билан баробаринда унинг биринчи шахс эканлиги шеър идрокини кучайтиради.

*Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,  
Истарам ҳам дамки бўлғай хотирим ғамнокрок.*

Бу байтда ёр кўнгли учун фидойилик, ўз роҳатидан воз кечиш оҳанги янграмоқда... Учинчи байтда шоир талмиҳ санъатидан фойдаланади. Пок ошиқлик намунасини кўрсатиш учун тасвир давомида бирдан Лайли ва Мажнун севгилари қиссасини эсга олади. Бу усул муаллифга ўз эзгу қарашлари: муҳаббатдаги фидойилик, маъсумлик ва покликни мужассамлаштириша имкон беради:

*\*Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” номли асарида Алишер Навоий бу байтни Соҳиб Дородан сотиб олгани қайд этилган. Тошкент, “Шарқ” нашр., 2010, 295-бет*

*Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин,  
Ким йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.*

*Уйла мужгон ханжариға ёпишубдур дурри ашк,  
Ким магар ондин ятиме йўқтурур бебокрок.*

(Мазмуни: Киприк ханжарига кўз ёшлари инжулари шу даражада ёпишганки, бундан раҳмсизроқ бебошни топиш мушкулдир.)

Навбатда келтириладиган байт “Ҳазойин ул-маоний”га киритилганда сезилар-сезилмас таҳрирга учраган. Чунончи, “Бадоеъ ул-бидоя”даги ҳолати:

*Жон олурда лабларингдин барча эл қулдур санга,  
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.*

Байтнинг биринчи мисраси “Ҳазойин ул-маоний” да қуйидагичадир:

*Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга*

Таҳрирда бирор сўз ўзгармаган, фақат “лабларингдин” сўзининг ўрни алмашган, холос. (Байт мазмуни: Сенинг ҳаётбахш лабларингдан жон топиш учун барча халқ сенга қул бўлишга тайёрдир. Бироқ сен учун жонини фидо қилишга навбат келганда, мен қулингдан чечани-чаққони йўқдир.)

*Одабийнинг туфроғин берса фано елига чарх,  
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.*

(Чин одабийлик хокини фалак йўқлик елига совурмоқчи бўлса, оҳким, вафо аҳлидан кўра тунроққа мойилроқ киши йўқдир. Яъни, фалак одабийларнинг хокини кўпроқ совуради. Чунки улар бунга шай ва айни замонда камтарликда ўзларини тупроқ билан тенг тутадилар.)

Хотима байтда матлаъда тасвирланган кишининг кўнгли кўзга ташланади:

*Неча ўқласанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур,  
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлғай чокрок.*

(Яъни, Навоий кўнглига ҳар қанча ўқ отсанг, шунчалик кўп яраланади: тиккан сайин сўкилиб кетаверадиган жароҳатни кўрмаган эдик...)

Таассуф билан қайд этамизки, “Бадоеъ ул-бидоя”ни нашрга тайёрлаган олимларимиз матндаги “тиккан” сўзини китобда “теккан” ҳолида беришган. Натижада муаллиф назарда тутган фикр барҳам топган:

*Кўрмадук захмеки, теккан сойи бўлғай чокрок.*

Қизиғи шундаки, “Ҳазойин ул-маоний” матнини тайёрлаган ҳурматли олим Ҳамид Сулаймонов ҳам бу мисрани тушуниб ўқиса, энсаси қотади: Ўқ теккан сайин жароҳати кўпаядиган жароҳатни кўрмадик”, дейишда мантиқ йўқ-ку?

Демак, Навоий фикрини чала ёки саёз тушуниш – даҳо шоир фикрининг бузилишига сабаб бўлар экан...

Алишер Навоий маҳорати шундай кучлики, у чизган манзарани яққол идрок этасиз: агар табиат манзараси бўлса, ҳам кўрамиз, ҳам ўзимизни ўша жойда тасаввур эта оламиз... Баҳорда дарахтлар фарқ гуллаган паллани кўз олдингизга келтиринг. Сал шабада эсса, ўрик, олма, олча гуллари дув-дув тўкилиб, ел қанотида ерга оҳиста қўнади ёки шамол таъсирида чирпирак уриб ўйнайди:

*Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму?*

Шундай боққа севгилиси кириб келгандай ошиқ бесаранжомланади... Нега? Чунки гуллардан жон иси келмоқда. Дарвоқе, жонда қанақа ис бўлади? Гулининг исидан ҳам яхшироқ ис бўладими? Шунинг учун гул исидан ошиқ жон исини, жонона исини туймоқда:

*Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?*

“Гул сочар ел боғ аро”, яъни манзара жонлантирилмоқда. Боғда сарв дарахти ҳам бўлади, бироқ “сарви равон” энди бу хушқомат ям-яшил дарахт эмас, балки ошиқнинг оромижони бўлган қиздир. Зотан, “сарви равон” – маъшуқа сиймоси.

Шоир кишиларга хос бўлган хатти-ҳаракатни табиатдаги бошқа нарса ёки ҳодисаларга кўчирса, ташхис санъати – шахслантириш усулини қўллайди.

Навоийнинг санъаткорлик маҳорати шу даражада кучлики, бир байтда неча бадиий тасвирий воситаларни қўллайди. Байтни заргарона безаш билан машғул бўлади. Бироқ, муҳими шундаки, бу бадиият бўёқлари ташқи гўзалликкина бўлиб қолмай, матн таъсирчанлигини юзага чиқарувчи омиллар ҳамдир!

*Йиғламоқ чун айлади даъво, деб кўзим билан булут.  
Барқ гўё муну фаҳм айлаб йиқилди кулгудин.*

( Бутун ким кўпроқ йиғлайди, деб кўзим билан даволашган эди. Гўё яшин буни билиб қолди шекилли, шунчалик қаттиқ кулдики, кўкдан йиқилиб тушди!)

Муаллиф булут ва яшинни шахслантирмоқда, жонлантириб тасвирламоқда: булут даъволашмоқда; яшин одамга ўхшаб қаттиқ кулиб юборган.

Мазкур ташхис санъатидан ташқари, байтда хусни таълил санъати ҳам қатнашмоқда. Хусни таълил – асослаш кўрки бўлиб, шоир бирор юз берган воқеани унга дахлсиз бўлган ҳодиса билан асослашга ҳаракат қилади. Қизиғи шундаки, ана шу дахлсиз асос жуда чиройлидир!

Булут кўп йиғлашда ошиқ кўзи билан баҳслашган. Шоир яшиннинг кўкдан ерга йиқилиб тушишини ана шу баҳслашишга хабардорлик билан асосламоқда. Ҳолбуки, яшин яшнашининг асоси мутлақо бошқадир. Китобхон эса санъаткор топган шоирона асослашдан жуда мароқланади. Айни пайтда учинчи бир усул: муболаға ҳам ўз иштирокини сездирмоқда: гўё кўз булутдан кўра кўпроқ ёш тўкармиш...

Кўрдикки, байтдаги воқеа чиройли, ҳодиса чиройли ва жуда таъсирчан: эсда муҳрланиб қоларли даражада. Ошиқнинг кўзи билан булут ким кўп кўзёши тўкади, деб даъволашипти. Буни эшитган яшин шунчалик қаттиқ кулибдики, кўкдан йиқилиб тушипти: ахир, албатта, ошиқ кўпроқ кўзёши тўкди-да!

Навоий муболағаларининг бир хусусияти унинг табиий халқоналигидир. У маъшуқа гўзаллигини чизиб кўрсатиш ёки ташбиҳлар келтириш йўлидан бормай, гоҳо қуйидагидек усул қўллайди: одатда энг мумтоз рассом деганда Чин (Хитой) рассоми тушунилади. Чин мусаввири маъшуқа юзини матога кўчириш учун келди ва иш бошламоқчи бўлди. Маъшуқа юзидаги пардани кўтариши билан Чин рассоми девордаги нақшдек қотиб қолди:

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,  
Чеҳра очиб, нақши девор айладинг наққошни.*

Мазкур табиий муболаға ўз диклашлиги, таъсирчанлиги билан оқил китобхонни маҳлиё этмай қўймайди.

Буюк даҳолар халқнинг маънавий-ақлий устодларидирлар. Улар яратган бебаҳо асарлар эса умумбашарийлиги билан муҳимдир. Устод Алишер Навоийнинг ҳикматлари, ҳаёт ва кишилиқ муносабатлари, умр ва тирикчилик моҳияти ҳақидаги кашфиётлари ўз оҳорини мангулик қадар сақлайдиган маънавий обидалардир.

“Бадоеъ ул-бидоя” девони – Алишер Навоийнинг ёшлиқ ва йигитлик давридаги ҳиссий ва руҳий кечинмалари қомусидир. Ундан шоир таржимаи ҳолига тегишли ғазал ва рубоийларни ҳам, фалсафий ва ахлоқий-таълимий руҳдаги дилнавоз обидаларини ҳам ўқиш мумкин.

Даҳо шоир руҳий-маънавий устоз экан, биз унинг фикрий ва ҳиссий кашфиётларини ўқиб билишимиз ва ўз маънавий камолотимизни юқорирок босқичга кўтариш учун ҳаркат қилмоғимиз лозим. Бу соҳада эса, мозийдаги шоирларимиз орасида Алишер Навоийдек буюк сиймони топиш қийин.

### **АЛИШЕР НАВОИЙ КЎНГИЛ ҚЎЙГАН САНАМ..**

Узоқ йиллар Алишер Навоий Гули исмли қизни севган, деган тасаввурда эдик. Негаки, ўзбек халқ эртақларида, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасида, Ойбекнинг “Навоий ва Гули” достони ва бошқа кўплаб бадиий асарларда Гули тимсолига такрор-такрор дуч келардик.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Шухрат Сирожиддинов “Ёшлиқ” (5сон, 1991 й.) журналида Алишер Навоий Хадичабегимни севган, деган янги фикр билан чиқди. Мен ҳам “Соҳибқирон юлдузи” газетасида (24 февраль 1998 йили) “Навоий севгиси, Навоий фожиаси” номли мақола эълон қилиб, муҳтарам Ш. Сирожиддинов фикрларига қўшилдим.

Алишер Навоий ва Хадичабегим севгилари тарихини қуйидагича тасаввур қиламан: 1457 йилда Самарқанд ҳукмдори Абусаид мирзо келиб Ҳиротни эгаллади. Ўша йили унга олти яшар Хадичани тортиқ қилдилар. 1463 йилда Алишер Навоий Машҳаддан Ҳиротга қайтиб, сарой хизматида бўлди. Унинг Абусаид мирзонинг ўғли Абубақр мирзога сабоқ бергани маълум. Шунга қараганда шоҳнинг шоирга нисбатан меҳри ва ишончи бўлган. Ўша пайтда Алишер ва Хадича бир-бирларини ёқтириб қолган бўлишлари мумкин.

1465 йилда шоҳ Хадичага уйланади. Кўп ўтмай “Алишер Навоий Ҳиротдан чиқариб юборилсин!” деган буйруқ берилади.

Навоийнинг Ҳиротдан чиқариб юборилиши ҳақидаги олимларимизнинг мулоҳазалари: биринчиси, у Ҳусайн Бойқаро мактабдоши эди; иккинчиси: шоирнинг тоғалари Абусаид мирзога душман эдилар; учинчиси, шоир Абусаид мирзо сиёсатидан норози эди.

Мен Навоий ижодини ўрганиб бу мулоҳазаларга қўшилолмадим. Сабаби: агар ўша даъволар рост бўлса, шоир бошданоқ саройга яқинлаштирилмас эди; шоҳ ўғли адабий тарбиясини шоирга ишониб топширмасди...

Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзиб қолдирган шеърини мактубида қуйидагича мисралар бор ва унда севгига мубталолик ҳам айтилган.

*Сафар тушти олдимға беихтиёр,  
Қазо амрида элга не ихтиёр...*

*Аниким, қилиб ишқдин ёралиғ,  
Насиб айлабон анга оворалиғ...*

Алишер Навоий Самарқандга жўнар экан, сафар ҳисларимнинг ўтини сўнгдирар, деган ўй-хаёлда эди. Чунки у “Сафар ишқ ўтини камайтиради”, “Сайр ишқни камайтиради” деган ҳикматларни эшитган эди. Бироқ...

*Айладим азми сафар, бўлғай дебон ишқ ўти кам,  
Ул худ афзун бўлди ҳар манзил демайким, ҳар қадам.  
Сайрким, дерлар, кам айлар ишқни, кўр, эй рафиқ,  
Ким жаҳон овораси бўлдим, ғалат чиқти бу ҳам!*

Ушбу шеърӣ иборалар шоир муҳаббатининг ҳар қадамида орта борганини кўрсатмоқда, холос...

Мавлоно Хондамир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Макорим ул-ахлоқ” ва “Бобурнома”да Навоий Самарқандда асосан шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек даврасида яшарди, деган маълумотларни берадилар. Агар Абусаид мирзо розилиги ва илтимоси бўлмаса, у Самарқандга ҳоким қилиб юборган Аҳмад Ҳожибек Навоийни ўз даврасида олиб юра олармиди? Албатта, йўқ...

Хадичабегим Абдусаид мирзодан Оқбегим исмли қиз кўрди...

1469 йилда Абдусаид мирзо Қорабоғ жангида асир тушиб, ўлдирилди. Ҳарам Ҳиротга қайтди. Ҳиротни Хусайн Бойқаро эгаллади. Энди ҳарам Хусайн Бойқарога қарашли. Хадича энди ўн саккизга кирган жувон...

Шоҳ Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзога мактуб йўллаб, Навоийни Ҳиротга чорлади. Шоир она шаҳрига келса...Хадича яна ҳарамда... Шоирнинг лирик фарёди:

*Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўлғон,  
Ҳар кимми йўқ ондин батар, ондин батар ўлғон?!*

Энди шоир ижодида “шоҳ” ва “моҳ” сўзлари учрайдиган шеърлар кўпаяди. Хусайн Бойқаро – шоҳ сафарда, Хадича – моҳ унга қайрилиб боқмайди:

*Борғади шаҳ ойча бир май ичмадим моҳим била,  
Кошки бир ойчилик борғай эдим шоҳим била...*

Шоҳ Хусайн Бойқаро учун Алишер Навоий улуғ ва мукаррам зот. Хадича шоирга бефарқ:

*Гар қуёшдин қадрим ортиқроқдурур шоҳ олдида,  
Заррадин юз қатла ўксукларкмен ул моҳ олдида...*

Хадичабегим бутун аёллик латофати ва заковатини ишга солиб Хусайн Бойқаронинг энг суюкли хотини даражасига етади. Давлат ишларига билвосита ва бевосита аралаша бошлайди...

Хадичабегимнинг Алишер Навоийга ҳам муносабати тубдан ўзгаради. Унга гул беради, гул юборади:

*Гулеким, ёр бергай мен киби урён гадоларға,  
Магарким, сончқаймен ана бош узра ярларға.*

Навоийнинг шеърларини Хадичабегим мақтайди, уни руҳлантиради:

*Гар Навоийга Сулаймон мулкича бордур не тонг,  
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.*

Шоир шоҳ хотини Хадичабегимни Сулаймон пайғамбарнинг пари хотини Билқис исми билан шарафламоқда. Хадичани замон Билқиси демоқда.

Бироқ энди Навоий ўзини унга бефарқ кўрсатади. Сабаби – аён. Хадича – шоҳ хасми. Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар ўзаро жонфидо дўстлардирлар. Шоир ўзига ўғит беради, ўзини тергайди:

*Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эътибор,  
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.*

Муқарраби султоннинг гаплари бу ахир...

Зайниддин Маҳмуд Восифий “Бадоеъ ул-вакоеъ” асарида бир воқеани ҳикоя қилади: Хадичабегим Давлатбахт исмли чўрини кечқурун Алишер Навоий уйига атайлаб юборади ва тунаб қолиш кераклигини буюради. Бу буйруқни ҳеч ким икки қилолмайди. Мақсад: Навоийнинг эътиқод-иродаси қобилиятини синаш эди... Савол туғилади: бу масалани ҳал қилишнинг Хадичага не қизиғи бор?

Шоир қариди. Соч-соқоллари қордай оппоқ. Азоб-уқубатлар юзини сарғайтириб юборган. Хадичабегим шоирга сап-сарик, катта беҳи совға қилади. Шоир унга жавобан қуйидаги шеърларни ёзадики, синчков китобхон беҳи тимсолида шоир ишқий ва умрий изтироб асоратларини идрок эта олади:

*Беҳи рангидек ўлмиш ҳажрингдин манга сиймо,  
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донаи савдо.*

*Мазаллат туфроғи сорин юзумда бордур андоқким,  
Беҳида гард ўлтурғон масаллик тук бўлур пайдо.*

*Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариғ чеҳрам,  
Момуғ ичра беҳини чирмағон янглиғ киши амдо.*

*Юзумда тиғи ҳажринг захти ҳар сори эрур беважҳ,  
Беҳини тиғ илан чун қатъ қилмоқ расм эмас қатъо.*

*Юзум туфроқдадур ҳар дам қуруғон жисм ранжидин,  
Беҳига сарнигунлик шохи заъфидин бўлур гўё.*

*Бу гулшан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиғ  
Кийиб пашмина, тоатқа қадин хам асрамоқ авло.*

*Навоий, гар қуёш норанжидин беҳрак кўрар тонг йўқ,  
Беҳиким, лутф этмиш маҳди улё исматуд дунё.*

Ғазалнинг биринчи мисраси мазмуни: “Сенинг айрилиғинг дардидан юзим беҳидек сарғайиб кетди”. Шеърнинг охирги байти мазмуни: Навоий дунёнинг энг пок аёли, шоҳнинг жуфти ҳалоли унга совға қилган беҳини қуёшдан ҳам афзал деб билади.

Бу мисраларда ошиқнинг ушалмаган севгисига очиқ иқрори кўриниб турипти...

Ҳар қалай, шоир бадий мулкидан топган байтларимиз асосида шоир муҳаббати тарихдан бир лавҳа яратдик. Воқеа ҳақиқатини Аллоҳгина билади...

*“Ёшлик” 2-сон /2004 (194)*

### ҒАЗАЛ СУРУРИ

*Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,  
Ким замон осебидин бир-бирига айтишсоқ ғаме.*

*Кимки даврон соғаридан дам-бадам хуноб ичар,  
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.*

*Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга,  
Қатл учун остида қилган заҳр пинҳон хотаме.*

*Ғар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком!  
Ҳақ магарким, ком учун боштин ёротқой оламе.*

*Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмедким,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.*

*Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамзидин зоҳир қилурга маҳраме.*

*Дарду захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,  
Соқиё, кўксума лойидин боғи ёқ марҳаме.*

*Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.*

Мутафаккир шоир ва жамоат арбоби Алишер Навоий диққат марказида ҳамиша ижтимоий масалалар турган: олам ва одам муносабатлари мантиқи уни чуқур ўйга толдирган. Олам яшашбопми? Одам унда бахтиёр бўла оладими? Оламдаги одам, аввало, одамийми? Жаҳондаги кишилиқда Навоий кўзда тутган рисоладаги Одам борми? Олам шундай қолаверадими ёки одамни бахтиёр қилувчи олам ҳам яратиладими? Одамлар вафо нималигини билдиларми? Улар бир-бирларига вафо қиладиларми?

Адабий даҳомизнинг “Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме” мисраси билан бошланадиган ғазали ана шу ижтимоий муаммолар юзасидан фикр юритишга бағишланган. Шоир жамиятни инсоф, адолат, вафо ва одамийлик ришталаридан тўқилган ғалвирдан ўтказишга ботинади. Ғалвир бир силкингани ҳамоно... унда на олам, на одам қолади!

Алишер Навоий “Навосиз улуснинг навобахши бўл!” шиорини ўз дастури қилиб олиб, жамоат арбоби ва даҳо санъаткори сифатида элига бир умр хизмат қилади: Хуросон жаҳонини ва одамларини ўзи истаганидек кўриш учун сўнгги лаҳзагача жон чекди...

Ғазалда эса, ана шундай фидойи инсон – элнинг маънавий раҳбари кўлидаги бўш ғалвирга боқиб, гоҳ ўкириб дод солади, гоҳ унсиз инграйди...

*Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,  
Ким замон осебидин бир-бирига айтишсоқ ғаме.*

Замондошлар орасида замон кўргиликларини айтишиб дардлашадиган бир ҳамдам топа олмадим. Ахир,

*Кимки даврон соғаридин дам-бадам ҳуноб ичар,  
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.*

Кимки даврон қадаҳидан лаҳза-лаҳза зардоб ичадиган бўлса, ҳеч бўлмаса ғамини айта оладиган бир ҳамдам топа олса эди, ғам емаса бўларди.

Ўрта асрлардаги рисоладаги одам фожиаси ҳам шу: замон фалокатларини айтишиб, эшитиб фикрлашадиган улфат йўқ! Ахир ҳеч бўлмаса, бирор ҳамдард топилганда ҳам озгина бўлса-да, кўнглини бўшатиш имкони бўларди. Зотан фалак дастидан қону зардоб ичиш бир азобу, бу азобингни бировга тўкиб-солишнинг иложи йўқлиги яна бир азоб!

Фалак – осмон ҳалқаси, юлдузлар инсоният учун нималардирлар? Фалокатлар манбаини фалакдан излайдиган мутафаккир сиймосидаги лирик қаҳрамон ўхшатишлар асосила мулоҳазалар юрита бошлайди:

*Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга,  
Қатл учун остида қилғон заҳр пинҳон хотаме.*

Фалак узук ҳалқасидир. Лекин ундаги юлдузларнинг ҳар бири кишиларни ўлдириш учун ичига заҳар жойланган узук-муҳрдир.

Шоҳона узукни тасаввур этайлик: узукнинг олтин гардишига бир неча инжу қадалган ва ёзувлар ёзилган кўзлари бор. Узук шоҳга муҳрлик вазифасини ҳам бажаради. Айни пайтда узукнинг ҳар бир кўзи остига бошқаларни ўлдириш учун заҳар жойлаб кўйилган. Ахир ўтмишда қанчадан-қанча шоҳ ва шаҳзодалар шу усулда бир-бирларини заҳарлашди.

Шоир фалак ва юлдузларни узук ва унинг кўзлари даражасигача кичрайтирса ҳам, ундан келадиган фалокатларни кичрайтирмайди!

Ана шундай фалокатлар тимсоли бўлган фалак доираси остида инсон ҳоли не кечади? Осойишталик ва фароғат деган нарсалар борми?

*Йўқ фароғат даҳр ароким шомдин сичин ёйиб,  
Ёғбуриб ашкин тутар ҳолинҒға ҳар тун мотаме.*

Жаҳонда осойишталик йўқдир: фалак ҳар тун тўсдай сочини ёйиб, кўз ёшларини тўкиб сенинг ҳолинҒға мотам тутати.

Фалакни аёл ҳолида жонлантириб тасвирлаш фикр таъсирчанлигини янада ошириб юборган.

Олам ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил бўлди. Хўш, энди шу олам яшашбопми? Бундай инсон учун бахт-саодат ва шодлик деган эзгу нарсалардан асар борми? Ижтимоий ҳаёт ақлга, инсоф мезонига мувофиқми?

*Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком!  
Ҳақ магарким, ком учун боштин ёротқой оламе.*

Агар олам шу бўлса, бунда кишининг мақсадига етишиш мумкин эмас. Балки тангри бахт-саодат учун қайта бошдан бирор олам яратар...

Алишер Навоийдек ўз даврининг асл фарзанди, тасаввуф маъносида айтсак, худо жамоли фидоийси бўлган инсон бахт-саодатга етадиган бир олам яратишига умид боғламоқда... Бундай мулоҳазалар ижтимоий-сиёсий мазмунда ҳам, дину ислом мазмунида ҳам нечоғлик қалтис эканлигини бугунги онгли китобхон яхши тасаввур этади, деб ўйлайман.

Олам инсонбоп, бахтбоп эмас экан, одамларчи? Одамларда меҳр-оқибат, вафо борми?

*Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмедким,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме*

Одам фарзандида вафо йўқ. Сен умидингни узавер. Чунки Аллоҳ биргина сенинг вафо кўришинг учун алоҳида бир одамни яратмайди. Бундан умидингни уз.

Замон ва инсонни инкор этишнинг бу намунаси, Навоий орзусидаги олам ва одамнинг ноёблиги масаласи чинакам нозик эди, қалтис эди:

*Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.*

Масала жуда нозиклашиб кетди. Кошкийди, ана шу рамз-сирлардан озгинаси билан ўртоқлашиш мумкин бўлган сирдош топилса эди...

Замон ва инсонни таҳлил ғалвирида элаш улуғ мутаффакирларга хос бўлган фикр юри-тиш усулидир. Дарҳақиқат, ақли ва маънавий камолоти умуминсоний бахтни идрок этадиган даражага етганида киши ана шу ишни қилади. У шахсий фаровонлик ва бахтни ўйламайди:

*Дарду захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,  
Соқие, кўксума мойидин доғи ёқ марҳаме.*

Ичим дардга, таним жароҳатларга тўлди. Эй соқий, оғзимга қадаҳни қуйгин-да, қуйқасидан баданимга ҳам малҳам суриб қўй.

Ҳа, олам ва одам қисматига ўзини масъул деб ўйлайдиган мутаффакир адабий даҳо ана шундай маънавий ва жисмоний изтиробда бўлади. Шунинг учун унинг сўзлари, фикрлари жамият асосларига, арбобларига жуда қалтис тегиб кетади:

*Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.*

Замон зайли мана шундай кечмоқда. Шунинг учун Навоий нолаю фарёдини паст ва банд оҳангларда изҳор этса не ажаб?

Мумтоз шоир шунинг учун ҳам мумтоз ва фикрлари умумбашарийдирки, унинг қарашлари ўз замонаси ва келажак учун ҳамиша долзарблигини сақлаб қола олади. Мана, ўша гаплар айтилганига беш асрдан ошяптики, илғор инсоният одам бахтиёр бўла оладиган, кўпчилик саодат топадиган олам орзусида яшайди ва курашади. Бугунги кунда ҳам мутафаккир Навоийнинг “бошдан янги олам яратиш” орзуси халқимизнинг асл фарзандларининг фикрини банд этмоқда ва бу йўлда курашга даъват этмоқда.

*“Шарқ юлдузи”, 1990, 10*

### **“ЛИСОН УТ-ТАЙР” БЕШ ЮЗ ЁШДА!**

Даҳо шоиримизнинг 1999 йилги таваллуд кунига яна бир қутлуғ сана тўғри келмоқда. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” – фалсафий достони яратилганига бу йил беш юз йил тўлади. Мазкур маснавий шоир ижодида ўта муҳим ўрин тутди. Чунки буюк мутасаввуф Фаридиддин Атторнинг олий инсонпарварлик, аниқроғи, Аллоҳни севиш ва табиатпарварлик ғояларининг рамзий тараннуми бўлган “Мантиқ ут-тайр” достонини Алишер 9-10 ёшларида бошдан охиригача ёд олганди. Бундай буюк фалсафий обидани туркий адабиётда ҳам кўриш орзусида бир умр ёнган Навоий бу хизматни ўзи, 1499 йилда “Лисон ут-тайр”ни яратиб, ўринлатди.

Буюкларга хос камтарлик билан Навоий бу дoston учун қалам чархлар экан:

*Ким бу дафтарга бериб тавфиқ ҳақ,  
Таржума расми била ёзсам варақ, –*

дейди. Айни пайтда Аллоҳ муҳаббати оташида ўртанган устози Фаридиддин Атторни ўзи ёққан ўтда ёниб кул бўладиган Қақнус қушига ўхшатди ва ўзини унинг фарзанди деди:

*Мен демонким ул – атодур, мен – ўғул,  
Ул – шаҳи олийсифат, мен – банда, кул.*

Навоийнинг ёш қалбини бунчалик ром этган асар ҳақида “Лисон ут-тайр”да Аттор асарлари ҳақидаги маълумотдан сўнг ёзиладики:

*Бир тараф бориға ойину шараф,  
“Мантиқ ут-тайр”иға ойин бир тараф.*

*Ондаким дарж этти қушлардин мақол  
Ўзга тилдур, ўзга сўздур, ўзга ҳол.*

Бу асарни ёза бошлаганида ҳижрий йил ҳисобида Алишер Навоий олтмиш ёшда эди:

*Олтмишқа умр қўйғонда қадам,  
Қуш тилин шарҳ этгали йўндум қалам.*

Савол туғилади: нега шоир бу ишга эртароқ киришмади? “Лисон ут-тайр” ни ўқисак бунга жавоб топамиз. “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” сарлавҳасида шоир гапни ўзининг мактабдаги машғулотида бошлаб, ёзган асарларигача ҳикоя қилади.

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.*

Мазмуни: Мен туркий шеърят байроғини кўтариб, шу тилда сўзлашувчи юртларни бир адабий тил остига бирлаштирдим.

*Тўрт девон бирла назми панж ганж,  
Даст берди чекмайин андуҳу ранж.*

*Назму насрим котиби тахминшунос  
Ёзса: юз минг байт этар эрди қиёс*

*Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол  
Хотиримдин чиқмас эрди бу хаёл, –*

*Лек сўз душвор эрди, мен нотавон,  
Бормас эрди хомаға илким равон.*

*Оқибат кўрдумки умр айлар шитоб  
Ўлсаму қолса дейилмай бу китоб.*

*Ул жаҳон сори бу армон элтқум  
Бўйла ўтдин доғи ҳирмон элтқум.*

*Неча бу ишға кўнгул машҳуф эди,  
Гўёиким вақтига мавқуф эди...*

Демак, шоир бу асарни ёзиш истагини ўз кўнглида бир умр ардоқлаган ва бу иш ўта маъсулиятли ва қийин бўлгани учун орқароқ сураверган. Зотан, тасаввуф фалсафаси инсон ақлий камолотининг олий даражасидан далолат беради.

Ўзбек навоийшунослари “Лисон ут-тайр”ни оммалаштириш, илмий талқин қилишда талай ютуқларни қўлга киритдилар. Марҳум академик Воҳид Зоҳидов “Навоийнинг фалсафий қарашлари” мавзуида докторлик диссертациясини Бокуда ҳимоя қилди (1948), “Шоир

ижодининг қалби” номли ажойиб тадқиқотини эълон қилди. Натан Маллаев “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида бу дostonни олий мактаб талабалари учун таҳлил этди. Бу соҳада жиззахлик профессор Олимжон Жўраев ҳам яхши рисола ёзди. Филология фанлари номзоди Шарафиддин Шарипов “Лисон ут-тайр” юзасидан номзодлик иши ёқлади. Филология фанлари номзоди Шарафиддин Эшонхўжаев “Лисон ут-тайр”нинг илмий-танқидий матнини яратиб, дostonнинг бир оммавий (Алишер Навоий “Асарлар”, 15жилдлик, 11-жилд, “Лисон ут-тайр») ва икки илмий (Алишер Навоий «Мукамал асарлар тўплами», 20 жилдлик, 12-жилд, “Лисон ут-тайр») нашрини амалга оширди. Шарафиддин Шарипов “Лисон ут-тайр”нинг насрий баёнини яратди.

Шундай қилиб, ҳозиргача Ўзбекистонда бир русча нашрини ҳам ҳисобга олганда, “Лисон ут-тайр” беш маротаба нашр этилди. Бу дoston “Ўзбек адабиёти бўстони” туркумида ҳам насрий баёни билан биргаликда мукамал ҳолатда нашр этилган.

Навоий дostonининг яратилишида яна бир диққатга сазовор ҳолат бор: туркий тилдаги барча асарларини Навоий имзоси билан бунёд этган шоир ўзбек тилидаги бу дostonни Фоний таҳаллуси билан зийнатлади. Ҳатто «Бу китобда таҳаллус тағйирининг узри» сарлавҳали боб ҳам бўлиб, унда шундай изоҳловчи байтлар тизилган:

*Чун “Лисон ут-тайр” оғоз айладим,  
Турфа қушлар бирла парвоз айладим.  
Мунда ансаб эрдиким тузгач наво,  
Бўлса назмимға Навоийдин адо –  
Ким наво қушлар тили алҳонидур,  
Дилкаш афғони ҳазин дostonидур.  
Туркий услуб эрди ҳам бу дoston,  
Топқудек эрди Навоийдин нишон.  
Бу рақамда Фоний айларға лақаб,  
Мустамеъ бўлғонга айтермен сабаб.  
Ким бу дафтар назмидин қулли мурод,  
Чунки маржаъ майли эрдию маод.  
Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом,  
Фоний ондин топти назмим ихтимом*

Шу ўринда Фоний таҳаллуси мазмунига тўхталиш ҳам жоиздир: чунки кўпчилик бу сўзнинг луғавий маъноси билан чекланиб, бебақо, ўткинчи, муваққат деб ўйлашади. Ваҳоланки, шоир талқинида бу сўзнинг маъноси беҳад терандир: дostonда қушлар сиймосида назарда тутилган одамлар етти водий – Талаб, Ишқ, Маърифат, Ҳайрат, Истиғно, Тавҳид ва Фано водийларини босиб ўтадилар ва фоний бўладилар, яъни:

*Қилибон Симурғ ўттуз қуш ҳавас,  
Ўзларин қўрдилар ул си мурғу бас.*

Симурғни излаб чиққан қушлар, си мурғ (ўттиз қуш) ўзлари эканликларини билдилар. Одамлар Аллоҳни излаб, етти риёзат босқичини босиб ўтиб, Фанога етганда ўзларининг вужудлари Фано бўлиб, руҳан Аллоҳ билан қовушдилар: Фоний бўлдилар.

Фонийлик Навоий орзуси, фонийлик Аллоҳ ошиғининг босиб ўтажак риёзат босқичида камолот чўққисидир.

Шўролар даврида “Лисон ут-тайр” нашр этилган ва ўрганилган бўлса-да, унинг фалсафий талқинидаги бирёқламалик ва айниқса Фаридиддин Аттор қарашларига адолатсизларча нотўғри муносабат ҳукм сурди. Воҳид Зоҳидов, Натан Маллаев ва Олимжон Жўраев тадқиқотларида Фаридиддин Аттор достонининг фалсафаси мистицизм – таркидунёчилик, Навоий достони фалсафаси эса, пантеизм деб кескин фарқ этирилди. Айни ана шу фикрда Алишер Навоий достонига нисбатан адолатсизлик ҳукм сурди. Бу уларнинг айби эмас эди, албатта. Шўролар тузуми мафкурада ҳам, илмда ҳам услубга “оқ-қора” тарзида қарама-қарши қўйиш амал қилиб келди. Навоий мақталиб, Ҳусайн Бойқаро шаъни топталди; Навоий мақталиб, унинг устози Аттор фалсафасига беписанд муносабат билдирилди. Ваҳоланки, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро бир-бирларига жон фидо қилишга шай бўлган тарихимизнинг буюк сиймолари эдилар... Ҳолбуки Навоий ва Аттор бир фалсафий қараш – тасаввуф куйчилари эдиларки, шу боис ўз асарида шоир Атторни отам дея эъзозлаган эди.

Аттор ҳам, Навоий ҳам одамни гоҳ Аллоҳнинг сояси, гоҳ Аллоҳнинг ўзи талқин этадилар. Аммо шўро даврида олимлар ҳақиқатни айтишдан чўчидилар.

Тасаввуф, оламда Аллоҳдан бошқа нарса йўқ, биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Аллоҳ жилваси, дейди. Яъни, борлиқ Аллоҳдан иборат, жонли-жонсиз мавжудотлар Аллоҳ номли буюк қуёшнинг зарраларидир. Ахир Мавлавий Жалолиддин Румий очиқчасига ҳар биримизга боқиб: “Илоҳий – Сиз! Илоҳий – Сиз!” деб бежиз айтмаган эдилар. Илоҳий зарралар шарафини англаган инсон бошқага нисбатан – Аллоҳ намунаси – заррасига нисбатан ёмонлик қилолмайди; ёмон кўролмайди; озор беролмайди; ўзгани Аллоҳни эъзозлагандай эъзозлаш заруратини англайди. Шундай бўлса эди, ер юзи инсонлар учун жаннатга айланган бўларди. Бу тасаввуф тантанаси демакдир!

Биз Алишер Навоий олдида – бизнинг кимлигимизни рамзий маънода “Лисон ут-тайр”да танитган, “Ҳой, сен Аллоҳ намунасан!” – деган инсонга таъзим этамиз.

*“Ёзувчи” газетаси, 1999 йил 3 февраль*

## ДАҲО АБАДИЯТИ

Миллат қадимийлиги ва аҳолининг кўпсонлигига қараб адабий даҳолар айрим халқ адабиётларида битта, баъзиларида бир нечта бўлади. Масалан, Марказий Осиёда форс-тожик адабиёти адабий даҳоларга бойлиги билан жаҳонга машҳурдир. Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар бир-биридан машҳур адабий зоти олийлардирлар.

Ўзбек ва немис адабиётида гарчи ўзбек адабиёти жуда қадимий ва немис адабиёти ёш бўлса-да, ушбу миллатларда биттадан, биттадан бўлганда ҳам жуда йирик адабий даҳолар борки, улардаги ўхшашлик ҳам қайд этгулик; ҳар иккилари ҳам ўз давлатларининг етакчи устунлари бўлишган. Улар Алишер Навоий ва Йоханн Вольфганг Гётедирлар.

Бизнинг Алишер Навоийимизнинг салобати янада ўзгача. У биргина ўзбек адабиётининггина эмас, балки барча туркий халқларга мансуб адабиётларнинг яккаю-ягона адабий даҳосидир.

Алишер Навоийгача ва ундан кейин, ҳозиргача бирор туркий адабиётда Навоийчалик адабий даҳо туғилмади, етилмади. В. Г. Белинский “Адабий даҳолар тарих саҳнасига жуда сийрак келадилар” деган башоратида ҳақ экан.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихида темурийлар даврида етишган мислсиз адабий даҳо дир. Унинг адабий даҳолигининг далилларига келсак:

– ўтгиздан ортиқ ўлмас бадий, илмий, тарихий асарлар яратди. Унинг ижодий меросининг асосий қисми бизнинг кунларгача эсон-омон етиб келди. Алишер Навоий “Куллиёти” – “Мукамал асарлар тўплами”нинг йигирма жилди бутун туркийлар дунёсида биринчи марта бизда яратилди, нашр этилди.

Алишер Навоий ижодий гултожлари оламга машҳур “Хамса”лардан бири (туркий тилдаги элликка яқин хамсаларнинг энг сараси), “Ҳазойин ул-маоний” – маънолар хазинаси унвонли тўрт йирик девон, “Девони Фоний”, “Лисон ут-тайр” достонидир:

*Тўрт девон бирла назми “Панж ганж”  
Даст берди чекмайин андуху ранж.*

– Алишер Навоий ўзи ҳаётлигидаёк Уйғуристондан то Табрзгача бўлган ҳудудларни забт этганини қайд этган:

*Олибмен таҳти фармонимға осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шерозу Табрз,  
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.*

Ва барча туркий тилда сўзлашувчилар унинг ижодидан баҳраманд эканликлари даъвосини ҳақли равишда қўйган эди:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.*

Бугунги кунга келиб у Мағрибу Машриқни тўла эгаллади. Дунёнинг асосий тилларига таржима этилган Навоий асарлари бунинг бир далили бўлса, иккинчи бир далили Мағриб – Москвада, Машриқ – Токиода Алишер Навоий ҳайкалининг ҳашамат билан қад қўтариб турганидир.

Даҳоликни аввал устозлар эътирофи далиллайди. Саводли ўзбек кишиси борки, Алишер Навоийнинг болалигида яратилган:

*Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш*

байти билан бошланадиган ғазалига устоз Мавлоно Лутфийнинг берган мислсиз баҳоларини эслайди. Бу мақтов Навоий даҳосига улуғ устоз башорати эди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, XIV – XV асрларда Навоийгача икки улкан ижодкорни туркийлар тан олишган. Булар: Имоиддин Насимий ва Мавлоно Лутфийдирлар.

Форс адабиётида Навоий Мавлоно Абдурахмон Жомий эдилар. Устод Жомий Навоий «Хамса»сини ўқиб, ўз олқишларини «Хидадномаи Искандарий» достонида шундай ифода этганлар:

*Сенинг юксак табъинг билан, сўз устоди,  
Қаламингнинг калиди-ла сўз кушоди...  
Сўз юзининг порлоқлиги ўчган эди,  
Хазина ҳам юкин боғлаб кўчган эди.  
Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,  
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.  
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,  
Эй Навоий, лутфинг билан наво топди.*

(Фафур Фулом таржимаси).

Навоий даҳолигини унинг замондошлари, издошлари – салафлари мақтовлари ҳам далиллайди. Шу ўринда тўрт киши томонидан айтилган бир фикрни қайд этамиз. Форс тилида Абдурахмон Жомий, тарихчи Хондамир, шоҳ ва шоир Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳамда ўзбек тилида Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

«Алишербек назари (мисли) йўқ киши эди. Туркий (ўзбек) тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийни бошқа туркигўй шоирлар сафидаги фахрли ўрнига ишора қилиб, бошқа шоирларни ўхшатган – фуқарога, Навоийни хонга ўхшатган эди:

*Эйким, бори назм аҳлига сен хон янглиғ,  
Шеъринг бори шеърларга султон янглиғ.  
Мазмуни ани хатти саводи ичра,  
Зулмат орасида оби ҳайвон янглиғ.*

Навоий ўз даҳосини ўзи ҳам идрок этган ва унинг даъвоси тўғрилигини тарих исботлади:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.  
Жаҳон кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.*

Даҳо ўз даҳолигини бошқа даҳоларга қиёсан исботламоқчи бўлади. Машҳур Низомий Ганжавий – хамсачиликка асос солган даҳо. Яна бир даҳо борки, у ҳам бўлса «Шоҳнома» ижодкори – Абулқосим Фирдавсий.

Алишер Навоийнинг «Фирдавсийнинг ўттиз йилда ёзганини ўттиз ойда ёзаман» деган даъвоси бежиз эмас. Чунки «Шоҳнома»нинг ярмидан кўпроқ ҳажмдаги «Хамса»ни даҳомиз икки ярим йилда ёзгани унинг даъвосида ҳеч ҳам муболаға йўқлигини кўрсатади.

Алишер Навоий даҳо сифатида ўзбек адабиётини ўнга яқин янги жанрлар билан бойитди: форс-тожик ва араб поэтикасидаги образлилик, таъсирчанлик, кўпмаънолилик ҳамда хушжаранглилик яратувчи бадиий санъатларни ўз ижодига олиб кирди ва янги шеърини санъатлар ихтиро этди. Чунончи, форс-тожик адабиётида ўта сийрак қўлланиладиган санъатлардан бири тафреъдир,

Шоир байтда айтилган, кўриниб турган нарсани бу эмас, дея инкор этади-да, мана бу деб унинг ўхшаганига ўқувчини ишонтиришга уринади. Ана шу усул тафреънинг моҳиятидир. Чунончи:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,  
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.*

Биз лолазор ва алвон шафақни кўраётган эдик. Алишер Навоий бизга: «Бу лолазор эмас, менинг тортган оҳимдан жаҳонга ўт кетган; анови алвон шафақ эмас, ўша оҳимдан осмонга ҳам олов туташган, дейди. Адабиёт хоҳ у мумтоз бўлсин ёки ҳозирги замон адабиёти бўлсин, барибир: анъана ва ихтирокорлик (новаторлик) асосида яратилади, тараққий этади.

Биз юқоридаги фикр илдизини Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байтидан топамиз:

*Нест он лолаҳо, ки дар бодияҳо жилвагаранд,  
Куштагонанд, ки зи хок бароварда саранд.*

(Мазмуни: Биёбонлардаги жилваланаётган лолалар эмас, балки сўйилган одамлар бошларини тупроқдан чиқариб турибдилар.)

Алишер Навоий адабий таъсир маъносида Саъдийдаги «Лолалар эмас» деган фикрдан озиқланди. Энди устоз ва Навоий байтлари поэтик тузилишини қиёслайлик: Саъдий Шерозий даштдаги лолаларни инкор йўли билан сўйилган одамлар бошларига ўхшатмоқда. Нисбат бирга бир. Навоийда зса нисбат бирга иккидир: лолазор эмас, дея инкор этиб, икки янги ўхшатиш келтирмоқда: ёнаётган олов ва алвон шафақ. Анъана - олиш ва давом эттириш; ихтирокорлик янгилик киритиш. Навоий лолазорга бошқа икки ташбиҳни келтириб, янгилик яратди.

Ийҳом - энг нозик, энг қийин санъат: бу усул байтга ҳам кўп маънолилик бағишлайди, ҳам китобхонни қойил қолдиради. Ўзбек мумтоз адабиётида бу санъат Мавлоно Лутфий ижодида гуллади, дейиш мумкин. Бироқ Навоий ижодида сархил мевалар берди. Мавлоно Лутфий байтларида бир ёки иккита сўзда лутфкорлик – икки маънода фикр юритиш сезилади. Қуйидаги Навоий байтида битта эмас, иккита эмас, учта ҳам эмас, тўртта сўз ийҳом санъати кўрсаткичи сифатида икки маънода қўлланилган. Демак, байтни саккиз маънода шарҳлаш имкони бордир. Ўша сўзларга аҳамият берайлик:

*«Қўй, рангин, сўрдум, ол».  
Бош қўяй дедим оёғи туфроғига, деди: «Қўй»,  
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: «Ол!».*

Биринчи мисрада йигит қизга: «Изингга юзимни қўяй» дейди. Қиз унга «Қўй» деди. «Қўй» сўзи ҳам «қўйгин», ҳам «қўйма» маъноларида келмоқда: Бир сўзда ҳам тасдиқ, ҳам инкор маъноларини ифодалаш фавқулодда маҳорат ҳисобланади.

Иккинчи мисрада: йигит бўса олмоқчи бўлиб лаблари рангини сўраган; қиз унга: «Ол», яъни қизил, деб жавоб берган; иккинчи маъноси бўса беришга розилиқдир.

Матндаги «рангин» сўзининг биринчи маъноси лабга нисбатан алвон; иккинчи маъноси «тусини, рангини» тарзидадир; «сўрдум» сўзининг икки маъноси: «сўрадим ва сўрдим»...

Даҳоликнинг яна бир далили: тарихан йиллар ўта борган сари ижоди унутилмай, аксинча ўз халқида кўпроқ ўқилиши ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари тилларига таржима қилинишидир. Нега? Чунки даҳоликнинг бу далили ўзагида шундай тушунча ётади: бир миллатда туғилган даҳо бора-бора умумбашарият даҳосига айланиш жараёнини бошдан кечиради. Даҳо ижодига – унинг фикрларига башарият ҳамиша эҳтиёж сезади.

Айтайлик, ҳозирги кунда ўзбек миллати учун Навоийнинг қандай аҳамияти бор? Китобхон Навоий асарларидан фикрий-ҳиссий лаззат олади; эстетик эҳтиёжини қондиради; ошиқлар Навоий сўзлари билан ўз севганларига мурожаат этадилар; кексалар ёшларга Навоийдан ахлоқ сабоқларини берадилар; ёшлар Навоийни ўқиб, чин муҳаббат нима, вафо ва садоқат қандай бўлиши кераклигини ўрганадилар; ота-онага меҳр ва хизмат савобини англайдилар. Гадодан шоҳгача Навоий таълимига миллат аҳли эҳтиёжманддир.

Оддий ва энг муҳим бир савол берайлик:

Эй Ҳазрат Навоий, баркамол одам ким?

У киши бир қитъалари билан жавоб берадилар:

**Тавозеъ** – камтарлик ҳамма учун яхши фазилат. Айниқса улуғлар – бойлар, амалдорлар, раҳбарларга янада кўпроқ ярашади.

**Авф** – бировнинг гуноҳини кечириш – мусулмонлик белгиси, яхши фазилат. Бу ҳам, айниқса, амал-мартаба эгаларига жуда ярашадиган хислат.

**Ҳадя қилиш** (агар миннат қилинмаса) яхши хислат. Бу ҳам кўпроқ, бадавлат ва амал-мансаб эгаларига ярашади.

Ана шу уч хислатни эгаллаган одамни баркамол деса бўлади.

Инсон жаҳонда бахтиёр яшамоғи даркор. Бу – олий орзу. Навоий тушунчасидаги бахтиёрлик: ўзгаларни бахтиёр қилишдир.

Ваҳки, умрим барча зоеъ бўлди эл комил била.

Мазмуни: Мен умримни ўзгаларни бахтиёр этишга сарфладим...

Ниҳоят бир муаммо бор: Нега шунча асрлардан бери Алишер Навоийдай иккинчи бир даҳо дунёга келмаяпти?

Бунга шундай мушоҳада юритамиз: Биз адабий даҳо ва замонамиздаги бармоқ билан санарли шоирлардан бош шоирона фазилатни изласак, ҳофиза бақувватлиги – минглаб шеърларни ёд олиш эканлигига иқрор бўламиз.

Алишер Навоий уч ярим ёшлигида Қосим Анворнинг бир байтини ёдлаб, бошқаларга айтиб берганини эслайди, 8-9 ёшларида Фаридиддин Атторнинг икки юз бетдан ортиқроқ бўлган «Мантиқ ут-тайр» достонини ёд олди. Ўн беш-ўн олти ёшларида ўзининг қайд этишича, эллик минг байт шеърни ёд билган. Бу ҳажм, деярли ўнта китоб деган гап. Ўнта китобни ўн олти ёшли йигитча ёд билса, ундан адабий даҳо чиқади-да...Ўттиз ёшида у ўттизта китобни ёд билади... Биз шуни ҳисобга оламизми?

Афтидан даҳоликка этишнинг бир ишончли йўли шу бўлса керак...

Навоий ёшлигидан улуғ орзу билан яшаган ва муттасил риёзат орқали фавқулудда ақл, қобилият, истеъдод ва ахлоқ эгаси – комил инсон бўлиб этишган.

Мен Алишер Навоий ижодининг бир мухлиси сифатида 7 ёшдан 90 ёштача бўлган миллатдошларимизга Алишер Навоийдан баҳраманд бўлиш бахтини тилайман. Ўттиз ёшида у ўттизта

«Сирдарё ҳақиқати» газетаси,  
2010 йил февраль

## СЎЗ ЖАҲОНГИРИ

Шермуҳаммад Мунис ўз исми шарифининг Алишер Навоий исмига маънодошлиги юзасидан фахрланиб ёзган эди:

*Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдурур:  
Мунисға маони йўлида пирдурур,  
Йўқ ғайрият андин ўзгаким, айтурлар:  
Бу - Шермуҳаммад, у-Алишердурур.*

Сўз Алишер Навоийнинг жаҳонгирлиги хусусида боради. Зотан, даҳомизнинг ўзи бу даъво билан чиққани сир эмас: «Лисон ут-тайр», «Фарҳод ва Ширин» дostonларида бу хусусда хужжатли байтлар сақланган:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.*

(Мен туркий шеърият байроғини кўтариб, туркий тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммасини бир адабий тил остига бирлаштирдим.)

«Лисон ут-тайр»да бу фикрлар изҳори билан чиққан шоир «Фарҳод ва Ширин» дostonида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийнинг жаҳонгирликларини қайд этиб, Низомий Ганжавий хақида:

*Низомий олса Барда бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа, –*

деб ёзади.

*Амир Хусрав Деҳлавий жаҳонгирлиги хусусида эса,  
Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни, –*

дейди. Абдурахмон Жомий музаффарияти тўғрисида

*Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса қўси шавкат, –*

дер экан, ниҳоят, ўз жаҳонгирлигининг ижод қўли остига қайси мамлакатлар киргани хақида ёзадики:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.  
Олибмен тахти фармонимға осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шерозу Табрес  
Ки қилмишдур найи килким шакаррез...*

Юқорида келтирилган байтлар жуғрофиясини тасаввур этсак, Хито – Шарқий Туркистондан Табрэзгача яшаган туркий элатлар юзтами, мингтами Алишер Навоий ижоди таъсирида бўлган экан...

XX асрда Навоий асарлари жаҳондаги цивилизациялашган мамлакатларнинг ҳаммасига бориб етди десак муболаға бўлмас. Бироқ бу «бориб етиш хабар тариқасида эди, ижодий забткорлик маъносида эмас. XIX асрдаёқ Ҳофиз Европанинг Франция, Германия, Англия каби мамлакатлари шоирлари қалбига ўз ижодий байроғини тиклаб улгурди. Йохани Вольфганг Гёте форсий тилда шеър битган жаҳоншумул етти шоирни санайди: Рудакий, Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Абдурахмон Жомий...

Алишер Навоий жаҳонгирлиги, ҳозирги адабий таъсир ва таржима маъносида фикр юритадиган бўлсак, энди чинакам бўлиши мумкин. Бунинг учун нима қилмок керак?

Дарвоқе, аввал гапни ўзимиздан бошлайлик. Ўзбекистонда Алишер Навоийни ўқийдиларми? Нега Эркин Воҳидовдек Қахрамон шоиримиз «Навоийни адабиётшунос олимлар тушунмайдилар» деб қайғуради ва шоирона жаранг билан:

*Ўзбек Навоийни ўқимай кўйса,  
Дод демоққа палла бўлгани шудир.  
Маърифатдан айру ўйнаса, қулса,  
Аза чоғи, ялла бўлгани шудир.  
Ўзбек Навоийни ўқимай кўйса,  
Алдангани, алла бўлгани шудир.  
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,  
Пайтаванинг салла бўлгани шудир,*

дея фиғон чекади?

Бундай юзаки қараганда, Алишер Навоий руҳи Ўзбекистонни тўла забт этгандек: мактаблар, музейлар, жамоа хўжаликлари, илмий институтлар даҳо шоиримиз номида. Ўзбекистонда «Мен Навоийни ўқимаганман», деган ўзбек топилмайди. Қандай яхши! Аслида шундайми?

Ўзбекистонда ҳамма Навоийни ўқиган, деган тушунчанинг мазмуни шуки, ўзбек ўқувчиси мактабда уч-тўрт синфда Навоийнинг беш-ўнта шеърини ўрганган, дostonларидан икки-уч боб намуна кўрган, “Фарҳод ва Ширин”нинг мазмуни билан дарслик орқали ташишган. Мана шу – ўзбек халқининг Навоийни билиши! Боғчадан, олий мактабгача Алишер Навоийнинг ижод гулдастаси – йиғса бир китоб бўладиган мероси амал қилади...

Ватанимизда Навоий ижоди билан нафас оладиган юзга яқин олим ва ёшлар топилади, десам муболаға бўлмас. Мен ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги ўттиз йиллик тажрибамдан, Ўзбекистоннинг барча туманларидаги адабиёт ўқитувчилари билан чиқарган хулосам шуки, ўқитувчилар ҳам Навоийни ўқимайдилар (истисно юз фоиздан 0,01 фоиз бўлиши мумкин). Ана шу истисно фоизда Алишер Навоий ғазалларидан уч-тўртта ёд биладиган, унинг дostonларидан уч-тўрттасининг насрий баёнини ўқиган ўқитувчилар бор, холос.

Ҳаммининг узри битта: Навоий асарлари тили – эски, қийин. Уни ўрганиш учун ким энди ҳар бир сўзга битталаб луғат варақлайди?

Яхшиямки, кейинги ўттиз йилликда «Хамса» дostonлари, «Лисон ут-тайр» маснавийси ва «Маҳбуб ул-қулуб»нинг насрий баёнлари – ҳозирги тилдаги талқинлари яратилди. Бунда профессор Абдуқодир Ҳайитметов, академик шоиримиз Фафур Фулом, Амин Умарий, Шарифжон Ҳусайнзода, Шарафиддин Шарипов, Наим Норқулов, Иноятулла Махсумовларнинг адабий хизматлари бор. Алишер Навоий ғазалларининг бир қатор олим ва шоирлар томонидан бажарилган шарҳлари ҳам газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинмоқда. Бироқ булар Ўзбекистонда Навоийнинг жаҳонгирлиги учун ҳали кам... Фикримча агар Алишер Навоийни маънавийтимиз маёғи сифатида кадрлар эканмиз, **Навоий асарларининг ҳаммасини ўз жанрида ҳозирги тилга табдил – таржимасимон талқинини яратмоғимиз шарт.**

Ўзбекистон Навоий билан яшамоғи, у билан нафас олмоғи керак. Навоий Ўзбекистон ҳавосини тозалайдиган, руҳини яшартирадиган, халқини баркамол эта оладиган БУЮКЛИКДИР!

Навоийни элга тақдим қилмоқдан мақсад: Навоийнинг эзгу фикрларидан ўзбекни баҳраманд этиш, умумбашарий ғояларидан воқиф қилиш, ўзбек ёшларини баркамол авлод даражасига кўтариш учун маънавий озик сифатида Навоийни тарғиб этишдир.

Навоий асарларини табдил қилиш – ўзбек тилига таржима этишдек эриш туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Масалан, уйғур тилидан ўзбек тилига бадий таржима қилиш Навоийни ўзбек тилига «таржима этишдан осонроқ...

Алишер Навоий асарларини тушуниш қийин. Биргина мисол келтирай. 9-синф учун янги ажойиб ва яхши “Адабиёт” дарслиги ёзилди. Навоийнинг;

*Най туз учун истар ани аҳли ҳол,  
Чун туз эмас, эгри кўрар гўшмол –*

байти қуйидагича талқин этилган: “Най тўғри бўлгани учун уни сўфийлар яхши кўрадилар. Эгри бўлганида танбеҳ олар, қулоғи буралар эди».

Биринчи мисра талқини – тўғри. Иккинчи мисра талқини – шубҳали. “Тўғри бўлмагани учун эгрининг қулоғи буралади» десак, яна хато бўлади. Нега? Чунки «бу мисра талқини тўғри!», деб туриб олсак, Ҳазрат Навоий: «Чангим йўқолди, сандаму?», деб атрофга аланглайдилар... Зотан, байтдаги «чанг» мусиқий асбоби йўқолиб қолган. Навоий «эгри» сўзи билан сўз ўйини қилган. Чунки “эгри” – “чанг” дир...

Демак, иккинчи мисра талқини бундай бўлади: «Чанг тўғри бўлмагани учун унинг қулоғини бурайдилар». Таассуфки, биз – олимлар биргина тушунча билан яшаймиз: «Навоий асарларини ўз ҳолича нашр этиш лозим. Унга луғат китоби бериш керак. Ўқувчи ўзи луғат орқали ўқиб маза қилсин! Навоийга дахл этиш – гуноҳи азим!» деймиз.

Тўғри, Навоий асарлари мумтоз оҳанглар каби инжа, нозик, асал каби тотли. Қани энди ўша орзумиз амалга ошса эди... Бироқ ўша имконият йўқ; бундан ким зарар кўради? Халқ. Бор асални еяолмасак (Навоийни тушунолмасак), унинг қайта ишлангани – табдил – шакарни истеъмол қилиб турайлик ахир. Бусиз ширинликдан маҳрум қоламиз-ку? Навоий ижоди мусиқаси, майинлиги, маъноларининг хилма-хил товланиши, шеърий санъатларнинг олмосдек минг турли жилоси шоир тилини тушуна оладиган йирик олимгагина насиб этадиган қутлуғ насибадир. Бу насибага анча-мунча олимлар ҳам даъво қилишдан ийма-

надилар... Демак, Навоийнинг бошқа насибахўрлари Навоий дастурхонидаги асал эмас, шакардан баҳраманд бўлиб турсалар нимаси ёмон?

Низомий асарларини аслича тушунмайдиган озарбайжон халқи ҳозирги тилдаги таржимада ўқиш билан қониқади-ку, ахир! Шунинг учун Навоийни тушуниш даражасига халқни етказишдек муқаддас орзуга етишиш ҳозирча имконсиз экан, демак, Навоийни ҳозирги ўзбек тушуна оладиган даражага “қуйилатмок” зарурати бор. Бу эса: шоир ва адиб Навоийнинг барча асарларини ҳозирги ўзбек адабий тилида ўз жанрида табдил қилишдир. Тўғри, шоирнинг юзлаб шеърларини луғат билан ўрганиш имконияти ҳамisha сақланади.

Бу таклиф амалда исботланган: «Хамса» дostonлари табдили –бунинг исботи. Бироқ бу илк қадам эди. Энди, менингча, дoston жанрини тиклаб табдил қилиш босқичига келдик... Алишер Навоий фикрларини ҳозирги шоирларимиз иқтидорлари, ҳозирги ўзбек адабий тили хазинаси билан тўла ифодалаш имконияти бор. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ҳайрат ул-аброр”ларни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол ижодий талқинларида ўқиш бахти ўзбек халқига насиб этсин. Навоий ғазалларининг асосий қисмини ҳам ана шу йўсинда – ғазал ҳолида табдиллаштирмак керак, токи Навоий Ўзбекистонни чинакам эгалласин...

Навоий жаҳонни қандай эгаллайди? Бунинг олимларимиз, таржимон шоирларимиз қилдилар. Олимларимиз Навоийнинг ҳар бир ғазали ҳақида биттадан китоб ёза олсалар, нур устига нур бўларди. “Қаро қўзум” ғазали ҳақида бир китоб ёзса бўлмайдими? Чунончи, мен шу ғазалнинг матлаъи устида бош қотирдим-у, биргина бадиияти нуқтаи назаридан кузатишларим бир дафтар бўлди. Яъни қисқача қилиб айтсам:

*Қаро қўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил -*

байтидан ўнта бадиий санъат топдим. Булар: нидо, сифатлаш, илтифот, тарди акс, тажнис, ийҳом, иштиқор, ташбих, амр, мураддаф...

Алишер Навоийни кашф этиш бошланган. Бу ҳол ривож топмоғи даркор. Бунинг учун маблағ сарфлаш керак, грантлар олиш керак...

Навоий асарларининг инглиз, немис, француз ва бошқа тилларга бадиий юксак савиядаги таржималарини яратиш даркор. Бунга чет эл шоирлари, адибларини ҳам жалб қилиш лозим. Бусиз Навоий жаҳонни забт этолмайди...

Алишер Навоийнинг жаҳонгирлиги ўзбек миллатининг маънавий жаҳонгирлигидир.

*ЎзАС 2003 йил, 7 февраль, № 6 (3690)*

## ЖАВОҲИРЛАР ШОДАСИ

Мумтоз адабиётда анъанавийлик жуда кучли ва тажид (новаторлик) сезиларлидир. Бирор шоҳ байт ёки шоҳ ғазал яратилгудек бўлса, жуда кўп шоирлар ўша мавзу, ўша вазн, ўша радиф ва қофияда унга назира (ўхшатма) ёзишга ҳаракат қилганлар. Масалан, назира-ғазалларнинг фақат матлаъларини – бошбайтларини ёнма-ён тизганимизда ҳам ўхшашлик яққолу, фикрий оҳорлар ўзгача эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек мумтоз адабиётининг даҳо вакили Алишер Навоийнинг ижоди ўз даври ва кейинги асрлар шоирлари учун намуна мактаби бўлиб хизмат қилгани ҳаммага аён ҳол. Чунончи, Алишер Навоийнинг қуйидаги ғазали Ҳирот ва теварак-атрофда шунчалик машҳур бўлиб кетганки, унга ўндан ортиқ шоир ва шоиралар назира – ўхшатмалар ёзишган. Мана, ўша ғазал:

*Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр оллида,  
Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор оллида?!*

*Ул кўз оллида ҳалоким десалар, йўқ бок ҳеч,  
Гарчи ўлмакдин демак йўқ шарт бемор оллида.*

*Не жафокашмен кўрунгим, бор анга қилмоқ жафо,  
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида.*

*Кўзларинг қоним ғизо қилсун агар ёлғон десам,  
Бир қошуқ қоним биҳил ул икки хунхор оллида.*

*Май берур бўлсанг манга дайр ичра бер, эй муғбача,  
Ким қўяй бошимни қўйсам пири хаммор оллида.*

*Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,  
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.*

Қизиғи шундаки, ўша даврларда темурийлар ва шайбонийлар ихтилофлари, тўқнашувлари бошланган ва кейинчалик бу зиддиятлар шайбонийлар томонидан темурийлар салтанатининг қулатилиши билан ниҳоясига етган бўлса-да, ушбу ғазалга темурийлар жонбозлари ҳам, шайбонийлар ҳукмдорлари ҳам баб-баравар меҳр кўрсатиб, назиралар битишган.

Алишер Навоий замондошларидан Амир Рустам Али ибни Қосимий, Амирбек Ямғурчининг ўғли Валибек, Мавлоно Шавқий Чечактуий, Ҳиротда ижоди шаклланиб отаси қасосини олиш учун Шайбоний томонига ўтган амир Муҳаммад Солиҳ, Убайдуллоҳхон, Шайбонийхоннинг хотини - Мўғулхоним- шулар жумласидандир.

Алишер Навоийнинг кенжа замондоши Фаҳри Ҳиравий (Ҳиротий) “Жавоҳир ул-ажойиб” номли тазкирасида Навоий ғазалига назиралар силсиласини қуйидагича изоҳлайди:

“Убайдхон Амир Алишер (Навоий)га татаббуъ қилган:

*Бир-бир айтинг, дўстлар, дардимни дилдор оллида,  
Айтиб-айтиб йиғлангиз, зинҳор-зинҳор оллида.*

Убайдхоннинг ушбу матлаъига маҳди улё Мўғулхоним (Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳарамии, Муҳаммад Раҳим Султоннинг волидаси эди) жавоб айтган:

*Демаким, дардингни изҳор айла дилдор оллида,  
Қайси бир дардимни изҳор айлайн ёр оллида.*

Бу аёлнинг таърифига шу фикр етарлидир: у ўз замонида аёллар ўртасида ақлу фаросатда тенгсиз эди, унинг табъи шеърият жавоҳири билан зийнатланган эди ва гоҳо ундан шеър зоҳир бўларди”.

Фаҳри Ҳиравийнинг ушбу маълумотларини Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий” китобидаги маълумотлар билан аниқлаштириш ва мукамаллаштириш мумкин. Тазкирадан Мўғулхонимнинг аниқ исм-шарифи маълум эмас эди. “Тарихи Рашидий”да муаррих Мўғулхонимнинг мўғул хони Султон Маҳмудхоннинг қизи эканлиги, унинг исми Ойиша Султон хоним эканлиги қайд этган.

Шайбонийхоннинг шу даражада кучайишига имкон ва мадад берган инсон – Тошкент хони Султон Маҳмудхон эди. Шайбонийхонни эш тортиб Мўғулистондан келганида Шайбонийхон Хўжандда хонни беш фарзанди билан қатл эттирди (1509 йил). Қизи Ойиша Султон хонимга уйланди. Отаси ва укаларининг қотили – Шайбонийхонга Мўғулхоним номида шуҳрат қозонган Ойиша Султон хоним вафодор хотин бўлди.

Алишер Навоийнинг ўша ғазалига Муҳаммад Солиҳнинг назирасидан ушбу икки байтни Фаҳри Ҳиравий ўзининг “Жавоҳир ул-ажойиб” тазкирасида келтирган:

*Не кўнгулким қилғомен дардимни изҳор оллида,  
Не кўнгулсизлиғ ғамин айтур кимим бор оллида.*

*Эй сабо, дардимни йиғлаб-йиғлаб айтурман сенға,  
Айтиб-айтиб йиғлағайсен, сен тақи ёр оллида.*

Ҳозиргача Муҳаммад Солиҳ ғазалларидан ўзбек тилида ёзилганидан топилгани шу байтлардир. У ҳам бўлса, Навоий ғазалига назирадир.

Навоий замондошларидан Амир Рустам Али ибн Қосим туркигўй ҳам даҳо шоиримиз ғазалига шундай жўровозлик қилган:

*Жон берурда сажда қилдим ул жафокор оллида,  
Шукрки, бошимни қўйдум оқибат ёр оллида.*

Навоий ғазалига назира боғлаган навбатдаги шоир чечактулик Мавлоно Шавқийдир. “Мажолис ун-нафоис”да бу киши ҳақида қуйидаги маълумотлар берилди: “Мавлоно Шавқий – Чечактудин бўлур. Ўзи мақбул ва табъи мулойим йигитдур. Аммо димоғиға мутолаа жиҳатидин хиффат юзланиб, анга монии мутолаа бўлубтур. Туркий ва форсийда табъи яхши тасарруф қилур. Бу матлаъ анингдурким:

*Бо ғайр дидамат ба сухан қушт он маро,  
Лабро чу бастии аз сухан осуд жон маро,*

Бу туркча матлаъ ҳам анингдурким:

*Бориб овора кўнглум зулфунг ичра мубтало қолди,  
Тараҳхум қилки, мендин бордию, энди санго қолди”.*

Мавлоно Шавқийнинг Навоий ғазалига жавоб ғазалининг бош байти қуйидагичадир:

*Айладим фарёд ағёр илкидин ёр оллида,  
Шукрим, гаҳ (рози бил) қилдим изҳор оллида.*

Валибек ибни Амирбек Ямғурчи эса, Навоий ғазалига шундай пайравлик – издошлик қилади:

*Ҳажрнинг андуҳидин бошимни ағёр оллида  
Тошқа урдумким, нечун бош қўймадим ёр оллида.*

Ҳозирги бир ғазалга жавобия тариқасида ёзилган ғазаллар матлаъларини ўзаро қиёслаб боқсак кичик жанрдаги шеърлар соҳасидаги пайравлик моҳиятини аниқроқ тасаввур этиш мумкин. Юзаки қараганда, бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш сўзлар, фикрлар муштараклиги сезилади. Ҳолбуки, қиёсни чуқурлаштирсак, ҳар бир мисрадаги фикр янгилиги – оҳорлилиги билан ҳисоблашсак, бир шоир навбатдагисини фикран илҳомлантираётганини, издош шоир янги-янги фикр ва туйғулар изҳорига киришганини пайқай оламиз.

*“Маърифат” газетаси, 2001 йил 9 февраль*

### **АЛИШЕР НАВОЙНИНГ БУЮК ИХТИРОСИ**

“Мухтараъ” ва “ихтиро” сўзлари ўзбек мумтоз адабиёти намуналари орасида энг кўп мараба Алишер Навоий асарларида, хусусан “Девони Фоний”да ишлатилгандир. Бунинг боиси шундаки, даҳо шоиримиз форс адабиёти титанлари ва ўз замондошлари ғазалларига бу девонда юздан ортиқ татаббуълар – назиралар ёзган. Мазкур девондаги шеърлар Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Камол Хўжандий, Низомий Ганжавий, Хожа Фармон, Абдураҳмон Жомий, Шоҳи Сабзаворий, Соҳиб Балхий, Амир Шайхим, Суҳайлий, Котибий сингари шоирлар шеърларига гоҳ жавобия, гоҳ эргашиб, гоҳ ўшалар таври (услуби)да яратилгани уқтирилгану, ўз услубидаги шеърларга “мухтараъ” ва “ихтиро” сўзларини қайд этган.

Жавобия шеърларининг кўпи Хожа Ҳофиз ғазалларига бўлгани маълумдир. Шунинг учун бўлса керакки, Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўзининг “Тарихи Рашидий” асарида бу девонини “Хожа Ҳофиз Шерозий девонига жавобия” деб қайд этган.

Бу асардаги “мухтараъ” ва “ихтиро” сўзлари даҳо шоирнинг ўз услуби, баён тарзи, талқин мустақиллиги маъноларида қўлланилган.

Бироқ Алишер Навоийнинг бошқа бир ихтироси – мухтараъси – ўз улуғ кашфиёти борки, бу мутлақо бошқа соҳага дахлдордир. Биз, Навоийнинг ўзи, менинг кашфиётим деб даъво қилган масалани ёритиш учун унинг бу даъво қўйилган ғазалини ҳозирги тилдаги баёни билан аввал мутолаа қиламиз:

*Иззат тамаъ ким айласа, тарк этмайин тамаъ,  
Ул хориққа мужиб эрур. Азза ман қанаъ.*

Иззат-хурмат истаган киши тамагирликдан воз кечмаса, хор бўлади. Чунки “Азизлик – қаноатдадир”, деган ҳадис бор.

*Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш анинг бари,  
Сен бўйла хор тухмин экиб қилиб гул тамаъ.*

Тамагирлик уруғининг ҳосили хорлик экан, сен бундай хорлик уруғини экиб, гул ундираман деб умид қилма.

*Нафсинг ҳалокин- истаю топсанг ани ҳалок,  
Зинҳор мотам аҳли киби қилмағил жазаъ.*

Нафсингни ҳалок қилишни истагин. Бунга – эришсанг, яъни нафсингни ўлдиролсанг, азадорлар каби унинг учун доду фарёд қилма.

*Невчунки, то тирикдурур ул золими лаин,  
Кўнглунггадур ҳалокату жонинггадур важаъ.*

Чунки, то нафс деган лаънати золим тирик экан, кўнглинг ҳалокатга мубтало, жонинг – алам-изтироб чекади.

*Руҳингға сихҳат ўлса малойик бўлур сипоҳ,  
Нафсингға қувват ўлса шаётин бўлур табаъ.*

Руҳинг соғлом бўлса, фаришталар сенга лашкардир. Нафсинг бақувват бўлса, шайтонлар сенга хизматга келадилар.

*Тарк этма узру ажзға кўнгулни солса фисқ,  
Кўйғил риёву ужбға гар бош чекар вараъ.*

(Шайтон измида экансан) бузуқчилик кўнглингга ожизлик ва узрни солса ҳам, унга қулоқ солма. Пок эътиқодлилиқ бош кўтарса, иккиюзламачилиқ ва кибрга мубтало қил.

Бу байтда шоир ахлоқий ва руҳий тубанлик таназзул ботқоғининг даҳшатли қудратини кўрсатмоқда.

*Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийга иқтидо -  
Айланги, бу тариқа анга келди мухтараъ.*

Эй амалдор давлатмандлар, камсуқумлик, камтарлик бобида Навоийга эргашинг. Чунки бу соҳа унинг ихтиросидир.

Даҳо шоиримиз бу ғазалда энг оммавий-ахлоқий вабо – тамагирликка қарши мардонавор қилич қайраб майдонга чиққан. Тамагир нафс занжиридаги йиртқичдир. У оддий фуқородан амалдоргача бир хил тегишли иллат. Бироқ амал-даража юқорилаган сари тамагирлик калтакесаги эчкиэмар ва аждаҳо каби катталашиб бораверади.

Ана шундай фалокатга мубтало киши энди элдан иззат-хурмат кутса – хато қилади, чунки тамагирлик, албатта, кишини эл кўзида хор қилади, тубанлаштиради. Қизиқ-да, тамагир амалдор ёлғондакам иззат-хурмат билан ҳам ўз маънавий-ахлоқий эҳтиёжини бахузур қондириб яшайверади...

Алишер Навоий ғазалда ўз йўсини – фақр маслагини кашф этганини айтади-ю, аслида буни яширин қолдирган. Унда нима бўлади? Навоий нима қилганки, унга амалдор-давлат-мандларни эргашишга чорлайди?

Дунёда тамагир бўлмаган одамларнинг энг сараси Навоий эди... Аниқки, жаҳон халқининг ҳар бир вужуди тамагирлик хасталигига у ёки бу даражада мубталодир. Буни Навоий очиқ айтган:

*Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши.*

Кимдаким тамагирликдан ўз шахсини даволай олган бўлса, унга шон-шарафлар бўлсин:

*Хар қишида бу сифат йўқтур анга бўлгай шараф.*

Навоий ҳар биримизга юзланиб, кўзимизга тик боқиб уқтирадиларки:

*Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,  
Олам аҳли барча бўлгай бир тараф, сен – бир тараф.*

Сиз агар тамагирликдан воз кеча олсангиз, бу – жуда улуғ ишдир: унда бутун жаҳон одамлари бир томон бўладилар, Сиз бир томон бўласиз...

Навоий ихтироси шу холосми? Йўқ, Навоий ўз мол-дунёсининг икки фоизини ўз шахсий эҳтиёжларига сарфлади. Қолган 98 фоиз даромадини элга сочди. Қай йўсинда:

биринчидан, ҳар йили 2000 юпун кишига уст-бош улашди;

иккинчидан, юздан ортиқ бинои хайрлар – элга хизмат қиладиган бинолар, иншоотлар кўрди: шифохона, масжид, мадраса, кўприк, ариқ-каналлар, банд-тўғонлар...;

учинчидан, авомдан олимгача эҳсонлар қилди: маблағ билан ҳовли-жойгача ҳадялар этди.

Сарф мақсади эл маъмурлиги-тўқлиги, илм-фан, санъат ривожи, мамлакат-шаҳарлар кўрки учун эди.

Элга қилинган яхшилик – моддий-маънавий эҳсонларнинг ҳаммаси Аллоҳ розилиги учун қилинади ва бундан-да улуғроқ савоб бўлмайди. Шунинг учун шоир кўпроқ амалдорларга мурожаат этиб, уларни камтарликка, ҳаёлиликка, кечиримлиликка ва энг муҳими тамагирликдан тийилиб саховатга – элга моддий кўмак беришга чорлади.

*Қани Ҳотам қани Қорун, қани Жамшиду Афридун?  
Бас, эҳсон қил, сенга гардундин андо эътибор ўлгач.*

Ҳотам, Қорун, Жамшид, Афридундан бадавлат улуғлар қани? Фалак сенга озгина имтиёз – давлат берган экан, сен элга эҳсон қилгин.

Алишер Навоий даҳосидан тўла баҳрамандлик – зиёлилар ва чинакам мухлисларга на-сиб этадиган улуғ бахтдир. Унинг “кашфиётим” деб алоҳида эслатгани: тамагирликдан ҳазар қилиб элга моддий-маънавий эҳсон қилиш зарурати ҳақидаги таълимотидан барча баҳраманд бўладилар.

Ўз замонида Алишер Навоийнинг орзубоп шахсидан ҳам камчилик излашган ва “топиш-ган”: буни жиззакилик, деб ҳисоблашган. Бироқ чуқур ўйлаб қарашса, бу нуқсон унинг олий фазилати илдизидан келиб чиққан экан. Шоир: “Элга эҳсон қилиш – Аллоҳга банданинг шукронаси-ку? Нега шуни кўпчилик, айниқса, амалдорлар, давлатмандлар тушунмай-дилар?!” деб жиғибийрон бўлар экан...

Биз агар Навоий ворислари бўлсак, улуғ маънавий дарғамиз, комил инсон Алишер Навоий руҳи ҳурмати шоир кашфиётини тушунсак ва унга имкон қадар амал қилсак У биздан рози бўлади.

### МИЛЛАТ ҚОНИ ВА ЖОНИ, УНИНГ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАДИР

Сухбатдошимиз – Ваҳоб Раҳмонов, филология фанлари номзоди, доцент. Гулистон давлат университети талабаларининг устози. “Ўзбек адабиёти” (8-синф учун дарслик мажмуа ) китобининг муаллифларидан бири. У киши муаллифлигидаги китоблар: “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат”, “Шеър санъатлари” (1972, 2001); домла нашрга таёрлаган китоблар: Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”, Машраб “Девон”и, Аваз “Сайланма”; Ваҳоб Раҳмонов юзга яқин китобларнинг масъул ва мах-сус муҳаррири, тақризчиси, юзлаб илмий мақолалар ижодкори.

**- Ваҳоб ака, сиз тажрибали матншуносиз. Матнларни аёвсиз танқид қиласиз... Наҳотки улар шунчалик танқидга лойиқ бўлса?**

- Сиз менинг оппонентларим тили билан гапиряпсиз. Нашрга тайёрловчилар матн маз-мунини идрок этолмасалар, матнни эски ёзувдан бузиб кўчирсалар; ҳар бир китобда юз-лаб хатолар учраса, мен дод демай, ким дод десин? Балки сиз улуғ олимларимиздай менга тасалли берарсиз: “Қайғурманг, домла. Биринчи нашрида бузилса, кейинги нашрида ту-залар” деб... Йўқ, биринчи ғишт эгри қўйилдими - тамом. Масалан, Навоийнинг қуйидаги бузуқ байти икки асрдан буён китоблардан китобларга ўтиб келмоқда:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул Султон Ҳусайн – Топтинг элдинким, тиларсен эмди сул-тондин вафо?!

Ҳатто Омон Мухтордан зукко адибимиз ана шу нуқсон қурбони бўлди. У киши Алишер Навоий ҳақида ёзган “Аҳли ишқ” романида ўқувчига, мана Ҳусайн –Топтинг элдинким, ти-ларсен эмди султондин вафо?! У киши Алишер Навоий ҳақида ёзган “Аҳли ишқ” романида ўқувчига, мана Ҳусайн Бойқарога Навоий қандай муносабатда эди, деган маънода Навоий-нинг юқоридаги “ўз” байтини келтирган.

Ўша байт мазмунига боқсак, муаллиф шоир Ҳусайн Бойқарони очиқчасига вафосиз деб ҳақорат қилмоқда... Бунга нима дейсиз? Бу усул Алишер Навоий руҳини қақшатиш эмасми? Ҳолбуки шоир ёзган эди:

*Эй Навоий гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,*

*Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?*

**- Сизнинг 1972 йилда эълон қилган “Шеър санъатлари” номли қўлланмангиз ўқитувчилар учун кейинги ўттиз йилда асосий қўлланма бўлди. Шеър санъатларини мактабга киритишнинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?**

- Бадиий адабиётнинг барча замонлардаги маҳсулларида таъсирчанлик яратувчи омиллар бадиий санъатлар бўлади. Буларнинг дарсликка киритилгани, яхши. Бу, адабиётнинг назарий соҳаси, албатта. “Назария бадиий адабиёт ўқувчисига нега керак?” деб савол қўййлик ва мен жавоб берай.

Бадиий санъатлар илми – “Илми саноеъ”, Шарқ адабиётшунослиги илмидир. У биз ўрганган ғарб адабиётшунослик илмидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади: Европа адабиётшунослиги олимгагина керак: таҳлил учун. Илми саноеъ эса ўқувчи, шоир ва олимга бирдай зарур. Чунки ўқувчи ўрганса, теранроқ таҳлил қилишга ўрганади.

Ўқитувчи шеър санъатларини ўргатса, ўқувчида қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ортади. У мумтоз адабиёт савиясига қойил қолади. Мана бир мисол: Шермуҳаммад Муниснинг қуйидаги байтида ўн тўртта бадиий восита иштирок этган:

*Кўз қаро қилма ғайр қониға,  
Қоним ич қона –қона, эй қаро қўз.*

Бадиий санъатларни изоҳлаб санайман:

биринчиси: байт “кўз” сўзи билан бошланиб, шу сўз такрори билан яқунлангани учун тасдир санъати бўлади;

иккинчиси: биринчи мисра охиридаги “қон” сўзи иккинчи мисрани бошлаб такрорланмоқда – тасбе санъати;

учинчиси: биринчи мисрадаги “кўз қаро” сўзлари ўрин алмашиб иккинчи мисрада “қаро қўз” тарзида такрорланмоқда: тарди акс санъати;

тўртинчиси: “кўз қаро қилмоқ” - ибора қўлланганки, бунинг маъноси: бировнинг жонига қасд қилишдир. Байтда ибора қўлланилса– таъбир санъати бўлади;

бешинчиси: бир сўз ёнма-ён чизиқча орқали такрорланса, масалан, “қона-қона” сўзларида мукаррар санъати бўлади;

олтинчиси: “қоним ич қона-қона” сўзларида муболаға санъати бор;

еттинчиси: байтда “қ” товуши такрори кўп бўлгани учун тавзий санъати қатнашган;

саккизинчиси: поэтикада бирор жисм ёки кишининг бир қисми айтилиб бутунлик назарда тутилса: синекдоха санъати бўлади. “Қора қўз”, яъни қора кўзли қиз назарда тутилмоқда.

тўққизинчиси: “Эй қора қўз” ундалмаси бировга нисбатан хитоб, мурожаатни билдиргани учун нидо санъати деймиз;

ўнинчи: “қора қўз” бирикмасида сифатлаш бор;

ўн биринчи: байтдаги бирор сўз ёки бирикмаси бошқа сўзларга нисбатан қаттиқроқ товушда айтилса илтифот санъати бўлади: “эй қора кўз!”;

ўн иккинчи: “қон” ва “қона” сўзлари нисбатида тажниси зойид бор;

ўн учинчи: байт мазмунида бировга бирор нарса буюрилса – амр санъати бўладики, бу мазмундан сезилиб турибди;

ўн тўртинчиси: байтда бировни бирор хатти-ҳаракатдан тийиш, қайтариш ёки ман этиш мазмуни бўлса наҳй санъати бўлади...

Бунақа санъатпардозликни қайси ўқитувчи, қайси шоирдан кўрсатиб бера олади? Буни ўқувчи тингласа, идрок этса, Мунис маҳоратига қойил қолмайдими?

Ўтган йили “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг Алишер Навоийга бағишланган сонидида шоирнинг “Қаро кўзум” ғазали матлабидан – бир байтдан ўнта бадиий санъат кўрсатган эдим... Саккизинчи синфга дарс ўтадиган ўқитувчи шуни ўқувчиларга тушунтиролса қандай яхши бўларди...

Сизни нималар хафа қилади?

Кўп шоир ва олимларимизнинг мумтоз адабиётимиздан кам баҳрамандлиги ва халқимизнинг ўзбек мумтоз адабиётидай буюк хазинадан беҳабарлиги хафа қилади.

Айрим шоирларимиз шакл ва мазмун излаб жаҳон шеърятини ғалвирдан ўтказадилару, ўз ёмбиларига – мумтоз адабиётимизга қайрилиб қарамайдилар?.. Уларнинг назарида мумтоз адабиёт археологларга керак бўладиган эл учун қиммати бўлмаган осори атиқа. Оламдаги бирор миллат ўзбек халқи каби мумтоз адабиётдан бебаҳра яшамайди. Ҳатто зиёлиларимиз: олимлар ва филолог ўқитувчиларнинг мумтоз адабиётини ўқийдиганлари бир фоизга етмайди, деб ўкинаман. Бу ҳол, менинг қисқа ўйимча, қадриятларга юз бураётган бир даврдаги катта маданий нуқсонларимиздир.

Барча синфларда ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишга йўналтирилган адабиёт дарси бўлмоғи керак. Эски ўзбек тилини ўқувчи ўрганса: тилимиз бойлиги Навоий тилидан ҳам бойроқ бир адабий тилга айланадики, миллат қони ва жони унинг тили, адабиётидир.

Айрим олимларимиздан кўнглим тўлмагани: мумтоз адабиётимиз мутахассислари форс-тожик адабиётини мукамал билмайдилар. Бу жуда хижолатли ҳол. Негаки, айрим жанрлар ва дostonлар сюжети ўша адабиёт таъсирида экан, биз асл илдизларимиздан бирига боқмасак қандоқ бўлади?

- “Маърифат” ўқувчиларига тилагингиз?

- Умр бўйи маънавий камолот ҳосил қилишдан толмангиз. Бу эса, жуда осон: маза қилиб бадиий асар ўқинг ва ёққанларини ёдланг.

*Хусан НИШОНОВ суҳбатлашди.*

*“Маърифат” газетаси, 2003 йил, 25 июнь*

## НУКТАДОНЛИК САНЪАТИ

Китоб ўқишнинг, китобхонликнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, ёзамиз. Бироқ китобхонлик маданияти, хусусан, мумтоз шеърятимиздан чинакамига лаззатланиш бахтига барчамиз бирдай муяссар бўла оляпмиз, деб айтолмаймиз.

Зеро, мумтоз шеърятимиздан бадиий-эстетик завқ олиш китобдан, аввало, ҳар бир байтни тушуниб ўқиш, “қийин” сўзлар маъносини аниқлаб, сўнгра ғазал таҳлилига киришишни талаб этади. Бу жараёнда, шунингдек, байтнинг заҳирий-дунёвий мазмунини тушуниш, нуктасини аниқлаб олиш лозим. Нукта – янги фикрий кашфиёт, демакдир. Яъни бир ҳаётий хулоса, оҳорли ўхшатиш ёки истиора, кутилмаган муболаға, мақол ва матал воситасида фикрни жонлантириш, фавқулодда янги фикр айтиш нукта бўлиши мумкин.

Қолаверса, байтдаги бадий тасвир воситалари: маънавий, лафзий ва ҳарфий санъатлар иштирокини аниқлаш, уларнинг кўпмаънолик, таъсирчанлик хусусиятларини ҳис этиш лозим. Байтларнинг ботиний-тасаввуфий мазмунини идрок этиш, байт ғазалда воқеабандликка тобеми ёки мустақилми, байт нукталими, нуктасизми – буларни билиш, ўрганиш китобхонда нуктадонлик – фикрий кашфиётларни идрок этиш қобилиятини шакллантиради.

Ўқувчилар бобурийларнинг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ Зафар ҳақидаги кинофильмнинг бир лавҳасини эслашса керак. Унда Баҳодиршоҳ ғазал ўқиётганида ҳар бир байтдан сўнг бир муддат тўхтайтиди. Тингловчилар бир овоздан уни “Ваҳ! Ваҳ! Ваҳ!”, дея олқишлайдилар, яъни байт мазмунини ва ундаги оҳорли фикрий кашфиётга – нуктага қойил бўлмаганликларини шу тариқа изҳор этадилар.

Мен олимлар, шоирлар, талабалар ва ўқувчиларимизга мумтоз шеъриятимиз намуналаридан ана шундай лаззатланиш одати ёр бўлишини орзу қиламан. Чунки ғазалнинг ҳар бир байтида ҳаётининг бир фалсафий фикр, жозиб бир туйғу, кўнгилдаги руҳий тугуннинг ажиб ифодаси ёки ечим, кучли ахлоқий-таълимий фикр лўнда талқин этилган.

Ушбу мулоҳазаларни ёзишга ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Сайфиддин Сайфуллоҳ нашрга тайёрлаган мумтоз шоиримиз Атоийнинг “Девон”и (“Фан” нашриёти, 2008) туртки берди. С.Сайфуллоҳ “Девон”га сўзбоши ёзган, уни луғат ва изоҳлар билан таъминлаган.

Ҳазрат Алишер Навоий Мавлоно Атоийнинг қуйидаги бир ғазалини ўқиб, бежиз “Ваҳ! Ваҳ!”, деб юбормаганлар-да, ахир:

*Ул санамким, сув яқосинда паритек ултурур,  
Ғояти нозиклигини сув била ютса бўлур.*

Қаранг, қандай ажойиб жозибали манзара, сеҳрли шоирона талқин ва халқона ўткир ўринли ифода! Бир байтдаги, тўғрироғи, шоҳбайтдаги шоир маҳоратига тан бермай илож йўқ. Ўша ғазалнинг навбатдаги байтига келсак:

*То магарким, Салсабил обина жавлони қила,  
Келди жаннат равзасиндин оби Кавсар сори ҳур.*

Мазмуни: афтидан, жаннат боғидан чиққан ҳур Салсабил булоғида чўмилиб олиб, Кавсар ҳовузи қирғоғига келганга ўхшайди.

Гўзалнинг поклиги ана шу байтда ажойиб ташбеҳ воситасида китобхонга етказилган. Ўқувчи, шоирга унинг маҳоратига лол қоладики, Атоийи ҳурни жаннат боғидан чиқариб, Салсабил булоғига чўмилтириб, Кавсар ҳовузи қирғоғида намоийш этмоқда.

Киши пок бўлиши учун қўлларини сув билан ювиб тозалайди. Атоийига тасаннолар айтиликки, ўша ғазалдаги санам қўлини тозалаш учун эмас, балки сувни поклаш, тозалаш учун қўли билан ювади!

*Ул иликким, сувдин ориқтур, ювмас они сувда,  
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.*

Мазмуни: унинг қўли сувдан тозадир. Шунинг учун у қўлини сувда ювмайди, балки сув пок бўлсин, дея уни қўли билан ювади.

Бундай талқиндаги фикрий кашфиётдан ким ҳам ҳайратга тушмайди дейсиз?! Мазкур шоҳбайт мазмунини идрок этолган одам, ҳеч бир шоир ёки мутафаккир ҳануз айта олмаган ушбу янги фикр қимматини баҳолай оладиган инсон ўн маротаба “Ваҳ! Ваҳ!”, деса ҳам арзийди.

Қайд этилган уч байтдаги қизлар тимсолини эслайлик. Биринчи байтда чиройли санамнинг дарё бўйида ўтирганини кўрдик. Иккинчи байтда эса, жаннат боғидан чиққан хур Кавсар ҳовузи ёнига келди. Учинчи байтда у сувни поклаш учун қўл ювмоқда. Тўртинчи байтда сеҳргар шоир аввалги байтлардаги қиз ва ҳурни энди сув қизига айлантирди:

*Энди билдим рост эрмиш, балки кўрдум кўз била,  
Улки дерлар сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.*

Мазмуни: энди билдим, ҳатто ўз кўзим билан кўрдим, “Сув қизи гоҳ-гоҳ кўзга кўринади”, деганлари рост экан!

Мутафаккир шоирнинг ўзини соддага олиб: “Энди билдим”, ҳатто “ўз кўзим билан кўрдим!”, дейишининг ўзи бир ажиб санъат! Ҳар бир байтдаги туркона содалик, шоирона сеҳргарлик ва мутафаккирона кашфиётчилик тантаналари бутун ғазал давомида кузатилади.

Ғазал мақтаъи – хулоса байтда маъшуқа тимсоли тамоман дунёвийлашиб, лирик қаҳрамоннинг севгисига айланади ва унга иккинчи шахс сифатида мурожаат этилади:

*Қошларинг ёсин Атойи кўргали ҳусун ичра тоқ,  
Субҳидам меҳробларда сурайи “Ёсин” ўқур.*

Мазмуни: камондан қошларингнинг ҳуснда ягоналигини кўриб, Атойи тонг пайти меҳробда “ЁСИН”ни ўқийди.

Байт мазмунида ифодалаш имкони бўлмаган тажнис санъати мақтаънинг латофати, фикрий кашфиёти – нуктасидир: “Ёсин” – қошларнинг ёйи (камон) демакдир. Кейинги мисрадаги сура номи – “Ёсин” олдинги “ёсин”га шаклдошдир; маънолари эса ҳар хилдир. Китобхон буни идрок этиб, Атойининг юксак маҳорат билан сўзларни жинсдошлаштириши – тажнис санъатини яратишга тан берди.

Аслида шоир халқона “тоқ” сўзини бежиз қўлламаган: “ҳусн ичра тоқ” – ҳуснда энг юксак осмон, деган маънони жойлаб юборганки, бундан “тоқ” сўзи орқали Атойи ийҳом санъатини қўллаганидан воқиф бўламиз.

Атойининг бизни “Ваҳ! Ваҳ!” лашга мажбур этадиган қуйидаги байтида “шаҳбайт” истилоҳи ҳам қатнашган:

*Хатмудур ул юз уза, ё котиби ҳусну жамол,  
Сафҳайи гул узра қилди лутф шаҳбайтин савод.*

Байтнинг идрокини осонлаштириш учун аввал “қийин” сўзларни луғатлар билан таъминлайлик: хат – юқори лабдаги нозик майин туклар; уза – устида; юз уза – юзда; сафҳа

– саҳифа, қоғоз юзи; савод – қора сиёҳ; қилди савод - қоралади, ёзди. Шаҳбайт – шоҳбайт: нукта – фикрий кашфиётли бадий юксак ва ўта таъсирчан ҳамда теран мазмунли байт. Байт мазмуни: унинг юзидаги майин тукларими? Ёки хусн ва жамолни акс эттирувчи котиблар гул япроғига латофат шоҳбайтини ёзганларми?

Албатта, бу қуруқ мазмун баёнида Атойи байтининг тўкис мазмунию ажиб жаранги ва шеърый латофати мўъжизаларини ифодалай олмаймиз. Бироқ, шоирнинг ушбу байтини тўғри идрок этган киши албатта, ҳайратга тушишига имонимиз комилдир.

Мумтоз адабиётни тушунишдай улуг бахт соҳиби Атойининг аксарият байтларини ўқиб, “Ваҳ! Ваҳ!” ламай илож йўқ. Ҳатто жажжи байтда ҳам шоир китобхон идрокини ларзага солади. Тасаввур этайлик: мумтоз адабиётда қиз лаби қизил, алвон рангда талқин этилиши – анъанавий. Шунинг учун у ё қонга ўхшатилади, ё “қон” сўзи иштирокида таносуб санъати яратилиб нуктапардозлик – фикрий кашфиётчилик қилинади.

*Лабинг қоним тўкарга ташналабтур,  
Дами Исою ўлтурмак ажабтур.*

Қонга, бировнинг жонига ташна бўлиш даҳшатини тасаввур этинг. Бу сифат ва туйғу ашаддий қотилларга хосдир. Шоир талқинича, қизнинг лаби ошиқ қонини тўкишга ташна! Қизлик латофатию... ана бу даҳшатли туйғу уйқашлигини қаранг!

Лабларинг нафаси – Исо Масих, яъни қизнинг лабларидан чиқаётган нафаси одамларни тирилтирадиган Исо Масиху... унинг одамни ўлдириши эса... ажабланарли-ку?

Бу байт мазмунидан китобхон нега ҳайратга тушади? Чунки маъшуқа – ошиқнинг жонидир. Жондан севган қизи эса, йигитнинг қонига ташна! Ана шу обихаёт манбаи ошиқни ўлдиришга ошиқмоқда! Шундай даҳшатли қисмат истиқболида бўлса-да, ошиқ: “Жоним сенга қурбон!”, деб ёр бўсағасига бошини қўймоғи шарт. Йигитнинг бу остонадан бошини кўтариши муҳаббат қондасида одобсизлик, вафосизликдир:

*Кўтармак бошни маҳбуб эшикидин,  
Муҳаббат бобида тарки адабтур.*

## ВАҲ! ВАҲ!

Мумтоз шоирларимиз хипча беллик қизлар кўрк-латофатларининг муҳим кўриниши эканлигини инobatга олиб, ёр белини қилга ўхшатишади, форс адабиётида “хипчабел” тусунчаси “мурчамиён” (чумолибел, бели чумоли белидай) сўзи билан ифодаланади. Атойи ёр белига нисбатан мутлақо янги, оҳорли ўхшатиш (ташбеҳ) кашф этади. Ёрнинг ингичка бели хусусида арибел – бели арининг белидай, дейди. Бу ҳам маҳорат соҳасидаги нуктапардозлик – фикрий ихтирокорликдир. Қуйидаги байтни тўрт қисмдан иборат деб қарасак, дастлабки уч қисми анъанавий ташбеҳлар ва муболағадан иборат, тўртинчи қисм новаторлик – тажиддир:

*Санингдек хусн ила ҳуру пари йўқ,  
Лаби қанду асал, бели ари йўқ.*

Ошиқнинг маъшуқага меҳрибонлиги, куюнчаклиги шу даражадаки, у ҳатто: маъшуқа эғнидаги куйлагидан ҳам азият чекмаяптмикан, деб жонсарак. Шоирнинг бу борадаги кашфиётини қарангки, “Ўзгаларнинг этаги куйса, менинг жоним куяди” деган халқ маталини биринчи мисрадаги фикрнинг ўзига бевосита дахлдор қилиб танлай олган. Халқ донишмандлиги маҳсули – фикрий жавоҳир байтга худди узукка ярашиқли кўз бўлиб тушган:

*Пираҳандин бўлмасун деб, ногоҳ озурда танинг,  
Ўзгаларни этаги куйса, куяр жоним манинг.*

Ваҳ! Ваҳ!

Мумтоз адабиёт намуналарининг ҳар бир байтини ана шундай бироз мулоҳазалар чиғиригидан ўтказиб, яъни байт мазмуни, ундаги фикрий кашфиёт – янги нуктани идрок билан илғаб, шоир маҳоратини учқунини сезиб, ҳайратга тушайлик. Бу машғулот қийин эмас. Биз бирор сархил мева ёки таомга нисбатан “Оҳ, оҳ!”, “Ҳай, ҳай!”, деб юборамиз-ку, ахир... Мумтоз адабиётдан баҳраамандлик бахтига муяссар бўлиш, ўрганиш учун мумтоз шоир ғазалини луғат орқали ўқиб, мукамал руҳий-ҳиссий лаззатланиш имкони бор. Бу имконни юзага чиқарайлик.

*ЎзАС 2010 йил, 30 апрель, № 18 (4053)*

### **“ЭМАС ОНСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...”**

Ўзбекистонда навоийшунослик илмида кўзга кўринган фан арбоби Ҳамид Сулаймонов Алишер Навоий ижодини кенг тарғиб қилган адабиётшунослардан бири эди. Бу олим нашрга тайёрлаган “Ҳазойин ул-маоний”нинг тўрттала девони ўз вақтида йирик бичимларда, ўн минг нусхада нашр этилганди. Ҳозиргача адабиётшунослар бу китобларга ҳавас билан боқадилар.

Бу нашр кейинчалик Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлик “Асарлар”ининг 1-4 – жилдлари ҳолида сайланма тарзида, даҳонинг 20 жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”нинг 3-6-жилдларида тўла босилиб чиқди. Устоз ишининг бу якуний нашрини рафиқалари Фозила Сулаймонова жонкуярлик билан амалга оширди.

Яқинда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллик тўйи тадориклари бошланганда Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан шу китобнинг янги нашри масаласи кун тартибига кўйилди. Бу хизматга “Тамаддун” нашриёти ва навоийшунос олим Олимжон Давлатов камарбаста бўлди. Атоқли олим Нажмиддин Комилов илмий назорати остида “Ҳазойин ул-маоний”нинг тўртта китоби йирик бичимларда нашрга тайёрланиб, уч минг уч юз нусхада чоп этилди.

Профессор Ҳамид Сулаймонов нашри асосида девонни луғат ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаган ёш олим ишини биз йигирма жилдлик нашр матнларга қиёсан солиштириб чиқдик ва ёш олим меҳнатидан мамнун бўлдик. Кўнглимизда заковатли Олимжон Давлатовга нисбатан миннатдорлик туйғусини ҳис этдик. Чунки “Ҳазойин ул-маоний”дай лирик қомусни аслиятига мос ҳолатда нашрга тайёрлаш ўта масъулиятли иш. Профессор Ҳамид

Сулаймонов ўзлари раҳбарлик қилаётган институт илмий ходимлари иштирокида тўрт-тала девонни нашрга тайёрлаган, бу ишда машхур матншунос Порсо Шамсиев домланинг ҳам ҳиссалари бор эди.

Янги нашрдаги биз кузатган фазилатлар, жумладан, қуйидагилардир:

Биринчидан Олимжон Давлатов Навоий девонларидаги шеърларни ўз билимига суяниб таҳрир этган ва бунда анча ютуқларга эришган. У олдинги нашрларда зоҳирий мазмуни ҳам юзага чиқмаган, ғайримантиқий фикрлар, мавҳум мисралардан кўпини эпақага келтирган, яъни Навоий аслиятини тиклай олган. Бу нашрнинг муҳим томони мана шунда.

Чунончи, “Бадоеъ ул-васат”да олдинги нашрларда қуйидаги байт шундай босилган эди:

*Ишқ Масиҳ айлади, гарчи бор эди,*

*Илм ашколиға ҳаллол хирад.*

Мазмуни: ишқ мени Исо Масиҳга айлангирди. Ҳолбуки, менинг ақлим илм мушкулликларини ҳал қила оларди.

Кўряпмизки, бунда мантиқ оқсамоқда. Исо Масиҳ ва ишқ алоқадорлиги ҳам шубҳали. Ишқ кишини Мажнун, Фарҳод қилиши мумкин эди, Исо Масиҳ эмас...

Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний”си янги нашрининг учинчи девонида биз бу байтни қуйидагича ўқиймиз:

*Ишқ масх айлади, гарчи бор эди,*

*Илм ашколиға ҳаллол хирад.*

Энди бу байт эпақага келган. Масх – лол, анқов демақдир. Байтнинг бу тарзида мантиқ-фикр йўсини мақсадга мувофиқ.

Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами”нинг 5-жилдидан яна бир байтни янги нашрга қиёслаб кўрайлик:

*Ҳажри заҳри ичканимдинму экин, аё буким,*

*Набиз соқит бўлмишу оғзим эрур бисёр талх –*

Байтидаги “набиз” – кайф берувчи ичимлик шу ўринда хато эди. Янги нашрнинг 116-саҳифасида бу байтни ўқисак, мисралар мазмунидан қониқиш ҳосил қиламиз. Чунки “набз” – қон томири, томир уриши (пульс)дир:

*Ҳажри заҳри ичканимдинму экан, аё буким,*

*Набз соқит бўлмишу оғзим эрур бисёр талх.*

Мана, энди фикр аниқ, ёрқин юзага чиққан.

Йигирма жилдликнинг қайд этилган бешинчи китоби 16-бетида “дунё арусин иқд қил” – дунё келинини шода-шода қилиб уйланавер, деган кўпхотинлик сингари ғайримантиқий фикр бор эди:

*Дема кўп, эй нафским, дунё арусин иқд қил,*

*Уйда бағзидек соғин маккорае бордур манга!*

Янги нашрда нашрга тайёрловчи байтдаги “икд” сўзини, яъни шодани “ақд”, яъни никоҳ билан алмаштириб жуда тўғри иш қилган:

*Дема кўп, эй нафским, дунё арусин ақд қил,  
Уйда баъзидек соғин маккорасе бордур манга.*

Иккинчидан, янги нашрда ношир мумтоз адабиётидаги қўшма сўзлар имлосида ҳам яхши таҳрир ишларини бажарган. Олдинги нашрдаги:

*Гар кўнгил васлидин унга васл сурун истаса,  
Қисм анга ҳижрон сияҳ чолида доим мотам эт –*

байтини ўқиган китобхон “сияҳ чол”ни қора мўйсафид тарзида тушунарди. Олимжон Давлатов бу икки сўзни бир сўз “сияҳчол” (зиндон) тарзида ислоҳ этиб яхши иш қилган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Учинчидан, ҳар бир ғазал, мухаммас, рубоий, қитъа ва фардлар ёзилган саҳифаларда иккитадан йигирматагача эскирган, истеъмолдан чиққан ёки янги маъно касб этган қийин сўзлар луғати берилганки, луғатнинг матндаги байтга берилиши, ўша саҳифанинг ўзида изоҳланиши китобхон учун яхши қулайлик яратган.

Тўртинчидан, нашрга тайёрловчи, арабшунос бўлгани учун сўз, бирикма ва атоқли отлар имлосини ислоҳ этган, уларни луғат ва тегишли изоҳлар билан таъминлаган.

Бешинчидан, шеърлардаги вазн сакталиклари – нуқсонларини бартараф этишда ҳам яхши жонқуярлик кўрсатган.

Устоз Ҳамид Сулаймонов нашрлари билан ушбу янги нашрни мисрама-мисра қиёслаб ўрганган матншунос, албатта, ёш заковатли олим Олимжон Давлатов қаламидан хурсанд бўлади.

Олимлар қизиқиб сўрашар: “бу мақталаётган нашр аъло, нуқсонсиз нашрми?” деб.

Ҳар тўқисда нуқсон бўлади деганларидек, ҳали “Ҳазойин ул-маоний”ни мукамал тарзда нашр этиш учун нашрларимизни энг қадимги қўлёзмаларнинг бир нечтаси билан солиштириб саҳиҳлаштириб бормоғимиз керак. Ушбу нашрда бу иш қилинмаган. Луғат ва изоҳларда ҳам унча-мунча хатолар бор. Чунончи, “жарас” сўзига нашрда “зангула”, деб мавҳум луғат берилган (2-жилд, 226-бет). Уни “кўнғироқ” дейиш керак эди.

Хуллас, “Тамаддун” нашриётининг ушбу қалдирғоч маҳсули йирик “Ҳазойин ул-маоний”дан бошлангани жуда хайрли бўлган. Бу ҳодисани қайд этар эканмиз, ёдимизга 1873-йилги воқеа – Хоразм хони тошбосма ускуналарини Хивага келтириб, ишни Алишер Навоий “Ҳамса”си нашри билан бошлагани келди...

Хайрли иш - яхши-да. Айниқса, бу китоблар улўф бобокалонларимизнинг тўёна дастурхонига тортилгани нур устига аъло нур бўлди.

*“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси,  
2011-йил 4 февраль.*

## ЭРТАК МУҚАДДИМАСИ – ФАРД НУКТАСИ

Лириканинг энг жажжи жанри фарддир. У ҳажман бир байтдангина иборат бўлади. Фард барча мавзуларга дахлдор: ишқ-муҳаббат, ахлоқ-одоб, панд-насихат, ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва ҳоказо. Шоир бу мўъжаз жанрда ҳам шеър талабига тўла риоя қилади.

Алишер Навоий ҳам шеърнинг бу жанрида қалам тебратган ва ўнлаб фардлар яратган. Биз шоир муфратотлари орасидан атайлаб жўнроқ кўринадиган фардни танлаб, уни ўрганишга ҳаракат қилдик.

*Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае,  
Бошладим филҳолким: “Бир бор эди, бир йўқ эди”.*

Матн мазмуни (Севгилингнинг бел ва оғзи ҳақида бирор эртақ айтиб бер, дедилар. Мен дарҳол бошладим: “Бир бор экан, бир йўқ экан”...).

Асар бор-йўғи – шугина. Матн мазмунини чуқурроқ идрок этмаган киши:

Ие, эртақни бошлади-ю, ҳеч нарса айтмабди-ку? – деб ҳайрон бўлади. Бундай эътирозга ўрин ҳам бордай туюлади. Хўш, унда бу фардни ёзишнинг нима кераги бор эди?

Алишер Навоий ушбу фардда жуда кўп нарсаларни айтиб қўйган. Образли қилиб айтганда, муаллиф гуруч донасидай фил суягида бутун бошли санъат асарини яратган. Ҳомернинг “Илиада” достони эпиграфида уқтирилгандики: “Илиада”дан ҳар ким ола олганича олади”.

Дарҳақиқат, мумтоз адабиётдан ҳам ҳар ким ўз идрок ва заковатича баҳраманд бўлади. Биз Навоийнинг ўша фардидан қуйидагиларни кузатдик:

Байтнинг ташқи, кўзга ташланадиган фазилати: Ошиқнинг дўстлари, севгилингнинг бели ва оғзи қанақалигини айтиб бергин, деб сўрашган. У эртақ бошлаган: “Бир бор эди, бир йўқ эди...”.

Сўралган белу оғиз ва эртақ муқаддимаси муносабатидан китобхон онгида олам-жаҳон ҳиссий ассоциациялари туғилади: ўқувчи дарҳол англаб етадики, ошиқ “Бир бор эди, бир йўқ эди” гапида мукамал жавобни ифодалаган. Чунончи, бир маъноси шундай:

*Бири бор эди-ю, бири йўқ эди.  
Нимаси бор-у, нимаси йўқ?*

Изоҳ: Севгилимнинг бели бор эди-ю, оғзи йўқ эди. Бу фикрни ҳозирги замон китобхонларидан ҳамма ҳам бирдай ҳазм этолмайди.

Ҳолбуки, мумтоз адабиётдан воқиф киши бунини дарҳол тушунади. Унга бу шоирона талқин ғайритабий туюлмайди. Чунки мумтоз адабиётда гўзаллик белгиларидан бири – ўймоқдай оғиздир. Шунинг учун шоирлар ёр оғзини пистага (писта даҳан), мим (м) ҳарфининг бош қисмига, заррага, нуқтага, қил учига ўхшатадилар.

*Оразинг хуршиду, оғзинг заррадин тимсол эрур,  
Зарра узра нуқта янглиф оғзинг узра хол эрур.  
(Навоий)*

Ёки:

*Қил учи қўрмай оғзингдан нишона,  
Санга ошиқ бўлибман ғойибона.* (Навоий)

Ўхшатиш жараёнида назм аҳли баъзан: бир қарасанг оғзи бордай, бир қарасанг оғзи йўқдай, дейдилар. Ва, ниҳоят, умуман, оғзи йўқ (маъдум) деб юборишдан ҳам тап тортмайдилар:

*Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз,  
Тонг эмастур ҳеч мафҳум ўлмаса маъдум оғиз.* (Навоий)

Ёки:

*Рамзи даҳонидин сўз не дейди, ҳеч ҳабар йўқ,  
Йўқ сўзни бор демоқлик, эл ичра мўътабар йўқ.* (Фурқат)

Албатта, бу фикрлар поэтик ўта муболаға-тафрит (кичрайтириш) усули асосига қурилган бўлади.

Бел хипчалиги ҳам гўзаллик белгиси. Ёрнинг бели қилдай, тордай ингичка бўлса-да, бор:

*Бели тори ҳажридин жисмим бўлибдур тордек,  
Эй фалак, раҳм эт бу икки риштани бир-бирига эш.* (Навоий)

Оғзи эса йўқ. Шундан “Бир бор эди, бир йўқ эди” деб шоирона жавоб бериш жуда мақбулдир. Тайинки, ошиқнинг бундай “эртак айта бошлаши” ўз эмоционал қудрати билан жуда қизиқарли, таъсирчандир.

Шоир фардни бир талай шеърий санъатлар билан безаб ташлаган:

а) байтдан таносиб (икки ёки ундан ортиқ бир туркум нарсаларни байтдан келтириш) санъати зоҳир; биринчи мисрада инсон аъзо-узвлари – бел ва оғзи айтилган;

б) фардда луғавий жиҳатидан йиғиш ва ёйиш маъноларини ифодалайдиган лаф ва нашр усули қўлланилган. Буни биз: белга нисбатан “бор” сўзи, оғизга нисбатан “йўқ” сўзи келтирилганидан кузатамиз;

в) матнда ийҳоми зилвужуҳ (қўп маъноли ийҳом) шеърий санъати ҳам бор. Ийҳом – шеърда қўп маъноли сўз ишлатиб, энг ўткир маънони хаспўшлаш усулидир.

Зотан, “бир бор эди, бир йўқ эди” гапини тубандаги маънларда талқин қилиш мумкин:

*Бир бор экан, бир йўқ экан (эртак муқаддимаси).*

*Бир бор эди, бир йўқ эди.*

*Бири бор эди, бири йўқ эди.*

*Бели бор эди, оғзи йўқ эди.*

*Бир қарасанг, оғзи бор эди, бир қарасанг йўқ эди.*

Бунда шоир атайлаб хаспўшлаган кучли маъно – бир фардда анча-мунча фикрларни айтиб қўйишга, китобхон қалбида поэтик мушоҳадалар туғидишига туртки бериб улгурган экан.

1977 йил

## ШЕЪР – ФИКР МАТЕМАТИКАСИ

Шеър ва математика айрим кишилар назарида– бир-бирига жуда тескари икки уфқ. Аммо бу икки фаннинг узвий алоқалари бор, дейилса муболаға бўлмайди. Чунки буюк рус математиги Лобачевский “Ҳақиқий математик бўлиш учун маълум даражада шоир ҳам бўлиш керак” деб бежиз уқтирмаган. Тўғри, математика саноклар оламида – мияда иш олиб борса, шеър – ҳислар, яъни кўнгиллар дунёсида иш олиб боради. Мазкур икки илм, бизнингча, асосан машғулотбоплиги билан бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Айтайлик, бир математик бир масала ё мисол устида соатлаб бош қотирса, шеърхон бир ғазал мазмунини чақиш учун вақт сарфлаб мулоҳаза юритиши мумкин.

Мумтоз поэтикада тақсим, лаф ва нашр, таносиб ийҳоми сингари санъатлар борки, уларни матндан илғаш ва аниқлаш машғулоти математикнинг қийин масала устида бош қотиришига жуда-жуда ўхшаб кетади. Бугина эмас, аслини олганда, ғазалнинг бир байти зўр малакали китобхон учун ҳақиқий математик масаладир. Бу фикр айрим кишиларга кучли муболаға туюлмаслиги учун бирор байтга мурожаат қиламиз. Келинг, яхшиси, ғазал мулки султонининг “Хазойин ул-маоний” (Маънолар хазинаси) девонига назар ташлаб, ушбу мақтаъ байт мазмуни, ғояси, санъатлари ҳақида фикрлашиб олайлик:

*Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий,  
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолибтур.*

*(Алишер Навоий, Асарлар, 1- жилд,  
“Ғаройиб ус-сиғар”, Т., 1963, 174-бет.)*

Матн мазмунини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

*Эй Навоий, ёр ҳижрону висолини кўпу оз дема,  
Кўпи кетиб, ози қолганига юз марта шукур, дегин.*

Байт мазмунини тўғри муҳокама қилиш учун қуйидаги сўроқларни бирма-бир қўйиб чиқиб, байтдан бирин-кетин жавоб излаш пайдан бўлиш керак:

*қайси кўпу қайси оз?  
висол кўпми, ҳижрон кўпми?  
висол озми?  
ниманинг кўпи кетиб, ози қолади?  
нима кетиб, нима қолади?*

Матннинг биринчи гапи маъносини тўғри идрок этиш учун тақсим санъати дахлини аниқлаш лозим: ҳижрон ва висол туйғуларига нисбатан айтилган “кўп” ва “оз” сўзларининг қай бири қай бирига тегишли эканлигини (тақсимлаб) кўрайлик: мумтоз лирика анъаналарига кўра, одатда ошиқ ҳижроннинг кўплиги ва висол (учрашув) нинг йўқ даражада озлигидан дод солиб юради. Тақсимлашда ана шуни ҳисобга олиб, ҳижрон ва висолга кўпу озни бўлишга ҳаракат қилиб кўраимиз:

Лирика анъаналарига асосланадиган тақсим натижаси шундай бўлади:

*Ҳижрони кўпу висоли оз, дема Навоий.  
Юз шукур деким, ҳижрони кетиб, висоли қолибди.*

Шундайми? Агар шуни маъқул топсак, масалани оғзаки ҳал қилиб кўя қолдик, десак бўлар экан. Аслида, биринчи мисрани тўғри ҳал қилдиг-у, иккинчи мисрага келганда, кўшиш билан айиришнинг фарқига борма қолдик. Негаки, кўпи бориб, ози қолибди, гапи иборадир. Агар Навоийнинг лутфкорлиги ва сермаънолиликка мойиллигини ҳисобга олсак, кейинги мисраларга нисбатан ҳар икки вариантни ўйлаб кўйиш зарар қилмасди. Ўқувчилар яхши билардиларки, бу ибора – кўпи бориб, ози қолибди (кўпи кетиб, ози қолди) – ажойиб таскин ва далда берувчи маънавий қудратга эга.

Биз биринчи мисра масаласини ҳал қилиб бўлдикми? Чамаси, масаланинг ярмини ишлаб, ечилди деб хотиржам бўлдик. Ҳолбуки, ярми ишланмасдан шундоққина турибди:

*Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий.*

гапида кучли эмоционал эффектни ташиган ҳолатни унутаёзибмиз-ку. “Кўпу оз дема, кўпу оз деяверма”, деганда, ғиш-ғиш қилаверма, дея сиркаси сув кўтармайдиган инжиққа айтилган узиб олувчи ўгит бор-ку! Негаки, “кўпу оз” дейиш ҳам деярли ибора бўлиб, кишининг кўнгли тўлмаганини билдиради. Лирик қаҳрамон, гарчанд ҳижрон унинг тоқатини тоқ қилган бўлса-да, ўз-ўзига қарата: “Кўпам инжиқ, бетоқат бўлаверма. Ахир айрилиқнинг кўпи кетиб, ози қолди-ку. Шунга юз шукур қил!” – деб уқтирмоқда.

Байтда тазод (қарама-қаршилиқ) санъатининг хизмати айниқса унумлидир. Муаллиф икки мисра матнда тўрта қарама-қарши маъноли сўзларни тўқнаштириб, фикрлар курашидан жозибали манзара яратишга муваффақ бўлган. Мана, ўша тазодлар:

*ҳижрон (айрилиқ) ва висол (учрашув);  
(кўпу оз) дема ва (юз шукур) де!  
кўпи ва ози;  
борибдур ва қолибдур.*

Ўрганилаётган матнда таъбир (ибора келтириш, матнни ибора билан безаб, таъсирчанликни ошириш, маънони теранлаштириш) санъати ҳам ўзига хос муҳим роль ўйнаган. Бўлар-бўлмасга ғиш-ғиш қилавериш тушунчаси, инжиқлик характери “кўпу оз дема” иборасига юклатилган. Бугина эмас, ҳали эслатганиздек, далда ва таскин билдирувчи “кўпи бориб, ози қолибди” ибораси ҳам байт маънавий камолга зийнат бериб турибди.

Биргина мақта – икки мисра шеър билан шунча машғул бўлдик. Дарҳақиқат, мумтоз шеърни ҳақиқий маъноси билан фикр математикаси, дейиш мумкин.

## “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИНГ ТОЖИКЧА ЖАРАНГИ

Ҳазрат Алишер Навоий Шарқ хамсанавислари эгаллайдиган китобхон мамлакатларни санаганда Низомий Ганжавий Бардаъ ва Ганжа ҳамда Рум шаҳарларини, Амир Хусрав Деҳлавий бутун Ҳиндистонни, Абдурахмон Жомий Арабистон ва Ажам мамлакатларини сўз сеҳрига маҳлиё этсалар, туркий қавмлар биттами, юзтами, мингтами – барчаси менга тегишлидир, деганида унинг асарлари бошқа тилларга таржима қилиниши, юзлаб янги-янги эл ва миллатлар унинг асарлари мутолаасига берилишини ўйлаганмикан?..

Форс ва тожик халқлари Алишер Фоний “Девон”идан ўн бешинчи асрдан буён баҳраманддирлар. Унинг машҳур “Мажолис ун-нафоис” тазкираси бир неча маротаба форс тилига ўгирилган. Ниҳоят унинг “Хамса”си дostonлари тожик тилида янграй бошлади.

1957 йилда хўжандлик шоир Муҳиддин Аминзода Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonини таржима қилиб, бир йилдан сўнг нашр эттирди. Муҳиддин Аминзода – (марҳум) таниқли тожик шоири. У ўзбек адабиёти ва санъатининг Тожикистондаги бош ташвиқотчиси ва тарғиботчиси эди: “Фарҳод ва Ширин” “Равшан ва Зулхумор”, “Нурхон” сингари ўнга яқин драмаларни тожик тилига ўгирган драматик таржимон, айниқса, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonини тожикча талқин қилган мислсиз санъаткордир. Унинг таржимасида сахна асарлари Хўжанд, Душанбе, Кўлоб сингари йирик шаҳарлар театрлари сахналарида узоқ йиллар намоиш этилган. Шуларни ҳисобга олиб, гарчи орадан узоқ йиллар ўтган бўлса-да, моҳир таржимоннинг иш тажрибаси ва маҳорати билан ҳозирги ўқувчиларни таништириш, шу билан, марҳум устознинг руҳини шод қилиш мақсадида ушбу мақолани ёзишни жазм қилдим. Қолаверса, тожик халқи ҳозир ҳам “Фарҳод ва Ширин”ни Муҳиддин Аминзода таржимасида мутолаа қилади.

Муҳиддин Аминзода билан танишганимда мен ёш актёр ва талаба эдим. Бадиий ижод ва таржима санъатига бўлган қизиқишим ўша даврдаёқ мени бадиий таржимон ижодхонасига етаклаган. У киши билан қилган таржима санъати борасидаги суҳбатларим бугунга келиб ўзбек таржимашунослигига ҳам маълум янги усуллар киритажagini ўйламаганман.

– Устоз, нега кўпроқ сахна асарларини таржима қиласиз? – деб сўрасам, у киши:

– Мен шоир бўлсам ҳам сахна асарларини жуда ёқтираман. Менимча, драма – девордаги сурат, полотно. Сахна асарида бу сурат ҳаётдагидек жонланади. Адабиётнинг барча жанрлари сахнада тирилади, бундан кўшиқ ҳам мустасно эмас, - деяди. Унинг ҳаёти ҳам сахна заҳматкашлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Рафиқаси актриса эди...

Мен ўзбек бўлганим, ўзбек санъати ва адабиётидан воқифлигим туфайли ҳайрат билан саволлар бераверардим:

– Устоз, нега Фарҳод, Мажнун, Равшан, Нурхон, Ҳайдар ариялари таржимада ҳам айнан ўзбек тилидаги оҳангда янграйди? Нега бошқа оҳангга тушмаган? – десам, таржимон жавоб берди:

Мен сахна асарининг шеърларини рояль олдида ўтириб таржима қиламан. Аввал ўзбекча оҳангида ашула қилиб айтаман, кейин таржимани шу оҳангга солиб ярата бошлайман...

Шунинг учун ҳам мусиқали драмаларимиздаги ўзбек кўшиқлари ўша оҳангнинг ўзида тожикча янгради эди.

Ўзбек тилида:

*Яйрагил кунглим букун, ой юзли жононинг келур...*

Таржимаси:

*Шод бош, эй дилки, маҳрухсора жонон мерасад.*

Оҳангдан хабардор кишининг бундай фикрий айнанлик ва мусиқий бирхилликка маҳлиё бўлмай иложи йўқ.

Менимча, бу усул твржима тарихида ҳеч бир киши ҳаётида учрамаган бўлса керак. Қувончли томони шундаки, оҳангга риоя қиламан, деб уринган санъаткор-таржимон асл нусха мазмунини зинҳор қашшоқлаштирмас эди. Чунки шоир Муҳиддин Аминзода ўзбек адабиёти ва санъатини севар, Тошкент радиосини муттасил тинглар, муҳими ўзбек тилини яхши билар эди.

Таржимон ижодхонасига таржима илмига хос бўлган ижодий усуллар ва гоҳида кулгили воқеаларга дуч келади. Муҳиддин Аминзода менга Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг ўзи фойдаланган ўзбекча нашрини кўрсатганида, мен қаҳ-қаҳ отиб кулишдан ўзимни тўхтатолмаганман. Негаки, ҳар бир саҳифада бир неча ўринда байт рўпарасига у кишининг дастхати билан “муфт” сўзи такрор-такрор ёзилган эди. Муфт – меҳнатсиз, текин топилган маблағ дегани. Мен ундан бунинг сабабини сўраганимда:

Муфт белгили байтлар таржимасига меҳнат-машаққатсиз муяссар бўлганман. Менга ҳар бир мисра учун икки сўмдан пул тўлашган. Асар бўйлаб ҳисобласам, “муфт” пулларим минг сўмдан ошиб кетди. Мазкур байтларни ўзбек тилидан тожик тилига ўгиришда гоҳ бирор қўшимчани ўзгартирганман, ё бирор сўзни таржима қилганман, байт ажиб ҳолатда тожикча тус олган, - деб жавоб берган эди.

Бу гаплар юзаки қараганда, таржима шунчалик жўн, осон иш экан, деган хулосага олиб келиши мумкин. Аслида эса, “Фарҳод ва Ширин” достонини муаллиф сингари бошқа тилда арузнинг мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида талқин қилиш осон иш эмас. Таржимонга қўл келган қуйидаги ҳолатларни инобатга олмоқ керак: биринчидан, тожик шеърятининг асосий вазни аруз бўлгани учун, бу иш Аминзода-таржимонга қийин эмас эди; иккинчидан, Алишер Навоий адабиётининг нуфузи, унинг мислсиз шеърый жанриги достонда сезилиши аниқ эди; учинчидан, Алишер Навоий асарларида форсча-тожикча сўзларнинг кўплигини ҳам инобатга олсак, буни тушуниш янада осонлашди. Ўша “муфт” байтлардан бир нечасини қиёслаб кўрайлик:

Ўзбекчаси:

*Суманбарлар бари зебоу нозук,  
Хунарварлар бағоят чусту чобук...*

Таржимаси:

*Суманбарҳо ҳамда зебову нозук,  
Хунарварҳо бағоят чусту чобук.*

Асл нусха:

*Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,  
Не адҳам, жардаи шабдез рафтор.*

Таржимаси:

*Бувад чун адҳами ваҳм тез ба рафтор,  
На адҳам, жардаи шабдез ба рафтор.*

Иккинчи байтнинг иккинчи мисрасига таржимон қўл теккизмаган, мисрани тожик тилида шундоққина сақлаган. Биринчи мисрадаги ваҳм, адҳам, рафтор сўзларини ҳам сақлаб мақсадга эришган. Қуйидаги мисол таржимасида ҳам Муҳиддин Аминзоданинг маҳоратига, асл нусхадаги барча сўзлар тожик тилида қойилмақом ўз ифодасини топганига тан бермасдан иложимиз йўқ.

Асли:

*Ки Чин мулкики рашки нақши Чиндур,  
Саводи ғайрати хулди бариндур.*

Таржимаси:

*Ки мулки Чин, ки рашки нақши Чин аст,  
Саводаш ғайрати хулди барин аст.*

Кўряпмизки, маҳоратли таржимон фақат қўшимчаларни ўгириш ҳисобига байтнинг тожикча шаклини тиклашга муяссар бўлган.

Бундай мисолларни дoston таржимасидан кўплаб келтириш мумкин.

Одатда таржимашуносликда бундай қулай вазиятлар бир оиладаги тилларга оид адабиётларда таржима жараёнида кузатилгани қайд этилган. Ҳолбуки, тожик ва ўзбек тиллари грамматик қурилиши жиҳатидан ҳар хил тил оилаларига мансуб. Шунга қарамай, Муҳиддин Аминзода эришган муваффақиятлар сабаби, бу эса, азалдан ёнма-ён яшаш, бир хил дин ва удумларга амал қилиш жараёнида юзага келгандир. Бундан ташқари, таржимон учун яна бир қулайлик бор эди: тожик адабий тилида анаъананинг кучлилиги ва барқарорлиги шу даражадаки, Ҳофиз ва Саъдий асарлари бугунги тожикка кеча ёзилгандай тушунарли. Шунинг учун Алишер Навоий асарини М.Аминзода Навоий даври тожик тилига ўгирса, бугунги тожик уни мириқиб ўқийди.

Тожикистонда ўртача бадий асар 10 минг нусхани ташкил қилган ўша замонларда Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони 20 минг нусхада чоп этилган эди.

Бадий таржиманинг тўлақонли ва баркамоллиги унинг оригинал асардай бунёд топганида кўринади. “Фарҳод ва Ширин” достони таржимаси китобхонда худди ана шундай таассурот қолдиради. Буни ўқиган тожик китобхони худди Жомий ва Низомий “Хамса”сини ўқигандай маза қилади. Негаки, дoston таржимасида Навоий маснавийсининг барча ғоявий-бадий хусусиятлари айнан асл нусхадагидек сақланган. Чунончи, Навоийнинг қуйидаги:

*Кўюб тупроққа юз, айлаб тазарруъ  
Худойидин қилиб нусрат таваққуъ*

байтида жуда катта маънавий юк юкланган: қаҳрамон тупроққа юз қўйиб Оллоҳга

ёлбормоқда, ундан зафар тиламоқда. Ёлбориш – тазарруъ, тилаш – таваққуъ сўзларининг жарангига аҳамият беринг. Шунинг ҳисобга олган таржимон тожик тилидаги байтда муаллиф мақсадига содиқ қолиб, қофияни айнан, ўз ўрнида сақлаган ва бошқа сўзларни унинг муқобили билан аниқ ифода қилган:

*Сараш бинҳода бар хоки тазарруъ,  
Зафар кард аз худои худ таваққуъ*

Санъаткор сўз қули эмас, у маъно ва таъсирчанлик яратувчи сеҳргардир. Шунинг учун шаклга қул бўлмайди. Масалан:

*Ато айлаб ёқосин чоқу йиғлаб,  
Бўлуб бори улус ғамноқу йиғлаб.*

Байтида муаллиф бир сўзли радиф (йиғлаб)дан фойдалангани ҳолда, таржимон ўша мазмун ва таъсирчанликка эришиш учун икки сўзли радифга мурожаат этган. Шу ўринда биринчи мисрадаги барча сўзлар муқобил ҳолатда сақланганини айтмасдан ўтолмаймиз. Бундай – барча сўзларни сақлаб мисрани қайта бунёд этиш ҳақиқий таржимон сеҳргарлигидир:

*Падар чоки гирибон карда бигрист,  
Халойиқ оҳу афғон карда бигрист.*

Ташбеҳ – ўхшатиш санъати асар таъсирчанлигини кучайтириш воситасидир. Айниқса, бу санъат тубандаги байтдаги сингари бир оз муболаға йўғрилган бўлса... Шоир аждар кўзларини ёниб ётган нефть булоқларига менгзаган:

*Бўлиб икки кўзли наззора чоғи,  
Нечукким нафтнинг ўтлуғ булоғи.*

Байт таржимасида ҳам ташбиҳ санъати айнан ўз ифодасини топган ва асл нусха таъсирчанлиги бунёд этилган. Шуниси эътиборлики, бу мисолда биз аввал махсус уқтирганимиздек Навоий сўзларини изчил сақлаб қолиш ҳодисаси йўқ. Аммо ўша сўзларнинг ажойиб муқобил ифодалари барқ уриб турипти:

*Ба ҳангоми назора ҳар бу чашмон,  
Бувад чун чашмаи нафт оташафшон.*

Фарҳод ва Хусрав ораларидаги савол-жавобни аёвсиз қиличбозликка қиёслаш мумкин. Бу фикрий, ҳиссий, ахлоқий мунозара манзараси асл нусха ва таржимада айнан бир хиллиги кишини қувонтиради. Негаки дostonдаги зиддиятлар чўққиси бўлган бу манзара дostonнинг асл ўзакларидандир:

*Деди: қайдинсен, эй мажнуни гумраҳ?  
Деди: мажнун ватандин қайда огах.*

*Бигуфто: аз кужсои, Қайси гумроҳ?!  
Бигуфто: аз ватан мажнун кай огоҳ?*

*Деди: недур санга оламда пеша?  
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша.*

*Бигуфто: дар жаҳон дори чи пеша?  
Бигуфто: аз ишқ мажнуни ҳамеша!*

Достоннинг тожикча таржимасидаги мулоҳазаталаб ўринлар кўп эмас. Бу ҳам бўлса, нашр имкониятлари туфайли бўлса керак, матн бироз қисқартирилган; мафкура муносабати ва шўро сиёсати билан боғлиқ ўзбек тилидаги қисқартирмалар етмагандай, тожик тилида достон бундан ҳам ихчамлашган. Қувончлиси шундаки, бу қисқартиришлар воқеалар тизимига узилишлар келтирмаган. Қолаверса, синчиклаб қараганда ҳар қандай ҳажмли ишда у ёки бу маънода сезилар-сезилмас камчиликларни пайқаш мумкин. Чунончи, шоирнинг қўйидаги байти таржимада қай ҳолатга тушганини кузатайлик. Асли:

*Хазони ҳажр кетмакнинг навиди,  
Баҳори васл етмакнинг умиди.*

Таржимаси:

*Навид аз рафтани айёми ҳижрон,  
Умед аз омади васл баҳорон.*

Навоий байтида муқобала санъати қўлланилган бўлиб, икки мисрада бир-бирига нисбатан маънавий жиҳатдан қарама-қарши бўлган уч сўз остин ва устун турибти: хазон-баҳор; ҳажр-васл; кетмак-етмак. Тожикча талқинда аслият мазмуни яхшигина берилган. Бироқ, қарама-қарши маъноли сўзларнинг биттаси камайган (таржимада – хазон (куз фасли) ўз ифодасини топмаган). Тожикча нусхада муқобала унсурлари: рафтан-омади; ҳижрон-васл, холос. Инсоф билан айтсак, таржимон бу байт маъносини – мазмунини озайтирган деб бўлмайди. Аммо поэтик санъатдаги ўша жилла кемтикликни инобатга олмасдан иложимиз йўқ.

Хуллас, мумтоз мутаржим Муҳиддин Аминзода Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини тожик тилида қайта яратиб, тожик адабиётини “Хамса”нинг янги талқиндаги бир достони билан бойитди. Унинг таржимонлик маҳорати ва услуби таржима санъати ҳамда амалиётида ибрат бўлгуликдир.

**ИНОМЖОН АЗИМОВ**

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ  
АСАРЛАРИДА КЕСИМ МАРКАЗЛИ БИР БОШ  
БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ ШАКЛИЙ ВА  
МАЗМУНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

## КИРИШ

Ўзбек тилининг XV асрдаги даври унинг тараққиёт тарихида алоҳида ажралиб туради. Бунинг боиси шундаки, бу даврда ўзбек халқининг фахри, юксак истеъдод эгаси Алишер Навоий ижод қилди ва унинг назмий ҳамда насрий асарлари тил меъёрлари шаклланди. Алишер Навоийнинг бадиий, тарихий ва публицистик характердаги асарлари тили унинг ўз давридан бошлаб то бизнинг давримизгача ўрганилиб келинмоқда. Умуман, ўзбек тили тарихини XV аср ёдгорликларини ҳам қамраб олган ҳолда ўрганиш иши кенг кўламда олиб борилган (Бу ҳақда қаранг: Шукуров Ш., 1982, 5-сон), лекин буюк адиб асарлари тилининг фонетик, морфологик, лексик жиҳатлари А. Рустамов, Б. Бафоевлар томонидан махсус ўрганилган эди (Рустамов А., 1966; Бафоев Б., 1989).

Алишер Навоий асарларининг синтактик хусусиятлари содда гаплар планида С. Аширбоев томонидан ўрганилган (Аширбоев С., 1990).

Айни замонда, “Ўзбек адабий тилининг асосчиси”, (Боровков А. К., 1946), “унинг тили бутун бир давр тилидир” (Дониёров Х., 1968) эпитетлари билан юритиладиган адиб тили синтаксисининг бир қатор масалалари бор бўлиб, улар жумласига боғланган ва эргашган кўшма гаплар, поэтик асарлари синтаксиси ва, шу билан бирга, ушбу тадқиқот объекти бўлган кесим марказли бир бош бўлакли гаплар киради.

**Бир бош бўлакли гапларнинг ўрганилиш тарихи тўғрисида.** Бу масалани ушбу қисмда махсус ёритишни лозим топмадик, балки мазкур ишнинг биринчи бобида бир бош бўлакли гаплар назарияси ва таснифи масаласини ўрганишда бир йўла тилшунослигимизда мавжуд бўлган фикрларга бевосита мурожаат қилиш жараёнида унинг тарихига ҳам эътиборни қаратишни маъқул топдик, лекин ушбу тадқиқот ишида кесим марказли бир бош бўлакли гапларни чегаралаб олиш билан боғлиқ айрим мулоҳазаларни таъкидлаб ўтишни жоиз кўрдик.

Анъанавий ва семантик йўналишдаги тадқиқотлар оппозицияси ривожланиб бораётган даврда бир бош бўлакли гапларни фарқлашда уч тоифа қараш мавжудлиги кўзга ташланмоқда:

1. Анъанавий тилшунослик тарафдорлари гапга соф структура жиҳатдан ёндашиб, эга ва кесим деб белгиланадиган бўлақлардан бирининг иштирокига кўра ёндашадилар ва унинг натижаси ўлароқ, ҳозирги ўрта ва олий мактаб дарслик ва қўлланмаларидаги таснифлар вужудга келган. Бундай қарашлар кейинчалик И. Расулов тадқиқотларида ривожлантирилади.

2. Гарчанд, типологик планда амалга оширилган бўлса-да, контекстуал-услубий, лексик-структур, морфологик-конструктив, коммуникатив-информатив фактларга таянган ҳолда бир бош бўлакли гаплар тасниф қилинади (Саидова М., 1996, 8). Бу янги тасниф, афсуски, ҳамон ўзбек тилшунослигида эътироф этилмай келинмоқда. Бу таснифда семантик план етакчилик қилади.

3. Анъанавий тасниф асосан сақлаб қолинган ҳолда уни қисман ислоҳ қилиш кўзга ташланмоқда. Бунда гап *шахси маълум гап*даги шахс маъносини аниқлиги ҳисобга олиниб, уни бир бош бўлакли гап сифатида қаралмаётир. Бу, хусусан, Ғ. Абдурахмонов ишларида кўзга ташланмоқда ҳамда бу каби гапларни фарқлашда “эга ёки кесим яширинмайди ва уларни топиш ҳам, жумлага киритиш ҳам мумкин эмас” деган мулоҳазадан келиб чиқилади

(Абдурахмонов Ғ., 1996, 23). Бу фикр янада ривожлантирилади ва “.. бир составли гапларда эга ифодаланган бўлса, кесимнинг мазмуни эганинг мазмуни орқали билинади ёки кесим ифодаланса, эганинг мазмуни кесимнинг мазмунидан англашилиб турилади”, – дейилади (Абдурахмонов Ғ., 1996, 23).

Бундай қараш қозоқ тилшунослигида ҳам қайд қилинади. (Қаранг: Қозоқ тили грамматикаси, 1967, 126).

**Тадқиқотда урғу бериладиган терминлар ҳақида.** Маълумки, ҳозирга қадар эълон қилинган синтаксисга оид ишларнинг аксариятида *бир составли гап* термини қўлланади. Бу термин рус тилидаги “односоставные предложение” терминидан таржима қилиб олинганлиги маълум, Собиқ Иттифоқ даврида бу терминга деярли эътибор берилмас эди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан бошланган термин таржималарида унинг айнан таржимаси (бир таркибли гап) ўзбек тили учун мавҳум бўлиб қолди ва терминлик вазифасини бажара олмади, чунки *эга таркибли гап*, *кесим таркибли гап* тушунчалари ўзбек тилида йўқ эди. Шу туйғайли ўрта мактаб дарсликларида у ижодий таржима қилинди ва *бир бош бўлакли гап* деб юритила бошланди (Қаранг: Асқарова М. ва бошқалар, 1995, 81). Ушбу ишда ҳам *бир бош бўлакли гап* термини ва тушунчасидан фойдаланишни лозим деб топдик.

Маълумки, бир бош бўлакли гаплар содда гапнинг бир шакли бўлиб, улар ҳам икки бош бўлакли гапларга хос бўлган ахборотларни бера олади ҳамда коммуникатив функция бажаради, лекин унда муҳим бўлган синтактик танқислик шундаки, уларда бош бўлаклардан бири бўлмайди, лекин ахборот ва коммуникацияда икки бош бўлакли гап мазмуни билан тенглашади, тўғри, бундай ахборот ва коммуникация янада абстракциялашади. Энди савол туғиладики, ўта танқис бўлган эга бўлагими ёки кесим бўлагими? Бу ўринда қарашлар икки гуруҳга ажралади. Анъанавий тилшунослиқда эгасиз ва кесимсиз гаплар (Расулов И., 1974) каби дифференциация қилиниши ҳам шу боисдандир. Замоनावий синтаксис вакиллари бир бош бўлакли гапларда кесим позициясининг муҳимлигини таъкидлайдилар (Қаранг: СаидоваМ., 1996).

Тадқиқот ишимизнинг номланишидан кўриниб турибдики, биз “Кесим марказли бир бош бўлакли гаплар” термини остида иш юритмоқдамиз. Бунда биз замонавий тилшунослик вакиллари йўли тўғри йўл эканлигини таъкидлаган ҳолда ишимизда феъл кесим ва от кесим ҳоким бўлган бир бош бўлакли гапларгина илмий таҳлилга тортилаётганлигига ишора қиламиз, яъни мазкур ишда номинатив гаплар, сўз-гаплар, вокатив гаплар ва шу типдаги гаплар ўлчаниш объектими доирасига олинмайди.

Ишда кесим марказли бир бош бўлакли гаплар Алишер Навоий насрий асарлари мисолида *содда* ва *қўшма* гап сатҳида ўрганилди ҳамда шу муносабат билан *бир бош бўлакли қўшма гап* термини ҳам илк бор фойдаланишга тўғри келди, бинобарин, ишимизнинг салмоқли қисмини ҳам кесим марказли бир бош бўлакли қўшма гаплар тадқиқи ташкил этади.

Ишда доим такрорга йўл қўймаслик мақсадида аксарият ўринларда *кесим марказли* иборасини онгли равишда такрорламасликка ҳаракат қилдик.

**Алишер Навоий асарларидаги бир бош бўлакли гапларни чегаралаш масаласи.** Алишер Навоийнинг насрий матнларида бир бош бўлакли гапларни чегаралашнинг амалий жиҳатларини ёритиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шу маънода “Мажолис ун-нафоис” асаридан икки мақолатни таҳлил қилишни лозим топамиз:

“*Хожя Юсуф Бурхон Ҳазрати шайхул исломий Аҳмади Жомий қуддиса сирруҳунинг яқинроқ авлодидиндур. Фақр ва фано тарийқида сулук қилур эрди. Ва тажарруд ва инқито расмин*

кўп маслук тутар эрди. Ва жамъи али туруқнинг соҳиби тарийқи эрди ва мусиқий илмини ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шогирдимен. Кўпроқўз шеъриға мусиқий боғлар эрди. “Исфаҳон” амалини бу байтиға боғлабтурким:

*Расид мавсуми шодию айшу тараб,  
Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб.*

*Жомда оламдин риҳлат қилди. Қабри Ҳазрати Шайхнинг ҳазираси эшигидадир” (МН 59).*

Мазкур матндаги гапларни ҳам мазмун, ҳам шаклий мустақиллигини белгилаш лозим бўлади. Бу ўринда биз қуйидаги синтактик гапларни фарқлашни маъқул кўрдик:

Икки бош бўлаккли содда гаплар: 1) *Хожа Юсуф Бурхон Ҳазрати шайхул исломий Аҳмади Жомий қуддиси сиррухунинг яқинроқ авлодиндур;* 2) *Қабри Ҳазрати Шайхнинг ҳазираси эшигидадир.* Бу гапларда эга таркиби ҳам, кесим таркиби ҳам тўла қатнашган.

Бир бош бўлаккли содда гаплар: 1) *Кўпроқўз шаъриға мусиқий боғлар эрди;* 2) *Жомда оламдин риҳлат қилди.*

Бир бош бўлаккли кўшма гап: *Фақр ва фано тарийқида сулук қилур эрди ва тажарруд ва инқитоъ расмин кўп маслук тутар эрди ва жамъи аҳли туруқнинг соҳиби тарийқи эрди.* Бу гап академнашрдаги тиниш белгиларига кўра учта содда гапдир. Лекин бу гаплар ўзаро сабаб-натижа боғланишига кўра мазмун муносабатига киришади, яъни фақр ва фано сулукида бўлганлиги учун ёлғизликни расм қилиб олган ва бу сулуки туфайли барча тарийқат аҳлининг раҳнамоси бўлган, деган мазмун яхлитлиги намоён бўлади.

Бир бош бўлаккли гап кўшма гапнинг таркибий қисми бўлиб келади: *Ва мусиқий илмини ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шогирдимен.* Бу гап ҳам сабаб-натижа мазмун муносабатидир.

Бир бош бўлаккли гап шеър шаклидаги кўчирма гапнинг (шартли равишда) таркибий қисми бўлиб келади: *“Исфаҳон” амалини бу байтиға боғлабтурким: “Расид мавсуми шодию айшу тараб, Агар гадо бамуроди диле расад чи ажаб”.*

Демак, бир кичик матни 4 та мантиқий бўлакка ажратиш имконияти туғилди.

*Мавлоно Осафий – отаси подшоҳи замоннинг назорат девонида муҳр босибдир ва ўзининг табъи таъриф қилғуча бор ва ҳафизаси ҳам бағоят хубдур. Аммо не таъбин ишга буюрур, не ҳафизасин. Ятимвашлик ва раълосифатлиқ ва хуройлик ва худоройлик била авқотин зоеъ қилур. Бу навъ ғариб сифати кўндурки, агар деса, сўз уюлур. Мутлақо пандназир эрмас. Бу жиҳатдин бағоят паришондур. Яхши абёти бор...*

Бу матнда ҳам қуйидаги синтактик гапларни фарқлаш мумкин:

Икки бош бўлаккли содда гап: 1) *Мавлоно Осафий – отаси подшоҳи замоннинг назорат девонида муҳр босибдир;* 2) *Яхши абёти бор.*

Икки бош бўлаккли кўшма гап: 1) *Ва ўзининг табъи таъриф қилғуча бор ва ҳафизаси ҳам бағоят хубдур;* 2) *Бу навъ ғариб сифати кўндурки, агар деса, сўз уюлур.*

Бир бош бўлаккли содда гап: *Ятимвашлик ва раълосифатлиқ ва хуройлик ва худоройлик била авқотин зоеъ қилур.*

Бир бош бўлаккли кўшма гаплар: 1) *Аммо не таъбин ишга буюрур, не ҳафизасин;* 2) *Мутлақо пандназир эрмас, бу жиҳатдин бағоят паришондур.*

Кўринадики, бу матнни ҳам 4 та мантиқий ва грамматик бўлакларга ажратиш мумкин.

Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги бир бош бўлакли гапларни чегаралаш масаласи тарихий синтаксисда ўрганилиши лозим бўлган муаммолардан биридир. Нафақат бир бош бўлакли гаплар, балки умуман гапларни чегаралаш масаласида бирон тўхтамга келинган эмас, аксинча, тархий манбалар бўйича синтактик тадқиқот олиб борувчилар бу масалани четлаб ўтишган. Тўғри, бу масала С. Аширбоевнинг докторлик ишида биринчи бор кўтарилган ва содда гапларни чегаралаш бўйича бир қатор фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган (Аширбоев С., 1990, 18–25).

Биз ҳам бир бош бўлакли гапларни чегаралаш борасидаги юқоридаги фикр-мулоҳазаларни “Маҳбул қулуб” (Алишер Навоий. 15-жилдлик, 13-жилд) ва “Муншаот” (15-жилд)нинг академнашрлари мисолида уларга муносабат билдириш орқали давом эттирамиз.

1. Мазмунан қўшма гап деб олинishi мумкин бўлган бир бош бўлакли гаплар алоҳида бир бош бўлакли гапларга ажратилган: *Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлиқ ҳам боре қилма. Яхшилиқдин ёмонлиғни яхшироқ билмасанг, ёмонроқ ҳам боре билма* (М.Қ. 79-б.). *Номавзун абётин Салмоннинг маснуъ қасидасидин яхшироқ билғай. Ва беъмани ҳазаёнин “Жаруллоҳ” битғон кашшоф гумон қилғай* (М.Қ. 47-б.).

Бу мисолдаги 4 та гапни 2 та бир бош бўлакли боғланган қўшма гапга бирлаштириш мумкин, чунки биринчи гапда ифодаланган мазмун (пропозиция) иккинчи гапда давом эттирилган. Иккинчи гапдан, мисоллардаги сажъга эътибор қилинса (*қилма – билма, билғай – қилғай*), бу типдаги гаплар мақолларга ўхшашлигини ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади.

Лекин кўп ўринларда бундай гаплар қўшма гап сифатида берилган: *Хақнинг ҳеч амриға бўюн қўймағай ва шаётининг барча буйруғин бажо келтурурдин тўймағай* (М.Қ. 47-б.).

2. Грамматик жиҳатдан мустақиллиги сақланган бир бош бўлакли гаплар навбатдаги гапга қўшиб юборилган ва бу ҳол ўша гапни мураккаб қўшма гап сифатида тушунишга ишора бўлиб қолган: *Агар фанида моҳир бўлса, аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй, мариға агарчи бир жонибдин илож еткурур, аммо неча жонибдин тағйири миждоз еткурур ва лекин олий табибким эрур, шогирди жаллод, ул тиғ била, бу захр била қилғувчи бедод* (М.Қ. 19-б.).

Мисолдаги “*мизож еткурур*”дан сўнг нуқта қўйилса, ўринли бўлар эди. Бундан ташқари, “*эрур*” сўзидан сўнг ўринсиз вергул қўйилган. Чунки “*олий табибким эрур...*” эмас, балки “*Олий табибким, эрур шогирди жаллод*” дир. “*Эрур*” инверсияга учраб биринчи планда келган.

3. Маълумки, эски ўзбек ёдномаларида ва боғловчиси гапларни гап бўлакларини боғлаш билан бирга, янги гапнинг бошланишини ҳам билдирган (Абдурахмонов Ғ. 1960, 21). Бу хусусият бир бош бўлакли гапларда ҳам кўзга ташланади, лекин бу ўзига хослик нашрларда баъзан эътиборга олинмаган: *Рухсиз бадан гўрда ором тутқандек ва нурсиз мардум кўзда мақом қилғондек, ул мардуми йўқ кўзлар масаллик тийра уйларга кирилди ва бу маухасиф ҳилоллар сайрининг суръати била бир ойға дегинча ул мартабада эрдиким, ҳар бир кун минг йилчилик йўл бор эмиш дейилса, мингдин бирини дейилмамиш бўлғай ва ул фалакваш баҳрининг вусъатининг юзи ул ғоятқача эрдиким, сипеҳр луттасиға ташбиҳқилилса, дарёсидин қатрае айтилмамиш бўлғай* (М. 96-б.). Бу мисолда “*кирилди*” сўзидан кейин нуқта қўйилиши керак, чунки “*Ва мунхасиф ҳилоллар...*” билан янги фикр бошланган.

4. Боғловчисиз қўлланган бир бош бўлакли гапларда тиниш белгиларининг ўринсиз ишлатилиши кўп учрайди. Жумладан, тире нотўғри қўлланган: *Иноятларким, қилилиб эрди – аларнинг муқобаласида не шукр дай олғаймен ва не узр бити олғаймен* (М. Қ. 43-б).

Бу мисолда “тире” ўрнига “вергул” қўйилиши керак эди. Лозим ўринларда бу белги қўйилмаган: *Ҳар муолажаким қилдилар суд этмади, мараз ортти ва иситмаси кетмади* (М. Қ. 43-б.). Бу ўринда “қилдилар” – дан сўнг тире қўйилиши керак, чунки бунда сабаб-натижа мазмун муносабати ифода қилинган.

5. Чун олмоши эски ўзбек тилида янги гапнинг бошланишини ҳам билдирган. Бу хусусият ҳам кўп ўринларда ҳисобга олинмаган.

Масалан: *Пўянамо ва дашт паймо эрдилар, чун дурталаб элга ёвуштиллар. Ул халқни бошлаб чиққон кишиға йўлуқуштиллар* (М.Қ. 40-б.).

Бу мисолдаги гапларни қўйидагича чегаралаш ўринли бўлур эди:

1. Пўянамо ва дашт паймо эрдилар.

2. Чун дурталаб элга ёвуштиллар, ул халқни бошлаб чиққон кишиға йўлуқуштиллар.

Демак, бир бош бўлакли гапларни чегаралашда, аввало, гапнинг мазмун планини эътиборга олиш ва унда боғловчиларнинг қўлланишига дифференциал ёндашиш лозимдир.

Алишер Навоий асарларидаги грамматик бутунликларни фарқлаш ҳақида маълум назарий ва амалиёт ишлар қилиниши ҳамда шу билан боғлиқ равишда академнашрларда уларнинг тиниш белгиларига, мантиқий чегараланишига эътибор берилиши зарурдир.

## БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР ВА ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАР

Маълумки, тўлиқсиз гаплар ҳам, бир бош бўлакли гаплар ҳам тилдаги лисоний тежамлилик қонунияти асосида шаклланган гап турларидир. Бу гаплар шаклий томондан ўхшаш бўлганлиги туфайли баъзи гапларни тўлиқсиз гапга киритиш керакми ёки бир бош бўлакли гапга киритиш керакми, деган савол мунозарали бўлиб келмоқда. Тўлиқсиз гаплар ҳам ҳозирги ўзбек тилида кенг тадқиқ этилган (Бобоева А., 1978).

Аввало, тўлиқсиз гаплар масаласига қисқача тўхталсак. Маълумки, тўлиқсиз гап “мазмун, шакл ва оҳанг жиҳатидан тугалликка эга бўлган, лекин бу тугаллик контекст, вазият, диалог каби воситалар ёрдамида англашиладиган...” (Бобоева А., 1978, 12) гап шаклидир.

“Тўлиқсиз гапда одатдаги схемадан, гапнинг типик-нормал структурасидан бошқалик – бирор зарур бўлакнинг йўқлиги сезилади, лекин у бўлак контекстдан, нутқ сўзланиб турган пайтдаги ситуациядан, вазиятдан билиниб туради. Гапларни бундай формада қўллаш, “қисқартириш” ҳодисаси сўзлашув нутқида, диалогларда кўп учрайди. Диалоглар савол-жавобдан иборат бўлганда, жавоб одатда тўлиқсиз гап формасида бўлиб, унда шу сўроққа жавоб бўладиган – мазмун, фикр жиҳатидан биринчи ўринда туради, аниқланиши керак бўлган нарсани ифодалайдиган бўлак айтилади” (Ғуломова А., Асқарова М., 1987, 128).

Тўлиқсиз гапларга нисбатан тилшуносликда икки хил қараш мавжуд: бир хил тадқиқотчилар тўлиқсиз гаплар мазмунан тўлиқ, шаклан тўлиқсиз бўлади, деб қарайдилар, айримлари эса тўлиқсиз гаплар мазмунан ҳам шаклан ҳам тўлиқ бўлади, тилда объектив равишда мавжуд бўлган мустақил гап туридир, деган хулосага келадилар (Бобоева А., 1978, 12).

Тўғри таъкидланганидек, тўлиқсиз гапларда ифодаланмай қолган бўлақлар контекст, вазият, мимика, имо-ишоралар орқали англашилади. Шунинг учун бундай гаплар шаклий жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам тўла шаклланган гапдир.

Шу тугайли ҳам жуда кўп тилшунослар бундай гапларга нисбатан *тўлиқсиз* атамасини қўллаш шартли эканлигини айтади (Закиев М.З., 1963, 406–407; Гвоздев А. Н., 1998, 154; Бобоева А., 1978, 15). Ана шу фикрларга асосланган ҳолда бундай гапларни *“Лисоний тежамлилиқ асосида шаклланган содда гаплар”* деб аташни тавсия қиламиз. Чунки *“Лисоний тежамлилиқ тилда доимо юз берувчи қонуний ўзгаришларни вужудга келтирадиган муҳим ҳодисалардан саналиб, тилнинг ифода планига мансуб бўлади”* (Бердиалиев А., Саидниёзов А., 1982, 23).

Лисоний тежамлилиқ ҳодисаси тил тараққиётининг ташқи тазйиқ ва имкониятлари билан боғлиқ бўлган қонуниятларидан бири саналади. Лисоний тежамлилиқ тил сатҳининг деярли барчасида учрайди. Чунки *“тил ҳамма вақт ортиқча нарсалардан соқит бўлишга ва ўзига зарур нарсаларни қўлга киритишга ҳаракат қилади”* (Поль Песси). Шуни эътиборга олган ҳолда *тўлиқсиз гап атамасидан кўра лисоний тежамлилиқ асосида шаклланган гаплар* атамаси маъқулроқдир.

А. Бобоева *тўлиқсиз гаплар* ва бир бош бўлакли гапларни фарқлаш ҳақида баъзи фикрлар юритган. У шахссиз ва номинатив гапларни *тўлиқсиз гаплар* билан таққослашга ҳаракат қилади (Бобоева А., 1978, 16–30). Лекин шахси аниқ гапларни *тўлиқсиз гаплардан* фарқлаш ҳақида фикр юритмайди.

– Бу қанақа нав, ота?

– *Мирзачўл нави. Иван билан бирга пайванд қилганмиз* мисолидаги *Иван билан бирга пайванд қилганмиз* гапини *тўлиқсиз гапларга* киритади. И. Расулов эса бу хил гапларни бир составли гаплар сифатида тавсифлайди (Бобоева А., Расулов И., 1974, 106). Фикримизча, кесими шаклланмаган гапларни *тўлиқсиз гапга* киритиш ўринли. *Иван билан бирга пайванд қилганмиз* сингари кесими шаклланган гапларни бир бош бўлакли гапларга киритиш лозим. Чунки гапнинг шакллантирувчи асосини эга ва кесим муносабати деб ҳисобласак, гапда кесим ҳоким бўлак ҳисобланиб, у орқали имплицит эга ҳам англашилади. Гапнинг янги ахборот ташувчи қисми ҳам кесим саналади (Нурмонов А., 1988, 31). Шунинг учун ҳам кесими мавжуд бўлган гаплар билан фақат тўлдирувчи, ҳол бўлакларидангина иборат бўлган гаплар ўртасида кескин фарқ кўзга ташланади.

Шу ўринда А. Бобоеванинг тугалланмаган гаплар ҳақида айтган фикрлари бўйича мулоҳаза билдириб кетишни истардик.

– *Ҳа, дарвоқе, ҳазратимни кўргиси келганлигини кеча айттирган экан, инобатсиз қолдирдим, чунки...* мисолидаги *“чунки...”*дан кейин айтилмай қолган фикрни юзага чиқариш учун олдинги гапдан бирон бўлакни олиб бўлмайди, шунинг учун ҳам у тугалланмаган гапдир, – дейди у (Бобоева А., 1978, 29). Муаллиф фикрича, тугалланмаган гаплар ҳеч қачон *тўлиқсиз гаплар таркибига* кирмайди. Бундан ташқари, улар умуман гап бўла олмайди (Бобоева А., 1978, 29). Табиий савол туғилади: бу хил конструкциялар гап бўла олмаса, нима учун тугалланмаган гап дейилмоқда? Иккинчидан, айтилмай қолган фикрни юзага чиқариш учун аввалги гапдан бирон бўлакни олиш шарт эмас, гап мазмунидан фикр англашилаверади. Бу ўринда ҳам *“чунки...”*дан кейинги фикр шаклий ифодаланмаса ҳам у тингловчига маълум, шунинг учун ҳам ёзувчи айнан шу шаклни танлаган. Бундай гаплар ҳам юқоридаги каби *лисоний тежамлилиқ асосида шаклланган гаплардир*.

## І БОБ

### КЕСИМ МАРКАЗЛИ БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР НАЗАРИЯСИГА ДОИР

Бир бош бўлакли гаплар икки бош бўлакли гаплардан кўра нутқий тежамли синтактик тузилмадир. Бундай гаплар бирон ҳодиса ёки ўта аҳамиятли бўлган ахборот (ҳаракат, ҳолат, белги, предмет ва ҳодисалар)ни актуаллаштиради (Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю., 181, 91). Бу эса икки бош бўлакли гаплар сингари таркибий ва маъно хусусиятларни ифода қилишда тилда тенг хизмат қила олишини кўрсатади.

Маълумки, бир бош бўлакли гаплар назарий жиҳатдан рус тилшунослигида анча олдиндан бошлаб ишлаб келинмоқда. “Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар” номли монографиясида И. Расулов бир бош бўлакли гапларнинг рус тилшунослигида инқилобдан олдинги даврларда ўрганила бошланганлигини кўрсатади (Расулов И., 1974, 13–20). И. Расуловнинг қайдларида ҳозирги кунда мунозара қилинаётган бир қатор масалаларга тайинли жавоблар олиш мумкин бўлган маълумотлар бор. Жумладан, А.А. Шахматовнинг “Рус тили синтаксиси”ни таҳлил қилар экан, унинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Бир составли гапларда коммуникациянинг бирикувчи ҳар икки тасаввур (бу ўринда И. Расулов “представление”ни *ифодаланувчи* маъносида эканлигини назардан қочиради ва *тасаввур сўзи* билан таржима қилади) бир бош бўлакда ўз аксини топди. Бу бош бўлакни бир составли гапда эга ёки кесим деган тушунча билан изоҳлаб бўлмайди”, иккинчи ўринда “ўз маъноси билан субъект ва предикат бирикмасига (бу ўринда ҳам бизнингча, *бирикув* ҳақида гап бориши керак) мос келадиган гап бўлагини биз бош бўлак, бир составли гапнинг бош бўлаги деб ҳисоблаймиз” ибораларини келтирадики, унинг бу фикрлари бир бош бўлакли гапларнинг аксарияти (кесим марказли гаплардан ташқари)га мос келади.

Кўринадики, А.А. Шахматов ҳар қалай бир бош бўлакли гапни семантик табиатини ёритишга ҳаракат қилган. Шунингдек, А.А. Шахматовнинг шахсиз гаплар таснифи ҳозирги рус тилшунослигида ҳамон ўз қимматини сақлаб қолмоқда (Валгина Н.С., 1991, 162).

Бир бош бўлакли гаплар ҳақида фикр юритилганда, рус тилшунослари А.А. Потенбня, Д.Н. Овсяниково-Куликовскийларнинг қарашларини тўла тавсиф қиладилар (Валгина Н.С., 1991, 162).

Бир бош бўлакли гапларни таснифлаш бўйича рус тилшуносларининг фикрларини умумлаштирадиган бўлсак, аксарият адабиётларда уларнинг қуйидаги типлари ажратилади: шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган, шахсиз, атов гаплар. Бу тасниф кейинчалик А.Н. Гвоздев, Н.С. Валгина (Гвоздев А.Н., 1968; Валгина Н.С., 1964), А.А. Реформатский (А.А. Реформатский, 1967), Е.М. Галкина-Федорук (Галкина-Федорук Е.М., 1964) ларнинг ҳам асарларида ҳам такрорланади. Шунини айтиш лозимки, рус тилшунослигида бир бош бўлакли гапларнинг таснифи учун меъёрлар ҳам белгиланган ва уларда қуйидаги факторлар асос қилиб олинган: а) бош бўлакнинг (морфологик) шакли; б) бош бўлакнинг синтактик хусусияти; в) бир бош бўлакли гапга хос бўлган моҳият, яъни белгини ифодалаш характери (Белошاپкова В.А., 1989, 626). Шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда бир бош бўлакли гапларни уларнинг мазмун ва таркибий хусусиятларига кўра тасниф қилиш анъанага айланиб қолди.

Туркий тилшуносликда ҳам бир бош бўлакли гаплар тил тараққиётининг барча даврларига хос бўлган синтактик ҳодисадир. Бунга туркий халқларнинг энг қадимги ёдгорлиги бўлган “Кул тигин” битиктошидан кўплаб мисол келтириш мумкин: “... илгару кун тоғсиққа, биргару кун ортусинғару, қуриғару кун батисинга, йирғару тун ортусинғару, анта ичраки будуни қоп м(анча карур, анч)а будун қон этдим”. Бундай гаплар ёдгорликларда кўп учрайди.

Бир бош бўлакли гаплар рус тилшунослигидаги анча мукамал тадқиқ қилинган, лекин уларнинг ички таснифида ҳар хилликлар учрайди. В.Н. Хангельдин бир бош бўлакли гапларни эгали гап, эгасиз гап, инфинитив гап, предикативли гап, атов гап, сўз – гап каби турларга ажратса (Хангельдин В. Н., 1959), М.З. Закиев бир бош бўлакли гаплар бош бўлагининг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб феълли, отли ва сўз – гапларга ажратади (Закиев М.З., 1963, 39–52). И.Жакыпов эса эгасиз гап, эгасиз шахсли гап, шахси ноаниқ эгасиз гап, шахси умумлашган эгасиз гап каби турларга ажратади (Жакыпов И., 1958, 246), лекин қозоқ тилшунослари бир бош бўлакли гаплар сирасида шахси аниқ гапни санаб ўтмайдилар ва *шахси ноаниқ гап* ҳамда *шахссиз гапларнигина* қайд қиладилар, шунингдек, *атов гап*, *ундов гап* типларини бир бош бўлакли гапни сифатида қарамайдилар (Қаранг: Қозоқ тилининг грамматикаси, 1967, 126).

Ўзбек тилшунослигида ҳам бир бош бўлакли гаплар кенг ва атрофлича тадқиқ этилган. Ғ. Абдурахмонов (Абдурахмонов Ғ., 1966; Абдурахмонов Ғ., 1996), А. Ғуломов (Ғуломов А., 1955; Ғуломов А., Асқарова М., 1987), А. Сафоев (Сафоев А., 1958), А. Х. Сулаймонов (Сулаймонов А. Х., 1956), С. Усмонов (Усмонов С., 1972), Э. Шодмонов (Шодмонов Э., 1969), Б. Ўринбоев (Ўринбоев Б., 1972), Х. Ғофуров (Ғофуров Х., 1962), И. Расулов (Расулов И., 1974) ларнинг тадқиқотларида бир бош бўлакли гаплар ва уларнинг назарий асослари ёритиб берилган. Айниқса, И. Расулов бир бош бўлакли гапларни шаклий жиҳатдан чуқур анализ қилиб берган. Маълумки, И. Расулов бир бош бўлакли гапларни “бир составли гап” термини остида ўрганади ва бундай гапларни мазмун планида эмас, балки структура планида ўрганади. Шу туфайли ҳам унинг ишларида бир бош бўлакли гаплар эгасиз ва кесимсиз гаплар, номинатив ҳамда атов гапларга ажратилади (Расулов И., 1974, 98). Аслида унинг таснифидаги номинатив ва атов гаплар унинг кўрсатганидек, структура эмас, балки мазмунга кўра номланишидир.

Бир бош бўлакли гапларни эгасиз ва кесимсиз гапларга ажратиш анъанавий тилшуносликда жиддий қўллаб-қувватланмади, лекин шу муаллифнинг ўзи “Ўзбек тили” дарслигида ўзи ишлаб чиққан ғояни акс эттиришга эришди. Албатта, эгасиз ёки кесимсиз гап тунчаларининг терминлаштирилиши ва унинг дарслик мазмунига олиб кирилиши илмий жиҳатдан ўринли эмас, балки ўта примитив ва аргументларга асос бўла олмайди. Шу туфайли ҳам синтаксисда семантик йўналиш вакиллари ҳам, кейинчалик дарслик ва қўлланма яратганлар ҳам бу йўлдан бормадилар. Шунга қарамасдан, И. Расулов тадқиқотларида бир бош бўлакли гапларнинг амалий қўлланишлари талқинини услубшуносликда фойдаланиш мумкин.

Ўрта ва олий мактаб грамматикаларида ҳамон рус тилшунослигидаги таснифлар тақрорланмоқда. Шахси аниқ гап масаласини ҳисобга олмаганда энг сўнгги синтаксисга оид асарларда ҳам шахси ноаниқ, шахси умумлашган, шахссиз гаплар бир бош бўлакли гаплар сифатида қаралмоқда (Абдурахмонов Ғ., 1996, 24–30), лекин аввал эслатганимиздек, мазмуний ёндашув асосида, гарчанд, қиёсий планда бўлса-да, янги таснифлар ҳам юзага кел-

ди. Рус ва ўзбек тилларидаги бир бош бўлакли гапларни ўрганган М.Р.Саидова ҳар икки типдаги бу ҳодисаларнинг систематик хусусиятларига таянган ҳолда ўрганиб, уларнинг қуйидаги типларини белгилаган: 1) умумтил (метаязык): а) ахборот-коммуникатив гаплар; б) контекстуал-стилистик гаплар; 2) ҳар бир тилга хос типлар: а) лексик-структур; б) морфологик-конструктив (Саидова М.Р., 1996, 5). Бу таснифни асослаб анъанавий тилшуносликдаги “шахс” тушунчаси билан номланадиган бир бош бўлакли гапларни икки бош бўлакли гапларнинг шакли, варианты сифатида қарайди (Саидова М.Р., 1996, 5). М.Р. Саидова ўз талқинларида ўзбек тилшунослигида (хусусан, И. Расулов тадқиқотларида – И.А.) *эгасиз* ва *кесимсиз* гап каби таснифларни ҳақли равишда танқид қилади ва ўзбек тилида унинг 6 та моделини тавсия этади.

Демак, тилшуносликда бир бош бўлакли гапларни ўрганиш ва тасниф қилишда бош бўлақлардан бирининг қатнашиши масаласи атрофида мунозаралар юритилмоқда. Ҳақиқатан ҳам бош бўлақлардан бирининг қатнашиши ёки қатнашмаслигига кўра тасниф қилишда умуман бош гапда бўлақлардан қайси бўлақнинг муқимлиги муҳим роль ўйнаб келди, аслида бундай қараш илмий ҳақиқатларга мос келиш ва келмаслигини ўйлаб кўришга тўғри келади. Бизнингча, *бир бош бўлакли гап* (борингки, бир составли гап) терминини мантикийлиги масаласини ҳам ўйлаб кўриш ва уни дастлаб икки гуруҳга ажратиш, яъни кесим марказли гапларни *номинатив*, *вокатив*, *сўз-гап*, *ундов-гап* каби гап турларидан фарқлаш лозим, яъни кейинги ҳодисалар учун *бир бош бўлакли гап* ёки *бир составли гап* терминини қўллаб бўлмайди, балки бундай гапларни М.Саидова таклиф этаётгандай *ахборот-коммуникативли гап* деб атаб, уни кесим (от, феъл) марказли гаплардан фарқлаш лозим.

Ушбу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда, биз ишда кесим марказли бир бош бўлакли гапларни чегаралаб олдик. Энди ҳақли савол туғилади? Нега эга марказли бир бош бўлакли гап бўлиши мумкин эмас? Чунки кесим марказли бир бош бўлакли гап бўлганидек, унинг оппозициясида эга марказли бир бош бўлакли гап бўлиши ҳам керак-ку, деган мулоҳаза пайдо бўлади. Аслида кесим марказли бир бош бўлакли гап икки бош бўлакли гапнинг оппозициясидир, яъни бунда *эга* қатнашмайдиган, кўпинча қатнаша олмайдиган гапларга нисбатан олинади. Шу туфайли ҳам номинатив гап, вокатив гап, сўз-гап, ундов-гапларни бир бош бўлакли гап доирасида ўрганишни тўғри деб топмас эдик. Шу билан биргаликда, гап бўлаги деган тушунчага мос келмайдиган синтактик ҳодисаларнинг зўрма-зўраки қайсидир гап бўлагига тенглаштирилиши тарафдори эмасмиз.

Демак, биз кесим бўлагини ўрнатиш мумкин бўлган бир бош бўлакли гапларгагина тўхталамиз. Шу муносабат билан яна бир мунозарали масалага тўхталишни ҳам ўринли деб биламиз. У ҳам бўлса, бир бош бўлакли гапларда кесимнинг вербаллиги масаласидир. Бу масала синтаксисда эга ва кесимнинг ҳоким вазият эгаллаши билан боғлиқ равишда унинг қандай изоҳланаётганлигини кўриб чиқишни тақозо қилади. Маълумки, анъанавий тилшуносликда гапнинг ҳоким бўлаги эга деб эътироф этилади. “Эга икки составли гапнинг бош бўлақларидан биридир: у ҳоким составнинг грамматик маркази, шу составдаги бўлақларга, шунингдек, тобе составдаги бош бўлақка – кесимга ҳам ҳокимдир. Эга абсолют ҳоким ҳолатдаги бўлақдир. У гапдаги фикр, ҳукм ўзига қаратилган предметнинг – нутқ предметининг номидир. Эга ҳаракатни бажарувчи ё қабул қилувчи шахсдир ёки кесим ифодаланган ҳолат, ё белги қарашли предмет” (Ғуломова А., Асқарова М., 1987, 77).

Кейинги йилларда гапнинг шаклий томони билан бир қаторда, унинг мазмуний томонини ўрганишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда, яъни тилшуносликда мазмуний син-

таксис деган янги йўналиш юзага келди. Бу борада А. Бердиалиев (Бердиалиев А., 1989), Р. Сайфуллаева (Сайфуллаева Р., 1989), А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, А. Аҳмедов, С. Солихўжаева (Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар, 1992), М.Абузалова (Абузалова М., 1994) ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш жоиз. Бу тадқиқотларда гапнинг бош бўлаклари хусусида ҳам янги қарашлар пайдо бўлди. Бу, айниқса, Н. Маҳмудов, А. Нурмонов (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995), М. Абузаловаларнинг ишларида ўз ифодасини топди (Абузалова М., юқоридаги асар). Бу қараш бўйича ўзида предикативликни акс эттирадиган, гапни уюштирувчи ва шакллантирувчи бўлак кесимдир. Кесим гапнинг марказий бўлаги бўлганлигидан бутун тавсифи – грамматик категориялари: тасдиқ-инкорлик, шахс, замон, коммуникатив мақсад ва ҳоказолар кесимга қараб белгиланади. Кесим гап қурилишида уюштирувчилик родини ўйнайди (Маҳмудов Н., Нурмонов А., юқоридаги асар). Тўғри, кесим ҳақидаги бундай фикр-мулоҳазалар анъанавий тилшуносликда ҳам бор. Жумладан, А. Ғуломов шундай ёзади: “Кесим эга билан ўзаро боғланган бўлиб, гапнинг уюштирувчи марказларидан биридир: у ҳукми ифодаловчи, гапнинг асосий белгиларини (модаллик, замон ва шахсни) – предикативликни кўрсатувчи энг муҳим бўлак бўлганлигидан гапнинг мазмунини, структурасини, характерини белгилашда катта роль ўйнайди, эга нутқ предметини – темани (гапнинг нима тўғрисида боришинигина) билдиради, шу ҳақда нима дейилишини, хабарни, характеристикани кесим билдиради” (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 84). Олим ҳатто кесимнинг гапдаги энг зарурий бўлак эканлигини эътироф этади. Гапнинг шаклланишида кесим муҳим роль ўйнашини айтади: “Гапни майдонга келтириш, фикрни ифодалаш жиҳатидан кесимнинг гапдаги аҳамияти жуда каттадир: у коммуникацияда (алоқа – аралашув, хабар беришда) асосий вазифани бажаради. Гапда кесимнинг айрим бўлак сифатида ифодаланмай қолиши кучли сезилиб туради. Демак, гап тушунчаси кесим тушунчаси билан жуда зич боғлангандир. Предикатив алоқанинг кўрсаткичлари, одатда, кесимда бўлади” (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 84).

Маълумки, гапнинг характерли белгиларидан бири предикативликдир. Демак, кесим предикатив алоқанинг муҳим кўрсаткичи, гап тушунчаси билан жуда зич боғланган экан, у гапда ҳоким бўлак ҳисобланиши керак.

М. Абузалова гап бўлакларини зарурий бош бўлак – кесим, биринчи даражали бўлак – эга ва иккинчи даражали бўлаklar – тўлдирувчи, аниқловчи, ҳолга ажратади (Абузалова М., юқоридаги асар).

Шу билан бирга, бир чўққили гаплар назарияси ҳам илгари сурилмоқда. Бу назария “... француз тилшуноси А. Теньер номи билан боғлиқдир. Бу йўналишга мувофиқ гапнинг мазмуний тузилиши предикат ва унинг бўш ўринларини тўлдирувчилар, яъни аргументлардан ташкил топади. Масалан, Очилбуванинг кўнгли баҳор ҳавосидек беғубор эди (Асқад Мухтор) гапда беғубор эди – предикат. Очилбуванинг кўнгли, баҳор ҳавосидек – аргументлардир” (Тожиев О., 1995, 10–11).

Англашиладики, гапда кесимнинг ўрни муқим бўлиб, у гап учун зарур бўлган барча муҳим белгиларга эга, чунки, М. Абузалова тўғри таъкидлаганидек, туркий тиллар, жумладан ўзбек тилида кесимдан эганинг табиати англашилиб турилади. Ҳақиқатан ҳам, кесим орқали эганинг шахсини аниқлаш мумкин ёки баъзи гапларда эгани қўллашга умуман эҳтиёж йўқ. Қиёсланг: *Бораман, ишлайлик, ўқийсан.*

Маълумки, гапда эганинг мавқеи синтактик таркибда унинг тутган ўрни билан боғланади, яъни эга маълум синтактик мавқеларда (позицияда) конкретлаштиришга мойил

бўлади. Шу муносабат билан умуман эганинг қўлланилишига зарурият бўлганда тиклаш мумкин бўлган ўринлари ҳам бор, аксинча, эгага муҳтож бўлмаган гаплар ҳам бор (“*уни та-ниб бўлмади*” типдаги гаплар) (Аширбоев С., 1990, 68-бет). Демак, фикр предметига нисба-тан аниқликка муҳтож гапларда эганинг ўрни муқим бўлади. Акс ҳолда нутқнинг ихчамли-ги, эгага лексик жиҳатдан муҳтожликнинг бўлмаслиги унинг гапда имплицит бўлишига йўл очиб беради. Демак, туркий тилларда кесимсиз гап ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Юқоридаги назарий фикрларни умумлаштириб, шуни қайд қилиш лозимки, кесимнинг гапдаги муқим ўрни масаласида замонавий тилшуносларимизнинг фикрларини тасдиқла-ган ҳолда, бир бош бўлакли гап термини остида фақат кесим марказли гапларни тадқиқ қилиш ҳақиқатга мос келишини таъкидлаймиз. Шунингдек, “шахс” тушунчали гапларни “грамматик шахс” билан боғланмаганлигини (чунки грамматик шахс бўлмас экан, предика-тивликнинг инкор этилиши бўлади) ҳамда “шахс” сўзли гапларнинг фарқлинишини фақат структура тушунчаси билан боғлиқ қилиб қўйиш ҳам мумкин эмас, балки ҳақиқий маъно-даги шахс (киши) тушунчаси билан боғланганлиги учун мавжуд таснифларда семантика (мазмун) ҳам эътиборга олинганлигини қайд қилиш лозим.

Ушбу ишдан мақсад бир бош бўлакли гапларнинг назарий масалаларини таҳлил қилиш эмас, балки Алишер Навоий асарларидаги бир бош бўлакли гапларнинг хусусиятларини ёритиш бўлганлиги туфайли бундай гапларнинг янги таснифини беришни лозим топма-дик, чунки бу масала тил назариячиларининг навбатдаги вазифаларидан бири ва қисқача мавжуд таснифдан фойдаланиб, ҳозирги ва эски ўзбек тилидаги бир бош бўлакли гаплар-нинг қиёслашни ҳам ўринли деб билдик.

## БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлакли гапларни тасниф қилишда фақат кесим бўлаги, муқим бўлган гапларнигина назарда тутдик ва *шахси аниқ*, *шахси номаълум*, *шахси умумлашган*, *шахссиз гапларнинг* қўлланиш хусусиятларини ёритдик.

**Шахси аниқ гаплар.** Маълумки, шахси аниқ гапларнинг кесими орқали унинг грамма-тик эгасини тиклаш мумкин. Кесим орқали эганинг қайси шахс ва сонда эканлиги аниқ кўринади. Баъзи адабиётларда бундай гаплар кесим орқали эга англашилиб турганлиги учун икки составли гапларга, баъзи адабиётларда эса тўлиқсиз гапларга ҳам киритилади. Лекин аксарият адабиётларда шахси аниқ гаплар сифатида эътироф этилади. Ғ. Абдурах-монов ҳам бу тип гапларни бир бош бўлакли гапларнинг типич сифатида қарамайди (Абду-рахмонов Ғ., 1996).

Аввалги саҳифаларда бундай гаплар қозоқ тили грамматикасида эътироф этилмасли-гини айтган эдик. М. Саидова ҳам бу типдаги гапларнинг бир бош бўлакли гап эмаслиги ҳақида хулоса қилган (Саидова М., 1996, 15). Албатта, бундай хулоса гап структурасига се-мантик жиҳатдан ёндашиш туфайли юзага келади, лекин гапда *эга* таркиби қатнашмаган-лиги аён, демак, бу ҳодисага баҳо берганда, гапнинг структура ва маъно томонини баравар ҳисобга оладиган бўлсак, уни формал жиҳатдан кесим марказли гап эканлигини тан олиш лозим бўлади. Шу маънода М. Саидованинг “қайсидир гап бўлагининг шунчаки қўллан-маслиги (простое отсутствие какого-либо члена предложения)” ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки бу ўринда гапда эганинг қўлланмаслиги ҳақида фикр юритилмоқда, эга-нинг гапдаги ўрни масаласи олдинги саҳифаларимизда ёритиб берилган, бунга қўшимча

сифатида эганинг қўлланмаслиги эмас, қўлланиши гапнинг модаллиги, гапдаги эганинг таъкидланиши билан боғлиқ контекстуал вазият билан боғлиқлигини таъкидлаган бўлар эдик, эганинг қўлланмаслиги нутқнинг ўзига хос нормаси, тежамкорликнинг қонуний натижасидир.

Аксарият адабиётларда шахси аниқ гапларнинг кесими биринчи ва иккинчи шахс шаклида бўлади, учинчи шахс шаклидаги кесимлар эса шахси номаълум гапларга хос дейилади. А. Ғуломов шундай ёзади: “шахси аниқ бир составли гап учун кесимнинг биринчи ва иккинчи шахс формасида келиши кўп учрайди” (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 135).

Маълумки, биринчи, иккинчи ва учинчи шахс олмошлари ўз маъноси билан ўзаро фарқ қилади. Биринчи ва иккинчи шахс олмошлари инсонни кўзда тутаяди, учинчи шахс олмоши эса конкрет учинчи шахсдан ташқари, ҳар қандай шахс ёки предметни ифода қилиши маълум. Шундай экан, учинчи шахс олмоши конкрет шахсни ифодалаганда, биринчи, иккинчи шахс олмошлари билан умумийликка эга бўлади. Бу вазифада у олмоши *мен, сен* олмошлари сирасида қаралиши лозим. Шу маънода у олмошининг гапда қўлланмаслиги *мен, сен* олмошларининг қўлланмаслиги каби синтактик норма бўлади. Шунинг учун бу тип гаплар адиб асарларида:

I шахсда ҳам: *Икки кундин сўнгра яна алар хизматиға еттим* (ҲМ 57). *Ул ҳазрат қошида астағина ўқудум* (ҲМ 18). *Борур кишидин ул ғазалға татаббуъ қилиб, нома йибориб эрдим* (ҲМ 32).

II шахсда ҳам: *Хабар бўлғунча саломатлиғ била азимат қилиб эрмишсиз* (МШ 114). *Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз* (МҚ 81).

III шахсда ҳам: *Ва султон соҳибқирон остонасида бўлур эрди* (МН 26). *Ҳажжи муборак сафарига бориб, сайр расми била Ҳинд сари мутаважжих бўлди* (МН 12) кенг қўлланган. Адиб асарларида шахси аниқ гапларнинг учинчи шахсда кўп қўлланганини кузатиш мумкин.

Айниқса, бундай гаплар “Мажолисун нафоис” асарида бошқа асарлардагига нисбатан кўп қўлланган. Бу ҳолат, албатта, асарнинг жанр хусусияти билан боғланган бўлиб, фикрлар конкрет шахс ҳақида борганлиги (уларни санаб ўтиш асосида) билан характерланади, яъни изоҳланаётган шахс номини билдирувчи сўз дастлабки гапларнинг эгасини билдириб, кейинги гапларда фикр предмети ўзгаради ва бу сўз кейинги гаплар учун эга вазифасини бажара олмайди. Масалан, *Мавлоно Оязий ғариб шаклик киши эрди. Атвори ва сўзи ҳам хоҳ назм, хоҳ насрда ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Гули Молонда ани кўрдим* (МН 162).

Юқоридаги матнда фикр предмети уч марта ўзгарган. *Мавлоно Оязий* дастлабки гапда, *атвори* ва *сўзи* иккинчи гапда эга вазифасини бажарган. Шу гаплардан сўнг *бағоят ҳайрат қилди* гапи келадикки, албатта, унинг потенциал эгаси вазифасини *Мавлоно Оязий* бирикмаси бажаради, лекин биз гапнинг натурал томонидан ёндашиб, унинг эгаси қўлланмаганлигини ҳисобга олиб, бир бош бўлакли гап сифатида қарадик.

Шахси маълум гапларнинг III шахс бирликда қўлланган турлари ҳақида гап борганида, асосан, бундай гапларда кесимнинг феъл (у аналитик ва синтетик шаклда қўлланган) билан ифодаланган гаплар ҳақида фикр юритилган, бундай ишларда фақат феъл бўлмаган сўзлар ҳам кесимлик қўшимчасини олиб келиб шахси маълум гапларнинг бош бўлаги вазифасини бажариши мумкинлиги шунчаки айтиб ўтилади (Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И., 1978, 205). Гарчанд бу фикр ҳозирги ўзбек тили ва Алишер Навоийнинг аксарият насрий асарларига тааллуқли бўлса-да, “Мажолис ун-нафоис” асарида айниқса от кесимлар шахси маълум гапларнинг кесими бўлиб кела олган (бу хусусда кейинги бобларда тўхталамиз).

**Шахси номаълум гаплар.** Бундай гапларга берилган таърифлар ҳеч қандай эътироз туғдирмайди, унинг шакллари устида сўз юритилганда адабиётларда уларнинг бош бўлаги учинчи шахс кўпликда ёки биргалик нисбатдаги феъллар билан ифодаланиши айтилади. Бу гапларнинг табиати ҳақида тўхталар экан, Ғ. Абдурахмонов шундай ёзади: “Шахси номаълум гапларда иш-ҳаракатни бажарувчи шахс грамматик жиҳатдан ифодаланмайди. Шахси номаълум гапларнинг кесимлари, одатда, аниқлик майлининг учинчи шахс шаклида бўлади, асосан, ҳозирги ёки ҳозирги-келаси замонга тааллуқли бўлади, ўтган замон шакли кам ишлатилади. Бу хил гапларда диққат, асосан, иш-ҳаракатга қаратилиб, бажарувчи шахс аниқ бўлмайди ва уни кўрсатиш талаб ҳам этилмайди” (Абдурахмонов Ғ., юқоридаги асар, 24-бет). И. Расулов ҳам шундай фикрни билдиради: “Шахси ноаниқ гапларда бажарувчи шахсни билдирувчи сўз нутқда қўлланмайди, лекин фикрда сақланади. Бажарувчи шахснинг нутқда қўлланмаслиги шу тип конструкциялар учун нормал ҳолдир. Уларни туширилган ёки яширинган деб қараш тўғри эмас. Гапнинг шу ҳолати бу тип гаплар учун синтактик норма ҳисобланади” (Расулов И., юқоридаги асар, 136-бет). Яна бундай гаплар ҳақида “Шахси номаълум гапларда бажарувчи шахс эмас, балки ишнинг ўзи биринчи ўринда туради, асосий диққат шунга қаратилган бўлади. Шунинг учун сўзловчи шу фактни констатация қилиш билан кифояланади: бажарувчи унга кенг маънода маълум бўлган ҳолларда ҳам уни эътиборсиз қолдиради ёки бажарувчи умуман номаълум бўлади” (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 132) деган фикрлар ҳам бор.

Юқорида таъкидланганидек, бундай гапларнинг кесими учинчи шахс кўпликда ёки биргалик нисбатдаги феъллар билан ифодаланади. Бу жиҳатдан улар кўплик шаклидаги шахси аниқ гаплар билан синонимияни ҳосил қилади. Мисоллар: *Ва подшоҳона жазн тузуб, азим ошлар бериб, хатм қоидасин бажо келтурдилар* (ҲПМ 87). *Яна бир қатла ушбу навъ мадрасада ҳам бу қитъани айтиб эрдилар* (КМ 21). Бу гап шахси аниқ гап, чунки матнда аниқ шахс (Паҳлавон Маҳмуд) ҳақида сўз кетмоқда. Шунга қарамай, шакл ва мазмун жиҳатдан шахси аниқ гаплар билан айнан хусусиятга эга бўлган шахси номаълум гаплар учрайди: *Бу жиҳаттин ани Зул-Актоф дедилар* (ТМА 214). *Ғоят юмшоғ сўзлигидин ани Яздижурди Нарм дедилар* (ТМА 221). Бу мисолда эса ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, аксарият шахси номаълум гапларнинг кесими феълнинг *-/ р /-* ур қўшимчаси сифатдош шаклидан ҳосил қилинган ва аксарият гапларда кесим вазифасида *дерлар, айтурлар* феъллари қатнашган: *Ва қимизни ва сузмани ва бўзани туркча айтурлар* (МЛ 16). *Ва кўкалтошни туркча тил била дерлар* (МЛ 15). “Муҳокаматул-луғатайн” асарида *дерлар* феълига нисбатан, *айтурлар* феълининг қўлланилиши фаолдир. Ҳ. Назарова “Бобирнома” асарида *дерлар* феълининг фаол эканлигини айтади (Назарова Ҳ., 1979, 93). Шунингдек “Муҳокаматул-луғатайн”да бир ўринда шахси номаълум гап кесими *-лар* шаклий воситасисиз қўлланган, лекин ундан кўплик маъноси англашилади: *Яна суйқуннинг ҳам эркагин буғу ва тишисин марал дер* (МЛ 15).

**Шахси умумлашган гаплар.** Бундай гаплар мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли бўлиши барча адабиётларда айтилади. Бу тип гапларда ноаниқ ёки айтилмаган шахсларга эмас, умуман, барча шахсларга хос бўлган ҳаётий хулосалар, узоқ асрлик ҳаётий тажрибалар, умумлашган мулоҳазалар ифода қилинади (Расулов И., юқоридаги асар, 136-бет). Умуман, бундай “...гаплардан англашилган иш-ҳаракат грамматик жиҳатдан маълум бир шахсга оид бўлса ҳам, мазмунан ҳаммага, умумга қарашли бўлади” (Абдурахмонов Ғ., кўрсатилган асар, 25-бет). Шунинг учун улар иккинчи шахс бирликда қўлланилиши билан характерла-

нади. Шахси умумлашган гаплар содда гап сатҳида эмас, балки бир бош бўлакли қўшма гапларда ҳам иштирок этади. Бу хусусда кейинги бобда батафсил тўхталамиз.

**Шахссиз гаплар.** Бундай гаплар "...бир составли гапларнинг бир тури бўлиб, уларда ифодаланган иш-ҳаракат ёки бирор ҳолат бажарувчининг фаол иштирокисиз юзага чиқади. Бундай гапларда эга грамматик жиҳатдан ифодаланмайди; шахси номаълум ёки шахси умумлашган гаплардан фарқланган ҳолда бундай гапларнинг эгаларини тиклаб ҳам бўлмайди. Бундай гапларнинг кесимлари мажҳул феъллар, мажҳул феъл маъносида қўлланган аниқ феъллар воситасида ифодаланади" (Абдурахмонов Ғ., кўрсатилган асар, 24-бет). "Демак, шахссиз гаплар бир составли гапнинг эгасини топиш мумкин бўлмаган туридир. Бунда эганинг йўқлиги бир составли шахси аниқ гаплардаги эгасиз қўлланишдан, шунингдек, тўлиқсиз гаплардаги эгасиз қўлланишдан, бу эгани турли йўллар билан аниқлаш ҳодисаларидан бошқачадир: шахссиз гапда умуман эга бўлмайди, яъни фараз қилинмайди" (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 134). Мисоллар: *Ва шавқ юзидин боштин қадам қилиб, Каъбаи мақсад азмиға қадам урулди* (МШ 97). *Борча салоҳиятин ушбу муаммосидин ихсос қилса бўлур* (МН 95).

## БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ ҚЎШМА ГАП ТАРКИБИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Қўшма гапларнинг компоненти бўлиб келган бир бош бўлакли гаплар назариясига кенг тўхталиб ўтирмадик. Чунки ишда бир бош бўлакли боғланган ва эргашган қўшма гаплар ҳақида кенг ва атрофлича фикр юритилган. Қайтариқлардан қочиш мақсадида мисоллар келтириш билан чегараланамиз.

Адиб асарларидаги бир бош бўлакли гаплар таҳлили шуни кўрсатдики, бундай гаплар боғланган қўшма гапларнинг ҳам, эргашган қўшма гапларнинг ҳам компоненти бўлиб кела олган.

### Эргашган қўшма гапларнинг компоненти бўлиб келган бир бош бўлакли гаплар.

#### 1. Бош гап бўлиб келган:

1. Равиш эргаш гапли қўшма гапларда: *Ва бот қазоси етиб, оламдин ўтти* (МН 67).
2. Пайт эргаш гапли қўшма гапларда: *Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва ақобирун йиғиб, анда азим жашн қилди* (ТМА 187).
3. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда: *Агарчи анинг тилига бу навъ абёт қўб ўтар эрди, аммо ҳаргиз нарво қилиб, бир ерда битмас эрди* (МН 81).
4. Сабаб эргаш гапли қўшма гапларда: *Ҳар кишини дема маҳраму ҳамроздурким, бу мато олам аҳлида оздур* (МҚ 22).
5. Натижа эргаш гапли қўшма гапларда: *Ва мамоликда йўлларни тузатиб, сувлаға қўпрулар боғлаб, аҳли фасодни йўллардин билкулл дафъ қилдиким, мусофирлар фароғат била бориш-келиш қилғайлар* (ТМА 64-65).
6. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда: *Ғолиб адув мағлубинг бўлса, шаръ тарафин зоҳир қилиб, хайр жонибин ёпма* (МҚ 82).
7. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда: *Бир кеча туш кўрдиким, қуёш Сосоннинг манглайидин тулуғ қиладур* (ТМА 36).

8. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда: *Ва анга арз қилдиларким, Қўстантанияда Рум қайсару ўз ҳаддидин тажовуз қилибдур* (ТМА 210).

**II. Эргаш гап бўлиб келган:**

1. Сабаб эргаш гапли қўшма гапларда: *Чун золим табъ киши эрди, зулмидин улуғ эл озурда бўлдилар* (ТМА 200).

2. Пайт эргаш гапли қўшма гапларда: *Чун олий мисолни бошимға қўйдум, мартабада бошим куёшдин ўтти* (МШ 139).

3. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда: *Агар иккаласига илтифот қилмасанг ва қабулни лозим билмасанг, ул ўз қасди ижросидин муаттал ва тадбири муҳмал бўлур* (МҚ 64).

4. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда: *Оқибат иш булардин ўтуб, анға еттиким, Хуросон мулкида тура олмай Самарқандға борди* (МН 94).

5. Кесим эргаш гапли қўшма гапларда: *Алардин бири будирким, Ҳиндистон мулкининг ажубасин эшитиб, тафарружин ҳавас қилди* (ТМА 220).

**Боғланган қўшма гапларнинг компоненти бўлиб келган бир бош бўлакли гаплар.**

**I. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гаплар таркибида:**

1. Сабаб-натиха муносабатини ифодаловчи қўшма гапларда: *Сайид Шарифнинг шогирди эрди ва Сайид ўз хатлари била улусни дарс айтурға ижозатномалар анинг учун битиб эрди* (МН 32). *Хунар аҳлини севар эрди ва анинг замонида хунар аҳли азиз бўлдилар* (ТМА 206). *Ҳасаб ва насаб била ораста йигит эрди ва табъи дағи бағоят хўб эрди* (МН 80).

2. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи қўшма гапларда: *Аммо йиғламоқта “ҳой-ҳой” лафзин (адод а) ўзларин туркийгўйларга шарик қилибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдир* (МЛ 110–111). *Ва улуққардош ва кичик қардошни иккаласин бародар дерлар ва турклар улуғни оға ва кичикни уни дерлар* (МЛ 114).

3. Пайт муносабатини ифодаловчи қўшма гапларда: *Бир кун ул ҳазрат хизматида эрдим ва ҳар навъ назмдин сўз ўтар эрди* (ХМ 29). *Ва подшоҳлиғи муддати ўтуз йил эрди ва ўн тўрт йил ҳукми олам мамоликига нофиз бўлди* (ТМА 210).

**II. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гапли боғланган қўшма гаплар таркибида:** *Аввалан, Ануширвон қавоид ва русумин маръий тутти, аммо оз гуноҳға қўп сиёсат қилур жиҳатидин эл ондин мутаваҳҳим бўлдилар* (ТМА 227). *Бу фақир жунун ва ошуфталиқлар кўрдум, аммо ҳажвларин зоҳир қилмади* (МН 33).

**БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА**

Ўзбек тилшунослигидаги бир бош бўлакли гаплар тадқиқи билан боғлиқ равишда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Рус ва ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларда асосан бир бош бўлакли гапларнинг таркибий ва шаклий хусусиятлари ўрганиб келинди ва мазмуний хусусиятлари ҳақида фикр юритилган бўлса-да, унга айриқча эътибор берилмаган эди. Лекин кейинги даврда бир бош бўлакли гаплар семантик нуқтаи назардан ҳам ўрганила бошланди ва янги таснифлар ҳам пайдо бўлди.

2. “Бир бош бўлакли гап” тушунчаси “икки бош бўлакли гап” тушунчасига оппозиция бўлганлиги учун ҳам гапнинг таркибий (структур) хусусиятини билдиради. Шу маънода

“шахси маълум гап”ни шу типдаги “шахс” сўзи билан боғлиқ гаплар қатори ўрганилиши маъқул. Таъкидлаш жоизки, “шахс” сўзи билан боғлиқ барча бир бош бўлакли гапларни семантик жиҳатдан икки бош бўлакли гапларнинг семантик вариантлари деб қараш тўғри бўлади.

3. Кесим марказли бир бош бўлакли гаплардаги функционал кесимнинг муқимлиги шу тоифа бир бош бўлакли гапларни фарқлаш имкониятини беради. Бинобарин, номинатив, атов, вокатив, ундов – гап каби гаплар кесим марказли бир бош бўлакли гаплар билан бирга ўрганилиши мақсадга мувофиқ эмас.

4. Эгали ва эгасиз гап тушунчалари ўрганилаётган синтактик ҳодисани фарқлашда илмий асос бўла олмайди, қолаверса, назарий жиҳатдан ҳам ўринсиздир.

5. “Шахс” сўзи билан боғлиқ кесим марказли бир бош бўлакли гаплардан шартли равишда Алишер Навоий насрий асарларидаги шундай ҳодисани ҳозирги ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

6. Алишер Навоий асарлари кесим марказли бир бош бўлакли гаплар содда гап қолипида, қўшма гап қолипида қўлланилиши билан бирга, қўшма гапларнинг таркибий қисми, яъни эргаш гап ёки бош гап сифатида амалда қўлланилишини исботлайди.

## II БОБ

### КЕСИМ МАРКАЗЛИ БИР БОШ БЎЛАКЛИ СОДДА ГАПЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЗМУН МУНОСАБАТИ

Маълумки, гапда объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот берилди. Нутқий жараёнда сўзловчи маълум ахборотни ёки истак-хоҳишни тингловчига баён қилишни, маълум воқеа-ҳодиса ҳақида тингловчидан сўрашни, суҳбатдошни маълум ахборотни баён қилишга ёки маълум ҳаракатни юзага чиқаришга даъват қилишни мақсад қилади (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 46). Гапда қандай мақсад ифодаланишига кўра гаплар анъанавий тилшунослиқда 3 гуруҳга бўлинади: 1) дарак гаплар, 2) сўроқ гаплар, 3) буйруқ гаплар.

Баъзи тадқиқотларда гапларнинг ифода мақсадига кўра 4 тури ажратилади: 1) дарак гаплар, 2) сўроқ гаплар, 3) буйруқ гаплар, 4) истак гаплар (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 24).

**Дарак гапларнинг шаклий парадигмаси.** Гапни шакллантирувчи бўлак кесим бўлганлиги учун дарак гапларнинг грамматик хусусиятлари кесим орқали белгиланади. Шунинг учун ҳам дарак гапларнинг, умуман, бошқа гапларнинг ҳам шаклий парадигмаси кесимларнинг тузилиши уни ифодалаган морфологик шаклларни ўз ичига олади.

Кесим қандай морфологик шакллар билан ифодаланишига қараб икки гуруҳга ажратилади:

1. Феъл кесимлар. 2. От кесимлар.

Феъл-кесимлар феъл, унинг сифатдош, равишдош шакллари орқали ифодаланса, от-кесимлар феълдан бошқа сўз туркумлари орқали ифодаланади.

**Феъл кесимларнинг шаклий парадигмаси.** Маълумки, феъл кесимлар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1. Содда феъл кесим. 2. Таркибли феъл кесим.

Содда феъл кесим биргина сўздан иборат бўлади: *Ул хонақоҳга ўйнағали кирдилар* (МН 34).

Таркибли феъл кесимлар эса бирдан ортиқ морфологик шакллар билан ифодаланади: *Аммо шеър айтурни маълум қилмайдур эрдим* (МН 177).

Алишер Навоийнинг насрий асарларида феъл кесимлар қуйидагича шаклланган:

**Аниқлик майлидаги морфологик шакллар. Ўтган замон феъл шакллари билан.** Маълумки, эски ўзбек тилида ўтган замон феълнинг қуйидаги шакллари қўлланган: 1. -ди / -ти (транскрипцияда –ды/ты варианты ҳам бор) қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган шакл. 2. -миш / -мыш ёрдамида ҳосил қилинган шакл. 3. -дуқ / -дук ёрдамида ҳосил қилинган шакл. 4. -б / -иб / -уб (транскрипцияда –ыб / уб варианты ҳам бор) қўшимчаси орқали ҳосил қилинувчи шакл. 5. -ган / -кан // -ған // -қан ёрдамида ҳосил қилинувчи шакл (Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., 1973, 155). Навоий насрий асарларида бир бош бўлак-ли гаплар доирасида, асосан, биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи шакллар кузатилади. Учинчи шакл эса Навоий давридан аввал қўлланишида бўлган (Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., 1973, 155).

**I. I шахсдаги феъллар билан:**

- а) от+феъл: *Ўпуб, кўзумга қўйуб, жоним ичра ер бердим* (МШ 129);  
 б) равиш+тўлиқсиз феъл+тўлиқсиз феъл: *Ул жиҳаттин арзадоштни ўткарурда ҳозир эрмас эрдим* (МШ 112);  
 в) от+феъл+тўлиқсиз феъл: *Аммо шеър айтурни маълум қилмайдур эрдим* (МШ 177).  
 Кўплик шаклида қўлланиб, бирлик маъносини англатган: *Эмди келдук сўз баёниға ва қалам достониға* (МЛ 106).

**II. II шахсдаги феъллар билан:**

- а) сифат+феъл: *Хабардор қилгон сойи беҳабарроқ ва фисқу фасод фужуруни манъ қилгон сойи батарроқ бўлдунг* (МШ 106);  
 б) от+феъл+тўлиқсиз феъл: *Хабар бўлгунча саломатлиғ била азимат қилиб эрмишсиз* (МШ 104).

**III. III шахсдаги феъллар билан:**

1. –ди қўшимчали феъл шаклида: *Оламнинг баҳрин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотқа кирди* (ХМ 20).

*Барча навъда Ардашерни ўз ўғлонларидан ортуқ топти* (ТМА 208).

- а) кўплик шаклда, содда феъл-кесим билан: *Ул хонақоҳға ўйнағали кирдилар* (МА 34);  
 б) феъл+тўлиқсиз феъл билан: *Кўчадин кўчага сурарлар эрди* (МҚ 87). Кўплик шакли баъзан бирлик шаклни, хурмат маъносини ифодалайди: *Дағи қўюнларидин бир туз чиқариб, фақирға иноят қилдилар* (ХМ 20). *Бир авуч дирам келтуруб илтимос қилдилар* (МҚ 70).
2. –б (-иб) равишдошли шакл. Бу шаклни Ғ.Абдурахмонов ва А.Рустамовлар натижали ўтган замон деб номлайдилар (Абдурахмонов Ғ., Рустамов А., 1984).

а) содда феъл кесим шаклида: *Яқинда таҳсил учун шахрға келибдур* (МН 127). *Етти ё саккиз йиллик салтанатида, гўёки уч ганж топибтур* (МН 198);

б) от+феъл шаклида: *Гўё рангида ҳумрот бор учун бу тахаллусни ихтиёр қилибтур* (МН 133);

в) кўпликда, содда феъл-кесим шаклида: *Бойсунғур Мирзо замонидин Бобир мирзо замонининг охириғача бир қариға яқин кўпрак авқотларни бетайюн ўтқарибтурлар* (ҲСҲА 77). *Карам “коф”ин, гўйё, кимё ибтидосидин олибтурлар ва “ро”син симурғ аросидин ва “мим”ин хўблар оғзидин тутубтурлар* (МҚ 51).

Ўтган замон феълнинг бу шакли ҳозирги ўзбек тилида маъно жиҳатдан ўзгарган. Ҳозирги ўзбек тилида бу шакл сўзловчи ўз кўзи билан кўрмаган, эшитган иш-ҳаракатни ифодалайди. Навоий асарлари, умуман, эски ўзбек тилида эса эшитилганлик маъноси йўқ. Бу шакл –ди шакли билан бир хил мавқеда қўлланилган.

3. –р (-ар/-ур)+эрди шаклли кесим:

а) бирлик шаклда: *Мавлоно Қутби одамдинким, бу мулкнинг мутаййин табибидур, бу фанни касб қилур эрди* (ҲПМ 34). *Ва бадиҳани равон айтур эрди* (МН 24);

б) кўплик шаклда: *Бу фарш устида мажлис тузуб ўлтурур эрдилар* (ТМА 229).

4. –ған / -ган // -қан / -кан + эрмиш шаклли кесим:

а) бирлик шаклда: *Зиёратқа келган эрмиш* (МН 46).

**Ҳозирги замон феъл шакллари билан.** Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги замон феъл шакллари маъно жиҳатдан 2 турга бўлинади:

1. Ҳозирги-келаси замон феъли. 2. Ҳозирги замон давом феъли. Ҳозирги-келаси замон феъли –а (ў)қўшимчаси билан, ҳозирги замон давом феъли –ян, –моқда, –ётиб шаклий воси-

талар билан ифодаланади (Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ., 1989, 127). Эски ўзбек тилида эса “ҳозирги ўзбек тилидаги *-ян, -ётир, -ётибқўшимчалари* билан ясалган *ишляяпман, ишлаётиман, ишлаётиман* типидagi конкрет ҳозирги замон феъллари қўлланмаган” (Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., 1973, 172). Эски ўзбек тилида, асосан, *-а(-й), -р(-ар/-ур)* шаклий воситалари билан ҳозирги замон феъллари ҳосил қилинган. Навоий насрий асарлари тилида, бир бош бўлакли гаплар доирасида *-р(-ар/-ур)* шаклий воситаси билан ҳосил қилинган феъл шакллари кузатилди.

1. **III шахсдаги феъллар билан.** Навоий тилида бу шакл ҳамма замонлар учун умумий бўлган иш-ҳаракат ёки ҳолатни, нутқ пайтида ва нутқ моментидан кейин содир бўладиган иш-ҳаракатни билдиради (Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ., 1989, 127).

а) содда феъл кесимлар билан: *Элни мундақ икки балодин ўтқарур* (МҚ 79). *Муаммони андоқ айтур ва очар* (МН 112);

б) бўлишсиз шаклда:

– содда шаклда: *Сафоҳат қилса ҳам элдин қутулмас* (МН 155);

– мураккаб шаклда: *Бефойда эл била мусоҳиблиққилмас*(МН 116).

**Келаси замон феъл шаклида.** Навоий асарлари тилида келаси замон феъл шакллари *-ғай / -гай // -қай / -кай ва -ғу / -гу / -қу / -қушаклий* воситалари билан ҳосил қилинган (Абдурахмонов Ғ., Рустамов А., 1984, 132):

1. *-ғай / -гай // -қай / -кай* шаклий воситалари билан:

а) II шахс кўплик шаклида:

– содда феъл кесим шаклида: *Ўз атворингиз теграсига яхши эврлгайсиз* (МШ 118);

– таркибли феъл кесим шаклида: *Ҳамиша банданавоз бўлғайсиз*(МШ 133).

б) III шахс бирлик шаклида: *Сўзлагучига ва кўзлагучига осойиш етқургай* (МҚ 30);

в) кўплик шаклида: *Ул мансабни анга бергайлар* (МН 181).

2. *-ғу / -гу / -қу / -қу* шаклий воситаси билан: *Бот муяссар бўлғондин сўнгра алардин ҳам етқурулгусидир* (МШ 10).

Маълумки, бу кўшимча билан ҳосил қилинган келаси замон феъллари XI–XII аср ёдгорликларида ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида кенг қўлланган (Абдурахмонов Ғ., Рустамов А., 1984, 180).

**От кесимнинг шаклий тузилиши.** Маълумки, от кесимлар от, сифат, сон, олмош, ҳаракат номи каби морфологик шакллар орқали ифодаланади.

Навоий асарлари тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилидагидек, қуйидаги морфологик шакллар от кесим вазиятида келади. От кесимлар ҳам тузилишига кўра 2 га бўлинади: 1. Содда от кесимлар. 2. Таркибли от кесимлар. Содда от кесимлар қуйидагича ифодаланган:

1. Бош келишик шаклидаги от: *Хуросон афозилининг дохилидир* (МН 18). *Ул ҳазратнинг шаҳр ичидаги мадрасасида мударрисдур* (МН 115).

2. Сифат морфологик шаклида: *Кайду фирибда фусунсоз, макру ҳийлада саҳарпардоз* (МҚ 57).

Таркибли от кесимлар қуйидагича ифодаланган:

1. От+тўлиқсиз феъл: *Ҳирот шаҳрининг ўз таврида яғонаси ва нодираси эрди* (ҲСҲА 84). *Ўз асрининг яғонаси эрди* (МН 31).

2. Сифат+тўлиқсиз феъл: *Туркий ва форсий шеърда жалд эрди* (МН 26). *Иншо фанида беназир эрди* (МН 32).

3. Олмош+чиқиш келишиги шаклидаги тўлиқсиз феъл: *Бир ойға дегунча ул мартабада эрди* (МШ 5).

4. Равиш+тўлиқсиз феъл: *Ва бу қасидани айтқон тарихдин сўнгра яна беш йил умр гулзоридин баҳраёб ва ҳаёт чашмасидин сероб эрдилар* (ХМ 8).

5. Предикатив бирикма+тўлиқсиз феъл: *Ҳар тақдир била сиёсати ғолиб ва интиқоми жадид киши эрди* (МН 45).

6. Изофий бирикма+тўлиқсиз феъл: *Яна санойи ва аруз қофиясида ҳам кўб соҳиб вуқуф эрди* (ҲПМ 94).

Адиб асарларидаги таркибли феъл кесим ва от кесимлар С. Аширбоевнинг ишларида (Аширбоев С., 1990) кенг ва атрофлича ёритилганлиги туфайли бу масалага кенг тўхталиб ўтирмадик.

**Дарак гапларнинг мазмуний парадигмаси.** Маълумки, дарак гаплар хабар семасини ўзида бирлаштиради. Лекин хабар семаси бир-биридан фарқланувчи кўплаб семаларни ўзида бирлаштиради. Улар қуйидагилар:

1. Хабар семаси: *Ул ердин Сейистонга борди* (МН 35). *Анжуманда бир қасидасин ўқийдур эрди* (МН 62).

2. Тақсим семаси: *Мамоликни учовга тақсим қилди* (ТМА 189).

3. Аталганлик семаси: *Туркистонни ва Чин ҳудудин Турға берди* (ТМА 189). *Ва Ҳурмузким, кичикрак эрди, валиаҳд қилиб, тахтни анча мусаллам тутти* (ТМА 221).

4. Даъват семаси: *“Зинд” китобин тасниф қилиб, элни ул динға даъват қилди* (ТМА 196).

5. Мақсад семаси: *Қолғанни дағи тугатиб, борур кишидин йибарилгай* (МШ 114).

6. Ҳурмат семаси: *Вазирға кўп иноятлар қилди* (ТМА 203).

7. Эшитилганлик семаси: *Султон Ҳусайн Бойқаро бинни Умаршайх хизматида бўлур эрмиш* (МН 23). *Зиёратқа келган эрмиш* (МН 46).

8. Эришилганлик семаси: *Султони Соҳибқирон хизматиға мушарраф бўлди* (ҲПМ 81).

9. Ишонч семаси: *Иншооллоҳ, туз йўлға киргай* (ТМА 88). Мазкур мисолда ишонч семаси икки томонлама реаллашган. Яъни ҳам феъл-предикат орқали, ҳам *иншооллоҳ* лексемаси билан.

10. Мансублик семаси: *Ва Кўфани ҳам анга мансуб қилубтурлар* (ТМА 186).

11. Фараз, гумон семаси: *Аммо маҳолдурким, ўн уч йилда ул қилғон ишча қилса бўлгай* (ТМА 202). Ушбу мисолда ҳам гумон семаси субъектив ифодаланмоқда. Яна бир мисол: *Гўё, рангида хумрот бор учун бу тахаллусни ихтиёр қилибтур* (ТМА 133). Бу мисолда эса гумон семаси *гўё* лексемаси орқали ифодаланган. *Гўё* лексемаси Навоий асарлари тилида ҳозиргидек маънода эмас, балки “*айтишлари*ча” маъносида қўлланган (Бу ҳақда қаранг: Аширбоев С., 1990, 234).

12. Хоҳиш, истак семаси: *Тенгри таоло ҳазратида барча ўтган ишлардин ўзингизни мақсур билгайсиз* (МШ 126).

13. Мумкинлик семаси: *Барча салоҳияти ушбу муаммосидин ихсос қилса бўлур* (МН 95). *Андоққи, “аро” лафзин “саро” ва “даро” била қофия қилса бўлур* (МЛ 114).

14. Ҳолат семаси: *Кўп ўт пуфлагандин мода қулоғи сори униб кар бўлуб эрди* (МН 41). *Ондин сўнг мутаҳаййир бўлдилар* (ТМА 80).

15. Мансаб семаси: *Бир ой дегинча ул мартабада эди* (МШ 5).

16. Номаълумлик семаси: *Аммо шеър айтурни маълум қилмайдур эрдим* (МН 177).

17. Илтимос семаси: *Бир авуч дирам келтуруб илтимос қилдилар* (МҚ 70).

18. Субъектнинг касб-хунари семаси: *Ул ҳазратнинг шаҳр ичидаги мадрасасида мудар-рисдур* (МН 115).

19. Ўрин-пайт семаси: *Кум вилоятидиндур* (МН 188).

20. Субъектнинг маълум синфга мансублиги: *Шаъни аржуманд ва аҳлоқи дилписанд подшоҳ эрди* (ТМА 212).

21. Субъектга хос салбий хусусиятлар: *Кайфу фирибда фусунсоз, макру ҳийлада саҳарпардоз* (МҚ 57).

22. Субъектга хос ижобий хусусиятлар: *Ҳирий шаҳрининг хуштабъларидин эрди* (МН 35). *Чун лоуболиваш ва шўх табъроқ киши эрди* (МН 10).

**Сўроқ гапларнинг шаклий парадигмаси.** Маълумки, сўроқ гапларда сўзловчи ўзи баён этган фикр ҳақида тингловчидан маълумот олмоқчи бўлади ёки тингловчидан фикрни тасдиқ, инкор қилиш учун жавоб талаб қилади. Навоий тилида ҳам сўроқ гаплар сўроқ юкламалари, сўроқ олмошлари ёрдамида ҳосил қилинган:

1. Сўроқ юкламалари шаклий воситаси билан: *Дарёким сокиндир, суйидин ютса бўлурму, рўдким мутаҳҳариндур, зулоли таркин тутса бўлурму?* (МҚ 78).

2. Сўроқ олмошлари билан: *Не ҳад била, балки не тил била анинг жавобин битиса бўлғай* (МШ 104).

**Сўроқ гапларнинг мазмуний парадигмаси.** Маълумки, сўроқ гапларда сўзловчи айтилаётган фикрга суҳбатдошини муносабат билдиришга ундайди. Шу билан бирга, баъзи сўроқ гаплар шаклан сўроқ гапларга мансуб бўлса-да, мазмунан уларни сўроқ гапларга кiritиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам адабиётларда сўроқ гапларнинг икки тури ажратилади:

1. Соф сўроқни ифодаловчи гаплар.

2. Риторик сўроқ гаплар.

Алишер Навоий насрий асарларида бир бош бўлакли содда гаплар доирасида, иккинчи тур сўроқ гаплар кузатилади: *Не ҳад била, балки не тил била анинг жавобин битиса бўлғай* (МШ 104).

**Буйруқ гапларнинг шаклий парадигмаси.** Маълумки, буйруқ гапларнинг кесими буйруқ-истак майлидаги феъл шакллари билан ифодаланади. Улар турли шахс вариантларида намоён бўлади:

**1. I шахс бирлик шаклида:**

а) таркибли феъл кесим шаклида: *Томший-томший ани қилай нўш* (МЛ 179);

б) кўпликда, содда феъл кесим шаклида: *Сенинг учун сатқун алали* (МҚ 168);

в) таркибли феъл кесим шаклида: *Аммо куллийрак калимотни адо қилали* (МЛ 116). *Ул ҳазратнинг фавтлари воқеасиға шуруғ қилали* (ХМ 64).

Маълумки, -али шаклий воситаси XV–XVII асрлар учун характерли бўлиб, бу даврда буйруқ-истак майли ифодалашнинг асосий шакли сифатида ёдгорликларда кенг қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди. Бу қўшимча ҳозир Ҳазорасп, Қорақўл каби айрим ўзбек шеваларида мавжуд. Шу билан бирга, бу шакл туркман, қирғиз, тува каби тилларда қўлланиб, кўпликни эмас, балки иккилик (яъни ҳаракатнинг икки шахс томонидан бажарилиши) маъносини билдиради (Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., 1973, 142–143).

**2. II шахсда:**

а) бирликда, таркибли феъл кесим шаклида: *Кўп емак била бўлмағил нодон* (МҚ 84–85);

б) худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, феъл негизига тўғри келади. Содда феъл кесим шаклида: *Ўзунгни андоқ кўргуз* (МҚ 43);

в) таркибли феъл кесим шаклида: *Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз* (МҚ 148). Буйруқ-истак майлининг бу шакли эски ўзбек тилида нисбатан кам қўлланган. Бундай қўлланниш фақат эски ўзбек тилига хос бўлган хусусият ҳисобланади, чунки ҳозирги ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг *-нг (-инг), -из* қўшимчалари феълларга бирйўла қўшилмайди. Навоий асарларида эса бундай ҳолатни кўплаб кузатиш мумкин;

г) кўплик шаклида қўлланиб, бирлик шаклни билдирган: *Ҳеч вақт кўнгулни тенгри таоло ёдидин ғофил ва мусулмонлар ёдидин отил қилманг* (МШ 103). *Ва улча бор Мирзонинг ҳукми ижросида саъй қилиб, ул давлат маслаҳатининг дақойиқидин ҳеч вақт номаръи қўймангиз* (МШ 101).

3. а) Ҳаракат номи+вожиб сўзи билан: *Бу маҳалда ҳар ҳол била навкар жонибин асрамоқ вожибдур* (МШ 115);

б) ҳаракат номи + фарз сўзи билан: *Тенгри амрини андин ҳам ақдам кўрмак фарз* (МШ 103).

**Буйруқ гапларнинг мазмуний парадигмаси.** Маълумки, буйруқ гапларнинг асосий мазмуни буйруқ семасидир. Шу билан бирга, буйруқ семасидан ташқари, турли қўшимча семалар ҳам ифодаланади. Улар қуйидагилар:

1. Буйруқ семаси: *Ул нақлни кўруб, анга яраша яроққилиб, сўрдур киши йиборсин* (МШ 111). *Ул салтанат сипеҳрининг қуёшиға шараф баҳори лолазори узра ғазолалар била анжуман тузулсун* (МШ 105).

2. Ташвиқ семаси: *Паришон абётингни жамъ қилиб Мавлоно Султонали Машҳадийға ёздуруб, ҳазратимизға йиборгил* (МШ 105).

3. Маслаҳат семаси: *Ҳеч вақт кўнгулни тенгри таоло ёдидин ғофил ва мусулмонлар додидин отил қилманг* (МШ 103). *Бу маҳалда ҳар ҳол била бўлса навкар жонибин асрамоқ вожибдур* (МШ 115).

4. Илтимос семаси: *Ва ҳазарот ва макодим била, балки сойир наввоб ва худдом била хизматкорлиғ тарийқин тутунгуз* (МШ 101).

5. Хоҳиш-истак: *Томший-томший ани қилай нўш* (МЛ 179). *Сенинг учун сатқун алали* (МҚ 168).

**Истак галарнинг шаклий парадигмаси.** Кесими шарт-истак майлидаги феъллардан ифодаланган гаплар истак гаплар саналади. Анъанавий тилшуносликда истак гаплар содда гапларнинг алоҳида тури сифатида қаралмай, буйруқ гаплар сифатида ўрганилади. Лекин кейинги тадқиқотларда истак гаплар ҳам содда гапларнинг бир тури сифатида эътироф этилмоқда.

“Истак гаплар сўзловчининг истак-хоҳишини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай гаплар сўзловчининг ахборот бериш белгисига кўра дарак гаплар билан умумийликни ҳосил қилади. Лекин тил сатҳида ўзининг алоҳида модели мавжудлиги ва нутқда коннотатив маъно маълум ахборот бериш билан бирга, сўзловчининг истаги, хоҳишини ифодаланишига эга бўлади” (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 55).

Мисоллар: *Куллийрак нишонларни дағи қила олғанча ҳукмдин кўрқуб, ботроқ бутқарсалар* (МШ 131). *Ҳар кун не миқдор бутганин келиб арз қилсалар* (МШ 130).

**Истак гапларнинг мазмуний парадигмаси.** Истак гаплар сўзловчининг истагини ифодаланганлиги учун ҳам у келгусида бўлиши орзу қилинаётган воқеа-ҳодиса, белги-хусусият ҳақида ахборот беради. Бундай гапларнинг мазмунини истак семаси ташкил этади.

Мисоллар: *Бори борча ҳол била, ҳар неча ичмоқ ишида эҳтиёткорлик, балки таъхир вожиб биллса* (МШ 130). *Дағи муҳтасиб таъйин қиллсаким, элни намозға тарғиб қилса* (МШ 130).

### БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР

1. Кесим марказли бир бош бўлакли гапларнинг шаклий парадигмасига кўра турлари бўйича Навоий асарлари ва ҳозирги ўзбек тили хусусиятлари кўп жиҳатлардан мувофиқ келади, лекин мазмуний парадигмасига кўра ўзига хос хусусияти билан алоҳида ажралиб туради ва бу адиб насрининг услубий хусусиятлари билан боғлиқдир.

2. Феъл кесим ва от кесимларнинг қўлланилишида Алишер Навоий тили билан ҳозирги ўзбек тили ўртасида кескин фарқ йўқ, лекин мураккаб от кесимларда форсий қолипдаги шаклларнинг қўлланилиши билан ажралиб туради.

3. Бир бош бўлакли содда гапларда сон, олмош, ундов ва тақлидий сўзлар от кесим мавқеида келмаслиги кузатилди. Шу жиҳатдан, эски ўзбек тили, айниқса, қадимги туркий тилда от кесим кўпроқ от ва от маъносидаги сўзлар билан ифодаланганлиги ҳақидаги фикрларнинг тўғри эканлиги тасдиқланмоқда (Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., 1973, 256).

### III БОБ

#### БИР БОШ БЎЛАКЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЗМУН ХУСУСИЯТЛАРИ

“Қўшма гап тил синтактик сатҳининг олий бирлигидир. Содда гап ҳам синтактик сатҳ бирлиги ҳисобланса-да, у қўшма гапга қараганда анчайин ихчам бирликдир. Қўшма гап содда гапдан энг аввало мазмун сиғимининг катталиги, мазмуний-синтактик тузилишининг ўзига хослиги, мураккаблиги билан фарқланади. Албатта, ҳар икки гап тури – содда гап ҳам, қўшма гап ҳам муайян ҳукм ифодаси сифатида мавжуд бўлса-да, тилнинг кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлишдай энг муҳим вазифаси бевосита гапларда намоён бўлса-да, содда ва қўшма гаплар тузилиши ва мазмуний таркиби ҳамда бу таркибни юзага келтирувчи узвлар муносабати уларнинг ҳар бирида мутлақо ўзига хосдир” (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 155).

“Содда гап маълум фикр, мақсадни ифодаловчи, грамматик ва оҳанг томондан шакланган синтактик бирликдир. Қўшма гаплар турли грамматик, лексик, оҳанг воситалари билан икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан тузилган яхлит гап қурилмасидир” (Абдурахмонов Ғ., 1996, 10).

Анъанавий тилшунослик катта ютуқларга эришган ва ҳозир амалда бўлган тилшуносликдаги барча йўналишларнинг асоси, назарий пойдевори бўлганлиги аниқ, лекин тилдаги айрим муаммоларни, жумладан, қўшма гап ва содда гап, айниқса, кесим таркиби кенга йиб келадиган гапларнинг мақомини белгилашда илмий мунозара давом этмоқда.

Тилимизда “Юрт қўрисанг, ўзарсан...”, “Сихатлик тиласанг, кўп ема” типигади гаплар борки, уларни қўшма гап дейиш керакми ёки содда гапларга киритиш керакми? деган саволлар ҳанузгача баҳсга сабаб бўлиб келмоқда. Бундай гапларни аксарият тилшунослар содда гап (Расулов И., 1974, 145–147), баъзилари эса қўшма гапга киритадилар (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 194). Баъзи ҳолларда бундай гапларга умуман муносабат билдирилмайди.

Жумладан, И. Расулов “Қаловини топсанг, қор ёнар”, “Бўрини аясанг, сени талайди” каби гапларни қўшма гапга киритгани ҳолда, “Юрт қўрисанг, ўзарсан”, “Эксанг, ўрасан” сингари гапларни имплицит эга бутун гап учун умумий бўлгани учун ҳам содда гапга киритади (Расулов И., 1974, 148).

Ғ. Абдурахмонов ҳам юқоридаги каби гапларни баъзи ўринларда қўшма гапга киритса, баъзан содда гап сифатида изоҳлайди (Абдурахмонов Ғ., 1958, 81).

Бундай фикрлар, албатта, анъанавий тилшуносликдаги эгани мутлақ ҳоким бўлак, деб қараш асосида юзага келган. Бундан ташқари, яқин вақтларгача ўзбек тилшунослигида ҳам синтаксис шаклдан мазмунга тамойили асосида ўрганилган, яъни сўз ва гапларнинг боғланишидаги шаклий воситалар кенг ўрганилгани ҳолда, унинг мазмун-моҳиятига кам эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам синтаксиснинг шаклий томонлари, унинг семантикасига қараганда чуқур ва ҳар томонлама ишланган (Черемисина Н.И., Колосова Т.А., 1978, 25). Синтаксиснинг мазмун томонига эътибор рус тилшунослигида ҳам сўнгги йилларда кучайиб бормоқда. Лекин бу хусусда ҳали турли хил фикрлар, турлича қарашлар мавжуд.

Бу табиий ҳол, чунки ҳар қандай янгилик мунозаралар асосида шаклланиб, сайқал топиб боради.

Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси бўйича олиб борилган тадқиқотларда тўғри таъкидланганидек, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида гапда эга бўлагининг қатнашиши зарурат эмас, у кесим орқали доимо англашилиб турилади. Гапда кесимнинг мавқеи эгага нисбатан мустақкам ва мазмун доираси ҳамда валентлик имкониятлари кенгдир (бу хусусда аввалги бобда тўхталиб ўтилгани учун такрорлаб ўтирмаймиз).

Шуни айтиш лозимки, гапда кесимнинг имкониятлари кенг эканлиги ҳатто “уюшиқ кесим” деган тушунчани қайта кўриб чиқишни ҳам кун тартибига қўймоқда. Гапга тил (лисоний) жиҳатдан ёндашиб таъриф берган янги йўналишдаги тилшунослик вакиллари ҳозиргача уюшиқ кесим деб санаб келинган (эга эксплицит бўлган ҳолатда ҳам) ҳодисани, яъни ҳар бир уюшувчи кесимни алоҳида гап деб изоҳлаш лозимлигини уқтирмоқдалар (Қаранг: Нигматов Ҳ., Абдуллаев К. М., Бенару В.И., Маҳмудов Н. М., Муҳамедова Д., Нурманов А., 1984, 7). Бизнингча, уюшган кесимлар ва гап масаласи яна мунозара қилинар, лекин бир бош бўлакли қўшма гаплар мақомини белгилашда унга нисбатан янгича қараш зарурлигини кўрсатади.

Қуйидаги гапларни таққослаб кўрайлик: *Қаловини топсанг, қор ёнар. Юрт кўрисанг, ўзарсан.* Иккала гапнинг шаклий перадигмаси бир хил (-са қўшимчаси орқали шаклланган). Мазмуний томондан ҳам икки денотатив воқеа шарт муносабатига киришган. Шунинг учун ҳам ҳар иккала гап бир хил синтактик мавқега эга, яъни шарт эргаш гапли қўшма гап. Шу туфайли эгаси умумий бўлса-да, кесимлари мустақил шаклланган, бирдан ортиқ денотатив воқеани ифодалаган гапларни қўшма гапга киритиш мантиқан тўғри бўлади. Бу ҳолат рус тилшунослари томонидан эътироф этилган: “Кўпчилик тилшунослар иккита кесим учун битта умумий эгаси бўлган, бири тўғридан-тўғри, иккинчи кесим эргаштирувчи боғловчи орқали бириккан гапларни қўшма гапга киритгани ҳолда, иккинчи кесим умумий эгага боғловчиларсиз ёки тенг боғловчилар билан боғланса, содда гапга киритадилар. Фикримизча, иккала ҳолатни бир хил баҳолаш лозим, яъни қўшма гап деб ҳисоблаш керак” (Черемисина М.И., Колосова Т.А., 1978, 20). Италян грамматикасида ҳам гапда бир кесим бўлса, у содда гап, бирдан ортиқ бўлса, қўшма гап деб изоҳланган (Черемисина М.И., Колосова Т.А., 1978, 82). Албатта бу ўринда кесими унинг тобелигида кенгайиб келган гаплар ҳақида сўз боради.

Гапнинг юқори чўққиси (Черемисина М.И., Колосова Т.А., 1982, 82), марказий бўлаги кесим экан, унда асосий воқеа ифодаланар экан, бирдан ортиқ кесим иштирок этган гапларни қўшма гап деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Фақат унинг ички таснифида қуйидаги ўзига хосликни таъкидлаш жоиз бўлади:

1. Аини субъектли (имплицит) бир бош бўлакли қўшма гаплар.
2. Турли субъектли (имплицит) бир бош бўлакли қўшма гаплар.

Қуйида уларнинг ҳар иккаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтамиз:

**Аини субъектли (имплицит) бир бош бўлакли қўшма гаплар.** Қўшма гаплар боғловчи ва боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдами билан бирикиб, бир бутунликни ташкил этган, мазмунан маълум бир мураккаб фикрни ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ гаплар бирикмаси эканлиги маълум. Қўшма гапларни ўрганиш бўйича ўзбек тилшунослиги улкан ютуқларга эришди. Бу мавзуга бағишланган қатор фундаментал илмий ишлар вужудга келди (Абдурахмонов Ғ., 1960; Асқарова М., 1966).

Бу тадқиқотларда қўшма гапларнинг турлари, уларнинг бир-бирига боғланиш ва эргашуш усуллари, яъни шаклий томони кенг ва атрофлича ўрганилган бўлса, кейинги йилларда қўшма гапларнинг мазмуний томонини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумки, қўшма гап мазмуний синтаксиси ва уларнинг ўрганилиши рус тилшунослигида анча аввал бошланган. Бу мавзу бўйича қатор илмий тадқиқотлар эълон қилинди (Колосова Т.А., 1980; Шувалова С.А., 1980; Ширяев Е. Н., 1986).

Ўзбек тилшунослигида ҳам бу мавзуга эътибор кейинги йилларда анча кучайди. Мазмуний синтаксис, деган йўналиш юзага келди. Синтаксис мазмундан шаклга қараб ўрганила бошланди. Бу соҳада самарали ижод қилаётган А. Бердиалиев (Бердиалиев А., 1998), Н. Маҳмудов, А. Нурмонов (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995), Р. Сайфуллаева (Сайфуллаева Р., 1998) С. Солихўжаева (Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С., 1992) ларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу ишларда боғланган ва эргашган қўшма гаплардаги шаклий муносабатлар билан бир қаторда, мазмуний муносабатлар чуқур таҳлил этилган. Юқорида таъкидланганидек, мазмуний синтаксис энди ўрганилаётган соҳа, шунинг учун бу мавзу бўйича ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Бу албатта, ўзбек тилшунослигининг галдаги вазифаларидир.

Маълумки, қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро семантик, грамматик интанацион алоқалари ва боғланиш усулларига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. Боғланган қўшма гаплар.
2. Эргашган қўшма гаплар.
3. Боғловчисиз қўшма гаплар.

Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлакли гаплар ҳам табиатан юқоридаги таснифга мос келиши кузатилди, зеро, аввал айтганимиздек, кесим марказли бир бош бўлакли содда гаплар икки бош бўлакли гапларнинг ўзига хос семантик варианты экан, бундай фикрни бир бош бўлакли қўшма гапларга ҳам татбиқ этиш мумкин.

Шу туфайли Алишер Навоий асарларида қўлланган бир бош бўлакли қўшма гапларни юқоридаги тамойил асосида таҳлил этишни маъқул кўрдик. Фақат бундай қўшма гапларнинг таҳлилида уларнинг семантик томонига кўпроқ эътиборни қаратдик. Шу билан бирга, шаклий муносабатлар ҳам кўриб чиқилди. Зеро қўшма гапларнинг мазмуний синтаксиси ўрганилар экан, ҳар икки тамойил – “мазмундан шаклга” ва “шаклдан мазмунга” тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 161).

## І БЎЛИМ

### БИР БОШ БЎЛАКЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР СИНТАКСИСИ ВА СЕМАНТИКАСИ

Алишер Навоий насрий асарлари мисоллари шуни кўрсатадики, бир бош бўлакли боғланган қўшма гапларда фақат айни субъектли қўшма гаплар амалда бўлган.

Анъанавий тилшуносликда боғланган қўшма гапларнинг маъно жиҳатдан беш тури: 1) қиёслаш муносабати; 2) пайт муносабати; 3) айирув муносабати; 4) сабаб-натижа муносабати; 5) изоҳлаш муносабати санаб ўтилади ва ҳар бир турнинг формал-грамматик томони таҳлил қилинади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976) С. Солихўжаева тадқиқотларида эса боғланган қўшма гаплар орасидаги мазмуний муносабатлар ҳақида фикр юритилади (Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С., 1992, 120–200)

Рус тилшунослигида боғланган қўшма гаплар таркибидаги боғловчиларнинг иштирокига кўра икки гуруҳга ажратилади: а) очиқ структурали боғланган қўшма гаплар; б) ёпиқ структурали боғланган қўшма гаплар (Белашапкина В.А., 1967, 62–69). С. Солихўжаева тадқиқотларида ҳам ўзбек тилидаги боғланган қўшма гаплар шу тамойил асосида таҳлил этилади (Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С., 1992, 127).

Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлакли боғланган қўшма гаплар таҳлил этилганда, шу нарса маълум бўлдики, бундай гапларни асосий боғловчи восита *ва* бириктирув боғловчисидир. Маълумки, *ва* боғловчиси гапнинг уюшиқ бўлакларини ҳам, қўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам бир-бирига боғлайди. Ҳозирги ўзбек тилида бу боғловчи билан “қўшма гап компонентлари сирасини давом эттирганда, биринчи ва иккинчи компонентни боғласа, кейинги компонент бошқа тенг боғловчи орқали ёки интонация орқали боғланади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ва иккинчи компонентларда бир тенг боғловчи грамматик форма сифатида иштирок этса, қолган компонентлар орасида бошқа бир тенг боғловчи грамматик форма сифатида иштирок этади. Бу стилистик жиҳатдан раволикни таъминлайди” (Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С., 1992, 127). *Ва* боғловчисининг семантик доираси эски ўзбек тилида, шу жумладан, Алишер Навоий асарлари тилида нисбатан анча кенгдир, у уюшиқ бўлакларда, айниқса, қўшма гап кўчимидеги содда гап компонентларининг турли мазмун муносабатларини ифодалашда фаол қатнашган (Аширбоев С., 1990, 295–297).

Навоий асарлари тилида эса *ва* боғловчиси такроран қўлланади. Мисол: *Девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмға қилиб эрдилар ва бу исмға фақир боис бўлғонини дағи изҳор қилиб эрдилар* (ХМ 57).

Фикримизча, бунга асосий сабаб *ва* боғловчисининг эски ўзбек тилида қўлланиш имкониятининг кенглигидир. Бу боғловчининг Алишер Навоий даврида уюшиқ бўлакларни боғлаш билан биргаликда, янги гапнинг бошланишини кўрсатувчи ишора сифатида қўлланиши Ғ. Абдурахмонов томонидан тадқиқ этилган (Абдурахмонов Ғ., 1960, 21) ва бу фикр бошқа туркийшунос олимлар томонидан ҳам маъқулланган (Мирзазода., 1968, 97). Демак, айнан мана шу ҳолат, яъни *ва* боғловчисининг янги гапнинг бошланишини кўрсатувчи ишора сифатида ҳам қўлланиши очиқ структурали боғланган қўшма гапларда содда

гапларни истаганча давом эттириш имконини берган. Иккинчидан, бу ҳолатни боғловчи шаклий воситаларнинг мавқеи у қадар муҳим эмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин (бу хусусда қуйироқда тўхталамиз).

### **Грамматик шакли ва бириктирув боғловчили бир бош бўлакли қўшма гаплар семантикаси**

Синтактик конструкциялар семантикаси ҳақида сўз юритилганда *модус* ва *диктум* атамаларига тўхталиб ўтиш лозим. Модус ва диктум гапларнинг семантик хусусиятини белгилаб берувчи тушунчалар ҳисобланади. Бу тушунчалар рус тилшунослари ва ўзбек тилшунослари томонидан ҳам эътироф этилган.

Маълумки, диктум гапда асосий фикрни воқеани ифодаловчиси сифатида тушунилса, модус диктум воқеанинг субъектив интерпретацияси (Черемисина М.И., Колосова Т.А., 1987, 34) ҳисобланади. Модус ва диктум содда гапларда ҳам, қўшма гапларда ҳам мавжуд бўлади. Айниқса, қўшма гапларда уларнинг актуаллашуви ўзига хос бўлади.

Маълумки, қўшма гапларда икки ёки ундан ортиқ воқеалар ифодаланади. Мана шу воқеалар семантик хусусиятига кўра 2 хил бўлади:

1. Диктум воқеа.
2. Модус воқеа.

Эргашган қўшма гаплардаги диктум ва модус мазмуннинг ифодаланиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари Н. Маҳмудовнинг тадқиқотларида кенг ва атрофлича ёритилган (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 166–218).

Бу хусусда Н. Маҳмудов шундай ёзади: “Бу ўринда гап маъносидаги икки хил табиатли мазмунни фарқлаш керак бўлади. Мазмуний синтаксиснинг тараққиёти муносабати билан, – деб ёзади В.А. Белошапкова, – жуда кўп тилшунослар томонидан турли вақтларда айтилган гап маъносида бир-биридан принципиал фарқланувчи икки тур мазмун – борлиқни акс эттирувчи холис мазмун ва фикрловчининг ана шу борлиққа муносабатини акс эттирувчи субъектив мазмун қўшилган, деган фикр алоҳида долзарблик касб этади”. Гап маъносидаги бундай мазмун турлари дастлаб Ш. Балли томонидан фарқланган. У объектив мазмунни “диктим”, субъектив мазмунни эса “модус” (модаллик атамаси билан алоқадор) деб номлаган. Ш. Балли атамалари билан айтиладиган бўлса, муайян бир диктум турли модуслар билан бирга ифодаланиши мумкин. Масалан, *Дўстим, албатта, келади. Дўстим келса эди. Дўстим, эҳтимол, келади. Дўстим, менимча, келади* каби гапларнинг барчасида айни бир диктум ифодаланган, аммо улардаги модуслар ҳар хил, сўзловчининг айни воқеага турлича субъектив муносабати акс этган: аниқ ишонч, истак, гумон, иккиланиш (Маҳмудов Н., 92 /3/4, 28).

Эргашган қўшма гапларда баъзан бир денотатив воқеа<sup>1</sup> ифодаланиши, иккинчи гапда эса модус мазмун ифодаланиши, бунинг натижасида мазмуний синтактик номувофиқликнинг юзага келиши айтиб ўтилади (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 177). Боғланган қўшма гапларнинг мазмуний муносабатлари таҳлил этилганда, шу нарса маълум бўлдики, бундай гапларда доимо икки ёки ундан ортиқ денотатив воқеа ифодаланади.

Ва боғловчили қўшма гапларда турли мазмун муносабатлари ифодаланган. Улар қуйидагилар:

<sup>1</sup> Диктум воқеани Н. Маҳмудов денотатив воқеа атамаси билан ифодалайди. Биз ҳам шу атамани маъқул деб топдик.

**1. Қиёслаш муносабати.** Бундай гапларда икки денотатив воқеа ўзаро қиёсланади. Мана шу қиёсланиш асосида ҳар иккала денотатив воқеа учун умумий бўлган семантика намоён бўлади. Масалан: *Ҳақ молин куйдирганни девона дерлар ва ёруқ кунда шами кофурий ёққанни ақлдин бегона дерлар* (МҚ 111–112).

Биринчидан, ушбу гап таркибидаги содда гаплар тенглашиш асосида алоқага киришган, яъни ҳар бир денотатив воқеа яқка ҳолда ҳам қўллана олади. Лекин иккинчи томондан, жипс мазмуний боғланиш бор. Аввало, ҳар иккала гапда битта умумий семантика – ақлсизлик изоҳланмоқда.

Биринчи денотатив воқеа (*Ҳақ молин куйдирганни девона дерлар*) асосий воқеа, иккинчи денотатив воқеа (*Ёруқ кунда шами кофурий ёққанни ақлдин бегона дерлар*) изоҳловчи воқеа иккинчи денотатив воқеага қиёсланган ҳолда унинг маъноси янада чуқурроқ, кенгроқ изоҳланмоқда.

Ҳақ молини куйдирган одам кундузида шам ёқиб юрган кишига ўхшатишмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, кундузи шам ёқишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Кундузида шам ёқиб юрган киши, албатта, ҳаммага кулги, масхара бўлади. *Ҳақ молини куйдирганлар айнан шундай кишиларга қиёс қилинмоқда. Бу гап асосида Ҳақ молин куйдирган ёруқ кунда шамъи кофурий ёққан билан баробар* деган мазмун ётади.

Қўшма гаплар таркибидаги гапларнинг семантик боғланишида гаплар таркибидаги оппозитив воситалар муҳим роль ўйнайди<sup>2</sup>. Бундай оппозитив воситалар ҳар иккала гап таркибида келиб ҳавола бўлақлар (Ҳавола бўлақлар ҳақида қаранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 172) каби бир-бирини талаб этади, семантик муносабатга киришади.

Юқоридаги мисолда денотатив воқеаларнинг семантик боғланишида *ҳақ молин куйдирган – ёруқ кунда шамъи кофурий ёққан, девона – ақлдин бегона* оппозитив воситаларнинг оппозитив муносабати муҳим восита сифатида иштирок этмоқда.

Яна бир мисол: *Олам ғаройибдин баҳра еткурғучи ва офариниш ажойибиға иттилоъ берғучи* (МҚ 78).

Мисолда *сафар* лексемасининг мазмуни қиёсий муносабат орқали изоҳланмоқда. Яъни, *сафар*, бир томондан, “*Олам ғаройиби – офариниш ажойиби, баҳра еткурғучи – иттилоъ берғучи* сўз бирикмаси қолипидаги оппозитив воситалар асосида реаллашмоқда. Демак, оппозитив воситалар оппозитив мазмун муносабатини актуаллаштиради. Мана шу ўринда оппозитив муносабатни актуаллаштирувчи воситалар хусусида сўз юритишни лозим деб топдик. Биз оппозитив муносабат тушунчаси остида фақат зид, бир-бирини инкор этувчи мазмун муносабатларинигина тушунишдан йироқмиз, балки шу мазмун билан бирга бир-бирини тақозо қиладиган, бир синтактик гапдаги у ёки бу синтактик ҳодиса иккинчи синтактик гапдаги шундай ҳодисага алоқадор, бири иккинчисининг мавжудлигини талаб қиладиган ҳодиса деб қараймиз. Бундай оппозицияларда антонимик муносабатгина эмас, балки синонимик муносабатлар ҳам назарда тутилади. Фактик материаллар асосида оппозитив муносабатни юзага келтирувчи воситалар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Оппозитив лексемалар муносабати.
2. Оппозитив сўз бирикмалари муносабати.
3. Синоним лексемалар муносабати.

<sup>1</sup> Биз оппозитив восита атамаси остида ўзаро зид маъноли, бир-бирига яқин маъноли сўзлар, сўз бирикмалари муносабати хусусида фикр юритамиз.

Оппозитив лексемалар зидлов муносабатли қўшма гапларни ташкил этади. Оппозитив муносабатларни ўрганишда икки ҳолат кўзга ташланади:

1. Айрим лексемалар ва сўз бирикмалари зидлиги.
2. Денотатив воқеаларнинг ўзаро зидлиги.

Қўшма гапларнинг семантик боғланишида зид маъноли лексемалар муҳим ўрин тутди. Мисол: *Зулм биносин бузди ва адл асосин тузди* (ТМА 212). Мазкур мисолда *зулм* ва *адл* лексемалари ўзаро зидлик асосида оппозитив муносабатга киришган, чунки *зулм* семантик жиҳатдан *адл* лексемасига зид, қарама-қарши ҳисобланади. Иккинчи томондан, предикатлар ҳам зид маъноли феъл шакллари билан ифодаланган: *бузмоқ* – бирор нарсани парчалаб, йўқ қилиб ташламоқ, *тузмоқ* – бузилган, йўқ бўлган нарсани қайта тикламоқ маъносини англатади. Демак, ушбу гапда икки томонлама, мураккаб оппозитив муносабат ифодаланмоқда.

Яна бир мисол: *Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма* (МҚ 82).

Мисолда биринчи гап таркибидан *бефойда* ва иккинчи гап таркибидаги *фойдалиғ* лексемалари оппозитив муносабатни шакллантирган. Айнан мана шу лексемалар оппозицияси (*бефойда* сўз – *фойдалиғ* сўз) денотатив воқеаларнинг қиёслаш муносабати орқали боғланишини таъмин этмоқда.

**Оппозитив сўз бирикмалари муносабати.** Қуйидаги мисолни кўрайлик: *Ҳар кимгаким бир вафо кўргуздум, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим* (МҚ 114).

Ушбу мисолда ҳам икки томонлама зидлик мавжуд. Биринчидан, *бир вафо* – *юз бевафолиғ* сўз бирикмалари, иккинчидан, предикатлар семантикаси (*кўргуздум* – бўлишли феъл шаклида, *қутулмадим* – бўлишсиз феъл шаклида) денотатив воқеалар орасидаги семантик ва оппозитив муносабатни шакллантирган.

Оппозитив муносабатларнинг ифодаланишида биринчи денотат таркибида айрим сўз, иккинчи денотатдаги сўз бирикмаси билан оппозициялашади. Мисол: *Бу етти йил ҳеч кишидин ҳеч нима тиламади ва кўпроқ муҳтожларга хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди* (ТМА 221). Мисолда предикатлар семантикаси (*тиламади* – *маош муқаррар қилди*) оппозитив муносабатни актуаллаштирмоқда. Яъни, *тиламади* лексемаси “бировдан ҳеч нарса олмаслик, талаб қилмаслик” маъносини билдиради, *маош муқаррар қилди* эса аксинча, “бировга бирор нарса беришлик” демакдир.

**Синоним лексемалар ифодаловчи оппозитив муносабатлар.** Демак, бундай оппозитив муносабатларда синоним лексемалар оппозицияга киришади. Мисол: *Золим ва бедард суҳбатида нукта сурма, намом ва номард мулояматида дам урма* (МҚ 84). Мисолдаги *золим* ва *бедард* – *намом* ва *номард* лексемалари оппозицияга киришган. Бу лексемалар семантик жиҳатдан бир-бирига яқин, инсондаги салбий хусусиятларни ифода этувчи тушунчалар ҳисобланади. Уларни икки хил гап таркибида келтириш орқали икки денотатив воқеа орасида қиёслаш семантикаси ифодаланмоқда.

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: *Ва назмларида ҳар шеър била ишқўтин оламга урубтурлар ва шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгил оламин куйдурубтурлар* (МҚ 43).

Мисолда мураккаб оппозитив муносабат ифодаланган. Биринчи гап таркибидаги *назмларида* лексемаси иккинчи гапдаги *шеърларида* лексемаси билан, *ҳар шеър била* сўз бирикмаси *ҳар байт била* бирикмаси билан, *иш қўтин оламга урубтурлар* бирикмаси *кўнгил оламин куйдурубтурлар* бирикмаси билан оппозициялашган.

Кўшма гаплар орасидаги семантик муносабатларни актуллаштиришда айрим ёрдамчи сўзларнинг қўлланиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар қуйидагилар:

**Дағи лексемаси:** *Бовужудким, Самарқанднинг ағалами уламси эрди, шеър ва муаммоға дағи мойил эрди* (МН 32). Дағи лексемаси ҳозирги ўзбек тилидаги ҳам ёрдамчи сўзи бажарган амалларни ўзида намоён қилади. Демак, бу лексеманинг иккинчи гап таркибида келиши уларнинг семантик боғланишини таъмин этган.

**Андин лексемаси:** *Йигитликларида Шайх Садриддин Ардалибий (қуддиса сирруҳу)га мурид бўлдилар ва сўфия одоб ва тарийқин андин такмил қилиб шайх ишорати била Хуросонға келдилар* (МН 8).

Ушбу мисолда иккинчи денотатив воқеа биринчи денотатив воқеанинг мантиқий давоми ҳисобланади, чунки биринчи гапдаги мазмун иккинчи гапда давом эттирилган. Дастлабки гапдаги *Садриддин Ардалибий* лексемаси иккинчи денотатда *андин* лексемаси билан реаллашган. Демак, *андин* лексемаси икки денотатив воқеанинг семантик боғланишини таъминловчи боғловчи вазифасини бажарган ҳамда от ва унинг субститути оппозицияси юзага келтирган.

**Ани лексемаси:** *Тегирмондин уйунга ун келтирур, ани пишурурга ёзидин ун келтирур* (МҚ 133). Бу мисолда дастлабки гапдаги *ун* лексемаси кейинги гапда *ани* лексемаси билан реаллашган.

**Ҳам юкламаси:** Иккинчи гап таркибида келиб, санаш маъносини ифодалаб, ўхшаш денотатив воқеаларнинг кетма-кет боғланишини таъминлаган: *Ва Мавлоно Жамолиддин (Қуддиса сирруҳу) маснавийсига шарҳ битибдур ва “Қасидаи бурда”га ҳам хоразмийча туркий тил била шарҳ битибтур* (МН 11).

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: *Девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмға қилиб эрдилар ва бу ишга фақир боис бўлғонимни дағи изҳар қилиб эрдилар* (МҚ 5).

Мисолдаги гапларнинг семантик боғланишида *ҳар бирин* (девонлар – ҳар бирин), *бу ишга* (девонлар – ҳар бирин – бу ишга) бирикмалари иштирок этган. Шу билан бирга, учинчи гап таркибидаги *дағи* лексемаси янада мустаҳкам мазмуний боғланишни таъмин этган.

Демак, қўшма гапларнинг семантик алоқадорлигини таъминлашда айрим лексик, семантик воситаларнинг аҳамияти катта. Ишимизда қўшма гапларнинг мазмуний боғланишини шу тамойил асосида тадқиқ этамиз.

Юқорида ва бириктирув боғловчили боғланган қўшма гапларда қиёсланиш муносабатини таҳлил этаётган эдик. Фикримизни давом эттириб, қуйидаги мисолни таҳлил қиламиз: *Ҳаёт аҳли дафтаридин мунча турфалиғинг билаким, дину исломинг уйин бузубсен ва мундоқ шариф ва азиз хотирларни ўзунгдин озурда қилмоқ била, айтса бўлурким, Каъбани йиқибсен, балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсен* (МШ 115).

Ушбу мисолда ҳам денотатив воқеалар ўзаро қиёсланиш орқали муносабатга киришган. Кишининг қилган маълум бир гуноҳлари бошқа гуноҳларига қиёсланган ҳолда умумий семантика (жуда оғир гуноҳ) янада ойдинлаштирилмоқда, яъни бу гап асосида “Кечириб бўлмас оғир гуноҳ қилинган” деган тағмазмун ётади. Иккинчи томондан, кейинги денотатив воқеа *айтса бўлурки, балки* шаклий воситалари билан субъектив мураккаблашган, яъни ўша воқеа-ҳодисага сўзловчининг шахсий муносабати ифодаланган. “...*айтса бўлурки, Каъбани йиқибсен, балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсен*” денотатив воқеаси алоҳида таъкидли ифодага эга бўлмоқда.

Денотатив воқеаларнинг мазмуний боғланиши *дину исломинг уйи – Каъба – ҳаёт ва тириклик биноси, бузубсен – йиқибсен – вайрон қилибсен* лексемалари ва бирикмалари орқали актуаллашган. Денотатив воқеанинг мазмуний боғланишида оппозицияга киришувчи олмошли бирикмаларнинг қўлланиши ҳам қайд қилинади: *Ул ики била висол сармоясидин ғани бўлдум ва бу ики била фироқ бесармоялиғидин мустағни* (МШ 145). Мазкур мисолда қиёслаш муносабати шаклий жиҳатдан ҳам яққол ифодаланмоқда (*ул ики – бу ики*). Аслида денотатив воқеалар орасида зид муносабат ҳам ифодалангандек кўринади, чунки висол-фироқ лексемалари семантик жиҳатдан ўзаро зид (*висол – етишиш, фироқ – айрилиқ*). Лекин *висол сармояси – фироқ бесармоялиғи* оппозициясига назар солсак, иккинчи лексик бирикма таркибидаги бе шаклий кўрсаткичи улар ўртасидаги шаклий зидликни юзага келтиради. *Висол сармояси – фироқ бесармоялиғи* қўлланишида эса семантик жиҳатдан зидлик йўқ.

Тўғри, иккинчи денотат асосида “*Фироқ, айрилиққа дучор бўлмади*” деган инкор шаклидаги ҳукм мавжуд. Лекин ушбу инкор ҳукм асосида яширин тасдиқ мавжуд: *Фироқ, айрилиққа дучор бўлмади, демак, висолга етишди*.

Демак, денотатлар орасида зид муносабатни ифодаловчи лексемалар мавжуд бўлса-да, умумий семантик жиҳатдан зидланиш ифодаланмаган. Денотатлар семантик боғланиши *ул ики – бу ики, висол сармояси – фироқ бесармоялиғи, ғани бўлдум – мустағний бўлдум* лексик воситалари орқали актуаллашган. *Висол сармояси – фироқ бесармоялиғи* оппозицияси бирламчи оппозиция ҳисобланади.

Оппозитив муносабатда бир синонимик қаторга кирмаган лексик бирликлар ҳам қатнашади: *Адолат била мамоликни обод қилди ва саҳоват била раоёни хушнуд ва шод этти* (ТМА 221). Мисолда инсонга хос бўлган ижобий хусусиятлар ўзаро муқобала асосида изоҳланмоқда. Денотатларнинг семантик боғланишини *адолат-саҳоват* лексемалар оппозицияси (бирламчи оппозиция) актуаллаштирмоқда, чунки адолат бор жойда мамлакат обод бўлади, саҳоват бор ерда халқ шод-хуррам ҳаёт кечиради. *Адолат* ва *саҳоват* ўзаро бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар, уларнинг икки денотат таркибида келиши мустаҳкам мазмуний боғланишни таъминламоқда.

**2. Пайт муносабатини ифодалаган.** Анъанавий тилшуносликда ва боғловчиси содда гапларни бир-бирига боғлаганда: а) ўзи боғлаган содда гапларда ифода қилинган иш-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг бир вақтда бўлганини; б) иш-ҳаракатнинг кетма-кет бўлганини ифодалаш айтилади (Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М. ва б., 1980, 426).

Ғ. Абдураҳмонов тўғри таъкидлаганидек, бириктирув боғловчили қўшма гапларнинг бошқа маъно турлари ҳам маълум даражада пайт маъноси билан боғланади, аммо уларда ўзига хос маъно етакчи бўлади. Шунингдек, маълум бир пайт билан боғлиқ бўлган қўшма гапларда ҳам қўшимча, бошқа маъно оттенкалари бўлиши мумкин (Абдураҳмонов Ғ., 1958, 73).

Навий асарлари тилида ҳам пайт мазмуни қуйидагича ифодаланган:

Қўшма гап таркибидаги ҳар икки денотатив воқеа бир пайтда содир бўлади: *Батахсис, “Кимёи саодат”дин ва шайх Азизи Насафий... расоилин ҳам таъриф қилурлар эрди ва андин сўзлар нақл қилурлар эрди* (ҲСҲА 78). Денотатлар мазмуний боғланиши “*Кимёи саодат”дин, расоилин-андин* лексик воситалари оппозицияси орқали юзага чиқмоқда. *Андин* лексемаси юқоридаги лексемалар билан семантик муносабатга киришган ҳолда биринчи денотат билан иккинчи денотатнинг мантиқий боғланишини таъминламоқда.

Иккинчи томондан, денотатлар бир пайтда содир бўлган, чунки “Кимёи саодат” ва рисола-ларни таъриф-тавсиф қилинганда, мутолаа қилинганда, ундан сўзлар нақл қилиниши мумкин.

**Яна бир мисол:** *Ва боғлар, бўстонлар тарҳқилди ва гулу райҳон боғларда экти* (ТМА 190).

Мисолдаги боғлар, бўстонлар – гулу райҳон лексемалари оппозитив муносабатни таъминламоқда. Чунки боғлар, бўстонлар гулу райҳон билан семантик муносабатга кириша олади. Боғу бўстонда гулу райҳон мавжуд бўлади.

2. Денотатив воқеалар бирин-кетин содир бўлади. Бирин-кетин содир бўлишлик денотатлар таркибидаги айрим лексик воситалар семантикаси орқали реаллашади:

*Охир лексемаси орқали: Кўп кишвар олди ва охир рихлат кўсин чолди* (ТМА 213).

**Гаҳ** лексемаси орқали: *Ва гаҳ ғурбатда алил ва ғариб элига залил бўлдум ва гаҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳраманд ва сўзумни дилписанд топтим* (МК 5–6).

**Неча йил:** *Ва неча йил алар хизматиға бориб, фақир тарийқин ихтиёр қилдилар ва неча йил алар суҳбат ва мулозаматларида сулуҳ қилиб, хонақоҳларида азим арбаиклар чиқардилар* (ҲСҲА 83).

**Бир маҳал:** *Хоҳ бир маҳалда биров учун айтғон, хоҳ бировнинг руқъасиға жавоб йиборғон* (ҲПМ 82).

**Андин сўнгра:** *Сабзаворда қазо мансабини анга бергандурлар, андин сўнгра Исфаройинда қози бўлғондур* (МН 58).

**Муддатидурким:** *Ва Кирмон вилоятида ҳукумат қилди ва муддатидурким, подшоҳ эшигида аморат девонида муҳр босадур* (МН 184). Ушбу мисолда воқеаларнинг кетма-кет рўй бериши предикатлар орқали ҳам шаклланган. Биринчи денотатнинг предикати ўтган замон феъл шакли билан ифодаланган бўлса, кейинги денотатнинг предикати ҳозирги-келаси замон феъл шакли билан ифодаланган.

3. **Сабаб-натижа мазмуни ифодаланган.** Сабаб-натижа муносабати ҳақида гапирар экан, Ғ. Абдурахмонов бундай муносабатнинг юзага келишида фақат боғловчилар эмас, балки содда гаплар таркибидаги айрим бўлақларнинг семантикаси роль ўйнашини айтади (Абдурахмонов Ғ., 1958, 73). Бу фикр биз эътироф қилаётган ҳодиса мазмунини белгилашда муҳим аҳамиятга молик.

Мисолларга мурожаат қилайлик: *“Минжоҳун-нажот” қасидасида ҳидоят тарийқин тубзубмен ва залолат аҳлиға нажот шоҳроҳин кўргузубмен* (МЛ 124).

Ушбу мисолда *Ҳидоят тарийқи* – *нажот шоҳроҳи* сўз бирикмаси оппозитив муносабатни юзага келтирмоқда. *Ҳидоят тарийқи* сўз бирикмасининг семантикаси *нажот шоҳроҳи* орқали изоҳланмоқда. *Ҳидоят тарийқи* лексик бирикмасининг мазмуни *тўғри йўлга етаклаш йўли ёки қондаси* демакдир. *Нажот шоҳроҳи эса нажотнинг катта йўлидир. Ҳидоят тарийқи* – *нажот шоҳроҳи* изоҳловчи-изоҳланмиш муносабати орқали сабаб-натижа мазмуни келиб чиққан. Демак, залолат аҳли учун нажот йўли бу ҳидоят тарийқидир, яъни уни ўрганиш, ундан огоҳ бўлиш. Залолат аҳли ҳидоят тарийқини ўрганиш орқалигина тўғри йўлга чиқиш мумкин.

**Яна бир мисол:** *Чун подшоҳ бўлди, яхши қавоид ва русум пайдо қилди ва отасининг зулм ва тааддисин ародин чиқарди* (ТМА 205). Мисолда *яхши қавоид ва русум* – *зулм ва таадди* (зўравонлик) оппозицияси денотатларнинг семантик боғланишини таъмин этган. Маълумки, *яхши қавоид ва русум* ҳамда *зулм ва таадди* лексемалари семантик жиҳатдан бир-бирига зид. Мана шу зид муносабат орқали сабаб-натижа маъноси реаллашмоқда. Албатта, агар

подшоҳ яхши қоидалар ва расм-одатлар жорий қилса, жабр-зулмга, зўравонликка қарши курашиши мумкин. Отасига ўхшаш золим бўлса, зулмни йўқ қилмайди, унга қарши курашмайди. Демак, иккинчи денотатнинг юзага келишига асосий сабаб *яхши қавоид ва русумдир*. Иккинчи денотат биринчи денотатга семантик жиҳатдан тобе ҳисобланади.

*Дод ва адл бунёд қилди ва ҳалойиққа кўп умидворлиғлар берди* (ТМА 238) гапини таҳлил қилайлик. Мисолдаги денотатларнинг семантик муносабатини *дод ва адл* – умидворлиғлар оппозицияси юзага келтирмоқда. Ушбу оппозициядаги (денотатлар орасидаги сабаб) лексемалар икки денотат таркибида келиб сабаб-натижа мазмунини ифодалаган. Чунки *дод, адл, умидворлиғ* лексемалари семантик жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчалар. Дод ва адл бор жойда умидворлиғ бўлиши мумкин, подшоҳ адолатли бўлса, халқ хушнуд бўлиши мумкин. Ёки бошқача қилиб айтганда, умидворлиғнинг бўлишига сабаб дод ва адлнинг борлигида.

**Яна бир мисол:** *Аммо айёш киши эрди ва овни севар эди* (ТМА 206). Денотатлар *айёш* – *ов* оппозицияси орқали боғланмоқда. Биринчи денотат сабаб-воқеани иккинчи денотат натижа-воқеани ифодаламоқда. Чунки *айёш* – маишатпараст шахс ўйин-кулгини, базму жамшидни, овни, умуман, кўнгилхушликни яхши кўради. Демак, у айёш бўлганлиги сабабли ов қилишни яхши кўради.

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: *Ва ҳужжат била анинг дини ботил экани анга собит қилди ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларга сарнагун кўмдурди* (ТМА 225). Мисолдаги денотатларнинг семантик боғланишида ва сабаб-натижа муносабатининг юзага келишида *дини ботил экани анга собит қилиш* – *тириклай чоҳларга кўмдириш* оппозицияси асосий восита бўлмоқда. Биринчи денотат асосида “у ва унинг атбоин, яъни қўл остидаги халқ диндан чиқиб янги дин ўйлаб топишди ва ўша динга эътиқод кўйишди” деган тағбилим мавжуд. Уларнинг ана шу “дини”нинг “ботил экан”лиги (*сабаб воқеа*) иккинчи денотат (*ани ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларга сарнагун кўмдурди*) (*натижа воқеа*)ни келтириб чиқармоқда. Умуман олганда, иккала денотатни биринчи денотат таркибидаги *дини ботил* лексик бирикмаси боғлаб турибди.

**Яна бир мисол:** *Ва фақру фано сулукида қуллий манозиллар қатъ қилдилар ва улуғ мартабалар ва бийик мақомларға қадам қўйдилар* (ҲСҲА 83).

Биринчи денотат (*фақру фано сулуки барча манзилларини тўлиқ босиб ўтмоқ*) сабаб-воқеани, иккинчи денотат (*улуғ мартабалар ва юқори мақомларға қадам қўймоқ*) натижа-воқеани ифодаламоқда. Чунки тариқатнинг барча амалларини бажарган инсон комил инсон саналади. Комил инсонлар – мутасаввуфлар подшоҳлар орасида ҳам, оддий халқ орасида ҳам жуда катта ҳурматга, обрў-эътиборга сазовор бўлган. Демак, улуғ мартаба ва юқори мақомларга эришишнинг бош сабаби фақру фано сулуки амалларни тўла бажаришдир. *Фақру фано сулуки* – *улуғ мартабалар ва бийик мақомлар* оппозитив муносабати денотатларни боғловчи асосий восита ҳисобланади. Чунки *фақру фано сулуки* лексик бирикмаси семантик жиҳатдан *улуғ мартабалар, бийик мақомлар* лексик бирикмалари билан ички боғланишга эга, улар ўзаро бир-бирини тақозо этади.

**Яна бир мисол:** *Чун саодатманд йигит эрди ва таҳсилда саъйлар қилди* (МН 83). Ушбу мисолда ҳам биринчи денотат (*саодатманд йигит эрди*) сабаб-воқеани, иккинчи денотат (*таҳсилда саъйлар қилди*) натижа-воқеани ифодалаган. Денотатларнинг боғланишида *саодатманд-саъйлар* оппозицияси муҳим восита бўлмоқда. Мантиқан олиб қаралганда, са-

одатманд, ҳаракатчан инсонгина ўқиш учун, билим олиш учун тинимсиз изланиш, ҳаракат қилиши мумкин. Дангаса, ялқов бўлса, ҳеч қачон билим олишга ҳаракат қилмайди.

### **Грамматик шакли аммо бириктирув боғловчили бир бош бўлакли боғланган қўшма гаплар семантикаси**

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида *аммо* грамматик шакли ўзаро зид бўлган содда гапларни бир-бирига боғлаш тилшунослар томонидан эътироф этилган. Лекин Навоий асарларида, умуман эски ўзбек тилида бу шакл бир-бирига зид бўлмаган содда гаплар таркибида ҳам келган. *Ва* шакли эса зидлов муносабатли қўшма гаплар таркибида ҳам келган. Бундай ҳолатлар ҳам мазкур шаклларнинг содда гапларни боғлашда асосий восита эканлигига шубҳа уйғотади.

Текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, грамматик шакли *аммо* бўлган бир бош бўлакли қўшма гаплар жуда озчиликни ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, *ва* шаклли қўшма гаплар боғланган қўшма гапларнинг катта гуруҳини ташкил этади.

*Аммо* боғловчиси қуйидаги ўринларда учрайди:

**1. Зид муносабатли қўшма гапларда:** *Хуши борида яхши абётлар айтиб эрди, аммо жунун вақтида бу байтни кўп ўқур эрди* (МН 35).

Денотатлар орасидаги зид муносабат *хуши бор-жунун, яхши абёт* – бу байт оппозицияси орқали ифодаланган. *Хуши бор* – функционал бўлмаган предикатив бирикмаси *жунун* лексемаси билан семантик жиҳатдан ўзаро зид муносабатни юзага келтира олади, яъни аслий зидлик ҳисобланади. *Яхши абётлар* – бу байт сўз бирикмалари, тўғрироғи, *яхши* – бу лексемалари ўзаро зидлик оппозициясини келтириб чиқара олмайди, лекин бу лексемаси мазкур мисолда *ёмон* лексемасининг субститути сифатида келган бўлиб, контекстуал жиҳатдангина шу лексеманинг семантикасини ўзига олган. Демак, бундай зидликни нисбий зидлик деб аташ мумкин. Мазкур гапни қуйидаги кўчимда ифодалаганда мақсад ойдинлашади. Қиёсланг: *Хуши борида яхши абётлар айтиб эрди, аммо жунун вақтида ёмон байтларин кўп ўқур эрди ёки яхши байт айтмас эрди*.

Мантиқан олиб қаралганда ҳам, *хуши борида яхши байтлар ўқиши* – аниқ факт, *хуши жойида эмаслигида ўз-ўзидан яхши ғазалларни ўқий олмаслиги* мумкин. Мисолдаги асосий зидлик *хуши бор* – *жунун* бирламчи оппозитив муносабати орқали актуаллашмоқда. Демак, *аммо* боғловчиси зидликни реаллаштирувчи асосий восита эмас, балки ёрдамчи восита сифатида зидликни янада таъкидловчи, кучайтирувчи вазифасини бажарган.

**2. Семантик жиҳатдан зид бўлмаган қўшма гаплар таркибида.** Бундай гапларда *аммо* боғловчиси семантикасида зидлик тушунчаси бўлмайди, балки боғловчилик функцияси сақланиб қолган ҳолда, *аммо* сўзида таъкид маъноси ҳам бирга англашилади, лекин от ва унинг субститути оппозицияси икки гап семантикасининг бир-бирига алоқадорлигини таъминлайди. *Дағи Истаҳрни бино қилди, аммо кўпрак авқот анда бўлур эрди* (ТМА 185). Шаклий томондан қараганда, зидлов боғловчи иштирок этган, демак, зидлов муносабат шаклланиши керак, лекин бу мисолда зидлаш муносабати йўқ. Денотатлар *Истаҳрни* - анда оппозицияси орқали боғланмоқда. Мазмунан кетма-кет рўй берган икки денотатив воқеа тенг мавқеда, пайт муносабати ифодаланган. Мазкур гапнинг иккинчи компоненти предикатида бўлишлилик семаси акс этган бўлса, “*Дамовадни бино қилди, аммо анда гаҳи бўлур эрди* (ТМА 185)” мисолида предикатда гарчанд бўлишлилик шакли реаллашган бўлса-да, мазмунан бўлишсизликни ифода қилади. Бир қарашда *аммо* боғловчиси ўзаро зид мазмун муносабатидаги гапларни боғлагандек кўринади, лекин қўшма гапнинг

умумий мазмунида бир компонент мазмуни иккинчи компонент мазмунини инкор этаётгани йўқ, яъни *Дамовадни бино қилганлиги*, унда *гаҳи бўлишига* қарши қўйилаётгани йўқ, бошқача айтганда, иккинчи гап биринчи гап мазмунига зид эмас, лекин гапда зиддияти бўлмаган *Дамовад – анда* от ва олмош (субститут) оппозицияси мавжуд.

Бир ўринда *ва лекин* боғловчиларнинг бириккан ҳолда келиши учрайди. Аслида ҳам, *лекин* боғловчисининг Навоий асарларида кам қўлланганлигини Ғ. Абдурахмонов ҳам таъкидлайди (Абдурахмонов Ғ., 1974, 33).

*Ота ва абука отин анга қўйдилар ва лекин ани шаҳаншоҳ атадилар* (ТМА 212). Мазкур мисолда денотатлар орасидаги семантик муносабат *ота*, *абука-шаҳаншоҳ*, *анга-анилексе* малари оппозицияси орқали актуаллашган. Денотатлар зидлик муносабати орқали ўзаро боғланган. Бу зидлик *ота*, *абука*, *шаҳаншоҳ* лексемалари билан реаллашмоқда. Яъни, уни ота, абука ҳам дейишган, фақат подшоҳ бўлгани учун уни, асосан, шаҳаншоҳ деб атаганлар. Демак, ушбу мисол асосида “*Ота ва абука отин анга қўйдилар ва лекин ани ота ва абука демадилар, шаҳаншоҳ дедилар*” деган тағбилим мавжуд.

## II БЎЛИМ

### БИР БОШ БЎЛАКЛИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР СЕМАНТИКАСИ

Маълумки, эргашган қўшма гапларда икки ёки ундан ортиқ содда гаплар ўзаро ҳо-ким-тобе муносабати орқали боғланади. Эргаш гап бош гапга тобе боғланиб, бош гапдаги бирор бўлакни изоҳлаб келади. Бош ва эргаш гап грамматик ҳамда мазмунан жипс боғланиб, яхлит бирликни ташкил этади ва умумий бир фикрни ифодалайди. Улар ўзаро феълнинг амалий шаклларининг қўлланиши (турли грамматик воситалар билан бириккан сифатдош, равишдош ва шарт феъли), ёрдамчи сўзлар орқали муносабатга киришиши айтилади (Абдурахмонов Ғ., 1996, 185). Эргашган қўшма гапларнинг гуруҳланиши эргаш гапнинг бош гапдаги қайси бўлакнинг изоҳлаб келишига қараб белгиланади. Шуни айтиш керакки, эргаш гапларнинг таснифида тилшунослар ўртасида умумийлик бор. Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар мазмуний – шаклий жиҳатдан 14 турга ажратилади: 1) эга; 2) кесим; 3) тўлдирувчи; 4) аниқловчи; 5) равиш; 6) ўлчов даража; 7) чоғиштириш-ўхшатиш; 8) сабаб; 9) мақсад; 10) пайт; 11) ўрин; 12) шарт; 13) тўсиқсиз; 14) натижа эргаш гаплар (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 187). Н. Маҳмудов ҳам эргашган қўшма гаплар семантикасини айтиш шу тасниф асосида таҳлил этади (Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С., 1992, 243). Ғ. Абдурахмонов эса уларни қуйидаги турларга ажратади: 1) аниқловчи; 2) тўлдирувчи; 3) эга; 4) кесим; 5) пайт; 6) сабаб; 7) шарт; 8) мақсад; 9) тўсиқсиз; 10) натижа; 11) равиш; 12) қиёс; 13) умумлаштирувчи-изоҳ эргаш гаплар (Абдурахмонов Ғ., 1996, 191–216). Унинг бу таснифида юқоридаги барча қўшма гаплар акс этган бўлса-да, қиёс ва умумлаштирувчи эргаш гаплар асоссиз майдалаштирилиб юборилган. Масалан, умумлаштирувчи-изоҳ эргаш гапли қўшма гаплар табиати ҳақида тўхталар экан, у шундай ёзади: “Эргаш гапларнинг шундай турлари борки, улар бош гапга аналитик-синтетик йўл билан боғланади. Бу ҳолда бош ва эргаш гап ўзаро нисбий олмошлар орқали бирикиб, эргаш гапнинг кесими шарт майли орқали ифодаланади. Демак, бундай эргаш гаплар бош гапга асосан лексик воситалар ва шарт майли орқали боғланади. Бу боғланиш икки томонлама бўлиб, боғловчи лексик воситалар ҳам эргаш гап, ҳам бош гап таркибида қўлланади” (Абдурахмонов Ғ., 1996, 216).

Бундай қўшма гапларга шундай мисоллар келтиради: Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади (Мақол). Кимки ҳар йили чигитни ернинг намига эрта экар экан, у мўл ҳосил олади (Газ.). Қаердаки тартиб бузилар экан, у ерда хўжалик катта зарар кўради (Газ) (Абдурахмонов Ғ., 1996, 217).

Юқорида таъкидланганидек, эргаш гапларнинг таснифи уларнинг бош гапдаги қайси бўлакнинг изоҳлаши билан белгиланади. Юқоридаги мисолларнинг биринчисида эргаш гап бош гапдаги аниқловчини, иккинчисида эгани, учинчисида эса ўрин ҳолини изоҳлаб келмоқда. Англашиладики, бу таснифда юқоридаги тамойил бузилган. Бу ўринда Н. Маҳмудов иборасини билан айтганда, ҳавола бўлакларнинг иштироки асос қилиб олинган (Бу ҳақида қаранг: Нурмонов А., Маҳмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С., 1992, 245). Қуйида адиб асарларидаги қўшма гаплар семантикаси ҳақида сўз юритамиз. Алишер Навоий насрий асарларида бир бош бўлакни эргаш гапли қўшма гапларнинг айтиш субъектли ва турли субъектли турлари қайд қилинади.

Алишер Навоий асарларидаги айни субъектли бир бош бўлакли эргашган қўшма гапларни тадқиқ этиш жараёнида шу нарса алоҳида кўзга ташландики, бундай гаплар шарт эргаш гапли қўшма гаплар доирасида кўпроқ хосланган экан.

**1. Шарт эргаш гапли бир бош бўлакли қўшма гаплар** (кейинги ўринларда бир бош бўлакли атамасини қўлламаймиз, чунки бир бош бўлакли гаплар хусусида фикр юритилаётгани маълум).

Ҳозирги ўзбек тилида шарт эргаш гаплар бош гап билан феълнинг шарт майли шакли, ўрин-пайт келишигидаги сифатдош шакли, келаси замон сифатдоши ҳамда тўлиқсиз феъл, равишдошнинг бўлишсиз шакли, ўрин-пайт келишигида сифатдош ҳамда тўлиқсиз феъл шакллари орқали бирикади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 440).

Боғланган қўшма гаплар ҳақида сўз юритганимизда, содда гапларнинг ўзаро боғланишида боғловчилар билан биргаликда оппозитив воситаларнинг семантикаси муҳим ўрин тутишини айтиб ўтган эдик. Эргаш гаплар бош гапга турли шаклий воситалар билан боғланади, деган фикрларимиз юқоридаги қарашларга зиддек кўринади. Лекин бу ўринда ҳам маълум шаклий ифодага эга бўлган боғловчилар семантикаси эргаш гапни бош гапга боғлашда асосий воситадир (масалан, пайт мазмунини ифодаловчи равишдош шакллари (пайт муносабати) эргаш гап билан бош гапни пайт муносабати орқали боғлайди). Иккинчидан, эргашган қўшма гапларда содда гапларнинг боғланиши боғланган қўшма гаплардан тубдан фарқ қилади, чунки эргашган қўшма гапларда бош гап билан эргаш гап ўртасида тобелик муносабати бор.

Бундай қўшма гаплар мазмунини шарт муносабати ташкил этади. Икки ёки ундан денотатив воқеа шартланганлик муносабатига киришади. Шаклий функционал жиҳатдан эргаш гап бош гапнинг синтактик қурилишида шарт ҳоли ўрнини эгаллайди (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 211): *Дўст висолин тилар бўлсанг, ошиқ бўл* (МҚ 55).

Эргаш гапнинг предикати бўлишсиз феъл шакли билан ифодаланиши мумкин. Бунинг натижасида шарт воқеа бир қадар таъкидли ифодага эга бўлади: *Ҳар вафоға юз жафо тортмасанг, гуноҳқорсен* (МҚ 49).

Эргаш гапнинг ўрни, чегараси ва унинг формал шаклланишида ўзига хослик ҳам кўзга ташланади. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида аввал шарт эргаш гап, сўнгра бош гапнинг келиши доимий қонуният. Лекин эски ўзбек тилида, Навоий асарларида бош гапнинг эргаш гапдан олдин келиши ҳолати ҳам кузатилади: *Зеридастларға нафъ еткур, агар тиласангки, забардастлардан зарар кўрмагайсен* (МҚ 117–118). Ушбу гапни қуйидагича трансформация қилиш мумкин: *Агар забардастлардан зарар кўрмасликни тиласанг, зеридастларға нафъ еткур*.

Энди қуйидаги гапларни таҳлил қилиб кўрайлик: *Десангки, таоминг зое бўлмағай – едур; Тиласанки, либосинг эскирмагай – кийдур* (МҚ 51). Шаклий жиҳатдан олиб қаралганда, *десангки, тиласангки* сўзлари кириш сўз вазифасида қўллангандек кўринади. Чунки *зое бўлмағай, эскирмагай* келаси замон феъл шакллари кесим вазифасида келган. Лекин мазмунан олиб қаралганда, *десангки, тиласангки* лексемалари эргаш гаплар предикатининг бир қисми ҳисобланади. Қиёсланг: *таоминг зое бўлмағай – едур ёки либосинг эскирмагай – кийдур*, деб олсак, маъно чалалиги юзага келади, шартланганлик муносабати тўла реаллашмайди. Бу гапларни қуйидагича трансформация қилиш мумкин: *Таоминг зое бўлмасин десанг, едур ёки либосинг эскирмасликни тиласанг, кийдур*. Фикримизча, бундай конструкциялар эски ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган.

Шарт эргаш гапнинг предикати буйруқ майлидаги феъл шакли билан ифодаланади. Бош гап билан *-ки (-ким)* воситасида шаклий синтагматик муносабатда бўлади: *Мазлумға*

бахшойиш кўргузки, золимдин осайиш кўргайсен (МҚ 117). Бундай шаклий восита орқали бирикиш ҳозирги ўзбек тилида кузатилмайди.

Шарт эргаш гап бош гапга *-са эрди* шаклий воситасида ҳам бирикиши мумкин. Бунда шарт воқеа тахмин, гумон маъно оттенкаларига эга бўлади: *Андоқки, бир оз нима бевуқуфроқ киши қошида ўқуса эрди, кўп яхшиликка ўтқарур эрди* (ХМ 19).

**Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар.** Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида тўсиқсиз эргаш гаплар бош гапга *-са ҳам, -ганда ҳам, -са+да, -гани билан, қарамай* каби шаклий воситалар ёрдами билан боғланади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 449). Эски ўзбек тилида эса шарт эргаш гапнинг предикатлари ижро майлидаги феъл шаклида бўлади. Тўсиқсизлик маъноларини ифодалашда эргаш гап таркибидаги *агар, агарчи* лексемалари катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, денотатлар таркибидаги айрим лексик воситалар ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бундай гапларда бир пайтнинг ўзида икки хил муносабат, яъни ҳам шарт муносабати, ҳам тўсиқсизлик муносабати мавжуд бўлади. Чунки “тўсиқсизлик” деганда, муайян шартнинг тегишли воқеанинг юзага келишида тўсиқ бўлмаслиги назарда тутилади. Бунда шарт муносабати бевосита эмас, балки билвосита иштирок этади, бошқача қилиб айтганда, шарт муносабати гапда тағбилим сифатида мавжуд бўлади (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 196). Агар тағбилим сифатида шарт муносабати иштирок этмас экан, тўсиқсизлик муносабатининг юзага келиши мумкин эмас. Мисол: *Ва қамчини агар тозёна дерлар, булдурғасин ва чубурғасин туркча айтурлар* (МЛ 115).

Ушбу мисолда “қамчи тозёна дейилса, булдурғаси ва чубурғаси ҳам форсча аталиши керак” деган шарт муносабатидаги тағбилим мавжуд. Ана шу шарт меъёрининг бузилиши тўсиқсизликни юзага келтиради: *Ва қамчини тозёна десалар ҳам, булдурғасини ва чубурғасини туркча айтурлар*.

Тўсиқсиз эргаш гапларда бош гап эргаш гапдаги шарт мазмунига зид бўлган ҳаракат, воқеаларни ифодалайди: *Агарчи бир неча вақт биззарурат улум касбиға иштиғол кўргузубтурлар, аммо ҳеч вақт назм ойинидин ҳоли эмас экандурлар* (ХМ 11).

Бу гапда ҳам “Улум касбиға иштиғол кўргузса, назм ойинидин ҳоли бўлиши керак” деган тағбилим мавжуд. Ана шу шарт муносабатига зид равишда бош гапдаги денотат юзага келмоқда.

**Пайт эргаш гапли қўшма гаплар.** Маълумки, пайт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ифодаланиб, уларнинг бири иккинчисининг ичига пайт билдирувчи узв сифатида киради. Шунинг учун ҳам икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат пайт муносабати сифатида реаллашади ва бу муносабат ифодаланган қўшма гап пайт эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳоланади (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 196).

Ҳозирги ўзбек тилида пайт эргаш гаплар бош гапга феъл формалари, кўмакчилар ва айрим юкламалар ёрдами билан бирикиши айтилади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 431).

Навоий асарларида бундай денотатив воқеали синтактик таркибнинг шаклий ва мазмуний муносабати қуйидагичадир:

1. Эргаш гапнинг предикати бош гапга равишдош шакли воситасида боғланади. Бундай гапларда эргаш гапда ифодаланган воқеа-ҳодиса бўлиб ўтганидан сўнг бош гапдаги воқеа бошланади: *Ва умрининг охирида Кўшировонни ўз ўрнида ўлтуртиб, ўзи гўша тутти* (ТМА 224).

2. Чун шаклий воситаси ёрдами билан шаклланади. Маълумки, чун лексемаси ҳозирги ўзбек тилидаги: 1) *чунки, шу сабабдан*; 2) *агар*; 3) *қачонки* маъноларига мувофиқ келади (Навоий асарларининг қисқача луғати, 1993, 319). Шу сабабли ҳам чун лексемаси эски ўзбек тилида пайт, сабаб, шарт эргаш гапларнинг бош гапга боғланишини таъминловчи воси-

талардан бири саналган. Чун эргаш гапнинг таркибида келган, эргаш гапнинг предикати феълнинг аналитик ёки синтетик шакллари билан ифодаланган. Бундай гапларда ҳам асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеадан кейин содир бўлади: *Чун таъзиб шиддатидин ҳордилар, ул мажмуъдин судраб чиқардилар* (МҚ 38). *Чун атфол тошидин туяр эрди, қочиб гулханға юз қўяр эрди* (МҚ 87).

Юқорида таъкидланганидек, чун лексемаси денотатларнинг мазмуний муносабатида маълум роль ўйнайди. Иккинчи томондан, денотатларнинг умумий семантикаси улар орасидаги пайт муносабатни реаллаштирмоқда. *Чун (қачонки) лексемасининг семантикаси пайт муносабатини янада актуаллаштирмоқда.*

**Натижа эргаш гапли қўшма гаплар.** Бундай гапларнинг мазмунини натижа муносабати ташкил этади. Эргаш гапдаги воқеа бош гапдаги воқеанинг натижасини кўрсатади. Демак, мазмунан бош гап эргаш гапга тобе бўлади: *Яна “Рухул қудс” қасидасини баланд оғоз қилибменки, қудсийлар руҳим андин тоза қилибмен* (МЛ 27).

Баъзан бош гапдаги денотат субъектив мураккаблашуви ҳам мумкин. Бунда бош гапдаги денотатнинг унчалик аниқ эмаслиги ифодаланади: *Дерларким, шеърға андоқ машғулдуким, кунда ўн ғазал, балки ортуқ айтур эрмиш* (МН 188).

### ТУРЛИ СУБЪЕКТЛИ БИР ТАРКИБЛИ ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАР СЕМАНТИКАСИ

Турли субъектли бир бош бўлакли қўшма гап термини остида икки хилдаги гапларни тушунишни лозим топдик, улардан бири ҳар иккала компонент учинчи шахсда шакланган бўлса-да, уларнинг айнаи бир шахс эмаслиги назарда тутилди, иккинчидан, учинчи шахс – биринчи шахс, биринчи шахс – учинчи шахс, яъни шахслар ранг-баранглиги ҳам эътиборга олинди.

Алишер Навоийнинг насрий асарларида турли субъектли, яъни ҳар бир гап алоҳида субъектга эга бўлган эргаш гапли қўшма гаплар кўп учрайди. Қўйида аввал айтилган назарий фикрларни такрорламаган ҳолда, уларни ривожлантириш, тўлдириш, бойитиш ва асослашга ҳамда бундай гапларни тасниф қилишга ўтамиз:

**Пайт эргаш гапли қўшма гаплар.** Бир субъектли пайт эргаш гаплар хусусида фикр юритилганда, эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар асосан айтилган эди. Шу билан бирга, Навоий асарлари тилида *–ғач (-гач, -қач, -кач), -р(-ур)да* шаклий воситалари ҳам эргаш гапни бош гапга боғлашда фаол қўлланганлигини кўраимиз. *–ғач (-гач, -қач, -кач)* шаклий воситаси билан боғланган қўшма гапларда асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеа содир бўлгандан сўнг бошланади.

Мисоллар: *Кайфиятин маълум қилғач, таскин топтилар ва Фируз Хурмузға таън қилдилар* (ТМА 234). *Тафаҳхус қилғач, ул иш кайфиятин маълум қилди* (ТМА 209).

Юқорида таъкидланганидек, мисоллардан асосий денотатлар (*Таскин топтилар ва Фируз Хурмузға таън қилдилар – ул иш кайфиятин маълум қилди*) тобе денотатив воқеалар (*Кайфиятин маълум қилғач – Тафаҳхус қилғач*)дан сўнг содир бўлмоқда. Ушбу пайт муносабатини *–ғач (-гач, -қач, -кач)* шаклий воситасининг семантикаси реаллаштирмоқда.

– *р (ур)да* шаклий воситаси билан боғланган пайт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапдаги денотатив воқеа билан асосий денотатив воқеа бир пайтда рўй беради, чунки, *- р (ур)да* шаклий воситасининг семантикаси иш-ҳаракатининг тугалланмаганлигини ифодалайди: *Ва қўшқун солурда, тепиб охир қилди* (ТМА 220).

Ҳозирги ўзбек тилида бундай мазмунли қўшма гапларни боғлашда *–ган* сифатдоши кенг қўлланилади (Абдурахмонов Ғ., 1958, 142–146). Эргаш гапнинг предикати ижро майлидаги

феълнинг эрса шакли орқали ифодаланиб, бош гапга боғланиши мумкин. Бунда асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеа тугаганидан сўнг бошланади: *Ул ишни анга зохир қилди эрса, қабул қилиб, ёлғиз бориб, ул пилни ўлдурди* (ТМА 220).

Демак, пайт эргаш гапли қўшма гапларда асосий мазмун муносабатини ифодалашда эргаш гаплар предикатининг мазмуни муҳим роль ўйнайди.

**Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар.** Бундай гапларнинг мазмуни сабаб муносабатидан иборат. Эргаш гапдаги денотатив сабаб воқеани, асосий денотат ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди. Бундай эргаш гапларда содда гапларнинг семантик муносабатида *ул жиҳаттин, бу жиҳаттин* лексик бирикмаларининг семантикаси муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар асосий денотатнинг бошида келиб, сабаб ҳоли семантик вазиятини эгаллайди. Сабаб воқеа ана шу воситалар ёрдамида натижа воқеанинг ичига киради. Сабаб воқеа, яъни, шарт эргаш гап олдин, ундан сўнг бош гап келади. Чунки сабаб воқеа ифодалангандан сўнг *ул жиҳаттин, бу жиҳаттин* воситалари билан асосий денотатнинг юзага чиқиш сабаби изоҳланади. Шунинг учун эргаш гапнинг бош гапдан олдин ўринлашуви мантиқан тўғри.

Мисоллар: *Бард лафзидин аччиғи келур эрди, бу жиҳаттин анга ташвиш берурлар эрди* (МН 57). *Чун сизнинг тобуғингизда давлатхоҳлиғ сўзини айтурға маъмурмен, ул жиҳаттин густоҳлиғ била арзадошт битилди* (МШ 129).

Юқорида таъкидланганидек, чун лексемаси сабаб эргаш гапли қўшма гапларда ҳам қўланиб, улар ўртасидаги семантик муносабатни реаллаштирган. Бунда ҳам эргаш гап бош гапдан олдин келган: *Ул хазратға чун равшан бўлуб эрди, инкор қила олмадим* (МН 254).

Ушбу мисолда ҳам пайт муносабатлари ифодаланган. Яъни қачон инкор қила олмади, дейиши мумкин ёки нима сабабдан, деган савол қўйиш мумкин. Лекин гапда пайт маъноси-га нисбатан сабаб мазмуни кучли. Чунки асосий денотатнинг бажарилишидаги пайт эмас, балки сабаб биринчи планга чиқарилмоқда, *инкор қила олмаслик* сабаби алоҳида таъкидланмоқда.

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: *Ва қатл истидоъси қилди эрса, қатл буюрди* (ТМА 231). Ушбу гапнинг ҳам мазмунини сабаб-натижа муносабати ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, *ижро майлидаги феъл+тўлиқсиз феъл* шакли пайт эргаш гапли қўшма гаплардаги содда гапларни ўзаро муносабатини таъминлайди. Лекни шуни таъкидлаш жозизки, бундай қўшма гапларда пайт мазмуни ҳам, сабаб мазмуни ҳам ифодаланади.

Сабаб эргаш гап бош гапга *-ки, ким* воситасида ҳам боғланиши мумкин. Бундай қўшма гапларда бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади: *Мавт маразида тожни анинг қорниға қўйдиким, Доробқа ҳомила эрди* (ТМА 198).

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам сабаб эргаш гаплар бош гапга баъзан *-ки* шаклий воситасида боғланади. Лекин юқоридаги мисолдан фарқли равишда, эргаш гап бош гапдан аввал жойлашади: *Аёл борки, олам мунаввар. Сен борсанки, шодман ҳаётдан каби.*

Юқорида таъкидланганидек, Навоий асарлари тилида бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади. Демак, асосий денотат (*Тожни анинг қорниға қўйиш*) нинг юзага келишида иккинчи денотат (*Доробға ҳомила эрди*) сабаб бўлмоқда. Нутқ талабига кўра эргаш гапни бош гапдан олдинга ўтказиш мумкин: *Даробқа ҳомила эрди, шунинг учун мавт маразида тожни анинг қорниға қўйди, каби.* Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бундай боғланишда бош ва эргаш гапларнинг ўринлашуви эркин бўлади. Қайси гап таъкидли ифодага эга бўлса, сўзловчи учун муҳим бўлса, ўша денотат аввал жойлашади. Мисолдаги асосий денотат (*Тожни анинг қорниға қўйди*) сўзловчи учун муҳим, шунинг учун уни биринчи планга қўйган.

**Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар.** Маълумки, аниқловчи эргаш гап бош гапдаги аниқловчи вазифасида қўлланган, айрим сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади ёки бош гапдаги предметнинг аниқловчи вазифасини бажаради. Аниқловчи эргаш гап кўпинча бош гапдаги предмет белгисини унинг ҳаракати ёки ҳолатига кўра аниқлайди. Аниқловчи эргаш гап бош гапда от орқали ифодаланган турли бўлақларни изоҳлаб келади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 422). Бундай гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ифодаланади. Н. Маҳмудов аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардаги денотатив воқеаларнинг табиати ва ифодаланишидаги ўзига хосликка кўра бир ҳавола бўлакли ва икки ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни фарқлайди.

Бир ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар таркибида шундай, баъзи, айрим, бир сўзлари бўлган қўшма гапларни, икки ҳавола бўлакли гапларга эса бош гап таркибида *унинг, у, шундай, ўша* эргаш гап таркибида шунга мувофиқ *кимнинг, ким, қандай, қайси* сўзлари иштирок этган гапларни киритади (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 192–194).

Айнан мана шу лексемалар мазкур гаплар орасидаги оппозитив муносабатни юзага келтиради, денотатлар орасидаги семантик боғланишни таъминлайди.

Навий насрий асарларида бундай ҳавола бўлақлар шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин, лекин уларнинг синтактик ўрни доимо очиқ бўлади: *Ҳожа фалонга дағи ҳукм бўлсаким, алар ишидин хабардор бўлуб, аларга мададкорлиғида тақсир қилмаса* (МШ 130). *Судурға ҳукм бўлсаким, вилоят авқофидин хабардор бўлсалар* (МШ 1). Мисолларда аниқловчи эргаш гаплар бош гап таркибидаги предикатнинг маъносини конкретлаштириб, изоҳлаб келмоқда, яъни қандай ҳукм бўлиши аниқланмоқда. Бош гапда *ҳукм* сўзидан олдин *шундай* ҳавола бўлаги бўлганлигининг ўрни сезилиб туради.

Баъзан аниқланаётган бўлақ шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Лекин мазмунан у тўлиқ англашинаверади: *Андоқ эшитилдиким, Астрободда оламдин ўтубтур* (МН 61). Мазкур мисолда бош гап таркибидаги аниқланаётган бўлақ (*хабар*) шаклан ифодаланмаган. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги айнан ана шу ифодаланмаган субъектни аниқлаб, изоҳлаб келган. Имплицит субъект *андоқ* ҳавола бўлаги орқали англашилиб турибди.

**Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар.** Маълумки, тўлдирувчи эргаш гаплар бош гаплардаги тўлдирувчи синтактик вазиятидаги лексеманинг маъносини тўлдириб келади ва бош гапга *-ки // -ким* шаклий воситаси орқали боғланади: *Оқибат анга қарор топтиким, салтанат тожин икки оч арслон орасида қўйғайлар* (ТМА 218). Бу мисолда тўлдирувчи эргаш гап бош гапда *анга* ҳавола бўлаги орқали ифодаланган воситали тўлдирувчининг маъносини изоҳлаб келмоқда. Иккинчидан, гапда бир денотатив воқеа мавжуд, иккинчи воқеа тўлиғича модус ифодачиси ҳисобланади, яъни бош гапда денотатив воқеа ифодаланмаган. Агар модусни таъкидли ифодалашга зарурият бўлмаса, денотатив воқеа ифодаси модус воқеа ифодасининг ичига шаклан киритилади: *Оқибат салтанат тожин ики оч арслон орасида қўйишга қарор топти* (ТМА 185).

**Яна бир мисол:** *Ғанийларға буюрдиким, чошт таоми била ўткаргайлар ва шом таомини масокинга бергайлар* (ТМА 186–187). Мисолда эргаш гап бош гапдаги воситасиз тўлдирувчини изоҳлаб келган, тўлдирувчига ишора қилувчи ҳавола бўлақ шаклан ифодаланмаган. Бу қўшма гапда ҳам битта денотатив воқеа ифодаланган. Бош гапда асосан, модус воқеа ифодаланган.

Демак, тўлдирувчи эргаш гапларда бош гап ҳамиша модусни ифодалайди.

### III БЎЛИМ

#### БИР БОШ БЎЛАКЛИ БОЎЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР СИНТАКСИСИ ВА СЕМАНТИКАСИ

Боғловчи воситаларсиз бириккан қўшма гапларга мавжуд адабиётларда бир хил таъриф берилади: икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро грамматик боғловчилар ёрдамисиз бирикувидан тузилган қўшма гаплар боғловчисиз қўшма гаплар бўлади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 300). Яна бундай гапларнинг табиати тўғрисида шундай дейилади: "... бундай содда гапларнинг структураси лексик, морфологик, синтактик параллеллик бўлади. Бу ҳол гапда эга ва кесимларнинг бир хил шаклда бўлишида, антоним эгаларнинг ва бир хил шаклдаги кесимларнинг келишида, антоним аниқловчилар ва бир хил бўлакларнинг такрорланишида кўринади" (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 300).

Шуни таъкидлаш лозимки, икки бош бўлаккли қўшма гап сатҳида ёки бир бош бўлаккли қўшма гап сатҳида бўлмасин, улар компонентларининг боғловчисиз ҳам ўзаро алоқада бўлиши боғловчиларнинг қўшма гаплардаги роли масаласини қайта кўриб чиқиш муаммосини келтириб чиқаради. Ҳақиқатан ҳам, қўшма гаплар боғловчисиз қўллана олиш имкониятига эга экан ва шундай ҳолатда ҳам мураккаб денотатив воқеаларни акс эттира олар экан, унда боғловчи ва боғловчи воситаларининг қўшма гапдаги ўрни масаласида тайинли фикрлар билдириш лозимлиги маълум бўлади. Албатта, бу масала тил назариячиларига алоқадор бўлса-да, Алишер Навоий насрий асарларидаги боғловчисиз қўлланган бир бош бўлаккли қўшма гаплар бу фикрни янада тасдиқлади.

Қадимги туркий тилда ва эски ўзбек тилининг дастлабки тараққиётида қўшма гаплар, асосан, ҳеч қандай боғловчиларсиз ўзаро бириккан (Абдурахмонов Ғ., 1974, 12). Бунга сабаб у пайтларда ҳали боғловчилар жуда кам бўлган. Бу ҳақда Ғ. Абдурахмонов шундай ёзади: "Ҳали тенг ва тобе боғловчилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган даврларга оид бўлган ўрхун ёзувлари ва XI аср ёдномаларида мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён келтириш ҳамда маълум интонация ва бошқа воситалар орқали ифодаланган" (Абдурахмонов Ғ., 1974, 12). Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзилари ҳозирги замон боғланган қўшма гаплари учун, баъзилари ҳозирги замон эргаш гапли қўшма гаплари учун асос бўлади, айримлари эса, маълум ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланади (Абдурахмонов Ғ., 1974, 12).

Демак, илк даврларда боғловчилар қўлланилмаган экан, шаклий воситаларсиз ҳам содда гаплар боғланган экан, кейинги даврларда уларнинг қўшма гап таркибида келиши шаклий равонликни, турли модалликни ифодалаш учун, дейишга асос бор. Ғ. Абдурахмонов тўғри таъкидлаганидек, боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабатлар қуйидаги йўллар билан ифодаланган:

- 1) турли интонация; пауза;
- 2) гап бўлаклари ва гапларнинг ўринлашиши;
- 3) айрим гап бўлаклари (асосан, олмош ва феълдан ифодаланувчи)нинг семантикаси;
- 4) айрим гап бўлакларининг такрори. Бунда олмошларнинг роли каттадир (такрорланган бўлак гапларни семантик жиҳатдан боғлайди);
- 5) қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатни конкретлаштириш учун айрим лексик элементлар (анда, ани, ул фурсатда, ул жиҳатдин) қўлланади (Абдурахмонов Ғ.,

1974, 13). Бу фикрлар боғловчилар воситасида боғланган қўшма гапларга ҳам тааллуқли эканини юқорида кўриб ўтган эдик. Бундай фикр мулоҳазаларнинг туғилиши эса “Боғланган қўшма гаплар”, “Боғловчисиз қўшма гаплар”, “Бириктирув боғловчили қўшма гаплар” каби тушунчаларни, аввал айтганимиздек, қайта кўриб чиқиш лозимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки бу атамалар бу хил гапларнинг табиатини тўла очиб беролмайди. Мазкур масала ҳақида гапириб, Н. Маҳмудов шундай ёзади: “Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Дунёдаги тилшуносликларнинг деярли барчасида қўшма гапларнинг таснифи деярли бир хил. Яъни: 1) боғланган қўшма гап; 2) эргашган қўшма гап ва 3) боғловчисиз қўшма гап. Бу таснифдаги номланишда асос ягона эмасдай туюлади. Бир қарашда ягона асос борга ўхшайди. Яъни таснифда гўёки грамматик шаклдан келиб чиқилган: “боғланган” деганда боғловчилар (тенг), “эргашган” деганда эргаштирувчи боғловчилар ана шундай бошқа воситалар, “боғловчисиз” деганда эса боғловчи ва боғловчи воситалар иштирок этмаган қўшма гаплар назарда тутилгандай. Аммо аслида “эргашган” деганда ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳат ҳисобга олинганлиги аниқроқ англашилади. Яъни бир воқеанинг бошқасига тобелиги, эргашиши таъкидланган. Айни пайтда, эргашиш ҳам боғланиш, эргашган қўшма гап қисмлари боғланган қўшма гапдагига қараганда зичроқ боғланган. “Боғловчисиз қўшма гап” деганда мазмунга мутлақо ишора ҳам йўқ. Маълумки, боғловчисиз қўшма гаплар ўзбек тилида ҳам, бошқа тилларда ҳам кенг қўлланади. Уларда хилма-хил мазмун муносабатлари ифодаланади. Ана шуларни ҳисобга олиб, қўшма гап типларининг номланиши масаласини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (Маҳмудов Н., 1992, 27). Шунинг учун уларни соддагина қилиб, А. Нурмонов таклиф қилганидек, “Тенг-ланишли қўшма гап”, “Тобеланишли қўшма гап” деб аташ мақсадга мувофиқ (Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С., 1992, 21).

Боғловчилар ёрдамида тузилган қўшма гапларни тадқиқ этиш жараёнида шундай хулосага келдикки, бундай гапларни боғлашда боғловчилар муҳим синтактик восита бажармайди, балки уларнинг қўлланилиши гапнинг модаллигини таъминлайди, холос. Боғловчиларнинг ўрни муқим эмаслиги ва вазифасининг чегараланганлиги шунда кўринадики, гаплар орасига уларни қўйиш мумкин ёки бу воситалар иштирок этган гаплардан олиб ташлаш ҳам мумкин. Бунда гаплар мазмунига заррача путур етмайди.

Қўшма гапларни чуқур тадқиқ этган М.Асқарова боғловчи воситлар ҳақида шундай ёзади: “Баъзан ўзбек тилида ҳам эргаштирувчи воситалар, ҳам тенг боғловчилар ёрдамида бириккан қўшма гаплар учрайди. Бу эса қўшма гапнинг ўзига хос варианты мавжуд эканлигидан далолат беради. Мисоллар: 1. Гоҳ йилт этиб куёш кўринса, гоҳ шивалаб ёмғир қуяди. 2. Чамаси, унинг йўғон гавдаси контузия бўлган ва шунинг учун аъзои бадани зирқираб оғрир эди. 3. Сен бераҳм бўлсанг ҳам, аммо мен душманлик қилмасман асло.” (Ғуломов А., Асқарова М., 1987, 162–163). Демак, бунда қўшма гапларнинг алоҳида варианты ҳақида эмас, балки боғловчиларнинг мавқеи ҳақида фикр юритиш керак бўлади.

Қиёсланг: Одам била шайтон мухолафатин унутма, ота душманин ўзунгга дўст тутма (МҚ 91) – боғловчи иштирок этмаган гап.

Ул ики била висол сармоясидин ғани бўлдум ва бу ики била фироқ бесармоялиғидин мустағни (МШ 145) – боғловчи иштирок этган гап.

Яна боғловчисиз қўшма гаплар хусусида фикр юритилганда, улар “... боғланган ёки эргаш гапли қўшма гапларнинг боғловчисиз варианты эмас, балки алоҳида қўшма гап туридир. Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари орасига тенг ёки тобе боғловчини киритиб

бўлмайди. Бундай боғловчи бирор ўринда киритилса, бутун гап қурилмаси ўзгаради, мақсад тўлиқ ифодаланмай қолади...” деган фикрлар айтилади (Абдурахмонов Ғ, 1996, 133). Бу фикрларни Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлаккли қўшма гаплар тасдиқламайди, бунга юқорида келтирилган мисол яққол далилдир.

Боғловчисиз қўшма гаплар ҳақида юқоридаги фикрларни баён қилган Ғ.Абдурахмонов ҳам боғловчилар қўшма гапларда унчалик муҳим восита эмас, деган фикрни айтади: “... боғловчисиз қўшма гап қисмларини бириктиришда айрим сўзларнинг қўлланиши, умумий иккинчи даражали бўлакларнинг бўлиши, маълум гап бўлакларининг ҳар икки қисм таркибида такрорланиши, олмош ва мавҳум маъноли сўзларнинг қўлланиши ҳамда қисмларнинг кесимларнинг ўзаро замон, мазмун муносабати боғловчисиз қўшма гапни тузишда ва маълум мазмуннинг ифодаланишида восита бўлади. Шунинг учун ҳам бу хил қўшма гапларга нисбатан боғловчисиз атамасини қўллаш шартли бўлиб қолади...” (Абдурахмонов Ғ, 1996, 133).

Айнан ушбу фикрларни боғловчилар иштирок этган гапларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Юқорида боғловчилар иштирок этган гапларнинг семантик боғланишини кўриб ўтди. Энди айнан боғловчилар иштирок этмаган гаплар семантикаси хусусида сўз юритамиз.

Навоий асарларидаги боғловчисиз қўшма гаплар таҳлили шуни кўрсатадики, содда гапларни бир-бирига боғлашда предикатлар оҳангдошлиги (сажъ) алоҳида ўрин тутади: Одам била шайтон мухолафатин унутма, ота душманин ўзунгга дўст тутма (МҚ 81).

Анъанавий тилшунослиқда боғловчисиз қўшма гаплар маъно муносабатига кўра қуйидагича гуруҳланади:

1. Пайт муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
2. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
3. Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. (Абдурахмонов Ғ, 1996, 133).

Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги мисоллар айни бир пайтда, зидланиш, қиёслаш, шарт, сабаб-натижа, ўхшатиш муносабатини ифодаловчи бир бош бўлаккли боғловчисиз қўшма гапларни фарқлаш имкониятини берди. Қуйида боғловчисиз қўшма гапларнинг маъно муносабатига кўра турларини тавсиф қилишга ўтамиз.

Айни бир пайт муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларда денотатив воқеалар бир пайтда ёки кетма-кет содир бўлади. Мисолларга мурожат қилайлик: Бу тўрт девон овозасин рубъи маскунга еткурубмен, “Хамса” панжасиға панжа урубмен (МЛ 120). Мазкур мисолдаги денотатлар бирин-кетин содир бўлмоқда. Биринчи денотат (бу тўрт девон овозасини рубъи маскунга еткурубмен)нинг тугаши билан иккинчи денотат (“Хамса” панжасиға панжа урубмен) содир бўлмоқда. Бу гаплар орасида мустаҳкам ички боғланиш мавжуд. Иккинчи денотатнинг юзага келиши биринчи денотатнинг бажарилиши билан боғлиқ. Гапларнинг позицион жойлашиши ҳам қатъий: биринчи денотатни иккинчи ўринга ўтказиб бўлмайди. Демак, семантик жиҳатдан иккинчи денотат биринчи денотатни ўзига тобелаштириб келмоқда. Биринчи денотат иккинчи денотатнинг бажарилиш пайтини билдирган. Юқорида таъкидланганидек, предикатлар оҳангдошлиги содда гапларнинг боғланишига муҳим восита бўлмоқда.

Яна бир мисол: Булбул била Гул ва Шамъ била Парвона орасида мунозара битибдур, анда кўб диққат кўргузубтур (МН 18). Ушбу мисолда денотатлар ўзаро пайт муносабатидан

ташқари, изоҳлаш муносабати орқали ҳам боғланган. Иккинчи денотат биринчи денотатни изоҳлаб ҳам келмоқда, яъни мисолда “Булбул била Гул” ва “Шам била Парвона” номли сермазмун, мукаммал асарлар ёзди деган тағбилим мавжуд. Денотатларнинг ўзаро семантик боғланишида баъзи лексик элементларнинг (мунозара – анда) ҳам муҳим аҳамияти бор. Биринчи денотат таркибидаги мунозара лексик элементи иккинчи денотат таркибидаги анда лексик элементи орқали ифодаланган. Уларнинг жойлашиш тартиби ҳам қатъий, ўзаро ўрин алмаштириб бўлмайди, чунки иккинчи денотатнинг юзага келишига биринчи денотат сабаб бўлмоқда.

Зидланиш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. Денотатлар ўзаро пайт муносабати билан бирга, зидланиш муносабати орқали ҳам боғланиши мумкин. Мисол: Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздим, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим (МҚ 85). Мисолдаги зидланиш икки хил шакл – ҳам лексик, ҳам морфологик шакл орқали ифодаланган. Биринчи денотатдаги бир вафо лексик элементи иккинчи денотатдаги юз бевафолиғ лексик элементи билан, предикатлар бўлишли-бўлишсизлик (кўргуздим – қутулмадим) муносабати билан оппозицияга киришган. Денотатларнинг жойлашиши ҳам қатъий, иккинчи денотатнинг бажарилиши биринчи денотатни тақозо этмоқда. Яна бир мисол: Бовужудким, Самарқанднинг аълами уламси эрди, шеър ва муаммоға дағи мойил эрди (МН 32).

Ҳар иккала гапнинг предикати шаклан от кесим орқали ифодаланган. Иккала денотатда ҳам субъектга хос бўлган хусусиятлар ифодаланмоқда, яъни биринчи денотатда субъектнинг мансаби ифодаланаётган бўлса, иккинчи денотатда субъект фаолияти изоҳланмоқда. Денотатларнинг жойлашиши эркин, уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин. Уларнинг семантик боғланишида дағи лексик элементи муҳим роль ўйнамоқда. Дағи лексемаси иккинчи денотат билан биринчи денотатнинг семантик алоқасини таъмин этмоқда.

Дағи лексемаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да “такроран, қайтадан, янгидан, яна, бундан ташқари, бунинг устига” каби маъноларни англатиши айтилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981, 482). Демак, дағи – яна фикрнинг хали тугалланмаганлигини, иккинчи денотат биринчи денотатнинг мантиқий давоми эканлигини англатган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, дағи лексемаси иштирок этган боғловчисиз қўшма гапларда мустақам семантик боғланиш мавжуд бўлади.

Навий асарларида равишдош шакли мустақил предикат бўлиб кела олган: Номус дасторин бошидин олиб, бир журъа учун майфуруш аёғига солиб (МҚ 35). Ушбу мисолда ҳам пайт мазмуни билан бир қаторда, сабаб-натижа мазмуни ҳам ифодаланган. Биринчи денотат (Номус дасторин бошидин олиб) сабаб-воқеани, иккинчи денотат (Бир журъа учун майфуруш аёғига солиб) натижа воқеани ифодалаган. Мантиқан олиб қаралганда, ор-номус, ҳаёни унутган инсон ҳар қандай пасткашликларга, тубанликларга бориб етиши мумкин. Демак, бундай иллатларнинг сабабчиси номуссизлик. Денотатларнинг жойлашиш позицияси ҳам турғун, уларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди.

Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. Бундай қўшма гаплар таркибидаги денотатив воқеалар бир-бирига қиёсланади. Бу қиёсланиш орқали икки денотат ўртасидаги ўхшаш, фарқли томонларни кўрсатиш ёки қўшимча маъно ифодалашдир. Мисол: Тилаб берганни ҳам саҳодин йироқ бил, ибром била бергандин бермаганни яхшироқ бил (МҚ 112). Мисолдаги икки лексема (тилаб беришлик ва ибром била беришлик) семантикаси ўзаро қиёсланмоқда, яъни сўрагандан сўнг беришлик ҳам “ибром” (қистаб туриб олиш билан беришлик) ҳам саҳийликдан йироқ бўлган нарсалар. Иккала ту-

шунча ўзаро қиёсланган ҳолда инсон мана шундай хислатлардан йироқ бўлиш лозимлиги уқтирилади. Бировдан бирор нарса сўраб олинганда ёки қисташ орқали олинганда, турли норозилик, келишмовчилик келиб чиқади. Аввало, сўрагунча бировга бир нарса бермаслик, хасисликмардлар иши эмас. Демак, ушбу мисол асосида “Доно ҳеч қачон нодон саховатига муҳтож бўлмасин” деган тагтаълим мавжуд. Яна бир мисол: Бирта ўтмакни икки бўлуб ярмини бир очға берганни сахий де, ўзи емай барини муҳтожға берганни ахий де (МҚ 162). Мазкур мисолда ҳам икки денотатив воқеа ўзаро қиёсланмоқда. Гапларнинг семантик боғланишида ярмини – барини, оч – муҳтожға, сахий – ахий лексемалари муҳим роль ўйнаган. Бир майизни икки бўлиб, ярмини оч қолган кишига берган инсон сахий, саховатли ҳисобланса, ўзи емасдан ҳаммасини муҳтож одамга берган янада сахийроқ, саховатли инсон экан. Асосий семантик муносабат ярмини беришлик – барини беришлик оппозицияси орқали реаллашган. Демак, мисолда ярмини беришлик лексик бирикмаси билан барини беришлик лексик бирикмаси ўзаро қиёсланмоқда.

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: Фосиқдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама (МҚ 80). Ушбу гапларнинг фосиқ – золим, ҳаё – вафо лексемалари муносабати орқали боғланган. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, фосиқ (ёлғон сўзлар айтувчи, фисқ-фасод гаплар кўзғовчи), золим (ўзгаларга зулм ўтказувчи) шахслар салбий характерли тоифага киритилади. Бу лексемалар ҳаё, вафо лексемалари билан семантик жиҳатдан боғлана олмайди. Чунки Фосиқ одамдан шарм-ҳаё, уят, ибо, золим инсондан меҳр-вафо кутиб бўлмайди. Уларда бу каби хусусиятлар бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур гапларнинг предикати инкор шаклда ифодаланган.

Қуйидаги мисолда ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин: Томеъдин карам тилама, гадодин дирам тилама (МҚ 70). Ушбу мисолда ҳам “Томеъ – таъма қилувчи – гадо” лексемалари ўзаро қиёсланмоқда. Томеъ – тамагирлар бировга озгина ёрдами, фойдаси тегса, бирор нарса талаб қиладилар, ҳар бир хатти-ҳаракатини пул, мол-дунё билан ўлчайдилар. Бундай шахслар савоб, одамийлик нуқтаи назаридан яхшилик, саховат қилиш керак, деган хаёлни қилмайдилар, шунинг учун улардан саховат кутиб бўлмайди. Гадо эса тиланчилик билан, бировларнинг садақаси эвазига ҳаёт кечиради. Садақа сўровчидан бирор нарса сўраб бўлмайди. Тамагир шахслар қанчалик бой-бадавлат бўлмасин, инсонларга ёрдам кўрсатмас экан, улар гадодан ҳам баттароқдир. Лекин томеъ ва гадо лексемалари унчалик бир-бирига яқин тушунчалар эмас. Чунки томеъ лексемаси салбий тоифадаги кишиларга нисбатан қўлланади, гадо лексемасида эса салбийлик семаси йўқ. Демак, аввалги мисолда бир-бирига яқин тушунчалар (фосиқ – золим) муносабатга киришган бўлса, мазкур мисолда семантик жиҳатдан турлича лексемалар (томеъ – гадо) муносабати ифодаланган.

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама (МҚ 83). Мазкур мисолда бир-бирига зид лексик бирикмалар (айтур сўз – айтмас сўз) ўзаро қиёсланмоқда. Демак, вақти келганда айтадиган сўзни айтиш керак, айтиш керак бўлмаган сўзни умуман айтмаслик лозим.

Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар. Бундай қўшма гаплар ҳақида фикр юритар экан, Ғ. Абдурахмонов шундай ёзади: Боғловчисиз қўшма гапларнинг айрим турларида қўшма гапларнинг таркибидаги бир қисмдан англашилган воқеа, ҳодиса иккинчи гапдан англашилган воқеа, ҳодисага боғлиқ бўлади, бир қисм иккинчисини ёки унинг таркибидаги айрим бўлақларни изоҳлаб, тўлдириб келади. Бундай боғловчисиз қўшма гапнинг таркибидани қисмлар бир-бирига мазмунан боғлиқ бўлиб,

ораларидаги мазмун муносабат яқин бўлади. Боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган қисмлар орасидаги мураккаб мазмун муносабати айниқса изоҳлаш муносабатида яққол кўринади (Абдурахмонов Ғ., 1996, 143). Бу фикрлар жуда ўринли, албатта. Лекин мураккаб мазмун муносабати фақат бундай тин гапларда эмас, умуман, ҳар қандай қўшма гапларда ифодаланиши юқорида мисоллар асосида айтиб ўтилди.

Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гапларда қуйидаги мазмун муносабатлари ифодаланган:

1. Шарт-натижа муносабати: Ҳар кимгаки бир хизмат қилдинг – ўн шиддатга муҳайё турмоқ керак (МҚ 49). Ушбу мисолда биринчи денотатив шарт воқеани ифодалаган, иккинчи денотатга семантик жиҳатдан тобе ҳисобланади. Бу гап –са шаклий воситали шарт эргаш гапли қўшма гапга синоним бўла олади. Ҳар кимгаки бир хизмат қилдинг – ўн шиддатга муҳайё турмоқ керак – ҳар кимгаки бир хизмат қилсанг, ўн шиддатга муҳайё турмоқ керак. Худди шу ҳолат ҳам содда гапларни боғловчи шаклий воситалар иккиламчи эканлигини кўрсатади. Бундай гаплар ҳақида айтилган қуйидаги фикрлар ҳам мазкур мулоҳазамизни тасдиқлайди: “Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қўшма гап таркибидаги содда гаплар бирикиш муносабатини; олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қўшма гап таркибидаги содда гаплар зидлов муносабатини ифодаловчи воқеа-ҳодисани билдирган. Шунинг учун олдинги тўртта қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига бириктирув боғловчисини, кейинги учта қўшма гап орасига зидлов боғловчисини қўйиб ишлатиш мумкин” (Асқарова М., Абдуллаев Й., Омилхонова М., 1997, 151). Эргашган қўшма гаплар хусусида ҳам шундай фикрлар айтилади: “Келтирилган мисолларнинг биринчи, учинчи ва бешинчисида сабаб мазмуни ифодалангани учун чунки, шунинг учун боғовчиларини қўллаб, сабаб эргаш гапли қўшма гап ҳосил қилиш мумкин. Иккинчи ва еттинчи гапда эса ўхшатиш мазмуни ифодаланганидан гўё ёрдамчисини қўллаб, ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапни ҳосил қилиш мумкин” (Асқарова М., Абдуллаев Й., Омилхонова М., 1997, 172).

Демак, боғловчи воситаларини ишлатиб ҳам, олиб ташлаб ҳам боғловчисиз қўшма гапларни қўллаш мумкин экан, уларнинг гапдаги тутган ўрни унчалик муҳим эмас.

2. Сабаб-натижа муносабати: Тилинг била кўнгулни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтқон сўзга бут (МҚ 163). Ушбу мисолда биринчи денотат сабаб воқеани иккинчи денотат натижа воқеани ифодаламоқда. Гапларнинг ўзаро мазмуний боғланишини тил, кўнгул, бир лексик элементлари таъминламоқда. Мазкур содда гаплар орасига ҳам чунки шаклий воситасини қўйиш мумкин.

3. Ўхшатиш муносабати: Нафсни тақво риёзати била зеридаст қилдилар – шайтонни залиллик била ерга паст қилдилар (МҚ 81). Мисолда “Нафсни тақво риёзати била зеридаст қилишлик” “Шайтонни залиллик била ерга паст қилиш”га ўхшатишмоқда. Денотатлар таркибидаги лексик элементлар оппозицияси (нафсни – шайтонни, тақво риёзат била – залиллик била, зеридаст қилдилар – ерга паст қилдилар) зич мазмуний боғланишни таъминлаган.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

1. Ўзбек тили тарихи, хусусан, Алишер Навоий насрий асарлари фактлари шуни кўрсатадики, синтаксисда кесим марказли бир бош бўлакли қўшма гап деган синтактик категорияни фарқлаш эҳтиёжи мавжуд. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бундай терминдан фойдаланмаган ҳолда ҳам шу ҳодисага ихтиёр-беихтиёр синтаксисга оид ишларда у ёки бу даражада

мурожаат қилиб келинмоқда. Эндиликда бу ҳодисани ўз номи билан аташ ва уни илмий таҳлилга олиб кириш вақти етди.

2. Кесим марказли бир бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний парадигмаси уни айна субъектли ва турли субъектли қўшма гаплар қолипида Алишер Навоий насрий асарларида амалда бўлган.

3. Икки бош бўлакли гапларда бўлгани сингари бир бош бўлакли гапларда ҳам қўшма гаплар боғловчисиз ҳамда боғловчили шаклий парадигмага эга.

4. Бир бош бўлакли қўшма гапларни имплицит эганинг мазмунига кўра айна субъектли ва турли субъектли турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

5. Бир бош бўлакли қўшма гаплар шаклий ва мазмуний хусусиятлари (денотат ва модуснинг ифодаланиши)га кўра икки бош бўлакли қўшма гапларга ўхшаш ҳодисалардир.

6. Бир бош бўлакли қўшма гаплар мазмуний муносабатларини белгилашда оппозитив воситаларнинг ўрни ўта аҳамиятлидир. Ўзбек тилшунослигида қўшма гаплар синтаксиси ва семантикаси ўрганилар экан, бундай мазмуний муносабатларни белгилашда оппозитив воситалар ҳақидаги назарий тушунчалардан фойдаланиш зарур.

7. Алишер Навоий насрий асарлари бир бош бўлакли қўшма гаплар синтаксиси фактлари шуни тасдиқлайдики, қўшма гапларни боғлашда қатнашадиган боғловчиларнинг функциясига қайта баҳо бериш лозим ва қўшма гаплар мазмуний планда қайта тасниф қилишга муҳтож.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

Алишер Навоий такрорланмас сўз санъаткори сифатида Шарқ оламида улкан из қолдирди ва унинг мероси жаҳон илм-фан захматкашларининг диққат-эътиборидан тушмай келмоқда. Унинг ижоди фонетик, лексик ва морфологик жиҳатлардан кенг миқёсда ўрганилган бўлса, унинг синтаксиси фақат содда гап сатҳидагина тадқиқ қилинди. Ушбу диссертацион иш ҳам ўша бўшлиқни маълум қадар тўлдириш вазифасини ўтайди.

Улуғ адиб насрий асарлари ўзбек (туркий) тилнинг барча синтактик имкониятларини рўёбга чиқарган бойлик сифатида баҳоланмоғи ва бу манба ҳамон илмий тадқиқот ишларига асос бўлиб хизмат қилмоғи керак.

Бир бош бўлакли гаплар ўзбек тилшунослигида илмий жиҳатдан ўрганилган, лекин ўзбек тилининг тарихий синтаксиси бундай тадқиқотларга муҳтожлик сезар эди. Диссертацион ишда бир бош бўлакли гаплар ҳам тарихий-қиёсий, ҳам назарий жиҳатдан ўз талқинини топди.

Алишер Навоий насрий асарлари мисолида бир бош бўлакли гапларни ўрганиш қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш имконини беради.

1. Синтаксис тилшуносликнинг нисбатан кам ўзгарувчан соҳаси ҳисобланади. XI–XII асрларда қўлланган синтактик қолипларнинг ҳозирда ҳам қўлланилиши бунинг ёрқин мисолидир. Бу жиҳатдан Навоий асарлари синтаксиси ҳам ҳозирги ўзбек тили синтактик хусусиятларга кўп жиҳатлардан ўхшаш бўлиши табиийдир, шунга қарамасдан эски ўзбек тили, хусусан, Алишер Навоий насрий асарлари синтактик қурилишининг бир бош бўлакли гаплар мисолида ўзига хос хусусиятларини кузатиш мумкин. Булар бир бош бўлакли гаплар

нинг, айниқса, шахси маълум гапнинг уюшиб келиши, бир бош бўлакли гапларнинг қўшма гап шаклига эга бўлиши, уларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятларида кўзга ташланади.

2. Ҳар бир ҳодисани, шу жумладан, ўзбек тили синтаксисини қиёсий-тарихий планда ўрганишда анъанавий тилшунослик ютуқларини эътиборга олиш тарихий грамматиканинг зарурий шартидир. Шу маънода “шахс” тушунчаси билан боғлиқ бир бош бўлакли гаплар билан боғлиқ термин ва тушунчалардан илмий таҳлилда фойдаланиш ўз қиммати-ни сақлаб қолади.

3. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида шакл ва мазмун бирлиги қонунияти амал қилади. Бу қонуният тилшуносликка ҳам тааллуқли, яъни шаклини мазмундан, мазмунни шаклдан айрича қилиш мумкин эмас. Ишда таъкидланганидек гапларнинг шаклий тузилиши ўзоқ йиллардан буён чуқур тадқиқ қилинган. Алишер Навоий насрий асарлари ва ҳозирги ўзбек тили (Саидова М., 1996) бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, келгусида бир бош бўлакли гаплар семантик планда жиддий ўрганилиши лозим.

4. Бир бош бўлакли гаплар нутқ шакли сифатида икки бош бўлакли гапларнинг тежамлиликка асосланган варианты деб қараш лозим.

5. Кесим марказли бир бош бўлақларни умумий ахборотли-коммуникатив гаплардан (атов, сўз-гап ва бошқалар) таркибий ва мазмуний хусусиятларига кўра “шахс” сўзи боғлиқ бўлган таснифдан фойдаланиб туриш мумкин.

6. Бир бош бўлакли гапларнинг структура хусусиятига кўра тасниф қилинишида “шахси маълум гаплар”ни бу сирадан чиқариб ташлаш ўринсиздир. Гапларни семантик хусусиятларига кўра бир бош бўлакли, икки бош бўлакли гап тарзида тасниф қилиш мантиққа тўғри келмайди.

7. Бир бош бўлакли гаплар икки бош бўлакли гапларнинг семантик варианты экан, уларни ҳам содда гап ва қўшма гап сатҳида тадқиқ қилиш мумкин.

8. Бир бош бўлакли содда гапларнинг шаклий ва мазмуний парадигмаси Алишер Навоий тили ва ҳозирги ўзбек тили ўртасида фарқланиш камлигини кўрсатади. Фақат бир бош бўлакли содда гапнинг от кесими функциясида сон, олмош, ундов ва тақлидий сўзларнинг қатнашмаслиги билан Алишер Навоий насрий асарлари фарқланиб туради. Бу ҳам бўлса, Алишер Навоий даврида от кесимларнинг услубий чегараланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Алишер Навоий насрий асарларидаги содда гапларнинг шаклий парадигмасида форсий қолипдаги сўз шакллариининг қўлланилиши ҳам характерлидир.

9. Бир бош бўлакли қўшма гап тушунчаси ва терминининг фанда қўлланилиши ўзининг илмий асосига эга. Бир бош бўлакли қўшма гаплар икки бош бўлакли қўшма гап каби боғланган қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап типларига эга. Бир бош бўлакли қўшма гапларнинг маъно компонентларини боғлашда Алишер Навоий насрий асарларида ва, аммо, чун, ва лекин боғловчиларининг функциялари ҳозирги ўзбек тилига нисбатан кенгдир.

10. Бир бош бўлакли қўшма гапларни тасниф қилиш ва семантик муносабатларини белгилашда имплицит эганинг мазмунига кўра айни субъектли ва турли субъектли гаплар тушунчаси қўл келади ва шу туфайли ҳам айни бир эга тасаввур қилинадиган кесим марказли бир бош бўлакли гапларни қўшма гап деб расмийлаштириш имкони юзага чиқади.

11. Бир бош бўлакли қўшма гапларнинг семантик муносабатларини, яъни мазмуний алоқадорлигини белгилашда оппозитив воситаларни ўрни муҳимдир. Бундай оппозитив воситалар лексик воситалар, сўз бирикмалари ва гап қолипида бўлиши кузатилди.

12. Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлакли қўшма гаплар таҳлили шуни кўрсатадики, қайси тип қўшма гапларда бўлмасин, боғловчиларнинг қўлланишини қайта кўриб чиқиш ва унинг модал функция бажаришини қонунийлаштириш вазифасини кун тартибига қўяди. Бинобарин, қўшма гапларнинг ўзаро муносабатида семантик боғланишнинг етакчи эканлигини таъкидлаган бўлар эдик.

13. Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлакли гапларнинг қўлланилиши унинг ўзига хослигини англатгани ҳолда XV аср насрининг нормасини ҳам акс эттиради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. 32 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1987. – 86 б.
4. Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? – Т.: Фан, 1974. – 76 б.
5. Абдуллаев Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида бошқарув. – Т.: Фан, 1982. – 140 б.
6. Абдуллаев Ф., Юсупов М. Эски ўзбек тилида форс-тожик ва арабча изофалар қўлланилишининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 1.
7. Абдуллаева Д.Т. Мазмуний субъект ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: 2001. – 25 б.
8. Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: 1998. – 23 б.
9. Абдурахманов Г. Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. – Т.: АН УзССР, 1960. –126 с.
10. Абдурахмонов Ғ. Бир составли гапларнинг турлари // Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: II. Фан, 1966.
11. Абдурахмонов Г. Исследование по старотюркскому синтаксису (XI в.). – М.: Наука, 1967. –210 с.
12. Абдурахмонов Ғ. Қадимги туркий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 168 б.
13. Абдурахмонов Г. Синтаксис осложненного предложения (к некоторым спорным вопросам синтаксиса тюркских языков)// Структура и история тюркских языков. – М.: 1971. – С.138-148.
14. Абдурахмонов Ғ. Тарихий синтаксис. – Т.: Фан, 1974. – 196 б.
15. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 244 б.
16. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили синтаксисида мураккаб гаплар масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т.: 1962. –№3.
17. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1984.
18. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Морфология ва синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 320 б.
19. Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Т.: Фан, 1971. – 184 б.
20. Абдусаматов М. Форс тили. – Т.: Ўқитувчи, 1971. – 424 б.
21. Абражеев А.И. “Сложные предложения (гипотаксис) в прозе “Кисасул анбиё”// Труды Узбекского государственного университета. Самарканд, 1957. – Вып. 73. – С. 125–137.

22. Абражеев А.И. “Сложные предложения в “Муҳокаматул лугатайн” Алишера Навои // Труды Узбекского государственного университета. Самарканд. 1959. Вып. 95. – С. 151–169.
23. Абузалова М.Қ. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиши қолипи ва унинг нутқда воқеланиши: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Т.: 1994. – 21 б.
24. Авезов М. Придаточное предложение времени и его структура в современном каракалпакском языке: Автореф.дис...канд. филол.наук. – Т.: – с. 27.
25. Адмони В.Г. Сложносоставное предложение в тюркских языках // Советская тюркология. – 1982. – № 3. – С. 30 – 37.
26. Акимова Г.А. Новое в синтаксисе современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1990. – 166 с.
27. Акромов Т. Ҳозирги ўзбек тилида от кесим: Филол.фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: 1967. – 23 б.
28. Ализаде Фитрат Фируз угли. Актуальное членение предложения в современном азербайджанском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1990. – 24 с.
29. Аманжолов А.С. Глагольное управление в языке древнетюркских памятников. – М.: Наука, 1969.
30. Амантурдыев Дж. Структурные типы сказуемого простого предложения в современном узбекском языке: Автореф.дис. ...канд. филол.наук. – Т.: 1965. – 22 с.
31. Асқарова М. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. – Т.: Фан, 1966. – 345 б.
32. Аскарлова М.А. К критериям придаточных предложений в современном узбекском языке // Структура и история тюркских языков. – М.: 1971. – С. 148–156.
33. Ахматов Х. Полипредикативные конструкции с субъектными оборотами в тюркских языках // Советская тюркология. – Баку, 1988. №2. – С. 24–31.
34. Аҳмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Т.: Фан, 1979. – 172 б.
35. Аширбоев С. Алишер Навоий прозасида синтактик тавтология//Тилшуносликнинг долзарб муаммолари. – Т.: 2002. – Б. 82–83.
36. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларида мураккаблашган содда гаплар. – Т.: 1993. – 70 б.
37. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг маъно ва таркибий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри... дис. – Т.: 1990. – 330 б.
38. Бабайцева В.В. Односоставные предложения в современном русском языке. –М.: Просвещение, 1968. – с. 160.
39. Бабайцева В.В., Максимов Л.Ю. Современный русский язык: Синтаксис, пунктуация. – М.: Просвещение, 1981. – 101 С.
40. Базаров О.О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Фарғона, 2004. – 23 б.
41. Балакаев М. Б. Современный казахский язык. Синтаксис. – Алма-Ата: 1959. – 235 с.
42. Баскаков Н.А. Историко-типологическая характеристика структуры тюркских языков. – М.: Наука, 1975. – 287 с.
43. Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 191 б.
44. Белошапкина В.А. Современный русский язык. Синтаксис. – М.: Высшая школа, 1977. – 267 б.
45. Бердалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-симидикатив парадигматика. – Т.: Фан, 1989. – 107 б.

46. Бобоева А. Ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз гаплар. – Т.: Фан, 1978. – 104 б.
47. Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган гаплар. – Т.: Фан, 1969. – 174 б.
48. Борковский В.И., Кузнецов П.С. Историческая грамматика русского языка. – М.: Наука, 1965. – 555 с.
49. Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка // Алишер навои. – М.: 1946. – С. 3–11.
50. Боровков А. К., Маъруфов З., Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили. Синтаксис. – Т.: 1973. 132 б.
51. Бошмонов М. Ўзбек тилида детерминант бўлақлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1982. –№ 2. – Б. 41–45.
52. Валгина Н.С. Синтаксис современного русского литературного языка. – М., Высшая школа, 1991. – 431 б.
53. Гаджиев Т.М. Трансформация сложноподчиненного предложения в простое предложение: Автореф. дис. ... канд. филол.наук. – Баку, 1985. –23 с.
54. Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. – М.: Наука, 1973. – 301 с.
55. Гаджиева Н.З. Синтаксис сложноподчиненного предложения в Азербайджанском языке. – М.: Наука, 1963. – 220 б.
56. Гаджиева Н.З., Серебренников Б.А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков: Синтаксис. – М.: Наука, 1986. – 301 с.
57. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка: Синтаксис. – М.: Высшая школа, 1981. – с. 208.
58. Давлетов М. Структурные типы простого осложненного предложения в современном каракалпакском языке: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Нукус, 1989. – 42 с.
59. Дониёров Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 279–293.
60. Жаводов М.А. Ҳозирги озарбайжон тилида шахссиз гаплар. Баку: Азерб. Елмлар акад. Нашр., 1957. – 38 б.
61. Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка. – Казань: КГУ, 1963. – 464 с.
62. Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.: Наука, 1982. – 368 с.
63. Золотова Г.А. Очерки функционального синтаксиса русского языка. – М.: Наука, 1973. – 351 с.
64. Иванов С. Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. – Ленинград: КГУ, 1959. 151 – с.
65. Иванов С. Н. Родословное древно тюрок Абул Гази Хана. – Т.: Фан, 1969. – 203 с.
66. Исаева А. Жанама толықтауыш пен пысықтауыш туралы// Халық муғалімі. – Алма-Аты, 1954. № 5.
67. Казмин В.В. Предикативная единица и ее синтаксические функции в простом предложении. – Кубан: КПИ, 1983. – 36 с.
68. Ковтунова И.И. Современный русский язык/Порядок слов и актуальное членение предложения. – Москва: Просвещение, 1976. – 239 с.
69. Кольцова Л. М. Актуальное членение предложение и графические его оформления в поэтической речи: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Воронеж, 1984. – 18 с.
70. Кондратьев В.Г. Очерк грамматики древнетюркского языка. – Ленинград: ЛГУ, 1970. – 65 с.
71. Кордабаев Т.Р. Синтаксис казахского языка на материале XVI–XX веков. – Алма-Ата, 1967.

72. Мадаминов А. Сложные словосочетания предикативной модели в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1983. – 23 б.
73. Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – 662 б.
74. Мамадов Ҳ. “Маҳбул қулуб” даги баъзи бадий санъатлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1983, –№1. Б. 51-54.
75. Маматов М. Ш. Вторичный предикат, выраженный субстантивными формами в современном узбекском языке. – Т.: Фан, 1990. – 140 б.
76. Маскапов Б. Присоединительные конструкции в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1985. – 22 с.
77. Матгазиев А. Исследование по морфологии староузбекского языка: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Т.: 1979. –36 с.
78. Матғозиев А. Аниқловчи эргаш гаплар тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1970. – № 6. – Б. 16–17.
79. Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси. – Т.: Фан, 1998. – 262 б.
80. Маҳмудов Н. Эргаш гапларнинг табиати ва таснифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. – №3. – Б. 16–17.
81. Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 148 б.
82. Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. – Л.: Наука, 1978. –387 с.
83. Мирзэээдэ. Азэрбајчан дилинин тарихи морфолокијсы. – Баку: Маариф, 1962. – 168 с.
84. Мухамадиева М. Трансформационные члены предложения в современном узбекском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Т.: 1985. –22 с.
85. Мэһэррэмова Р., Чаһанкиров М. Азэрбајчан дилинин тарихи синтаксисина даир материаллар. – Баку: Азэрбајчан ССР Елмлар Академијасы нэширијаты, 1962. – 136 с.
86. Набиев М. Сложноподчиненные предложения усложненного типа в современном таджикском литературном языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Душанбе, 1979. – с. 26.
87. – Навоий асарлари луғати. 4 томлик. – Т.: 1983. Т.1 – 1983 – 782б., Т. 2 – 1983 – 642 б., Т.3 – 1984 – 622 б., Т.4 – 1985 – 636 б.
88. Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV – начала XVI в. – Т.: Фан, 1979. – 159 б.
89. Нартыев Н. Строй сложного предложения в современном туркменском языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Баку, 1984. – 289 с.
90. Нигматов Х.Г. О характере грамматического значения тюркских форм и категорий // Советская тюркология. – 1980. –№ 6. – С. 44–51.
91. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. – Т., Фан: 1989. – 190 с.
92. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К. М., Банару В.И., Махмудов Н. М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (тезисы формально-функционального исследования) // Советская тюркология. – 1984. – №5. – С. 3–10.
93. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К. М., Банару В.И., Халияров Х. Х., Махмудов Н. М., Нурманов А., Сайфуллаева Р.Р. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса (тезисы формально-функционального исследования) // Советская тюркология. – 1988. № 4.
94. Нурмаханова Э.Н. Туркі тілдерінің салыстырмалы грамматикасы. – Алматы: Мектеп, 1971. – 172 б.

95. Нурмонов А., Маҳмудов М. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
96. Нурмонов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1988, –№ 5. – Б. 23–24.
97. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т.: Фан, 1992. – 294 б.
98. Нурмонов А. Н. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Т.: ТДПИ, 1988. – 100 б.
99. Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек тилидаги содда гапларда кесимнинг структура жиҳатидан типлари: Филол.фанлари номзоди дис... автореф. – Т.: 1965. – 21 б.
100. Прияткина А.Ф. Русский язык. Синтаксис осложненного предложения. – М.: Высшая школа, 1991. – 175 с.
101. Расулов И. Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар. – Т.: Фан, 1973. – 236 б.
102. Раҳманов М. Синтаксические особенности языка газеты “Туркистон вилоятининг газети”: Автореф. дис...канд. филол. наук. – Т.: 1971. – 32 б.
103. Рустамов А. Алишер Навоийнинг “Махбубул кулуб” асаридаги эски ўзбек тилига хос баъзи бир синтактик хусусиятлар // Сборник научных трудов САГУ им. В.И. Ленина. – Т.: 1958.
104. Рустамов Т. Соф кўмакчилар. – Т.: Фан, 1991. – 123 б.
105. Рустамов Т. Учун кўмакчиси // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Т.: Фан, 1977. – Б. 55–67.
106. Садыков Б. Функционирование вспомогательного глагола “бўл” в качестве связки в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1978. – 16 с.
107. Садыков А. Ш. Исторический синтаксис азербайджанского языка (на материале памятников прозы): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Баку, 1988. – 48 с.
108. Саидова М. Сравнительно-типологическое исследование односоставных предложения в русском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1996. – 21 с.
109. Сайтниязов А. Синтаксические особенности конструкций с прямой речью в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1975. – с. 21.
110. Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. – Т.: Фан, 1984. –126 с.
111. Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида кириш бўлак. – Т.: Фан, 1972. – 84 б.
112. Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988. – № 3. – Б. 21–26.
113. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини: Филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Т.: 1993. – 48 б.
114. Сайфуллаева Р. Эргашган кўшма гапнинг таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. –№3. Б. 21–26.
115. Сафаев А.С. Семантико-синтаксическое членение предложения в узбекском языке. – Самарканд: САГУ, 1958. – 80 с.
116. Семантические и коммуникативные категории текста. (Типология и функционирование). – Ереван: Университет, 1990. – 176 с.
117. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти: Синтаксис. II. – Т.: Фан, 1989. – 296 б.
118. Современный русский язык / Белошапкова В.А, Брызгунова Е.А., Земская Е.А. и др.; Под ред.В.А. Белошапковой. – М., Высшая школа, 1989. –799 с.
119. Солихўжаева С. Пайт эргаш гапли кўшма гаплар тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. Ж. – Т.: 1988. №2. – Б. 14.
120. Султонов А. Шарт майли формаси бош маъносининг келиб чиқиши // Ўзбек тили ва адабиёти. Ж. – Т.: 1973. – №2. – Б. 31–34.

121. Тожиев О. Ўзбек тилида от предикатли гапларнинг мазмуний ва шаклий тузилиши: Филол.фанлари номзоди ...дис.автореф. – Т.: 1995. – 30 б.
122. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тилида киритма конструкциялар. – Т.: Фан, 1976. – 119 б.
123. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 262 б.
124. Убаева Ф. Ҳол ва тўлдирувчининг чегараси масаласи // Ўзбек филологияси масалалари тўплами // ТошДУ илмий асарлари. – Т.: 1970. – Б. 84–91.
125. Убаева Ф. Ҳол категорияси. – Т.: Фан, 1971. – 148 б.
126. Умарова Н. Алишер Навоий ғазаллари мақтасида сабаб ва оқибат муносабатларининг ифодаланиши: Филол. фанлари номзоди. ...дис.автореф. – Т.: 2005. – 23 б.
127. Ушинский К. Д. Таълим ва тарбия масалалари. – Т.: Ўқитувчи, 1959. – 399 б.
128. Фарҳанги забони тоҷики. Т. 2. М.: Советская энциклопедия, 1969. – 549 с.
129. Фозилов Э.И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. – Т.: Фан, 1969. – 87 б.
130. Форсча ўзбекча ўқув луғати. – Т.: 1975, – 200 б.
131. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. – Новосибирск. Наука, 1987. – 197 с.
132. Шмелева Т.В. Пропозиция и её репрезентация в предложении// Вопросы русск. языкознания. 1980. Вып. 3. – М.: – С. 131–138.
133. Шукуров Ш. Ўзбек тили тарихининг ўрганилиши// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1982, – № 5. – Б. 36–41.
134. Шчербак А. М. Грамматика староузбекского языка. – М.:–Ленинград. АН СССР, 1962. – 274 с.
135. Юсупов М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Навои: Дис. ...канд. филол. наук. – Т.: 1984. – 21 б.
136. Ўзбек тили грамматикаси: II том. Синтаксис. – Т.: Фан, 1976. – 560 б.
137. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили, 1981. – Б. 631–715.
138. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Т.: Фан, 1974. – 148 б.
139. Қурбонова М. М. Ўзбек тилшунослигида форма-функционал йўналиш ва содда гап қурилиши талқини: Филол. фан. докт. дис. Автореферати. – Т.: 2001. – 51 б.
140. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – 256 б.
141. Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позицион масалалари. – Т., Фан, 1984. – 159 б.
142. Ҳамидов З. Луғатшунослик тарихи ва қўлёзма луғатлар. – Т.: Адолат, 2004. – 36 б.
143. Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл. – Т.: Фан, 1970.
144. Ҳожиёв А., Маҳмудов Н. Семантика ва синтактик позиция// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1983, – № 2. – Б. 29–33.
145. Ҳожиёв А., Султонов А. Шарт майли формаси бош маъносининг келиб чиқиши //Ўзбек тили ва адабиёти. Ж. –Т: 1973. –№2. – Б. 31–34.
146. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Синтаксис // Ғ. Абдурахмонов, А. Сулаймонова, Х. Холиёров, Ж. Омонтурдиев. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 320 б.
147. XIII–XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. – Т.: Фан, 1984. – 261 б.
148. XV–XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. – Т.: Фан, 1990. – 252 б.
149. XIII–XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. – Т.: Фан, 1986. – 288 б.

## ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

Кириш ..... 7

### **БИРИНЧИ БЎЛИМ**

#### **АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ ВА ЁЗМА АДАБИЙ ТИЛ МАСАЛАЛАРИ**

Навоий тилининг тарихий аталиши.....	10
Алишер Навоийнинг ёзма мероси.....	13
Алишер Навоий ишлатган ёзувлар уйғур хати.....	15
Навоийнинг уйғур хатида битилган ғазали.....	16
Ёзувнинг имло принциплари.....	19
Араб алифбоси негизидаги туркий ёзув.....	20
Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили юксалишидаги улуғ хизматлари.....	22
«Муҳокамат ул-луғатайн» асари.....	24

### **ИККИНЧИ БЎЛИМ**

#### **НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ТИЗИМИ УНЛИЛАР ТИЗИМИ**

Унлиларда йўғон / ингичкалик.....	35
Унлиларда лабланганлик / лабланмаганлик.....	36
Унлиларда чўзиқлик / қисқалик.....	37
Ўзлашган сўзлар унлисида чўзиқлик / қисқалик.....	39
Унлилар тизимининг фонетик тараққиёти.....	41
Навоий асарлари тилида сингармонизм.....	46
Ўзлашган сўзларда сингармонизмнинг таъсири.....	50
Ундошлар тизими.....	51
Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги айрим товушларнинг ифодаланиши.....	61
Ундошларнинг йўғон / ингичкалиги масаласи.....	63
Сонларда ундошларнинг иккиланиши.....	64
Товуш ўзгариш ҳодисалари.....	65

### **УЧИНЧИ БЎЛИМ**

#### **ЁЗУВ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МАТННИНГ ЎҚИЛИШИ МАСАЛАСИ СЎЗ, ҚЎШИМЧА ВА БИРИКМАЛАРНИНГ ЎҚИЛИШИ**

Туркийга ўзлашган изофа бирикмалар ва уларнинг ўқилиши.....	69
Боғловчиларнинг ёзилиши ва ўқилиши.....	71
«Абушқа» луғатида кечган изоҳлар ҳамда Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг ўқилиши ва англами.....	75
Луғатдаги фонетик ва семантик изоҳлар – Навоий асарларидаги сўзларни тўғри ўқиш ва маъносини англаш очқичидир.....	76

Араб ёзувидаги матнларни транскрипция ва транслитерацияга ўгириш .....	83
Илмий транскрипция .....	84
Илмий нашрларда ишлатиладиган техник белгилар.....	86
Навоий асарлари матнини илмий транскрипцияга ўгириш намунаси .....	87
Ялпи хулосалар.....	90
Китоб ёзиш жараёнида ишлатилган ёзма манбалар ва илмий асарлар.....	94

## ВАҲОБ РАҲМОНОВ

### МУМТОЗ СЎЗ БАДИИЯТИ

Навоий китоби узра мук тушиб... Навоий даҳоси .....	99
“Илк девон”дан “Хазойин ул-маоний”гача.....	104
“Хамса”нинг панд-насиҳат достони .....	110
Буюк меҳнатнома.....	114
Мажнунлик – ижтимоий фожиа.....	118
Жозибали ва фожиали саргузаштлар достони (ёки огоҳликка чорлов).....	120
Искандар ҳикматномаси .....	123
Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий .....	126
Буюк ижоднинг жон томирлари.....	131
“Бадоеъ ул-бидоя” девони ҳақида .....	134
Алишер Навоий кўнгил қўйган санам.....	138
Ғазал сурури .....	141
“Лисон ут-тайр” беш юз ёшда!.....	144
Даҳо абадияти .....	147
Сўз жаҳонгири.....	152
Жавоҳирлар шодаси .....	155
Алишер Навоийнинг буюк ихтироси.....	158
Миллат қони ва жони, унинг тили ва адабиётидадир.....	161
Нуктадонлик санъати.....	163
Ваҳ! Ваҳ! .....	166
“Эмас онсон бу майдон ичра турмоқ...” .....	167
Эртак муқаддимаси – фард нуктаси .....	169
Шеър – фикр математикаси .....	172
“Фарҳод ва Ширин” достонинг тожикча жаранги .....	173

**ИНОМЖОН АЗИМОВ**

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ  
АСАРЛАРИДА КЕСИМ МАРКАЗЛИ БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ  
ШАКЛИЙ ВА МАЗМУНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Кириш .....	180
Бир бош бўлакли гаплар ва тўлиқсиз гаплар.....	184

**I боб**

Кесим марказли бир бош бўлакли гаплар назариясига доир.....	186
Бир бош бўлакли гапларнинг Алишер Навоий асарларида акс этиши.....	190
Бир бош бўлакли гапларнинг қўшма гап таркибида қўлланилиши.....	193
Боб ЮЗАСИДАН ХУЛОСА.....	194

**II боб**

Кесим марказли бир бош бўлакли содда .....	196
гапларнинг шакл ва мазмун муносабати.....	196
Боб ЮЗАСИДАН хулосалар.....	202

**III боб**

Бир бош бўлакли қўшма гапларнинг шакл ва мазмун хусусиятлари .....	203
--	-----

**I бўлим**

Бир бош бўлакли боғланган қўшма гаплар.....	206
синтаксиси ва семантикаси.....	206

**II бўлим**

Бир бош бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар семантикаси .....	216
Турли субъектли бир таркибли эргашган қўшма гаплар семантикаси.....	219

**III бўлим**

Бир бош бўлакли боғловчисиз қўшма гаплар.....	222
синтаксиси ва семантикаси.....	222
Умумий хулоса.....	228
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	230

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

**Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги:** 30 жилдлик / Қосимжон Содиқов: Алишер навоий асарлари тилининг фонетикаси; Ваҳоб Раҳмонов: Мумтоз сўз бадиияти; Иномжон Азимов: Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бир бош бўлакчи гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. 240 бет.

**Ж.12:** Қосимжон Содиқов: Алишер навоий асарлари тилининг фонетикаси; Ваҳоб Раҳмонов: Мумтоз сўз бадиияти; Иномжон Азимов: Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бир бош бўлакчи гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари. 240 бет.

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978 9943 5123-5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2022

**Илмий нашр**

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ**

**ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК**

**Ўн иккинчи жилд**

**Қосимжон СОДИҚОВ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ**  
**ТИЛИНИНГ ФОНЕТИКАСИ**

**Ваҳоб РАҲМОНОВ**  
**МУМТОЗ СЎЗ БАДИИЯТИ**

**Иномжон АЗИМОВ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ**  
**АСАРЛАРИДА КЕСИМ МАРКАЗЛИ БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРНИНГ**  
**ШАКЛИЙ ВА МАЗМУНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*

Муҳаррир: *Одил Икром*

Мусахҳих: *Шохрўз Мўминзода*

Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*

Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*

Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АИ №247.

2013.02.10. да берилган.

2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84\*108<sup>1/16</sup>.  
Cambria гарнитураси. 15 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.